


АДАБИЁТ ФАНИДАН САВОЛ-ЖАВОБЛАР ТЎПЛАМИ

*5 МИНГ САВОЛГА
5 МИНГ ЖАВОБЛАР*

мактаб ўқувчилари ва абитуриентлар учун қўлланма



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2009

83

Адабиёт шинос-
лик

Ю 35539
1

Тузувчилар:


ЭРКАБОЕВА Наргиза Қурбоналиевна,
филология фанлари номзоди

Тақризчи:

С. РАФЪИДДИНОВ,
филология фанлари номзоди

А. ДЕҲҚОНОВ,

филология фанлари номзоди



ISBN 978-9943-08-440-7

© «Адабиёт фанидан савол-жавоблар тўплами». «Янги аср авлоди», 2009 йил

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ

«Кунтуғмиш» достони

1. Кунтуғмиш қайси вилоятнинг полвони эди? Ж: Дўрмон вилоятининг

2. «Кунтуғмиш» достонидаги Оппоқой ким? Ж: Кунтуғмишнинг синглиси

3. Кунтуғмиш неча ёшигача илм-ҳунар, касб-камолот қилди? Ж: 14 ёшигача

4. Кунтуғмиш 14 ёшидан кейин нималар билан шуғулланди? Ж: Қилич чопмоқ, милтиқ отмоқ, чиришбозлик, кўпкаритозлик, найзадастлик, гаровбастлик ишлари билан

5. Зангар подшосининг исми? Ж: Буврахон

6. Буврахон вазирларининг исми? Ж: Тоир ва Шоир вазир

7. Холбека қайси вазирнинг қизи? Ж: Шоир вазирнинг

8. Холмўмин қайси вазирнинг ўғли? Ж: Тоир вазирнинг

9. Холбека неча ёшдан ўтгандан кейин донғи қаерга етди? Ж: 14 ёшга, Доғистонга

10. Холбека совчиларга қандай шарт қўйди? Ж: Нард ўйини

11. «...деб айтса, олти ой зиндонда боқдираман, суягини тошга чақдираман, тириклай терисини шилдираман, ичига сомон тикдираман, икки кўзини ўяман, тепасига мойни қуяман». Нуқталар ўрнига қўйилган исмини топинг. Ж: Холбека

12. Холбека ва Кунтуғмиш тушларида бир-бирларининг нимасини алмаштирадилар? Ж: Узугини

13. Баҳрагул ким? Ж: Холбеканинг канизи

14. Ким суратини қоғозга солдириб, бир сандиқ тайёр қилиб, сиртини тилла билан қоплаб, бир тола сочини суратга ўраб, неча арз-долларни баён этиб дарёга ташлаган? Ж: Холбека

15. Кунтуғмиш кимнинг розилигини олиб Зангар элига жўнайди? Ж: Синглисининг

16. Бозорда одамлар нима учун турли ёққа қочиб кетди? Ж: Кунтуғмиш Холбекани одамлардан сўрагани учун

17. Кунтуғмиш қанча йўл юриб Зангар юртига келади? Ж: 3 ой

18. Кунтуғмиш Зангар юртида бозорда ким билан учрашади? Ж: Подшонинг қудаси билан

19. Кампир кимни Холбека деб Кунтуғмишга рўпара қилади? Ж: Замонгулни

20. Кунтуғмиш кимнинг қиёфасида Холбеканинг олдига боради? Ж: Баззозвачча қиёфасида

21. «Бир ўғлондир, мисли дарёдай тошган, Юзлари қизариб олмадай пишган, Олмоққа ҳар кимнинг ақли шошган. Қошда донолар сўздан адашган». Ушбу таъриф ким ҳақида? Ж: Кунтуғмиш ҳақида

22. Буврахон Холбека учун неча зинали ноғорахона қурдирган эди? Ж: 40 зинали

23. Подшо неча кун ноғорахонага чиқса ҳам Холбека чиқмайди? Ж: 3 кун

24. Буврахон Холбека кўшкка чиқмагандан кейин унинг олдига кимларни жўнатади? Ж: 200 жаллод, 400 мирғазабни

25. Холбека билан Кунтуғмиш жаллодлар эшикни бузиб киргач нима қилишади? Ж: Кўшкдан пастга ўзларини ташлашади

26. Холбека билан Кунтуғмиш Буврахондан қаерга яширинади? Ж: Кампирнинг гўсалахонасига

27. Мирғазаб қандай амалдор? Ж: Жазоловчи амалдор.

28. Мирохўр ким? Ж: Подшоҳ отбоқарлари бошлиғи, ўрта даражадаги амалдор

29. Сомонхонада Холбека билан Кунтуғмишни ким кўриб қолади? Ж: Замонқул

30. Холбека билан Кунтуғмишнинг сомонхонада эканлигини ким подшога айтади? Ж: Мирохўр

31. «Ирим деб мерганлар отмас ёлғизни», деганда Холбека нимани назарда тутган эди? Ж: Кунтуғмишнинг ёлғиз ўғил эканини

32. Подшо умарою уламоларидан маслаҳат сўраганида, улар Холбека билан Кунтуғмишга қандай жазо беришни маъқул кўришди? Ж: Туянинг терисига тикиб, асов байгалнинг думига тақиб ҳайдаб юборишни

33. Байтал Холбека билан Кунтуғмишни неча кун деганда саҳрога элтиб, улар тулупдан тушиб қолишди? Ж: Олти кун деганда

34. Холбека билан Кунтуғмиш тулупдан қандай чиқишди? Ж: Бир гала қузғунларнинг тулупни чўқиганлари учун

35. Холбека билан Кунтуғмиш қасрда яшашди? Ж: Саҳро ўртасидаги тоғда

36. Кунтуғмиш қияли чўққига нима учун чиқди? Ж: Яқин-атрофда одамларнинг дарагини топанман деб

37. Кунтуғмиш қияли чўққигача неча кун юрди? Ж: Уч кун

38. Ким Кунтуғмишни нон бераман деб булоқ бошида яшовчи аждарга қарши жангга йўллайди? Ж: Азбархўжа.

39. Ким Кунтуғмишни маст қилиб, кигизга ўраб, устидан тош босдириб қўяди? Ж: Азбархўжа

40. Ким Холбекани Буврахонга бериш учун йўлга чиқарди? Ж: Азбархўжа

41. Кунтуғмиш неча кундан кейин бостириб қўйилган тош тагидан чиқади? Ж: Бир кундан кейин

42. Кунтуғмиш неча кундан кейин Холбекани излаб қайси дарёга етади? Ж: Бир ҳафта деганда Тажан дарёсига

43. Азбархўжанинг лақаби нима? Ж: Алдархўжа

44. Кунтуғмиш ва Холбека қайси тоғда неча йил яшаган? Ж: Муғолтоғда 4 йил

45. Кунтуғмишнинг балиқ ютган боласини ким қутқаради? Ж: Олим сайёд
46. Олим сайёд қаерлик эди? Ж: Қатоғонлик
47. Кунтуғмишнинг бўри олиб қочган боласини кимлар топиб олади? Ж: Чўпонлар
48. Чўпонлар бўрини нима деб аташарди? Ж: Гуркибой
49. Кунтуғмишнинг бўри олиб қочган ўғлини нима деб аташган? Ж: Гуркибой
50. Кунтуғмишнинг балиқ ютган бир ўғлини нима деб аташади? Ж: Моҳибой
51. Буврахон Азбархўжани нима қилади? Ж: Зиндонга ташлайди
52. Буврахон Холбекани нима қилади? Ж: Холмўминга беради
53. Ота-онаси ҳақидаги хабарни чўпонлардан ким эшитиб қолади? Ж: Гуркибой
54. Гуркибой нима учун чўпонлардан қочиб кетади? Ж: Ухлаб қолганда бўрилар кўп қўйларни бўғизлаб кетгани учун
55. Моҳибой сайёдлардан нима учун қочиб кетди? Ж: Кабоб ва пуллари қиморда ўйнаб ютқазгани учун
56. Гуркибой ва Моҳибой Зангар шаҳрида кимнинг уйда хизматкор бўлиб ишлашади? Ж: Холмўмин ясовулнинг
57. Буврахон вафотидан кейин давлатқуши кимнинг бошига қўнади? Ж: Кунтуғмишнинг
58. Кунтуғмишнинг бошига давлатқуши неча марта қўнади? Ж: 3 марта
59. Кунтуғмиш подшо бўлгандан кейин амалдорларига қандай фармон чиқарди? Ж: Бир ҳафтадан жиловхонада истиқомат қилиб кетишни
60. Холбеканинг онаси эканлигини ким билиб қолади? Ж: Гуркибой
61. Болалар нега кечқурун ухламай чиқиши керак эди? Ж: Холмўмин подшо топшириғи билан бир ҳафта жиловхонада истиқомат қилгани кетгани учун

62. «Уйқуни бўза қочиради», деб ким айтади? Ж: Моҳибой
63. Холбека болаларни қаерда туриб кузатади? Ж: Томда
64. Холбека бўза ичиб маст бўлиб қолган қайси боланинг суҳбатидан уларнинг ўз фарзанди эканлигини билиб қолади? Ж: Гуркибойнинг
65. Холбека нима учун болаларини Зангар элидан чиқариб юборади? Ж: Отаси Кунтуғмишни топиб келиш учун
66. Болалар саккиз кунда қаерга етиб келади? Ж: Олатоғга
67. Болалар Олатоғда нима қилишади? Ж: Подшонинг йилқиларини ҳайдаб кетишади
68. Кунтуғмиш болаларни ўғри дея қандай жазога тайинлайди? Ж: Дорга осишни
69. Кунтуғмиш ўғриларнинг ўз фарзанди эканлигини қандай билиб қолади? Ж: Моҳибой ва Гуркибойнинг олдин мени ўлдининг дея, ота-онасининг исмини айтиб илтижо қилганидан сўнг
70. Кунтуғмиш кимни Зангарга подшо қилиб қайтади? Ж: Холмўминни
71. Ишқий дostonларнинг ўзига хос асосий белгисини айтинг. Ж: Бир-бирини кўрмаган одамлар ўртасида ғойибдан севги пайдо бўлиши

«Алпомиш» дostonи

1. «Алпомиш» қачондан бошлаб ўзбек фолклоршунослари томонидан ёзиб олиб келинади? Ж: 1922 йилдан.
2. «Алпомиш» дostonи бошқа дostonлардан қандай фарқланади? Ж: Муболағавийлик.
3. «Алпомиш» дostonи ким томонидан қачон ёзиб олинган? Ж: 1928 йилда Фозил Йўлдош ўғлидан Маҳмуд Зарипов ёзиб олган.
4. «Алпомиш» дostonининг қайси нусхаси бир неча тилларга таржима қилинган? Ж: 1928 йилда Фозил Йўлдош ўғлидан Маҳмуд Зарипов ёзиб олган нусхаси.

5. Алпомиш қаерда туш кўради? Ж: Чўпонларнинг қўшхонасида.

6. Алпомиш қайнотасининг мол-мулки тортиб олиниб чўпон қилинганини кимдан эшитади? Ж: Карвонлардан.

7. Алпомиш қайси тоғнинг чўққисини учириб юборган? Ж: Асқартоғнинг.

8. Алпомиш Қалмоқ юртида неча йил зиндонда ётади? Ж: 7 йил.

9. Алпомиш қандай образ? Ж: Халқнинг қаҳрамонлик орзуларини ўзида мужассамлаштирган, эл-юрт фаровонлиги йўлида мардликлар кўрсата олган баҳодир, халқ даҳоси яратган қуйма образдир.

10. Алпомиш билан бирга яна кимлар туш кўради? Ж: Барчин ва Қоражон.

11. Алпомиш етти ёшида кўтарган ёй кимники эди? Ж: Бобоси Алпинбийнинг.

12. Алпомиш кимнинг қиёфасида Барчиннинг тўйига кириб келади? Ж: Қултойнинг.

13. Алпомиш кимнинг ҳийласи билан Қалмоқ юртида етти йил зиндонда қолиб кетади? Ж: Сурхайининг.

14. Алпомиш кўтарган ёйнинг оғирлиги қанча бўлган? Ж: 14 ботмон.

15. Алпомиш неча ёшида бобосидан қолган ёйни кўтарган? Ж: 7 ёшида.

16. Алпомиш нима сабабдан алп номини олди? Ж: Бобосидан қолган ёйни кўтариб тортгани учун.

17. Алпомиш нима сабабдан ҳушдан кетиб йиқилади? Ж: Ўз оти Бойчиборни танимай уни тўриқ отга ўхшатгани учун.

18. Алпомиш яккама-якка жангда кимларни енгган? Ж: Қултой ва Қоражонни.

19. Алпомишнинг оқкўнгил, содда, шу билан бирга қўлидан ҳар иш кела оладиган ёрдамчиси ким? Ж: Кайқубод.

20. Алпомишнинг отини таърифлаган синчининг оти? Ж: Коса синчи.

21. Алпомиш Бойчибор отини қайси кўл ёнидаги яйловдан олади? Ж: Арпали кўл

22. «Алпомиш» достонида дунёда Алпомишдан ташқари бир кам тўқсон алп ўтганлиги айтилади. Бу алпларнинг бошлиғи ким эди? Ж: Рустами Достон.

23. «Алпомиш» достонининг нечта варианты ёзиб олинган? Ж: 40 дан ортиқ.

24. Барчин алплардан неча ой муҳлат сўрайди? Ж: 6 ой.

25. Барчин яккама-якка олишувда кимни енгган? Ж: Кўкаманни.

26. Барчинга Алпомиш номидан ким совчи бўлиб борди? Ж: Қоражон.

27. Барчинни излаб Қалмоқ юртига борган Алпомиш биринчи марта ким билан учрашади? Ж: Кайқубод билан.

28. Барчиннинг алпларга қўйган шартларини топинг. Ж: Ёй тортиш, минг қадамдан танга пулни уриш, пойга, курашда тўқсон алпни енгиш.

29. Барчиннинг яғрини неча қарич келади? Ж: 15 қарич

30. Барчиннинг мучал йили қайси? Ж: Сичқон

31. Барчин Алпомиш ҳақида кўрган тушини қайси канизига айтиб, ундан тушнинг таъбирини сўрайди? Ж: Суқсурой

32. Барчин тушида кўрган қибла томондан чиқиб келаётган бир ой ким эди? Ж: Расул пайғамбар

33. Боғловдаги Бойчибор ва Қоражонни ким озод қилган? Ж: Ражабхўжа эшон.

34. Бойбўри ва Бойсари қачон фарзандсиз эканликларидан ўкинади? Ж: Бир тўйда изза бўлганларидан сўнг.

35. Бойбўри ва Бойсари кимдан фарзанд тилайди? Ж: Шоҳимардон пирнинг қабрида қирқ кун тунаб, фарзанд тилайдилар.

36. Бойбўри ва Бойсари кимнинг ўғиллари бўлган? Ж: Алпинбийнинг.

37. Бойбўри ва Бойсари фарзандларини неча ёшида мактабдан чиқариб олади? Ж: 7 ёшида

38. Бойчибор қайси от билан бир кечаю бир кундуз йўл талашади? Ж: Саман от билан.

39. Болалар неча ёшидан мактабга боришади? Ж: 3 ёшидан.

40. Душманларнинг «қирқ мингини бир деб санаб қиришга» тайёр турган жасур сиймо ким? Ж: Барчин.

41. Кайқубод нима учун зиндонда ётган Алпомишга ўзи боқиб юрган қўйлардан ташлаб туради? Ж: Товканинг қалини учун.

42. Кайқубод образида халқнинг қайси орзу-умидлари акс этади? Ж: Адолатли шоҳ ҳақидаги орзулари, демократик ва гуманистик ўй-фикрлари акс этган.

43. Ким Бойбўри ва Бойсарининг фарзандларига тўйда қаландар қиёфасида келиб от қўяди? Ж: Шоҳимардон пири.

44. Ким курашда Кўкалдошни йиқитишда қийналган Алпомишга маънавий мадад беради? Ж: Барчин.

45. Ким пойгада Кўкалдошнинг оти Кўкдўнандан ўза олмаган Бойчиборга маънавий мадад беради? Ж: Барчин.

46. Кимнинг сиймосида қаҳрамонлик дostonларига хос алп қиз ҳақидаги анъанавий тушунча ўз ифодасини топган? Ж: Барчин.

47. Неча йилдан сўнг Алпомиш Барчинни излаб Қалмоқ юртига боради? Ж: 7 йилдан сўнг.

48. Нима учун Бойсари Қалмоқ юртига кетиб қолади? Ж: Бойбўри Бойсаридан закот талаб қилгани учун.

49. Пойгага Алпомиш номидан ким борган? Ж: Қоражон.

50. Пойгага Бойчибордан ташқари нечта от йиғилди? Ж: 499 та.

51. Пойгада Қалмоқшоҳнинг қайси отлари қатнашади? Ж: 3 та: бири олапача тўриқ от, бири шалақ от, бири саман от.

52. Тўриқ отнинг одати қандай эди? Ж: Қизиб келиб энди қаерда турса, турган ерда олақароқ бўлади.

53. Ушбу парчада қайси бадиий воситадан фойдаланилган? «Равшанхон бу боғ деворларига қараса, тик пахсасини ишлаган, деворининг тагини гиштлаган, жуда маҳкам қилиб ташлаган, деворларни ганчлаган...» Ж: Саж

54. Ушбу сўзларни ким айтган? «Ҳар ким майдонга от солади, отини ўздирган одам олади». Ж: Барчин.

55. Шапақ отнинг одати қандай эди? Ж: Дупур эшитма-са кейин қолади.

56. Ҳакимбекнинг ўнг кифтида кимнинг беш панжасининг ўрни бор? Ж: Шоҳимардон пирнинг.

57. Қалмоқ подшосининг исми ким? Ж: Тойчихон.

58. Қалмоқлар Қоражон билан Бойчиборни қайси тоғга боғлаб кетишади? Ж: Бобоҳон тоғига.

59. Қоражон қайси отдан нос сўрайди? Ж: Тўриқ отдан.

60. Қоражон Алпомиш билан қаерда учрашади? Ж: Мурод тоғида.

61. Қўнғирот эли неча уруғдан иборат эди? Ж: 16 уруғ

62. Қўнғирот юртидаги Барчин қўй соғиб чорвадорлик қилган кўлнинг номини топинг. Ж: Кўкқамиш

63. Қўнғирот юртининг моли йўқ деган энг камбағалининг қанча туяси бор эди? Ж: 40 минг

«Равшан» достони

1. Авазнинг лақаби нима бўлган? Ж: *Бол Аваз – асалдай ширин Аваз*

2. Авазхонга қайси парини олиб беришади? Ж: *Гулқизни*

3. Авазхонни ким тарбия қилган? Ж: *Ога Юнус пари*

4. Айноқ кал қандай эди? Ж: *Полвон*

5. Гўрўғлибек қайси юртда яшар эди? Ж: *Ёвмит элида*

6. Гўрўғлибек Равшанхонга Гуланорни олиб бермоқчи эканлигини кимларга айтади? Ж: *Париларга*

7. Гўрўғлидан кейин Гуланорга ким совчиликка боради? Ж: *Оға Юнус пари*

8. Зулхумор неча зиналик кўшк устида ўтирган эди? Ж: *40 зиналик*

9. Зулхумор нима учун Равшанхонни қабул қилади? Ж: *Узук кўзидаги ёзувни тақдирнинг бир битиги деб билганидан ва йигитни ёқтириб қолгани учун*

10. Зулхумор Равшанхондан қандай хабар олиб туради? Ж: *Қизлар орқали яширинча зиндонга лаҳм ковлаб*

11. Зулхумор Равшанхоннинг кимлигини ва қаердан эканлигини билиб келиш учун кимни жўнатади? Ж: *Оққизни*

12. Зулхуморга нисбатан қандай жазо тайинланади? Ж: *Бир ҳовлига қамаб ташлашади*

13. Зулхуморнинг жамоли жилвасига қайси қушлар чидамай, баланд қуйилиб келиб, эгнига, кифтига тегиб-тегиб учар эди? Ж: *Мусича, сўпитўрғай, газалай, симча*

14. Зулхуморнинг нечта кокили бор эди? Ж: *Бу ёғида тўқсон беш, у ёғида тўқсон беш—ўн кам икки юз кокили бор эди*

15. Каллардан қайси бири масхарабоз эди? Ж: *Жайноқ*

16. Каллардан қайси бири мерган эди? Ж: *Эрсак*

17. Каллардан қайси бири синчи эди? Ж: *Терсак*

18. Кампир Равшанхонни қутқаришни кимдан сўради? Ж: *Катта ўглининг полвони Айноқ калдан*

19. Ким йўлда ҳориб келган Фирқўкни танисмай, уни Ишрат девонанинг отидан ҳам ёмон деб таърифлайди? Ж: *Айноқ*

20. Майна биринчи бўлиб кимнинг қўлига қўнади? Ж: *Даллининг*

21. Нашаванд Равшанхонга қалпоқ бозорига қайси бозорлардан ўтиб бориш кераклигини айтади? Ж: *Ун бозори.*

жун бозори, тўн бозори, пичоқ билан қин бозори, кейин қалпоқ бозори

22. Нима учун Ҳасанхон Равшанхонни Ширвон юртига жўнатгиси келмайди? Ж: *Ширвоннинг эли 3 ойлик йўл бўлгани, икки ора сувсиз чўл ва душманлар юрти бўлгани учун*

23. Подшоҳ дастлаб Равшанхонга қандай жазо тайинлайди? Ж: *Осишни*

24. Равшанбек қайси отни миниб Зулхуморнинг юртига жўнайди? Ж: *Жийронқушни*

25. Равшанхон Зулхуморнинг боғида қаерга яширилади? Ж: *Гулнинг ичига*

26. Равшанхон кимни кургандан кейин йиғлаб юборди? Ж: *Ҳасанхонни*

27. Равшанхон Оққизга нима бериб юборди? Ж: *Сехрли узукни*

28. Равшанхон она-бола тутинган кампирнинг нечта ўғли ўлиб кетганди? Ж: *Олтита*

29. Равшанхон Ширвон элида қалпоқ бозори қаердалигини сўраб, бақириб бораётганида кимга дуч келади? Ж: *Бир нашавандга*

30. Равшанхон билан Зулхуморнинг боғда эканлигини Қорахонга ким айтади? Ж: *Оққиз онасига, онаси Қорахонга*

31. Равшанхонни дорга осиб олиб борганда кимлар йиғлаб келади? Ж: *Зулхумор ва кампир энаси*

32. Равшанхонни дорга осиб олиб келишганда кимлар унга шоҳ фармонини етказишади? Ж: *Икки ҳудайчи, салом оғаси*

33. Равшанхонни отаси Ҳасанхон қаерда кўриб қолади? Ж: *Дарвозабон ўртоғи билан гаплашиб ўтирганда*

34. Равшанхоннинг энг сўнгги тилаги нима бўлди? Ж: *Богланган кўзларини ечсалар, ёруғ дунёни бир кўрсам*

35. Салом оғаси қандай амалдор? Ж: *Саройдаги қабул тартибини назорат қилувчи амалдор*

36. Ушбу гапларни қайси қаҳрамон айтган?

Мен ўлмасам, ўз элимдан кечмайман!

Азиз бошим оёгингга тенг эмас. Ж: *Равшанхон*

37. Ушбу насиҳатни ким айтган?

Яхшилик қил, болам, ёмонликни от,

Ёлғиз юрса чанг чиқармас яхши от. Ж: *Ҳасанхон Равшанхонга*

38. Хабар етиб борганида муҳлатнинг неча куни ўтган эди? Ж: *20 куни*

39. Чангги ётган қайси бозор? Ж: *Ун бозори*

40. Ҳасанхон қайси отни миниб Ширвон элига жўнайди? Ж: *Фирқўкни*

41. Ҳасанхон кимни Ширвон элига шоҳ қилиб кўтарди? Ж: *Айноқни*

42. Ҳасанхонга кимни олиб беради? Ж: *Арзирумдан Хон Даллини*

43. Ҳасанхонга хабарни нима орқали жўнатишади? Ж: *Майна қуш орқали*

44. Ҳасанхонни ким тарбия қилган? Ж: *Мисқол пари*

45. Ҳудайчи қандай амалдор бўлган? Ж: *Арзғўй билан ҳукмдор ўртасида турадиган мансабдор*

46. Ўзбеклар орасида тарқалган «Гўрўғли» туркум дostonларининг сони нечта? Ж: *100 дан ортиқ*

47. Эргаш шоир «Равшан» дostonини кимдан ўрганadi? Ж: *Отаси Жуманбулбулдан, у эса устози Кичик Бўрондан*

48. Қорахон Равшанхонга неча кун нима учун муҳлат беради? Ж: *40 кун ичида ўйлаб кўриб ўзларининг динига ўтса куёв қилишни*

49. Қорахонни ким тутиб олиб ўлдиради? Ж: *Ҳасанхон*

50. Қўқиб ётган бозор қайси? Ж: *Жун бозори*

51. «Гўрўғли» дostonлар туркуми қайси халқларда мавжуд? Ж: *Туркман, қozoқ, қорақалпоқ, татар, турк, озарбайжон, тожик, арман, гуржи, ўзбек*

52. «Равшан» достони кимдан, ким томонидан ёзиб олинган? Ж: 1928 йилда Ҳоди Зариф томонидан Эргаш Жуманбулбул уели оғзидан

53. «Равшан» достони мазмунан қандай дostonга киреди? Ж: Ишқий-саргузашт

54. «Равшан» достонида уруш ва жанговарлик ҳолатлари неча бўғинли шеърларда ёзилган? Ж: 8 бўғинли

55. «Равшан» достонида ҳаракат суръати тезлашган ҳолатлар неча бўғинли шеърларда ёзилган? Ж: 7 бўғинли

«Маликаи айёр» достони

1. «Гүрўғли» туркумидаги дostonлар сони нечта? Ж: 100 дан ортиқ

2. Гүрўғли отбоқарининг исми. Ж: Соқибулбул

3. Гүрўғли овга чиққанида қайси отини миниб боради? Ж: Ғиркўкни, Ғиротни

4. Гүрўғли овга чиққан ойни нима дейишади? Ж: Сафар ойи

5. Гүрўғли овга чиққан кўлнинг оти нима эди? Ж: Шакаркўл

6. Гүрўғли овга чиққан кўл қайси чўлда жойлашган эди? Ж: Зебит чўлида

7. Гүрўғли топган қўрғонда бир пари еларди. У қандай қиёфада келган? Ж: Қуш қиёфасида

8. Малика ўзини қаерлик деб таништиради? Ж: Шабистонлик

9. Малика ўз ойисининг номини ҳам тилга олади. У...? Ж: Парийи Сипар

10. Малика ўз дўсти борлигини ва унинг исмини... дейди. Ж: Зулфизар

11. Девларнинг қайси бири маликанинг отаси? Ж: Отаси дев бўлмаган, одам бўлган

12. Гўрўғли ўлмай тахтни олмоқчи бўлган қаҳрамоннинг Гўрўғлига тегишли жойи борми? Ж: *Тогаси бўлган*

13. Гўрўғли Ой Хирмонни қаердан олиб келган? Ж: *Ирамандан*

14. Гўрўғли қайси парини Арзирумдан олиб келган? Ж: *Далли зулфдорни*

15. Гўрўғли Орзигул ёрни қаердан олиб келган? Ж: *Зангор элидан*

16. Гўрўғли Ой Интизорни қаердан олиб келган? Ж: *Исфахондан*

17. Гўрўғли қайси парини Заррин элдан олиб келган? Ж: *Машиққа ёрни*

18. Малика айёр пари Гўрўғлига, қистаб борсанг... борарсан, дейди. Қистаб борса қанча вақтда етиши қайси жавобда тўғри кўрсатилган? Ж: *60 йилда*

19. Авазхон Маликан айёрни олиб келгани қаерга кетади? Ж: *Туркистонга*

20. Авазхон Маликан айёрни олиб келишдаги муҳлатини қанча деб белгилайди? Ж: *16 ой*

21. Аваз жўнагандан сўнг ким йигитларини йиғиб маслаҳат қилган? Ж: *Аҳмад сардор*

22. Авазни ўлдиришга жўнаган ботирларнинг номи қайси жавобда? Ж: *Асад ва Шодмон ботир*

23. Авазни ўлдиришга жўнаган ботирлардан қайси бири найманнинг ботири эди? Ж: *Шодмон ботир*

24. Авазни ўлдиришга жўнаган ботирлардан қайси бири қипчоқлик? Ж: *Асад ботир*

25. Авазни ўлдиришга жўнаган ботирлар қайси соҳа усталари эди? Ж: *Парли ёй тортиш ва милтиқ отиш*

26. Авазни ўлдиришга жўнаган ботирларнинг отлари номи? Ж: *Гаждим ва Маждим*

27. Авазни ўлдиришга жўнаган мерганлар Аваздан олдин уч кеча-кундузда қаерга етиб келишиб, унинг йўлини пойлаб тураберишади? Ж: *Полапон тоғида*

28. Авазхоннинг отини яралаган ботирлар бу ишни ким буюрди деб айтишади? Ж: *Гўрўгли отанг*

29. Авазхон билан бирга кетаётган мерганлар қанча вақтдан кейин мазаси кетди, уйқуга кетди? Ж: *40 кеча-кундуз йўл тортиб*

30. Авазхон қаерга чиқиб душман бор ёки йўқлигини аниқламоқчи бўлди? Ж: *Дарбанд тоғида*

31. Бир душман фил минган, икки оёғи чим ерни омочдай гилган, соқол-мурти ўсиб кетган, аймашиб кетиб, оғиз-бурнини босиб кетган. Қуйидаги душманни Авазхон қаерда учратади? Ж: *Бадбахт чўлида*

32. *Миниб юрган чигирткадай отинг бор,*

Қумурсқадай сенинг бир жасадинг бор.

Тўғри йўлда юравергин баччагар,

Мендан савол сўраб нима ишинг бор?!

Қуйидаги парча қайси дostonдан олинган, ким айтган?
Ж: *«Маликаи айёр». Мақотил*

33. Авазхон билан урушганда «Хабардор бўл, ё Лот» деб урушган полвонни аниқланг. Ж: *Мақотил*

34. Мақотилнинг қалқони ниманинг терисидан қилинган эди? Ж: *Каркнинг*

35. Авазхон билан Мақотилнинг урушида Мақотил неча марта уриб Авазхонни ўлдира олмади? Ж: *3 марта*

36. Авазхон Мақотилни енггач, Фиротни миниб нарироққа бориб қараса, олдидан қаерга борадиган йўл чиқди?
Ж: *24 шаҳарга*

37. Мақотил полвон қаернинг полвони эди? Ж: *Арботин*

38. Қуйида ким таърифланаяпти, ким таърифляпти?

Олти ёшда эр атанган,

Тоғларни отиб юборган,

Йигирмада шер атанган,

Полвон отамнинг ҳурмати. Ж: *Гўрўгли, Авазхон*

39. Яра тегди Чамбилнинг қучоғига,
Баракалла бекнинг тўбичоғига,
Неча ул душманни Фирот рад этиб,
Авазни обкетди...? Ж: *Қулкар тоғига*

40. Майдонда кесилар душманнинг боши,
Бу майдондан қочган номарднинг иши. Ушбу парча қайси
достондан олинган, кимга тегишли? Ж: *«Маликаи айёр»,
Шодмон мерган*

41. Аваз полвоннинг кетидан боришни истамаган Асад
мерганни Шодмон мерган қандай қилиб Авазнинг ортидан
боришга кўндиради? Ж: *Агар бормайдиган бўлса, уни ўлди-
ришни айтиб*

42. Гўрўғлининг донғи қаерга етган? Ж: *Догистонга*

43. Авазни ўлдиришга жўнаган ботирлар уни ўлдириб
келиб, Гўрўғлибекка маликайи айёрни келтирсак, ва
Гўрўғлибек тила тилагингни деса, ...нима тилак тилашни
истар эдилар? Ж: *Хазорасп шаҳрини*

44. Авазхоннинг яраларига малҳам қилиш учун икки мер-
ган айиқни отиб, ундан нимани олишган? Ж: *Ўтини*

45. Авазхоннинг яраларига малҳам қилиш учун тухумни
қаердан олишди? Ж: *Тошбақадан*

46. Аваз қирқ девни қаерда учратди? Ж: *Белдос қирида*

47. Қирқ девнинг каттасини аниқланг. Ж: *Япроқдев*

48. Қирқ девнинг каттасининг Чамбилдаги опаларининг
номи? Ж: *Юнус пари ва Мисқол пари*

49. Қирқ девнинг каттаси «Ўн ярим лак девга зўрлик
етказиб, олиб кетди Шошбушоннинг қизини» деганда ким-
ни назарда тутмоқда? Ж: *Гўрўғлини*

50. Қони суюқ, рангида қони йўқ, кўзи олайган, ямон
йигит экан деб девлар қўрққан йигитни топинг. Ж: *Асад
мерганни*

51. Девлар қаерларда учиб юришади? Ж: *Ямандан Ясар-
ни, Хитой-Хўтонни, Шаҳри Бежонни, барча жаҳонни*

52. Қирқ дев билан Қизил девнинг ораси неча кунлик йўл? Ж: *20 йиллик*
53. Қирқ девнинг каттаси тилсимот ўқиб, учовини нимага айлантиради? Ж: *Олмага*
54. Қирқ девнинг каттаси тилсимот ўқиб, уч отни нимага айлантириб қўйнига солди? Ж: *Тўрғайга*
55. Қирқ девнинг каттаси ўз чегарасигача бўлган ҳудудга Авазни неча кунда етказиб қўйди? Ж: *10 кеча-кундузда*
56. Аваз қайси мевадан емоқчи бўлиб қўл узатганида, томири билан қўпорилиб осмонга чиқиб кетди? Ж: *Анжир*
57. Гулшан чорбоғи кимнинг макони эди? Ж: *Гулқиз парининг*
58. Гулшан чорбоғ бекасининг ошпаз канизини аниқланг. Ж: *Гулзамон*
59. Гулшан чорбоғ бекасининг аммасини топинг. Ж: *Юнус пари*
60. Гулқиз ойим Авазжонни Қизилдеван қаерга яширди? Ж: *Сандиққа солиб қўйди*
61. Шодмон мерган қаерга беркиниб ўтирган экан? Ж: *Тулкиннинг инига*
62. Гулшан боғидан 70 йиллик йўлдаги девни аниқланг. Ж: *Баймоқдев*
63. Баймоқдевнинг неча жоловдори бор? Ж: *70 минг Кўкқашқа девдан жоловдори бор*
64. Қизилдев Авазни неча кунлик йўлгача олиб бориб қўйди? Ж: *14 йиллик йўлгача*
65. Аваз қаерда икки қаландарни учратиб қолади? Ж: *Қизилқумда*
66. Қаландарлар қандай қўрғонда яшар эди? Ж: *Қалайи қўрғонда*
67. Қайси қаҳрамон қўйнида олмага айланган парини олиб юради? Ж: *Шозаргар*
68. Маликайи айёрнинг отаси? Ж: *Қосимшоҳ*

69. Шозаргар қайси мамлакатданман дейди? Ж: *Рум элидан*
70. Оқдев шоҳнинг қизи? Ж: *Тиллақиз*
71. Маҳмудхон ўз насл-насаби ҳақида нима дейди? Ж: *Зобит шаҳрининг шахзодаси бўламан*
72. Қайси тоғ малика яшайдиган Торкистон шаҳрининг дарвозаси бўлиб, тилсим билан тоғ суратида туради? Ж: *Кўкламтоғ*
73. Девлар Шоқаландарнинг йўлини тўсиш учун нималарга айланмоқчи бўлади? Ж: *Сув, қизил гул, олов*
74. Маликанинг тулпорига кимлар минади? Ж: *Шоқаландар, Шозаргар, Аваз*
75. Маликанинг шерини ким ўлдириб қўяди? Ж: *Шоқаландар*
76. Ким маликага олтин ва қимматбаҳо тошлардан шер ясаб беради? Ж: *Шозаргар*
77. Шернинг ичига ким кириб олади? Ж: *Аваз*
78. Шернинг ичида Авазнинг борлигини ким билиб қолади? Ж: *Тиллақиз*
79. Ким ўйинчоқ шерни тепиб юборади? Ж: *Ҳадича*
80. Маликаи айёрнинг Тиллақизга юборган канизи? Ж: *Ҳадича*
81. Маликаи айёр кимга турмушга чиқади? Ж: *Авазга*
82. Тиллақиз кимга турмушга чиқади? Ж: *Шозаргарга – Ҳасанга*
83. Маҳмудхонга кимни олиб беришади? Ж: *Гулқизни*
84. Руҳоний оламнинг чексиз қудрати, илоҳий ишонч, эътиқоднинг кучи «Маликаи айёр» достонидаги қайси қаҳрамонлар тимсоли орқали тасвирланган? Ж: *Шоқаландар ва Ҳасан заргар*
85. Қайси дostonга меваларнинг ейилмаслиги, қўл билан тутиш мумкин эмаслиги, токнинг қаҳрамонни бўғиши, кап-гирнинг йигит манглайини ёриши, сувнинг неча газ пастлаб кетиши каби воқеалар хос? Ж: *«Маликаи айёр» дostonига*

86. Қуйидаги полвонлардан қайси бири Арботиншоҳнинг 105 га кирган қизига ошиқ эди? Ж: *Мақотил*

87. «Маликаи айёр» достонида Гўрўғли ўз шахсини қайси ном билан яширади? Ж: *Шоқаландар*

88. «Маликаи айёр» достонида Гўрўғли Аваз, Шодмон ва Асадларни нимага айлантириб қўяди? Ж: *Олмага*

89. «Маликаи айёр» достонида Гўрўғли маликанинг юртига кириш йўлини қандай билиб олади? Ж: *Суяклар орасида ётиб*

90. Ҳақиқатни енгиб бўлмаслиги, душманни куч билангина эмас, имон қудрати билан ҳам тиз чўктириш мумкинлиги қайси жангда аён бўлади? Ж: *Аваз ва Мақотил ўртасидаги жангда*

91. «Маликаи айёр» достонида кўзлаган мақсадига астойдил интилган киши ниятига етиши мумкинлиги қайси қаҳрамон орқали ифодаланган? Ж: *Шоқаландар*

92. «Маликаи айёр» достонида қайси қаҳрамонлар сеҳргарлик қобилиятига эга? Ж: *Гўрўғли ва Ҳасан – Шоқаландар ва Шозаргар*

93. «Маликаи айёр» достонидаги қизлар образлари қайсилар? Ж: *Маликаи айёр, Тиллақиз, Гулқиз, Гулзамон*

94. «Маликаи айёр» достонидаги Асад ва Шодмон ким? Ж: *Мерганлар, Гўрўғли ва Авазнинг душманлари, Аҳмад сардор томонидан ёлланган қотиллар*

95. «Маликаи айёр» достонида ишлатилган мақоллар қайси? Ж: *А) Йўли бўлган йигитнинг янгаси олдидан чиқади; В) Эр тилаган ерда азиз; С) Чақирмаса борув йўқ; Д) Йўл зуқ бўлса ҳам пойғаси ёвуқ; Е) Барча жавоб тўғри*

96. «Маликаи айёр» достонида Соқибулбул Гўрўғлини нима учун овга боришдан қайтаради? Ж: *Сафар оғи бўлгани учун*

97. «Маликаи айёр» достонида Маликаи айёр шаҳрининг оти, отаси ва онасининг оти тўғри кўрсатилган қаторни топинг. Ж: *Торкистон, Қосим, Сипар*

98. «Маликаи айёр» достонида Гўрўғли Торкистон ҳақидаги хабарни ким ёрдамида билди? Ж: *Маҳмуджон*

99. Келган ерингга кетавергин, Хадича, Бувишингга айтиб боргин, Хадича. «Маликаи айёр» достонидаги Хадича ким? Ж: *Маликаи айёрнинг канизи*

100. «Маликаи айёр» достонида Тиллақизга отаси Маликанинг узуги тушиб қолипти, деб бир узук берганда, у қўлига узукни тақади. Узук қўлиги лойиқ келади. Қўлидан қанча ҳаракат қилса ҳам ечолмайди. Аслида бу узукка айланган... эди. Ушбу персонажни топинг. Ж: *Шозаргар – Ҳасан*

101. «Маликаи айёр» достонида Маҳмуджон асар сўнгида қаерга кетади? Ж: *Зебитга*

102. «Маликаи айёр» достонида асар сўнгида Ҳасан заргар қаерга кетади? Ж: *Румга*

103. Қайси достонда сюжет ривожининг авж нуқтаси асар охирига-ечимига тўғри келган? Ж: «Маликаи айёр» достонида

104. «Маликаи айёр» достонида ким ўзларини осмоқчи бўлган жаллодларга қаҳрланиб қараб уч юзтасини тошга айлантириб қўяди? Ж: *Шоқаландар*

105. Халқ достонларида муҳаббат мақсад эмас, балки... воситаси? Ж: *Қаҳрамонларнинг асл табиатини кўрсатишнинг воситаси.*

Достонлар ҳақида назарий маълумотлар

1. «Алломиш» достонининг минг йиллиги жаҳон миқёсида юртимизда қачон нишонланди? Ж: *2000 йилда.*

2. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ бахшиси» унвони қачон таъсис этилди? Ж: *2000 йил 14 мартда.*

3. Достондан достонга айнан кўчиб юрадиган парчалар нима деб юритилади? Ж: *Эпик қолиплар – клишелар.*

4. Достонларга қандай хусусият хос? Ж: *Эпиклик ва моменталлик.*

5. Достонларда тасвирийлик ва ҳажм жиҳатдан қайси шакл устунлик қилади? Ж: *Назм*

6. Достонларнинг қайси тури кўпроқ учрайди? Ж: *Ишқий-қаҳрамонлик*

7. Достонларнинг бошланмаси ва тугалланмаси қайси жиҳати билан фарқланади? Ж: *Бошланма фақат насрда, тугалланма ҳам наср, ҳам назмда ёзилиши мумкин.*

8. Достонларнинг бошланмасида қайси муҳим жиҳат акс этади? Ж: *3 та: воқеанинг узоқ ўтмишига оид эканлиги, воқеа ўрни, қаҳрамон авлод-аждод шажараси.*

9. Достонларнинг насрий қисмида қандай шаклдан фойдаланилади? Ж: *Саж*

10. Достонларнинг тугалланмасида қайси муҳим жиҳат акс этади? Ж: *Тўй тасвири, адашганларнинг топишиб, мурад-мақсадиги етганлиги.*

11. Ёзма ва оғзаки адабиётдаги достонлар қайси муҳим жиҳатига кўра бир-биридан фарқланади? Ж: *Ҳаётни тасвирлаш воситалари ва усулларига кўра.*

12. Жангнома достонларни топинг. Ж: *«Юсуф билан Аҳмад», «Алибек билан Балибек», «Холдорхон».*

13. Йирик достончилик мактаблари қачон пайдо бўлган? Ж: *XV–XVI асрларда.*

14. Романтик достонларни топинг. Ж: *«Муродхон», «Рустамхон», «Кунтуғмиш», «Гўрўгли».*

15. Самарқанд йўналишида достон қандай айтилади? Ж: *Дўмбира билан очиқ овозда*

16. Тарихий достонларни топинг. Ж: *«Эдега», «Шайбонийхон», «Ойчинор».*

17. Фарғона йўналишида достон қандай айтилади? Ж: *Муסיқа асбобисиз оҳангга солиб айтилади*

18. Фолклор сўзи қайси тилдан олинган? Ж: *Инглиз тилидан.*

19. Фолклор сўзининг маъносини топинг. Ж: *Халқ донолиги, халқ донишмандлиги.*

20. Фолклоршунослар томонидан ўзбек халқ бахшиларидан айтиб туриш асосида нечта достон вариантлари би-

лан ёзиб олинган? Ж: 150 дан ортиқ дoston 400 дан ортиқ вариантлари билан.

21. Халқ дostonлари қандай турларга бўлинади? Ж: 5 та: қаҳрамонлик, жангнома-dostonлар, романтик дostonлар, тарихий дostonлар, китобий дostonлар.

22. Халқ дostonларининг айтилиш йўлига кўра неча хил йўналиши бор? Ж: 4 та: Қашқадарё-Сурхондарё йўналиши, Самарқанд йўналиши, Фарғона йўналиши, Хоразм йўналиши

23. Халқ дostonларининг деярли ҳаммасида учрайдиган ифодалар ва тасвирлар нима деб номланади? Ж: Эпик қолиплар

24. Халқ оғзаки ижодининг қайси жанри энг қадимий саналади? Ж: Қўшиқ

25. Халқ оғзаки ижодининг асосий жанрларини топинг. Ж: Қўшиқ, мақол, топишмоқ, афсона, ривоят, лоф, латифа, эртак, дoston, аския, оғзаки драма.

26. Хоразм йўналишида дoston қандай айтилади? Ж: Жамоа бўлиб, тор, доира жўрлигида

27. Хоразмда дoston айтувчиларни нима деб аташади? Ж: Халфа

28. Ўзбек дostonчилиги тараққиётидаги жуда ривожланган даврлар қайси? Ж: XIX–XX асрлар.

29. Қайси жанр қисса, ҳикоя, шону шуҳрат, саргузашт, таъриф ва мақтов маъноларида ишлатилади? Ж: Дoston.

30. Қандай дostonлар ишқий-қаҳрамонлик дostonлари дейилади? Ж: Ишқий дostonларнинг ҳаммасида қаҳрамонлик унсурлари учрагани учун

31. Қашқадарё-Сурхондарё йўналишида дoston қандай айтилади? Ж: Бир бахши томонидан дўмбира жўрлигида бўғиздан ижро этилади

32. Қаҳрамонлик дostonларни топинг. Ж: «Алпомиш», «Ёдгор».

33. XX аср бошларида бахшиларнинг ижодий бисотида қанча халқ дostonлари бўлган? Ж: 150 дан ортиқ.

5-СИНФ АДАБИЁТИ

Халқ оғзаки ижоди

1. «Оталар сўзи» ҳам деб аталадиган жанрни топинг. Ж: Мақол

2. Арабча «сўз» маъносини билдирадиган жанрни топинг. Ж: мақол

3. Мақол ва топишмоқнинг фарқини топинг. Ж: Мақолда хулоса бор, топишмоқда эса йўқ

4. Мақолга хос белги-хусусиятлар нотўғри саналган қаторни топинг. Ж: Фикр аниқ бўлади, хулоса тугал бўлади, ифода лўнда бўлади

5. Маъно жиҳатдан бир-бирига жуда яқин бўлган мақолларни топинг. Ж: Қазисан, қартасан – ахир аслингга тортасан; олма олмадан узоқ тушмайди; қарға қарганинг кўзини чўқимайди.

6. «Фольклор» втамаси илк бор ким томонидан қачон қўлланган? Ж: 1846 йилда Вильям Томс томонидан

7. Халқ оғзаки ижоди неча адабий турдан иборат? Ж: 4 та

8. Қўғирчоқ ўйин халқ оғзаки ижодининг қайси турига мансуб? Ж: Драматик турга

9. Аския халқ оғзаки ижодининг қайси турига мансуб? Ж: драматик турга

10. Лоф, латифа ва термалар халқ оғзаки ижодининг қайси турига мансуб? Ж: Эпик турга

11. Мақол, матал ва топишмоқлар халқ оғзаки ижодининг қайси турига мансуб? Ж: махсус турга

12. Топишмоқлар қандай йўлда ёзилади? Ж: Шеърӣй ва насрий йўлда

13. Топишмоқ қатнашган эртақлар қандай турларга бўлинади? Ж: 2 турга: топишмоқли эртақ, эртақ-топишмоқ

14. Чистонлар қандай шаклларда ёзилади? Ж: Фард, байт, қитъа, рубоӣй, ғазал шаклида

15. Топишмоқ ичида эртак келса, қандай номланади? Ж: Топишмоқли эртак

16. Асар воқеалари топишмоқ асосида қурилган бўлса, қандай номланади? Ж: Эртак-топишмоқ

17. Қўшнимнинг арқони девордан ошиб тушди. Топишмоқнинг жавобини топинг. Ж: Ошқовоқ

18. *Узоқ ерда ўт кўюр-о,*

Ани топинг, Ахлантоз.

Топишмоқнинг жавобини топинг. Ж: Бўри кўзи

19. *Чорбоғимда қўш мунгуз-о,*

Ани топинг, Ахлантоз.

Топишмоқнинг жавобини топинг. Ж: Ини-оға

20. Мақол ва топишмоқлар қайси жиҳатдан бир-бирига ўхшайди? Ж: Шаклий жиҳатидан

Имом ял-Бухорий

1. Пайғамбаримизни кўрган ва у киши билан суҳбатда бўлган кишилар қандай аталган? Ж: Саҳобалар

2. Ҳадиснинг санад қисми деганда нима назарда тутилади? Ж: Пайғамбаримиз сўзларининг қачон, қандай шароитда, кимлар ҳузурини айтилгани ҳужжати

3. Ҳадиснинг матни қисми деганда нима назарда тутилади? Ж: Ҳадиснинг мазмуни

4. Имом Бухорий «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» китоби устида неча йил ишлаган? Ж: 16 йил

5. Имом Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» китобига неча ҳадис киритилган? Ж: 7397 та

6. Имом Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» китобида келтирилган бир ҳадисда салом бермоқликнинг аҳамияти нима билан тенг қўйилган? Ж: Очга таом берган билан

7. «Мен илми хор қилмайман, уни ҳукмдорлар эшигига олиб бормамайман», деб ҳукмдор ҳузурини боришдан бош тортган олим ким эди? Ж: Имом Бухорий

8. «Киши баданида бир парча гўшт бор, агар у тузалса, аъзоларнинг барчаси тузалгайдир, агар у бузилса, аъзоларнинг барчаси бузилгайдир». Бу нима? Ж: Қалб

9. Ҳадиси шарифда кимлар бировнинг экини чеккасида қўй боқаётган чўпонга ўхшатилади? Ж: Шубҳали нарса-лардан тийилмайдиганлар

10. Ҳадиси шарифда илмини теран ўрганган, теран тушунган ва Оллоҳ юборган ҳидоятни ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатганлар қандай аталган? Ж: Мўмин

11. Ҳадиси шарифда илмини ўрганиб, ўзгаларга ўргатган, ammo ўзи амал қилмаганлар қандай аталган? Ж: фосиқ

12. Ҳадиси шарифда мутакаббирлик қилиб ўзи ҳам ўрганмайдиган, ўзгаларга ҳам ўргатмайдиганлар қандай аталган? Ж: кофир

13. Ҳадиси шарифда ризқим улуғ, умрим узоқ бўлсин деган киши қандай бўлиши кераклиги айтилади? Ж: Қариндош-уруғларга меҳр-оқибатли бўлган киши

14. Ҳадиси шарифда Расулulloҳ кимларни аҳли жаннат деб атаганлар? Ж: Оллоҳни ўртага қўйиб қасам ичиб, сўзсиз устидан чиққанлар

15. Расулulloҳ кимларга закот берган одамга икки савоб тегади деганлар? Ж: қариндошларга

16. Қандай ҳадислар ишончли ҳисобланган? Ж: ҳадисни бир-бирига нақл қилиб келган ровийлар тартибида узилиш бўлмаса, муснадда узилиш бўлмаса

17. Ҳадисларни бир-биридан эшитиб, ривоят қилиб, авлоддан авлодга қолдириб келган ровийлар рўйхати қандай аталган? Ж: муснад

18. Ҳадис илми билан шуғулланувчи олимлар қандай аталган? Ж: муҳаддис

Эзоп

1. «Эзоп масаллари» китобига Эзопнинг нечта масали киритилган? Ж: 500 га яқин

2. Эзоп кўп йиллар қайси ҳукмдор саройида хизмат қилган? Ж: Лидия шоҳи Крез саройида

3. Эзоп қайси шоҳ саройида хазинабон даражасигача кўтарилган? Ж: Вавилон шоҳи Ликург салтанатида

4. Эзоп кинояли аччиқ тили учун қайси шаҳарда тоғ қоясидан отиб юборилган? Ж: Делфа

5. Эзоп қул бўлиб юрган пайтларида узоқ йўлга отланганларида ўзи учун энг енгил юкни сўраб олади. Бу нима эди? Ж: тўрт киши зўрға кўтарадиган нон солинган қути

6. Эзопнинг оғир вазиятларда қутқариб, ҳеч ким ечолмайдиган жумбоқларни ечиб, унга садоқат кўрсатган хўжайини ким эди? Ж: Ксанф

7. Эзопнинг «Ёввойи эчкилар билан чўпон» масали нима ҳақида? Ж: дўстга садоқат

8. Эзопнинг қайси масали сўнгида кимки ўзига яхшилик қилганларга ёмонлик соғинса, у албатта, Худонинг қаҳрига йўлиқади, деган хулоса чиқади? Ж: «Кийик билан тоқзор»

9. «Айрим бадфёъл кишилар ёмонлик қилмаганларининг ўзиниёқ яхшилик қилганга йўядилар». Ушбу хулоса Эзопнинг қайси масалади акс этган? Ж: «Вўри билан лайлак»

10. «Оғирнинг остидан, енгилнинг устидан ўтма» деган мақол қайси масалга мос? Ж: «Устига туз юкланган эшак»

11. «Беҳудага чираниш белни чиқаради» деган мақол қайси масалга мос? Ж: «Бургут, зағча ва чўпон»

12. Масалнинг асосий жиҳати нима? Ж: тарбиявий мақсадга йўналтирилганлиги

13. Эзоп масалларини шеърий йўл билан латин тилига таржима қилган грек масалчиси ким? Ж: Федр

14. XVIII асрда Германияда масал жанрида ижод қилган ижодкорларни топинг. Ж: Лессинг ва Геллерт

15. «Эзоп тилида сўзлашиш» деганда нима назарда тутилади? Ж: ўз фикрлари таъсирли чиқиши учун ҳикматли сўзлар ёки ибратли воқеаларга мурожаат этиб сўзлаш

16. Ўзбек масалнавис шоирларини топинг. Ж: Абдулла Авлоний, Ҳамза, Ямин Қурбон, Сами Абдуқаҳдор, Мухтор Худойқулов

17. XVII асрда Францияда масал жанрида ким ижод қилган? Ж: Лафонтен

18. Грек масалчиларини топинг. Ж: Федр, Бабрий

Афсоналар

1. Сақалар давлати қачон тузилган? Ж: 2700 йил олдин
2. Эрон шоҳи Кир қайси сулоладан эди? Ж: аҳамонийлар
3. Эрон шоҳи Кир қайси шаҳарни босиб олгач, Кирашата деб номлади? Ж: Ўратепани

4. Миркарим Осимнинг «Жайҳун устида булутлар» қиссаси ким ҳақида? Ж: Беруний

5. Миркарим Осимнинг «Алжабрнинг туғилиши» ҳикояси ким ҳақида? Ж: Ал-Хоразмий

6. Миркарим Осимнинг «Зулмат ичра нур» қиссаси ким ҳақида? Ж: Навоий

7. Миркарим Осимнинг «Синган сетор» қиссаси ким ҳақида? Ж: Машраб

8. «Тўмарис» ҳикоясидаги Тўмарис ўғлининг исми? Ж: Спарангиз

9. «Тўмарис» ҳикоясида Тўмариснинг ўғли қайси қабила қизига уйланади? Ж: шак

10. «Тўмарис» ҳикоясида Тўмариснинг келини ким эди? Ж: Зарина

11. «Тўмарис» ҳикоясида жанг олдидан массагетлар осмонда бир қушнинг чарх уриб учаётганини кўриб қувони-

шади. Чунки бу куш галаба рамзи эди. Бу куш қандай куш?
Ж: бургут

12. «Тўмарис» ҳикоясида Тўмарисга жангда мағлуб бўлган Кайхисравнинг бошини ким кесиб келтириб беради?
Ж: Зарина

13. «Тўмарис» ҳикоясида Тўмарис нима учун Эрон шоҳи Кайхисравнинг унга уйланиш ҳақидаги таклифини рад этди?
Ж: душманларга ўзи эмас, халқининг қуллиги керак эканлигини билгани учун

14. «Широқ» ривоятида оқсоқоллар қандай рангдаги ўтовда кенгашган эдилар? Ж: оқ рангли

15. «Широқ» ривоятидаги Эрон шоҳи Дараявун лашкарбошисининг исми? Ж: Роносбат

16. «Яккама-якка жангларда шак уруғининг душманларидан кўп баҳодирларни ер тишлатган, унинг номи Сўғдияда ҳам. Эронда ҳам машҳур эди». Ушбу таъриф ким ҳақида? Ж: Рустак

17. «Широқ» ривоятида бир томчи қони қолгунча урушишни таклиф этган ким? Ж: Саксфар

18. «Широқ» ривоятида олтмишга бориб қолган бўлсада, ёшлардек икки бети қип-қизил, серғайрат ва таваккалчи одам деб таърифланган қаҳрамон? Ж: Саксфар

19. «Широқ» ривоятида ўзи фаросатли, доно, дostonчи чол деб таърифланган қаҳрамон? Ж: Широқ

20. «Ўз элимнинг душманларига ёрдам учун чўзадиган қўлимни кесиб ташлаганим маъқул». Ушбу сўзлар қайси қаҳрамонга тегишли? Ж: Широқ

21. «Тўмарис» афсонаси кимнинг қайси асаридан олинган? Ж: Геродот, «Тарих»

Ривоятлар

1. Ривоятларга хос хусусиятлар нотўғри саналган қаторни толинг. Ж: ҳаётий воқеаларни ҳаётий уйдирмалар воситасида акс эттирувчи оғзаки ижод тури – ривоятларда та-

рихий ҳодисалар ва айрим шахслар билан боғлиқ бўлган воқеалар ҳикоя қилинади, ривоятлар у ёки бу воқеа ҳақида хабар бериш ва уни тасдиқлаш вазифасини ўтайди

2. Ривоятлар мавзусига кўра қандай турларга бўлинади? Ж: тарихий ва топонимик ривоятлар

3. Бирор шахс фаолияти ёки халқ қаҳрамонлари билан боғлиқ бўлган воқеаларни акс эттириб, ахлоқ ва одобнинг гўзал кўринишларини улуғловчи ривоятлар қандай номланади? Ж: тарихий ривоятлар

4. Жой номлари билан боғлиқ ривоятлар қандай номланади? Ж: топонимик ривоятлар

5. Қандай афсоналарда эртакларга хос айрим белгилар мавжуд бўлади? Ж: соф мифологик афсоналарда

6. Чўл пири, ҳосилдорлик ҳомийси сифатида намоён бўладиган мифологик тимсолни топинг. Ж: Ҳазрати Хизр

7. «Одами Од» афсонаси қандай афсона ҳисобланади? Ж: соф мифологик афсоналар

8. Тарихий воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги афсоналар гуруҳига кирадиган афсоналарни топинг. Ж: Девқалъа, Ширин қиз, Калта минор, Илон бузган

9. Соф мифологик афсоналар гуруҳига кирадиган афсоналарни топинг. Ж: Қаюмарс, Эрхубби, Анбар она, Ҳазрати Хизр

10. Осмон, ер, сув париларининг ишлари, руҳлар, ёвузлик ва эзгулик илоҳлари, девлар, ер юзида одамнинг пайдо бўлиши, оламнинг тузилиши каби воқеалар қайси жанрдаги асарларнинг мавзусини ташкил этади? Ж: Афсоналарнинг

11. Қайси жанрдаги асарларнинг пайдо бўлишида қадимий урф-одат, маросимлар, табиат ҳодисалари, жониворлар муҳим ўрин тутган? Ж: Эртак

Эртақлар

1. Эртақ атамаси кимнинг қайси асарида учрайди?
Ж: Маҳмуд Қошғарий, «Девону луғотит-турк»
2. Эртақ атамаси Сурхондарё. Самарқанд, Фарғонада қандай номланади? Ж: Матал
3. Эртақ атамаси Бухорода қандай номланади? Ж: Ушук
4. Эртақ атамаси Хоразмида қандай номланади? Ж: Варсаки
5. Эртақ атамаси Тошкентда қандай номланади? Ж: чўпчак
6. Қайси жанрдаги асарлар кириш қисми, воқеалар ривожи, тугалланмадан ташкил топади? Ж: Эртақ
7. Эртақларнинг бошланмасида қайси жонивор «қизил экан, қуйруғи узун экан, кўк музга минган экан, мурути синган экан», деб таърифланади? Ж: Қирғовул
8. Эртақларнинг бошланмасида қайси жонивор «азончи» деб таърифланади? Ж: Ола қарға
9. Эртақларнинг бошланмасида қайси жонивор «қозончи» деб таърифланади? Ж: Қора қарға
10. Эртақларнинг бошланмасида қайси жонивор «тўқимчи» деб таърифланади? Ж: Тўрғай
11. Эртақларнинг бошланмасида қайси жонивор «чақимчи» деб таърифланади? Ж: Чумчуқ
12. «Уч оғайни ботирлар» эртаги қандай эртақ қисобланади? Ж: Маиший эртақ
13. «Уч оғайни ботирлар» эртагида Ота ўғилларига нима учун «тўғри бўлинг» дейди? Ж: Бежавотир бўласиз
14. «Уч оғайни ботирлар» эртагида Ота ўғилларига нима учун «мақтанчоқ бўлманг» дейди? Ж: Хиждолат тортмайсиз
15. «Уч оғайни ботирлар» эртагида Ота ўғилларига нима учун «дангасалик қилманг» дейди? Ж: Бахтсиз бўлмайсиз
16. «Сизга боғ бўлсин, бизга ҳаёт» жумласи эртақларнинг қайси қисмида учрайди? Ж: Кириш қисмида

17. «Уч оғайни ботирлар» эртагида тўнғич ўғил неча ёшда эди? Ж: 20 ёшда

18. «Уч оғайни ботирлар» эртагида ўртанча ўғилнинг ёши нечада эди? Ж: 18 ёшда

19. «Уч оғайни ботирлар» эртагида кенжа ўғилнинг ёши? Ж: 16 ёшда

20. «Уч оғайни ботирлар» эртагида Ота ўғилларига қандай отларни тайёрлаб қўйганлигини айтади? Ж: Қора от, саман от, кўк от

21. «Уч оғайни ботирлар» эртагида тўнғич ўғил биринчи кеча пойлоқчилик қилиб, нимани ёки кимларни ўлдиради? Ж: Шерни

22. «Уч оғайни ботирлар» эртагида ўртанча ўғил биринчи кеча пойлоқчилик қилиб, нимани ёки кимларни ўлдиради? Ж: Аждарни

23. «Уч оғайни ботирлар» эртагида кенжа ўғил биринчи кеча пойлоқчилик қилиб, нимани ёки кимларни ўлдиради? Ж: Ўғрилари

24. «Уч оғайни ботирлар» эртагида подшоҳ саройида меҳмон бўлган уч оғайни ботирлардан қайси бири шиннидан одам иси келатганлигини айтади? Ж: Ўртанча ботир

25. «Уч оғайни ботирлар» эртагида подшоҳ саройида меҳмон бўлган уч оғайни ботирлардан қайси бири нонни тахлаган кишининг отаси нонвой эканлигини айтади? Ж: Кенжа ботир

26. «Уч оғайни ботирлар» эртагида подшоҳ саройида меҳмон бўлган уч оғайни ботирлардан қайси бири ўзлари еяётган гўшт қўзи гўшти ва у ит эмиб катта бўлганлигини айтади? Ж: Тўнғич ботир

27. «Уч оғайни ботирлар» эртагида тўти ва подшоҳ ҳақидаги ҳикоятни ким подшоҳга сўзлаб беради? Ж: Кенжа ботир

28. «Уч оғайни ботирлар» эртагида тўти ва подшоҳ ҳақидаги ҳикоятда подшоҳ тўтини неча йил қафасда сақлайди? Ж: Уч йил

29. «Уч оғайни ботирлар» эртагида тўти ва подшоҳ ҳақидаги ҳикоятда подшоҳ тўтига юрти Ҳиндистонга бориб келиш учун неча кун муҳлат беради? Ж: Ўн беш кун

30. «Уч оғайни ботирлар» эртагида тўти ва подшоҳ ҳақидаги ҳикоят тўти подшога совға сифатида юртидан нима олиб келади? Ж: Ёшартирадиган мева

31. «Уч оғайни ботирлар» эртагида тўти ва подшоҳ ҳақидаги ҳикоятдан қандай хулоса чиқади? Ж: Подшоҳга яқин бўлган кишилар ҳар доим хатарда яшайди

32. Эртакнинг қайси тури учун асосий мазмун мажозий, яъни кўчма маънога эга ва улар барча қизиқадиган фантастик ҳикоялардан иборат бўлади? Ж: Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар

33. Эртакнинг қайси тури сеҳр-жоду асосига қурилган бўлиб, асар қаҳрамонлари ҳар нарса қўлидан келадиган мўъжизакор кимсалар ёки жонлантирилган нарса ёхуд ҳайвонлардан иборат бўлади? Ж: Сеҳрли эртаклар

34. «Сусамбил» эртаги эртакнинг қайси турига киради? Ж: Сеҳрли эртак

35. Эртакларнинг қайси турида воқеаларнинг аксарияти ҳаётга яқин, ҳаётдан олинган бўлади? Ж: Ҳаётий-маиший эртаклар

36. «Озодачеҳра», «Маликан Ҳуснобод» эртаклари эртакнинг қайси турига киради? Ж: Ҳаётий-маиший эртак

37. Қайси эртаклар жиддий фикр-мулоҳазалар уйғотадиган, муайян тарбиявий йўналишга эга бўлган асарлардир? Ж: Ҳаётий-маиший эртак

38. Бугунги кундаги эртакчи, маталчиларни топинг. Ж: Ҳамробиби Умарали қизи, Ҳасан Худойберди ўғли, Ҳайдар Байчи ўғли, Нурали Нурмат ўғли, Ҳусанбой Расул ўғли

39. Ёзма эртак ёзган ижодкорларни топинг. Ж: Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Фитрат, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Сиддиқий-Ажзий

40. «Качал полвон» эртак-қиссасининг муаллифини топинг. Ж: Шукур Саъдулла

41. «Ёрилтош» эртак-пьесасининг муаллифини топинг. Ж: Шукур Саъдулла

42. «Зангори гилам» эртагининг муаллифини топинг. Ж: Сулгон Жўра

43. «Нўхат полвон» шеърий эртагининг муаллифини топинг. Ж: Шукур Саъдулла

44. «Афсона яратган қиз» эртак-пьесасининг муаллифини топинг. Ж: Шукур Саъдулла

45. Эртақлар мавзусига кўра неча турга бўлинади? Ж: 4 турга: ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар, сеҳрли эртақлар, ҳаётий-маиший эртақлар, ҳажвий эртақлар

46. «Лақма ит», «Айёр чумчуқ» эртақларининг муаллифи ким? Ж: Шукур Саъдулла

47. Ҳозирги кунда эртак ёзиш анъанасини давом эттираётган эртакчи ижодкорларни топинг. Ж: Х.Тўхтабоев, А.Обиджон, Т.Адашбоев, Ў.Имонбердиев

Ҳамид Олимжон

1. Қайси шоир 30 ёшга етар-етмас Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасини бошқарди, 33 ёшида академик унвонини олди? Ж: Ҳамид Олимжон

2. Ҳ.Олимжоннинг 1-шеъри қачон ва қаерда чоп этилган? Ж: 1926 йилда «Зарафшон» газетасида

3. Ҳ.Олимжоннинг 1-шеърий тўплами қандай номланди? Ж: «Кўклам»

4. Ҳ.Олимжоннинг онаси Комила аянинг эртақлари таъсирида яратган достони номини топинг. Ж: «Ойгул билан Бахтиёр»

5. Қайси асар Ҳ.Олимжоннинг шеърий драмалари? Ж: «Муқанна», «Жиноят»

6. «Ойгул билан Бахтиёр» достонида воқелар қаерда бўлиб ўтади? Ж: Жамбилда

7. «Ойгул билан Бахтиёр» достонида халқ кўзголонига ким раҳбарлик қилади? Ж: Дархон

8. «Ойгул билан Бахтиёр» достонида Бахтиёр қаерлик эди? Ж: Сусамбиллик

9. «Ойгул билан Бахтиёр» достонида Ойгул балиқ қорнида ётганида нима топган эди? Ж: 2 та гавҳар

10. «Ойгул билан Бахтиёр» достонида Чол бозорда гавҳарни нимага алмаштирди? Ж: Аввал 1 сандиқ олтинга, кейингисини 2 сандиқ олтинга

11. «Ойгул билан Бахтиёр» достони неча бўғинли шеърда ёзилган? Ж: 7 бўғинли

12. *Қизнинг олдида бу хирс,*

Кўрсатиб ёявойи ҳирс.

«Ойгул билан Бахтиёр» достонидан олинган ушбу парчадаги тағига чизилган сўзларнинг маъносини топинг. Ж: Ҳирс – инсоннинг қўпол нафси, хирс-айиқ

13. Эртақ-достонлар қандай бўлади? Ж: Мазмунан эртакка, шаклан достонга ўхшайди

14. Достонлар қайси жиҳатига кўра 2 хил, яъни халқ достонлари ва адабий достонларга бўлинади? Ж: Яратилишига кўра

15. Халқ достонларига хос хусусиятларни сананг. Ж: 1. Муаллифи аниқ бўлмайди. 2. Бахшилар томонидан куйланади. 3. Оғиздан оғизга, авлоддан авлодга ўтганда баъзи бир ўзгаришларга учраши мумкин.

16. Жаҳон адабиётида эртақ-достон яратган ижодкорларни топинг. Ж: Убайд Зоконий, Пушкин, Корней Чуковский, Маршак

17. Ўзбек адабиётида эртақ-достон яратган ижодкорларни топинг. Ж: Авлоний, Қудрат Ҳикмат, Зафар Диёр, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Қуддус Муҳаммадий, Пўлат Мўмин

Мақсуд Шайхзода

1. Мақсуд Шайхзоданинг дастлабки шеърӣ намуналари қачондан бошлаб эълон қилина бошлади? Ж: ХХ асрнинг 30-йилларидан

2. Мақсуд Шайхзоданинг қуйидаги қайси шеърӣ тўплamlари 30-йилларда яратилган? Ж: «Ўн шеър», «Ундошларим», «Учинчи китоб», «Жумҳурият»

3. «Жалолиддин Мангуберди» тарихий драмасининг муаллифини топинг. Ж: Мақсуд Шайхзода

4. Қуйидаги тўплamlардан қайси бири Мақсуд Шайхзода қаламига мансуб? Ж: «Кураш нечун», «Жанг ва қўшиқ», «Капитан Гастелло», «Кўнгил дейдики»

5. Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» тарихий драмасида Жалолиддин сиймосини қайси актёр саҳнага олиб чиқди? Ж: Шукур Бурҳонов

6. Мақсуд Шайхзоданинг 1957 йилда яратилган достонини топинг. Ж: «Тошкентнома»

7. Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедияси қачон яратилган? Ж: 1960 йилда

8. Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедиясида қайси актёр Улуғбек сиймосини яратган? Ж: Шукур Бурҳонов

9. Мақсуд Шайхзода қаламига мансуб эртак-достонни топинг. Ж: «Искандар Зулқарнайн»

10. «Искандар Зулқарнайн» эртак-достонида нима учун Искандар сочини олган сартарошларни ўлдираверади? Ж: бошида шохи борлиги учун

11. «Искандар Зулқарнайн» достонидан чиқадиган хулоса нима? Ж: Дунёда ҳеч бир ёмонлик жазосиз қолмайди, тубан ишларни ҳар қанча яширманг, у бирибир бир кун ошкор бўлади

12. «Искандар Зулқарнайн» достонида Искандарнинг шохли эканлиги нима орқали ошкор бўлади? Ж: Най орқали

Шукрулло

1. Шукруллонинг 1-шеърий тўплами қайси? Ж: «Бахт қонуни»
2. Шукрулло қаламига мансуб дostonни топинг. Ж: «Чоллар»
3. Қуйидаги асарлардан қайси бири насрда ёзилмаган? Ж: «Икки қоя»
4. Шукруллонинг 80-йилларда яратилган дostonи қайси? Ж: «Аср баҳси»
5. Шукруллонинг болалар учун яратган китобларини топинг. Ж: «Баҳор совғаси», «Юлдузлар»
6. Шукрулло қачондан проза соҳасида тажриба қилиб кўрди? Ж: 80-90-йилларда
7. Шукруллонинг проза соҳасида яратган қайси асари жуда шуҳрат топган ва жаҳоннинг бир неча тилларига таржима қилинган? Ж: «Жавоҳирлар сандиғи»
8. Шукруллонинг хотира қиссасини топинг. Ж: «Кафансиз кўмилгандар»
9. Шукруллонинг қайси асарида Ўзбекистоннинг 1-юрис-ти Убайдулла Хўжаев ҳаёти ва фаолиятига бағишланади? Ж: «Тирик руҳлар»
10. Шукруллонинг «Умр ҳақида эртак» асарида қабристонга кирган сайёҳ қабр тошларини ўқиб нима учун тааж-жубланибди? Ж: 3 ойдан ортиқ яшамаганларни кўриб
11. Шукруллонинг «Умр ҳақида эртак» асарида деҳқон неча йил умр кўрган эди? Ж: Ярим йил
12. Шукруллонинг «Умр ҳақида эртак» асарида олим неча йил умр кўрган эди? Ж: Бир ой
13. Шукруллонинг «Умр ҳақида эртак» асарида олим аслида неча йил умр кўрган эди? Ж: 40 йил
14. Шукруллонинг «Умр ҳақида эртак» асарида қабристон шайхи одамнинг қанча умр кўргани нимага боғлиқ дейди? Ж: Эркинликда ўтган вақти

15. Шукруллонинг «Умр ҳақида эртак» асарида сайёҳ, агар мен ўлсам, қабрим устига у шунча яшади деб ёзинглар, дейди? Ж: Туғилгану ўлган

16. Шукруллонинг «Умр ҳақида эртак» асаридан қандай ғоя келиб чиқади? Ж: Инсон ўз умрини кераксиз, беҳуда нарсаларга эмас, эзгу ишларга, бунёдкорликка сарфламоғи керак

Андерсен

1. Ханс Кристиан Андерсеннинг 1-йирик романи қайси? Ж: «Импровизатор»

2. Ҳам завқ берадиган, ҳам ўйга толдирадиган чинакам ҳаётий эртаклар яратиш анъанасини ким бошлаб берди? Ж: Ханс Кристиан Андерсен

3. Ханс Кристиан Андерсеннинг қайси эртакларида талқин жонли инсон муҳитига яқинликда берилади? Ж: «Дюм-чахон», «Булбул», «Қор маликаси», «Сув париси»

4. Ханс Кристиан Андерсеннинг қайси эртакларида жонсиз ашёлар ҳаракатга келиб, одамлардай сўзлайдилар? Ж: «Бронза тўнғиз», «Кумуш тангача»

5. Энг яхши болалар ёзувчилари учун қандай Халқаро мукофот таъсис этилган? Ж: Ханс Кристиан Андерсен

6. Кай, Герда каби болалар қайси асар қаҳрамонлари? Ж: «Қор маликаси»

7. «Бир чимдим туз бир хум асални бузар» мақоли қайси эртакка мос келади? Ж: «Қор маликаси»

8. «Қор маликаси» эртагида Кай қайси сўзни муз парчаларидан ёзса, унга бутун олам бахш этилиши керак эди? Ж: Мангулик

9. Андерсеннинг қайси эртаги гўзаллик ва эзгуликни улуғловчи, сохталиқ ва қабиҳликни қораловчи, унинг инқирози муқаррарлиги ҳақида? Ж: «Булбул»

10. Андерсеннинг «Булбул» эртагида подшо булбулнинг навосидан завқланиб, унга нима совға қилади? Ж: Олтин туфли

11. Андерсеннинг «Булбул» эртагида ҳақиқий булбул неча йилдан кейин саройга қайтиб келади? Ж: 15 йилдан сўнг

12. Андерсеннинг «Булбул» эртагида булбул Азроилдан подшонинг нималарини тортиб олади? Ж: Тож, олтин қилич, байроқ

13. Андерсеннинг қайси эртаги кишини қалбакиликдан, иккиюзламачиликдан, ёлғончиликдан қайтаради? Ж: «Булбул»

Абдулла Қодирий

1. Қайси ижодкор ўз таржимаи ҳолида ўзининг «...боғ-бонлик билан кун кечирувчи бир оилада туғилганман», дейди? Ж: Абдулла Қодирий

2. Абдулла Қодирийнинг 1913-16 йилларда эълон қилинган илк асарларини топинг. Ж: «Улоқда», «Тўй», «Миллатимга бир қарор», «Бахтсиз куёв», «Фикр айлагил», «Жувонбоз», «Аҳволимиз»

3. Қодирийнинг шеърларини топинг. Ж: «Тўй», «Миллатимга бир қарор», «Фикр айлагил», «Аҳволимиз»

4. Қодирийнинг ҳикояларини топинг. Ж: «Улоқда», «Жувонбоз»

5. Қодирийнинг пьесаларини топинг. Ж: «Бахтсиз куёв»

6. Қодирий илк асарларига қайси таҳаллусни қўллаган? Ж: Жулқунбой

7. Қодирий энг кўп ижод қилган давр қайси? Ж: XX асрнинг 20-йиллари

8. «Ўтган кунлар» романи учун қайси ҳукм тўғри? Ж: 1922 йилдан эълон қилина бошлади, 1925-26 йилларда ҳар бир бўлим учта алоҳида китоб ҳолида нашр этилди

9. «Меҳробдан чаён» романи қачон яратилган? Ж: 1928 йили

10. «Обид кетмон» қиссаси қачон яратилган? Ж: 1930 йили
11. Қайси ижодкор мустақиллик йилларида биринчи бўлиб Мустақиллик орденига муносиб кўрилган? Ж: Қодирий
12. «Улоқда» ҳикоясининг бош қаҳрамони ким? Ж: Турғун
13. «Улоқда» ҳикоясидаги чавандоз бола акасининг исми? Ж: Маҳкамбой
14. «Улоқда» ҳикоясидаги чавандоз йигитнинг ёши нечада? Ж: 12 да
15. «Улоқда» ҳикоясидаги Собир тегирмончининг ўғли Ким? Ж: Тўғон
16. «Улоқда» ҳикоясида кимнинг оти «қозоқи, қамчи кўтармайди» деб таърифланади? Ж: Салимнинг
17. «Улоқда» ҳикоясида бия миниб ўртоқларига кулгу бўлган боланинг исми? Ж: Шокир
18. «Улоқда» ҳикоясида чавандоз бола отининг умилдириги қанча туришини айтиб мақтанади? Ж: 15 танга
19. «Улоқда» ҳикоясида чавандоз болага: «Санинг отдан бахтинг бор экан», деб ҳавасланган боланинг исми? Ж: Нурхон
20. «Улоқда» ҳикоясида ким даврабоши эди? Ж: Олим саркор
21. «Улоқда» ҳикоясида кимни от босиб вафот этади? Ж: Эсонбойни
22. «Улоқда» ҳикоясида ҳақидаги тўғри ҳукми топинг. Ж: ҳикоя 1915 йилда ёзилган, 1916 йилда алоҳида китоб ҳолида нашр этилган
23. Контраст қандай усул? Ж: Зидлантириш усули
24. «Улоқда» ҳикояси қандай усулда яратилган? Ж: Контраст
25. «Бошсиз одам» ҳикоясининг муаллифини топинг. Ж: А. Қаҳҳор
26. Ёзувчи томонидан кузатилган, идрок этилган ибратли воқеа ва ҳодисаларни ихчам шаклда баён этувчи насрий асар қандай аталади? Ж: Ҳикоя

Ойбек

1. Ойбекнинг дастлабки шеърий тўплами? Ж: «Туйғулар»
2. Ойбекнинг дostonларини топинг. Ж: «Ўч», «Дилбар – давр қизи», «Бахтигул ва Соғиндиқ»
3. Ойбекнинг романларини топинг. Ж: «Қуёш қораймас», «Қутлуғ қон»
4. «Фанорчи ота» ҳикояси қачон ёзилган? Ж: XX асрнинг 30-йилларида
5. «Фанорчи ота» ҳикоясида фанор кимнинг уйи дарвозаси тепасига ўрнатилган эди? Ж: Турсунқул аканинг
6. «Фанорчи ота» ҳикоясида болалар ичида энг кўп қўрқмайдиган, энг баттоли ким эди? Ж: Қосим
7. «Фанорчи ота» ҳикоясида фанорчи отага: «Ким фанарни сиздирса, шуни сизга тутиб берамиз», деб ваъда берган боланинг исми? Ж: Аҳмад
8. «Боланинг кўнгли подшо» ҳикоясида қайси бола қўлидаги бир тилик ҳандалагини ўртоғига мақтайди? Ж: Аъзам
9. «Боланинг кўнгли подшо» ҳикоясида кимнинг уйи «супуриқсиз, қаровсиз қолган кенг ҳовли», деб таърифланади? Ж: Мираҳмад отанинг
10. «Боланинг кўнгли подшо» ҳикоясида қайси баққолнинг дўконида ҳамма нарса топилади, лекин жуда қиммат бўлар эди? Ж: Собир баққол
11. «Боланинг кўнгли подшо» ҳикоясидаги қайси баққолнинг дўконида фақат сабзи, пиёз, ун, керосин сотилар эди? Ж: Муса баққол
12. «Боланинг кўнгли подшо» ҳикоясидаги боланинг бобосининг исми? Ж: Дадақўзи
13. Ойбекнинг таржимасига мансуб бўлган асарларни топинг. Ж: «Евгений Онегин», «Маскарад», «Сосунли Довуд»

14. «Боланинг кўнгли подшо» ҳикоясида воқеалар кимнинг тилидан ҳикоя қилинади? Ж: Мусонинг

15. «Тиллатопар», «Мусича» асарларининг жанрини белгиланг. Ж: Ҳикоя

Ғафур Ғулом

1. Ғафур Ғуломнинг Иккинчи жаҳон уруши пайтида яратилган шеърларини топинг. Ж: «Кузатиш», «Сен етим эмасан», «Вақт», «Соғиниш», «Оналар»

2. Ғафур Ғулом қиссалари қайсилар? Ж: «Нетай», «Ёдгор», «Тирилган мурда», «Шум бола»

3. Ғафур Ғуломнинг қайси қиссаси 1936 йилда ёзилиб, 60-йилларда яна қайта ишланди? Ж: «Шум бола»

4. Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай,
Дамлар ганиматдир, умрузоқ соқий,
Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди,
Умримиз боқийдур, умримиз боқий, –
мисралари Ғафур Ғуломнинг қайси шеърдан олинган?
Ж: «Вақт»

5. «Менинг ўғригина болам» ҳикояси қандай ҳикоя ҳисобланади? Ж: Воқеий ҳикоя

6. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясидаги қора бувининг исми? Ж: Роқиябиби

7. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясидаги қора бувининг ёши? Ж: Саксондан ошган

8. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясида ўғрининг уйга кирганини қора буви қандай билиб қолади? Ж: Ўғри акса уриб юборгани учун

9. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясида қора буви шипга қараб оғзига нима солиб ўйланиб ётган эди? Ж: Нос солиб

10. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясидаги етимлар сони?
Ж: 4 та

11. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясида кампир: «Туянинг кўзидай нон анқога шапиф», дейди. «Шапиф» сўзининг маъноси нима? Ж: Ниҳоятда тансиқ, кам

12. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясида етим болаларнинг амакилари қандай тирикчилик қилар эдилар? Ж: Аравакашлик

13. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясида етим болаларнинг нечтаси ўғил, нечтаси қиз эди? Ж: 1 та ўғил, 3 та қиз

14. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясида ўғрининг нечта боласи бор эди? Ж: 2 та

15. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясида воқеалар қайси подшо даврида бўлиб ўтади? Ж: Керинска даврида

16. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясида ўғрининг ота касби нима эди? Ж: Кавушдўзлик

17. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясидаги читфуруш бойнинг исми нима? Ж: Карим қори

18. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясидаги пудратчи бойнинг исми нима? Ж: Одилхўжабой

19. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясидаги кўнчи бойнинг исми нима? Ж: Матёқуббой

20. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясида ўғри қайси бойнинг ҳовли дарвозасида милтиқ ушлаган городовой туради, дейди? Ж: Одилхўжабой

21. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясида ўғри кимнинг товухонасидан 4 та товуқ, 1 та хўроз ўмаради? Ж: Ориф сассиқнинг

22. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясида кампир «ҳамма ҳунарнинг ҳам ўзининг мурт гардони бўлар экан-да» дейди. «Мурт гардон» сўзининг маъноси нима? Ж: Жавоби

23. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясидаги элликбошининг исми? Ж: Раҳмонхўжа

24. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясида ўғри элликбошига қанча пора бериб рабобийга боришдан қутулади? Ж: 83 сўм

25. «Менинг ўғригина болам» ҳикоясида кампир ўғрига нима олиб кетишни таклиф этади? Ж: Қозонни олиб кетишни

26. Америка ёзувчиси О.Генрининг «Дарддошлар» асарига кимнинг асари ўхшаш? Ж: Фафур Фуломнинг

27. Қайси асарда ўзбек онасининг қуёшдан иссиқ меҳри, оқибати, инсонийлиги, шафқати бутун бўй-басти билан намоён бўлади? Ж: «Менинг ўғригина болам»да

Усмон Носир

1. *Капалакнинг гул эмганин кўрдим,
Эслаб кетдим сени, малагим... сен бердингми, шунча ширин шеърни,*

Эй, барглари кўм-кўк палагим?

Ушбу мисралар қайси ижодкорга тегишли? Ж: Усмон Носирга

2. Қайси шоир «Энг даҳшатли сукунат – шоир жим юрса!» деб ёзган? Ж: Хуршид Даврон

3. Усмон Носирнинг «Юрганмисиз бирга ой билан» шеъри неча мисрадан иборат? Ж: 12 мисра

4. Усмон Носирнинг «Юр, тоғларга чиқайлик» шеърида нима ўта чиройли, гўё сувга ўхшатилади? Ж: Ёшлик

5. Усмон Носирнинг қайси шеъри бир хил мисра билан бошланиб, яна шу мисралар билан тугайди? Ж: «Юр, тоғларга чиқайлик»

6. Усмон Носир қайси шеърида «Чу, қора йўрғам» деб ёзади? Ж: «Йўлчи»

7. *Итоат эт!*

Агар сендан Ватан рози эмас бўлса,

Ёрил! Чақмоққа айлан сен,

Ёрил! Майли тамом ўлсам! – мисралари Усмон Носирнинг қайси шеърида учрайди? Ж: «Юрак»

8. Усмон Носирнинг 1935 йилда яратилган шеърини топинг. Ж: «Юрганмисиз бирга ой билан», «Юр, тоғларга чиқайлик»

9. Усмон Носир «Гулзор-чаман» шеърида ёрига нима-ларни териб бермоқчи бўлади? Ж: Бинафша

10. *Истайманки, оқар қоним тамом бўлмасин,
Истайманки, севар ёрим ташлаб кетмасин,* – мисралари Усмон Носирнинг қайси шеърида учрайди? Ж: «Гулзор-чаман»

ШЕЪР ҲАҚИДА

1. Рус танқидчиси Н.А.Добролюбов шеър учун уч хусусият шарт бўлишини таъкидлайди. Улар қайсилар? Ж: Эзгулик, донолик, гўзаллик

2. Қайси вазн ҳижоларнинг чўзиқ ёки қисқалигига асосланади? Ж: Аруз вазни

3. Қайси вазн ҳижоларнинг миқдорига асосланади? Ж: Бармоқ вазни

4. Вазн сақланса-да, қофиялар бўлмайдиган шеър қандай аталади? Ж: Оқ шеър

5. Қайси шеър тури верлибр деган халқаро атама билан аталади? Ж: Эркин (сарбаст) шеър

6. Ҳам шеърга, ҳам насрга хос хусусиятлар учрайдиган шеър қандай номланади? Ж: Насрий шеър

7. Қайси шеър шаклида мисралардаги ҳижоларнинг миқдори ҳеч қандай аҳамият касб этмайди, мисрлар турлича туроқланади, қофияланади? Ж: Эркин (сарбаст) шеър

8. Қайси шеър шакли насрдаги назмлар, мансур шеърлар дейилади? Ж: Насрий шеър

9. Қайси шеър шакли мансуралар, сочмалар деб ҳам аталади? Ж: Насрий шеър

10. Насрий шеърнинг хусусиятлари қайси қаторда тўғри саналган? Ж: Маълум вазнга ва изчил қофияга эга эмас, рамзий тасвир услуби устун ва фикрий умумлашма кучли, ҳис-ҳаяжон баланд ва риторик қайтариқлар кўп. Ўзига хос ритмик тузилиш ва паузалар кўп

11. М.Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек», Софоклнинг «Шоҳ Эдип» асарлари қандай шеър шаклида ёзилган? Ж: Оқ шеър

12. Шеър тузилишининг асосини нима ташкил этади? Ж: Ҳижо

13. Шеър сўзи қайси сўздан олинган? Ж: Шуур

Ўткир Ҳошимов

1. Ў.Ҳошимовнинг «Чўл ҳавоси» қиссасини ўқиб, «соф, самимий, табиий, илиқ, роҳат қилиб ўқилади»ган асар ёзгани учун ёзувчини табриклаган адиб ким? Ж: Абдулла Қаҳҳор

2. Ў.Ҳошимовнинг қиссаларини топинг. Ж: 4 та: «Одамлар нима деркин», «Баҳор қайтмайди», «Икки карра икки – беш», «Шамол эсаверади», «Дунёнинг ишлари»

3. Ў.Ҳошимовнинг романларини топинг. Ж: «Нур борки, соя бор», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар»

4. Ў.Ҳошимовнинг ҳикояларини топинг. Ж: «Муҳаббат», «Урушнинг сўнгги қурбони»

5. Ў.Ҳошимов драмаларини топинг. Ж: «Қатағон», «Тўйлар муборак», «Инсон садоқати»

6. «Дунёнинг ишлари» қиссаси асосан ким тўғрисида? Ж: Оналар тўғрисида

7. Ў.Ҳошимовнинг қайси қиссаси ўзига хос мустақил сюжетли ҳикоялардан ташкил топган? Ж: «Дунёнинг ишлари»

8. Ў.Ҳошимовнинг қайси қиссаси ҳақида қайси адиб «дос-тондек ўқилади. Уни ўқиб ўз оналаримизни ўйлаб кетамиз» деган? Ж: Саид Аҳмад

9. Ў.Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссасидаги қайси ҳикояда онанинг ўз жигарбандини касаллик ҳавфидан тезроқ халос қилиш учун ҳар нарсага, ҳатто жонини ҳам беришга тайёр эканлиги тасвирланади? Ж: «Гилам пайпоқ»

10. Ў.Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссасидаги қайси ҳикоя илоҳий кучга эга бўлган, кўнгилларни эритадиган оҳанг ҳақида? Ж: «Алла»

11. Ў.Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссасидаги қайси ҳикояда инсоннинг она олдидagi фарзандлик бурчи ҳеч қачон тўлаб бўлмас қарз эканлиги тасвирланади? Ж: «Илтижо»

12. Ў.Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссасидаги қайси ҳикояда Ҳакима ая камтаргина нафақасини қўшнилари фарзандларининг хурсандлиги учун сарфлайди? Ж: «Қарз»

13. Ў.Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссасидаги «Ҳаққуш» ҳикоясида бир-бири билан доим жиққамушт бўлгани учун кўр қушга айланиб қолган ака-уканинг исmlарини топинг. Ж: Илҳақ, Исҳоқ

14. «Оналар фарзандлари ҳамиша бирга бўлишини истайдилар. Қисмат эса уларни қанот чиқариши билан ҳар ёққа учириб кетади. Ҳаёт лоақал шу масалада ҳам оналарга шафқат қилмайди». Ушбу парча Ў.Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссасидаги қайси ҳикоядан олинган? Ж: «Ҳаққуш»

15. Ў.Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссасидаги «Қарз» ҳикоясидаги қўшнининг етти яшар қизчасининг исми? Ж: Нилуфар

16. Ў.Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссасидаги «Қарз» ҳикоясида Ҳакима ая қўшни болаларга нималар олиб беради? Ж: Туфли, 3 оёқли велосипед, кўйлак

17. Ў.Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссасидаги «Гилам пайпоқ» ҳикоясидаги табиб буванинг исми? Ж: Ҳожи бува

18. Ў.Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссасидаги «Гилам пайпоқ» ҳикоясида онанинг фидойилиги нималарда кўринади? Ж: Боласининг тезроқ тузалиши учун ҳатто ўзи-

нинг сарпойчанлигини унутганида, боласи учун ўз ҳаётини унутганида

19. Ҳ.Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссасидаги қайси ҳикояда онаси ундан: «Мени ҳам китоб қилгин, ўғлим» деб сўраганини эсга олади? Ж: «Илтижо»

Миртемир

1. *Кўлу тоғлик,*

Боғу роғлик узбек элим.

Момо юрти,

Бобо юрти, чамбилбелим, – мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Миртемир

2. Миртемирнинг илк шеъри қандай номланади? Ж: «Тан-бурим овози»

3. Миртемирнинг илк шеъри қачон эълон қилинган? Ж: 1926 йилда

4. Миртемирнинг илк шеърий тўплами қандай номланади? Ж: «Шуълалар қўйнида»

5. Миртемирнинг илк шеърий тўплами қачон эълон қилинган? Ж: 1928 йилда

6. Миртемир қайси йилларда кўп вақтини таржималарга бағишлади? Ж: XX асрнинг 30-йилларида

7. «Манас» қирғиқ халқ эпоси, «Қирқ қиз» қорақалпоқ халқ достонини қайси ижодкор ўзбек тилига таржима қилган? Ж: Миртемир

8. *Шавкатим, фаҳрим менинг,*

Денгизу наҳрим менинг,

Юрагим, бағрим менинг –

Пахтакор Республикам, – мисраларинг муаллифини топинг. Ж: Миртемир

9. Миртемирнинг умрининг охирида тайёрлаган шеърий тўплами қандай номланади? Ж: «Ёдгорлик»

10. Миртемирнинг «Булут» шеъри неча қисмдан иборат? Ж: 2 қисмдан

11. Миртемир «Булут» шеърида булутларни нимага ўхшатади? Ж: Пахта хирмонларига

12. Миртемирнинг 50-60-йилларда ёзган шеърлари қайсилар? Ж: «Булут», «Шудринг»

13. *Йўқ, бу гирён кўзларнинг ярқироқ замзамаси.*

Кечаси онам тагин йиглабди-да, чамаси, – сатрлари Миртемирнинг қайси шеъридан олинган? Ж: «Шудринг»

14. Миртемир «Шудринг» шеърида шудрингни нималарга қиёслайди? Ж: Келинлар тақинчоғига, узук кўзига, кўзмунчоққа, қизларнинг сузилиб турган кўзига

15. Миртемирнинг қайси шеъридаги нарсанинг номи фақат шеър сарлавҳасидагина учраб, шеър ичида бирор марта учрамайди? Ж: «Шудринг»

16. Миртемирнинг қайси шеъридан ҳақиқий шоир ўз ҳақининг овози бўлиши, уни эзгу ишларга чорлаши, ёруғ туйғуларни куйлаши керак, деган хулоса чиқади? Ж: «Тўрғай»

17. Миртемирнинг қайси шеъри шоирнинг болалик йиллари хотиралари билан боғлиқ? Ж: «Балиқ ови»

18. *Эсимда, гўзаллик – унутилмас чоқ.*

Ўша кунларимдан қалбимда бор хат, – сатрлари Миртемирнинг қайси шеъридан олинган? Ж: «Қишлоғим»

Мақсуд Қориев

1. «Ойдин кечалар», «Жийда гуллаганда» асарларининг муаллифини топинг. Ж: Мақсуд Қориев

2. Мақсуд Қориев ижодида йирик асарлар ёзилиши қачондан бошланган? Ж: XX асрнинг 80-йилларидан

3. Мақсуд Қориев қаламига мансуб тарихий романларни топинг. Ж: «Ибн Сино», «Спитамен», «Ғазнавийлар»

4. Мақсуд Қориевнинг қайси асарлари асосида бадиий фильмлар суратга олинган? Ж: «Қалдирғочлар баҳорда келади», «Қиз узатиб борганда»

5. Мақсуд Қориевнинг «Қалдирғочлар баҳорда келади» ҳикоясидаги қизнинг исми? Ж: Нодира

6. Қалдирғочлар қандай жойларга уя қурадилар? Ж: Бехавотир жойларга

7. Қалдирғочларнинг бошқа қушлардан фарқи нима? Ж: Инсонларга садоқати

8. Қайси ижодкор «Олтин қалам» мукофоти билан тақдирланган? Ж: Мақсуд Қориев

9. «Темур ҳақида ҳикоялар», «Ибн Синонинг болалиги» асарларининг муаллифи ким? Ж: Мақсуд Қориев

10. Мақсуд Қориев 20 йил давомида қайси газетада ишлаган? Ж: «Ўзбекистон овози»

11. «Ой тутилган кеча», «Турналар баланд учади» китобларининг муаллифи ким? Ж: Мақсуд Қориев

12. Қайси шоир ўз шеърисида қишлоғини «қўли қадоғим» деб атайдими? Ж: Миртемир

13. «Тожмаҳал» асарининг муаллифини топинг. Ж: Мақсуд Қориев

Экзюпери

1. Антуан де Сент-Экзюперининг 1-ҳикояси қандай аталади? Ж: «Учувчи»

2. Антуан де Сент-Экзюперининг романларини топинг. Ж: «Тунги парвоз», «Жануб чопари», «Эркаклар замини»

3. Антуан де Сент-Экзюперининг илк йирик романини топинг. Ж: «Жануб чопари»

4. Антуан де Сент-Экзюперининг қайси романи 1931 йили «Фемина» мукофотига сазовор бўлди? Ж: «Тунги парвоз»

5. Антуан де Сент-Экзюперининг қайси романи Франция Академияси томонидан энг яхши роман учун Гран При мукофотига сазовор бўлди? Ж: «Эркаклар замини»

6. Антуан де Сент-Экзюперининг қайси асари новелла жанрида яратилган? Ж: «Ҳарбий учувчи»

7. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртаги қачон яратилган? Ж: 1943 йилда

8. Антуан де Сент-Экзюперининг қайси асарида инсонлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ҳамдардлик, ўзаро ҳурмат муносабатлари, Ёвузлик ва Ёмонликка қарши кураш ғоялари акс этган? Ж: «Кичкина шаҳзода»

9. Қайси ижодкор ўз асари тўғрисида: «Мен китобимнинг шунчаки эрмак учунгина ўқилишини асло истамайман», дейди? Ж: Сент-Экзюпери

10. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида ёзувчининг самолёти бузилиб қаерга тушиб қолади? Ж: Саҳройи Кабирга

11. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида кичкина шаҳзоданинг сайёрасида қандай хавфли дарахт ўсар эди? Ж: Баобаб

12. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагидаги қаҳрамонлар қандай қаҳрамонлар? Ж: Рамзий характерга эга қаҳрамонлар

13. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида кичкина шаҳзода пианистага, нима учун ичяпсиз, деб сўраганида унутмоқ учун деб жавоб беради. Пианиста нимани унутмоқчи эди? Ж: Ичишининг уят эканлигини

14. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагидаги кичкина шаҳзода ниманинг рамзи? Ж: Эзгулик

15. «Кичкина шаҳзода» эртагини ёзувчи кимга бағишлаган? Ж: Дўстига

16. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида ёзувчи олти ёш пайтида қайси китобдаги суратдан ҳаяжонга тушади? Ж: «Бўлган воқеалар»

17. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида ёзувчининг 1-чизган сурати нима ҳақида эди? Ж: Фил ютган илон ҳақида

18. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида ёзувчининг 2-чизган сурати нима ҳақида эди? Ж: Фил ютган илоннинг ички кўриниши ҳақида

19. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида ёзувчидан кичкина шаҳзода ниманинг расмини чизиб беришини сўрайди? Ж: Қўзичоқнинг

20. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида ёзувчи кичкина шаҳзодага нималарни чизиб беради? Ж: Фил, илон, қўзичоқ, қўчқор, қутича

21. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида ёзувчи кичкина шаҳзодага қўзичоқ расмини чизиб берганда дастлаб бу сурат унга нима учун ёқмайди? Ж: Ориқ бўлгани учун

22. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида ёзувчи кичкина шаҳзодага қўзичоқ расмини чизиб берганда 2-марта бу сурат унга нима учун ёқмайди? Ж: Қўчқор бўлгани учун

23. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида ёзувчи кичкина шаҳзодага қўзичоқ расмини чизиб берганда 3-марта бу сурат унга нима учун ёқмайди? Ж: Қари бўлгани учун

24. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида кичкина шаҳзоданинг сайёрасида очилган фируза гулга хос хусусиятларнинг нотўғриси Ж: Камтар

25. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида кичкина шаҳзоданинг сайёрасига яқин 1-астероидда ким яшар эди? Ж: Қирол

26. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида кичкина шаҳзоданинг сайёрасига яқин 2-астероидда ким яшар эди? Ж: Шуҳратпараст

27. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида кичкина шаҳзоданинг сайёрасига яқин 3-астероидда ким яшар эди? Ж: Пияниста

28. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида кичкина шаҳзоданинг сайёрасига яқин 4-астероидда ким яшар эди? Ж: Корчалон

29. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида кичкина шаҳзоданинг сайёрасига яқин 5-астероидда ким яшар эди? Ж: Чароғбон

30. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида кичкина шаҳзоданинг сайёрасига яқин нечанчи астероидда жуғрофий олим яшар эди? Ж: Олтинчи

31. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида кичкина шаҳзоданинг сайёрасига яқин нечанчи астероид Ер эди? Ж: Еттинчи

32. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида Ер сайёрасида нечта қирол бор эди? Ж: 120 та

33. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида Ер сайёрасида нечта географ бор эди? Ж: 7 минг

34. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида Ер сайёрасида нечта корчалон бор эди? Ж: 9 юз минг

35. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида Ер сайёрасида нечта шуҳратпараст бор эди? Ж: 311 миллион

36. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида кичкина шаҳзода Ер сайёрасида дастлаб кимга учрайди? Ж: Илонга

37. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида Ер сайёрасида кичкина шаҳзодага ким: «Мен ҳамма жумбоқларни ҳал этаман», дейди? Ж: Илон

38. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида Ер сайёрасида ким кичкина шаҳзодага, «Қандай даҳшатли бало хавф солиб турганини у сезмайдиам, билмайдиам. Умида ҳеч қачон на очликни, на ташналикни кўрган. Унга қуёш нурининг ўзи кифоя», дейди? Ж: Учувчи

39. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида Ер сайёрасида ким кичкина шаҳзодага: «Сенга раҳмим келади. Тош-метин бу заминда сен шу қадар заиф, ожизсан-ки. Ёдингда бўлсин, қачонки олисда қолган сайёрангни эслаб юрагинг ғуссага тўлса, мен сенга ёрдам қилишим мумкин», дейди? Ж: Илон

40. Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» эртагида Ер сайёрасида ким кичкина шаҳзодага дуст тутунади? Ж: Тулки

41. «Ундаги энг гўзал нарса – кўзга кўринмайдиган нарсасадир. Энг асосий нарсани кўз илғамайди, у сийратда, богинда пинҳон». Ушбу фикрлар «Кичкина шаҳзода» эртагидаги қайси қаҳрамонга тегишли? Ж: Учувчи

42. Кичкина шаҳзодага ҳар доим нима йўлдош эди? Ж: Тилла ранг шарф

43. Кичкина шаҳзоданинг учувчига бермоқчи бўлган совғаси нима эди? Ж: Қувноқ кулгиси

Алишер Навоий

1. Алишер Навоий тарихчи олим Шарафиддин Али Яздий билан учрашганда неча ёшда эди? Ж: Олти ёшда

2. Алишер Навоий неча ёшида Лутфий назарига тушган? Ж: 12 ёшида

3. «Ҳайрат ул-аброр»нинг нечанчи мақолати тўғрилиқ ҳақида? Ж: Ўнинчи

4. «Ҳайрат ул-аброр» достони неча мақолатдан иборат? Ж: 20 мақолат

5. «Ҳайрат ул-аброр»да Навоий тўғрилиқ йўлининг неча хил турини кўрсатади? Ж: 2 хил

6. «Ҳайрат ул-аброр»да Навоий қандай тоифали одамларнинг ишини тўла маъқуллайди? Ж: Тўғри сўзли одамларни

7. «Ҳайрат ул-аброр»да Навоий кимларни «ёмон эмас» дейди? Ж: Яхшилик кўзлаб, эзгу ниятда ёлғонни тўғри деб маъқуллайдиганларни

8. «Ҳайрат ул-аброр»да Навоий эгрилик ва тўғрилиқнинг исботи учун кимларнинг ишини мисол қилиб келтиради? Ж: Боғбон ва савдогарнинг

Бобур

1. Бобурнинг бизгача етиб келган шеърларининг ҳажми қанча? Ж: 300 дан ортиқ

2. Бобурнинг бизгача нечта девони этиб келган? Ж: 1 та

3. *Беқайдмену хароби сийм эрмасмен,*

Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен, – мисраларидаги «беқайд» сўзининг маъносини топинг. Ж: Кишансиз, эркин

4. *Беқайдмену хароби сийм эрмасмен,*

Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен, – мисраларидаги «лаим» сўзининг маъносини топинг. Ж: Гадо

5. *Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,*

Ё Раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди, – мисраларидаги «Ҳинд» сўзининг маъносини топинг. Ж: Ҳиндистон, қора

6. *Хуш улки, кўзум тушти сенинг кўзунгга,*

Бевосита ҳолимни десам ўзунгга.

Бермай сўзума жавоб аччигланасен,

Қилдинг мени муҳтож чучук сўзунгга, – мисраларининг жанри ва муаллифини топинг. Ж: Бобур, рубоий

7. *Ё қаҳру газаб бирла мени туфроқ қил!*

Ё баҳри иноятингга мустагроқ қил!

Ё раб, сендадур юзум қаро гар оқ қил,

Ҳар навъ сенинг ризонг эрур андоқ қил! – мисраларининг жанри ва муаллифини топинг. Ж: Бобур, рубоий

8. *Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,*

Сен шуъласен, ул шуълага мен кулдурмен.

Нисбат йўқтур, деб ижтиноб айлаким,

Шаҳмен элга, вале сенга қулдурмен, – мисраларининг жанри ва муаллифини топинг. Ж: Бобур, рубоий

9. *Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласен, ул шуълага мен кулдурмен.
Нисбат йўқтур, деб ижтиноб айлаким,
Шаҳмен элга, вале сенга қулдурмен,* – мисраларидаги
«ижтиноб» сўзининг маъносини топинг. Ж: Узоқланиш
10. Қофия нима? Ж: Мисра охиридаги оҳангдош сўз
11. Радиф нима? Ж: Мисра охиридаги такрорланувчи сўз

Муқимий

1. Муқимий ижодини жиддий ва самарали ўрганиш юртимизда қачондан бошланди? Ж: XX асрнинг 30-йилларидан
2. Қайси сана Муқимий ижодини ўрганиш тарихида янги давр бўдди? Ж: 1953 йил
3. Қайси шоир «ҳужраи танг ва торликда бекаслик ва гариблик чироғини ёқиб» умр ўтказди? Ж: Муқимий
4. Муқимий хаттотликни кимдан ўрганди? Ж: Муҳаммад Юсуф Хаттотдан
5. Қайси ижодкор адабиётимизда ҳажвиётни янги босқичга кўтарган ва сатира мактабини яратган ижодкор сифатида қадрланади? Ж: Муқимий
6. Эпистоляр жанр қандай жанр? Ж: Адабий мактублар
7. Муқимийдан бизгача етиб келган мероснинг умумий ҳажми қанча? Ж: 10 минг мисрадан иборат
8. Муқимий ижодига хос бўлган жанрларни топинг. Ж: Ғазал, рубоий, мухаммас, мураббаъ, туюқ, фард
9. Муқимий саёҳатномалари йўналишлари номи тўғри саналган қаторни топинг. Ж: Қўқондан Шоҳимардонга, Қўқондан Фарғонага, Қўқондан Исфарага
10. Муқимий саёҳатномалари қандай бошланади? Ж: Замондан, турмушдан шикоят билан
11. *Фарёдким, гардину дун
Айлар юрак бағримни хун,*

Кўрдиким бир аҳли фунун,

Чарх анга кажрафтор экан. – сатрлари билан Муқимийнинг қайси саёҳатномаси бошланади? Ж: Қўқондан Шоҳимардонга

12. Муқимий саёҳатномасида шоир қайси қишлоққа юриш қилганда бир читфуруш йўлдош эканлигини айтади? Ж: Ултарма

13. Муқимий саёҳатномасида Хўжа Исо бадкор номли мингбоши қаерлик? Ж: Қўштегирмон

14. Муқимий саёҳатномасида шоир қайси қишлоқни «дашти қароқчизор» деб атайди? Ж: Дўрманча

15. Муқимий саёҳатномасида бўлус Ғози қаерлик? Ж: Дўрманча

16. Муқимий саёҳатномасида қайси қишлоқ бойлари меҳмонни ёмон кўриши таъкидланади? Ж: Оқ ер

17. Муқимий саёҳатномасида «эрмаклари кўкнор» деб таърифланган қишлоқ? Ж: Дўрманча

18. Муқимий саёҳатномасида «фирдавс боғи» деб таърифланган қишлоқ? Ж: Зоҳидон

19. Муқимий саёҳатномасида қайси қишлоқда селларда қолиб кетганини айтади? Ж: Олтиариқ

20. Муқимий саёҳатномасида «бир кўча кетгунча дўкон» деб таърифланган қишлоқ? Ж: Зоҳидон

21. Муқимий саёҳатномасида «ер остида зиндон» деб таърифланган қишлоқ? Ж: Чимён

22. Муқимий саёҳатномасида «мақоми дилфузо, кўчалари дилкушо» деб таърифланган қишлоқ? Ж: Водил

23. Муқимий саёҳатномасида «серчашма, камчанг» деб таърифланган қишлоқ? Ж: Қудаш

24. Муқимий саёҳатномасида қайси қишлоқнинг одамлари энгилнамо, бир-бирлари билан кўп жанг қилади, деб таърифланади? Ж: Яйфан

25. Муқимий саёҳатномасида етимнинг ҳақини ейдиган одамлар қайси қишлоқда яшашлари айтилади? Ж: Бешариқ

26. Муқимий саёҳатномасида «бир кўча кетгунча сой, дукчисидан аттори кўп, чойхўридан кўкнори кўп» деб таърифланган қишлоқ? Ж: Рафқон

27. Муқимий саёҳатномасида қайси қишлоқда эшакдан ҳам ёмон куйлайдиган жувонга учраганини афсусланиб айтади? Ж: Рафқон

28. Муқимий саёҳатномасида қайси қишлоққа кирмай қайтганини айтади? Ж: Конибодом

29. Муқимийнинг «Қўқондан Исфарага» йўналишли саёҳатномасида ва «Қўқондан Фарғонага» йўналишдаги саёҳатномасида ҳам номи тилга олинган қишлоқлар қайси? Ж: Яйфан, Нурсух, Рафқон

30. Муқимий саёҳатномасида «деҳқонларининг қорни тўқ, масжидлари кўп» деб таърифланган қишлоқ? Ж: Нурсух

31. Муқимий саёҳатномасида «зебо санам, қалам қошли жононлари кўп» деб таърифланган қишлоқ? Ж: Яйфан

32. Муқимий саёҳатномасида «ўйнаб келодур сувлари, ширин зардолулари» деб таърифланган қишлоқ? Ж: Исфара

33. Муқимий саёҳатномасида «бир тангага бир қурут сотадиган баққоллари инсофсиз» деб таърифланган қишлоқ? Ж: Яккатут

34. Муқимий саёҳатномасидаги қайси қишлоқнинг мингбоши қуруқ савлатли Эшдавлат ака эди? Ж: Яккатут

35. Муқимий саёҳатномасидаги қайси қишлоқнинг одамлари ҳар мевасининг бир тупигача сотадиган, бир сўмни юз еридан тугадиган хасис деб таърифлайди? Ж: Рафқон

36. Муқимий саёҳатномасида қайси қишлоқни кўрмаганлиги учун кўп афсус чекади? Ж: Тикка Работ

37. Саёҳат таассуротларини акс эттирадиган саёҳатномалар қандай йўлда яратилган? Ж: Шерий ва насрий йўлда

38. Саёҳатномаларнинг дастлабки намуналари қайси шоирлар ижодида учрайди? Ж: Навоий, Бобур

39. Ўзбек адабиётида саёҳатнома жанрининг алоҳида поэтик шаклда тартиб топтирган шоир ким? Ж: Муқимий

40. Саёҳатнома ёзган шоирлар. Ж: Завқий, Муқимий, Фурқат, Тажаллий, Махмур

41. Саёҳатноманинг ички тузилишига хос бўлган хусусиятни топинг. Ж: Кириш, яъни саёҳатга чиқиш эҳтиёжи, сабаблари айтилади; йўл хотиралари батафсил баён этилади, саёҳатлардан муайян хулосалар чиқарилади

Саъдий Шерозий

1. Саъдий Шерозий номини бутун жаҳонга танитган асарлари қайси? Ж: Ҳазаллари ва «Бўстон», «Гулистон» асарлари

2. Саъдий Шерозий қайси асарида бир суҳбатда шаҳарнинг қимматбаҳо кийимларга бурканган казо-казолари ечолмаган масалани пойгакда ўтирган йиртиқ кийимли дарвеш ечиб берганини на ўша дарвеш менинг ўзим эдим, деб ёзади? Ж: «Бўстон» асарида

3. *Қорнинг тўқ эса, арпа нони яхши кўринмас,*

Гар оч эсанг, ой қурси каби хўб эрур ва соф. – мисралари қайси асардан олинган? Ж: «Гулистон» асарида

4. Бир подшоҳ кема сафарига чиқади. Кемадаги бир ажамий қул кемага 1-марта чиққани учун йиғлайвериб ҳаммани безор қилиб юборади. Шунда табиб у қулнинг бурнини сувга тиқишни маслаҳат беради. Бурни сувга ботган қул шундан сўнг бир бурчакда индамай кетади. Бунинг сабабини сўраган шоҳга табиб қандай жавоб беради? Ж: Сувга ғарқ бўлишнинг қандай ёмонлигини билгани учун жим бўлиб қолди, кеманинг сувга ғарқ бўлишдан бехатар эканлигин билганидан жим бўлиб қолди

5. Саъдийнинг «Бўстон» асари қачон ўзбекчага ўгирилган? Ж: 1960 йилда

6. Саъдийнинг қайси асаридаги бир ҳикоятдан ёмон хотин давосиз дард, ҳаёсиз душман кабидир, деган хулоса чиқади? Ж: «Гулистон» асаридан

7. Саъдийнинг «Гулистон» асарида қайси шоҳ булоқ бошига «Кўплар ҳам бу чашма бошига етди, сув ичди, дунёдан кўз юмиб кетди. Қанчаси зулм ила оламни олди, гўрга ўзи кетди, олгани қолди» деган сўзларни ёздирган? Ж: Жамшид

8. *Биёбонда қудуқ қазолмасанг, боқ.*

Қабристонга кириб битта чироқ ёқ, – мисралари қайси асардан олинган? Ж: «Бўстон» асаридан

9. *Устига китоб ортилган зшак,*

На олим ва на донодир бешак, – мисралари қайси асардан олинган? Ж: «Бўстон» асаридан

Ҳамза

1. Ҳамзанинг илк девони қачон тузилган? Ж: 1914 йилда

2. Ҳамза дастлабки шеърларига қайси тахаллусни қўйган? Ж: Ниҳоний

3. Ҳамзанинг дарсликлари номи тўғри саналган қаторни топинг. Ж: «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби», «Қироат китоби»

4. Ҳамза 1914-1915 йилларда қандай «миллий роман»лар ёзган? Ж: «Янги саодат», «Учрашув»

5. Ҳамзанинг «Жонларнинг жонони ватан» шеъри қайси бўлимга киритилган? Ж: «Миллий ашулалар учун миллий шеърий мажмуаси»нинг учинчиси – «Қизил гул» бўлиmidан

6. Ҳамза 1915-1919 йилларда ёзган шеърларини нечта тўплам қилди? Ж: 7 та

7. *Боқуниг тирик бўлсак, азар ўлсанг қучоғингда яна...*

Ушбу мисралар Ҳамзанинг қайси шеърдан олинган? Ж: Ҳамза, «Жонларнинг жонони ватан»

8. Ҳамзанинг «Жонларнинг жонони ватан» шеърида нечта мисра нақорот бўлиб келган? Ж: 2 та

9. Ҳамзанинг «Дардига дармон истамас» шеъри миллий ашулалар учун миллий шеърларнинг қайси биридан олинган? Ж: «Миллий ашулалар учун миллий шеърий мажмуаси»нинг иккинчи – «Оқ гул» бўлимидан

10. Ҳамзанинг қайси шеъри «Дўст Мавлон-эй» куйида айтилади? Ж: Ҳамза, «Дардига дармон истамас»

11. Ҳамзанинг «Жонларнинг жонони ватан» шеъри қандай шеър шаклида яратилган? Ж: Мураббаъ

12. Ҳамзанинг «Дардига дармон истамас» шеъри қандай шеър шаклида яратилган? Ж: Мусаллас

13. Ҳамзанинг қайси шеърида «Ухлама, ўзбек эли, асри тараққий вақтида» мисралари нақорат бўлиб келади? Ж: Ҳамза, «Дардига дармон истамас»

14. Ҳамзанинг «Жонларнинг жонони ватан» шеърининг ҳажми? Ж: 32 мисра

15. Ҳамзанинг «Дардига дармон истамас» шеърининг ҳажми қанча? Ж: 26 мисра

Эркин Воҳидов

1. Эркин Воҳидовнинг 1-шеърий тўпламининг номини топинг. Ж: «Тонг нафаси»

2. «Шоиру шеъру шуур» адабий фалсафий тўплам қайси шоир қаламига мансуб? Ж: Э. Воҳидов

3. Э. Воҳидовнинг дostonлари келтирилган қаторни топинг. Ж: «Рухлар исёни», «Истанбул фожиаси», «Палаткада ёзилган дoston»

4. Э. Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидаси қачон яратилган? Ж: 1968 йилда

5. Қайси шоир ижодида А.Блок, Л.Украинка, Р.Ҳамзатов асарларидан таржималар мавжуд? Ж: Э. Воҳидов

6. *Менга... бир жаҳону,
Менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,*

Куксим осмон, ўзбегим, – мисраларидаги нуқталар ўрнига қўйилган исми топинг. Ж: Пушкин

7. Машҳур тарихий шахслар ва воқеаларни мадҳ этувчи тантанавор услубдаги шеър қандай номланади? Ж: Қасида

8. Саккокий Мирзо Улуғбекка атаб нечта қасида ёзган? Ж: 4 та

9. «Тухфат ул-афкор» қасидасининг муаллифини топинг. Ж: Навоий

Абдулла Орипов

1. «Соҳибқирон» номли шеърини драма ёзган ижодкор ким? Ж: А. Орипов

2. Дантенинг «Илоҳий комедия» асарини ўзбек тилига таржима қилган шоирни топинг. Ж: А. Орипов

3. А.Ориповнинг «Ўзбекистон» қасидасининг ҳажми? Ж: 140 мисра

4. А.Ориповнинг «Ўзбекистон» қасидаси қачон яратилган? Ж: 1968 йилда

5. А.Ориповнинг «Ўзбекистон» қасидаси неча сатрли шеър? Ж: 10 сатрли

Ўлмас Умарбеков

1. Ўлмас Умарбековнинг илк ҳикоялар тўплами қачон нашр қилинган? Ж: 1958 йил

2. Ўлмас Умарбековнинг қайси асари А. Қаҳҳор томонидан юксак баҳоланди? Ж: «Севгим, севгилим»

3. Ў. Умарбеков қиссаларини топинг. Ж: «Кимнинг ташвиши йўқ», «Уруш фарзанди», «Ёз ёмғири», «Оқ қалдирғоч», «Жўра қишлоқ», «Ер ёнганда», «Севгим, севгилим»

4. «Йигит ва қиз», «Асосий кун», «Икки солдат қиссаси», «Чангалзордаги ов», «Ўзгаларни деб», «Қалин қор бағридаги учрашув» каби киносценарийлар асосида ишланган бадиий филмлар қайси адиб қаламига мансуб? Ж: Ўлмас Умарбеков

5. Ўлмас Умарбековнинг илк пьесаси қайси? Ж: «Оқар сувлар»

6. «Қизимга мактублар» асари муаллифи ким? Ж: Ўлмас Умарбеков

7. Ўлмас Умарбековнинг қайси қиссаси буюк адиб Абдулла Қаҳҳор томонидан юксак баҳоланиб, ёш ижодкорнинг кейинги фаолияти учун катта руҳий мадад беради? Ж: «Севгим, севгилим»

8. Ўлмас Умарбековнинг 1-романи қайси? Ж: «Одам бўлиш қийин» 1970 йил

9. Нечанчи йиллар Ўлмас Умарбековнинг театр ва кино учун асарлар ёзиш борасидаги изланишларида энг баракали давр бўлди? Ж: 70-80-йиллар

10. Ўлмас Умарбековнинг пьесалари қайси? Ж: «Суд», «Ёшлик денгизи», «Комиссия», «Қиёмат ҳарз», «Кузнинг биринчи кун», «Шошма, Қуёш», «Ўз аризасига кўра», «Курорт», «Ер ёнганда», «Оқар сувлар»

11. Ўлмас Умарбековнинг касаллик даврида яратилган асарларини топинг. Ж: «Оқсоқол» пьесаси, «Фотима ва Зухра» романи, «Қизимга мактублар» асари

12. Ўлмас Умарбековнинг қайси асари ўз вақтида ёшлар ўртасида ниҳоятда севиб ўқилган, қизғин баҳсу мунозараларга сабаб бўлган эди? Ж: «Одам бўлиш қийин» романи

13. Ўлмас Умарбековнинг қайси асари публицистик хотира-қисса жанрида? Ж: «Қизимга мактублар»

14. «Етти пуштини билмайдиган, аждод-авлодини танимайдиган кимсаларни марқут дерлар», деб қайси ижодкор ёзган? Ж: Маҳмудхўжа Бехбудий

15. Ўлмас Умарбековнинг қайси асарига «Мангу дунё бўсағасида» деган кичик эпиграф қўйилган? Ж: «Қизимга мактублар»

16. Ўлмас Умарбековнинг қайси асарида ота-онаси, қариндошлари, авлод-аждоди ҳақидаги қизиқарли маълумотлар учрайди? Ж: «Қизимга мактублар» асари

17. Ўлмас Умарбеков отасининг китобни нақадар севишини қайси асарни ўқишни болаларидан қаттиқ талаб этганлиги билан исботлайди? Ж: Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи

18. Қайси асарда ҳозирги кунда одамларнинг китоб ўқишга ҳаваси сусайиб кетаётгани ҳақида куюнчаклик билан ёзилган? Ж: Ўлмас Умарбековнинг «Қизимга мактублар» асарида

19. Ўлмас Умарбековнинг отаси исми? Ж: Раҳимбек

20. Ўлмас Умарбеков «Қизимга мактублар» асарини кимга ёзган? Ж: Қизи Умидага

21. Ўлмас Умарбеков «Қизимга мактублар» асарида қайси ижодкорнинг асаридаги умид билан яшаган қиз қиссасини эсга олади? Ж: Эммин Пеликнинг «Оқ қалдирғоч» асаридаги

Нодар Думбалзе

1. Нодар Думбадзенинг қайси асарлари ўзбек тилига таржима қилинган? Ж: «Куракча» қиссаси, «Оқ байроқлар», «Абадият қонуни» романлари

2. Нодар Думбадзенинг асарларини ўзбек тилига ким таржима қилган? Ж: Низом Комил

3. Нодар Думбадзенинг қайси асари асосида ўзбек санъаткорлари томонидан кўп қисмли видеофильм яратилган? Ж: «Абадият қонуни» романи

4. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясидаги қаҳрамон Янгули қаерда яшайди? Ж: Венециан кўчасида, Чалбаш дарёсининг бўйида

5. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясидаги Янгули неча ёшда эди? Ж: 14 ёшда

6. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясида Жамол холаваччасининг исми? Ж: Кока

7. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясидаги Янгули отасининг исми? Ж: Христа Александрид

8. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясида Жамолнинг синган скрипкасани ким уйига олиб бориб беради? Ж: Янгулининг ўнг қўли Петя

9. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясидаги Жамолнинг онасининг исми? Ж: Анико

10. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясидаги Янгулининг кўкрагига қандай сўз ўйиб ёзилган эди? Ж: Хелладос

11. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясида Жамолнинг ҳаётида янги давр, яъни яшаш учун кураш даври қайси воқеадан кейин бошланди? Ж: Янгули унинг скрипкасани синдиргандан кейин

12. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясидаги Жамол қаерлик эди? Ж: Тбилисилик

13. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясида Янгули билан Жамол неча марта муштлашади? Ж: 3 марта

14. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясида Янгули билан Жамолнинг олишувидида ким ғолиб чиқади? Ж: 1 ва 3-сида Жамол, 2-сида Янгули

15. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясида Янгули Жамолдан енгилгандан кейин олишувнинг қайси турига ўтишлари ҳақида келишиб олади? Ж: Сўкишиш ҳақида

16. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясида Жамол билан Янгули ўртасидаги сўкишиш мусобақаси қанча давом этди? Ж: Ярим йил

17. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясида Жамолларникига сут олиб келган Янгулининг юзи момоталоқ эди. Уни ким урган эди? Ж: Отаси

18. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясида Янгули нима учун калтак еган эди? Ж: Греклар ўз юртлари Элладага қайтмоқчи бўлишганда, Янгули улар билан бирга кетишни хоҳламагани учун

19. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясида Янгули нима учун ўз юрти Элладага қайтишдан бош тортади? Ж: Чунки у Сухумида туғилган эди. Унинг учун ватани шу жой эди.

20. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясидаги Янгули кимни севар эди? Ж: Мида исмли қизни

21. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясида жамол Янгулининг кўкрагидаги грекча ёзилган «Хелладос» сўзини кўрсатиб, бу нима деб сўраганида, у қандай жавоб беради? Ж: «Бу нақш, Жамол. Ватан – ичкарироқда, нақд юракнинг ўзида»

22. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясида греклар ўз юртларига қайси кемада жўнаб кетишди? Ж: «Посейдон» номли кемада

23. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясида Янгулининг мурдаси қаердан топилади? Ж: Келасури дарёсининг қуйилиш жойидан

24. Нодар Думбадзенинг «Хелладос» номли ҳикоясидаги Жамол холасининг исми? Ж: Нина хола

25. Характер сўзи қандай маънони билдиради? Ж: Юнонча сўз бўлиб, «хусусият», «белги» маъноларини билдиради

26. Бадий асар қаҳрамонлари ўзининг тасвир ва талқин даражаси, воқеалардаги иштироки, асарда кўтарилган «юки»га кўра қандай турга бўлинади? Ж: 4 турга: персонаж, образ, характер, тип

27. Абдулла Қаҳҳор характернинг яратилиши ҳақида нима деган? Ж: Адабиёт уй дафтарида бир одамнинг пайдо бўлиши

28. Бадий характерда инсонга хос қандай хислатлар акс этади? Ж: Инсоннинг муҳим туғма хусусиятлари, бошқа-

ларникига ўхшамаган иродаси, ташқи таъсирлар билан ўзгариши қийин бўлган табиати намоен бўлади

6-СИНФ АДАБИЁТИ

Худойберди Тўхтабоев

1. Худойберди Тўхтабоев қачон ва қаерда туғилган? Ж: 1932 йил 17 декабрда Фарғона вилоятининг Яйпан туманида Катта Тағоб қишлоғида туғилган.

2. Худойберди Тўхтабоев кимларнинг тарбиясини олган? Ж: Бобоси Эркабой ва бувиси Робиябибиларнинг тарбиясини олган.

3. Худойберди Тўхтабоев қайси газеталарда ишлаган? Ж: 14 йил давомида «Тошкент ҳақиқати», «Совет Ўзбекистони» газеталарида ишлаган.

4. Худойберди Тўхтабоев қанча фельетон ёзган? Ж: 300 дан ортиқ фельетонлар ёзган.

5. Худойберди Тўхтабоев қачондан ўз фаолиятини болалар ҳаётига йўналтирган? Ж: Ўтган асрнинг 70-йиллари бошидан.

6. Худойберди Тўхтабоевнинг қиссасини топинг. Ж: «Омонбой ва Давронбой саргузашти» қиссаси

7. Худойберди Тўхтабоевнинг романларини топинг. Ж: «Сеҳрли қалпоқча», «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими», «Беш бодала йигитча», «Қасоскорнинг олтин боши», «Йиллар ва йўллар», «Сеҳргарлар жанги ёки ширин қовунлар мамлакатида», «Жаннати одамлар»(1996) каби романлари бор.

8. «Сариқ девни миниб» асари неча тилга таржима қилинган? Ж: 24 тилга.

9. Худойберди Тўхтабоевнинг қайси асари Жанни Родарининг таҳсинига сазовор бўлган? Ж: «Сариқ девни миниб» асари.

10. «Сариқ девни миниб» асари қаҳрамони Ҳошимжон Рӯзиев кимнинг ўғли? Ж: Рӯзивой тракторчининг ўғли.

11. «Сариқ девни миниб» асаридаги Ҳошимжоннинг сингиллари исми? Ж: Сингиллари Ойша ва Доно.

12. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжон доим кимдан ёзма ишларни кўчириб юради? Ж: Ориф деган дўстидан доим ёзма ишларни кўчириб юради.

13. «Сариқ девни миниб»да Ҳошимжон ўқиган мактаб директорининг исми? Ж: Отажон Азизович.

14. «Сариқ девни миниб»да Ҳошимжон директорга қайси фанларни дарс жадвалидан олиб ташлаш ҳақида ариза билан мурожаат этади? Ж: Алгебра, геометрия, она тили фанларини йўқотиб, ўрнига футбол ҳақида фан қўйинг, дейди.

15. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжон кимдан сеҳрли қалпоқча ҳақида эшитган эди? Ж: Қашқар қишлоғидаги бувисидан.

16. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжоннинг буви си қайси қишлоқдан эди? Ж: Қашқар қишлоғидан.

17. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжон сеҳрли қалпоқчани қаердан топади? Ж: Уни излаб, қишлоқ четидаги эски уйдан топади.

18. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжоннинг сеҳрли қалпоқчани топгандан сўнгги биринчи иши нима бўлади? Ж: Эртасига биринчи қилган иши Сорахон фолбиннинг ишларини текшириб кўриш бўлади.

19. «Сариқ девни миниб» асаридаги фолбин ким эди? Ж: Ҳошимжоннинг синфдоши Миробиддинхўжанинг онаси бўлиб, қишлоқда обрўйи зўр эди.

20. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжон фолбин холанинг уйига кирганда ўғли Миробиддинхўжа қаерда ўтирган эди? Ж: Хумнинг ичида.

21. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжон нима учун мактабдан ҳайдалади? Ж: Қосимжон деган дўстига еттита

фандан аъло баҳо қўйиб, чорак чиқаргани учун мактабдан ҳайдалади.

22. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжон мактабдан ҳайдалгандан сўнг қаерга йўл олади? Ж: Мирзачўлга

23. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжон Мирзачўлда дастлаб ким билан учрашади? Ж: Полвонтоға деган кишини учратади.

24. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжон сеҳрли қалпоқча ёрдамида қандай лавозимни эгаллайди? Ж: Агроном.

25. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжон агроном бўлган совхоз директорининг исми? Ж: Совхоз директори Акбар ака Носиров

26. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжон қайси бригадага агроном бўлади? Ж: 12-бригадага

27. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжонга қанча гектар ер ва неча сўм маош тайин этилади? Ж: 1200 гектар ер, 120 сўм маош берилади.

28. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжон агроном бўлган бўлимнинг бошлиғи? Ж: Бўлим бошлиғи Ўрмон ака

29. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжон агроном бўлган бригаданинг бригада бошлиғи? Ж: Бригадир Раҳимжон ака.

30. «Сариқ девни миниб» асарида ғўзага шира тушганини Ҳошимжонга ким айтади? Ж: Бригада бошлиғи Муродхон ака

31. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжон нима учун ишдан ҳайдалади? Ж: Ҳошимжон шираларни калтаклашни буюргани учун

32. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжон совхоз марказидаги йиғилишда қайси шоирларни кўриб қолади? Ж: Мамарасул Болта, Сайдулло

33. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжон қайси шоирнинг уйида тунаб қолади? Ж: Сайдуллонинг уйида тунаб қолади.

34. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжон учрашган редакторнинг исми? Ж: Жўра Жуман

35. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжон шоирларнинг уйига нима учун боради? Ж: Шеърларнинг ярамайди, дегандан кейин шоирларнинг уйига шеър ёзишни ўрганиш учун боради.

36. «Сариқ девни миниб» асарида Сайдулло ака шеърни қачон ёзади? Ж: Кечаси

37. «Сариқ девни миниб» асарида Эркин Ҳамид қачон шеър ёзади? Ж: Саҳар чоғи

38. «Сариқ девни миниб» асарида Жўра Жуман қачон шеър ёзади? Ж: Тўйиб ухлагандан кейин туриб шеър ёзади.

39. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжон бозордан нималарни излайди? Ж: Қофия, туроқ ва радифни.

40. «Сариқ девни миниб» асарида Ҳошимжоннинг шеър ўғриси эканлиги маълум бўлиб қолгандан кейин у қандай йўл тутади? Ж: Ҳошимжон ўз мактабига қайтиб, ўқишни давом эттиришга қарор қилади.

41. «Сариқ девни миниб» асари қандай асар? Ж: Саргузашт асар.

42. Қандай асарларга саргузашт асарлар дейилади? Ж: Қаҳрамонлар табиатини кутилмаган, сирли, тасодифий, қизиқарли воқеаларнинг тасвири мобайнида акс эттирадиган бадиий асарлар саргузашт асарлар дейилади.

43. Саргузашт асарларда қандай унсурлар мавжуд бўлади? Ж: Уларда деярли ҳамиша фантастик, детектив ва саёҳат унсурлари мавжуд бўлади.

44. Саргузашт асарларни топинг. Ж: Жонатан Свифтнинг «Гулливернинг саёҳатлари», Даниель Дефонинг «Робинзон Крузо», Жюль Верннинг «Ўн беш ёшли капитан» асари, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» асари

Ғафур Ғулом

(1903–1966)

1. «Шум бола» қиссаси қачон яратилган ва қачон ҳозирги кунги кўринишга келтирилган? Ж: 1936 йил яратилган ва 60-йилларда ҳозирги кўринишга келтирилган.

2. «Шум бола» қиссасидаги Шум боланинг ҳақиқий исми? Ж: Қоровой.

3. «Шум бола» қиссасида Шум бола қайси бойнинг хизматига киради? Ж: Сарибой деган бойнинг

4. «Шум бола» қиссасида Бой Шум болага хизмат ҳақи учун нима беришни таклиф қилади? Ж: Ойига хом-пишиқ аралаш 2 пуд 17 қадоқдан олма берадиган бўлади.

5. «Шум бола» қиссасида Шум бола ўзининг бир айби борлигини бойга айтиб қўяди. Бу айб нима эди? Ж: Ҳар замон-ҳар замонда ёлғон гапириб қўйишини.

6. «Шум бола» қиссасида Бойнинг қандай ёмон одати бор эди? Ж: Ёнига борган одамдан бўлар-бўлмас нарсага «иннайкейин» деб савол бераверар, саволига жавоб бермагани урарди.

7. «Шум бола» қиссасида Сарибой кимнинг мевазорларини, ички-ташқи қўрғончасини, бутун дов-дастгоҳининг ҳаммасини қиморда ютиб олади? Ж: Чуваланчидаги Юсуф конторнинг

8. «Шум бола» қиссасида Сарибой қаердаги боғга жўнаб кетади? Ж: Каласдаги шинам боғига жўнаб кетади

9. «Шум бола» қиссасида хизматкорлар ташлаган чек кимга чиқади? Ж: Шум болага

10. «Шум бола» қиссасида Сарибой шийпонда нима еб ўтирган эди? Ж: Бой шийпонда калла гўшти билан нонушта қилиб ўтирган эди

11. «Шум бола» қиссасида Шум бола Сарибойга нима-ни айтади? Ж: Дандон пичоғи синиб қолганини айтади

12. «Шум бола» қиссасида Шум бола пичоқ нима учун синганини қандай изоҳлайди? Ж: Бу пичоқда този итнинг терисини шилмоқчи бўлишганини айтади

13. «Шум бола» қиссасида Този ити нима учун ўлган эди? Ж: Ит ҳаром ўлган тўриқ Қашқанинг гўштини еб ўлган эди

14. «Шум бола» қиссасида тўриқ Қашқа нима учун ўлган эди? Ж: Тўриқ қашқа аравага қўшилгани учун ўлган эди

15. «Шум бола» қиссасида тўриқ Қашқа нима учун аравага қўшилган эди? Ж: Оғилхонага ўт тушиб барча отлар нобуд бўлгани, омборга ҳам ўт кетгани учун

16. «Шум бола» қиссасида омборга нима учун ўт тушган эди? Ж: Бунинг сабаби кенжатой ўғил Бўрибойваччанинг теракдан чумчуқ боласини оламан деб йиқилиб тушгани ва унинг арвоғи шам билан ўйнашсин деб, шам ёқилиши натижасида ёнғин содир бўлганини айтади.

17. «Шум бола» қиссасида қачон бой чой ичиб турган пиёласини бошига уриб, чаккасини ёриб, соқолини юлиб додлаб йиғлай бошлайди? Ж: Кенжатой ўғли Бўрибойнинг дарахтдан йиқилиб ўлганини эшитгандан сўнг

18. «Шум бола» қиссасида бой нима сабабдан ҳушидан кетиб йиқилади? Ж: Шум бола Бойнинг турмушга чиқмаган қизи Адолнинг ўғил кўргани ва ўғли қуйиб қўйгандек Бадал аравакашга ўхшашини эшитиб

19. «Шум бола» қиссасида буларнинг барчаси ёлғонлигини эшитгандан сўнг бой Шум болани қандай жазолайди? Ж: Аввал Шум болани 20 қамчи савалайди ва ишдан кетишини буюради

20. «Шум бола» қиссасида Шум бола бойнинг эшигида қанча ишлаган эди? Ж: Бир ою 19 кун ишлаган бўлади

21. «Шум бола» қиссасида бой Шум болага қанча ҳақ тўлайди? Ж: Бой ҳам шу пайтгача берган 22 тийин чойчақани босиб қолиб, қурт тушган, сасиган олмалардан икки пудини беради

22. «Шум бола» қиссасида Шум бола олмаларни қайси бозорга пуллаш учун олиб чиқади? Ж: Сарисоғоч бозорига.

23. «Шум бола» қиссасида Шум бола бозорда олмаларни қанчага пуллайди? Ж: 6 танга 1 мирига пуллайди

24. «Шум бола» қиссасида Шум бола қўй бозорида кимни учратиб қолади? Ж: Дўсти Омонни.

25. «Шум бола» қиссасида Омон кимга ёлланган эди? Ж: Тошкентлик қўйчи бойлардан бирига.

26. «Шум бола» қиссасида «Туяни шамол учирса, эчкини омонда кўр», деган мақол учрайди. Бунинг маъноси нима? Ж: Бу дегани «бир фалокатнинг кўпчилиكنинг бошига йиғилса ҳам, у ҳар кимга ҳар хил таъсир қилади» – «Йўғон чўзилгунча, ингичка узилади» деганидир.

27. «Шум бола» қиссасининг қаҳрамони неча ёшли болакай эди? Ж: 14 ёшли.

28. «Шум бола» қиссасида Шум бола нима сабабдан уйдан чиқиб кетади? Ж: У онасини хафа қилиб қўйиб уйдан чиқиб кетади.

29. «Шум бола» қиссасида Шум бола неча йил турли жойларда юради? Ж: ярим йилдан ортиқ.

30. Қуйидаги фикрлар қайси асардан олинган ва қайси қаҳрамонга тегишли? «Қўл-оёғи чаққонгина, эпчил йигитсан. Сен ҳам ахир қараб тушмасдан, бошқачароқ йўл билан бўлса ҳам тирикчиликнинг пайдан бўлсанг эди, ўғлим... Ахир кисса-кармон деган гаплар ҳам бор. Нақдина пул ҳам енгил, ҳам қиммат, ҳам яширишга осон бўлади. Нақдина бўлсин, болам, нақдина бўлсин». Ж: «Шум бола» қиссасидан Эшонга.

Азим Суюн – Азимбой Алимович Суюнов

1. Азим Суюн қачон қаерда туғилган? Ж: 1938 йил Самарқанд вилоятидаги Накурт қишлоғида туғилди.

2. Азим Суюннинг дастлабки тўплами қачон қандай ном билан чоп қилинган? Ж: 1978 йилда «Менинг осмоним» номи билан.

3. Қуйидаги асар муаллифини топинг.
«Зарб» (1979 йил). Ж: Азим Суюн.
4. Қуйидаги асар муаллифини топинг.
«Замин тақдири». (1981 йил). Ж: Азим Суюн
5. Қуйидаги асар муаллифини топинг.
«Хаёлот» (1984 йил). Ж: Азим Суюн
6. Қуйидаги асар муаллифини топинг.
«Зиё йўли» (1986 йил). Ж: Азим Суюн
7. Қуйидаги асар муаллифини топинг.
«Жавзо» (1987 йил). Ж: Азим Суюн
8. Қуйидаги асар муаллифини топинг.
«Олис тонглар» (1989 йил). Ж: Азим Суюн
9. Қуйидаги асар муаллифини топинг.
«Куйганим-суйганим» (1992 йил). Ж: Азим Суюн
10. Қуйидаги асар муаллифини топинг.
«Сарбадорлар» (1994 йил). Ж: Азим Суюн
11. Қуйидаги асар муаллифини топинг.
«Қора кўзинг сенинг» (1994 йил). Ж: Азим Суюн
12. Қуйидаги асар муаллифини топинг.
«Сайланма» (1997 йил). Ж: Азим Суюн
13. Қуйидаги асар муаллифини топинг.
«Ўзлик» (1999 йил). Ж: Азим Суюн
14. Қуйидаги асар муаллифини топинг.
«Шарқ ҳикмати» (2000 йил). Ж: Азим Суюн
15. Қуйидаги асар муаллифини топинг.
«Ўзбек юрт» (2005 йил). Ж: Азим Суюн
16. Қуйидаги асар муаллифини топинг.
«Эй дўст» (2005 йил). Ж: Азим Суюн
17. Азим Суюннинг дostonларини топинг. Ж: «Сарбадорлар» драматик дostonи, «Замин тақдири», «Ўзбекистон», «Иморат ва ёки бир томчи денгизга айланган кеча дostonи» сингари дostonларнинг муаллифидир.
18. Азим Суюн 1992 йилда Туркияда ўтган «Туркий улуслар адабиётида туркий тил» анжуманида қандай мукофот

билан тақдирланган? Ж: Туркия ёзувчилар Бирлигининг мукофоти билан.

19. Ушбу шеър муаллифини топинг:

Кўринмас оловдан эриб борар тун,

Бургутлар қояда потирлашмоқда.

Она қорнидаги гўдакдай беун,

Туман қимирламоқда. Ж: Азим Суюн

20. Ушбу шеър муаллифини топинг.

Баҳодирнинг қиличи синди...

Сўнгги нуқта.

Тугади эртак.

Пастак ҳовли четида дилхун

Бир бола йиғлайди – қўлида китоб. Ж: Азим Суюн

21. Ушбу шеър муаллифини топинг:

Қайга кетди япроқдек бола,

Бўта каби қайда бўзлайди?

Учиб юрган варақлар, ана,

Шамолларга эртак сўзлайди.

Бола қани? Билмайман, аммо,

Ишонаман, қайлардадир у

Баҳодирга қилич излайди. Ж: Азим Суюн

22. Азим Суюннинг «Баҳодирнинг қиличи» шеъри қачон ёзилган? Ж: 1978 йили ёзилган.

23. Азим Суюннинг қайси шеъри Ватанимиз тарихи, баҳодирларининг номлари унутилган даврларни акс эттирган? Ж: «Баҳодирнинг қиличи» шеъри.

24. Азим Суюннинг Ватанимиз тарихи, баҳодирларнинг номлари унутилган даврларни акс эттирган шеърларини топинг. Ж: «Дашт тўрғайи», «Баҳодирсиз келар аргумоқ», «Баҳодирнинг қиличи», «Тутқун» шеърлари.

Жонатан Свифт

1. Жонатан Свифт қачон қаерда туғилган? Ж: 1667 (вафоти 1745) йилда Ирландиянинг пойтахти Дублинда туғилди.

2. Жонатан Свифт 14 ёшида қайси ўқув юртига кирган? Ж: Дублин университетининг диний билимлар факультетига ўқишга кириб, уни битирмай Англияга жўнаб кетди.

3. Жонатан Свифт бир неча йил кимнинг саройида котиб бўлиб ишлайди? Ж: Қиролликнинг собиқ министри Вильям Темплнинг саройида.

4. «Китоблар жанги» асарининг муаллифини топинг. Ж: Жонатан Свифт

5. «Бочка чўпчаги» асарининг муаллифини топинг. Ж: Жонатан Свифт

6. «Мовутфуруш хатлари» асарининг муаллифини топинг. Ж: Жонатан Свифт

7. Свифтга ҳақиқий шухратни унинг қайси романи олиб келди? Ж: «Гулливернинг саёҳатлари» романи.

8. «Гулливернинг саёҳатлари» романининг тўлиқ номи нима? Ж: «Лемюзл Гулливернинг жаҳондаги бир неча олис мамлакатларга аввало жарроҳ, кейинчалик эса бир неча кемалар капитани сифатида қилган саёҳатлари»

9. «Гулливернинг саёҳатлари» романи қачон яратилган? Ж: 1726 йилда.

10. Свифтнинг қайси романида кулгили воқеалар анчагина бўлса-да, унинг замирида аччиқ киноя, заҳарханда ётади? Ж: «Гулливернинг саёҳатлари» романида.

11. Свифт қайси асари орқали Англия давлатининг тартиб-қоидалари, урф-одатлари устидан кулади? Ж: «Гулливернинг саёҳатлари» романи орқали.

12. «Гулливернинг саёҳатлари» романи неча қисмдан иборат? Ж: 4 қисмдан.

13. «Гулливернинг саёҳатлари» романининг 1-қисмида нима ҳикоя қилинади? Ж: Гулливернинг дилипутлар-митти одамлар мамлакатадаги саргузаштлари.

14. «Гулливернинг саёҳатлари» романида нечта партия мавжуд? Ж: 2 та партия: баланд пошналилар ва паст пошналилар деб аталади.

15. «Гулливернинг саёҳатлари» романида партия вакиллари сиёсатлари орасидаги фарқ нимадан иборат? Ж: Пошналарининг баланд ёки паст бўлганлигида.

16. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Лилипутия давлатининг қўшини Блефуску давлати билан низолари сабаби нима? Ж: Улар тухумни уч қисмидан синдириш керак десалар, бирлари пойнак қисмидан синдириш кераклигини уқтирадилар.

17. «Гулливернинг саёҳатлари» романининг 2-қисмида нима ҳикоя қилинади? Ж: Гулливернинг улкан одамлар юрти-Бробдингнегга саёҳати.

18. «Гулливернинг саёҳатлари» романида улкан одамлар мамлакатада Гулливер қандай ҳолатга тушади? Ж: Тескари ҳолатга тушади: Лилипутиядаги одамлардан нафратланган бўлса, ушбу мамлакат одамларининг танти, олижаноб, маърифатпарварлигига қойил қолади.

19. «Гулливернинг саёҳатлари» романининг учинчи қисми нимага бағишланган? Ж: Гулливернинг олимлар мамлакати-Лепутадаги саёҳатига.

20. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Гулливер олимлар мамлакатада нималарни кўради? Ж: Бу ердаги Буюк академия билан танишиб, умри беҳуда сарфланаётган олимлар ишини кўради, уларнинг реал ҳаётдан ажраб қолиб, фойдасиз ихтиролар билан бандликлари муаллиф кулгисини қўзғайди.

21. Қайси асарда асар қаҳрамони бир олимнинг бодрингдан қуёш энергиясини ажратиб олиб, совуқ келганда фойда-

ланишга аҳд қилганини, яна бир алломанинг уйни пойдевордан эмас, тоmidан бошлаш кашфиёти ҳақидаги лойиҳаси, бунинг исботи сифатида ҳашаротлар-асалари ва ўргимчак фаолияти мисол қилиб келтирилганини кўриб ўзини кулгидан тия олмайди? Ж: «Гулливернинг саёҳатлари» романида.

22. «Гулливернинг саёҳатлари» романининг тўртинчи қисми нима ҳақида? Ж: Гулливернинг гуингмлар мамлакатига қилган саёҳати ҳақида.

23. «Гулливернинг саёҳатлари» романида гуингмлар мамлакатига кимлар яшайди? Ж: Икки оёқли маҳлуқлар – ехулар ва ақлли, доно, ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи отлар яшайди.

24. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Ехулар қандай одамлар сифатида тасвирланади ва улар Свифтга кимни эслатади? Ж: Ехулар жирканч, ҳазар қиладиган даражада тубан кимсалар. Улар Свифтнинг Англиядаги ватандошларини эслатадилар. Улар ўз манфаатлари учун бир-бирларини ҳалок қилишга тайёр.

25. «Гулливернинг саёҳатлари» романи ўзбек тилига неча марта нашр этилган? Ж: 6 марта.

26. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Гулливер қаерга ўқишга юборилади? Ж: Кембриж шаҳридаги Иманюзль коллежига ўқишга юборилади, лекин моддий қийинчиликлар сабабли у ердан кетади.

27. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Гулливер кимга шогирдликка боради? Ж: Лондондаги машҳур врач Жемс Бетсга шогирдликка боради, ундан 4 йил таълим олади.

28. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Гулливер бир неча йил қандай машғулот билан шуғулланади? Ж: Врачлик ва кемаларда хирург бўлиб ишлайди.

29. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Гулливер кимнинг таклифи билан қайси кемага ишга ёлланади? Ж: Кема капитани Вильям Причарднинг таклифи билан «Оҳу» кемасига.

30. «Гулливернинг саёҳатлари» романида «Оҳу» кемаси нима сабабдан ҳалокатга учрайди? Ж: Довул сабабли, фақат Гулливергина омон қолади.

31. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Гулливер кема ҳалокатидан сўнг қайси мамлакатга келиб қолади? Ж: Лилипутияга, унда митти одамчалар яшайди.

32. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Миттилар Гулливерни қандай аташади? Ж: «Куинбус Флестрин»–Улкан одам деб.

33. «Гулливернинг саёҳатлари» романида амалдор қандай номланади? Ж: Гурго.

34. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Гулливерни қай тарзда император ҳузурига олиб боришади? Ж: Улкан машинага ётқизиб.

35. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Гулливер Лилипутияда кимлар кўмагида митти одамларнинг тилини ўрганди? Ж: Император томонидан бириктирилган олимлар кўмагида.

36. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Император буйруғи билан Гулливернинг нималари олиб қўйилади? Ж: Соати, тўппончаси, қилочи, бир неча кумуш ва олтин тангалари, қаламтароши, соқол оладиган қиртиши, тароғи.

37. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Гулливерни нечта амалдор тинтув қилади? Ж: Иккита амалдор: Клефрин Фрелок ва Марси Флерок.

38. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Лилипутия пойтахтининг номи нима эди? Ж: Милдендони.

39. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Лилипутияда Гулливернинг олдига махсус топшириқ билан ким келади? Ж: Махфий ишлар бўйича бош котиб-Релдресел.

40. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Лилипутиядаги баланд пошналар партияси қандай номланади? Ж: Трёмексенлар

41. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Лилипутиядаги паст пошнасилар партияси қандай номланади? Ж: Слемексенлар.

42. «Гулливернинг саёҳатлари» романида император ҳазратлари қайси партия тарафдори эди? Ж: Паст пошнасилар тарафдори

43. «Гулливернинг саёҳатлари» романида императорнинг воҳиси қайси партияга хайрихоҳ эди? Ж: Баланд пошнасиларга.

44. «Гулливернинг саёҳатлари» романида махфий котиб Гулливерга нималарни айтиб беради? Ж: Қўшни мамлакат билан ҳам муросилари яхши эмаслигини айтиб беради.

45. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Лилипутияда икки партиялилик қайси воқеадан бошланади? Ж: Ҳозирги императорнинг бобоси гўдак пайтида унинг нонуштасига пишган тухум беришади. Бола тухумни қадимги одат бўйича пойнак томонидан синдираётиб бармоғини кесиб олади. Ўшанда унинг отаси – император фуқароларига тухумни уч томонидан синдиришга фармон чиқаради. Бу фармон фуқаронинг газабини келтиради.

46. «Гулливернинг саёҳатлари» романида тухумни уч томондан синдириш ҳақидаги қарорга қарши неча марта қўзғолон кўтарилади? Ж: 7 марта қўзғолон кўтарилиб, бир император ўлади, бошқаси тожидан маҳрум бўлади.

47. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Лилипутияда тухумни уч томондан синдиришдан бош тортган неча фанатик ўлим жазосига маҳкум қилинади? Ж: 11 минг фанатик. Бу ҳақда юзларча том китоблар ёзилади.

48. «Гулливернинг саёҳатлари» романида Лилипутиядан сургун қилинганлар қайси мамлакатдан бошпана топадилар? Ж: Блефуски мамлакатидан.

49. «Гулливернинг саёҳатлари» романида сургун қилинганлар нима қилмоқчи бўладилар? Ж: Лилипутияга қўшин тортишга ҳозирланишади.

Муҳаммад Аминхўжа Муқимий
(1850–1903)

1. Муқимий девони қачон нашр этилди? Ж: Шоир вафотидан кейин унинг девони илк бор «Девони Муқимий» (1907-йил) номи билан нашр этилди.

2. Муқимийнинг ҳажвий шеърлари қачон қандай ном билан нашр қилинди? Ж: 1910 йилда Портцев литографиясида ҳажвий шеърлари «Муқимий маа ҳажвиёт» номи билан.

3. Муқимийнинг 3-шеърини тўплами қачон нашрдан чиқди? Ж: 1912 йилда.

4. Муқимий ижодини ўрганиш қачондан бошланди? Ж: XX асрнинг 30-йилларидан.

5. Муқимий ижодини ўрганишга ким раҳбарлик қилди? Ж: Ғ.Ғулом

6. Муқимийнинг «Лирика и сатира» номли 2-тўплами Москвада рус тилида қачон нашр этилди? Ж: 1950 йилда

7. Муқимий вафотининг 50 йиллиги муносабати билан шоир ҳаёти ва ижодига доир кўплаб китоблар ўзбек ва рус тилларида қачон чоп қилинди? Ж: 1953 йилда

8. Муқимий ҳақидаги илмий изланишларга қайси олимлар раҳбарлик қилдилар? Ж: Н.Ёқубов, А.Олимжонов, Н.Зарипов, Н.Раззоқов, С.Каримов каби олимлар.

9. Муҳаммад Аминхўжа Муқимий қачон қаерда туғилди? Ж: 1850 йилда Қўқоннинг Беквачча маҳалласида, новвой оиласида.

10. Муқимий онасининг исми? Ж: Ойшабиби.

11. Муқимий қаерларда ўқиган? Ж: Маҳалласидаги мулла Абдухалил мактабида, кейин Қўқондаги «Ҳокимойим» мадрасасида ўқиган.

12. Муқимий қайси йилларда Бухородаги «Меҳтар анбар» мадрасасида таълим ола бошлади? Ж: 1872-73 йилларда.

13. Муқимий қачон Бухоро мадрасасини тугатиб, Қўқонга қайтди? Ж: 1876 йилда

14. Муқимий дастлаб қаерда ишлайди? Ж: Ер қурилиш маҳкамасида

15. Муқимий Оқжарда нима иш билан шуғулланди? Ж: Паромда патгачилик қилди.

16. Муқимий кимдан ҳуснихатни ўрганди? Ж: Етук хат-тот Муҳаммад Юсуф Хаттотдан.

17. Муқимий қайси йилларда Тошкентга борган? Ж: Шоир 1887-88 ва 1892 йилларда.

18. Муқимийдан қанча шеър мерос қолган? Ж: Тахми-нан 10 минг мисрадан иборат шеър

19. Ушбу шеър муаллифини топинг:

Бўлди таажжуб қизиқ ҳангомалар,

Арз этайин эмди ёзиб номалар.

Ақл қулогила эшит ҳолими,

Зулм қилур, баски, менга золими. Ж: Муқимий, «Танобчилар».

20. Муқимийнинг «Танобчилар» сатирасида нима тас-вирланади? Ж: Ушбу сатирада ҳийлакор амалдорлар томо-нидан бечора деҳқонларнинг таланиши тасвирланади.

21. «Танобчилар» сатирасидаги амалдорлар кимлар? Ж: Султон Алихўжа ва Ҳакимжон

22. Ушбу мисралар муаллифини топинг.

Ош есалар ўртада сарсон илик,

Хўжа-чироқ ёғи, Ҳакимжон – пилик. Ж: Муқимий.

23. Ушбу сўзлар қайси қаҳрамонга тегишли?

Дерки: Кўзунга ҳали кал жўжаман,

Махдуми аъзамлик ўзим хўжаман.

Ҳам Эрҳубби бўладур таго,

Аммамизнинг эрларидур Нурато Ж: Султон Али, «Та-нобчилар»

24. Ушбу сўзлар қайси қаҳрамонга тегишли?

Ўт қўюбон куйдурадургон ўзим,

Ҳокимингу ўлдирадургон ўзим.

Хоҳ танобингни дучандон қилай,

Хоҳ карам бирла бошингни силай. Ж: Ҳакимжон, «Танобчилар».

25. «Танобчилар» сатирасида Султон Али тоғасининг исмини ким дейди? Ж: Эрҳубби

26. «Танобчилар» сатирасида Султон Али аммасининг исмини нима дейди? Ж: Нурато

Абдулла Қаҳҳор

(1907–1968)

1. Абдулла Қаҳҳор қачон қаерда туғилган? Ж: 1907 йил 17 сентябрда Қўқон шаҳридан унча узоқ бўлмаган Ашт қишлоғида туғилган.

2. Абдулла Қаҳҳорнинг отаси ким бўлган? Ж: Абдуқаҳҳор темирчи бўлган.

3. Абдулла Қаҳҳор ўз болалигини қайси асарларида акс эттирган? Ж: «Сароб» романининг 1937 йилдаги 1-наширдан ўрин олган темирчининг ўғли Саримсоқ тарихи ва автобиографик асари – «Ўтмишдан эртақлар» ҳамда айрим ҳикояларида.

4. Абдулла Қаҳҳор қачон Ўрта Осиё Давлат университетида ўқиди? Ж: 1926–30 йилларда.

5. Абдулла Қаҳҳор ҳажвий асарларига қандай тахаллусларини қўйган? Ж: Норин шилпиқ, Саримсоқ.

6. Абдулла Қаҳҳорнинг дастлабки қиссаси қайси? Ж: «Қишлоқ ҳукм остида» номи билан 1932 йилда босилган.

7. Абдулла Қаҳҳорнинг 1-романи қачон нашр қилинди? Ж: 1937 йилнинг охирида 1934 йилда ёзиб тугалланган йирик романи – «Сароб» нашр этилди.

8. 1949 йилда қишлоқ хўжалигини колхозлаштириш мавзусида ёзилган роман Ёзувчилар уюшмасида ва бошқа жой-

ларда билдирилган ноўрин танқидий гаплар туфайли қайта ишланиб, ...номи билан 1951 йилда бошқатдан чоп қилинди. Ушбу фикрлар қайси роман ҳақида ва у дастлаб қандай номланган? Ж: Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари» романи, дастлаб «Қўшчинор» номи билан аталган.

9. Абдулла Қаҳҳорнинг комедияларини кўрсатинг. Ж: «Шоҳи сўзана»(1951), «Оғриқ тишлар»(1954), «Тобутдан товуш» (1962), «Аяжонларим» (1967)

10. Абдулла Қаҳҳорнинг қиссаларини кўрсатинг. Ж: «Синчалак», «Ўтмишдан эртақлар», «Муҳаббат», «Зилзила» (тугалланмаган)

11. Абдулла Қаҳҳорнинг қайси қиссаси тугалланмаган? Ж: «Зилзила»

12. Абдулла Қаҳҳорнинг қайси асарлари асосида телеспектакллар, видео ва бадиий фильмлар суратга олинган? Ж: «Синчалак» қиссаси, «Қўшчинор чироқлари» романи асосида.

13. Абдулла Қаҳҳор мустақиллик даврида қайси орден билан тақдирланган? Ж: «Буюк хизматлари учун» ордени билан.

14. «Бемор» ҳикоясига қайси мақол эпиграф қилиб олинган? Ж: «Осмон йироқ, ер қаттиқ» мақоли.

15. Сотиболди қайси ҳикоя қаҳрамони? Ж: «Бемор» ҳикояси қаҳрамони

16. «Бемор» ҳикоясидаги Сотиболди кимнинг қўлида хизмат қилган? Ж: Чигит пўчоқ ва кунжара билан савдо қиладиган Абдуғанибойнинг.

17. «Бемор» ҳикоясидаги Сотиболдининг ягона орзуси нима эди? Ж: Хотинини касалхонада даволатиш.

18. «Бемор» ҳикояси касалхона деганда Сотиболдининг кўз олдига нима келади? Ж: «Извош ва оқ подшонинг сурати туширилган 25 сўмлик» пул келади.

19. «Бемор» ҳикоясида Сотиболдининг орттирган бойлиги бемор хотинини даволаш йўлидаги қайси қаражатлар-

га етади? Ж: Бир марта табиб чақиришга, битта товуқ сўйишга, касални бахшига ўқитишга етади.

20. «Бемор» ҳикоясида Сотиболди бемор хотинининг олдида бўлиш учун қайси касб билан шуғуллана бошлайди? Ж: Сават тўқиш билан

21. «Бемор» ҳикоясида Сотиболди «Чилёсин» ўқитиш учун тўқиган саватчаларини улгуржи оладиган баққолдан қанча қарз кўтаришга мажбур бўлади? Ж: 20 танга.

22. Ушбу маслаҳатни ким кимга беради? «Девонаи Баҳовуддинга ҳеч нарса кўтардингми? Ғавсул Аъзамга-чи?» Ж: Абдуганибой ёрдам сўраб келган Сотиболдига.

23. «Бемор» ҳикоясида Сотиболдининг хотини нима учун оғирлашиб қолади? Ж: Чақирилган табиб касалликнинг сабабларини билмасдан туриб, бемордан қон олади, натижада касаллик оғирлашади.

24. «Бемор» ҳикоясида ким Сотиболдининг бемор хотинини тол хивчин билан савалаб кетади? Ж: Бахши

25. «Бемор» ҳикоясида Сотиболдининг қизи неча ёш эди? Ж: Тўрт ёш.

26. «Бемор» ҳикоясидан чиқадиган хулоса нима? Ж: Бундай жамиятда фақат Сотиболдининг ўзи бемор эмас, бутун жамият бемордир.

Чингиз Айтматов

(1928–2008)

1. Чингиз Айтматов қачон ва қаерда туғилган? Ж: 1928 йилда Қирғизистоннинг Талас водийсида жойлашган Шакар қишлоғида туғилган.

2. Чингиз Айтматов отасининг исмини топинг. Ж: Тўрақул Айтматов қатағон даври ҳурбони бўлган.

3. Чингиз Айтматов қайси ўқув юртларида ўқиган? Ж: Аввал Қирғизистон Қишлоқ хўжалиги институтида, 1956-

1958 йилларда эса Москвадаги Олий Адабиёт курсида таҳсил олди.

4. Чингиз Айтматов дастлабки ҳикояларини қачон ёза бошлади? Ж: Ўтган асрнинг 50-йилларида

5. Чингиз Айтматовнинг «Юзма-юз» қиссаси қачон эълон қилинган? Ж: 1957 йилда.

6. Чингиз Айтматовнинг қиссаларини топинг. Ж: «Жамила», «Сарвқомат дилбарим», «Момо ер», «Сомон йўли», «Алвидо, эй Гулсари», «Юзма-юз», «Оқ кема», «Денгиз ёқалаб чопаётган олапар»

7. Чингиз Айтматовнинг 1970 йилда яратилган қайси қиссасида аччиқ инсоний тақдирлар талқини очиб берилган? Ж: «Оқ кема» қиссасида

8. Чингиз Айтматовнинг 1977 йилда ёзилган қайси қиссасида шўро давлатининг аянчли тарихи яхлит ҳолда очиб берилди? Ж: «Денгиз ёқалаб чопаётган олапар» қиссасида.

9. Чингиз Айтматовнинг дастлабки романи қайси ва у қачон яратилган? Ж: 1980 йилда, «Асрга татигулик кун» романи

10. Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романи қачон яратилган? Ж: 1986 йилда

11. Чингиз Айтматовнинг «Кассандра тамғаси» номли романи қачон эълон қилинди? Ж: 1990 йилда.

12. Чингиз Айтматов Қирғизистон Республикасининг қайси давлатлардаги элчиси ҳисобланади? Ж: Люксембург ва Белгиядаги.

13. Чингиз Айтматов қайси ассамблеянинг Президенти Ж: 1995 йилда ташкил этилган Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясининг Президенти ҳамдир.

14. Ч. Айтматовнинг асарлари ҳозирга қадар неча тилга таржима қилинган? Ж: 154 тилга.

15. Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романи ким томонидан ўзбек тилига ўгирилган? Ж. Иброҳим Ғафуров томонидан.

16. Чингиз Айтматов Ўзбекистон Республикасининг қайси орденлари билан тақдирланган? Ж: 1995 йилда «Дўстлик» ва 1998 йилда эса «Буюк хизматлари учун» орденлари билан.

17. «Олтовлон ва еттинчи» номли ҳикоя ёзувчининг қайси романидан олинган парча? Ж: «Қиёмат» романидан.

18. «Олтовлон ва еттинчи» ҳикоясида Гурам Жухадзе ким эди? Ж: Оддийгина йилқибоқар эди.

19. «Олтовлон ва еттинчи» ҳикоясидаги душманнинг маккор сиёсатига алданган, унинг қўлида бир қўғирчоқ ҳолига тушган кимсанинг исмини топинг. Ж: Сандро

20. «Олтовлон ва еттинчи» ҳикоясидаги Гурам Жухадзе тўдасига атайин қўшилган ва уни тутиш ҳақида топшириқ олган чекистнинг исмини топинг. Ж: Сандро

21. Ушбу фикрлар кимники? «Ватанни олиб кетиб бўлмайди. Фақат соғинч ва армонларимизни олиб кетамиз. Агар Ватанни хуржун каби олиб юриш ва ташиб кетиш мумкин бўлганда, у сариқ чақага ҳам арзимасди»? Ж: Гурам Жухадзе, «Олтовлон ва еттинчи» ҳикоясида

22. Қайси асар қаҳрамонига кечикиб бўлса-да, мардлик, имон ва виждон қайтиб келади, у ўзи йўл қўйган хатони англаб етади? Ж: Сандрога.

Одил Ёқубов

(1926 йилда тугилган)

1. Одил Ёқубовнинг дастлабки йирик асари қайси? Ж: 1951 йилда босилиб чиққан «Тенгдошлар» қиссаси.

2. Одил Ёқубовнинг пьесаларини топинг. Ж: «Чин муҳаббат», «Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди», «Юрак ёнмоғи керак», «Олма гуллаганда»

3. Одил Ёқубовнинг қиссаларини топинг. Ж: «Бир фельетон қиссаси», «Муқаддас», «Қанот жуфт бўлади», «Излайман», «Биллар қандиллар», «Адолат манзили»

4. Одил Ёқубовнинг романларини топинг. Ж: «Эр бошига иш тушса», «Улугбек хазинаси», «Кўҳна дунё», «Диёнат», «Оқ қушлар, оллоқ қушлар» романлари

5. Қайси ҳикоясида О.Ёқубов ўз отаси мисолида қатағон даврларининг даҳшатлари акс этган болалик хотираларини қаламга олади? Ж: «Музқаймоқ» ҳикоясида.

6. Қайси ҳикоясида Одил Ёқубов меҳнаткаш, ҳалол отасининг ўз хизматлари учун тухматга учраб, қатағон қилиниши воқеаларини тасвирлайди? Ж: «Музқаймоқ» ҳикоясида.

7. Одил Ёқубовнинг бобоси ким бўлган? Ж: Ёқубшайх сўфи бўлган.

8. Қайси асарда ёзувчи ҳар куни шаҳар паркида қизил галстук таққан пионер ва октябрятларни саф-саф қилиб митинг ўтказилиши ва бу митингларда троцкийчиларнинг фош этилиши; бугун минбарда бошқаларни фош қилиб нутқ сўзлаган одамнинг эртага ўзи ҳам троцкийчи ва дум бўлиб чиқаётганини аччиқ заҳарханда билан тасвирлайди? Ж: Одил Ёқубовнинг «Музқаймоқ» ҳикоясида.

9. Одил Ёқубовнинг «Музқаймоқ» ҳикоясида ким отаси томонидан жуда кўп яхшилиқлар кўрган бўлса-да, болага: «Қашқирдан туғилган қашқирча! Бўйнингга сохта қизил галстук тақиб, бу софдил қизил пионерларни бузмоқчимисан?», деб бақиради? Ж: Қўшниси-шаҳар комсомол қўмитасининг котиби

10. Одил Ёқубов қайси ҳикоясида ёзувчи адолатсизлик ва ҳақсизлик авжига чиққан даврни тасвирлаш билан бирга, бугунги куннинг қадрига етишни таъкидлайди? Ж: «Музқаймоқ» ҳикоясида.

Эркин Воҳидов

(1936 йилда туғилган)

1. Эркин Воҳидов ким томонидан ташкил этилган тўғрак аъзоларидан эди? Ж: Шоир Ғайратий ташкил этган.

2. Эркин Воҳидовнинг биринчи шеъри қачон босилди?
Ж: 7-синфда ўқиётган кезларида «Муштум» журналида.

3. Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достони қачон яратилган?
Ж: 1964 йилда

4. Эркин Воҳидовнинг дostonларини топинг. Ж: «Нидо», «Орзу чашмаси», «Палаткада ёзилган дoston», «Қуёш маскани», «Руҳлар исёни»

5. Э. Воҳидов кимларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган?
Ж: Сергей Есенин шеърларини ва немис шоири Гётенинг «Фауст» асарини.

6. Эркин Воҳидовнинг илк тўплами қачон қандай ном билан чоп этилган?
Ж: «Тонг нафаси» номи билан 1961 йилда.

7. Эркин Воҳидовнинг шеърий тўпламларини топинг. Ж: «Қўшиқларим сизга», «Юрак ва ақл», «Менинг юлдузим», «Нидо», «Лирика», «Палаткада ёзилган дoston», «Ёшлик девони», «Чароғбон», «Дostonлар», «Муҳаббат», «Ҳозирги ёшлар», «Тирик сайёралар», «Изтироб»

8. Эркин Воҳидовнинг драмаларини топинг. Ж: «Олтин девор», «Истанбул фожиаси»

9. Эркин Воҳидов эллик йилдан кўпроқ давр мобайнида ижод этган асарларини тўплаб, неча жилдлик сайланмасини китобхонларга тақдим этди?
Ж: 4 жилдлик

10. Эркин Воҳидов сайланмаларининг номи тўғри берилган қаторни топинг. Ж: «Ишқ савдоси», «Шеър дунёси», «Умр дарёси», «Кўнгил нидоси»

11. Э. Воҳидов қандай унвон ва орденлар билан тақдирланган?
Ж: «Буюк хизматлари учун» ордени ва «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан.

12. Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достони нима ҳақида?
Ж: Уруш ва у олиб келган кулфатлар, у етказган жароҳатлар ҳақида.

13. Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достони қандай бошланади?
Ж: Урушда ҳалок бўлган отасини хотирлаб унга нидо қилаётган ўғилнинг изтироблари билан.

14. Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достонида кимнинг акаси урушдан бир оёғини йўқотиб қўлтиқтаёқда қайтади? Ж: Рустам деган ўртоғининг

15. Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достонида ким урушдан қўлсиз қайтади? Ж: Хол ака

16. Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достонида кимнинг дасига қора хат келади? Ж: Талъат деган ўртоғининг

17. Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достони қандай яқунланади?

Ж: Бўлурмиз гал келса ҳар биримизга,

Тинчлик жангоҳининг фидоси.

Бу сенга, Бу менга, бу бизга

Йигирманчи аср нидоси.

18. Э. Воҳидовнинг қайси шеърларида болалик хотиралари акс этган? Ж: «Нидо», «Қуёш маскани» поэмалари ва «Болалик», «Оқсоқол», «Болалик экан-да» каби шеърларида.

Ўткир Ҳошимов

(1941 йилда тугилган)

1. Ким дастлабки йирик асари учун Абдулла Қаҳҳордан «Соф, самимий, табиий, илиқ, роҳат қилиб ўқиладиган асар» деган мақтов олган? Ж: Ўткир Ҳошимов.

2. Ўткир Ҳошимовнинг биринчи китоби қачон нашр қилинган? Ж: «Пўлат чавандоз» номи билан 1962 йилда.

3. Ўткир Ҳошимовнинг 1-китоби қайси жанрда ёзилган эди? Ж: Очерк жанрида

4. Ўткир Ҳошимовнинг романларини топинг. Ж: «Урушнинг сўнгги қурбони», «Муҳаббат» каби ҳикоялари, «Нур борки, соя бор», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар»

5. Ўткир Ҳошимовнинг қиссаларини топинг. Ж: «Одамлар нима деркин», «Шамоллар эсаверади», «Икки карра икки – беш», «Баҳор қайтмайди», «Дунёнинг ишлари»

6. Ўткир Ҳошимовнинг қайси драмалари саҳналаштирилган? Ж: «Қатағон», «Инсон садоқати», «Тўйлар муборак», «Бировнинг ташвиши», «Сиздан угина, биздан бугина» номли драмалари.

7. Ўткир Ҳошимов қайси қиссаси учун Ойбек номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган? Ж: «Дунёнинг ишлари» қиссаси учун 1982 йилда

8. Ўткир Ҳошимов қайси асари учун 1986 йилда Ҳамза номидаги республика давлат мукофотига сазовор бўлган? Ж: «Икки эпик ораси» романи учун.

9. Ўткир Ҳошимов қачон Ўзбекистон Халқ ёзувчиси унвонини олган? Ж: 1991 йилда.

10. Ўткир Ҳошимов кимнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган? Ж: Э.Хемингуэй, К.Симонов, А.Куприн, О.Бердольц каби ёзувчиларнинг асарларини.

11. «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикояси нима ҳақида? Ж: Урушнинг фожиаи оқибатлари, Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб кишилар ёстиғини қуритишдан ташқари, одамлар онги, руҳиятида ҳам ёмон ўзгаришлар ясагани ҳақида.

12. Қайси асар қаҳрамони уруш кетаётган жойлардан минглаб км узоқда бўлса-да, ҳалок бўлади? Ж: «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикоясида Умри хола

13. Қайси асар қаҳрамони билмасдан беихтиёр ўз онасининг ўлимига сабабчи бўлиб қолади? Ж: «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикоясида Шоикром.

14. «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикоясида ким сил касалига йўлиққанлиги учун урушга бормади? Ж: Шонемат.

15. «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикоясида кимнинг хотинини ўғрилар пичоқлаб кетишади? Ж: Илҳом самоварчининг.

16. Ушбу парча қайси асардан олинган? «Сув қалқиса лойқаси юқорига чиққандай, замон қалқигандан буён ёмон кўпайди». Ж: «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикоясида

17. Ушбу парча қайси асардан олинган? «Эрта баҳорда уларнинг туғай деб турган сигирини ўғирлаб кетишди». Ж: «Урушнинг сўнгги қурбони»

18. «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикоясида Шоикром нима сабабдан кечқурун симни токка улаб қўяди? Ж: Хотинидан энди қизараётган қулупнайларга ҳам ўғри оралаётганини эшитгандан сўнг.

19. «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикоясида Умри хола нима учун қулупнай ўғирлашга мажбур бўлган? Ж: Касал ўғлига сутга алмашиш учун

20. «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикоясидаги Шоикром хотинининг исми? Ж: Хадича.

Саид Аҳмад

(1920-2008)

1. Саид Аҳмаднинг фамилиясини топинг. Ж: Ҳасанхўжаев
2. Саид Аҳмад қачон ва қаерда туғилган? Ж: 1920 йилда Тошкентнинг Самарқанд Дарвоза маҳалласида туғилган.

3. Ушбу парча кимнинг автобиографиясидан олинган? «Бир марта дор ўйнаб йиқилганман. Бир мартасида қайнаб турган самоварнинг ёнига тушганман. Етти марта қўлим чиққан. «Шум бола»нинг ўзи бўлганман». Ж: Саид Аҳмаднинг.

4. Саид Аҳмаднинг отаси ким бўлган? Ж: Отаси Ҳусанхўжа Дадахўжа ўғли маърифатпарвар одам бўлиб, Исмоилбек Гаспирали билан яқинлиги бор эди.

5. Саид Аҳмаднинг бобосини қандай аташарди? Ж: Дадахўжа дўма деб аташарди, у шаҳар дўмасининг депутаты бўлган.

6. Саид Аҳмад онасининг отаси ким бўлган? Ж: Фуломхон тошбосма матбаа эгаси бўлган.

7. Саид Аҳмаднинг akalари ким бўлган? Ж: Катта акаси Имонхон ўзбек стенографиясининг асосчиси ҳисобланади,

кейинги акаси Зухурхон ирригация бўйича Ўзбекистоннинг илк профессори бўлган.

8. Саид Аҳмад ёшлигида нималарга қизиққан? Ж: Ёшлигида қишлоқларга чиқиб, шиорлар ёзади, артистликка қизиқади, докторлик мактабида 5-6 ой ўқиб чиқади, 1-2 йил расомлик мактабига қатнайди, курлиш техникумида 3-4 кун ўқийди, Пенсон деган машҳур фоточига шогирд тушади.

9. Саид Аҳмаднинг илк машқи қандай ном билан неча ёшида қайси журналда чоп этилган? Ж: «Ишқибоз» номли ҳажвий ҳикояси 16 ёшида «Муштум» журналида.

10. Саид Аҳмад қачон «халқ душмани» деган туҳмат билан қамалади? Ж: 50-йилларнинг бошларида.

11. Саид Аҳмаднинг 1-китоби қайси ва у қачон нашр қилинган? Ж: «Тортиқ» номли ҳикоялар тўплами 1940 йилда.

12. Саид Аҳмаднинг тўпламларини топинг. Ж: «Эр юрак» (1942), «Фарғона ҳикоялари» (1948), «Муҳаббат» (1949), «Хандон писта», «Бир ўпичнинг баҳоси» тўпламлари

13. Саид Аҳмаднинг қиссаларини топинг. Ж: «Қадрдон далалар» (1949), «Ҳукм» (1958) қиссалари

14. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» трилогияси қачон нашр қилинди? Ж: XX асрнинг 60-йилларида «Уфқ» трилогиясининг 2 та китоби босилди.

15. Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик» романи қачон нашрдан чиққан? Ж: 1988 йилда.

16. Саид Аҳмаднинг XX асрнинг 70-80-йилларида ўз ҳикоялари асосида ёзган пьесаларини топинг. Ж: «Келинлар кўзғолони», «Куёв»

17. Сатира сўзи қайси тилдан олинган? Ж: Юнон тилидан

18. Сатира сўзининг маъноси нима? Ж: Турли, аралаш деган маъноларни англатади.

19. Сатира сўзининг истилоҳий маъносини топинг. Ж: Бадий асарда кенг маънода кишилардаги ёки маълум бир

жамиятдаги нуқсон ва камчиликларни кескин танқид қилиш, масхаралаб бартараф этиш мақсадида қўлланилади.

20. Юмор сўзи қайси тилдан олинган? Ж: Инглиз тилидан

21. Юмор сўзининг луғавий маъносини топинг. Ж: Намлик, суюқлик сўзидан олинган

22. Юмор сўзининг истилоҳий маъносини топинг. Ж: Кенг маънода бадний адабиётда енгил кулги қўзғаш, ҳазил-мутойиба сифатида қўлланилади.

23. Юморда ижодкор кулгуси қандай бўлади? Ж: Айрим нуқсонлар устидан киноя-кесатиқсиз, дўстона, хайрихоҳлик билан кулади, яъни кесатиқсиз кулги.

24. Юморда ижодкор воқеа-ҳодисаларга қандай муносабат билдиради? Ж: Воқеа-ҳодисаларнинг, жамиятдаги инсонларнинг ҳеч бир нуқсонсиз бўлишини истаб, уларни инкор этмаган ҳолда зукколик, топқирлик, ҳозиржавоблик, ҳазил-аския билан муносабат билдиради.

25. Саид Аҳмаднинг «Қоплон» ҳикояси қандай асар? Ж: Сатирик асарнинг энг яхши намунасиدير.

26. Саид Аҳмаднинг «Қоплон» ҳикояси нимага бағишланган? Ж: У кишилардаги лаганбардорлик, хушомадгўйлик, ўз манфаати йўлида андиша-мулоҳазага бормай, сурбетларча иш тутиш, одамларни амал курсисига қараб муносабат кўрсатиш каби ярамас иллатлар танқидига бағишланган.

27. Саид Аҳмаднинг «Қоплон» ҳикоясида хўжайиннинг уйида полини ювиб, тиламини ҳам қоқиб берган қаҳрамон ким? Ж: Қурбонбой.

28. Саид Аҳмаднинг «Қоплон» ҳикоясидаги директорнинг фамилияси ким? Ж: Тиллаев

29. Саид Аҳмаднинг «Қоплон» ҳикоясида Қурбонбой гаражда ким бўлиб ишларди, Тиллаевнинг унга ихлоси ортиб уни қандай даражача кўтаради? Ж: Машина ювувчидан гараж муовинига кўтаради.

30. Саид Аҳмаднинг «Қоплон» ҳикоясида Қурбонбой Тиллаевга нима совға қилади? Ж: Қоплон исмли итни.

31. Саид Аҳмаднинг «Қоплон» ҳикоясида Тиллаев нима сабабдан ишдан кетади? Ж: Бод касали қўзғагани учун.

32. Саид Аҳмаднинг «Қоплон» ҳикоясида Тиллаев ишдан кетгандан сўнг Қоплонни қасрда кўради? Ж: Янги директорнинг уйида Қоплонни кўради

33. Саид Аҳмаднинг «Қоплон» ҳикоясида ким: «Бу итни танийман», деган фикрни Қурбонбойга аччиқ истеҳзо билан айтади? Ж: Тиллаев.

34. Саид Аҳмаднинг «Собиқ» номли ҳикояси қандай йўналишда? Ж: Аччиқ, аламли кулгидан йироқ, ҳажвий, соф юмористик йўналишда.

35. Қайси ҳикоя қаҳрамони пахта теришда жонбозлик кўрсатиб, ҳеч кутилмаганда дабдабазликнинг нишонига айланади? Ж: Саид Аҳмаднинг «Собиқ» номли ҳикоясида.

36. Саид Аҳмаднинг «Собиқ» ҳикояси қаҳрамони бир кунда неча тонна пахта теради? Ж: 1-кун 9 тонна, кейинги кун 9,5 тонна.

37. Саид Аҳмаднинг «Собиқ» ҳикояси қаҳрамонининг вақтини кимлар беҳуда ўтказади? Ж: Энди далага чиқаман деганда бир киночилар, бир рассомлар келиб вақтни беҳуда ўтказади.

38. Саид Аҳмаднинг «Собиқ» номли ҳикоясидаги раиснинг исмини топинг. Ж: Бердиали ака.

39. Қайси ҳикоя қаҳрамони октябрь ойида пахта теришга чиқса, «Колхозимизнинг собиқ механизатори фалончи мавсумда бир ҳафта далага чиқиб, шу машинада пахта терган» деган ёзувга кўзи тушади? Ж: Саид Аҳмаднинг «Собиқ» номли ҳикояси қаҳрамони.

40. Саид Аҳмаднинг «Собиқ» ҳикояси қаҳрамони тракторига собиқ механизатор деб ёзган кишини жазоламоқчи бўлади, лекин уни суриштиришга вақти йўқ эди. Чунки у

қаерга шошаётган эди? Ж: Болалар боғчасида овқатнинг калорияси етарли эканлигини текширишга бориши керак эди.

Алишер Навоий

(1441–1501)

1. «Ҳайрат ул-аброр» достонининг нечанчи боблари бадний ижод, бадний сўзнинг қудрати, инсонга таъсири қақидаги мавзуда? Ж: 14 ва 15-бобларини.

2. Ушбу мисралар қайси асардан олинган?

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,

Бўлсин анинг сурати ҳар не дурур.

Назмки маъни анга марғуб эмас,

Аҳли маоний қошида хўб эмас.

Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,

Зимнида маъни доғи дилкаш анга. Ж: «Ҳайрат ул-аброр»

достонидан

3. Қитъа нима? Ж: Икки ёки ундан ортиқ байтлардан иборат бўлиб, жуфт мисралари ўзаро қофияланади.

4. «Хазойин ул-маоний» куллиётига нечта қитъа кирилган? Ж: 210 та.

5. Қитъа неча хил бўлади? Ж: Икки хил: биринчи хили мустақил асар шаклида, иккинчи хили эса ғазал, қасида, таржеъбанд каби бошқа жанрдаги шеърлар таркибидан ажратиб олиш тарзида.

6. Қитъанинг биринчи хили қандай бўлади? Ж: Биринчи хил намунасида шоирда пайдо бўлган завқ, ҳис-ҳаяжон натижасида ўша заҳотиёқ қоғозга туширилади ва кейинроқ лозим топилса яна ривожлантирилиб, ғазал, қасида шаклига келтирилади.

7. Қитъанинг иккинчи хили қандай бўлади? Ж: Иккинчи хил қитъалар аксинча, бирор муносабат билан бошқа жанр-

даги шеърлардан ажратиб, саралаб олинади. Улар фалсафий жиҳатдан теран, таъсирчан, кучли иборатомуз байтлар бўлиб, тугал мустақил шеър сифатида ҳам кўрилиши мумкин.

8. Ушбу шеър жанрини топинг:

Чун гараз сўздин эрур маъни анга,

Ноқил ўлса хоҳ хотин, хоҳ эр.

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини,

Кўрма ким дер ани, кўргилким не дер. Ж: Қитъа.

9. «Чун гараз сўздин эрур маъни анга» қитъасининг ғояси-ни топинг? Ж: Сўзлашдан мақсад бирор маънони англантишдир, деган ғоя ётади. Сўзни эркакми, аёлми, ким айтса ҳам, маъноли айтиши керак.

10. Ушбу шеър жанрини топинг:

Кимки махлуқ хизматига камар

Чуст этар, яхшироқ ушалса бели.

Қўл қовуштиргунча бу авлодур,

Ки анинг чиқса эғни, синса бели. Ж: Қитъа

11. «Кимки махлуқ хизматига камар чуст этар» қитъасининг ғоясини топинг. Ж: Ёмон бир кимсанинг хизматини қилиб юрган киши ундан алам кўриб, таҳқирланиб калтак еса-да, яна унга хушомад қилиб ўтирса, бундай одамнинг даммини қайтариб, тилини кесиш керак, дейди.

12. Ушбу шеър жанрини топинг:

Камол эт касбким, олам уйидан

Санга фарз ўлмагай гамнок чиқмоқ.

Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,

Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ. Ж: Қитъа.

13. «Камол эт касбким» қитъасида қандай ғоя ифода-ланган? Ж: Шоир агар ҳаётдан маъно тополмай, ҳеч нарса-ни билмай, интилмай махлуқдай яшасанг, ҳаммомдан по-кланмай чиққан каби, яъни жаҳолат ботқоғига ботиб, дунё саодатини билмай ўтасан демоқчи бўлган.

Носириддин Бурҳониддин Рабғузий

(XIII аср охири – XIV аср бошлари)

1. «Қисаси Рабғузий» қачон кимнинг ҳомийлигида ёзилган? Ж: Мовароуннаҳр ҳукмдори Алоуддин Тормашириннинг ноиби, мусулмонликни қабул қилган маърифатли мўғул бекларидан бўлган Носириддин Тўқбуғабекнинг илтимоси ва ҳомийлигида 1309-1310 йилларда ёзилган.

2. Дастлаб араб тилида кимларнинг «Қисас ул-анбиё» асарлари пайдо бўлган? Ж: Абу Исҳоқ Нишопурий, Ваҳҳоб бинни Мунаббин ал-Яманийларнинг асарлари пайдо бўлган, кейин форс тилида асарлар яратилган.

3. Қайси асар «Қисас ул-анбиё» йўналишидаги асарларнинг ўзбек тилида яратилган илк намунаси ҳисобланади? Ж: «Қисас ар-Рабғузий».

4. Рабғузий Қуръон ҳамда ҳадисдан ташқари кимларнинг асарларидан ҳам фойдаланган? Ж: Имом Яъқуб Суфён, Мажиддин Анбуғоний, Қаттол Шоший ва бошқаларнинг Қуръонга ёзган тафсирилари ва «Исмаат ул-анбиё», «Далойил ан-набийя» каби кўплаб адабиётлар. Абулҳасан Кисоий қиссаларидан.

5. «Қисаси Рабғузий» қанча вақтда ёзиб тугатилган? Ж: Бир йил ичида.

6. «Қисаси Рабғузий» қайси воқеаларни ўз ичига олган? Ж: Дунёнинг яратилишидан бошлаб сўнгги пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг неваралари Ҳасан ва Ҳусайннинг шаҳид бўлишлари – пайғамбар хонадонининг заволигача бўлган даври.

7. «Қисаси Рабғузий» неча қиссадан иборат? Ж: 72 қиссадан.

8. «Қисаси Рабғузий»нинг энг қадимги қўлёзмаси қачон кўчирилган ва қайси музейда сақланади? Ж: XIV асрнинг 40-йилларида – муаллиф ҳаётлигида кўчирилган бўлиб, у Лондондаги Британия музейида сақланади.

9. «Қисаси Рабғузий»нинг факсимилеси қачон, ким томонидан чоп қилинган? Ж: Машҳур шарқшунос К.Гронбек томонидан 1948 йили Копенгаген (Дания)да унинг факсимилеси чоп этилган.

10. «Қисаси Рабғузий»нинг Британия нусхаси асосида кимлар уни ўзбек тилида нашрга тайёрлаб, 2 жилдда чоп этдилар? Ж: А.Юнусов, Э.Фозилов ва Н.Дадабоевлар.

11. «Қисаси Рабғузий»да нечта пайғамбар, халифа ва тарихий шахс ҳақида ҳикоя қилинади? Ж: 33 пайғамбар, 4 халифа, 7 тарихий шахс ҳақида.

12. «Қисаси Рабғузий»да қанча мисра шеър мавжуд? Ж: 600 мисра.

13. Ушбу ғазал қайси асардан олинган?

Кун ҳамалга кирди эса, келди олам Наврӯзи,

Кечди баҳман замҳарир қиш, қолмади қори, музи. Ж: «Қисаси Рабғузий»да «Қисаси Юсуфи сидиқ алайҳиссалом» ичида келган ғазал

14. «Қисаси Рабғузий» халқ орасида қандай номлар билан шуҳрат топган? Ж: «Қисаси Рабғузий» ва «Қисас ул-анбиёи туркий»

15. «Қисаси Рабғузий» асарининг бош қаҳрамони ким? Ж: Муҳаммад алайҳиссалом

16. «Қисаси Рабғузий»да ким туғилганда Муҳаммад с.а.в. нури жилва қилади? Ж: Одам Ато

17. «Қисаси Рабғузий»да қайси пайғамбар туғилганда Муҳаммад с.а.в.нинг нури унга ўтади? Ж: Шис а.с. туғилганда

Одамнинг ярагилиши

18. «Қисаси Рабғузий»да Қудратли Оллоҳ одамнинг олдин руҳини яратиб, сўнг унинг вужудини яратмоқчи бўлганда нима Унга: «Мен қутлуғман, одамни мендан ярат», деди? Ж: Тоғ

19. «Қисаси Рабғузий»да Қудратли Оллоҳ одамнинг олдин руҳини яратиб, сўнг унинг вужудини яратмоқчи бўлганда нима Унга: «Мен улуғман, одамни мендан ярат», деди? Ж: Денгиз

20. «Қисаси Рабғузий»да Қудратли Оллоҳ одамнинг олдин руҳини яратиб, сўнг унинг вужудини яратмоқчи бўлганда нима Унга: «мен юксакман, одамни мендан ярат», деди? Ж: Осмон

21. «Қисаси Рабғузий»да Қудратли Оллоҳ одамнинг олдин руҳини яратиб, сўнг унинг вужудини яратмоқчи бўлганда нима: «Мен ҳаммадан заифман, оёқ остиданман, менда мақтангулик нарса йўқ», деб камтарлик қилди? Ж: Ер.

22. «Қисаси Рабғузий»да Оллоҳ нимадан одам яратмоқчи бўлди? Ж: Ердан

23. «Қисаси Рабғузий»да Одамни яратиш учун Ердан тупроқ олишга қайси фаришталар жўнатилди? Уларни тўғри тартиб билан сананг. Ж: Ердан тупроқ олишга Жаброил, Исрофил, Микоилни юборди.

24. «Қисаси Рабғузий»да бошқа фаришталар тупроқ ололмагандан кейин кимни юборди? Ж: Азроилни.

25. «Қисаси Рабғузий»да қайси фаришта Ер қанча узр айтса ҳам, бир ҳовуч тупроқ олиб келди? Ж: Азроил.

26. «Қисаси Рабғузий»да одамларнинг жонини олиш кимга топширилди? Ж: Азроилга.

27. Жаброил қандай фаришта? Ж: Худо билан пайғамбарлар ўртасида элчилик қилади.

28. Исрофил қандай фаришта? Ж: Қиёмат куни келганини бидириб, сурнай чалади.

29. Микоил қандай фаришта? Ж: Коинотни бошқаради.

Шайтоннинг лаънатланиши

30. «Қисаси Рабғузий»да ким барча фаришталарга илм ўргатар эди? Ж: Азозил.

31. «Қисаси Рабғузий»да ким Одамга сажда қилишдан бош тортди? Ж: Азозил.

32. «Асмой ҳусна» сўзининг маъносини топинг. Ж: Гўзал исмлар – Оллоҳ таолонинг исмлари.

33. Оллоҳ таолонинг нечта гўзал исми бор? Ж: 99 та.

34. Ушбу парча қайси асардан олинган? «Менинг ҳузуримда минг обиддан бир олим афзалроқдир. Қайда обид бўлса, у олимга хизмат қилиши керак. У махдум бўлсин, сизлар ходим бўлинг. У масжид бўлсин, сизлар сажда қилгувчи бўлинг». Ж: «Қисаси Рабғузий»дан

35. «Обид» сўзининг маъносини топинг. Ж: Тоат-ибодат қилувчи, художўй, тақводор.

36. «Махдум» сўзининг маъносини топинг. Ж: Бошқалар унинг хизматида бўладиган киши, хўжайин, хожа.

37. «Муфассир» сўзининг маъносини топинг. Ж: Шарҳловчи, тасвирловчи.

38. «Тақдис» сўзининг маъносини топинг. Ж: Муқаддас ҳисоблаш, покликка нисбат бериш.

39. «Қисаси Рабғузий»да Оллоҳга ким: «Мени ўтдан яратдинг, мен улуғман», деди? Ж: Азозил.

40. «Қисаси Рабғузий»да Азозилга қандай ном берилди? Ж: Иблис.

41. Иблис сўзининг маъноси нима? Ж: Ноумид.

42. «Қисаси Рабғузий»да Иблисдан Одамнинг ортиқ эканлиги қандай далилланди? Ж: Далил буким: ўт ўғридир, ниманики ўтга берса, йўқ қилур, қайтиб бермас. Аммо тупроққа бир ҳовуч нарсасолсанг, ўнни юз қилиб сенга қайтарар.

43. «Қисаси Рабғузий»да Иблис неча йил Оллоҳга тоат-ибодат қилган эди? Юз минг йил.

44. «Қисаси Рабғузий»да Иблис Оллоҳдан қачонгача тирик юришни сўради? Ж: Қиёмат кунига қадар.

45. «Нусрат» сўзининг маъноси нима? Ж: Зафар, галаба, голиблик.

46. Ушбу ҳадис қайси асардан олинган? «Қон одам боласининг танасида қандай айланса, шайтон ҳам унинг ичида шундай юради». Ж: «Қисаси Рабғузий»дан

Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннатдан ҳайдалиши

47. «Қисаси Рабғузий»да Одам Ато ва Момо Ҳаво қаерда яшар эди? Ж: Жаннатда.

48. «Қисаси Рабғузий»да Одам Ато ва Момо Ҳавога қайси дарахтга яқинлашмаслик тайинланган эди? Ж: Бугдой йиғочига

49. «Қисаси Рабғузий»да илон дастлаб нимага ўхшар эди? Ж: Ўша пайтда илоннинг танаси турли рангда товланувчи бўлиб, чиройли суратлик туяга ўхшар эди, у билан сўзлашишни Момо Ҳаво хуш кўрарди.

50. «Қисаси Рабғузий»да иблис илонни авраб, унинг қаерига яширинди? Ж: Тили остига.

51. «Қисаси Рабғузий»да Иблис Момо Ҳавога нима деди? Ж: Агар бугдой дарахтидан есанглар, абадий жаннатда қоласизлар, деди.

52. «Қисаси Рабғузий»да Одам Ато ва Момо Ҳаво нима сабабдан жаннатдан қувилдилар? Ж: Улар бугдойдан еган эдилар.

53. «Қисаси Рабғузий»да нима учун анжир дарахти улугланди? Ж: Уларга яроқ бергани учун.

54. «Қисаси Рабғузий»да Жаннатдан чиқиш кимларга буюрилди? Ж: Одамга, Ҳавога, товусга, илонга.

55. «Қисаси Рабғузий»да Одам қаерга тушди? Ж: Ҳиндистонга – Анжалус деган ерга, Сарандип тоғига тушди.

56. «Қисаси Рабғузий»да Момо Ҳаво қаерга тушди? Ж: Жадда яқинидаги тоққа тушди.

57. «Қисаси Рабғузий»да Иблис қаерга тушди? Ж: Басрага.

58. «Қисаси Рабғузий»да Одам Атонинг кўз ёши томган ерда қандай ўсимликлар ўсди? Ж: Ўт-ўлан, аччиқ-чучук доривор ўсимликлар.

59. «Қисаси Рабғузий»да Ҳавонинг кўз ёшидан нималар унди? Ж: Уд, қаранфул, сунбул, хино, ўсма.

60. «Қисаси Рабғузий»да Одам ўзига уй биво қилмоқчи бўлганда, унга нима йўл кўрсатувчи бўлди? Ж: Бир қарға.

61. «Қисаси Рабғузий»да Одам қаерда ўзига уй ясаб, унда ибодат қиладиган бўлди? Ж: Маккада.

62. «Қисаси Рабғузий»да Одам Ато неча йил йиғлагандан сўнг Момо Ҳаво билан қаерда учрашдилар? Ж: 200 йил, Арофат деган жойда.

Нух алайҳиссалом қисаси

63. «Қисаси Рабғузий»да Нух а.с. қаергача бўлган барча халқларга пайғамбар эди? Ж: Шарқдан Ғарбгача.

64. «Қисаси Рабғузий»да Нух даврида бир парча ердан қанча буғдой чиқар эди? Ж: 300 юк.

65. «Қисаси Рабғузий»да Нух даврида бир йиллик озиқ қанча эди? Ж: 100 ботмон.

66. «Қисаси Рабғузий»да Нух а.с. халқни неча йил имонга даъват этди? Ж: 950 йил

67. «Қисаси Рабғузий»да Нухнинг даъватидан сўнг неча киши мусулмон бўлди? Ж: 80 киши.

68. «Қисаси Рабғузий»да Нух а.с. даврида неча йил ёмғир ёлмади, ерда гиёҳ унмади, хотия-қизлар туғмади? Ж: 40 йил.

69. «Қисаси Рабғузий»да Нух чинор экди, неча йилда неча чинор вояга этди? Ж: 40 йилда 3 чинор.

70. «Қисаси Рабғузий»да Нухнинг чинордан ясаган кемаси узунлиги, баландлиги ва эни қанча эди? Ж: Кеманинг узунлиги 1200, эни ва баландлиги 600 қари эди.

71. «Қисаси Рабғузий»да Нуҳ ясаган кемага нечта темир ҳалқа қилдилар? Ж: 124 минг. Ҳар бир ҳалқада бир пайғамбарнинг исми ёзилган эди.

72. «Қисаси Рабғузий»да Нуҳнинг нечта ўғли бор эди? Ж: 4 ўғли бор эди: Сом, Ҳом, Ёфас, Канъон.

73. «Қисаси Рабғузий»да Нуҳнинг қайси ўғиллари муслмон эди? Ж: Сом, Ҳом, Ёфас.

74. «Қисаси Рабғузий»да Нуҳнинг қайси ўғли кофир эди? Ж: Канъон.

75. «Қисаси Рабғузий»да Нуҳ кимни кемага киритмади? Ж: Канъонни.

76. «Қисаси Рабғузий»да Нуҳ а.с. кемага қанча киши ва ҳайвон, қушлардан олди? Ж: 80 киши, бир жуфтдан ҳайвон ва қушлардан.

77. «Қисаси Рабғузий»да Нуҳнинг кемасида нималар йўқ эди? Ж: 3 та нарса йўқ эди: бири – мушук, иккинчиси – сичқон, учинчиси – тўнғиз.

78. «Қисаси Рабғузий»да мушук қандай пайдо бўлди? Ж: Нуҳ арслоннинг бошини силаган эди, бурнидан 2 мушук тушиб, сичқонни тутди.

79. «Қисаси Рабғузий»да Нуҳнинг тешилган кемасини нима ёпди? Ж: Илон кулча бўлиб ётиб кеманинг тешигини ёпди.

80. «Қисаси Рабғузий»да Илонга Нуҳ қандай ваъда берган эди? Ж: Тўфондан сўнг Ер юзида ниманинг гўшти ширин бўлса, шуни беришга ваъда берди.

81. «Қисаси Рабғузий»да қайси ҳашарот Ер юзида ниманинг эти ширин эканлигини аниқлаш учун юборилди? Ж: Чивин.

82. «Қисаси Рабғузий»да Нуҳ қиссасида инсонларни қирилиб кетишдан қайси қуш сақлаб қолди? Ж: Қалдирғоч.

83. «Қисаси Рабғузий»да Нуҳнинг кемасини судраб келиш учун кимни таклиф этдилар? Ж: Авжни–Одам а.с.нинг

қизи Унуқнинг ўғлини. У узун бўйлик бўлиб, икки оёғининг ораси бир кунлик йўл эди. Тоғнинг тепасида ўтириб, қўли билан денгиздан балиқ ушлаб, қуёшга тутиб, пишириб ер эди.

Қорун қиссаси

84. «Қисаси Рабғузий»да Қорун ким эди? Ж: Мусонинг холасининг ўғли эди.

85. «Қисаси Рабғузий»да Мусо кимга нима учун олтин қилиш йўлини ўргатади? Ж: Бир куни Мусодан бир гадоёй садақа сўраганида, Мусо пули йўқлиги учун гадоёйга турли гиёҳларни бериб, уни темир ва мисга аралаштирса олтинга айланишини айтади.

86. «Қисаси Рабғузий»да қалдирғоч қайси пағамбарга ҳам ёрдам беради? Ж: Иброҳим а.с. Намруд томонидан ўтга ташланганда, қалдирғоч тумшуғида сув келтириб, ўтни ўчирмоқчи бўлади.

87. «Қисаси Рабғузий»да Қорун нима учун бойиб кетди? Ж: Мусонинг гапини Қорун эшитиб турган бўлади, гадойдан гиёҳларни олиб кетиб, уйда олтин ясайди ва бойиб кетади.

88. «Қисаси Рабғузий»да Мусога Қоруннинг бойлигидан қанчасини камбағалларга бериш ҳақида Оллоҳдан фармон бўлди? Ж: Дастлаб ярмини, кейин бешдан бирини, сўнг бойлигидан ўн ҳиссасини

89. «Қисаси Рабғузий»да Қорунни ер нима учун ютди? Ж: Хасислиги ва кофирлиги туфайли ер ютиб ўлади.

90. «Қисаси Рабғузий»да Мусонинг сафдошлари кимлар эди? Ж: Ҳорун, Юшаъ, Келлуб

Муҳаммадшариф Гулханий
(*XVIII аср охири – XIX аср бошлари*)

1. Гулханий қайси таҳаллус билан шеърлар ёзган? Ж: Журъат таҳаллуси билан.

2. Гулханийдан бизгача қайси асарлари етиб келган? Ж: Унинг ўзбек ва тожик тилларидаги 12 ғазали. Қўқон хони Амир Умархонга аталган 1 қасидаси ва «Зарбулмасал» асари етиб келган.

3. Зарбулмасал сўзи қандай маънони билдиради? Ж: Зарбулмасал – арабча «зарб» ва «масал» сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Зарбулмасал – «сўзга мақол қўшиб гапириш», «ўхшаши ва далилини келтириш» маъноларини билдиради. Зарбулмасал бўлиш – эл оғзига тушиш, афсона бўлиш, машҳур бўлиш маъноларида ҳам келади.

4. Гулханий кимларни зарбулмасал қилган? Ж: Ўз даври ва замондошларини.

5. Қайси асар қаҳрамонлари ўз нутқларида вазиятга мос мақолларни келтирадилар, масал ва ҳикоятларни сўзлаб берадилар? Ж: «Зарбулмасал»да.

6. «Зарбулмасал»да қанча мақол, масал, ҳикоятлар мавжуд? Ж: 400 га яқин мақол, матал, нақл ва 15 дан ортиқ масал ва ҳикоят мавжуд.

7. Гулханий «Зарбулмасал» ёзишда қайси асарлардан фойдаланган? Ж: Ҳинд эпоси «Калила ва Димна», Жомийнинг «Силсилат уз-заҳаб» асарларидан.

8. «Зарбулмасал» халқ орасида қандай ном билан машҳур? Ж: «Япалоққуш ҳикояси» номи билан.

9. «Зарбулмасал»да Фарғона иқлимида қайси шоҳдан қолган бир вайрона бор эди? Ж: Кайқубод деган подшоҳдан.

10. «Зарбулмасал»да бойўғлининг қизи ким эди? Ж: Гунашбону исмли қиз.

11. «Зарбулмасал»да ким Гунашбонуни ўғлига олиб бермоқчи бўлади? Ж: Япалоққуш

12. «Зарбулмасал»да Япалоққуш ўғлининг исми? Ж: Кулонкир султон

13. «Зарбулмасал»да Япалоққуш кимни совчиликка юборади? Ж: Кўрқушни.

14. «Ҳоло, бу тургонларинг ҳавола дўстлари, пиёла ҳарифлари, таом смакка ҳозир, маслаҳатга ақли қосир». Бу фикр кимлар ҳақида? Ж: «Зарбулмасал»да шоҳ атрофидаги Бойўғли, Япалоққуш, Кўрқуш, Кордон, Кулонкир султон каби амалдорлар ҳақида.

15. «Зарбулмасал»да Гулханий қандай қушларни қаҳрамон қилиб олади. Ж: Йиртқич, тунда ов қиладиган қушларни.

16. «Зарбулмасал»да Кўрқуш хон саройида ақлли, донишманд бўлган уч тоифа кишига халос бўлишлик йўқлигини айтади. Бу уч тоифа кишилар кимлар эди? Ж: Олими боамал-илмига амал қиладиган олим, вазири соҳиби раъй-ақлу тадбир эгаси бўлган вазир, муншийи ростнавис-ҳақиқатни ёзадиган котиб.

17. «Зарбулмасал»да совчиликка кетаётган Кўрқуш йўлда кимга дуч келиб, ўзаро мунозара қилади? Ж: Ҳудҳудга.

18. «Зарбулмасал»да совчи Кўрқушга Бойўғли қандай жавоб беради? Ж: Бойўғлиникига келса, у қариндошлари билан кенгашиб, кейин жавоб бермоқчи бўлади.

19. «Зарбулмасал»да Япалоққуш ким орқали қушлар шоҳи Маликшоҳиндан суюнчи олади? Ж: Дўсти Шўранул деган қарға орқали.

20. «Зарбулмасал»да Кулонкир султон ким эди? Ж: Маликшоҳиннинг паҳлавони.

21. «Зарбулмасал»даги Кордон ким? Ж: Маликшоҳиннинг хазиначиси.

22. «Зарбулмасал»да паҳлавони Кулонкир султоннинг тўйини подшоҳлик ҳисобидан ўтказиб бермоқчи бўлган

Маликшоҳин кимни тўй харажатларини аниқлаш учун Бойўғлиникига жўнатади? Ж: Хазиначиси Кордонни.

23. «Зарбулмасал»да Бойўғли қизининг қалинига нечта вайрона сўрайди? Ж: Мингта.

24. «Зарбулмасал»да Кордон Умархон даврида мамлакат обод бўлиб, вайроналар камайганлиги учун унинг сонини нечтага туширишни сўрайди? Ж: 600 тага.

25. «Кордон» сўзининг маъноси нима? Ж: Ишбилармон.

26. «Зарбулмасал»да Бойўғли 600 вайронага кўнмагач, ким Бойўғлининг ёнига келиб. Қўқондан топилмаса ҳам, мингта вайронани Бухоро музофотидан топиб беришга ваъда қилади? Кўрқуш.

Кабутар билан зоғ

27. «Кабутар билан зоғ» ҳикояси нима ҳақида ҳикоя қилинади? Бу ҳикоятда эҳтиёт бўлмаган зоғнинг овчининг ўқиға учрагани ҳақида.

Маймун билан нажжор

28. «Маймун билан нажжор» ҳикояси нима ҳақида? Ж: Бу ҳикоят қўлидан келмаган ишни қилишга уринган маймуннинг шарманда бўлгани ҳақидадир.

29. «Маймун билан нажжор» ҳикоясида нажжор қайси юртдан эди? Ж: Кашмир элидан.

30. «Маймун билан нажжор» ҳикоясида маймуннинг нима сабабдан думи узилиб қолади? Ж: Нажжорнинг ишини кузатиб турган маймун ҳам унинг унутиб қолдирган тешасини олиб, ўзича устачилик қилмоқчи бўлади. Шу вақт нажжор келиб қолади. Маймуннинг думи дарахт ёриғига қисилиб қолади ва натижада думини узиб қочишга мажбур бўлади.

31. «Нажжор» сўзининг маъноси нима? Ж: Дурадгор.

32. Ушбу сатрлар қайси ҳикоятдан олинган?

Айди: Улус ичра бу бир касб эрур.
Касбни кессанг бошини, саб эрур. Ж: «Маймун билан нажор» ҳикоясидан.

Туя билан бўталоқ

33. «Туя билан бўталоқ» масалида нима кўрсатилади? Ж: Бу масалда эрки бўлмаган кишининг фожияси кўрсатилади.

34. «Туя билан бўталоқ» масалидаги сорбон қаерлик эди? Ж: Фарғонадан.

35. «Туя билан бўталоқ» масалида нима учун туя бўталоқни эмгизмайди? Ж: Туянинг бўталоғи эмгиси келиб онасидан секинроқ юришни сўрайди, лекин онаси боласига жилов бошқанинг қўлида эканлиги, унинг хаёли эса ўз йўлида эканини таъкидлайди.

Тошбақа ва чаён

36. «Тошбақа ва чаён» масали нима ҳақида? Бу масалда дўст танлашда адашмаслик кераклиги таъкидланади.

37. «Сангпушт» нима? Ж: Тошбақа

38. Чаён қандай номланади? Ж: Каждум.

Думсиз эшак

39. «Думсиз эшак» масалида эшак нима учун йўлга чиқади? Ж: Ўзига дум ахтариб.

40. «Думсиз эшак» масалида думсиз эшак нима учун қулоғидан айрилади? Ж: Бир экинзорнинг ўртасидан ўтаётганида бир деҳқон унинг икки қулоғини ҳам кесиб ташлайди. Шундай қилиб, думсиз эшак дум ахтариб, қулоғидан ҳам ажралди.

Ёлгончи туя

Туя – тева лойга йиқилиб, икки ёнига ағнаб, думигача лойга ботади. Йўлда унга тулки учрайди. Ундан қаердан

келаётганини сўрайди. Туя ҳаммомдан келаяпман, деб жавоб берди. Тулки унга, ҳа, ҳаммаси кўриниб турибди, магар ҳаммомчи ўлган бўлса керак, дейди.

Нақл. Иброҳимбек боғида бир боғбон бор эди. у ўзини зўр боғбон санаб, олти туп дарахтнинг ҳўл шохини қуриган дарахтга пайванд қилади.

Нақл. Бир одамнинг дўпписи сувда оқиб кетади. Ҳарчанд уринса ҳам ололмайди ва йўқолгани яхши бўлди, ўзи бошимга тор эди, дейди.

Нақл. Бир занги (қора танли) йўлда ойна топиб олади. Қараса, ўз аксини кўради ва яхши ойна бўлса, кўчада ётармиди, деб уни отиб юборади.

Ёдгор пўстиндўз. У жуда мақтанчоқ эди. 10 ёшимда Нуҳ пайғамбар кемасини итариб юборганман, 15 ёшимда Иброҳим алайҳиссаломни ўтга отаётганида мен ҳам бор эдим, 25 ёшимда Хожа Аҳмад Яссавий хонақоларига лой тепиб пишитганман, дер эди. Ёдгорнинг пўстин тикканини кўрсангиз, чокидан бармоқ ўтар эди. Харидорлар, бу қандай тикиш деб сўрасалар, мушт ўтмаса, хўб тикиш деб жавоб беради.

Зоҳир Аълам

(1943 йилда туғилган)

1. Зоҳир Аъламнинг илк ҳикояларини топинг. Ж: «Бахтли билет» ва «Сой»

2. Зоҳир Аъламнинг илк ҳикоялари қачон, қайси журналда босилган? Ж: 1967 йилда «Гулистон» журналида босилди.

3. Зоҳир Аъламнинг илк ҳикоялар тўплами қайси ном билан қачон нашр этилди? Ж: «Бахтли билет» номи билан 1972 йилда чоп этилади.

4. Зоҳир Аъламнинг нашр қилинган китоблари номларини топинг. Ж: «Муқаддима», «БAM манзаралари», «Кийик кўзлари»

5. Зоҳир Аъламнинг қайси қиссаси Ўзбекистонда лимон тиштириш бўйича фаолият олиб борган инсон З. Фахриддинов ҳақида? Ж: 1985 йилда яратилган «Ота ўғитлари» ҳужжатли қиссаси.

6. Зоҳир Аъламнинг дастлаб пьеса, кейин қисса бўлган асари номини топинг. Ж: «Афандининг қирқ бир пашшаси»

7. Зоҳир Аълам дунё адабиётидан кимларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилди? Ж: Павел Васильевнинг «Тўсиқ», «Ўлчамлар» қиссаларини, Сергей Залининнинг «Комиссия» романини.

8. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида Афанди кимни кўп марта чув туширади? Ж: Лайлак қишлоғининг энг катта бойи Муҳсин гуппини.

9. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида Афанди Муҳсин гуппини қандай алдайди? Ж: Унга тушимда боғимга бир хум кўмилган бўлиб, уни сувга тўлдирган одамга боғнинг ярмини хатлаб беришимни отам менга васият қилди, деб айтади.

10. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида Муҳсин гуппи унинг гапига ишониб, кимлар билан боққа боради? Ж: Хизматкорлари—Турсунали ва Алимшо билан 3 та обкаш ва 8 та челақ олиб.

11. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида боғдаги хумга қанча челақ сув қўйишади? Ж: Тахминан 200 челақ.

12. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида Афанди нима учун Муҳсин гуппини алдаган эди? Ж: Насриддин Афанди эса экинларини суғориб олиш учун

13. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида Афандини Муҳсин гуппи қандай чув туширмоқчи бўлади? Ж: Афандининг бозорга олиб бораётган асалини олиб қўйиб.

14. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасидаги бозорнинг йўлида турадиган миршаблар кимлар эди? Ж: Нодир ва Содир миршаб

15. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида Насриддин Афандини чув туширишга кўндириш учун Муҳсин гуппи миршабларга қанча пул беради? Ж: Уларни 5 тилла тапта эвазига Афандининг 2 хум асалини олиб қўйишга жалб этади.

16. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида Афандини чув туширишга кўнмаган миршабларни Муҳсин гуппи қандай аврайди? Ж: Подшонинг ҳам Афандини ёмон кўришини, агар уни чув туширишса, номи машҳур бўлиб, мартабалари ошишини айтиб аврайди.

17. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида Афандидан миршаблар нима талаб қилади? Ж: Асалларнинг ўзиники эканлигини исботловчи ҳужжат.

18. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида миршаблар Афанди ҳужжат қилиб келгунча кимнинг 2 та хумини олиб, унга Афандининг асалларини солиб қўйишади? Ж: Абдукарим деган кишининг.

19. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида Афанди келиб қараса, хуми бўшаб қолган, унинг ўрнига хумлардан дув этиб нима ҳавога кўтарилади? Ж: Пашша.

20. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида Афандига ким пашшалар сонининг ропла-роса 41 та эканлигини айтади? Ж: Нодир миршаб.

21. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида ўзининг чув тушганини сезган Афанди қандай йўл тутати? Ж: Миршаблардан асалларини еган пашшалардан ўч олиши учун расмий ваколат олмақчилигини, ўзига уларнинг гувоҳлиги зарурлигини айтади.

22. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида Афандига Қозикалон қандай ваколат беради? Ж: «Ваколат. Берилди шул ҳақдаким, ушбуни кўрсатувчи мулла Насриддин Афанди асалларини еб кетган қирқ битта ўғри пашшани қаерда ва қачон кўришидан қатъий назар, жазолашга мут-

лақ ҳуқуқи бор. Кимда-ким бу ишда монелик қилатурғон бўлса, ул кимса-да ҳаромнинг ҳомийси сифатида, бамисоли ўғри каби, ўнг қўли кесилишга маҳкумдир».

23. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида қозикалон қайси шаҳардан эди? Ж: Кумушкентдан

24. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасидаги қозикалоннинг исмини топинг. Ж: Садриддинхўжа Идрисхўжа ўғли.

25. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида Афанди мана бу биринчи пашша деб кимни қулочкашлаб туширади? Ж: Муҳсин гуппини

26. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида Афанди мана бу иккинчи пашша деб кимни дўппослай кетади? Ж: Нодир миршабни

27. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида Муҳсин гуппи дўппослангандан сўнг қандай йўл тутайди? Ж: Муҳсин гуппи қилмишларига иқрор бўлиб, Лайлак қишлоғидаги деҳқонлардан ноҳақ олган ер ва мол-мулкларини уларга қайтариб беради. Ҳатто ариқ ҳам жамоа мулкига айлантиради.

28. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида Афандининг хотини кимнинг қизи эди? Ж: Шоҳбобонинг сеvimли элликбошисининг қизи.

29. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида Афандининг хотини қаерлик эид? Ж: Урганчлик.

30. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида Афанди қозикалонга ҳужжат ёздираётганда ким келиб қолади ва Афандига ёрдам беради? Ж: Абдукарим.

31. «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида Афанди ваколатномани қанча пул эвазига Муҳсин гуппига алмашмоқчи эканлигини айтади? Ж: 100 тилла эвазига.

32. Қайси ўзбек ёзувчиси томонидан Насриддин Афанди бадийий сиймоси кенг миқёсда илк бор ўз ифодасини топди? Ж: Зоҳир Аълам асарда.

33. Қайси қиссада ёзувчи турли саргузаштлар баҳона-сида тарихий ҳодисалар, жой номлари, халқимизнинг ақл ва фаросатини кўрсатадиган турли обидалар, ҳунармандчилик ҳақида маърифий маълумотлар келтиради? Ж: «Афандининг қирқ бир пашшаси» қиссасида.

Абай

(1845–1904)

1. Абай қачон, қандай оилада туғилди? Ж: Шоир 1845 йилда Қозоғистоннинг Чингизтов туманида чорвадор бой оиласида туғилди.

2. Абай қачон, қайси шеърини 1-мартга ўз имзоси билан эълон қилди? Ж: 1886 йилда ёши қирқдан ошганда, «Ёз» шеърини.

3. Қайси шоир ўзигача оғзаки куйлаб келинган ўланларни ёзма адабиётга олиб кирган? Ж: Абай.

4. Абай басталаган нечта ўлан куйи ҳозиргача оқинлар томонидан севиб ижро этиляпти? Ж: 17 та.

5. Абайнинг дostonларини топинг. Ж: «Искандар», «Масъуд» дostonлари.

6. Абайнинг «Қора сўз» асари қандай асар? Ж: Фалсафий-дидактик асар.

7. Абай рус адабларидан кимларнинг бир қатор асарларини қозоқ тилига ўғирди? Ж: Пушкин, Лермонтов асарларидан таржималар қилди.

8. Абай қайси китобида шундай ёзади? «Ўзбек–ўз оғам, сарт–садағам». Ж: «Қора сўз» китобида.

9. Абай ўзбек шоирларидан кимни ўзига устоз деб ҳисоблаган? Ж: Навоийни.

10. *Ушбу сатрлар муаллифини топинг:*

Ўзи билан ёвлашган юртим, тингла,

Ўзи билан довлашган юртим, тингла!

Дардингга даво бўлсин ўланларим,

Бир-бирини овлашган юртим, тингла! Ж: Абай

11. Абайнинг қайси шеърлари қолақликдан қочиб, чидам ва машаққат билан илм-фанни эгаллашга даъват руҳида ёзилган? Ж: «Шўрлик қозоғим», «Бой боласи билан камбағал боласи», «Илм ўрган», «Ўлан» шеърлари.

12. Абайнинг «Ўлан» ва «Куклам» шеърларини ким ўзбек тилига таржима қилган? Ж: Миртемир.

13. Ушбу сатрлар кимнинг қайси шеърдан олинган?

Ўлан-сўзнинг пошшоси, сўз сараси,

Қийиндан қийилтирар Эл доноси,

Тилга енгил, юракка илиқ тегиб,

Теп-текис, силлиқ қилсин айланаси.

Мол учун сўзни безар, виждон сотар,

Мол учун бўйин эгар, молдай етар,

Мол учун ҳам алдайди, ҳам аврайди.

Э худо, шу оқинлар қачон қотар? Ж: Абай, «Ўлан» шеъри

Зулфия

(1915–1997)

1. Зулфия Исроилова қандай мукофотлар соҳибаси? Ж: Ўзбекистон халқ шоири, «Нилуфар», Жавоҳарлал Неру номидаги ҳамда Давлат мукофотлари соҳибасидир.

2. Зулфия қайси йилларда Ўз ФА Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиган? Ж: 1935–38 йилларда.

3. Зулфия қанча вақт «Саодат» номли Хотин-қизлар журнилида бош муҳаррир бўлган? Ж: 1935 йилдан 1980 йилгача – қарийб 30 йилга яқин.

4. Зулфиянинг дастлабки шеърлари қандай ном билан қачон босилиб чиққан? Ж: «Ҳаёт варақлари» номи билан 1932 йилда.

5. Зулфиянинг шеърий тўпламларини топинг. Ж: «Шеърлар», «Қизлар қўшиғи», «Уни Фарҳод дер эдилар», «Ҳижрон

кунларида», «Далада бир кун», «Тонг кўшиғи», «Юрагимга яқин кишилар», «Куйларим сизга», «Ўйлар», «Шалола».

6. Зулфия турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжоннинг қайси дostonлари асосида пьеса ва либреттолари яратди? Ж: «Зайнаб ва Омон», «Семурғ» дostonлари асосида.

7. Зулфия дostonларини топинг. Ж: «Қуёшли қалам», «Мушоира», «Хотира синиқлари» каби поэмалар ёзди.

8. Зулфия қайси халқ шоираларининг шеърларини ўзбек тилига таржима қилди? Ж: Рус, украин, озарбайжон, ҳинд шоираларининг.

9. Зулфиянинг шеърлари қайси тилларга таржима қилинган? Ж: Инглиз, немис, рус, болгар, хитой, ҳинд, япон, араб, форс, вьетнам каби жуда кўп тилларга.

Тоғай Мурод

(1948–2003)

1. Тоғай Мурод қаерда туғилди? Ж: Сурхондарёнинг Денов номи туманига қарашли Хўжасоат қишлоғида туғилди.

2. Тоғай Мурод қайси ўқув юрларида таҳсил олган? Ж: 1966-72 йилларда Ўзбекистон Миллий университетида журналистика факультетида, 1985-87 йиллар ичида Москвадаги Жаҳон адабиёти институтида таҳсил олди.

3. Қайси шоир ўз таржимаи ҳолида шундай ёзади: «Мен ўрта мактабни битириб, шундай ният қилдим: 30-35 ёшларгача уйланмайман, оила қурмайман, бирор идорада фақат тирикчилик учун ишлаймаман. Мен фақат бир мақсадни кўзладим: 30-35 ёшимгача жаҳон адабиётини ўқиш. Фақат ўқиш, ўқиш, ўқиш, қўл қотиб қолмасин учун майда-майда ҳикоялар машқ этиб туриш. Мен шу ният йўлида иморат солмадим, машина олмадим, мансаб эгалламадим, шон-шўҳрат изламадим. Мен дунё талашмадим! Фақат изладим, фақат ўқидим». Ж: Тоғай Мурод

4. Қайси шоир ўз таржимаи ҳолида шундай ёзади: «Ғанимлар мени ишдан ҳайдадилар. Курашда бир қонун бор: полвон даврада мағлуб бўлса, тақдирга тан бериб кетмайди. Йўқ, полвон ўзни боқади. Полвон ўзини парварিশлайди. Полвон тинимсиз машқ олади. Рақибидан мағлубият аламини олиш учун ишлайди. Рақибидан аламини олмасдан-да қўймайди. Мен давраларда олишиб катта бўлдим. Полвонлик аждодимда бор, полвонлик қонимда бор. Менда ана шу полвонлик қони қўзғади». Ж: Тоғай Мурод

5. Тоғай Муроднинг дастлабки йирик асари қайси ва у қачон яратилган? Ж: 1976 йилда яратилган «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси.

6. Тоғай Муроднинг қайси асарида ёзувчининг қон-қонига сингиб кетган, минг йиллар мобайнида унутилмай, элда ардоқланиб келаётган тарихий қадрият-кураш, курашчи полвонлар, улар орасидаги муомала-муносабатлар, зиддиятли ҳаётий муаммолар қаламга олинади? Ж: «Юлдузлар мангу ёнади».

7. Тоғай Муроднинг қайси қиссаси 1979 йилда «Ёшлик» журналида чоп қилинди? Ж: «От кишнаган оқшом» қиссаси.

8. Тоғай Муроднинг қайси асарида ўша давр адабиётида камдан-кам тилга олинadиган ижтимоий-иқтисодий муаммолар, бутун дунёга ибрат қилиб кўрсатилган «совет кишиси» табиатига хос бўлган турли иллатлар бадий жиҳатдан таъсирчан ва ишонарли очиб берилган? Ж: «От кишнаган оқшом» қиссаси.

9. Қайси асардаги қишлоқ меҳнатканшларининг оғир меҳнати, катта-кичик раҳбарларнинг уларга беписанд муносабати, одамлардаги покиза ҳис-туйғуларнинг топталиши, куппа-кундуз бўлаётган адолатсизликлар тасвир ва талқини ўқувчиларнинг таҳсинига сазовор бўлди? Ж: «От кишнаган оқшом» қиссаси.

10. Қайси асар қаҳрамони умрбод ихлос қўйиб юргани одам болаларидан чексиз адолатсизлик, номардлик, ваҳ-

шийлик кўрган Зиёдулла чавандоз ўзининг севимли, вафодор, садоқатли отидан паноҳ сўрайди? Ж: «От кишнаган оқшом» қиссаси.

11. Тоғай Мурод қайси қиссанинг яратилиши ҳақида шундай дейди: «Саттор чавандоз деган билан тил топишдим. У менга бир от топиб берди. Мен отландим! Саттор чавандоз билан қишлоқма-қишлоқ, тўйма-тўй, кўпкарима-кўпкари юрдим. Узун қиш кўпкарихона иш жойим бўлди, чавандозлар ҳамхонам бўлди, отлар биродарим бўлди. Ниҳоят, кўкламда ... номли иккинчи қиссамни кўтариб келдим? Ж: «От кишнаган оқшомлар».

12. Тоғай Муроднинг қайси қиссаси қаҳрамонлари Қоплонбек ва Оймомо атрофидагиларга фақат яхшиликни соғинадиган, умрини эзгуликка бахшида этган олижаноб одамлар? Ж: «Ойдинда юрган одамлар» қиссаси.

13. Қайси қиссада буюк муҳаббат риштаси билан бир-бирига мангу боғланган гўзал инсонларнинг ҳаёт йўли ойдинда айтилган қўшиқдай тараннум этилади? Ж: «Ойдинда юрган одамлар» қиссаси.

14. Қайси қиссада бепарзандликда ҳам чекан эру хотин тақдири қаламга олинади? Ж: «Ойдинда юрган одамлар» қиссасида

15. Қайси қисса қаҳрамони ёши ўтиб кексайиб қолган Оймомо фарзанд соғинчи шу қадар кучлилигидан қўшни келиннинг бешиқдаги боласини овутиб ўтирганда қуп-қуруқ кўксига бирдан сут келади. У сўнгги нафасидагина оналик бахтидан бир лаҳза тотинади-ю, дунёдан кўз юмади? Ж: «Ойдинда юрган одамлар» қиссаси

16. Тоғай Мурод қайси қиссанинг яратилишини шундай изоҳлайди: «Юртимизда тоғ этагида Сўфи Оллоёр қабри бор. Шу қабр қабатида тоғчорбоғ бор. Мен бу қишни шу чорбоғда ўтказдим. ... номли қисса битиб келдим». Ж: «Ойдинда юрган одамлар» қиссаси

17. Тоғай Муроднинг қайси қиссаси мухлислар орасида «Муҳаббат қўшиғи» деб аталиб, у 1980 йилда яратилган? Ж: «Ойдинда юрган одамлар» қиссаси.

18. Тоғай Муроднинг қайси қиссаси унчалик шухрат қозонмади? Ж: 1985 йилда яратилган «Қўшиқ» қиссаси.

19. Тоғай Мурод «Отамдан қолган далалар» романини қачон яратди? Ж: 1993 йилда.

20. Тоғай Муроднинг қайси асарига Алишер Навоий (Қодирий) номидаги Давлат мукофоти берилган? Ж: «Отамдан қолган далалар» романига.

21. Тоғай Муроднинг қайси асари эълон қилинган, ёзувчига Ўзбекистон Халқ ёзувчиси унвони берилди? Ж: «Отамдан қолган далалар» романи.

22. Тоғай Муроднинг қайси асари асосида кинорежиссёр Шухрат Аббосов 2 қисмли бадиий фильм ишлаган? Ж: «Отамдан қолган далалар» романи асосида.

23. Тоғай Мурод қайси асарнинг яратилиши ҳақида шундай ёзади: «Ана шу вақт қатағон авж олди. Ишдан ҳайда-ҳайда авж олди. Фирқадан ўчир-ўчир авж олди. Сур-сур авж олди. Ниҳоят... қама-қама авж олди. Сўроқ Москвада бўлди. Суд Москвада бўлди. Ҳукм Москвада ўқилди. Ана шунда полвонлик қоним қайнади! Энди қони мўз ганимларим учун қайнамади. Энди қоним... оламжаҳон ганимларим учун қайнади. Энди қоним қудратли ганимларим учун қайнади. Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман!» Ж: «Отамдан қолган далалар» романи ҳақида.

24. Қайси роман ўзбек халқининг Чор Россияси ва шўро босқини остида ўтган ҳаётини – 100 йилдан ортиқроқ тарихни ўзида мужассам этган? Ж: «Отамдан қолган далалар» романи.

25. Оқпошшоннинг асл ниятини англамай, босқинчининг уятли қилиқларидан орланиб, туғилиб ўсган юртини ташлаб кетган Жамолиддин кетмон қайси асар қаҳрамони? Ж: «Отамдан қолган далалар» романи

26. Нима қилиб бўлса ҳам юрт тупроғини босқинчилардан тозалаш ниятида қўлида қилич тутган Ақраб (Чаён) қайси асар қаҳрамони? Ж: «Отамдан қолган далалар» романи

27. Қайси асар қаҳрамонлари XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларидаги халқ вакили. XX асрнинг 20-йилларида миллий истиқлол йўлида шаҳид бўлган боболаримиз тимсоли, шўро ҳукумати Москванинг «пахта мустақиллигини таъминлаш» сиёсати қурбонлари? Ж: «Отамдан қолган далалар» романи

28. Шўро ҳукумати Москванинг «пахта мустақиллигини таъминлаш» сиёсати қурбони бўлган Деҳқонқул қайси асар қаҳрамони? Ж: «Отамдан қолган далалар» романи.

29. Тоғай Мурод кимнинг қайси асарини ўзбек тилига таржима қилган? Ж: Э. Сетон-Томпсоннинг «Ёввойи йўрға» асарини.

30. Тоғай Мурод «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида кимнинг тимсоли орқали унутилаётган анъаналаримиз ҳақида фикр юритади? Ж: Бўри полвоннинг.

31. «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида қайси қаҳрамон шундай ўйлайди: «Халқ нимаси билан халқ? Ўзининг урф-одатлари билан халқ! Кўп урф-одатларимизни бировлар... бировлар ўзиники қилиб олди. Биз қўлимизни бурнимизга тиқиб қолдик. Шундай кета берсак, ҳадемай ўзимизни-да бой бериб қўямиз! Бу ёғи камдай, не-не нималаримизни эскилик сарқити деб ўйладик. Хиёл бўлмаса, халқимиз ўзини-да... эскилик сарқитига чиқариб юборайин дедик! Бугун буни йўқота берсак, эртага уни йўқота берсак... подадан нима фарқимиз қолади?» Ж: Бўри полвон

32. Бўри полвон севгилисининг исми? Ж: Момоқиз

33. Бўри полвоннинг дўсти бўлса-да, унинг суйган қизини илиб кетган қаҳрамон ким? Ж: Насим полвон

34. Бўри полвон Ҳаммадан зўри ўзимман, деб ўйлаб, ўзидан анча ёш бўлган қайси полвондан енгилиб қолади? Ж: Исмоил полвондан.

35. Бўри полвон ўғлининг исми? Ж: Тиловерди

36. Насим полвон ўғлининг исми? Ж: Абрай полвон

37. Азалий рақиблар – Бўри полвоннинг ўғли Тиловерди ҳамда Насим полвоннинг ўғли Абрай полвонлар олишувда ким ғалаба қозонади? Ж: Курашнинг бошида Тиловерди, кейин эса Абрай полвон.

38. Тоғай Муроднинг қайси асари шўро даври адабиётидаги кўплаб бошқа асарлардан охири «умидбахш садолар билан» тугамаслиги жиҳатидан ажралиб туради? Ж: «От кишнаган оқшом» қиссаси.

39. «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасидаги хўжасоатлик полвоннинг исми? Ж: Садир полвон.

40. «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасидаги шўрчилик полвон ким? Ж: Рўзи полвон.

41. «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида қайси полвон ўз қишлоғидан даврага бошқа полвон чиқмаганлиги учун оппоқ соқоли билан спорт мастери Максим полвонга қарши даврага чиқади? Ж: Нормурод полвон.

42. Ушбу фикрлар муаллифини топинг. «Авлодлар ал-машган сайин юрак йўқолиб боряпти. Жасад бор! Ақл бор! Юрак йўқ! Тўрт муча бор! Куч-қувват бор! Юрак йўқ!» Ж: «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида Бўри полвон

43. «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида Исмоил полвон Бўри полвонни енггандан сўнг, у билан қайта курашга тушмаслик учун ўзини доим четга олиб юради. Бўри полвон айёрлик билан унга бир тўйга кечикиб бориб даврада рўпа-ра келади. Бу тўй қаерда бўлган эди? Ж: Термизда.

44. «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида қайси полвонлар ўртасидаги курашда тажриба ёшлик устидан ғалаба қозонади? Ж: Бўри полвон ва Исмоил полвон ўртасидаги курашда

Пиримқул Қодиров

(1928 йилда тугилган)

1. Қайси ёзувчининг отаси колхозлаштириш даврида қулоқ қилинади? Ж: Пиримқул Қодировнинг.

2. Пиримқул Қодиров қайси ўқув юртини тугатган? Ж: Тошкент Давлат университетининг Шарқшунослик факультетида ўқиган.

3. Пиримқул Қодиров Москвадаги аспирантурага ўқишга кириб, 1954 йилда қайси мавзуда тадқиқ этилган номзодлик диссертациясини ёқлади? Ж: Абдулла Қаҳҳор асарларининг тили ва услубий жиҳатлари мавзусида.

4. Пиримқул Қодировнинг дастлабки китоби қачон, қандай ном билан эълон қилинди? Ж: Талабалик пайтидаёқ «Студентлар»ни эълон қилди.

5. Пиримқул Қодиров қиссаларини топинг. Ж: «Мерос», «Эрк», «Қадрим», «Яйра институтга кирмоқчи», «Нажот», «Акрамнинг саргузаштлари» қиссалари

6. Пиримқул Қодировнинг романларини топинг. Ж: «Уч илдиэ», «Қора кўзлар», «Олмос камар», «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони» номли романлари

7. Пиримқул Қодиров «Мерос» қиссасида кимлар тасвирланади? Ж: Пахтакорлар

8. Пиримқул Қодировнинг «Уч илдиэ» романида кимлар тасвирланади? Ж: Зиёлилар

9. Пиримқул Қодировнинг «Қадрим» қиссасида кимлар тасвирланади? Ж: Нефт конларини изловчилар.

10. Пиримқул Қодировнинг тарихий мавзудаги романларини топинг. Ж: «Юлдузли тунлар» ва «Авлодлар довони» романлари.

11. «Юлдузли тунлар» романи ким ҳақида? Ж: Бобур ҳақида

12. «Авлодлар довони»да кимларнинг ҳаёти тасвир этилади? Ж: Ҳиндистонда буюк Бобур томонидан асос солин-

ган бобурийлар салтанатининг Ҳумоюн, Акбаршоҳ ва бошқа намояндалари.

13. «Авлодлар довони» романининг асосий воқеалари қаерда юз беради? Ж: Мирзо Бобур вафотидан сўнг, у янги-дан ташкил этган Ҳинд мамлакатида юз беради.

14. Бобурнинг суюкли фарзанди, валиаҳди Ҳумоюн Мирзога ақлли ва маккор Шерхон билан бўлиб ўтган жангларда ким ёрдам беради? Ж: Низом исми йигит.

15. «Авлодлар довони» романидаги Низом қандай образ? Ж: Тўқима образ

16. «Авлодлар довони» романида кимлар Ҳамидабону-га ошиқ эди? Ж: Низом ва Ҳумоюн

17. «Авлодлар довони» романида Ҳамидабону кимга кўнгили берган? Ж: Қайиқчи Низомга.

18. «Авлодлар довони» романида Шерхон ва Ҳумоюн ўртасидаги жанг қайси дарёлар қўшиладиган жойда юз беради? Ж: Ганга ва Карамнаса дарёлари.

19. «Авлодлар довони» романида Шерхон олдида ким элчи қилиб юборилади? Ж: Байрамхон.

20. «Авлодлар довони» романида Шерхон сулҳ тузиб, сўнг уни бузмоқчи бўлганда унга ким қарши чиқади? Ж: Ўғли Қутбхон.

21. «Авлодлар довони» романида Шерхон сулҳ тузиш учун Ҳумоюнга қайси қалъаларни бериш зарурлигини айтади? Ж: Чунор қалъаси ва Бухар вилоятини

22. «Авлодлар довони» романида Ҳумоюн Чунор қалъаси учун неча ой жанг қилган эди? Ж: 6 ой.

23. «Авлодлар довони» романида ҳиндларнинг одати бўйича қайси фаслда жанг қилиш мумкин эмас эди? Ж: Пашкол – ёмғирлар фаслида.

24. «Авлодлар довони» романида Шерхонга сулҳ тузиш ниятида борганда ким сўзларининг ростлигини исботи сифатида Қуръони каримни гувоҳ қилмоқчи бўлади? Ж: Хўжа Ҳусайн

25. «Авлодлар довои» романида Аграга кутвол қилиб тайинланган, порага сотилмайдиган, подшоҳга садоқат билан хизмат қиладиган персонаж ким эди? Ж: Амир Баҳлул

26. «Авлодлар довои» романидаги Шерхоннинг Аградаги хуфияси исми? Ж: Алваро Пакавира

27. «Авлодлар довои» романидаги Шерхоннинг ўғиллари исми? Ж: Қутбхон ва Жалолхон

28. «Авлодлар довои» романида Ҳумоюнга қарши жанг қилишда Шерхон томонидан чақирилган машваратда кимлар иштирок этади? Ж: Ўғиллари: Қутбхон, Жалолхон ва ражпутлар саркардаси Бикрамадит Гаур, Шерхоннинг лашкарбошиси Ҳавасхон

29. «Авлодлар довои» романида Бобурнинг Панипатда нечта кишини ўлдирганлиги айтилади? Ж: 40 минг киши.

30. «Авлодлар довои» романида Бобурнинг фармони ила қайси қўрғонда 3 минг кишини қатли ом қилишади? Ж: Бажур қўрғонида

31. «Авлодлар довои» романида Ҳумоюн Шерхон билан жанг қилганда унга оила аҳлидан кимлар ҳамроҳ бўлган эди? Ж: 6 яшар қизи Ақиқа бегим, хотинлари Бека бегим ва Чандбиби

32. «Авлодлар довои» романида Низом қайси кеманинг эшакчиси эди? Ж: «Гунжойиш» кемасининг

33. «Авлодлар довои» романида Ҳумоюн Шерхон билан бўлган жангда қайси қўлидан яраланади? Ж: Ўнг қўлидан

34. «Авлодлар довои» романида ҳинд кемачилари қайси дарёдан қўрқар эдилар? Ж: Карамнаса дарёсидан

35. «Авлодлар довои» романида Ҳумоюн дарёда нимада сузиб ўзини Шерхондан қўрқарди? Ж: Мешда

Мақсуд Шайхзода

(1908–1967)

1. Мақсуд Шайхзода қачон туғилган? Ж: 1908 йилда Озарбайжон Республикасининг Оқтош шаҳрида туғилган.

2. Мақсуд Шайхзода қачон Тошкентга келиб, Тил ва адабиёт институтида ишлаган? Ж: 1928 йили.

3. Мақсуд Шайхзода 1938 йилдан то умрининг охиригача қайси ўқув юртида ишлаган? Ж: Низомий номидаги педагогика институтида.

4. Мақсуд Шайхзоданинг илк шеърлари қачон эълон қилинган? Ж: 20 ёшларида.

5. Мақсуд Шайхзоданинг ўтган асрнинг 30-йилларида чоп этилган шеърини тўпламларини топинг. Ж: «Ўн шеър», «Ундошларим», «Учинчи китоб», «Жумҳурият»

6. Мақсуд Шайхзода Иккинчи жаҳон уруши йилларида қайси асарларини яратди? Ж: «Кураш нечун», «Жанг ва қўшиқ», «Капитан Гастелло», «Кўнгил дейдики» каби шеърини тўпламлари, «Жалолиддин Мангуберди» тарихий драмасини яратди.

7. Мақсуд Шайхзоданинг урушдан кейинги даврда яратилган асарларини топинг. Ж: «Ўн беш йилнинг дафтари», «Олқишларим», «Замон торлари», «Шуъла», «Чорак аср девони» шеърини тўпламлари, «Тошкентнома» лирик достони, «Мирзо Улуғбек» трагедияси кейинги даврлар маҳсулидир.

8. Мақсуд Шайхзодага мустақиллик йилларида қайси орден берилган? Ж: «Буюк хизматлари учун» ордени.

9. Ушбу сатрлар муаллифини топинг:

«Оталар удуми келинларга сен,

Омон бўл!» тилаги саодатга зеб. Ж: Мақсуд Шайхзода,

«Омонлик» шеъри

10. Ушбу сатрлар муаллифини топинг:

Қўлинг мускулига қўшиқлар керак,

Қўлинг давлатидан тепади юрак.

Қўлимга чапдастлик бахш этар фикрим.

Фикримни тез қўлим айлайди зийрак. Ж: Мақсуд Шайхзода, «Қўл ва фикр»

11. Ушбу сатрлар муаллифини топинг:

Ғайрат: – *Мен тўхтамай жадал юрдим, дер.*

Меҳнат: – *Экканимни барвақт тердим, дер.*

Билим: – *Мушуқларни тез емирдим, дер.*

Уч дўстнинг кучидан ўлка баҳра ер. Ж: Мақсуд Шайхзода «Уч дўст»

7-СИНОФ АДАБИЁТИ

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий

1. Ижодкорнинг фикр, туйғу, ҳиссиёт ва кечинмалари сингдирилган манзара тасвири қандай аталади? Ж: Бадий образ

2. Ушбу шеър муаллифини аниқланг:

Миллатим насли башардир,

Ватаним куррайи арз,

Иккисин хизмати қарздир.

Иккисидин жон қарз. Ж: Ҳамза

3. Ҳамза қачон ва қасрда туғилган? Ж: 1889 йил 6 март, Қўқонда

4. Ҳамза неча ёшидан шеърлар ёза бошлаган? Ж: 10 ёшларидан

5. Ҳамза қайси маърифатчи билан танишади? Ж: Абдулла Тўқмуллин

6. Ҳамзанинг ташаббуси билан қасрда араб тили курси очилади? Ж: Наманганда

7. Ҳамза араб тилини неча ойда ўрганади? Ж: 3 ойда

8. Ҳамза жадидларнинг қайси газеталари билан танишади? Ж: «Вақт», «Богчасарой»

9. Ҳамза нечанчи йилларда Бухорода яшайди? Ж: 1909 йилда

10. Ҳамза нечанчи йилда қаж сафарига жўнайди ва қаерда ўқишни давом эттирмақчи бўлади? Ж: 1912 йилда Истамбулда

11. Ҳамзанинг педагогик асарлари қайсилар? Ж: 1. «Енгил адабиёт» 2. «Қироат китоби»

12. Қайси шоир 1915 йилда Марғилонда «Ғайрат» кутубхонасини очган? Ж: Ҳамза

13. Ўзбеклар орасида биринчи бўлиб, 1908 йилдаёқ сахна асари яратган адиб ким? Ж: Ҳамза

14. Ўзбеклар орасида биринчилардан бўлиб роман ва опера ёзган адиб ким? Ж: Ҳамза

15. Кўплаб миллий ва Оврўпо мусиқа асбобларини маҳорат билан чала олган, ўзи ёзган қатор пьесаларга режиссёрлик қилган, уларда асосий ролларни ўйнаган адиб? Ж: Ҳамза

16. Ҳамза қачон ва қаерда ўлдирилади? Ж: 1929 йилда Шохимардонда

17. «Йиғла, Туркистон» шеърининг нақоратини топинг.

Ж: *Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,*

Рухсиз танлар тебрансин, йиғла, Туркистон

18. Ушбу шеър муаллифи ва номини топинг:

Тургил, дарддан жисмингни соғла, Туркистон,

Дониш ўтига бағринг доғла, Туркистон. Ж: Ҳамза, «Йиғла, Туркистон» шеъри

19. Ҳамзанинг «Туркистон» шеърининг нақоратини топинг.

Ж: *Зулмат тоши ёғилса-да, кўзи очулмас,*

Рухсиз тандур, ханжар урса, қони

20. Ушбу шеър муаллифи ва номини топинг:

Ватан, ватан дер эдилар, на дер эдим билмай они,

Энди билсам, Ватан эркон бу танларнинг ширин жони.

Ж: Ҳамза «Жонларни жонони Ватан»

21. Ҳамзанинг «Жонларни жонони Ватан» шеърининг нақоратини топинг.

Ж: Бир жон эмас, зй суйгули, томирларнинг қони Ватан,
Сенсан, бале, билганлара жонларни жонони Ватан

22. Ушбу шеър муаллифини топинг:

Мактаб-миллатни гули,
Миллат анинг булбули,
Мактабсиз қолган миллат

Бошқа чаманни гули. Ж: Ҳамза

23. Ҳамзанинг 1927 йилда яратилган шеъри? Ж: «Ўзбек хотин-қизларига»

24. Ҳамзанинг «Йиғла, Туркистон» шеъридаги «руҳсиз танлар» ибораси қандай маънони билдиради? Ж: Умидсиз ва ҳамма нарсага лоқайд кишилар образи

25. Ҳамзанинг қайси шеърида юртни бир тўда нобакору келгиндилар эгаллаб олганлиги афсус билан таъкидланади? Ж: «Туркистон»

26. Ҳамзанинг қайси шеърида қадимги шуҳратини йўқотган Туркистоннинг ғариблигидан аччиқ куйиниш натижасида ота юрт Туркистонга, унинг маърифатсиз халқига таъналар айтилади? Ж: «Туркистон»

27. Ҳамзанинг «Туркистон» шеъри қандай бошланади? Ж: *Яхши ҳолин йўқотган, оқибатсиз Туркистон*

28. *Ҳиммат чашмаси қуриб, гайрат боғчаси сўлган,
Синиб эҳсонли қўли, ибрат кўзи кўр бўлган,* – сатрлари Ҳамзанинг қайси шеърдан олинган? Ж: «Туркистон» шеъри

29. *Боғли қолди қўлимиз ваҳшат домида,
Бошлар чайналмасунму гафлат комида?*

Кўкрак қони кўрунди гурбат жомиди, – мисралари Ҳамзанинг қайси шеърдан? Ж: «Йиғла, Туркистон»

30. «Ўқув фарзлиги минг йўл Қуръонда фармон», «Маърифатсиз топулмас аҳкоми иймон, Илмсизга айтулмас комил мусулмон» каби сатрлар Ҳамзанинг қайси шеърида мавжуд? Ж: «Йиғла, Туркистон»

Муҳаммад Али

1. Шеър муаллифини топинг:
*Яна келдим, эй Тарих бобо,
Сендан яна талаб қилурман.
Ўз ҳаққимни қилмоқни даъво,
Ҳақиқатнинг йулин билурман.* Ж: Муҳаммад Али
2. «Чуроға» сўзининг маъносини топинг. Ж: Танқўриқ-чилар бошлиғи
3. Муҳаммад Алининг тўлиқ исмини топинг. Ж: Муҳаммадали Аҳмедов
4. Қайси ижодкор ўз болалиғи ҳақида «Мен излаб топишни яхши кўрардим» деб ёзади? Ж: Муҳаммад Али
5. Муҳаммад Али биринчи шеърини қачон ёзган? Ж: 3-синфда
6. Муҳаммад Али мактабни битиргач, қаерда ишлайди? Ж: Шағал тайёрлайдиган корхонада ишчи бўлиб
7. Муҳаммад Али неча ёшида Москвадаги Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтига ўқишга жўнайди? Ж: 18 ёшида
8. Муҳаммад Али меҳнат фаолиятини қайси нашриётда бошлаган? Ж: Фафур Фулом номли нашриётда
9. Муҳаммад Али қайси жамғармаларда раис лавозимида ишлаган? Ж: «Олтин мерос» халқаро жамғармасида ва «Амир Темура» жамғармасида
10. Қайси ижодкор:
*Битта тушунчадир уй ила Ватан,
Ватанни севишга топингиз бардош,
Севаман! Деб сотиб юрманг гап,
Шеърят – бир олтин сарой,
Ватан – сарой бекаси.* – деган ўтли сатрлар муаллифи?
Ж: Муҳаммад Али
11. Муҳаммад Али кўпроқ қайси мавзуга мурожаат қилади? Ж: Тарихга.

12. «Вайрон бўлган хотира – ўлим!» мисраларининг муаллифи ким? Ж: Муҳаммад Али

13. Қайси ижодкор ўз асарларида ўтмиш воқеаларини эмас, балки биринчи навбатда аجدодларимизнинг ёвқур, мардона ва танти руҳий оламини, маънавий дунёсини кўрса-тишга ҳаракат қилади? Ж: Муҳаммад Али

14. «Машраб» достонининг муаллифини топинг. Ж: Муҳаммад Али

15. «Боқий дунё» шеърӣ романининг муаллифини топинг. Ж: Муҳаммад Али

16. Муҳаммад Алининг Амир Темур мавзусидаги романларини топинг. Ж: «Сарбадорлар», «Улуғ салтанат» романлари

17. Муҳаммад Али қаламига мансуб аждодлар тарихидан баҳс юритадиган роман-хроникасининг номи? Ж: «Абдий соғинчлар»

18. Муҳаммад Алининг қайси асари миллий тарихшунослигимиз тараққиётини, миллатимиз аҳлининг ўзини таниш жараёнини бир неча йилга тезлатди? Ж: «Ўз-ўзингни англаб ет»

19. Муҳаммад Алининг қайси асари халқимизга ўзликни англашда муҳим илмий-маърифий восита бўлди? Ж: «Ошиқ бўлмай ҳақ дийдорин кўрса бўлмас»

20. Муҳаммад Алининг «Гумбаздаги нур» достони қачон яратилган? Ж: 1967 йилда

21. Муҳаммад Алининг таржималари. Ж: «Рамаёна» эпоси, Бердақ асарлари, Роберт Бёрнс шеърлари

22. Муҳаммад Алининг асарлари дунёнинг неча тилига таржима қилинган? Ж: 25 дан ортиқ

23. Муҳаммад Али қайси университетнинг профессори? Ж: Вашингтон университетининг.

24. Муҳаммад Али қайси университетда қатор йиллар маъруза қилган? Ж: Ўзбекистон Миллий университетида

25. Муҳаммад Али қачон Ўзбекистон Халқ ёзувчиси ун-вонига сазовор бўлган? Ж: 1992 йилда

26. Муҳаммад Али:

Ўн икки эсон – йўқолган гавҳар.

Ўн икки эсон – очилмас тилсим, – деганда кимларни назарда тутган? Ж: 12 меъморни

27. Ушбу парча қайси асардан олинган ва муаллифи ким?
Қарангиз, о! Фотиҳ, жаҳонгир!

Бир маҳаллар дунё эди тор,

Кичик қабр унга кенг эди. Ж: Муҳаммад Али, «Гумбаздаги нур».

28. Муҳаммад Али «Гумбаздаги нур» асарида отасининг қишлоғи ва исмини нима дейди? Ж: Бешкал қишлоғидан Бекназар ўғли Аҳмадқул

29. Муҳаммад Алининг биринчи йирик асари қайси? Ж: «Сарбадорлар» романи

30. Муҳаммад Алининг «Гумбаздаги нур» достонида қайси ёлгорлик ҳақида сўз боради? Ж: Гўри Амир мақбараси ҳақида

31. Муҳаммад Алининг «Гумбаздаги нур» достонида сангтарош қаерлик эди? Ж: Бухоролик

32. Муҳаммад Алининг «Гумбаздаги нур» достонида гилкор қаердан келган эди? Ж: Фарғонадан

33. Муҳаммад Алининг «Гумбаздаги нур» достонида наққош қаерлик эди? Ж: Шошлик

34. Муҳаммад Алининг «Гумбаздаги нур» достонида ганчкор қаердан келган эди? Ж: Хоразмдан

35. Муҳаммад Алининг «Гумбаздаги нур» достонида Гўри Амир мақбарасини ким қурдирган? Ж: Амир Темур

36. Муҳаммад Алининг «Гумбаздаги нур» достонида шоир яна қайси қурилишлар ҳақида ёзади? Ж: Катта Фарғона канали ва Фарҳод ГЭСи, Алишер Навоий номидаги Катта театр қурилишлари ҳақида

37. Муҳаммад Али «Гумбаздаги нур» дostonида Гўри Амир мақбарасининг қурилишига нимани сабаб қилиб кўрсатади? Ж: Амир Темурнинг набираси валиаҳд Муҳаммад Султоннинг вафоти туфайли

38. Муҳаммад Али «Гумбаздаги нур» дostonида кимга ёки нимага мурожаат қилади? Ж: Тарих бобога

Умар Сайфиддин

1. Умар Сайфиддин қачон ва қерда туғилган? Ж: Туркиянинг Гонен шаҳарчасида 1884 йилда туғилган

2. Умар Сайфиддиннинг касби? Ж: Зобит

3. Умар Сайфиддин қачон зобитликдан бўшаган? Ж: 1910 йилда

4. Умар Сайфиддин қайси турк маърифатчилари билан «Янги тил» ҳаракатига киришади? Ж: Али Жониб, Зиё Кўкалп

5. Умар Сайфиддин турк маърифатчилари билан бирга қандай журналга асос соладилар? Ж: «Ёш қаламлар».

6. «Янги тилчилар» ҳаракатининг ғояси нима эди? Ж: Ёзув тилини турк тили қоидаларига бўйсундириш

7. Кимнинг фикрича, халқ билмайдиган, ишлатмайдиган арабча ва форсча грамматик қоидаларга, сўзларга имкон борича ўрин бермаслик, ёзув тилида фақат миллий тил грамматик қоидаларига амал қилиш даркор? Ж: Умар Сайфиддин

8. Умар Сайфиддиннинг қайси мавзудаги асарлари энг кўп шуҳрат қозонган? Ж: Миллий-тарихий мавзудаги ҳикоялари

9. Қайси ижодкорнинг асарларида миллий шуурга қувват бериш, Туркиянинг тикланишини тезлаштириш орзуси сезилиб туради? Ж: Умар Сайфиддин

10. Қайси ижодкор «Адабиётсиз адабиёт яратиш» шиорига мувофиқ иш тутганлиги, яъни китобларида жимжима-

дорликка, китобийликка берилмай, порлоқ жумлаларсиз, оддий сўзлашув тилида ёзиш услубига эътибор берган? Ж: Умар Сайфиддин

11. Умар Сайфиддин «Нақорат» ҳикоясида бир қиз зобитга «*Наш, наш, Чариграт наш. Раз-два-три*», деб қўшиқ куйлайди. Дастлаб ишқ изқоридек туюлган бу қўшиқ қандай маънони билдиргани учун зобит ўздан қаттиқ хафа бўлади? Ж: Бизники бўлажак, бизники бўлажак, Истанбул бизники бўлажак.

12. Қайси асарда «*Ҳаёт уйқу бўлса, ишқ унинг риёсидир*», дейилади? Ж: «Нақорат»

13. Қайси асарда «*Фазилатли бўлмоқ инсоннинг қўлида эмас. Лекин истаса номусли бўла олади, бу ихтиёрий нарсадир*», дейилади? Ж: «Нақорат»

14. Ушбу сатрлар қайси асардан олинган? «*Бутун орзум – қочмоқ, бандиликдан қутулмоқ, ватанни, оилани абадий тарк этмоқ. Нотаниш олисларда биргина муҳаббат билан яшамоқ*». Ж: Умар Сайфиддин, «Нақорат»

15. Умар Сайфиддиннинг «Нақорат» ҳикоясида қайси сўздан кейин майхона хўжайинининг нафас олиши тезлашди? Ж: Зобит «Наш, наш, Чариграт наш» сўзининг маъноси-ни сўраганидан кейин.

16. Умар Сайфиддиннинг «Нақорат» ҳикоясини ким ўзбек тилига таржима қилган? Ж: Бегали Қосимов

17. Умар Сайфиддиннинг «Нақорат» ҳикоясида зобит қизга нима совға қилади? Ж: Атир

18. Умар Сайфиддиннинг «Нақорат» ҳикоясида зобит йигитни асир қилган қизнинг исми? Ж: Рада.

19. Умар Сайфиддиннинг «Нақорат» ҳикояси кимнинг хотира дафтарида олинган? Ж: Ёшлигини Македонияда ўтказган эски бир зобитнинг хотира дафтарида

20. Умар Сайфиддиннинг «Нақорат» ҳикоясидаги воқеалар қаерда бўлиб ўтади? Ж: Македониянинг Бабина номли қишлоғида

21. Умар Сайфиддиннинг «Наҳорат» ҳикояси қандай бошланади? Ж: Зобит жойлашган уйнинг нақадар ёмонлиги, ифлослигини таърифлаш билан

22. «Наш, наш, Чариграт наш» кўшиғидаги «Чариграт» сўзининг маъноси нима? Ж: Истанбул

23. «Алвидо, эй ҳануз исмини билмаганим, лекин руҳини англаганим гўзал қиз!» сатрлари қайси асардан олинган? Ж: Умар Сайфиддиннинг «Наҳорат» ҳикоясидан

24. Умар Сайфиддиннинг «Наҳорат» ҳикоясида зобит йигит Рада кўшиғининг асл маъносини билганидан сўнг нима қилади? Ж: Уятдан қизариб кетиб, ўзига ўлим тилайди

Шавкат Раҳмон

1. Ушбу сатрлар муаллифини топинг:

Наҳот, шеърлар айтдим, бўшлиққа қараб.

Наҳотки, соврилди олам сўзларим.

Наҳотки, ҳақ бўлса, элу юрт асли

Қуруқ сўзлар деган гумроҳ дўстларим? Ж: Шавкат Раҳмон

2. Шавкат Раҳмон қачон ва қаерда туғилган? Ж: 1950 йилнинг 12 сентябрида Ўш шаҳрида туғилган

3. Шавкат Раҳмоннинг отаси ва онасининг исмини топинг. Ж: Раҳмонберди, Офтобхон

4. Шавкат Раҳмоннинг ота-онаси қандай касб билан шуғулланишарди? Ж: Савдо ишлари билан

5. Шавкат Раҳмоннинг шеърлари матбуотда босилиб чиқишида кимнинг ёрдамлари беқиёс? Ж: Турсунбой Адашбоев

6. Шавкат Раҳмон қандай танловда голиб чиқади? Ж: Москва Адабиёт институтидаги ижодий танловда.

7. Шавкат Раҳмон Москва Адабиёт институтида қайси шоирлар билан бирга ўқиган? Ж: Ҳалима Худойбердиева, Мурод Муҳаммад Дўст, Собит Мадалиев

8. Шавкат Раҳмоннинг шеърий тўпламларини топинг. Ж: «Рангин лаҳзалар», «Юрак қирралари», «Очиқ кунлар», «Гуллаётган тош», «Уйғоқ тоғлар», «Ҳулво»

9. Шавкат Раҳмон кимнинг шеърларидан қандай ном билан таржима қилади? Ж: Испан шоири Лорканинг шеърларидан «Сайланма» номи остида чоп этади

10. Шавкат Раҳмон қачон нима мақсадда Испанияга сафар қилади? Ж: 1979 йилда Лорка шеърларини бевосита испан тилидан ўзбек тилига таржима қилиш мақсадида

11. Федерико Гарсиа Лорканинг шеърларини қачон чоп эттиради? Ж: 1986 йилда «Энг қайғули шодлик» номи остида

12. Қайси ижодкор *«асл қаламкаш жасорат сўзининг таржимони бўлиши керак»* деб ҳисоблайди: Ж: Шавкат Раҳмон

13. Қайси ижодкор:

Бир қўшиқ бўламан дарёдай

Юракнинг энг чуқур ерида. – дейди? Ж: Шавкат Раҳмон

14. Ушбу сатрлар муаллифини топинг:

Зулфдор руҳ керак, керак чин ёғду,

Чин ишқ ёлқинлари бағримга тўлсин,

Жисмимни тобласин фақат чин оғриқ,

Чечаклар қоп-қора бўлса-да, бўлсин. Ж: Шавкат Раҳмон

15. Шавкат Раҳмоннинг «Туркийлар» шеърида *«Ёвга терс қараган мусулмон эмас...»* мисрасида қаерда неча марта такрорланади? Ж: Шеър охирида, 5 марта

16. Қайси асарда:

Бир бошга бир ўлим демаган эрмас, шаҳидлар ўлмайди, – деган сатрлар мавжуд? Ж: Шавкат Раҳмон, «Тириклар»

17. Ушбу сатрлар муаллифини топинг:

Ишонгил, ҳеч қачон сени алдамас

Софдил элатларнинг асотирлари,

Бирорта баҳодир ўлганмас жангда,

Қўрқоқлар ўлдирган баҳодирларни. Ж: Шавкат Раҳмон

18. Шавкат Раҳмоннинг «Тунги манзара» шеърида қандай ғоя илгари сурилган? Ж: Қуллик ва мустамлакачилик тузумидаги ҳаётга нафрат

19. «Тунги манзара» шеърида «қора зиндон» ибораси нимани билдиради? Ж: қулликда кечган ҳаётни

20. Ушбу сатрлар муаллифини топинг:

Осмонлар жим, йиғламас шамол,

Сой сайрамас, бақалар жимдир.

Ингроқларда қолиб кетган тун –

Ғамгин қўшиқ айтади кимдир. Ж: Шавкат Раҳмон, «Тунги манзара»

21. Шавкат Раҳмоннинг қайси шеърларида табиат тасвири орқали инсон шахсини тадқиқ этиш кўзда тутилади? Ж: «Тонг очар кўзларим», «Тунги манзара», «Ой синиги», «Ҳамал»

22. Шавкат Раҳмоннинг қайси шеърида сувлоқда чанқоғини қондираётган отлар, севинчдан йиғлаётган қиёқлар, овозини қайраётган чигиртка ва бош кўтармай меҳнат қилиши билан дунёни масхаралаётган чумоли тимсоллари акс этган? Ж: «Тонг очар кўзларим»

23. Лирик асарларда табиат тасвири қандай вазифани бажаради? Ж: Восита

24. Лирик асарларда мақсад даражасига нима кўтарилган? Ж: Инсон ва унинг руҳиятини кўрсатиш

25. Қандай турдаги асарларда ҳаётда рўй бераётган воқеаларни кўрсатиш эмас, балки ана шу воқеалар туфайли инсонда пайдо бўладиган туйғулар тасвирини бериш муҳим ўрин тутди? Ж: Лирик турга мансуб асарларда

26. «Тонг очар кўзларим» шеърида қайси образга салбий муносабат кузатилади? Ж: Чумоли

27. «Ой синиги» шеърида шабадалар нимага ўхшатилади? Ж: Маъюс аёлларга

28. Шавкат Раҳмоннинг вафотидан кейин қайси шеърини тўплами нашр этилган? Ж: «Сайланма», 1997 йилда.

Шукур Холмирзаев

1. Шукур Холмирзаев адабиёт майдонига қачон кириб келди? Ж: 1950-йилларнинг охирида

2. Қайси ижодкор дастлабки асарларидан бошлаб ҳаётнинг ўзига яқин ва таниш жиҳатларини қаламга олди, тасвирда самимийликка интилди, қаҳрамонлар руҳий олами таҳлилига алоҳида эътибор берди? Ж: Шукур Холмирзаев

3. Шукур Холмирзаевнинг биринчи қиссасини топинг. Ж: «Оқ отли»

4. Шукур Холмирзаевнинг қайси қиссаси Абдулла Қаҳҳорнинг таҳсинига сазовор бўлган? Ж: «Тўлқинлар»

5. Шукур Холмирзаевнинг романларини топинг. Ж: «Сўнгги бекат» (1976), «Қил кўприк» (1984), «Йўловчи» (1987), «Олабўжи»(1991), «Динозавр» (1996)

6. Шукур Холмирзаевнинг «Қора камар» драмаси қачон яратилган? Ж: 1987 йилда

7. «Қора камар» драмасининг бош қаҳрамони Хуррамбек қандай шахс? Ж: Миллат озодлиги учун бошини тиккан шахс

8. «...Сенинг сафдошларинг бир кун келиб йиғлайдилар! Ўша ўрис йиғлатади. Босқинчи ҳеч қачон босиб олган фуқароси бошини силамайди! Силаса, алдаш учун силайди! Лекин ёмон алдангансан, жигар» сўзлари қайси асар қаҳрамонига тегишли? Ж: Шукур Холмирзаевнинг «Қора камар» драмасидаги Хуррамбекка

9. Шукур Холмирзаевнинг қайси асари Давлат мукофотига сазовор бўлган? Ж: «Қора камар» драмаси

10. Қайси асарда нафақат атрофдагилар, яқинлари, сафдошлари, ҳатто ўз фарзанди ҳам тушунмаган ориятли Хуррамбекнинг инсоний изтироблари гоят юксак бадиий куч билан тасвирланган? Ж: «Қора камар» драмасида

11. Шукур Холмирзаев биринчи навбатда қандай ёзувчи сифатида тан олинган? Ж: Ҳикоянавис сифатида

12. Шукур Холмирзаевнинг ҳикояларини сананг. Ж: «Ёввойи гул», «Баҳор ўтди», «Битиктош», «Яшил Нива», «Озодлик», «Ўзбеклар», «Ҳаёт абадий», «Оғир тош кўчса», «Устоз», «Кўк денгиз», «Табассум», «Шудринг тушган безазор», «Хумор»

13. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясининг бош қиҳрамони ким? Ж: Эргаш

14. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясида Эргаш нечанчи курсда пахтага борган воқеаларини сўзлаб беради? Ж: 2-курсда

15. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясида воқеалар қаерда бўлиб ўтади? Ж: Бўка районида

16. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясидаги курском йигитнинг исми? Ж: Ўрмон

17. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясидаги комсорг йигитнинг исми? Ж: Азимжон

18. «Новча, ориқ йигит. Уч йил университетга киролмаган. Сибирга помидор, пиёз обориб сотган». Ушбу таъриф Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясидаги қайси қаҳрамон ҳақида? Ж: Ўрмон ҳақида

19. «Нуқул Ремарк билан Хемингуэйни ўқиб, «Бизнинг ёзувчиларимиз ёлғочи!» деб юради». Ушбу таъриф Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясидаги қайси қаҳрамон ҳақида? Ж: Азимжон ҳақида

20. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясидаги қорақалпоқ йигитнинг исми? Ж: Сапарбой

21. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясида Эргашни тўлқинлантириб юборган барак олдидаги уйча ёнида турган нарса нима? Ж: Шолча тўқийдиган ўрмак

22. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясида Эргашнинг кўзига барак ёнидаги уйчани томоша қилганида нима туфайли пахта ҳам кўзига юз чандон яхши кўриниб кетади? Ж: Мол, яъни қўй ва эчкилар туфайли

23. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясида Ўрмон барак олдидаги уйчада яшовчи аёлдан биринчи марта нима сўрайди? Ж: Кўк чой

24. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясида ким биринчи кунисқ барак олдидаги уйчада ош қилинаётганини кўрди? Ж: Азимжон

25. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясида Эргаш томоғи оғриб қолганда барак олдидаги уйчадан дори ўрнига нима беришади? Ж: Итузум

26. «Жуда нозик экансан-да, шоир», деганда Ўрмон «шоир» сўзини қандай маънода ишлатган? Ж: Нозик, хаёлпараст одамлар ўша пайтда «шоир» деб аталган

27. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясида барак олдидаги уйча эгасининг исми? Ж: Ботир чўпон

28. Ботир чўпоннинг ўғли неча ёшда эди? Ж? 10-11 ёшларда

29. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясида бошқалардан қўйи кам бўлса ҳам, ордени бор бўлган чўпоннинг исми? Ж: Эшимбой

30. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясидаги Ботир чўпон ўғлининг исми? Ж: Абдуқодир

31. Ботир чўпоннинг ўғли севиб ўқийдиган китобнинг номи? Ж: «Робинзон Крузо»

32. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясида лақаби «раис» бўлган йигитнинг исми? Ж: Мирғолиб

33. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясида қайси йигит жуда эҳтиёткор, «қирқоёқ киради» деб кечаси қулогига пахта тиқиб ётади? Ж: Мирғолиб

34. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясида Ботир чўпоннинг йўқолган қўзисини ким сўйган? Ж: Мирғолиб

35. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясида Ботир чўпоннинг йўқолган қўзисини сўйишда кимлар иштирок этган? Ж: Мирғолиб, Ўрмон, Азимжон

36. «Сиз – ёзувчилар инжиқ одамсизлар. Яхши одам деганда, албатта, сутдек оқ, мусичадек беозор одамни тушунасизлар. Ҳолбуки, унақалар ҳаётда йўқ: ундайлар, менимча, гоя, холос». Ушбу фикрлар кимники ва қайси асардан олинган? Ж: Эргашники, Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикояси

37. «Биз аблаҳмиз! Кўра-била туриб аблаҳлик қиламиз. Биз қанақасига ўзбекмиз-а! Ана уларни ўзбек деса бўлади». Ушбу фикрлар Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясидаги қайси қаҳрамонга тегишли? Ж: Азимжонга

38. «Биз анча бузилганмиз. Лекин ҳаётнинг ўзиям мажбур қилади-да, кишини». Ушбу фикрлар Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясидаги қайси қаҳрамонга тегишли? Ж: Ўрмонга

39. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясида Эргаш нима учун пахтадан қайтаётганда ич-ичидан қувониб йиғлади? Ж: Халқ орасида шундай бағрикенг, олижаноб инсонлар борлигидан қувонгани учун

Рауф Парфи

1. Рауф Парфининг тахаллуси? Ж: Ўзтурк

2. Рауф Парфининг онаси ким бўлган? Ж: Сакинахоним Исабек қизи китоб кўрган, завқи баланд аёл бўлган

3. Рауф Парфининг отаси Парфии Муҳаммадамин нима сабабдан Фарғонанинг Водил қишлоғидан Шўралисойга келиб қолади? Ж: Шўролар қувғини туфайли

4. Рауф Парфи нима учун Миллий университетда ўқиган бўлса ҳам диплом ололмади? Ж: Марксча-ленинча фалсафа фанидан қайта имтиҳон топширишни истамагани учун

5. Рауф Парфи «Колхоз ҳақиқати» газетасида қачон мухбир бўлиб ишлади? Ж: 1966-67-йилларда

6. Рауф Парфи қайси йилларда Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир лавозимида фаолият кўрсатди? Ж: 1971-77-йилларда

7. Рауф Парфининг бадий диди ва дунёга қарашининг шаклланишида кимнинг хизмати катта бўлди? Ж: Отасининг жўраси газалнавис шоир Абдураҳмон Водийнинг

8. Рауф Парфининг 1-шеъри қачон ёзилган? Ж: 10 ёшида Сталин вафотига бағишлаб ёзилган марсия

9. Рауф Парфининг қайси шеъри университетнинг 1-босқич талабаси эканлигидаёқ ўзбек ёшларининг энг сеvimли қўшиғига айланган эди? Ж: «Лайло» шеъри

10. Рауф Парфининг илк шеърий тўплами қайси ва қачон нашр этилган? Ж: 1969 йилда, «Карвон йўли»

11. Рауф Парфининг шеърий тўплamlарини топинг. Ж: «Акс садо», «Тасвир», «Хотирот», «Кўзлар», «Қайтиш», «Сабр дарахти», «Сукунат», «Тавба»

12. Рауф Парфининг таржималарини топинг. Ж: Байроннинг «Манфред», Нозим Ҳикматнинг «Инсон манзаралари», Маҳмуд Ҳодийнинг «Озодлик лавҳалари», Карло Каладзенинг «Денгиз хаёли» асарлари

13. Рауф Парфининг «Энг узоқ ёзилган таржимаи ҳолим» шеърида отаси эски ёзувда кимнинг шеърларини ўқирди? Ж: Машрабнинг

14. Рауф Парфининг «Энг узоқ ёзилган таржимаи ҳолим» шеърида отасининг касби нима деб кўрсатилган? Ж: Боғбон

15. Рауф Парфининг «Энг узоқ ёзилган таржимаи ҳолим» шеърида онасининг касби ва қайси шоирга тиши ўтишини топинг. Ж: Пиллакор, Навоийга тиши ўтарди

16. Рауф Парфининг «Энг узоқ ёзилган таржимаи ҳолим» шеърида талабаликнинг якуни сифатида нима дейилади? Ж: *Талабаликнинг якуни—талабаликнинг бошланиши*

17. Рауф Парфининг «Энг узоқ ёзилган таржимаи ҳолим» шеърида шоир кимлардан дарс олганини таъкидлайди? Ж: Алишер Навойдан то Абдулла Ориф, Александр Пушкиндан то Виктор Сосна

18. Рауф Парфининг «Энг узоқ ёзилган таржимаи ҳолим» шеърида шоир қўлидан келмайдиган ишни топинг. Ж: Шеър ёзмаслик

19. Рауф Парфининг «Она Туркистон» шеъри кимнинг хотирасига бағишланади? Ж: Абдулла Қодирийга

20. Рауф Парфининг «Она Туркистон» шеъри неча қисмдан иборат? Ж: 3 қисмдан

21. Рауф Парфи «Она Туркистон» шеъридаги «Наҳот фарзандига-ўзига ғаним» жумлаларида нимани назарда тутган? Ж: Ватанни жонидан ортиқ курган фарзандлари учун ватаннинг тор бўлганини

22. Рауф Парфининг «Она Туркистон» шеъридаги «Ишқ сўзидан куйди булбул маскани» мисралари қайси шоир шеърдан олинган? Ж: Алишер Навоий ғазалидан

23. Қошингга ўқ каби учиб борарман,

Наҳот тил бошқадир, наҳот дил бошқа?! – мисралари Рауф Парфининг қайси шеърдан олинган? Ж: «Она Туркистон»

24. Рауф Парфининг «Тонг отмоқда» шеърида «тонг отмоқда» жумласи неча марта такрорланган? Ж: 4 марта

25. Рауф Парфининг қайси шеъри бир жумла билан бошланиб яна шу жумла билан тугайди? Ж: «Тонг отмоқда» шеъри

26. Рауф Парфининг «Тонг отмоқда» шеърида қуёш нимага ўхшатилади? Ж: Замбаракка

27. Рауф Парфининг қайси шеърлари сонет шаклида қофияланган ва 3 қисмдан тузилган? Ж: «Она Туркистон» ва «Чўлпон» шеърлари

28. Рауф Парфининг қайси шеърига Чўлпоннинг «Шу ожиз ҳолимга шоирманми мен?» мисралари эпиграф қилиб олинган? Ж: «Чўлпон» шеърига

29. «Сен учун синдирдим синмас созимни» деганда шоир нимани ёки кимни назарда тутган? Ж: Она халқини

30. Рауф Парфининг қайси шеърида Абут турк, Энасой, Фирот, Ўрхун сингари тарихий шахс ва жой номлари тилга олинади? Ж: «Чўлпон» шеъри

31. Рауф Парфининг қайси шеърида «қора бардош», «қора қиш», «оппоқ баҳор» каби бадий ифодалар учрайди? Ж: «Чўлпон» шеърида

32. Рауф Парфининг «Ёмғир ёғар» шеърида «*Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар*» мисраси қаерда неча марта такрорланади? Ж: Ҳар бир жуфт мисраларнинг бошида 8 марта

33. Рауф Парфининг «Ёмғир ёғар» шеърида «*Томчилар томчилар сочимга*» мисрасида қандай бадий санъат ишлатилган? Ж: Тажнис

34. Рауф Парфининг қайси шеъри «Йиғлар ўзи ҳам ўлим» мисралари билан тугайди? Ж: «Абдуллажон» марсияси

35. Рауф Парфининг «Абдуллажон» марсиясида Абдуллажон неча ёшида Сибирда халок бўлади? Ж: 25 ёшида

36. Рауф Парфининг қайси шеъри халқ қўшиқларига ўхшаб кетади? Ж: «Абдуллажон» марсияси

Омон Матжон

1. Омон Матжон қаерда армия сафида хизмат қилган? Ж: Германияда

2. Омон Матжон қайси журналда муҳаррирлик қилган? Ж: «Ёшлик» журналинда

3. Омон Матжон қайси нашриётларда ишлаган? Ж: Ғафур Фулом номли ва «Чўлпон» номли нашриётларда

4. Омон Матжон қайси шеърида турналар қўнишга бир парча ер топа олмайдиган, Жайҳундай асов дарёси номи афсоналардагина қолган, ҳатто мазорларгача бузиб, экин экишдан тортинмайдиган юрт ҳалокатга юз тутишини, бу юртнинг фарзандларида меҳр-оқибат қолмаслигини башорат қилган? Ж: «Қайси йил кўкламда»

5. Омон Матжон қачон ва қерда туғилган? Ж: 1943 йил 14 февралда Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги Боголон қишлоғида

6. Омон Матжон қачондан шеър ва эртаклар ёзган? Ж: 3-синфда ўқиб юрганда

7. Омон Матжон онасининг исми? Ж: Хотира опа

8. Омон Матжон отасининг истаги билан қайси институтга ҳужжат топширади? Ж: Алоқа институтига ҳужжат топширади, имтиҳонлардан ўтолмагач, радио-телефон тузатиш курсида ўқиб, монтерлик қилади

9. Омон Матжон отасининг касби? Ж: Почтачи

10. Омон Матжоннинг қайси шеъри катта халқнинг сурлиги, устамонлиги туфайли шунчаки ёндош яшаётган эллар олдин қўшнига, кейин дўстга, сўнг кичик халқ инига, ундан сўнг ўз-ўзидан қулга айланиб борганлиги жуда таъсирли ифода этилган? Ж: «Энг сўнгги хазина»

11. Омон Матжоннинг қайси шеъри маънавий ва табиий экология ҳақида? Ж: «Қайси йил кўкларда»

12. Омон Матжоннинг қайси шеърида ёмонларнинг адовати туфайли айрилиққа дуч келган ошиқ ҳолати ўта майин ифодаланган? Ж: «Қўшиқ»

13. Омон Матжоннинг қайси шеърида миллатнинг ўзлигини тайин этадиган энг сўнгги ва бебаҳо хазина миллий ғурур экани воқеабанд йўсинида акс эттирилган? Ж: «Энг сўнгги хазина»

14. Омон Матжоннинг аскарликдаги шеърлари қачон, қайси журналда босилиб чиққан? Ж: 1965 йил «Шарқ юлдузи» журналининг 5-сонида

15. Омон Матжоннинг илк шеъри қачон ва қерда босилиб чиққан? Ж: 1958 йилнинг 15 мартида Янгибозор район газетасида

16. Омон Матжоннинг катта бобоси қандай касб билан шуғулланган ва неча марта Россияга борган? Ж: Савдогар бой бўлган, 22 марта Россияга савдо ишлари билан борган

17. Омон Матжоннинг шеърӣ тўпламларини топинг. Ж: «Очиқ деразалар», «Карвон кўнғироғи», «Қуёш соати», «Ёнаётган дарахт», «Ярадор чақмоқ», «Ҳаққуш қичқирғи», «Сени яхши кўраман», «Дарахтлар ва гиёҳлар», «Гаплашадиган вақтлар», «Минг бир ёғду», «Ўртамизда биргина олма», «Қуш йўли», «Иймон ёғдуси», «Сайланма», «Ардахива»

18. Ушбу сатрлар муаллифини топинг:

Халқ улким, узининг пешанасида юлдузлар борлигин билса, қувонса!

Халқ улким, гурури бўлса ўзида, аслига ишонса, сохтадан тонса! Ж: Омон Матжон «Кўрдим: Шукур Бурҳон» шеърӣ

19. Ушбу сатрлар муаллифини топинг:

Ўзбеклар уй қурса, ҳар фарзандига,

Албатта, қолдирар атаб бир четин.

Эй, сиз, келажакнинг бунёдкорлари,

Турналарга озроқ жой ташлаб кетинг. Ж: «Қайси йил кўкламда»

20. *Лунжқизил сомсапазнинг уятдан қизариб чатнаган тандири.*

Кабобпазнинг кўзидек қизарган сихдаги чандири, – каби бетакрор ўхшатишлар қайси шеърда тасвирланган? Ж: Омон Матжон, «Кўрдим: Шукур Бурҳон» шеърӣ

21. Ушбу парча муаллифини номини топинг:

Мен шеър ёзсам, Энди уни қогозга эмас,

Аноя ял-ял ёнаётган ўтга ёзаман». Ж: Омон Матжон

Умар Хайём

1. Умар Хайём қайси рубоийсида инсон ҳаётининг мураккаблиги, чигалликларни, туганмас зиддиятлари ҳаққоний акс эттирилган? Ж: «Бир кўлда тугиб Мусҳафу...»

2. Умар Хайём қайси рубоийсида йўқ бўлиб кетадиган жаҳон ғамини емай озод яша деб уқтиради? Ж: *Ғам беҳуда чекмагил...*

3. Умар Хайём қайси рубойсида шоирнинг Аллоҳга ўзгача меҳри, итоати, Унинг чексиз қудрати олдида бош эгиши ифода этилган? Ж: «*Лойимни ўзинг қорган эсанг...*»

4. Умар Хайём қайси сулолалар хизматига кирган? Ж: Салжуқийлар саройида хизматда бўлган

5. Умар Хайём қачон ва қерда туғилди? Ж: 1040 йилда Эроннинг Нишопур шаҳрида

6. Умар Хайём кимнинг топшириғи билан нечанчи йилда тақвим ишлаб чиққан? Ж: 1079 йилда Салжуқий султонлар буюртмасига кўра

7. Умар Хайём рубойларини узбек тилига ким таржима қилган? Ж: Жамол Камол

8. Умар Хайём узоқ йиллар қайси расадхонани бошқарган? Ж: Исфахон расадхонасини

9. Умар Хайём ўз замонасида ким сифатида танилган? Ж: Фалакиёт илмининг билимдони ва риёзиётчи сифатида

10. Умар Хайёмнинг асл исмини топинг. Ж: Абулфатҳ Умар бинни Иброҳим, Хайём – тахаллуси

11. Умар Хайёмнинг касблари? Ж: Ҷоир, математик, астроном, касиб

12. Ким Умар Хайём рубойларини XIX асрнинг 2-ярмида таржима қилиб нашр эттирган? Ж: Инглиз шоири Хералд Фицжералд

13. Ким фанда биринчи бўлиб бутун сонларнинг илдизини топишни ишлаб чиққан? Ж: Умар Хайём

14. «Хайём» сўзи қандай маънони билдиради? Ж: «Хай-иа» – «чодир» сўзидан олинган бўлиб, «чодир тикувчи» деган маънони билдиради.

Атоий

1. Ато сўзи қандай кишиларга нисбатан ишлатилган? Ж: Ҳасл-насаби туркий бўлган азиз-авлиёларга нисбатан.

2. Атоий қайси авлиёлар насабидан? Ж: Атоийнинг отаси Исмоил ота, бобоси Иброҳим ота Аҳмад Яссавий авлодларидан

3. Атоийнинг адабий мероси қандай жанрлардан иборат? Ж: 260 ғазални ўз ичига олган «Девон»и бизгача етиб келган

4. Девонга хос хусусиятларни сананг. Ж: Ғазаллар алифбо тартибида жойлаштирилади, алифбони белгилашда мисрнинг бошидаги эмас, балки охиридаги ҳарф ҳисобга олинади, араб алифбоси тартиби бўйича барча ҳарфларга тугайдиган ғазаллар бўлиши шарт

5. Ишқий ғазалларда неча хил образ мавжуд бўлади? Ж: 3 хил: рақиб, маъшуқа, ошиқ

6. Шарқ шеъриятида маъшуқа гўзаллигининг энг муҳим белгиси нима? Ж: Нозиклик

7. Ғазалларда маъшуқанинг қайси сифатлари акс этади? Ж: Ошиққа бепарво, жафо қилувчи, бағритош, илтифотсиз

8. Ғазалда фикр, туйғу ва кечинмалар кимнинг тилидан ифодаланади? Ж: Ошиқнинг

9. Ошиқ табиатининг белгилари қайсилар? Ж: Севгига содиқ, маъшуқага вафодор, ҳижрон азоби қанчалик қийнамасин, ишқдан воз кечмайди, ёр қанча азобласа ҳам, севишдан чекинмайди, ҳатто бу азоблар унга роҳат бўлиб туюлади

10. Рақиб ғазаллардан қандай тасвирланади? Ж: Омадли, маъшуқани йўлдан уриб, ошиқни қийнайдиган кимса

11. Ғазалларда уч образдан қайси бири қатнашмаслиги ҳам мумкин? Ж: Рақиб

12. Тасаввуф шеъриятида маъшуқа ким? Ж: Аллоҳ ёки пайғамбар, ёхуд пир, дўст

13. Тасаввуф шеъриятида ошиқ ким? Ж: Аллоҳга руҳан яқинлашишга интилаётган инсон, сўфий банда

14. Тасаввуф шеъриятида рақиб ким? Ж: Нафс, дунё

15. Қуйидаги байтда қайси бадий санъатдан фойдаланилган?

Жамолинг васфини қилдим чаманда,

Қизорди гул уёттин анжуманда. Ж: Ташхис – жонлан-тириш

16. Қуйидаги байтда қайси бадий санъатдан фойдаланилган?

Таманно қилаали лаълингни кўнглум,

Киши билмас ониким, қолди қанда? Ж: Муболаға

17. Қуйидаги байтда қайси бадий санъатдан фойдаланилган?

Узун сочингдин узмасмен кўнгулни,

Оёғинг қанда бўлса, бошим анда. Ж: Иштиқоқ ва тазод

18. Қуйидаги байтда қайси бадий санъатдан фойдаланилган?

Рақибларга қилур лаълинг табассум,

Қонимни гуссадан тошурмоғинг не?

Кўнгул шишасида меҳринг майлидир,

Жафо бирла анга тош урмоғинг не? Ж: Тажнис

19. Қуйидаги байтда қўлланган тажнис санъатини ҳосил қилувчи сўзларни топинг:

Рақибларга қилур лаълинг табассум,

Қонимни гуссадан тошурмоғинг не?

Кўнгул шишасида меҳринг майлидир,

Жафо бирла анга тош урмоғинг не? Ж: Тошурмоғинг, гош урмоғинг

20. Қайси шоир Атоий ҳақида «Туркона айтур эрди» дейди? Ж: Алишер Навоий

Абдулла Қодирий

1. Абдулла Қодирий қачон ва қаерда туғилди? Ж: 1894 йил 10 апрелда Тошкент шаҳрида

2. 1917 йилги тўнтаришгача Абдулла Қодирий қандай юмушлар билан банд бўлган? Ж: Приказчик, устачилик, боғбонлик

3. Абдулла Қодирий қачон, нима сабабдан қамоққа ҳукм қилинди? Ж: 1926 йил «Шўро раҳбарларини матбуот орқали обрўсизлантирди» деган айблов билан

4. Абдулла Қодирий иккинчи марта қачон қамоққа ҳукм қилинди? Ж: 1937 йилнинг 31 декабрида

5. Анвар қандай оилада туғилган ва нечанчи фарзанд эди? Ж: Камбағал бўёқчи оиласида олтинчи фарзанд

6. Анвар ота-онасидан етим қолганда неча ёшида эди? Ж: Уч ёшида отасидан, етти ёшида онасидан

7. Анвар кимнинг тарбиясида эди? Ж: Опаси Нодиранинг

8. Анвар неча ёшдан Солиҳ маҳдумга фарзандликка берилди? Ж: 12 ёшдан

9. Анварнинг болаликдаги дўсти ким? Ж: Насим

10. Анвар дўсти Насим туфайли саройга қандай ишга жойлашади? Ж: Мирза

11. Анвар саройда қандай лавозимгача кўтарилади? Ж: Мирзабошилик

12. Анварнинг қочиш мажаросини таҳлил қилишга кимлар йиғилган эди? Ж: Шаҳодат муфти, Калоншоҳ мирзо, Мулла Абдураҳмон

13. Анварнинг Раъно билан қочиб Султоналининг уйига бориши ва Султоналининг эрта тонгда югуриб, бундан хабардор қилиш учун хон ҳузурига бориши кимга шубҳали туюлади? Ж: Мулла Абдураҳмонга

14. Султонали билан Анварнинг хонга фириб берганлиги ҳақида ариза ёзиш фикри кимдан чиқди? Ж: Шаҳодат муфтидан

15. Аризани ким ёзди? Ж: Калоншоҳ ёзди, муфти таҳрир қилди

16. «Сабнома» сўзининг маъносини топинг. Ж: Сўкиб, таҳқир қилиб ёзилган хат

17. «Баъд» сўзининг маъносини топинг. Ж: Узоқ

18. «Муқораба» сўзининг маъносини топинг. Ж: Мушоҳада қилиш

19. «Қаробат» сўзининг маъносини топинг. Ж: Яқинлик

20. «Вусуқ» сўзининг маъносини топинг. Ж: Ишонч

21. «Муътамад» сўзининг маъносини топинг. Ж: Ишончли

22. «Эътимод» сўзининг маъносини топинг. Ж: Ишонч

23. «Роғиб» сўзининг маъносини топинг. Ж: Мойил

24. «Мавқуф» сўзининг маъносини топинг. Ж: Тўхташ

25. «Исрор» сўзининг маъносини топинг. Ж: Қатъийлик, ўжарлик

26. «Ҳабслар» сўзининг маъносини топинг. Ж: Қамалувчилар, маҳбуслар

27. «Ҳамоқат» сўзининг маъносини топинг. Ж: Аҳмоқлик

28. «Шиговул» сўзининг маъносини топинг. Ж: Сарой маросимларини бошқариб турадиган амалдор

29. Анварнинг бухоролик бир саркарданинг эшигида хизмат қилувчи акаси ким эди? Ж: Қобил.

30. Анвар билан Султоналининг мактубларини ким уларга етказиб турар эди? Ж: Сафар ака

31. Анварнинг оғаси Қўқонга кимлар билан келган эди? Шариф ва Раҳим

32. Шариф ва Раҳим кимларнинг ўғли эди? Ж: Темирчи ва шустагарнинг

33. «Қўрқинч бир жасорат» деганда қайси воқеа назарда тутилган? Ж: Анварнинг ўз ихтиёри билан гаровдаги Султоналини озод қилиш учун хон ҳузурига ўлимни бўйнига олиб келиши

34. Анвар хон ҳузурига Султоналини ўлимга олиб чиқилишига қанча қолганда кириб боради? Ж: Бир соат қолганда

да

35. Ушбу парча қайси асардан олинган? *«Букун мешиндан бир оз илгарироқ мужассам бир виждон, тогюррак бир йигит ва ўлим сари кулиб келувчи бир арслонни ўз тарихида биринчи мартаба кўрди ва тонг ажабда қолди. Бу улуг жасорат бир неча дақиқаларгача зулм итларини сукутга солди, уларни ишдан тўхтатди».* Ж: «Меҳробдан чаён»да Анварнинг жасорати

36. «Меҳробдан чаён» романидаги ҳудайчининг исми? Ж: Дарвеш ҳудайчи

37. Анвар кирганда хон ҳузурида кимлар бор эди? Ж: Домла шиғовул, Турсун оталиқ ва бир неча аъёнлар

38. Ушбу парчада нуқталар ўрнига қайси персонажни қўйиш мумкин ва у қайси асардан олинган? *«Рақибини бу қадар жасоратда кўрган ...нинг киприк остлари учиб, соқол туклари силкинди ва бир оз сўз тополмагандек тамшаниб турди».* Ж: «Меҳробдан чаён»да Худоёрхон

39. «Меҳробдан чаён»да Худоёрхон Анварни жаллодлар қўлига топширганда Анвар нима учун қаршилиқ кўрсатади ва қайси сўзда туриб олади? Ж: Султоналини Анварнинг кўз ўнгида озод қилмагунларича бир қадам ҳам силжирмасликка аҳд қилади

40. «Меҳробдан чаён»да Худоёрхон Анварнинг қайси сўзларидан кейин ғазаб ўтида алангаланади? Ж: *«Мусулмончиликда юзлаб хотин устига, бир камбағал уйланмоқчи бўлган қизга ҳам зўрлик қилиш борми, қиблайи олам!»*

41. Ушбу парча қайси асардан олинган? *«Шайх Саъдий айтганча, дунёда ҳаётидан қўл ювгувчидек тили узун киши бўлмас. Дарҳақиқат, инсонни разолатга солгувчи унинг манфаати тақозоси, қола берса ўлимдир. Бу иккисидан кечгувчига эса подшонинг қаҳри ва жаҳаннамнинг қаъри фарқсиздир».* Ж: «Меҳробдан чаён» романи

42. «Меҳробдан чаён» романида қуйидаги фикрларни ким кимга айтган? *«Кулишга ҳаққингиз бор, домла, чунки*

ўч оласиз! Фақат сиз ифлослик натижасида куласиз, мен ... мен тўғрилиқ самарасини ўраман; сиз ифлос виждон билан голибсиз, мен соф виждон билан голибман ... мени дор остига ким келтирди? Виждон эмасми, тақсир! Сизни бу ерда ким томошабин қилди? Ифлослик эмасми, тақсир?» Ж: Анвар Абдураҳмонга

43. «Меҳробдан чаён» романида қуйидаги фикрларни ким кимга айтган? «Менинг ҳолимни кўрингиз, домла, қўлим боғланган, устимда ханжар ялтирайди. Лекин мен куламан... Нима учун бундай, тақсир! Чунки виждон роҳатда, жон тинч. Юракда ишқ!.. Дуруст, мен кўмилгач, қабрим устида кўкси доғли қизил лолалар кўкарар... Нимадан бу? Бу – сизнинг каби тубанлар солган из!.. » Ж: Анвар Абдураҳмонга

44. Анвар Хон томонидан ўлимга ҳукм қилинганда ким унинг гуноҳини сўрайди? Ж: Муҳаммад Ниёз домла

45. «Баримта» сўзининг маъносини топинг. Ж: Гаровга олинган одам

46. Анварнинг «...Зеро, зулми нақадар кучайса, унинг умри шунчалик қисқа бўлиши тажрибалар билан собитдир», сўзлари кимга нима мақсадда айтилган? Ж: Раънога сабр қилиш зарурлигини тушунтириш учун

47. «Меҳробдан чаён» романида Анвар билан Султоналининг можаросини таҳлил қилиш ва бу ҳақда хонга ариза ёзиш воқеаси асарнинг қайси бобида акс этган? Ж: «Чаённинг намойиши» бобида

48. «Меҳробдан чаён» романида домла Абдураҳмон Султонали ва Анварнинг можаросини кимдан эшитганини айтади? Ж: Мирзо Бойсдан

49. «Меҳробдан чаён» романидаги қайси персонаж нутқида «палаънат» сўзи кўп ишлатилади? Ж: Шарифбой

50. «Меҳробдан чаён» романида Анвар акаси Қобилдан унинг дўстларини меҳмон қила олмаганлиги учун уэр сўраб қанча пул бериб юборади? Ж: Икки тилло

51. «Меҳробдан чаён» романида Анварнинг қайси сўзидан кейин Худоёрхоннинг манглайида терлар кўринди, ғазаб ўти аланга олди? Ж: «Бошқалар киши гуноҳи учун гуноҳсизни тутиб, пусулмончиликдан чиққач, мен пусулмончилик билан ўлишни ўбдан билдим!»

Ҳамид Олимжон

1. Ҳамид Олимжон қачон ва қерда туғилган? Ж: 1909 йил 12 декабрда Жиззах шаҳрида туғилган

2. Ҳамид Олимжоннинг бобоси қандай киши бўлган? Ж: Бобоси Азимбобо сўзни чуқур ҳис этадиган, бахши ва айтимчилар билан дўстлик сақлаган киши бўлган

3. Ҳамид Олимжоннинг қалбида шеърятга ҳавас уйғонишида кимлар сабабчи бўлган? Ж: Онаси Комила ая ва Фозил Йўлдош ўғли

4. Ҳамид Олимжоннинг биринчи шеърый тўплами қачон қандай ном билан босилиб чиққан? Ж: 1929 йилда «Кўклам» номи билан

5. Ҳамид Олимжон нечанчи йиллар Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилган? Ж: 1939-1944 йиллар

6. «Ҳолбуки тун» шеърида қайси сўзнинг такрори мусиқийликни юзага келтирган? Ж: Шағирлайди

7. «Ҳолбуки тун» шеърида қайси бадийий санъатдан унумли фойдаланилган? Ж: Ташхис-жонлантириш

8. «Ҳолбуки тун» шеърида қандай ҳолат тасвирланган? Ж: Тунда ҳам тўхтамайдиган ҳаёт

Зулфия

1. Зулфия қачон ва қерда туғилган? Ж: 1915 йилда Тошкент шаҳрида туғилган

2. Зулфиянинг отаси ва бобоси қандай касб билан шуғулланган? Ж: Бобоси Муслим дегрез ва отаси Исроил дегрез темирчи бўлган

3. «Дегрез» сўзининг маъносини топинг? Ж: Темирчи
4. Зулфиянинг биринчи шеърий тўплами қачон, қандай ном билан босилиб чиқди? Ж: 1932 йилда 18 ёшида «Ҳаёт варақлари» номи билан
5. Зулфия «Сен қайдасан, юрагим» шеърида *юрагим* сўзи нимани билдиради? Ж: Ёрини
6. Зулфиянинг «Сен қайдасан, юрагим» шеъри ким ҳақида? Ж: Ҳ. Олимжон ҳақида
7. Ушбу шеър номи ва муаллифини топинг:
*Наҳот, шунча масъум, шунча пок,
Севишмоқда алам бор шунча?»* Ж: Зулфия, «Не балога эттинг мубтало»
8. Ушбу шеър номи ва муаллифини топинг.
Нега тирик экан, ташлаб кетмадинг, ташлаб кетмадинг-са, бошлаб кетмадинг?! Ж: Зулфия, «Сенсиз»
9. Ушбу шеър номи ва муаллифини топинг:
*Тирик айрилишининг доғи оғирмиш,
Хўрлик келтирармиш умрни чайнаб!*
Бу мудҳиш эвога берардим туриш». Ж: Зулфия, «Сенсиз»
10. Лирик асарларда нима муҳим ўрин тутади? Ж: Воқеаликнинг ўзини эмас, балки унинг инсон туйғуларига таъсирини тасвирлаш
11. Зулфиянинг «Ойдинда» шеърида нима тасвирлаган? Ж: Ёмғирдан кейинги ойдин кечани тамоша қилиб, ўлканинг гўзаллигига лол қолиш
12. Қандай асарларда ўқувчининг туйғуларига, ҳиссиётларига таъсир этиш асосий мақсад қилиб қўйилади? Ж: Лирик асарларда

Турди Фароғий

1. Шоир Турди Фароғий қайси ҳукмдорлар даврида яшаган? Ж: Бухоро хонлари Нодирмуҳаммад ва унинг ўғиллари – Абдулазизхон ҳамда Субҳонқулихон даврида

2. Хива, Бухоро, Қўқонда қайси уруғлар ҳукмрон эдилар? Ж: Хивада – қўнғиротлар, Бухорода – манғитлар, Қўқонда – минглар

3. Нормухаммад қачон нима мақсадда Хивага қўшин тортди? Ж: Хивани ўзига бўйсундириш учун

4. Хондан норози бўлган қайси уруғ ким бошчилигида қўзғолон кўтарди? Ж: Юз уруғи Хўжандда Боқи Юз бошчилигида

5. Хивада кўтарилган Боқи Юз бошчилигидаги қўзғолонда қайси шоир иштирок этган? Ж: Турди

6. Турди умрининг сўнгги йилларини қаерда ўтказди? Ж: Хўжандда, Оқбўтабий ҳузурда

7. Турдининг мероси? Ж: 400 мисра атрофидаги 18 та шеър етиб келган

8. Турдининг адабий мероси қандай жанрлардан иборат? Ғазал ва мухаммаслар

9. Турдининг меросида нечта тожик тилида яратилган асар бор? Ж: 2 та: бир ғазал ва бир мухаммас

10. Миллатни бирликка чорлаган шоир ким? Ж: Турди

11. «Тор кўнгиллик беклар» шеъри қандай жанрда ёзилган? Ж: Ғазал

12. Турдининг қайси асари адабиётимиз тарихидаги халқни миллий бирликка чақирган, ўзаро тенгликка даъват этган, ҳудудий яхлитликни тарғиб қилган биринчи шеър? Ж: «Тор кўнгиллик беклар»

13. Турдининг ҳасби ҳол тарзида яратилган ғазали қайси? Ж: «Турдиман»

14. Турди «Турдиман» шеърида қийин ҳаётини қайси нарсага ўхшатган? Ж: Чашми сўзан-игна тешигидан ўтказилаётган ип

15. Турдининг ҳасби ҳол тарзида яратилган мухаммаси қайси? Ж: «Ёд мандин ким берур, яхши замонлар кўрдиман»

16. Ушбу шеърда қандай бадий санъатдан фойдаланилган?

Юз фазосидин озиб, тушдим нишиби қирққа.

Хаяфи бийму ваҳм аросинда қариби қирққа. Ж: Ийҳом

17. Турдининг «Ёд мандин ким берур, яхши замонлар кўрдиман» мухаммасида тасаввуфий тушунчани билдирувчи сўзларни топинг. Ж: Ринд сурхайли, майи софи ҳарифлар дурдиман.

18. Турдининг «Ёд мандин ким берур, яхши замонлар кўрдиман» мухаммасида шоир шахсияти ва тақдирини акс эттирувчи сўзларни топинг. Ж: Қилмадим шукронае, мусофирлиғ

19. Турдининг «Ёд мандин ким берур, яхши замонлар кўрдиман» мухаммасида ижтимоий воқеликка алоқадор тушунчани билдирувчи сўзларни топинг. Ж: Тафриқа тоши, чархи дун

20. Турдининг «Ёд мандин ким берур, яхши замонлар кўрдиман» мухаммасида ўзгаларнинг шоирга муносабати акс этган ифодаларни топинг. Ж: Ақраболар ор этар, қошин чатар

Абдулла Қаҳҳор

1. Абдулла Қаҳҳор қачон ва қаерда туғилган? Ж: 1907 йил 17 сентябрда Қўқонда туғилган

2. Абдулла Қаҳҳорнинг ижоди қачондан бошланган? Ж: 1924 йилдан

3. Абдулла Қаҳҳор қайси газета ва журналларда ишлаган? Ж: «Қизил Ўзбекистон», «Янги Фарғона» газеталарида, «Муштум» журналида

4. Абдулла Қаҳҳорга қайси романи катта шухрат келтирди ва у қачон ёзилган? Ж: «Сароб» романи, 1934 йилда

5. Абдулла Қаҳҳорнинг драмаларини топинг. Ж: «Шоҳи сўзана», «Оғриқ тишлар», «Тобутдан товуш», «Аяжонларим»

6. Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясига қайси мақол эпитаф қилинган? Ж: Отнинг ўлими – итнинг байрами

7. Абдулла Қаҳдорнинг «Ўғри» ҳикояси қандай бошла-
нади? Ж: *«Кампир тонг қоронгусида хамир қилгани туриб
ҳўкиздан хабар олди. О!.. Ҳўкиз йўқ, оғил кўча томондан
тешилган».*

8. Абдулла Қаҳдорнинг «Ўғри» ҳикоясида Қобил бобо
нима учун элликбошига пора берди? Ж: *«Элликбошининг
ҳўкизни нақд қилиб қўйгани – гўё кўчага чиқса бас, хўкиз
топилади. Бу «худо ярлақагур» шунчалик қилгандан кейин
бир нима бериш лозим-да. Текинга мушук офтобга чиқмайди.
Бу одам элликбоши бўлиш учун озмунча пул сочганми?»*

9. Элликбоши амалга эришиш учун мингбошига нима-
лар берган? Ж: *Етти юз боғ беда, бир той*

10. Элликбоши Қобил бободан пул олгандан кейин бетў-
хтов кимга хабар бермоқчи эканлигини айтади? Ж: *Аминга*

11. Аминга Қобил бобо боришидан олдин қандай ма-
қоллар ишлатилган? Ж: *«Қуруқ қошиқ оғиз йиртади», «Бер-
ганга битта ҳам кўп, олганга ўнта ҳам оз»*

12. Аминга бериладиган пул Қобил бобонинг таъбири-
ча, қайси чиқим эди? Ж: *Бу чиқим охирги ва хўкизни бўйни-
дан боғлаб берадиган чиқим, шунинг учун пулнинг бетига
қарамаслик керак*

13. Абдулла Қаҳдорнинг «Ўғри» ҳикоясидаги қайси пер-
сонаж бақбақасини осилтириб кулади? Ж: *Амин*

14. Амин кимга хабар бермоқчи эканлигини айтади? Ж:
Приставка

15. Кампир азайимхонга қанча чиқим қилди? Ж: *Ярим
қоп жийда, уч елпиштовоқ жўхори, икки калава ип злтди*

16. Абдулла Қаҳдорнинг «Ўғри» ҳикоясидаги қайси пер-
сонаж «Фуқаронинг арзга бориши арбобнинг иззати бўла-
ди!» дейди? Ж: *Амин*

17. Абдулла Қаҳдорнинг «Ўғри» ҳикоясидаги қайси пер-
сонажни «бегим дегунча кишининг бели синар экан»? Ж: *Прис-
таври*

18. Қобил бобо приставга нималар олиб борди ва негa унинг олдига киролмади? Ж: 3 та товуқ, 100 та тухум, ammo бу тортиқ билан тилмочдан нарига ўтолмади

19. Пристав Қобил бободан нималар олгандан кейин кимга жўнатади? Ж: Битта кулангир, битта фаранги товуқ, уч сўм пул олгандан кейин аминга бор, деди

20. «Ўйнашмагин арбоб билан – сени урар ҳар боб билан» мақоли қачон айтилган? Ж: Қобил бобонинг пристав ҳузурига борганида

21. Амин Қобил бобони кимга жўнатди? Ж: Эллиқбошига

22. Эллиқбошининг қайнатасининг исми? Ж: Эгамберди пахтафуруш

23. Эгамберди пахтафуруш Қобил бобога нечта ҳўкиз берди ва қандай шарт билан? Ж: 2 та ҳўкиз, шарт кузда маълум бўлади

24. Ўзгаларнинг бахтсизлигини пул топиш манбаига айлангирган амалдорлар кимнинг қайси асарида тасвирланган? Ж: Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясида

25. Унсин қайси ҳикоя қаҳрамони? Ж: «Даҳшат»

26. Унсин Олимбек додхонинг нечанчи хотини? Ж: Саккизинчи

27. Ушбу тасвир билан қайси асар бошланади? «Яқин икки ҳафтадан бери кўз очирмаётган кузак шамоли яйдоқ дарахтлар шохида чийиллайди, гувиллайди; томларда вишиллайди, ёпиқ эшик ва даричаларга бош уриб уф тортади» Ж: «Даҳшат» ҳикояси

28. Ушбу парча қайси асардан олинган? «Бола эдим. Раҳматли дадам гап ер эдилар. Бир меҳмонхона йигит... Мана шунақа шамол кечаси экан. «Ҳозир ким гўристонга бериб, Асқарпонсоннинг гўрига пичоқ санчиб келади?» – деган гап бўлибди». Ж: «Даҳшат» ҳикояси

29. Ушбу парча қайси асардан олинган? «Кўр ойдин. Осмоннинг чеккаси сариқ-кир увадага ўхшайди. Бир кир шувъ-

ла қўйнида наст-баланд уйлар, шамолда эгилаётган, тебранаётган дарахтлар қоп-қора кўринади». Ж: «Даҳшат» ҳикояси

30. Унсин қайси сўзни такрор-такрор айтиб юрагидаги қўрқувни енгмоқчи бўлди? Ж: «Ўликнинг жони йўқ, ўликнинг жон йўқ»

31. Қайси асар қаҳрамонининг қаерда сочи бошидаги рўмолини бир қарич кўтаргандай бўлди? Ж: «Даҳшат» ҳикоясида Унсиннинг

32. «Даҳшат» ҳикоясида Унсин кимнинг сағанасида чой қайнатиб келиши керак эди? Ж: Онҳазратим сағанасида

33. Унсин қабристонда нималарни унутиб қолдиради? Ж: Паранжи-чимматини ва ковушини, қумғонни

34. Унсин қабристонда қайси ҳайвондан қўрқиб кетади? Ж: Додхонинг маймунидан

35. Унсиннинг ёш жонига раҳм қилишни сўраб ким додхога ёлворгани учун ўнг кўзи моматалоқ бўлиб кетганди? Ж: Нодирмоҳбегимнинг

36. Ким Унсинга гўристонда қўрққанга даво бўлади, деб гўристоннинг тупроғидан ярим пиёла чойга солиб ичиради? Ж: Нодирмоҳбегим

37. «Даҳшат» ҳикоясида қайси воқеадан кейин «ҳамма ўтирган ерида бир қарич чўккандай бўлди ва тин олмай бир-бирига қаради?» Ж: Шамол ниманидир келтириб дарчага урганда

38. Унсинга нима учун дастлаб қабристон унчалик даҳшатли туюлмади? Ж: Тириклар гўристони бўлган додхо даргоҳининг даҳшати олдида ўликлар гўристонининг даҳшати унга даҳшат кўринмас, бундан ташқари, эртагаёқ Ганжиравонга жўнаш, ота-онаси, дугоналарини кўриш умиди унинг бошига ҳеч қандай ёмон фикрларни йўлатмас эди

39. Унсиннинг вафотидан кейин Нодирмоҳбегим қандай йўл тутади? Ж: У ҳам додхо эшигини тарк этади

Махмур

1. «Махмур» сўзининг маъносини топинг. Ж: Хумори, маст

2. Махмурнинг отаси ким бўлган? Ж: Шермуҳаммад Акмал Қўқон атрофидаги Бўйтуман қишлоғидан бўлиб, Қўқондаги Мадрасайи Мирда мударрислик қилган, ўзбек ва тожик тилларидаги шеърларидан 2 девон тартиб берган шоир эди

3. Махмурнинг онаси ким бўлган? Ж: Ҳапалак қишлоғидан бўлиб, Турдали хаттотнинг қизи бўлган

4. Махмур ҳақида ким салбий фикрлар билдирган? Ж: Фазлий Намангоний

5. Ушбу ҳасби ҳол кимники?

Кечалари ётгани на қўшим бор,

Кундузи ичгани на нўшим бор. Ж: Махмурники

6. Махмурнинг бизгача етиб келган адабий мероси ҳажми? Ж: 3417 мисрадан иборат 69 шеър

7. Махмурнинг бизгача етиб келган адабий меросида қандай жанрлар бор? Ж: Мухаммас, ғазал, маснавий, қитъа

8. Махмурнинг бизгача етиб келган адабий меросининг асосий қисми қандай йўналишда? Ж: Танқидий, ҳажвий йўналишда

9. Махмурнинг қайси асарларида жамиятдаги тенгсизлик, адолатсизлик фош этилади, нобол одамларнинг кирдикорлари шафқатсиз танқид қилинади? Ж: «Муножот», «Таърифи вилояти Қурама», «Қози Муҳаммад Ражаб Авж», «Ҳожи Ниёз», «Ҳаким Туробий ҳазор халта», «Қози Хўжа сакбон», «Каримқул меҳтар», «Такаббур»

10. Махмурнинг қайси шеърида Қўқон хонлигида аҳоли турмуш тарзининг ниҳоятда оғирлашиб кетганлиги, турли-туман солиқлар меҳнаткаш халқни хонавайрон қилганлиги, қишлоқлар харобазорга айланганлиги акс этган? Ж: «Ҳапалак» шеърида

11. Махмурнинг Ҳапалак қишлоғига қандай алоқаси бор? Ж: Онаси шу қишлоқдан бўлган ва шоирнинг умрининг сўнгги йиллари шу ерда ўтган

12. «Ҳапалак» шеъри қандай муносабат билан ёзилган? Ж: Хон амалдорларини Ҳапалакка «тилла пули» солиғи ундириш учун келиши муносабати билан

13. Махмурнинг бошдан оёқ муболаға санъатига қурилган шеъри? Ж: «Ҳапалак» шеъри

14. «Махмур» сўзининг тасаввуфий маъносини топинг. Ж: Илоҳий ишқдан маст бўлган дарвеш

15. «Навой» сўзининг тасаввуфий маъносини топинг. Ж: Ҳақ ва ҳақиқат, адолат йўлида наво қилувчи

16. «Фоний» сўзининг тасаввуфий маъносини топинг. Ж: Ўткинчи, ўзининг бу дунёда вақтинчалик меҳмон эканлигини англаб, фақат эзгу ишларни кўзловчи

Увайсий

1. «Увайс» сўзининг тасаввуфий маъносини топинг. Ж: Пайғамбаримизнинг ғойибона нигоҳига сазовор бўлиш илинжидаги увайслик йўли

2. Увайсий қайси тилларда ижод қилган? Ж: Ўзбек ва тожик

3. Увайсийнинг фарзандлари исми? Ж: Қуёшхон, Муҳаммадхон

4. Увайсий қайси шоҳ даврида хон саройида хизматда бўлган? Ж: Амир Умархон даврида

5. Увайсий қайси ҳукмдор даврида моддий қийинчиликларда яшади? Ж: Муҳаммад Алихон даврида

6. Увайсий қайси жанрларда ижод қилган? Ж: Ҳазал, мухаммас, мусаддас, мураббаъ, чистон, дoston

7. Увайсийнинг ҳасби ҳол тарзида ёзилган асарлари? Ж: «Увайсийман», «Доғ ўлди, доғ ўлди», «Соғиндим» ғазаллари

8. Увайсийнинг «Соғиндим» газалида қандай муносабат билан ёзилган? Ж: Ўғли Муҳаммадхоннинг сарбозликка юборилиши муносабати билан фарзандидан жудо онанинг изтироблари

9. Номди яширилган нарса ёки тушунчани белги, ишораларга қараб топиладиган топшириқлар нима дейилади? Ж: Топишмоқ

10. «Чистон» сўзининг маъноси? Ж: Тожикча «нима у»

11. Туркий адабиётда илк чистонлар нечанчи асрда ким томонидан яратилган? Ж: 15 асрда Алишер Навоий томонидан

12. Топишмоққа асосланувчи жанрлар? Ж: Чистон ва луғз

13. «Анор» чистони нимага ишора қилади? Ж: Ижтимоий ҳаётдаги воқеага

14. Увайсийнинг қайси чистонида бу жанрга хос хусусиятлар яққол намоён бўлган? Ж: «Анор»

15. «Анор» чистонида ташқи шаклий кўриниш қайси? Ж: Гумбазсимон, туйнуги йўқ

16. «Анор» чистонида ички тузилиш қайси? Ж: Гулгунпўш қизлар ҳамда парда борлиги

17. «Анор» чистонида унга муносабат шакли? Ж: Синдириш кераклиги

18. Шеърый топишмоқлар қандай турларга бўлинади? Ж: 2 та: оддий ва мажозий

19. Увайсийнинг қайси чистони мажозий чистон? Ж: «Анор» чистони

20. Топишмоқнинг жавобини топинг.

Ул надурким, сазбтўнлик, ёз ёғочнинг бошида.

Қиш яланғоч айлағай барча халойиқ қошида.

Барча қушларнинг сўнгоки ичида,

Ул на қушдирким, сўнгоки тошида. Ж: Ёнғоқ

21. Топишмоқнинг жавобини топинг.

Икки маҳбубни кўрдим, бир-бирисин кўрмаган.

Иккисининг ўртасига, дўстлар, қил сизмаган. Ж: Кун ва тун

22. Равий нима? Ж: Унли ёки ундош бўлган тиргак товуш

23. «Анор» чистонидаги равийларни топинг. Ж: Нишон, макон, қон сўзларидаги «н» товуши

24. «Ёнгоқ» чистонидаги равийларни топинг. Ж: Бошида, қошида сўзларида «ш» товуши

25. Муқайяд қофия нима? Ж: Равий билан тугалланган қофия

26. Мутлақ қофия нима? Ж: Равийдан кейин ҳарфлар келган қофиялар

27. «Кун ва тун» чистонидаги равийларни топинг. Ж: «Кўрмаган» ва «сизмаган» сўзларида равий ўзакда эмас, қўшимчанинг таркибида жойлашган

28. Қандай унлилар равий бўлолмайди? Ж: Қисқа унлилар

29. Қандай унлилар равий бўлолади? Ж: Чўзиқ унлилар

30. Лола – пиёла сўзларидаги равийни топинг. Ж: «л» товуши

31. Қофиядан кейин такрорланадиган сўз ёки сўзлар бирлиги? Ж: Радиф

Миртемир

1. Ушбу сатрлар муаллифини топинг:

Сенсиз Ўзбекистон-Ўзбекистонмас,

Сенсиз кенг жаҳон ҳам сира жаҳонмас, Тошбу! Ж: Миртемир

2. Миртемир қачон ва қаерда туғилган? Ж: 1910 йилнинг 10 майида Туркистоннинг Қоратоғ этакларидаги Эски Иқон қишлоғида туғилган.

3. Ушбу парча кимнинг таржимаи ҳолидан? *«Мен туғилган қишлоқнинг кунботарида қадим Туркистон шаҳри, жанубида Ўтрор, Бойбалк харобалари ва Ясси, Сюри қалъаларидан қолган култепалар, ундан нарида Сирдарё... 1910*

йилда бугдой ўроғида шу қишлоқда тугилибман. Отам – деҳқон ва чорвадор, она томондан бобом мулла, мактабдор. Ота томондан бобом – узун бўйлик, полвон жуссалик, қизил юзли одам эди». Ж: Миртемир

4. Миртемир саводини кимнинг мактабида чиқаради? Ж: Она томондан бобоси мактабида

5. Миртемирнинг отасининг исми? Ж: Турсуннат Умарбек ўғли

6. Ушбу парча кимнинг таржимаи ҳолидан? *«Ишмактабда ҳам, билим юртида ҳам ўзимиз экар, ўзимиз йигар эдик, ўзимиз тикар, ўзимиз кияр эдик. Деярли ҳамма ҳунар ўргатилар эди. Оғир йиллар эди; то 1924-25 йилларгача хўрагимиз ҳар кун икки ё уч марта бир бурдадан қора нон ва тушлик бир чўмич бўтқа эди. Ишмактабнинг боғи Чилонзорда, билим юртининг боғи Кўктерақда эди. Ёз бўйи ҳамма боғда ишларди ва рангга қон, бўйга жир битиб қайтардик. Билим юртида ўқишлар оғир, ўқитувчилар талабчан бўлиб, кечаси алламаҳалларгача совуқ бўлмаларда дарс тайёрлардик». Ж: Миртемир*

7. Миртемир Самарқандда ким билан дўстлашади? Ж: Ҳамид Олимжон билан

8. Миртемир нима сабабдан қамалади ва муддатни қаерда ўтайди? Ж: Тўҳмат билан қамалади ва муддатни Шимолдаги Беломорканал қурилишида ўтайди

9. Миртемир қайси жанрларда ижод қилган? Ж: Достонлар, шеърлар, драматик ва насрий асарлар ёзган

10. Ушбу сатрлар муаллифини топинг.

Бу-мен тугилган тупроқ. Ҳа, мен тугилган тупроқ

Тоғлар, кўм-кўк адирлар, дарёлар – чексиз қумлоқ. Ж:

Миртемир

11. Ушбу сатрлар муаллифини топинг:

Эрк дея шаҳид кетган ўғлонларнинг хоки бу ,

Ким ноҳос ўқрайса ҳам кўзларини ўяман. Ж: Миртемир

12. «Одам бўлдимми менам?» сатрлари кимнинг қайси шеърида қайта-қайта такрорланган? Ж: Миртемир, «Онаги-нам» шеъри

13. Ушбу сатрлар муаллифини топинг.

Сени жиндак хушвақт қилгани,

Сени жиндак хушбахт қилгани. Ж: Миртемир

Расул Ҳамзатов

1. Расул Ҳамзатов қачон ва қаерда туғилган? Ж: 1923 йилда Доғистонда туғилган

2. Ушбу сатрлар муаллифини топинг:

Шеърят, мазлумга ҳомийлик қилдинг,

Қароли бўлмадинг зўравонларнинг. Ж: Расул Ҳамзатов

3. Расул Ҳамзатов неча ёшидан шеърлар ёза бошлаган? Ж: 13-14 ёшидан

4. Расул Ҳамзатов неча ёшидан ўз юртининг таниқли шоирига айланган? Ж: 16 ёшидан

5. Расул Ҳамзатовнинг отаси ким бўлган? Ж: Ҳамзат Садаса Доғистоннинг машҳур шоири бўлган

6. Расул Ҳамзатов қайси жабҳаларда меҳнат қилган? Ж: Ўқитувчи, артист, мухбир

7. Расул Ҳамзатовнинг шеърий тўпламларини топинг. Ж: «Тоғ қўшиғи», «Менинг қалбим тоғларда», «Тоғ қизи», «Доғистоним», «Юксак юлдузлар», «Туғилган куним», «Тоғликнинг ватани», «Овулдан хат»

8. Расул Ҳамзатов шеърларидан ким таржима қилган? Ж: Эркин Воҳидов

9. Расул Ҳамзатов қайси шеърида тушида ўлиб ётганини ва бир сабаб туфайли тирилганини айтади? Ж: «Она тилим» шеърида икки кишининг авар тилида гаплашаётганини эшитиб она тилининг қудрати билан тирилади

10. Расул Ҳамзатовнинг «Она тилим» шеъри мазмунан ва руҳан кимнинг шеърига ҳамоҳанг? Ж: Чўлпоннинг

11. «Шуям эркакми?» шеърида қуйидаги таъкидларнинг қайси бири учрамайди? Ж: Майдакашликнинг хунуклиги

12. «Шуям эркакми?» шеъри неча мисрали банддан тузилган? Ж: 3 мисралик

13. «Шуям эркакми?» шеърининг нақоратини топинг. Ж: Шуям эркакми?

Алишер Навоий

1. Алишер Навоийнинг онаси ким бўлган? Ж: Кобул амирзодаларидан Шайх Абусанд Чангийнинг қизи бўлган

2. Алишер Навоий қачон ва қаерда Шарафиддин Али Яздий билан учрашади? Ж: Ироққа кўчиб кетаётганида Тафт шаҳрида

3. Алишер Навоий болаликда қайси шоирлар билан алоқада бўлган? Ж: Амир Шоший, Лутфий, Камол Турбатий

4. Алишер Навоий аруз бўйича кимдан таълим олган? Ж: Сабзаворлик олим ва шоир Дарвеш Мансурдан

5. Алишер Навоий қайси йилларда Самарқандда яшади? Ж: 60-йилларнинг иккинчи ярмида

6. Қайси шоир «амири кабир», «амирул муқарраб» унвонларига мушарраф бўлган? Ж: Алишер Навоий

7. Ушбу парча кимнинг қайси асаридан олинган? *«Илгимдан келганича зулм тигин ушотиб, мазлум жароҳатига интиқом марҳамини қўйдим. Ва илгимдин келмаганини ул Ҳазрат арзига еткурдим».* Ж: Алишер Навоий, «Вақфия»

8. Ушбу парчадаги «ул Ҳазрат» ким эди? *«Илгимдан келганича зулм тигин ушотиб, мазлум жароҳатига интиқом марҳамини қўйдим. Ва илгимдин келмаганини ул Ҳазрат арзига еткурдим».* Ж: Ҳусайн Бойқаро

9. Навоийнинг ўтмиш мавзусидаги асарлари? Ж: «Тарихи мулуки Ажам», «Тарихи анбиё ва ҳукамо»

10. Навоийнинг арузга доир асари? Ж: «Мезон ул-авзон»

11. Навоийнинг луғатшуносликка доир асари? Ж: «Сабъ-ту абҳур» (Етти денгиз)

12. Навоийнинг хатлар-ёзишмалари жамланган асари? Ж: «Муншаот»

13. Навоийнинг Шарқда машҳур шайхлар, сўфийлар ҳаёти ҳақида маълумот берувчи асари? Ж: «Насойим ул-муҳаббат»

14. «Насойим ул-муҳаббат» сўзининг маъносини топинг. Ж: Муҳаббат шабадалари

15. Байтнинг маъносини топинг.

Эй, фалак авжидан ўтиб рифъатинг,

Ою қуёшдин чолиниб навбатинг. Ж: Эй, улуғворлиги фалакнинг энг юксак нуқтасидан ўтган, ноғоранг эса ою қуёшдан чалинган

16. Байтдаги иккинчи мисранинг маъносини топинг.

Эй, фалак авжидан ўтиб рифъатинг,

Ою қуёшдин чолиниб навбатинг. Ж: Ой ва қуёш, яъни ноғоранинг икки тарафи сенинг овозангни (шаънингни) ўзларининг жойи бўлган кўкка таратади

17. Байтдаги иккинчи мисранинг маъносини топинг.

Тахтинг ўлиб давлати жовиди мулк,

Сояйи чатринг аро хуршиди мулк. Ж: Саройнинг сояси аро мамлакат қуёши кўринади

18. «Аржуманд» сўзининг маъносини топинг. Ж: Азиз

19. «Сарбаланд» сўзининг маъносини топинг. Ж: Юксак

20. «Сояйи раъфат» сўзининг маъносини топинг. Ж: Меҳрибонлик сояси

21. «Хилқат» сўзининг маъносини топинг. Ж: Яратилиш, яратиқ

22. «Тахти хилофат» сўзининг маъносини топинг. Ж: Халифалик тахти

23. «Тийра хок» сўзининг маъносини топинг. Ж: Қора тупроқ

24. «Ҳайрат ул-аброр» достонига хос атамани топинг.
Ж: Мақолот
25. Навоий қайси асарида Олам ва Одам ҳақидаги ўз мулоҳазаларини юксак бадиий шаклда ифода этган? Ж: «Ҳайрат ул-аброр»
26. Навоийни замондошлари қандай атайдилар? Ж: Низомиддин Мир Алишер
27. «Низомиддин» сўзининг маъносини топинг. Ж: Дин низоми
28. «Мир» сўзининг маъносини топинг. Ж: Мир – амир дегани
29. Муҳрдор қандай лавозим? Ж: Давлат ҳужжатларини расмийлаштирувчи амалдор
30. Навоий кимни «Ҳайрат ул-аброр» достонига шоҳ Ғозий деб атайди? Ж: Ҳусайн Бойқарони
31. «Ғозий» сўзининг маъноси? Ж: Ғолиб
32. «Тонуг» сўзининг маъноси? Ж: Гувоҳ
33. «Шоҳ Ғозий» ҳикоятида кампирнинг икки гувоҳи?
Ж: Подшонинг инсофи ва адолати
34. Шоҳ Ғозий кампирнинг олдига икки нарса қўяди. Булар?
Ж: Бири – ўз бўйинини рўмол билан боғлаб кампирга топширди, иккинчиси – бўйни ечилган ҳамёни кампирга тутди
35. «Меҳр ва Суҳайл» ҳикояти «Сабъаи сайёр»нинг нечанчи ҳикоятига киритилган? Ж: 5-иқлимдан келган мусофир ҳикояти
36. Жобир қайси мамлакатда яшар эди? Ж: Адан
37. Меҳр қайси шаҳардан? Ж: Биҳиштсаро
38. Меҳрнинг отасининг исми? Ж: Навдар
39. Суҳайлнинг юрти? Ж: Яман
40. Суҳайл отасининг исми? Ж: Нуъмон
41. Суҳайл сўзининг маъноси? Ж: Ёруғ юлдуз
42. Суҳайл қандай кемада Меҳрнинг юртига жўнайди?
Ж: Ҳилолга ўхшаш кемада

43. Жобир денгизда Суҳайл билан жанг қилиб, уни қандай енгади? Ж: Кемани ҳийла билан тешиб

44. Навдаршоҳ Жобир тузоғига қандай тушади? Ж: Ов кетидан қувиб сипоҳидан ажрагани учун

45. Нуъмон Жобирнинг тузоғига қандай тушади? Ж: Бўрон офатидан ҳалокатга учрагани учун

46. Суҳайлни чоҳдан ким озод қилади? Ж: Меҳр

47. Суҳайл Жобирни қачон енгади? Ж: Зиндондан чиққач анча парваришдан сўнг яккама-якка жангда

48. «Дедиким: Паҳлавонлиқ эрмас ул ким, киши макр бирла ургай йўл». Ушбу сатрлар қайси асардан олинган? Ж: «Сабъан сайёр»

49. «Меҳр ва Суҳайл» ҳикояти сўнгида қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини очиб бериш учун қайси рангдан унумли фойдаланилган? Ж: Мовий

Ташбеҳ

1. Ташбеҳнинг юзага келишида неча унсур муҳим? Ж: 4 та: ўхшамиш, ўхшатишмиш, асос, восита

2. Ўхшамиш нима? Ж: Тасвирда фикр қаратилган нарса ёки тушунча

3. Асос нима? Ж: Нимага кўра ўхшатишнинг юзага чиққанлиги, яъни ўхшатиш сабаби

4. Восита нима? Ж: Ўхшатиш белгиси, яъни ўхшатишни юзага келтирувчи воситалар: *-дек, -дай, -ча, -ваш, -симон, -вор, -саро, -осо, -ий, -ойин* қўшимчалари, *каби, сингари, янглиг, бикин, мисоли, ўхшаш, мисли, гўё, худи, ўхшаб, нечукки* сўзлари

5. Юзинг гўзалликда гул кабидир, – сатридаги асос қайси? Ж: Гўзалликда

6. Юзинг гўзалликда гул кабидир, – сатридаги восита қайси? Ж: Каби

7. Юзинг гўзалликда гул кабидир, – сатридаги ўхшамиш қайси? Ж: Юз

8. *Юзинг гўзалликда гул кабидир,*

– сатридаги ўхшатишмиш қайси? Ж: Гул

9. Мутлақ ташбеҳ деб нимага айтилади? Ж: Асос ва во-ситанинг қўлланиш ёки қўлланмаслигидан қатъий назар, ўхшамис билан ўхшатишмиш иштирок этган ўхшатиш санъати мутлақ ташбеҳ дейилади

10. Киноя ташбеҳ деб нимага айтилади? Ж: Ўхшамис ҳам тушиб, ўхшатишмишнинг ўзигина сақланса, *киноя ташбеҳ* дейилади

11. Мутлақ ташбеҳнинг иккинчи номи? Ж: Аниқ ташбеҳ

12. Киноя ташбеҳнинг иккинчи номи? Ж: Ишора ўхшатиш

13. *Эрмас алар туфроғу, сен нури пок,*

Хилқат аларга-ю, санга – тийра хок,

– мисраларида қандай бадий санъат ишлатилган? Ж: Мутлақ ташбеҳ

14. *Бўрини даги галадин дур қил, Сув берибон боғни маъмур қил,* – мисраларида қандай бадий санъат ишлатилган? Ж: Киноя ташбеҳ

15. *«Бўрини даги галадин дур қил,*

Сув берибон боғни маъмур қил»,

– мисраларида нечта киноя ташбеҳ бор? Ж: 4 та: бўри-бўридек таловчилар, гала-гала сингари халқ, сув-сувдек адолят, боғ-боғга ўхшаш мамлакат

Таносуб

1. Таносуб қандай санъат? Ж: Байтда, умуман, шеърий бандларда маъно жиҳатидан бир-бирига яқин тушунчаларни англатувчи сўзларни қўллаш

2. *«Анда бир шоҳ ҳокиму волий,*

Мулки маъмуру ҳиммати олий»,

– мисраларида қандай бадий санъат ишлатилган? Ж: Таносуб

3. *Анда бир шоҳ ҳокиму волий,
Мулки маъмуру ҳиммати олий.*

– мисраларидаги таносубни ҳосил қилувчи сўзларни топинг. Ж: Шоҳ, ҳоким, волий (ҳукмдор), мулк, маъмур

4. *Майлни қўйки, вола узор ул,*

Жон бериб васлига харидор ул,

– мисраларида қандай бадий санъат ишлатилган? Ж: Таносуб

5. *«Майлни қўйки, вола узор ул,*

Жон бериб васлига харидор ул»,

– мисраларидаги таносубни ҳосил қилувчи сўзларни топинг. Ж: Майл, вола, зор, васл, харидор

Ирсоли масал

1. Ирсоли масал санъати нима? Ж: «Мақол киритиш» маъносини билдириб, бадий асарда фикр исботи учун халқ мақолларидан фойдаланиш санъати

2. *«Ҳар кишиким бировга қозғой чоҳ,*

Тушгай ул чоҳ аро ўзи ногоҳ»,

– мисраларида қандай бадий санъат ишлатилган? Ж: Ирсоли масал

Чўлпон

1. Чўлпон қачон туғилган? Ж: 1897 йилда Андижон шаҳрининг Қатортерак маҳалласида

2. Чўлпоннинг отаси ким бўлган? Ж: Сулаймонқул мулла Муҳаммад Юнус ўғли – савдогар бўлган, ҳажвий шеърларидан девон тузган шоир бўлган

3. Чўлпон ижодининг бош йўналиши нима? Ж: Миллий зулм остида эзилаётган халқнинг забун ҳолини акс эттириш ва халқни бундай ҳолатдан қутқариш истаги

4. Бугунги ўзбек адабий тили кимнинг шеърлари таъсирида шаклланган? Ж: Чўлпоннинг

5. Қайси асар ўқувчилар томонидан Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи даражасидаги асар сифатида баҳо олган? Ж: Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи

6. Чўлпоннинг 1921 йилда яратилган асарини топинг. Ж: «Ёрқиной» драмаси

7. Чўлпоннинг «Гўзал» шеъри неча банд ва неча сатрдан иборат? Ж: 5 банд, 30 мисра

8. Чўлпоннинг «Гўзал» шеъри қандай бандли шеър? Ж: Мусаддас – 6 мисралик

9. Чўлпоннинг «Гўзал» шеърида «*Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал*» мисраси неча марта такрорланади? Ж: 3 марта

10. Чўлпоннинг «Гўзал» шеърида нима гўзални бир кўриб йўлидан озади? Ж: Шамол

11. Чўлпоннинг «Гўзал» шеъри қандай бошланади?

Ж: *Қоронгу кечада кўкка кўз тикиб,*

Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен

12. Чўлпоннинг «Гўзал» шеърида шоир нималардан гўзалнинг қаердалигини сўрайди? Ж: Юлдуз, ой, тонг шамоли, қуёшдан

13. Чўлпоннинг «Гўзал» шеърида гўзални нималар тушида кўради? Ж: Юлдуз ва ой

14. Чўлпоннинг «Халқ» шеърида халқ нималарга қиёсланади? Ж: Денгиз, тўлқин, куч, исён, олов, ўч

15. «*Бутун кучни халқ ичидан олайлик,*

Қучоқ очиб халқ ичига борайлик!» – мисралари Чўлпоннинг қайси шеърдан олинган? Ж: «Халқ» шеърдан

16. «*Табиатнинг ўтини йўқ ўтида,*

Шарақ-шарақ қайнаб чиққан булоқлар», – мисралари Чўлпоннинг қайси шеърдан олинган? Ж: «Бузилган ўлкага» шеърдан

17. Чўлпоннинг қайси шеъри савол билан тугайди? Ж: «Бузилган ўлкага» шеъри

18. Чўлпон «Бузилган ўлкага» шеърида нима учун:

Кел, мен сенга қисқагина дoston ўқий,

Қулогингга ўтганлардан эртақ тўқий, дейди? Ж: Ўтган аждодлар қаҳрамонликларини ёдга солиш учун

19. Чўлпоннинг «Бинафша» шеърида қандай руҳий ҳолат ифодаланган? Ж: Дардкашлик

20. «Кўнгил» шеърида қандай ғоя ифодаланган? Ж: Ҳурлик ва озодликни улуғлаш

21. Чўлпоннинг «Бинафша» шеърида:

Бинафша, сен учун кўкрагим эрк ери. Бу ердан кўкларга учгил, – мисрасида «кўкрагим» сўзи қандай тушунчани ифодалаган? Ж: Ватан тушунчасини

22. Чўлпоннинг «Бинафша» шеърида «Бинафша, сен учун кўкрагим эрк ери, Бу ердан кўкларга учгил» мисрасида «эрк ери» сўзи қандай тушунчани ифодалаган? Ж: Озод юрт тушунчасини

Кўчим ҳақида

1. Кўчим билан ўхшатишнинг фарқи? Ж: Кўчимда баъзан ўхшаган нарса, баъзан ўхшатиш билан нарса ифодаланиб, иккинчи қисмдаги маъно биринчисига кўчирилган бўлади

2. Кўчим? Ж: Сўзни кўчма маънода қўллаш ёки нарса-ҳодисага хос сифатларни қайсидир жиҳати билан шуларга ўхшайдиган бошқа нарса-ҳодисаларга кўчириш

3. Кўчимнинг қандай кўринишлари бор? Ж: Мажоз, истиора, рамз, тимсол

4. Кўчимнинг энг кўп ишлатиладиган кўриниши қайси? Ж: Истиора

5. Мажоз қатнашган асарларни топинг. Ж: Гулханийнинг «Туя билан бўталоқ», «Маймун билан нажжор», «Тошбақа билан чаён» ҳикоятлари

6. Мажоз? Ж: Адабий асарда ўқувчига ноаниқроқ бўлган тушунчани кўпчиликка маълум бўлган нарсаларга хос белгилар билан ифодалаш

7. Май ниманинг рамзи? Ж: Ҳаёт рамзи

8. Рамз адабиётшуносликда яна қандай атамалар билан юритилади? Ж: Тимсол ёки символ

9. Рамз? Ж: Англаши мураккаброқ бўлган мавҳум ахлоқий сифатнинг шу сифатларга кўпроқ эга бўлган нарса ва жониворлар орқали ифодаланиши

10. Истиора нима? Ж: Бирор нарса-ҳодисага хос бўлган хусусиятларни бошқа бир нарса-ҳодисага кўчириш орқали бадий маъно ифодалаш

Усмон Носир

1. *Тингла, эркам, ўртоғимсан,*

Кўнглимни очай.

Қоним шеър бўлиб оқсин-да,

Мен қайта ичай, – мисраларининг муаллифини топинг.

Ж: Усмон Носир

2. *Илҳомининг вақти йўқ, селдай келади.*

Жаллоддек раҳм этмай, дилни тилади.

Аёндир, бир куни айлайди хароб, – мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Усмон Носир

3. Усмон Носирнинг бизгача етиб келган ижодий мероси қанча? Ж: 5 та шеърӣ тўплам, 2 та достон, 1 та драма

4. Усмон Носирнинг таржималари? Ж: Пушкиннинг «Боғчасарой фонтани», Лермонтовнинг «Иблис» («Демон») достонларини

5. Қайси шоир ўзи таржима қилган Пушкиннинг «Боғчасарой фонтани» поэмасини йўқотиб қўйиб, достонни бошдан-оёқ ёддан айтиб бериб қайта тиклаган? Ж: Усмон Носир

6. *Итоат эт!*

Агар сендан Ватан рози эмас бўлса,

*Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил! Майли тамом ўлсам!*

– мисралари Усмон Носирнинг қайси шеърдан олинган? Ж: «Юрак» шеърдан

7. «Тор келган кўкрак», «кўзга беркитилган ой», «чарчаган тил» сингари образ ифодалар Усмон Носирнинг қайси шеърдан олинган? Ж: «Юрак» шеърдан

8. Усмон Носирнинг «Юрак» шеърининг охириги банди неча мисрадан иборат? Ж: 5 мисрадан

*9. Оловдек ловуллаб дил ёнар,
Бахтлиман, жангларга ярасам!*

– мисралари Усмон Носирнинг қайси шеърдан олинган? Ж: «Насимага деганим» шеърдан

10. Усмон Носирнинг қайси шеъри сонет жанрида яратилган? Ж: «Яна шеъримга»

Бадий адабиётнинг турлари

1. Драма қандай маънони билдиради? Ж: Юнонча «ҳаракат»

2. Драматик асарлар қайсилар? Ж: Фожиа (трагедия), комедия, драма

3. Лирика қандай маънони билдиради? Ж: Юнонча рубобга ўхшаб кетадиган чолғу асбоби (лира) жўрлигида айтиладиган қўшиқ

4. Саҳнада қўйиш учун яратилиб, монолог ва диалоглардан иборат бўлган, муаллиф асарда тасвирланган воқеаларга ҳам, унда иштирок этаётган образларга ҳам ўз муносабатини бевосита ифодаламайдиган бадий асарлар? Ж: Драматик асарлар

5. Шоирнинг туйғулари, кечинмалари акс эттирилган бадий асарлар? Ж: Лирик турдаги асарлар

6. Эпик тур қандай маънони билдиради? Ж: Юнонча «эпос» – ривоя, ҳикоя

7. Эпик турдаги асарларга қайсилар киради? Ж: Эртақ, масал, роман, қисса, ҳикоя

8. Қандай асарларда ўқувчининг туйғуларига, ҳиссиётларига таъсир этиш асосий мақсад қилиб қўйилади? Ж: Лирик асарларда

9. Қандай турдаги асарларда ҳаётда рўй бераётган воқеаларни кўрсатиш эмас, балки ана шу воқеалар туфайли инсонда пайдо бўладиган туйғулар тасвирини бериш муҳим ўрин тутди? Ж: Лирик турга мансуб асарларда

10. Адабий турлар нечага бўлинади? Ж: 3 га: эпик асарлар, лирик асарлар, драматик асарлар

11. Бир ёки бир неча одамнинг ҳаёти, тақдири, уларнинг бошқа одамлар билан муносабати ҳақида қикоя қилувчи, образларнинг характер хусусиятларини акс эттирувчи бадий асарлар? Ж: Эпик турдаги асарлар

8-СИНО АДАБИЁТИ

1. Мажбурий равишда жамоа хўжаликлар (колхозлар) тузиш қайси асарда акс этган? Ж: *Ф.Фуллом – «Кўкан», А.Қодирий – «Обид кетмон», А.Қаҳҳор – «Қўшчинор чироқлари»*

2. Бадий адабиёт инсон тафаккурига қандай таъсир қилади? Ж: *Инсоннинг туйғуларини қўзғатади, қалбини жунбушга келтиради, унга шу йўл билан таъсир кўрсатади*

3. *Менга қилса минг жафо, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, минг қатла фарёд айларам,* – мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Навоий

Юсуф Хос Ҳожиб

1. Қуз Ўрду қайси шаҳарнинг иккинчи номи? Ж: Болосоғуннинг

2. Қайси шоир «Болосоғуний» номига эга? Ж: Юсуф Хос Ҳожиб

3. «Қутадғу билиг»ни ким «Бахтликланиш билими» деган ном билан атаган? Ж: Фитрат

4. «Қутадғу билиг»нинг қўлёзма нусхалари тўғри саналган қаторни топинг. Ж: *Наманган, Қоҳира, Вена.*

5. «Қутадғу билиг»нинг Вена нусхаси қачон, ким томонидан кўчирилган? Ж: *1439 йилда Ҳиротда Ҳасан Қора Сойл Шамс томонидан уйғур ёзувида кўчирилган*

6. «Қутадғу билиг»нинг уйғур ёзувидаги нусхаси қандай номланади? Ж: *Вена*

7. Китоб Туркиянинг Тугот шаҳрида, 1474 йилда эса Истанбулга келтирилган. Уни кейинчалик машҳур шарқшунос Хаммер Пургштал сотиб олиб, Венадаги сарой кутубхонасига келтиради. Ушбу фикр «Қутадғу билиг»нинг қайси нусхаси ҳақида? Ж: *Вена*

8. «Қутадғу билиг»нинг қайси нусхалари араб ёзувида битилган? Ж: *Қоҳира, Наманган*

9. «Қутадғу билиг» неча байтдан иборат? Ж: 6409 байт

10. «Қутадғу билиг» неча бобдан тузилган? Ж: 73 бобдан

11. «Қутадғу билиг»да асосий воқеалар нима билан бошланади? Ж: Кунтуғдиннинг таърифи билан

12. «Маснавий» сўзининг маъносини топинг. Ж: Иккилик

13. «Қутадғу билиг»да дostonнинг асосий воқеаси неча бобда ифода этилган? Ж: 12 бобда

14. «Қутадғу билиг»нинг қайси қаҳрамони орқали давлатнинг ўткинчи, келиб-кетадиган ва ўзгарувчан нарса, сел каби тез келиб, тез кетадиган эканлиги англатилади? Ж: Ойтўлди

15. «Қутадғу билиг» бек номи қайси сўз билан боғлиқ равишда тилга олинади? Ж: Билиг сўзи билан

16. «Қутадғу билиг»да элнинг таянчи сифатида икки нарса эътироф этилади. Улар қайсилар? Ж: Ҳушёрлик ва сиёсат

17. «Қутадғу билиг»да бекнинг элини бузувчи нарсалари сифатида қайси ёмон хислатлар кўрсатилади? Ж: Зўрлик ва ғофиллик

18. «Қутадғу билиг»да бек учун зарар бўлган 5 хислат саналади. Улар қайсилар? Ж: Шошқалоқлик, очкўзлик, жаҳолат, ёмонлик, ёлғончилик

19. «Қутадғу билиг»нинг қайси нусхаси ҳақида 1823- йилда француз шарқшуноси Роберт Амедее маълумот чоп этиб, бу асарни илм аҳлига таништиради? Ж: Вена нусхаси ҳақида

20. «Қутадғу билиг»нинг қайси нусхаси ҳақида шарқшунос Вализода 1914 йилнинг 20 апрелида маълумот беради? Ж: Наманган нусхаси ҳақида

21. Фитрат кимдан «Қутадғу билиг»нинг Наманган нусхасини олишга муваффақ бўлади? Ж: 1924 йили Муҳаммад ҳожи Эшон Лоларешдан

22. Арузнинг мутақориби мусаммани маҳзүф вазнида ёзилган асарларни топинг. Ж: «Қутадғу билиг», «Садди Искандарий», «Шоҳнома», «Хирадномаи Искандарий»

23. «Қутадғу билиг»нинг қайси нусхаси 1896 йили топилган? Ж: Қоҳира нусхаси

24. Қошғар шаҳрининг иккинчи номи нима? Ж: Ўрдукент

25. «Қутадғу билиг»ни чинликлар қандай атаган? Ж: «Адаб ул-мулк» – «Подшолар одоби»

26. «Қутадғу билиг»ни мочинликлар нима деб атаган? Ж: «Амин ул-мамлакат» – «Мамлакат омонликлари»

27. «Қутадғу билиг»ни Шарқ элининг улуғлари қандай номлаган? Ж: «Зийнат ул-умаро» – «Амирлар зийнати»

28. «Қутадғу билиг»ни эронликлар қандай атаган? Ж: «Шоҳномаи туркий»

29. «Қутадғу билиг»ни туронликлар қандай атаган? Ж: «Қутадғу билиг» ёки «Пандномаи мулк»-Подшоҳлар пандномаси

30. «Қутадғу билиг» насрий ҳамда шеърий муқаддимадан ташқари, неча бобдан иборат? Ж: 71 махсус бобдан

31. Қайси асарда «Ўнг қўлинг қилич тутса ва тортиб турса, сўл қўлинг нарса олиб улашсин», дейилади? Ж: «Қутадғу билиг»да

32. «Қутадғу билиг» муаллифи бекнинг икки қилмишидан қут қочишини айтади. Улар қайсилар? Ж: Ичимлик ичиш ва фасод қилиш

33. Ушбу парча қайси асардан олинган?

«Қут пок нарсадир, у поклик тилайди,

Давлат соф нарсадир, у софлик тилайди. Ж: «Қутадғу билиг»дан

34. «Қутадғу билиг»нинг 31-боби нимага бағишланади? Ж: Бекликка лойиқ бек қандай бўлишини айтади

35. Қайси асарда: «Агар арслон итларга бош бўлса, итлар арслонга айланади, лекин ит арслонларга етакчилик қилса, арслонлар итлар каби бўлиб қолиши мумкин», дейилади? Ж: «Қутадғу билиг»да

36. «Қутадғу билиг»ни ким ўзбек тилига илмий таржима қилган? Ж: Қаяум Каримов

37. «Қутадғу билиг»ни шеърий йўл билан оммабоп қилиб таржима қилган олимни топинг. Ж: Боқижон Тўхлиев

38. «Қутадғу билиг»да беклик мустаҳкам бўлиши учун 4 нарса муҳимлиги саналади. Улар қайсилар? Ж: Кучли лашкар, кучли лашкарни сақлаш учун кўп бойлик, кўп бойликни тўплаш учун бадавлат халқ, бой-бадавлат халққа эга бўлиш учун адолатли сиёсат

39. «Қутадғу билиг»нинг қайси қаҳрамони адолат рамзи? Ж: Кунтуғди (чиққан Қуёш)—элиг, ҳукмдор

40. «Қутадғу билиг»нинг қайси қаҳрамони бахт ва давлат рамзи? Ж: Ойтўлди (тўлган Ой)—вазир

41. «Қутадғу билиг»нинг қайси қаҳрамони ақл ва заковат рамзи? Ж: Ўгдулмиш (ақлга тўлган)—вазирнинг ўғли

42. «Қутадғу билиг»нинг қайси қаҳрамони қаноат ва офият, яъни соғломлик рамзи? Ж: Ўзгурмиш (уйғонган)–вазирнинг қариндоши

Дидактик адабиёт ҳақида тушунча

1. «Дидактика» сўзининг маъносини топинг. Ж: Ибратли
2. Ким Х асраёқ Шарқ кўпроқ насиҳат йўли билан, Фарб эса ҳаётни реал кўрсатиш орқали кишини тарбиялашга мойиллигини махсус қайд этиб ўтган? Ж: Абу Али ибн Сино

3. Дидактик асарлар турларини топинг. Ж: Насрий дидактик асарлар, насрий-шеърий дидактик асарлар, шеърий дидактик асарлар

4. Насрий дидактик асарларларга қайсилар киради? Ж: «Пантачантра»–«Калила ва Димна», «Минг бир кеча», Хожанинг «Гулзор», «Мифтоҳул-адл» асарлари

5. Насрий-шеърий дидактик асарларга қайсилар киради? Ж: Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари, Саъдийнинг «Гулистон» асари, Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асари

6. Шеърий дидактик асарларга қайси асарлар киради? Ж: Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари, Ҳайдар Хоразмийнинг «Махзан ул-асрор» асари, Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асари

7. Ўзбек адабиётида яратилган дидактик асарни топинг. Ж: Шукруллонинг «Жавоҳирот сандиғи» асари

8. «Шарққа шеъриятни ўргатиб бўлмайди» деган фикр қайси шоирга тегишли? Ж: Абдулла Ориповга

Хоразмий

1. «Муҳаббатнома»нинг уйғур ёзувидаги нусхаси ким томонидан қачон кўчирилган? Ж: 1432 йилда Яздда Мир Жалолиддин таклифи билан Боқи Мансур хаттот томонидан

2. «Муҳаббатнома»нинг араб ёзувидаги нусхаси қачон кўчирилган? Ж: 1508-09 йилларда кўчирилган

3. «Муҳаббатнома»да қандай жанрлар учрайди? Ж: Нома, ғазал, соқийнома, маснавий, муножот, қитъа, фард

4. «Муҳаббатнома»даги нечанчи номалар форс тилида ёзилган? Ж: 4, 8-номалар

5. «Муҳаббатнома»да Хоразмийнинг қайси ўлкаларда бўлганлиги таъкидланади? Ж: Шом ва Рум ўлкаларида

6. «Муҳаббатнома» қасрда яратилган? Ж: Сирдарё атрофида

7. Хоразмий қачон Олтин Ўрда хони Жонибекнинг Сирдарё музофотидаги амалдорлардан бири Муҳаммад Хўжабек билан танишади? Ж: 1353 йилда

8. «Муҳаббатнома»нинг нечта қўлёзма нусхаси бор? Ж: 2 та

9. «Аввал кўришканини айтур», «Баёни воқеъин айтур» каби боблар қайси асарда мавжуд? Ж: «Муҳаббатнома»да

10. «Юзунгда кўрдум, эй ой, байрам ойин,
Мунунг шукронаси қурбон бўлойин»,
деб бошланувчи мисралар қайси жанрда? Ж: Ғазал

11. «Муҳаббатнома»нинг нечанчи номаси тонг насими-га мурожаат билан бошланади? Ж: 2-нома

12. «Муҳаббатнома»да номалар сўнгидаги маснавийларнинг барчасида соқийга мурожаат қилинади. Нечанчи номада Хоразмий соқийга эмас, ой юзли дилбарга мурожаат қилади? Ж: 5-номада

13. Қайси шоир ўз асарида мол учун мадҳу сано айтмаслигини таъкидлайди? Ж: «Муҳаббатнома»да, Хоразмий

14. Хоразмий қайси жанрларнинг ўзбек адабиётидаги дастлабки намуналарини яратди? Ж: Ғазал, қитъа ва фарднинг

15. «Муҳаббатнома»да Муҳаммад Хўжабекнинг қайси уруғдан эканлиги айтилади? Ж: Қўнғирот уруғидан

16. Хоразмий:

Анингким, ол энгинда менг яратти,

Бўйи бирла сочини тенг яратти».

– деганда нимани назарда тутган? Ж: Қизил юз ва бўй-кундуз, менг ва соч-кеча, кун билан туннинг тенглиги

17. Кун билан туннинг тенглиги эски ўзбек тилида қандай аталган? Ж: Эътидол

18. Кун билан туннинг тенг келиши Хоразмий томонидан сочи билан бўйининг тенг келишига ўхшителиши кимнинг қайси асарида ҳам акс этган? Ж: Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонининг 17-бобида

19. *«Анингким, ол энгинда менг яратти,*

Бўйи бирла сочини тенг яратти, – мисраларидаги «менг» сўзининг маъносини топинг. Ж: Каттароқ хол

20. Хоразмий «Муҳаббатнома»ни дастлаб ўн нома қилмоқчи бўлади, лекин яна бир нома қўшади. Бу ҳақда асарнинг қайси бобларида тўхталади? Ж: Маснавий қисмида

21. Навоийнинг қайси асарида Хоразмий «Муҳаббатнома»сидан байт келтирилган? Ж: «Муҳокамат ул-лугатайн»да

22. Хоразмий «Муҳаббатнома»да Муҳаммад Хўжабекни қандай таъриф-тавсифлар билан мақтайди? Ж: Олам подшоҳи, гулчеҳралар молик риқоби, шоҳи қабойил, оҳу назарлар шаҳриёри

Нома жанри ҳақида

1. «Нома» сўзи қайси тилдан олинган? Ж: Форс тилидан

2. Ўзбек мумтоз адабиётида нома жанрининг асосчиси сифатида ким эътироф этилади? Ж: Хоразмий

3. Нома жанрида ёзилган асарларни топинг. Ж: Хўжандий – «Латофатнома», Юсуф Амирий – «Даҳнома», Саид Аҳмад – «Таашшуқнома», Саййид Қосимий – «Ҳақиқатнома» ва «Садоқатнома» асарлари

4. Баъзи бадиий асарларнинг номларидаги «нома» сўзи мактуб жанрини билдирмайди. Улар... Ж: Ўша шахс ҳаёти билан боғлиқ тарихий асар маъносини билдиради

5. «Темурнома» асарининг муаллифи ким? Ж: Салоҳиддин Тошкандий

6. «Фард» сўзи қайси тилдан олинган? Ж: Араб тилидан

7. «Ёлғиз, битта, ягона» маъносини англлатувчи жанр қайси? Ж: Фард

8. Ушбу фард муаллифини топинг:

Ҳар вақтки кўргасен менинг сўзумни,

Сўзумни ўқуб англагайсен ўзумни. Ж: Бобур

9. Айрим йирик асарларда қиссадан қисса тарзида хулоса айтиш учун келтириладиган жанри топинг. Ж: Фард

10. Ушбу фард муаллифини топинг:

Ниёзим бу турур сендин нигоро,

Унутма банди баҳри худоро. Ж: Хоразмий

Лутфий

1. Лутфийнинг асл исми ким? Ж: Умар

2. Ушбу муаммо муаллифини топинг:

Кўрай десанг агар истаб отимни,

«Иморат»ни бузиб отни чиқаргил. Ж: Лутфий

3. «Лутфий» сўзининг маъносини топинг. Ж: Латиф, гўзал лутфли, ширинсухан

4. Ушбу шеър муаллифини топинг:

Нозуклик ичра белича йўқ тори гисуйи,

Ўз ҳаддини билиб, белидин ўлтурур қуйи. Ж: Лутфий

5. Ушбу шеърда қайси санъатдан фойдаланилган?

Аёқингга тушар ҳар лаҳза гису,

Масалдурким, чароғ туби қаронгу. Ж: Ирсоли масал

6. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарини ўзбек тилига ким шеърий таржима қилган? Ж: Лутфий

7. Ушбу шеър муаллифини топинг:

Мени шайдо қиладургон бу кўнгулдур, бу кўнгул,

Хору расво қиладургон бу кўнгулдур, бу кўнгул. Ж: Лутфий

8. Қайси шоир «Малик ул-калом» деб эъзозланган? Ж: Лутфий

9. Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Халқаро жамғарма уюштирган илмий-ижодий экспедиция аъзолари томонидан Деҳқанор қишлоғига қачон мақбара қурилди? Ж: 2006 йилнинг май ойида

10. Ушбу шеър муаллифини топинг:

Ҳақ ул кунким жамалинг бор этибдур,

Жаҳон ҳусниқ борин сизга берибдур. Ж: Лутфий

11. Ушбу шеър муаллифини топинг:

Эй одамлар жони, нарига не бўлурсан?

Бу жисм ила гулбарги тариға не бўлурсан? Ж: Лутфий

12. «Мавлоно» сўзининг маъноси нима? Ж: Улуғ устод

13. Қайси асар орқали мавлоно Лутфийнинг Ҳиротда туғилиб ўсгани, ўзи яшаган Деҳқанор қишлоғида дафн этилганини билиб оламиз? Ж: Навоий, «Насойим ул-муҳаббат»

14. Лутфийнинг «Мени шайдо қиладургон бу кўнгулдур, бу кўнгул, Хору расво қиладургон бу кўнгулдур, бу кўнгул» ғазалига ким назира боғлаган? Ж: Нодира

15. Лутфийнинг «Аёғингга тушар ҳар лаҳза гесу, Масалдурким, чароғ туби қаронғи» номли ғазали вазнини топинг. Ж: Ҳазажи мусаддаси маҳзуф.

16. Лутфийнинг «Хоҳ инон, хоҳ инонма» ғазали ҳажмини топинг. Ж: 7 байт

17. Лутфийнинг «Хоҳ инон, хоҳ инонма» ғазали қофияларини топинг. Ж: Севарим, жигарим, саҳарим, гузарим, хабарим, басарим, назарим, сиймбарим

18. Лутфийнинг қайси ғазали радифида тазод санъати қўлланилган? Ж: Лутфийнинг «Хоҳ инон, хоҳ инонма» ғазалида

19. Лутфийнинг «Хоҳ инон, хоҳ инонма» ғазали мақтаъсида «Ишқ ўтида Лутфий юзи олтунни ёшурди» мисралари қандай маънони англатади? Ж: Лутфийнинг юзи шу даражада сарғайдики, бунинг олдида тиллонинг сариқлиги ҳеч нарса бўлмай қолди

20. Лутфийнинг «Хоҳ инон, хоҳ инонма» ғазалига қайси шоир назира боғлаган? Ж: Машраб

21. Лутфийнинг «Мени шайдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул, Хору расво қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул» ғазали ҳажмини топинг. Ж: 7 байт

22. Лутфийнинг қайси ғазали радифи беш сўздан иборат бўлиб, барчаси туркий? Ж: Лутфийнинг «Мени шайдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул, Хору расво қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул» ғазали

23. Лутфийнинг «Мени шайдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул, Хору расво қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул» ғазали қофияларини топинг. Ж: Шайдо-расво-ё-таманно-тақозо-савдо-по-дарё

24. Лутфийнинг «Аёғингга тушар ҳар лаҳза гесу, Масалдурким, чароғ туби қаронғи» номли ғазали ҳажми? Ж: 5 байт

25. Лутфийнинг «Аёғингга тушар ҳар лаҳза гесу, Масалдурким, чароғ туби қаронғи» номли ғазалининг нечанчи байтларида ёрнинг юзи ҳақида сўз юритилади? Ж: 1-2-3-байтларида

26. Лутфийнинг «Аёғингга тушар ҳар лаҳза гесу, Масалдурким, чароғ туби қаронғи» номли ғазали матлаъсида юз нимага ўхшатишган? Ж: Чирроғга

27. Лутфийнинг қайси ғазали қофияларининг барчаси туркий? Ж: «Ҳақ ул кунким, жамолинг бор этибдур» ғазали

28. Лутфийнинг қайси ғазали таносуб санъати асосига қурилган? Ж: «Эй одамлар жони, париға не бўлурсан? Бу жисм ила гулбарги тариға не бўлурсан?» ғазали

29. Лутфий:

Сендек санаме кўрман Лутфий Чигатойда,

Чин сўйла, Хито хўбларига не бўлурсан?

– байтида қайси бадий санъатдан фойдаланган? Ж:

Ийҳом санъатидан

30. *Мен сенинг илкингдин, эй дил, бандамен,*

Ваҳ, қачон еткаймен ул дилбанда мен.

Бевафоларга мени қилдинг асир,

Сен менга султонсен, эй дил, банда мен,

– шеърининг жанри ва муаллифини топинг. Ж: Лутфий,

туюқ

31. *Қоматингни неча қошинг ё қила,*

Неча ҳажр ўти жонимда ёқила.

Ғамза бирла тўкти қоним ул санам,

То ҳинотек қон элина ёқила,

– шеърининг жанри ва муаллифини топинг. Ж: Лутфий,

туюқ

32. *Қошларинг хуш ложуварду тоқ эрур,*

Хуш ичинда беназиру тоқ эрур.

Торта олмасман фироқинг, нетайин,

Қилча танга бори ишқинг тоқ эрур.

– шеърининг жанри ва муаллифини топинг. Ж: Лутфий,

туюқ

Туюқ ҳақида

1. Қайси ижодкор туюқнинг бир неча турларини кўрсатган? Ж: Бобур

2. Фақат туркий адабиётда мавжуд бўлган жанри топинг. Ж: Туюқ

3. Туюқ жанрининг адабий-бадий талабларини топинг. Ж: 1. Туюқ тўрт мисрадан иборат бўлиши керак. 2. Туюқ мисралари *а-а-а-а* ёки *а-а-б-а* тарзида қофияланиши зарур.

3. Туюқ рамали мусаддаси маҳзүф (ёки мақсур) вазнида, яъни «фоилотун-фоилотун-фоилун (ёки фоилон)» тарзида бўлиши керак. 4. Туюқда қофияга олинган сўзлар тажнисли бўлиши, яъни омоним сўзлардан ташкил топиши даркор

4. Дастлаб яратилган туюқларда қайси шарт бўлмаган? Ж: Туюқда қофияга олинган сўзлар тажнисли бўлиши, яъни омоним сўзлардан ташкил топиши даркор

Алишер Навоий

1. Алишер Навоий болалигида Тафт шаҳрида қайси буюк шахс билан учрашади? Ж: Тарихчи олим Шарафиддин Али Яздий

2. Алишер Навоийнинг «Оразин ёпқоч...» деб бошланувчи ғазали матлаъсига Лутфийнинг ўша вақтга қадар ёзган 12 минг байт шеърини алмаштирмоқчи бўлганлиги ҳақидаги воқеа кимнинг асарида ҳикоя қилинган? Ж: Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» асарида

3. Алишер Навоий кимни «ота масобаси» (даражаси)да кўрган? Ж: Саййид Ҳасан Ардашерни

4. Алишер Навоий жанрларни нима деб атаган? Ж: Синфлар

5. Ушбу шеър муаллифини топинг:

*Ғазал таврига айлаб аввал ситез,
Жаҳон ичра солдим ажаб рустахез.*

Ҳар асносфи зикри эмас шаънима,

Билур ҳар киши боқса девонима. Ж: Навоий

6. Навоийнинг «Келмади» ғазали неча байтдан иборат? Ж: 7 байтдан

7. Навоийнинг «Келмади» ғазали вазнини топинг. Ж: рамали мусаммани маҳзүф (фоилотун – фоилотун – фоилотун – фоилун)

8. Навоийнинг «Келмади» ғазалидаги радиф вазифасида келган ўзбекча сўзларни топинг. Ж: Уйқу, қоронғу, кулгу, сув, ўтру, қайғу

9. Навоийнинг «Келмади» ғазалидаги радиф вазифасида келган форсча сўзларни топинг. Ж: Гулрў, бадхў

10. Навоийнинг «Келмади» ғазалида қайси санъат асосий ифода ва тасвир воситасига айланган? Ж: Тазод–қаршилангириш санъати

11. Мумтоз шеърятимиздаги «бегона байт» тушунчаси нима? Ж: Мақтаъдан олдинги байт

12. Абдулла Орипов «бегона байт»ни қандай таърифлаган? Ж: «Бу байтда шоир кимни мақтагиси келса–мақтайди, кимни ёмон кўрса, ундан аламини олади, ғазал умумйўналишига у қадар боғланмайдиганроқ гапи бўлса ҳам, шу ерда айтиб қолади».

13. Навоийнинг «Келмади» ғазалидаги қайси байт «бегона байт»?

Ж: *Толиби содиқ топилмас, йўқсаким қўйди қадам,*

Йўлгаким, аввалқадам маъшуқе ўтру келмади

14. Навоийнинг «Келмади» ғазали мақтаъсида «бода» сўзи неча марта такрорланган? Ж: 2 марта

15. Тасаввуф адабиётида «бода, май, чоғир, шароб» тимсоллари нимани билдиради? Ж: Илоҳий ишқни

16. Навоийнинг «Қилғил» ғазали неча байтдан иборат? Ж: 8 байтдан

17. Навоийнинг «Қилғил» ғазалидаги радиф бўлиб келган арабий сўзлар қайсилар? Ж: Фан, ватан, расан, кафан

18. Навоийнинг «Қилғил» ғазалида радиф вазифасида келган форсий сўзларни топинг. Ж: Кўҳқан, шикан, анжуман

19. Навоийнинг «Қилғил» ғазалидаги радиф бўлиб келган ўзбекча сўзларни топинг. Ж: Тикан

20. Навоий «Муншаот» асарида ҳукмдорлардан бирига жўнатилган мактубда икки нарсани маслаҳат тариқасида қаттиқ шарт қилиб қўяди. Булар қайсилар? Ж: биринчиси: Ҳақ таоло амрига тўла итоатда бўлиб, букюрган ишларини сўзсиз бажариш; иккинчиси: Тангри ман этган ишлар (наҳй)-

ни қилмаслик. Ман этилган ишлардан тийилишнинг ҳеч бири эса «чоғир таркича бўлмас»

21. «Қилғил» ғазалининг биринчи байтида Навоий қандай санъатдан фойдаланган? Ж: Тажнис

22. Соч «Қилғил» ғазалида қандай рамзий маъно ифодалаб келган? Ж: Аллоҳ сирларига етишга бир ишора

23. Навоийнинг «Бўлдум санга» ғазали неча байтдан иборат? Ж: 7 байтдан

24. Навоийнинг «Бўлдум санга» ғазали қайси вазнда ёзилган? Ж: Рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун – фоилотун – фоилотун – фоилун)

25. Туркий шеърят учун энг анъанавий бўлган вазн қайси? Ж: Рамали мусаммани маҳзуф

26. Навоийнинг «Бўлдум санга» ғазалидаги «Жоми Жам» сўзи қандай маънони англатади? Ж: Кўнгилда Аллоҳ акс этишига ишора

27. Навоийнинг «Бўлдум санга» ғазалидаги «Хизр суви» қандай маънони билдиради? Ж: Абадий яшашга, яъни Яратган васлига етишга ишора

28. Навоийнинг «Бўлдум санга» ғазали қандай ундалмалар мавжуд? Ж: Эй пари пайкар, эй кўнгул, соқиб

29. Навоий «Бўлдум санга» ғазалининг матлабсида қандай бадиий санъатдан фойдаланган? Ж: Тажнис санъатини

30. Навоийнинг «Дейин» ғазали неча байтли? Ж: 7 байтли

31. Навоийнинг «Дейин» ғазалида қандай санъатдан фойдаланилган? Ж: Радул-матлаъ (матлаъни такрорлаш)

32. Навоийнинг «Дейин» ғазалида «дейин» сўзи неча марта такрорланган? Ж: 20 марта

33. Навоийнинг «Дейин» ғазалида «дейин» сўзи радифда неча марта такрорланган? Ж: 8 марта

34. Навоийнинг «Дейин» ғазалидаги қайчи байтдан ташқари бошқа байтлардаги биринчи мисраларда ички қофия оҳангдошлиги мавжуд? Ж: Мақтаъда ички қофия йўқ

35. Навоийнинг «Жонға чун дермен: «Не эрди ўлмаким кайфияти» ғазалининг ҳажми қанча? Ж: 7 байт

36. Навоийнинг «Жонға чун дермен: «Не эрди ўлмаким кайфияти» ғазалида қайси бадий санъатдан фойдаланилган? Ж: Савол-жавоб санъати

37. Навоийнинг «Жонға чун дермен: «Не эрди ўлмаким кайфияти» ғазалида шоир нималарга савол беради? Ж: Жонга, жисмга, бағирга, кўнгулга, кўзга

38. Навоийнинг «Жонға чун дермен: «Не эрди ўлмаким кайфияти» ғазалидаги қайси образ йиғлаб юборади? Ж: Кўз

39. Навоийнинг «Жонға чун дермен: «Не эрди ўлмаким кайфияти» ғазалиги лирик қаҳрамон ишқиға ҳақиқий «айбдор» ким? Ж: Азал қисмати

40. Навоийнинг қайси ғазалида фикр кетма-кетлиги тадриж асосида ривожлантирилади? Ж: «Ёрдин аиру кўнгул мулкедурур султони йўқ»

41. Қайси шоир «низоми миллати ва дин» (дин ва миллатнинг низоми) даражасига етган эди? Ж: Навоий

42. Алишер Навоийни ким «низоми миллати ва дин»(дин ва миллатнинг низоми) деб таърифлайди? Ж: Бобур

43. «Фақир аввал назмеки ўрганибмен, ҳамоно уч ёш била тўрт ёшнинг ўртасида эрдим, азизлар шеър ўқимоқ таклифи қилиб, баъзи ҳайрат изҳор қилурлар эди», деган фикрларни Алишер Навоий қайси асарида ёзган? Ж: «Маъжолис ун-нафоис»

44. М.Шайхзода Алишер Навоий ғазалларини неча турга бўлиб ўрганиш мумкинлигини айтган? Ж: Ошиқона, орифона, риндона

45. Тагига чизилган сўзнинг маъносини топинг:

Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам,

Йўлгаким, аввал қадам маъшуқа ўтру келмади. Ж: Рўпа-

ра

Сайфи Саройи

1. Қайси шоирнинг адабий таҳаллуси «Қилич» маъноси-ни билдиради? Ж: Сайфи Саройи

2. Ушбу шеър муаллифини топинг:

Топилмас ҳусн мулкинда сенга тенг бир қамар манзар,

На манзар-манзари шоҳид, на шоҳид-шоҳиди дилбар. Ж:

Сайфи Саройи

3. Сайфи Саройи қайси асарининг муқаддимасида шоирларни уч гуруҳга ажратади? Ж: «Гулистони бит-туркий» асарида

4. Қайси ижодкор шоирларни булбул, зог, тўти каби уч гуруҳга бўлади? Ж: Сайфи Саройи

5. «Суҳайл ва Гулдурсун» достони қачон яратилган? Ж:

Ҳижрий 796 – милодий 1394 йилда

6. «Суҳайл ва Гулдурсун» достони замирида қайси тарихий воқеа ётади? Ж: Амир Темурнинг Хоразмга юриши

7. Ушбу байт қайси дostonдан олинган?

Фалак айланмаси-ла давр етгай,

Адолат уругиндин бахт битгай. Ж: «Суҳайл ва Гулдурсун» достони

8. Сайфи Саройи Саъдийнинг «Гулистони бит-туркий» асарини қачон узбек тилига таржима қилган? Ж:

А 793/1390-91 йилда В 794/1391-92 йилда С 793/1392-93 йилда

9. Қайси дoston қаҳрамони «севинчи қора кийган, кўзи намгин, кўнгли сўлғин» деб таърифланади? Ж: «Суҳайл ва Гулдурсун» дostonи

10. «Суҳайл ва Гулдурсун» дostonи қайси воқеалар билан бошланади? Ж: Суҳайлнинг зиндонга тушиши билан

11. Ушбу сатрлар муаллифини топинг:

Хотин содиқ, ани севгил, азиз эр,

Ҳар оғир ишда ҳар доим сени дер.

Унга дўст бўл, уни севгил, кўнгил бер.

Унинг сўз баҳридин гавҳарларни тер. Ж: Сайфи Саройи «Суҳайл ва Гулдурсун» достони

12. «Суҳайл ва Гулдурсун» достони қандай бошланади?

Ж: *Эмас афсона, чин ушбу битилмиш.*

Бу чин афсонатек ишқда етилмиш.

13. Қайси жанр воқеа ва ҳодисаларни эпик кўламда акс эттиришга имкон беради? Ж: Маснавий

14. Маснавий шаклида қандай асарлар ёзилади? Ж: Достон, қасида, нома

Нодира

1. Нодиранинг асл исми ким? Ж: Моҳларойим

2. Нодира ўзбекча шеърларига қайси таҳаллусларни қўйган? Ж: Нодира, Комила

3. Нодира форсча шеърларида қайси таҳаллусни қўллаган? Ж: Макнуна

4. Нодиранинг онаси ва отаси исмини топинг. Ж: Раҳмонкул оталиқ ва Ойшабегим

5. Нодира қачон Умархонга турмушга чиққан? Ж: 1807 йилда

6. Қайси шоираларнинг элга танилишида Нодиранинг хизмати беқиёс? Ж: 1. Жаҳонотин Увайсий. 2. Маҳзуна. 3. Дилшод Барно

7. Нодиранинг муашшар шаклида ёзилган фироқномаси кимга бағишланган? Ж: Турмуш ўртоғи Умархон вафотига

8. Нодиранинг «Фироқномаси» қандай бошланади? Ж:

Оҳ ким, беҳад менга жавру жафо айлар фалак

9. Нодиранинг «Фироқнома» шеъри нақоратини топинг. Ж: *Ҳеч ким, ё раб, жаҳонда ёридин айрилмасун*

10. Нодира ўғилларининг исми тўғри саналган қаторни топинг. Ж: Муҳаммад Алихон, Султон Маҳмудхон

11. Нодира ҳақидаги ушбу таъриф кимники: «Ақлу до-ниш ва яхши фазилатлари билан нодираи даврон»? Ж: Ҳотиф

12. Нодирага ким қайси асарини бағишлаб яратган? Ж: Нодир (Узлат) «Ҳафт гулшан» (Етти гулшан)

13. Нодиранинг бизгача нечта девони етиб келган? Ж: 2 та

14. Нодира девонида нечта ғазал мавжуд? Ж: 189 та

15. Нодиранинг форс тилидаги девони қандай номлана-ди? Ж: «Девони Макнуна»

16. Увайсий қайси асарида Нодиранинг ижоддаги сало-ҳияти, туркча ва форсча шеърятининг шухрати ҳақида маъ-лумот беради? Ж: «Воқеоти Муҳаммад Алихон»

17. Ушбу шеър муаллифини топинг:

*Жилва кўрсатди чу ул сарви дилоро боғ аро,
Чашми қумри бўлди бир чашми тамошо боғ аро.*

Ж: Нодира

18. Ушбу шеър муаллифини топинг:

*Кел санга, эй шаҳи жаҳон, мамлакати жаҳон фидо,
Дийдаларимга қўй қадам ҳар қадаминингга жон фидо.*

Ж: Нодира

19. Ушбу шеърдаги мурожаат кимга ёки нимага қара-тилганлигини топинг:

Фигонким, гардиши даврон айирди шаҳсуворимдин,

Ғамим кўп... сен беҳабарсен ҳоли зоримдин. Ж: Эй кўнгул

20. Ушбу шеър муаллифини топинг:

На гул сайр айла, на фикри баҳор эт,

Жаҳондин кеч, хаёли васли ёр эт. Ж: Нодира

21. Ушбу сатрлар муаллифини топинг:

Сиёдат хонадони, шоҳи Бобур насли покимен,

Худоё, раҳмат айла барча аждоди изомимни. Ж: Нодира

22. Қайси шоираларнинг тақдири ўхшаш? Ж: Нодира ва

Зулфия

23. Нодиранинг айрим шеърларига назиралар битган ижодкорни топинг. Ж: Фурқат

24. Нодиранинг «Фироқнома» муашшари неча банддан иборат? Ж: 10 та, жами 100 мисра

25. Нодиранинг «Фироқнома» муашшарининг 1-бандида шоира тақдирини нимага боғлаб тушунтиради? Ж: Фаллакка

26. «Фалак» сўзи шеъриятда қандай маънони англатади? Ж: Фалак–осмон, коинот, тақдир, дунё, тарих, замон, кенг маънода Аллоҳ

27. Нодиранинг «Фироқнома» муашшарининг нечанчи бандида шоира ёри билан ўтказган дамларини эслайди? Ж: 3-бандида

28. Нодиранинг «Фироқнома» муашшарининг нечанчи бандида ҳасби ҳол билан боғлиқ жиҳатлар кучлироқ? Ж: 7-бандида

29. Нодиранинг «Фироқнома» муашшарининг нечанчи бандида ёрдан шикоят кучайиб, у ваъда бериб, сўзида турмаганликда айбланади? Ж: 8-бандда

30. *Менга сенсиз дард узра дарду алам узра алам,*

Дард-ёру гусса-ҳамдам, гам-фаровон, айш-кам,

– мисралари кимнинг қайси асаридан олинган? Ж: Нодира, «Фироқнома» муашшари

31. Оҳ-нола чекиш тасаввуф адабиётида нимага ишора ҳисобланади? Ж: Ишқнинг комил бўлганига ишора

32. Нодиранинг фироқномаларини шартли равишда неча турга бўлиш мумкин? Ж: 1) фироқнома руҳидаги турли лирик асарлар; 2) махсус «Фироқнома» муашшари

33. Нодира «Фироқнома» муашшарида қайси таҳаллусини қўллайди? Ж: Комила

34. Нодира «Фироқнома» муашшаридаги нечанчи бандда муғаннийга мурожаат қилинади? Ж: 10-бандида

Мусамман ва муашшар

1. «Ипга терилган марварид» маъносини билдирувчи жанрни топинг. Ж: Мусаммат
2. Мусамматлар яратилиш хусусиятига кўра қандай турларга бўлинади? Ж: 2 турга: мустақил ва тазмин мусамматлар
3. Таъби худ қандай мусаммат тури? Ж: мустақил мусаммат тури
4. Ҳар бир банди 9 мисрадан иборат мусаммат қандай номланади? Ж: Таснеъ, мустаснеъ
5. Ҳар бир банди 10 мисрадан иборат мусаммат қандай номланади? Ж: Машруъ, муашшар
6. Қитъанинг ғазалдан фарқи қандай? Ж: Қитъа ҳам байтлардан ташкил топади, аммо унинг матлаъси йўқ: худди ғазалнинг ўртасидаги бир неча байтини юлиб олганга ўхшайди
7. Бирор ғазал асосида – заминида яратилган мусамматлар қандай номланади? Ж: Тазмин мусаммат
8. Мусамматлар бандлардаги мисраларнинг сонига қараб неча турга бўлинади? Ж: 8 турга
9. Ҳар бир банди саккиз мисрадан ташкил топган мусаммат тури қандай аталади? Ж: Мусамман
10. Ҳар бир банди уч мисрадан ташкил топган мусаммат тури қандай аталади? Ж: Мусаллас
11. Ҳар бир банди тўрт мисрадан ташкил топган мусаммат тури қандай аталади? Ж: Мураббаъ
12. Ҳар бир банди беъш мисрадан ташкил топган мусаммат тури қандай аталади? Ж: Мухаммас
13. Ҳар бир банди олти мисрадан ташкил топган мусаммат тури қандай аталади? Ж: Мусаддас
14. Ҳар бир банди етти мисрадан ташкил топган мусаммат тури қандай аталади? Ж: Мусаббаъ

15. Мусамматлар қофия тизимига кўра неча турга бўлинади? Ж: 4 турга

Абдурауф Фитрат

1. Фитратнинг отаси ва онасининг исмларини топинг. Ж: *Абдурахимбой ва Мустафбиби (Настарбиби)*

2. Фитратнинг укаси ва синглисининг исмларини топинг. Ж: Абдурахмон, Маҳбуба

3. Фитрат қайси жамият орқали Туркияга ўқишга борган? Ж: 1910 йилда «Тарбияти атфол» жамияти орқали

4. Фитрат Туркияда қандай жамият тузган? Ж: «Бухоро тамими маориф жамияти»

5. Фитратнинг Туркияда ёзган асарларини топинг. Ж: 1.«Сайҳа» шеърий тўплами 2.«Мунозара» 3.«Ҳинд сайёҳи баёноти»

6. Фитратнинг форс тилидаги шеърий тўпламини топинг. Ж: «Сайҳа» шеърий тўплами

7. Фитратнинг форс тилида яратган асарлари номини топинг. Ж: «Сайҳа», «Мунозара»

8. Фитратнинг дастлабки йирик асари қайси? Ж: 1909 йилда яратилган «Мунозара» (Ҳиндистондаги бир фаранги ила бухоролик мударриснинг жадид мактаблари хусусинда қилган мунозараси)

9. Фитратнинг 1912 йилда яратилган насрий асари қайси? Ж: «Ҳинд сайёҳи қиссаси» асари

10. Фитрат қайси сиёсий партияни тузган? Ж: «Ёш бухороликлар»

11. Фитрат томонидан тузилган «Ёш бухороликлар» сиёсий партияси кейинчалик неча фирқага бўлиниб кетди ва уларга кимлар раҳбарлик қилган? Ж: 2 та фирқага: 1) «ўнг қанот»га Абдувоҳид Бурҳонов; 2) «чап қанот»га Фитрат раҳбарлик қилган

12. Фитрат нечанчи йилдан Самарқанддаги «Хуррият» газетасига муҳаррирлик қила бошлади? Ж: 1917 йилдан 1918 йилгача

13. Фитратнинг 1917 йилда нашр этилган китобини топинг. Ж: «Мунозара»

14. Қайси ижодкор Туркистон мухторияти ташкил қилинган кунни «Миллий лайлатулқадримиз» деб атаган? Ж: Фитрат

15. Фитрат қачон Тошкентда «Чиғатой гурунги» номли илмий-адабий-маданий ташкилот тузди? Ж: 1918 йилда

16. «Чиғатой гурунги» қатнашчилари ўз асарларини қайси газета ва журналларда эълон қилиб бордилар? Ж: «Иштирокию» газетасида, «Қутилиш» газетасида, «Тонг» журналида

17. Фитрат Шўролар даврида қайси лавозимларда ишлаган? Ж: Ташқи ишлар вазири, Маориф вазири, Марказий Ижроқўм раисининг ўринбосари

18. Қайси ижодкор биринчи ўзбек профессори бўлган? Ж: Фитрат

19. Фитратга профессорлик унвони қайси институт томонидан берилган? Ж: Ленинград академияси томонидан

20. Фитратнинг қайси асарлари Москвада нашр этилган? Ж: «Абулфайзхон» драмаси, «Шайтоннинг тангрига исёни» номли драматик достони

21. Қайси газетанинг 1917 йил 7 ноябрь сонида Фитрат: «Русияда янги бир бало бош кўтарди: большевик балоси!» деб ёзган? Ж: «Хуррият» газетасида

22. Фитрат қачон биринчи бор Чўлпон билан Тошкентда учрашди? Ж: 1918 йилда

23. Фитратнинг педагогик асарларини топинг. Ж: «Мухтасар ислом тарихи», «Ўқу»

24. Фитратнинг қайси асарлари ўзбек театрларида муваффақиятли саҳналаштирилган? Ж: 1. «Ўғузхон». 2. «Чин севиш». 3. «Шайтоннинг тангрига исёни». 4. «Арслон»

25. Фитратшунос олимларни топинг. Ж: Ҳ. Болтабоев, В.Қосимов, И.Ғаниев, В.Эргашев

26. Фитратнинг «Аруз ҳақида» китоби қачон эълон қилинган? Ж: 1936 йилда

27. Фитрат кимнинг таклифи билан 1920 йилда Бухорога қайтади? Ж: Дўсти Ғайзулла Хўжаев таклифи билан

28. Фитратнинг Москвада ёзилган илмий-оммабоп очерк-лари ва дарслик қўлланмаларини топинг. Ж: «Бедил» илмий-оммабоп очерки, «Ўзбек тили қодалари тўғрисида бир тажриба: Сарф (1-китоб), Наҳв (2-китоб)», «Сарфи забони тожик», «Адабиёт қодалари» дарслик-қўлланмалари

29. Фитратнинг Самарқандда яратилган илмий асарлари номини топинг. Ж: «Энг эски туркий адабиёт намуналари», «Ўзбек адабиёти намуналари», «Шарқ шахмати», «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи», «Фурс шоири Умар Хайём»

30. Фитратнинг «Миррих юлдузига» шеъри қандай бошланади? Ж: *Гўзал юлдуз, еримизнинг энг қадрли тувғони...*

31. Фитратнинг «Миррих юлдузига» шеъри қандай якунланади? Ж: *Борми сенда қорин-қурсоқ йўлида,*

Элин, юртин, борин-йўгин сотқонлар

32. Фитратнинг «Ўгут» шеъри қандай бошланади? Ж: *Оғир йигит, сенинг гўзал, нурли кўзингда*

33. Ушбу парча кимнинг қайси шеъридан олинган?

Турма-югур, тинма-тириш, букилма-юксал,

Ҳуркма-кураш, қўрқма-ёпиш, ёрилма-қўзғал. Ж: Фитратнинг «Ўгут» шеъри

34. Ушбу шеър муаллифини топинг:

Мени беҳуда ташладинг-кетдинг,

Нега ўлтирмадинг-да, тарк этдинг. Ж: Фитрат

35. Ушбу шеър муаллифини топинг:

Юрагимнинг қалин, қизгин оловчи-ла қайнагон

Кўз ёшларим, қайдасиз? Ж: Фитрат

36. Фитратнинг «Ўгут» шеъри сарлавҳаси замирида қандай маъно бор? Ж: Чақирув, даъват, уйғотиш

37. Фитратнинг «Миррих юлдузига» шеъри қачон яратилган? Ж: 1920 йилда

38. Миррих (Марс) сайёраси қайси ойннинг ҳомий сайёраси ҳисобланади? Ж: Шамсий (Қуёш) йил ҳисобида Ҳамал (Март) ойнининг

39. Миррих сайёрасининг хос белгиси қайси? Ж: Олов

40. Нима учун Фитрат «Миррих юлдузига» шеърида Миррих юлдузига мурожаат қилади? Ж: Марс юлдузи жангу жадал рамзи, кунонларда уруш худоси бўлгани учун шоир ўз ўлкасида бўлиб ўтаётган хунрезликлар кўламини урғулаб ифодаламоқ учун уни жангу жадаллар макони- Миррих (қондай қизил сайёра) бағридаги ҳодисаларга қиёслайди

41. Қайси ижодкор «Шарқ шахмати», «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» номли илмий асарлар ёзган? Ж: Фитрат

42. Қайси ижодкор Бедил ва Умар Хайём ҳақида илмий изланишлар олиб борган? Ж: Фитрат

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий

1. Ҳамзанинг онасининг исмини топинг. Ж: Жаҳонбиби

2. Ҳамзанинг отасининг исмини топинг. Ж: Ибн Ямин Холбой ўғли

3. Ҳамзанинг неча жилдлик асарлари эълон қилинган? Ж: 5 жилдлик

4. Ҳамза қачон Ўзбекистон Халқ ёзувчиси унвонига сазовор бўлган? Ж: 1926 йилда

5. Ҳамзанинг «Девони Ниҳоний» девони ҳақидаги тўғри ҳукми топинг. Ж: 1905 йилдан буён ёзган шеърларини жамлаган, 214 та шеъри бўлган, 1914 йилда тузилган

6. Ҳамзанинг 1915-1919 йилларда чоп этилган «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуи» нечта туркумдан ташкил топган? Ж: 8 та

7. Ҳамзанинг 1914-15 йилларда яратилган миллий романларини топинг. Ж: «Янги саодат», «Учрашув».

8. Ҳамзанинг драмаларини топинг. Ж: 1.«Ўч» (1914). 2.«Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» (1915). 3.«Илм ҳидоят» (1916). 4.«Мулла Нормухаммад домланинг куфр хато-си» (1916). 5.«Очлик қурбонлари» (1916)

9. Ҳамзанинг қайси асарларида даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий масалалари дадил кўтариб чиқилган? Ж: «Мухторият ёки автономия» (1917), «Ким тўғри» (1918), «Тухматчилар жазоси» (1918), «Бой ила хизматчи» (1918), «Лошман фожиаси» (1916-18 йиллар, 3 бўлимли), «Фарғона фожиаси» (1919-1920 йиллар, 4 бўлимли)

10. Ҳамзанинг қайси асарлари драматургиянинг гултожи ҳисобланади? Ж: «Майсаранинг иши» (1916), «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллагилар иши» (1916)

11. Ҳамзанинг дарсликлари номини топинг. Ж: «Ўқиш китоби», «Қироат китоби», «Енгил адабиёт»

12. «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» асаридаги Марямхонимнинг онасининг исми? Ж: Сора

13. «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» асарида Марямхоним билан Маҳмудхоннинг орасида хат юритувчи кампирнинг исми? Ж: Зайнаб

14. «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» асарида қайси персонаж Маҳмудхоннинг отасига: «Энди, бой афанди, жанобингиздики маъқул, сизга ҳеч муносибмас ва ҳам буниси борки, у қиз ҳазрати эшонга назр бўлган, энди ҳазрати эшон мурид овидан қайтсалар, эҳтимол шу ой ичида тўй ҳам бўлса», – дейди? Ж: Қосимжон халфа

15. «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» асаридаги Маҳмудхоннинг отасининг исми? Ж: Мирзо Ҳамдамбой

16. «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» асарининг иккинчи пардасида нима ҳақида ҳикоя қилинади? Ж: Марямхонимнинг зўрлик билан эшонга никоҳланиши ва Марямхонимнинг эшоннинг уйдан қочиб чиққани ҳақида

17. «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» асарининг учинчи пардасида нима ҳақида ҳикоя қилинади? Ж: Марямхонимнинг заҳар ичиб Маҳмудхоннинг қўлида жон бериши ҳақида

18. «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» асарининг тўртинчи пардасида нима ҳақида ҳикоя қилинади? Ж: Маҳмудхоннинг Марямхоним қабри устида ўз жонига қасд қилиши ҳақида

19. «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» асарини ёзганда Ҳамза неча ёшда бўлган? Ж: 26 ёшда

20. «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» асарида Маҳмудхоннинг ёши нечада деб кўрсатилади? Ж: 18 ёшда

21. «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» асарида Марямхоним неча ёшда эди? Ж: 17 ёшда

22. «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» асарида Марямхоним эшонга нечанчи хотин бўлиб туширилади? Ж: Олтинчи

23. «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» асаридаги қайси персонаж номи иштирок этувчилар рўйхатида бўлган ҳолда саҳнада бирор ерда кўринмайди? Ж: Маҳмудхоннинг отаси Мирзо Ҳамдамбой

24. Қайси асар қаҳрамони олти йилдан бери қанча пуллар сарф қилиб ўғлини нега, нима мақсадда ўқитганини ўзи деярли тушунмайди? Ж: «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» асаридаги Мирзо Ҳамдамбой

Ғафур Ғулом

1. Ғафур Ғулом қачон туғилган? Ж: 1903 йилда

2. Ғафур Ғуломнинг насрий асарларини сананг. Ж: 1.«Ёдгор». 2.«Афанди ўлмайдиган бўлди». 3.«Ҳасан Кайфий». 4.«Энг расво намози аср». 5.«Менинг ўғригина болам»

3. Фафур Фуломнинг қайси шеърида урушга кетган ўғлидан бир мужда кутаётган жонсарак ота образи берилган? Ж: «Соғиниш»

4. Фафур Фуломнинг «Вақт» шеъри қандай бошланади? Ж: *Ғунча очилгунча ўтган фурсатни ...*

5. Фафур Фуломнинг илк шеърий тўплами қайси? Ж: «Динамо» (1931 йил)

6. Фафур Фуломнинг «Вақт» шеъри қандай якунланади? Ж: *Умримиз боқийдир, умримиз боқий*

7. Фафур Фуломнинг «Соғиниш» шеъри қандай бошланади? Ж: *Зўр карвон йўлида етим бўтадек...*

8. Фафур Фуломнинг иккинчи шеърий тўплами қайси? Ж: «Тирик қўшиқлар» (1932 йил)

9. Ф.Фуломнинг XX асрнинг 30-йилларида яратилган қиссаларини санаг. Ж: «Нетай», «Ёдгор», «Тирилган мурда», «Шум бола»

10. Фафур Фулом поэмасини топинг. Ж: «Кўкан»

11. Фафур Фулом балладалари номини топинг. Ж: «Тўй», «Икки васиқа»

12. Фафур Фулом 1946 йилда қайси асари учун Давлат мукофотига сазовор бўлган? Ж: «Шарқдан келаётирман» тўплами

13. Фафур Фуломга академик унвони қачон берилди? Ж: 1943 йилда

14. Фафур Фулом Ўзбекистон халқ шоири унвонига қачон муяссар бўлди? Ж: 1963 йилда

15. Фафур Фуломнинг «Вақт» шеъри қачон яратилган? Ж: 1945 йилда

16. Фафур Фуломнинг «Вақт» шеъри қандай муносабат билан ёзилган? Ж: Фашизм устидан қозонилган ғалаба муносабати билан

17. Фафур Фуломнинг «Вақт» шеърида ниманинг моҳиятига назар солинади? Ж: Лаҳза (секунд)нинг

18. Фафур Фулом «Вақт» шеърида бир оннинг баҳосини ўлчаш учун нимадан тош ва тарози керак деб таъкидлайди?
Ж: Олтиндан тарозу, олмосдан тош

19. *Шухрат қолдирмоққа Геростратдек
Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас,*
– мисралари кимнинг қайси шеъридан олинган? Ж: Фафур Фуломнинг «Вақт» шеъридан

20. *Азиз асримизнинг азиз онлари
Азиз одамлардан сўрайди қадрин,*
– мисралари кимнинг қайси шеъридан олинган? Ж: Фафур Фуломнинг «Вақт» шеъридан

21. Фафур Фуломнинг «Соғиниш» шеъри қачон яратилган? Ж: 1942 йилда

22. Фафур Фуломнинг «Соғиниш» шеъри кимларнинг умумлашма образи? Ж: Ўзбек оталарининг

23. Фафур Фуломнинг «Соғиниш» шеърида ота кимнинг шеърини ўқиганидан сўнг лойқа хаёлотлари чашмадай тинади? Ж: Абдуқодир Бедилнинг

24. Фафур Фуломнинг «Соғиниш» шеъридан олинган:
*Иблисининг гарази бўлган бу уруш,
Албатта, етади ўзин бошига,* – мисралари кимнинг фикрига ҳамоҳанг? Ж: Бедилнинг: золимнинг мақоми – қудрати, зулми охир-оқибат заифлашиб кучдан қолади. Ловуллаб ёнаётган олов ҳам бир кун келиб кулга айланади

25. Фафур Фуломнинг «Соғиниш» шеърида ота ғалаба кунини ўғли келганда боғдан бир сават қандай мевани узиб чиқишини таъкидлайди? Ж: Шафтоли

26. Ушбу шеър муаллифини топинг:
*Э, ўғлим, жонгинанг саломат бўлсин,
Ўз боғинг, ўз меванг данагин сақла.* Ж: Ф.Фулом

Қофия ҳақида

1. Шеърӣ асарларнинг қофияланиши нимани белгилайди? Ж: Жанрни
2. Кам – ҳам сўзлари қандай қофия ҳисобланади? Ж: Тўқ қофия
3. Аллакимимни – дилимни сўзлари қандай қофия ҳисобланади? Ж: Оч қофия
4. Ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан қайси нутқ тури қадимий ҳисобланади? Ж: Шеърӣ нутқ
5. Шеър тузилишида, унинг мусиқийлигини кучайтиришда ниманинг аҳамияти катта? Ж: Қофиянинг
6. Мисра якунида сўз, қўшимча, баъзан эса сўз бирикмаларининг оҳангдош бўлиб келиши қандай аталади? Ж: Қофия
7. Қофиядош сўзларнинг товуш таркиби тўла мос келган қофия тури? Ж: Тўлиқ (тўқ) қофия
8. Сўзларнинг товуш таркиби қисман мос келган қофия тури? Ж: Тўлиқсиз (оч) қофия
9. Даҳрий – қаҳридан сўзлари қандай қофия турини ҳосил қилади? Ж: Оч қофияни
10. Тутун – Аловиддин сўзлари қандай қофия турини ҳосил қилади? Ж: Оч қофияни

Ойбек

1. Қайси ижодкор 1905 йилнинг 10 январида Тошкентнинг Говкуш маҳалласида бўзчи оиласида туғилган? Ж: Ойбек
2. Ойбек қайси ўқув юртларда таҳсил олган? Ж: Ўрта Осиё Давлат университети Ижтимоий фанлар факултетининг иқтисод бўлимида, Санкт-Петербургдаги Халқ хўжалиги институтида
3. Ойбек қайси йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасини бошқарган? Ж: 1945-1949 йилларда

4. Ойбек қачон Ўз ФА академиги бўлган? Ж: 1943 йилда
5. Ойбекнинг ҳаёти давомида ёзган барча асарлари неча жилдни ташкил этади? Ж: 20 жилдни
6. Ойбек ижодини қандай асарлар ёзиш билан бошлаган? Ж: Шеърлар ёзиш билан
7. Ойбек Навоий ҳақида нечта дoston ёзган? Ж: 2 та
8. «Навоий» романида Ойбек Алишерга неча ёшида отаси Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарини ўқишни ман этганлиги ҳақида ёзади? Ж: Саккиз-тўққиз ёшида
9. «Навоий» романининг 1-бобида Навоий укаси Дарवेशали бир бино қурдириш ниятида эканлигини айтади. Бу бино қандай бино эди? Ж: Кутубхона биноси
10. «Навоий» романида Ҳусайн Бойқаро ҳарамига инъом этилган Дилдор бир «ёмон ният»ни режалаштиради. Бу «ёмон ният» нима эди? Ж: Султон ҳарамидан қочиш
11. «Навоий» романидаги энг зolim, итфеъллиги учун Қопoғон лақабини олган қулнинг исми нима эди? Ж: Оллоёр
12. «Навоий» романида Дилдор қайси қулга қанжар уради? Ж: Оллоёрга
13. «Навоий» романининг 18-боби нима ҳақида? Ж: Дилдорнинг султон ҳарамидан қочиш воқеаси
14. Ҳусайн Бойқаронинг ўғиллари исми тўғри саналган қаторни топинг. Ж: 1.Бадиуззамон. 2.Фаридун Ҳусайн. 3.Абулмуҳсин Мирзо 4.Муҳаммад Ҳусайн. Мирзо. 5.Абу Маъсум Мирзо. 6.Музаффар Мирзо
15. «Навоий» романида ҳарамдан қочган Дилдорни ким сўроқ қилган? Ж: Эрали жаллоднинг ўғли Пирмат Калла
16. «...Бу қилич балки бутун умрида биринчи марта зулмага қарши ишлатилар!» Ушбу фикрнинг муаллифини топинг. Ж: «Навоий» романида Арслонқул
17. «Навоий» романида Дилдорни ўғирлаб келган ва султон ҳарамига тортиқ қилиб юборган кишининг исми? Ж: Тўғонбек

18. «Навоий» романида султон ҳарамидан қочишга урингани учун зиндонбанд қилинган Дилдорни қутқаришда кимнинг фармони ёрдам беради? Ж: Навоийнинг

19. «*Ёмонлардан яхшилик кутмоқ ҳайвон шохида гул ун-магини орзу қилмоқ билан баробардир!*» Ушбу фикрларни ким қандай муносабат билан айтган? Ж: «Навоий» романида Султонмурод томонидан айтилган

20. «Навоий» романининг 31-бобида Навоий қайси асари устида ишлаётган эди? Ж: «Мажолис ун-нафоис» асари

21. «Навоий» романининг нечанчи бобида Жомийнинг вафоти ҳикоя қилинади? Ж: 31-бобида

22. «Гарчи шак (шубҳа) фалсафанинг онаси ва ҳақиқатга йўлловчи бўлса ҳам, уни фикр доимий маскан қилолмас». Ушбу фикр қайси асардан олинган ва қайси қаҳрамонга тегишли? Ж: «Навоий» романида Навоийга

23. «*Сиз танийсиз, биласиз уни, агар унутган бўлсангиз, «Искандарнома»ни яна бир карра ўқинг, ҳукмдор-у, барча фазилатларнинг қони-у... Сизларда унинг сояси ҳам йўқ. Сизлар унинг навқарига ҳам арзимайсизлар*». Ушбу сўзларни Навоий кимга айтган? Ж: Бадиуззамонга

24. «Навоий» романининг 34-бобида Навоий нимадан қаттиқ ўқинади? Ж: Навоийни Бадиуззамон билан сулҳ қилиш учун жўнатган ҳолда Ҳусайн Бойқаронинг Бадиуззамон Мирзо шаҳардан ташқарига чиқса ҳибсга олиш тўғрисидаги хатни қалъа бегига жўнатганлигидан

Мақсуд Шайхзода

1. Мақсуд Шайхзода дастлабки ижод намуналарини нечанчи йилдан эълон қила бошлади? Ж: 1929 йилдан.

2. Мақсуд Шайхзоданинг қайси тўпламлари ўтган асрнинг 30-йилларида эълон қилинган? Ж: «Лойиқ соқчи», «Ҳн шеър», «Ундошларим», «Учинчи китоб», «Жумҳурият», «Ҳн икки», «Янги девон», «Сайлов қўшиқлари»

3. «Жалолиддин Мангуберди» драмасида Жалолиддин Мангуберди образини қайси актёр гавдалантирган? Ж: Шукур Бурҳонов

4. Мақсуд Шайхзоданинг дostonларини топинг. Ж: 1.«Тошкентнома». 2.«Ўртоқ мулк». 3.«Тупроқ ва ҳақ». 4.«Чироғ». 5.«Ўртоқ». 6.«Мерос». 7.«Овчи қиссаси». 8.«Искандар Зулқарнайн» 9.«Ўн бирлар». 10.«Женя». 11.«Оқсоқол». 12.«Аҳмаджоннинг ҳикматлари». 13.«Учинчи ўғил». 14.«Нурмат отанинг туши»

5. *Тушунмайман, тушунмайман, шавкатли мирзо,
Тахт қанақа маърифатга пойдевор бўлгай?
Ваҳоланки тож бошдаги фикрга қафас.*

Ушбу фикрни Улуғбекка ким айтган? Ж: Пири Зиндоний

6. «Мирзо Улуғбек» фожиасида Амир Темур руҳи пайдо бўлади. Унинг қўлида нима бор эди? Ж: Қилич

7. Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» фожиасида қайси шоирлар иштирок этган? Ж: Жомий, Саккокий

8. «Мирзо Улуғбек» фожиасида Улуғбекнинг сўнгги фармони нима ҳақида эди? Ж: Пири Зиндонийни зиндондан озод қилиш ҳақида

9. «Мирзо Улуғбек» фожиасида Улуғбек кимнинг уйида ўлдирилади? Ж: Ота Муроднинг

10. «Мирзо Улуғбек» фожиасида Бердиёр қаерлик эди? Ж: Чотқоллик

11. «Мирзо Улуғбек» фожиасида Улуғбек кимдан ўзига қилич олиб келишни сўрайди? Ж: Йигиталидан

12. «Мирзо Улуғбек» фожиасида Улуғбек кимга:
*Бир мероски, замон уни маҳв этолмайди,
Бир мероски, ворислари бу ватан аҳли,
– дейди? Ж: Аббосга*

13. «Мирзо Улуғбек» фожиасида Улуғбек айтган:
Бир мероски, замон уни маҳв этолмайди,

Бир мероски, ворислари бу ватан аҳли,

– сўзлардаги мерос нима эди? Ж: Китоблар, жадваллар

14. *Етим қолган эл дардига куйиб йиглайман,*

Бош қўяман тупрогига улуг инсоннинг.

Ушбу фикрларни ким айтган? Ж: Пири Зиндоний

15. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг нечанчи фасли темурийларга мансуб шоирлар ҳақида? Ж: Еттинчи

16. «Зижи Кўрагоний» асарининг сўзбошисида Улуғбек кимни «фарзанди аржумандим» деб атайдими? Ж: Али Қушчини

17. «Мирзо Улуғбек» драмаси асосида қайси режиссёр «Улуғбек юддузи» кинофильмини яратди? Ж: Латиф Файзиев

18. «Мирзо Улуғбек» фожиасида Пири Зиндоний неча йилдан бери зиндонда банди эди? Ж: 50 йилдан бери

19. «Мирзо Улуғбек» фожиасида кимлар подшоҳсиз яшаш учун курашган? Ж: Сарбадорлар

20. *Ўғиллардан ялчимаган, бенасиб падар,*

Ўз шогирдин ўғил дея топар тасалли,

– фикрлари кимга тегишли? Ж: Саккокийга

Трагедия ҳақида

1. Трагедия сўзи Дионис шарафига ўтказиладиган байрамлар билан боғлиқ. Дионис қандай худо? Ж: Ҳосил худоси

2. «Трагедия» сўзи қандай маънони билдиради? Ж: Юнонча «эчки қўшиғи» маъносини

3. Қадимги Юнонистонда қизиқчиларни нима деб атаганлар? Ж: Трагослар

4. Трагедия нимага суянади? Ж: Муросасиз кураш, ғоятда кескин зиддиятлар заминига қурилади

5. Фожий асарлар драматик асарлардан қандай фарқланади? Ж: Қаҳрамонлар характерининг ёрқинлиги, ички коллизия кучлилиги, персонажлар ўртасидаги конфликтнинг ўта кучлилиги билан

6. Ҳақиқий трагик асарлар яратиш қачон ўзининг камолот босқичига кўтарилди? Ж: Милоддан аввалги V асрга келиб

7. «Занжирбанд Прометей», «Орестея» асарларининг муаллифини топинг. Ж: Эсхил

8. Софокл трагедияларини сананг. Ж: «Шоҳ Эдип», «Антигона»

9. Эврипид трагедияларини топинг. Ж: «Электра», «Медея», «Геракл»

10. Жаҳон адабиётида трагедия жанрида самарали ижод қилган адибларни топинг. Ж: Лопе де Вега, Калдерон, Шекспир, Гёте, Шиллер, Пушкин

Усмон Носир

1. Усмон Носир неча ёшларида ижод қилган? Ж: 18-24 ёшида

2. Усмон Носир нечта шеърӣ тўплам ва нечта шеърӣ драма ёзган? Ж: 5 та шеърӣ тўплам ва 4 та драма

3. Усмон Носирнинг драмалари номини топинг. Ж: «Атлас», «Зафар», «Сўнгги кун», «Душман»

4. Усмон Носирнинг дostonлари номини топинг. Ж: «Норбўта», «Нахшон»

5. Усмон Носирнинг шеърӣ тўпламлари номини топинг. Ж: «Қуёш билан суҳбат», «Тракторобод», «Юрак», «Сафарбар сатрлар», «Меҳрим»

6. Усмон Носир таржимасиги мансуб бўлган асарни топинг. Ж: Добролюбовнинг «Ҳақиқий кун қачон келади?» асари, Киришон – «Улуғ кун», Пушкин – «Боғчасарой фонтани», Лермонтов – «Иблис»

7. Усмон Носирнинг нечанчи йилги ижодида публицистик муносабат кўзга ташланади? Ж: 1927-32 йилларда

8. Усмон Носир бир шеърӣда:

Сен юрагимнинг чашма сувисан,

Сен кўзларимнинг гавҳар нурлари.

Сенинг баҳонгни ким сўраса,

Де: «Баҳом-умрнинг баҳосига тенг,

– деб ёзади. Бу нима ёки ким ҳақида? Ж: Шеър

9. *«Усмон Носир даврининг ёш шоирлар – Амин Умарий, Насрулла Даврон, Иброҳим Назир ва бу сатрларнинг муаллифи–камина каби шоирлар унинг кўмагидан баҳраманд бўлди», деб ёзган ижодкор ким? Ж: Ўткир Рашид*

10. *«Усмон шеърятимизга шамолдай кириб келди. Балки бўрондай! У шундай тўлолон ва тўлқин билан келдики, унча-унча шеърӣ услуб ва ижодни тўс-тўс қилиб юборди». Ушбу фикрлар муаллифини топинг. Ж: Туроб Тўла*

11. Қайси шоир ҳақида Москва газеталарида «Шарқда Пушкин пайдо бўлибди» деб ёзишган? Ж: Усмон Носир

12. *Баргдай узилиб кетсам ,*

Унутмас мен ибогим,

– деб ёзган шоир ким? Ж: Усмон Носир

13. Усмон Носирнинг «Юрак» шеъри қандай бошланади? Ж: *Юрак, сенсан менинг созим...*

14. Усмон Носирнинг «Юрак» шеъри қандай якунланади? Ж: *Ёрил! Майли тамом ўлсам!..*

15. Усмон Носирнинг қайси шеърида асрларни йиғлаган севги тилга олинади? Ж: «Монолог»

16. Ким муҳаббат ҳақида:

Муҳаббат ул ўзи эски нарса,

Лекин ҳар бир юрак уни ёнғорта (янгилайди), – деб ёзган?

Ж: Ходи Тўқташ

17. Усмон Носир қайси шеърида «Ақлидан озганми муҳаббат?» дейди? Ж: «Монолог»

18. *Сен эй, сен–ўйноқи дилбар.*

Зафардан изла ёрингни.

Тўлиб қайна, тошиб ўйна,

Тирикман, куйла борингни,

– мисралари Усмон Носирнинг қайси шеърідан олинган?

Ж: «Юрак» шеърідан

19. Усмон Носирнинг «Нил ва Рим» шеъри қачон яратилган? Ж: 1935 йилда

20. Усмон Носирнинг «Нил ва Рим» шеъри неча қисмдан иборат? Ж: 6 қисмдан

21. «Нил ва Рим» шеърининг нечанчи қисмларида Усмон Носир «*Мана менман у қулларнинг ҳеч сўнмас ёди*» мисраларини нақоратдек такрорлайди? Ж: 3 ва 6-қисмларида

22. Усмон Носир қайси шеърیدا «Тун қанча қора бўлса, ой шунча ёруғ» деган ўхшатишни қўллайди? Ж: «Нил ва Рим» шеърیدا

23. Усмон Носирнинг «Монолог» шеъри қачон яратилган? Ж: 1933 йилда

24. *Ки, одамнинг ўзинигинамас,*

Ҳиссини ҳам хароб қилса давр!

Қийналаман!..

Юрагимда ҳовур...

Бу–қаршилиқ!

Йўқ! Гина эмас, – мисралари Усмон Носирнинг қайси шеърідан олинган? Ж: «Монолог» шеърідан

25. *Дездемона, гуноҳсиз дилбар,*

Жигар қонларингни ичган ким?

Биламан, Отелло, биламан,

Отелло ҳақими?.. Шоир жим!..

– мисралари Усмон Носирнинг қайси шеърідан олинган? Ж: «Монолог» шеърідан

Асқад Мухтор

1. Асқад Мухторнинг илк шеърий асарларини топинг. Ж: «Тилак», «Тонг эди», «Тотли дамлар»

2. «Карвон қўнғироғи» шеърий тўпламининг муаллифини топинг. Ж: Асқад Мухтор

3. «Қуёш беланчаги» шеърий тўпламининг муаллифини топинг. Ж: Асқад Мухтор

4. «99 миниатюра» шеърий тўпламининг муаллифини топинг. Ж: Асқад Мухтор

5. Асқад Мухтор нечанчи йилдан прозаик асарлар ёзишни бошлади? Ж: XX асрнинг 50-йилларидан

6. Асқад Мухторнинг қиссаларини топинг. Ж: «Дарёлар туташган жойда», «Қорақалпоқ қиссаси», «Бухоронинг жин кўчалари», «Бўронларда бордек халоват», «Жар ёқасидаги чақмоқ», «Кумуш тола»

7. Асқад Мухторнинг романларини топинг. Ж: «Опасингиллар», «Чинор», «Аму», «Туғилиш», «Давр менинг тақдиримда»

8. Асқад Мухторнинг болаларга бағишланган асарларини топинг. Ж: «Чин юракдан», «Дунё болалари», «Ҳаётга чақириқ»

9. Софоклнинг «Шоҳ Эдип» асарини ким узбек тилига таржима қилган? Ж: Асқад Мухтор

10. Асқад Мухторнинг сўнгги асарини топинг. Ж: «Уйқу қочганда (Тундаликлар)»

11. «Чинор» романида барча катта-кичик инсоний тақдирлар кимнинг тақдирига бориб боғланади? Ж: Очил бобонинг

12. Асқад Мухторнинг қайси асарида шафқатсиз реализм кўринишлари мавжуд? Ж: «Чинор»

13. «Чинор» романида Очил бобонинг шажарасидаги «мўрт бир барг» ким эди? Ж: Акбарали

14. «Чинор» романида Акбарали қайси қишлоқдан эди? Ж: Шодасойдан

15. «Чинор» романида Акбаралининг отаси билан бирга жанг қилган кишининг исми? Ж: Бектемир

16. «Чинор» романида Бектемир ўзининг қаердан эканлигини айтади? Ж: Капсандан

17. «Чинор» романидаги Акбаралининг онасининг исми?
Ж: Шарофат хола

18. «Чинор» романида Акбаралининг ўрнига ўлиб кетган персонажнинг номи? Ж: Бектемир

19. «Одам ўзига тикилиб турса галати бўларкан. Бошқа оламдан, нариги дунёдан келгандек». Бу парча қайси асардан олинган? Ж: «Чинор»

20. «Одам деб ўлган одам—доим тирик». Бу фикрларни ким айтган? Ж: Очил бува

21. «Чинор» романида Акбарали яна бир бор хатога йўл қўйди. Бу хато нима эди? Ж: Ўзини ўлдириш

22. «Чинор» романида Очил бува: «Ўзи... банди мўрт эди. Учди-кетди», дейди. Бу кимга ишора эди? Ж: Акбаралига

23. «Чинор» романида Акбаралининг ҳолати қайси жониворга қиёсланади? Ж: Тошбақа

24. «Ҳаёт бераҳм. Қўрқоққа айниқса бераҳм». Бу фикрларни ким айтган? Ж: Очил бува

25. Республикада «Асқад Мухтор таҳрир мактаби» деган нақл бор. Бунинг маъноси нима? Ж: Асқад Мухтор «Гулистон» журнали ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бош муҳаррирлик қилган пайтда ёш шоир ва ёзувчиларга ёрдам бергани учун

26. «Чинор» романида Очил бобонинг ёши неча ёшда эди? Ж: 93 ёшда

27. «Чинор» романида Акбарали ўз жонига қасд қилганда неча ёшда эди? Ж: 30 ёшда

28. «Вақт кўп ўтганидан эмас, ... йилда одам бунчалик ўзгармайди. Ўттиз ёшида одам бунчалик қаримайди». «Чинор» романидан олинган ушбу парчада нуқталар ўрнига қўйилиши керак бўлган рақамни топинг. Ж: Етти

29. «Ҳали-ҳали кўз ўнгида турибди: бир кўзи кўр эди бу одамнинг». Ушбу парча қайси асардан олинган ва қайси қаҳрамон ҳақида? Ж: «Чинор» романидан, Бектемир

30. «Чинор» романида Бектемир асирга тушганидан сўнг неча йил саргардонликдан кейин ўз юртига қайтади? Ж: 13 йилдан сўнг

31. «Чинор» романида Акбарали ўзининг конда қўрқоқлик қилганини кимга айтиб беради? Ж: Буфетчи хотин Соняга

32. «Унга йигитлик умрида бир маротаба инсон боласи, ҳаёр аталмиш неъмат нажот қўлларини чўзган эди. Бир маротаба ундан ўзининг ҳам инсон эканлигини исботлашни сўраган эди». Бу сатрлар қайси асардан олинган? Ж: «Чинор» романидан

Саид Аҳмад

1. Саид Аҳмаднинг 1- ҳикоялар тўпламини топинг. Ж: «Тортиқ»

2. Қайси ижодкор Ойбекнинг психологик тасвир маҳоратини, Фафур Ғуломнинг юмори, Абдулла Қаҳҳорнинг ихчам ва теран фикрлаш фазилатларини ўзида мужассам этган? Ж: Саид Аҳмад

3. Саид Аҳмаднинг неча жилддан иборат танланган асарлари чоп этилган? Ж: 3 жилд

4. Саид Аҳмаднинг қайси асари халқимизнинг шўро ҳукумати давридаги зоҳиран тинч, турғунлик йилларида кечган кунлари ҳикоя қилинади? Ж: «Жимжитлик»

5. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» трилогиясининг 1- китоби қандай номланади? Ж: «Қирқ беш кун»

6. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» трилогиясининг 2- китоби қандай номланади? Ж: «Ҳижрон кунларида»

7. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» трилогиясининг 3- китоби қандай номланади? Ж: «Уфқ бўсағасида»

8. «Уфқ» трилогиясининг «Қочоқ» парчасидаги Раис тоғанинг исми? Ж: Райим

9. «У кўндан бери биров билан гаплашмаган, дунёда нималар бўлаётганидан бехабар эди. Совун тегмаган бетлар

кир, ҳам кўрна, ҳам тўшак ўрнини босган тўнининг енглари титилиб, этаклари балчиққа беланганидан доғ босиб кетганди. Унинг бир вақтлар қизларни шайдо қилган қоп-қора кўзлари энди маъюс, атрофга маъносиз боқарди». Ушбу парча ким ҳақида ва қайси асардан олинган? Ж: Саид Аҳмад «Уфқ» трилогияси, Турсунбой

10. Саид Аҳмад «Уфқ» трилогиясидаги Турсунбой севгилисининг исми? Ж: Зеби

11. Саид Аҳмад «Уфқ» трилогиясида Турсунбой тўқайда нимани кутиб яшарди? Ж: Онаси келтирадиган овқатни

12. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» трилогиясидаги Раис буванинг қаҳрамон бўлган ўгли? Ж: В Азизхон

13. Саид Аҳмад «Уфқ» трилогиясидаги Турсунбой онасининг исми? Ж: Жаннат хола

14. Қайси асар қаҳрамонлари ўз қўрқоқликлари учун оналарининг қийналиб вафот этишига сабабчи бўлган? Ж: Саид Аҳмаднинг «Уфқ» трилогияси, Асқад Мухторнинг «Чинор» романи қаҳрамонлари

15. *«Йигитлик қасамидан кеча олган, она вужудини келтираётган дардни писанд қилмаган, шармандаликда рози бўла олган йигитда яна қандай ҳис бўлиши мумкин?»* Ушбу парча ким ҳақида ва қайси асардан олинган? Ж: Саид Аҳмад, «Уфқ» трилогияси, Турсунбой

16. Турсунбой ҳамма нарсадан кечганда ҳам биргина шу...дан кеча олмасди. Нуқталар ўрнига қўйилиши керак бўлган сўзни топинг. Ж: Зеби

17. «Уфқ» трилогиясининг «Қочоқ» парчасида Турсунбойнинг қишлоғи номи? Ж: Зириллама

18. «Уфқ» трилогиясининг «Қочоқ» парчасида Турсунбой тўқайга келганига неча ой бўлганда отаси билан тасодифан учрашиб қолади? Ж: Тўрт ой

19. *«Аmmo... жавоб бермади. У ота дийдоридан, ота меҳридан, ёр-биродарлар даврасидан олисда, чақирса овоз*

етмайдиган жойда қувгин бўлиб оламдан ўтган эди. Ушбу парча ким ҳақида ва қайси асардан олинган? Ж: Саид Аҳмад, «Уфқ» трилогияси, Турсунбой

20. «Уфқ» трилогиясининг «Қочоқ» парчасида Икромжон ёлғиз ўғли Турсунбойга нима воситасида гўр қазийди? Ж: Қўлтиқтаёқда

21. «Уфқ» трилогиясининг «Қочоқ» деб шартли номланувчи парчаси романнинг нечанчи китобидан олинган? Ж: «Ҳижрон кунларида»дан

22. «Уфқ» трилогиясида қатнашган образни топинг. Ж: Икромжон, Жаннат хола, Низомжон, Турсунбой, Асрора, Дилдор, Зеби, Аъзамжон

23. Қайси асар ҳақида «...одамга қувват берадиган умид, унинг бошини тошдан қиладиган ишонч барқ уриб турган ҳиқикий ҳаёт манзарасидир» деб баҳо бериш мумкин? Ж: Саид Аҳмад, «Уфқ» трилогияси

24. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» трилогияси ҳақида ким «Бу китобни китобхон бошдан-оёқ шавқ билан, ҳеч қаерда тутилмасдан, иштаҳаси бўғилмасдан ўқиб чиқади. Китобда қимирлаган ҳар бир жоннинг қайғуси, қувончи, қилиш-қилмиши, муҳаббати, ғазаби, оғзидан чиқадиган ҳар бир сўзи рост», дейди? Ж: Абдулла Қаҳҳор

25. «Келинлар қўзғалони» (1976) комедиясининг муаллифи ким? Ж: Саид Аҳмад

26. Саид Аҳмаднинг мустақиллик йилларида яратилган китобларини топинг. Ж: «Йўқотганларим ва топганларим», «Қоракўз мажнун», «Киприқдаги тонг»

27. Саид Аҳмаднинг мустақиллик йилларида яратилган ҳажвий асарларини топинг. Ж: «Хандон писта», «Бир ўпичнинг баҳоси»

28. Саид Аҳмад қачон «халқ душмани» сифатда айбланиб, ноҳақ қамоққа олинган ва нечанчи йили оқланган? Ж: 1947 йили қамоққа олинган, 1953 йили оқланган

Роман шакллари

1. Роман сўзи қайси тилдан олинган? Ж: Француз
2. Тарихий романларни топинг. Ж: А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар», О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романлари
3. Ҳарбий романларни топинг. Ж: Ойбек – «Қуёш қораймас», Шўҳрат – «Шинелли йиллар»
4. Ижтимоий-фалсафий романларни топинг. Ж: А.Мухтор – «Давр менинг тақдиримда»
5. Саргузашт ва фантастик романларни топинг. Ж: Х.Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» романи
6. Замонавий романларни топинг. Ж: П.Қодиров, «Олмос камар»
7. Қуйида келтирилган романлардан қайси бири романдилогия? Ж: П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довои», Ҳ.Ғулومнинг «Машъал», М.Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча», Х.Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими»
8. Рус адаби В.Катаевнинг «Қора денгиз тўлқинлари» асари ромanning қайси шаклига киради? Ж: тетралогия
9. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» асари ромanning қайси шаклига киради? Ж: трилогия
10. Эпопеяга кирадиган асарни топинг. Ж: Ойбекнинг «Навой», С.Айнийнинг «Қуллар» асари
11. Икки китобдан иборат роман шакли қандай аталади? Ж: Дилогия
12. Уч китобдан иборат роман шакли қандай аталади? Ж: Трилогия
13. Халқаро Нобель мукофоти лауреатларини топинг. Ж: Жон Голсуорсин, Нажиб Маҳфуз, Василий Ян
14. Жаҳон адабиётида роман-трилогия яратган ёзувчиларни топинг. Ж: Жон Голсуорсин («Форсайтлар ҳақида қўшиқ»), Нажиб Маҳфуз («Хан ал-Халили»), Василий Ян («Чингизхон», «Боту», «Сўнги денгизгача»)

15. Ўзбек адабиётида яратилган роман-тетрологияни топинг. Ж: Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асари

16. Тўрт китобдан иборат роман шакли қандай аталади? Ж: Тетралоги

17. Ромен Ролланнинг «Жан Кристоф» асари неча жилдлик? Ж: 10 жилдлик

18. Роже Мартен дю Гарнинг «Тибо оиласи» асари неча жилдлик? Ж: 8 жилдлик

19. Роман-эпопея деганда нима тушунилади? Ж: Унда асарнинг неча китобдан иборат бўлиши эмас, балки қанчалик кўп ва катта воқеа-ҳодисаларнинг қамраб олинishi муҳим (Жон Голсуорсин, Нажиб Маҳфуз, Василий Ян)

20. Роман бошқа насрий жанрлардан қандай фарқланади? Ж: Ўзида кўплаб персонажларнинг тақдирини ақс эттириши, катта миқёсдаги воқеа-ҳодисаларни тасвирлаши билан фарқланади

Озод Шарафиддинов

(1929–2005)

1. Озод Шарафиддиновнинг дастлабки китоби номини топинг. Ж: «Замон. Қалб. Поэзия» (1962)

2. Озод Шарафиддинов муҳаррирлик қилган қайси тўплам ҳамма ердан йиғиштириб олинган? Ж: «Тирик сатрлар»

3. Озод Шарафиддинов таржимасига мансуб бўлган асарни топинг. Ж: Л.Толстойнинг «Иқрорнома», П.Козловнинг «Алкимёгар», А.Савеланинг «Тўхтатинг самолётни, тушиб қоламан» асарлари

4. Озод Шарафиддиновга қачон Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилди? Ж: 2002 йилда

5. Қайси ижодкор «Китобларимни асранглар, менинг энг катта бойлигим мана шу китоблар эди», деб ёзган? Ж: Озод Шарафиддинов

6. Озод Шарафиддинов қандай касаллик билан оғриган?
Ж: Қанд

7. Қайси ижодкор: «Ватан туйғуси инсоннинг ўзи билан бирга ўсиб-улғаядиган туйғу бўлар экан», деб ёзган? Ж: Озод Шарафиддинов

8. Қайси ижодкор «Ватан муҳаббатидан бенасиб одамлар эса, унга лоқайд қарайдиган, ҳатто унга қўл кўтаришдан тоймайдиган ҳар қиёфага эга бўлмасин, башарасини ҳар қандай ниқоб билан паналамасин, маънавий қашшоқ, худобехабар, бахтсиз одамлардир», деб ёзган? Ж: Озод Шарафиддинов

9. Озод Шарафиддинов кимнинг ижод мактабидан сабоқ олган эди? Ж: А.Қаҳдорнинг

10. Озод Шарафиддиновнинг мустақиллик йилларида яратган асарларини топинг. Ж: «Йўлбошчи», «Мустақиллик меъмори», «Истиқлол жилolari» мақолалари, «Истиқлоло фидойилари», «Сардафтар саҳифалари», «Маънавий камолот йўлларида», «Довондаги ўйлар», «Ижодни англаш бахти»

11. 1997 йилда президентимиз ташаббуси билан юртимиз тарихида 1-март «Жаҳон адабиёти» журнали ташкил этилди. Унга бош муҳаррир этиб ким тайинланди? Ж: Озод Шарафиддинов

Тўра Сулаймон

(1934–2005)

1. Қайси ижодкор Жиззах вилояти Бахмал туманидаги Алдашмон қишлоғида туғилган? Ж: Тўра Сулаймон

2. Тўра Сулаймоннинг илк шеърлари нечанчи йилдан нашр этила бошлаган? Ж: 1958 йилдан

3. Тўра Сулаймоннинг илк шеърини тўпламини топинг. Ж: «Истар кўнгил» (1962)

4. Тўра Сулаймоннинг сатирик ва юмористик асарлар тўпламини топинг. Ж: «Алҳазар»

5. Қайси дoston Тўра Сулаймоннинг қаламига мансуб?

Ж: «Қорасоч», «Жаҳонгашта»

6. «Баҳор, кетма менинг боғимдан» сатри Тура Сулаймоннинг қайси шеърига нақорат қилиб олинган? Ж: «Илтижо»

7. Тура Сулаймоннинг қайси шеъриси баҳор бир фасл номигина эмас, балки тансиқ туйғулар мужассами, эзгуликнинг рамзи бўлиб гавдаланади? Ж: «Илтижо»

8. Тура Сулаймоннинг қайси шеъриси саҳро-беминнат макон қидириб саргардон кезган ватангадо кимсаларнинг, тоғу тошлар-қилмиши қинғир зотларнинг рамзий ифодаси? Ж: «Илтижо»

9. Тура Сулаймон қайси шеъриси одам боласи икки дунё орасида муаллақ қолишни истамаса, Ерга-ўзи сингари одамларга, Осмонга-ўзини яратган қудратга суянмоғи лозимлигини таъкидлайди? Ж: «Армон»

10. *Ой тутилиб, онам йиғлайдир,*

Қолганлари ёлгон йиғлайдир,

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Тура Сулаймон

11. Тура Сулаймоннинг «Илтижо» шеъри неча банд ва неча мисрадан иборат? Ж: 6 та банд, 30 мисра

12. Тура Сулаймоннинг қайси шеъриси:

Ўлмасликка ишора-ўланга ошиқлигим,

Саодатга ишора-замонга ошиқлигим,

– сатрлари бор? Ж: «Илтижо» шеъриси

13. Тўра Сулаймоннинг қайси шеъриси «Эл-юрт бахтини куйлаш менга ярашмас бўлса» мисралари мавжуд? Ж: «Армон» шеъриси

14. Тўра Сулаймон «Армон» шеъриси «Муаллақ қолса кимдир, ер туриб, осмон туриб» мисралари кимлар ҳақида? Ж: Кибр забтига олиб халқдан узоқлашган инсонлар ҳақида

15. Тўра Сулаймоннинг қайси шеърига «...онам йиғлайдир, Қолганлари ёлғон йиғлайдир» мисралари нақорот қилиб олинган? Ж: «Тавалло» шеърига

16. Тўра Сулаймон «Гул бир ён, чаман бир ён» шеърининг охирида қайси қаҳрамонни эсга олади? Ж: «Гўрўғли султон бир ён, Тўра Сулаймон бир ён», яъни Гўрўғли султон

17. Тўра Сулаймоннинг қайси шеърида

Бу оламда Ой танҳо, муборак Қуёш танҳо,

Бўй қизларнинг ичинда бир шу эзма қош танҳо,

Унингдек ҳеч ким менга бўлмаса сирдош танҳо,

– мисралари бор? Ж: «Гул бир ён, чаман бир ён» шеърида

18. Тўра Сулаймоннинг «Гул бир ён, чаман бир ён» шеъри неча мисралик банддан иборат? Ж: Мураббаъ–тўрт мисралик банд

Муҳаммад Юсуф

(1954–2001)

1. Муҳаммад Юсуфнинг 1-шеърий тўплами қачон нашр қилинган? Ж: 1985 йилда, «Таниш тераклар»

2. Қайси дoston Муҳаммад Юсуфнинг қаламига мансуб? Ж: «Қора қуёш», «Осмоннинг охири»

3. 47 йил умр кўрган ижодкорларни топинг. 1. Муҳаммад Юсуф 2. Шавкат Раҳмон 3. Бобур Ж: 1, 2, 3

4. Қайси шоир «Мен кетарман бир куни, наволарим, зорим қолур», деб ёзган? Ж: Муҳаммад Юсуф

5. Муҳаммад Юсуфнинг «Меҳр қолур, муҳаббат қолур» шеърида қайси ошиқлар номи эсланади? Ж: Тоҳир ва Зухро

6. «Некбин туйғулар» қайсилар? Ж: Тоза, пок, самимий туйғулар

7. Муҳаммад Юсуф қайси шеърида «Ўзим хоқон. Ўзим султон. Сен тахти Сулаймоним», деб ёзади? Ж: «Ватаним»

8. Муҳаммад Юсуфнинг қайси шеъри:

Биз бахтли бўламиз худо хоҳласа,

Худо хоҳламаса, учрашармидик,

– деб яқунланади? Ж: «Биз бахтли бўламиз»

9. Муҳаммад Юсуфнинг қайси шеърида:

Ғийбатларга чида,

Тухматга чида,

Сен биттасан, ахир,

Ёруғ оламида, – деган сатрлар бор? Ж: «Биз бахтли бўламиз»

10. Муҳаммад Юсуфнинг қайси шеъри шоирнинг ўз ички дунёсини кашф этишга уринишни акс эттирган асар? Ж: «Сурат»

11. Муҳаммад Юсуфнинг қайси шеърида:

Мен бир галатиман,

Мен алоҳида, – дейди? Ж: «Сурат»

12. «Тўй–бу асли баджаҳл ота, бахтли бўлсин қизим дегани». Ушбу сатрлар муаллифини топинг. Ж: Муҳаммад Юсуф

13. *Ёниб кетсин чирсиллаб қалбим,*

Севиш керак... яшаш шарт эмас.

Ушбу сатрлар муаллифини топинг. Ж: Муҳаммад Юсуф

14. Муҳаммад Юсуфнинг «Ватаним» шеъри қандай бошланади? Ж: *Мен дунёни нима қилдим,*

Ўзинг ёруғ жаҳоним

15. Муҳаммад Юсуф «Ватаним» шеърида:

Ким Қашқарни қилди макон, Ким Энасой томонда, – деганда кимларни назарда тутган? Ж: Қашқарда–Фурқат, Энасой (Сибир)да – Усмон Носир ёдга олинган

16. Муҳаммад Юсуфнинг «Ватаним» шеърида «Тарқаб кетган... уруғимсан, ватаним» мисраларидаги нуқталар ўрнига қўйилиши керак бўлган сўзни топинг. Ж: 96 уруғ

17. Муҳаммад Юсуфнинг «Меҳр қолур, муҳаббат қолур» шеъри неча бандлик шеър? Ж: Мураббаъ-4 мисралик 5 банд, 20 мисрадан иборат

18. *Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар,
Ана, юришибди кийганлари зар,
Қодирийни сотиб шоир бўлганлар,*
– мисралари Муҳаммад Юсуфнинг қайси шеърдан олинган? Ж: «Юртим, адо бўлмас армонларинг бор» шеърдан
19. Муҳаммад Юсуфнинг қайси шеърда «Файзуллодек марди майдонлар» қисматини «баҳор айёмлар» ва «ой ботган ёқларга термулиб шомлар» ўйлайди? Ж: «Юртим, адо бўлмас армонларинг бор» шеърда
20. Қайси шоир ўз ёрини «Киприклари узун кокиллари-дан» деб таърифлайди? Ж: Муҳаммад Юсуф
21. Муҳаммад Юсуф қайси шеърда ёрга:
*Менга бир табассум ҳадя эт, эй ёр,
Нур томсинглабларинг соҳилларидан,*
– деб мурожаат қилади? Ж: «Биз бахтли бўламиз» шеърда
22. Муҳаммад Юсуф қайси шеърда
*Уйгонсам–кўрпам кул,
Йиғлар севгим...*
*Айиқ босган гулдай
Эзилди кўнгим,* – дейди? Ж: «Сурат» шеърда
23. Муҳаммад Юсуф қайси шеърда:
*Кўзимнинг ёшини келади ичгим,
Тилимни чайнагим келар гоҳида.
Кийиклар қонини келади ичгим,
Чаённи чайнагим келар гоҳида,* – дейди? Ж: «Сурат» шеърда

Робиндранатҳ Тўқоур

1. Робиндранатҳ Тўқоур қачон ва қаерда туғилган? Ж: 1861 йилда Ҳиндистоннинг Калкутта шаҳрида туғилган.
2. Робиндранатҳ Тўқоур ижодини нималар ёзишдан бошлаган? Ж: Шеър ёзишдан .

3. Робиндранатҳ Тҳокурнинг 1881 йилда нашр этилган ва ёш шоирнинг номини китобхонлар орасида машҳур қилган шеърӣй тўпламини топинг. Ж: «Оқшом қўшиқлари»

4. Робиндранатҳ Тҳокур қайси шеърӣй тўпламини ўзи инглизчага таржима қилган? Ж: «Гитанжали»

5. Робиндранатҳ Тҳокур қайси унвон билан тақдирланган? Ж: Нобель мукофоти билан

6. Робиндранатҳ Тҳокурни ҳинд халқи қандай атаган? Ж: «Ҳиндистоннинг виждони»

7. Робиндранатҳ Тҳокурнинг қайси шеъри Ҳиндистон Республикасининг мадҳияси бўлган? Ж: «Жангнамана»

8. Робиндранатҳ Тҳокурнинг асарлари Ўзбекистонда неча жилдда чоп этилган? Ж: 8 жилдда

9. Робиндранатҳ Тҳокур неча ёшидан шеърлар ёза бошлаган? Ж: 8 ёшидан

10. Робиндранатҳ Тҳокурнинг пок ва инсоний муҳаббатни улуғлаган романларини топинг. Ж: «Тонгги қўшиқлар», «Суратлар ва қўшиқлар»

11. Робиндранатҳ Тҳокурнинг мустамлакачилик зулми ва ижтимоӣй адолатсизлик қораланган романларини топинг. Ж: «Бибҳа соҳили», «Донишманд Рожа»

12. Робиндранатҳ Тҳокур қайси тилда ижод қилган? Ж: Бенгал тилида

13. Робиндранатҳ Тҳокурнинг ҳинд халқининг мустамлакачиларга қарши миллий озодлик ҳаракати ҳақидаги асарларини топинг. Ж: «Читра», «Лаҳза» шеърӣй тўпламлари, «Рожа ва Рани», «Қурбонлик», «Читрангода», «Малини» фалсафӣй драмалари, «Ҳисоб-китоб», «Жазо», «Нур ва соялар» ҳикоялари

14. Робиндранатҳ Тҳокурнинг 1911 йилда яратилган қайси қўшиғи Ҳиндистон Республикасининг миллий мадҳиясига айланган? Ж: «Халқ қалби»

15. Робиндранатх Тҳокурнинг 1913 йилда яратилган қайси қўшиғи Бангладеш Халқ Республикасининг миллий мадҳиясига айланган? Ж: «Менинг олтин Бенгалиям»

16. Робиндранатх Тҳокурнинг Ўзбекистонда нашр этилган китоблари қайсилар? Ж: «Нур ва соялар», «Кўзга тушган чўп»

17. Робиндранатх Тҳокурнинг қайси пьесалари ўзбек театрларда ўйналган? Ж: «Почта», «Ҳалокат» романи асоида тайёрланган «Ганг дарёсининг қизи» пьесаси

18. Робиндранатх Тҳокурнинг қайси қаҳрамони «...осоишталик, тинчликни яхши кўради, шунинг учун уйланишни ҳам хоҳламасди». Ж: «Нур ва соялар» ҳикоясидаги Шошибушон

19. «Нур ва соялар» ҳикоясида ким округ судясига қарши берган даъвосидан осонгина воз кеча қолади? Ж: Хоркумар

20. «Нур ва соялар» ҳикоясида Робиндранатх Тҳокур қандай гоани илгари суради? Ж: Битта-яримта инсоннинг юрак ютиб айтган сўзи ёки қилган иши шамолга соурилади

21. Робиндранатх Тҳокурнинг қайси асари жафокаш ҳинд халқини қулликда ушлаб туришга интилган ажнабий мустамлакачилар ва уларга зулм пичоғини қайраб берган маҳаллий амалдорлар ҳақида битилган айбнома каби ўқилди? Ж: «Нур ва соялар» ҳикояси

22. «Нур ва соялар» ҳикоясида Шошибушоннинг зийрак шогирди ким эди? Ж: Грибала

23. «Нур ва соялар» ҳикояси Грибала Шошибушон билан танишганида неча ёш эди? Ж: 8 ёш эди

24. «Нур ва соялар» ҳикоясининг қайси қаҳрамони: «Яхши, мен турмага боришим керак. Темир занжирлар ёлгон сўзламайди, «озодлик» эса турма деворидан ташқарида мени алдаб, мусибатга гирифтор қилди. Агар турма ҳақида сўз борар экан, шуни айтиш керакки, турма тор бўлганидан у ерда ёлгончилар, қаллоблар, ҳимматсиз ва номард кишилар озодлигига нисбатан анча оз» дейди? Ж: Шошибушон

25. «Нур ва соялар» ҳикояси қандай яқунланади? Ж: Грибала билан турмадан чиққан Шошибушон учрашади

Ўлжас Сулаймонов

1. Ўлжас Сулаймонов қачон ва қерда туғилган? Ж: 1936 йилда Олмаота шаҳрида

2. Ўлжас Сулаймоновнинг биринчи асари? Ж: «Арғумоқлар», 1961 йилда нашр қилинган

3. Ўлжас Сулаймоновнинг китобларини топинг. Ж: «Қуёшли тунлар», «Ажойиб тун», «Шарофатли вақтлар», «Маймун йили», «Лой китоб», «Оловнинг кўчиши», «Юма-лоқ юлдуз», «Аз и Я»

4. Ўлжас Сулаймонов қайси асарида европапарастлар айтганидай, туркийлар ёввойи ва маданиятсиз қавм эмас, балки дунёнинг энг қадимий маданиятли миллатларидан эканлиги асосланди? Ж: «Аз и Я» асарида

5. Ўлжас Сулаймоновнинг «Арғумоқ» шеърини ким ўзбек тилига таржима қилган? Ж: Азим Суюн

6. Ўлжас Сулаймоновнинг «Мамбет ботирнинг қатл олдидан айтганлари» шеърини ким ўзбек тилига таржима қилган? Ж: Шавкат Раҳмон

Фирдавсий

1. Фирдавсий туғилган Тус шаҳри ҳозир қандай аталади? Ж: Фирдавс

2. «Шоҳнома» ёзиш дастлаб кимга топширилган эди? Ж: Абу Мансур Дақиқийга

3. Фирдавсийдан олдин ким «Шоҳнома»нинг минг байтини ёзиб тугатган эди? Ж: Абу Мансур Дақиқий

4. «Шоҳнома»ни ёзиш кимнинг тошириғи билан Фирдавсийга топширилди? Ж: Нуҳ ибн Мансур Абулқосим

5. «Шоҳнома»да нечта сулола ва нечта ҳукмдор тарихига оид воқеалар акс этган? Ж: Тўрт сулола, 50 ҳукмдор

6. Эрон қаҳрамонлик эпосларини бир жойги йиққан «Худойнома» асари қачон яратилган? Ж: III-VII асрларда

7. Эрон тарихини ёритувчи асарлар ёзган муаллифларни сананг. Ж: Абул Муайяд Балхий, Абу Али Муҳаммад ибн Аҳмад Балхий, Масъуд Марвазий, Абулқосим Фирдавсий

8. Фирдавсий «Шоҳнома»ни неча йил мобайнида яратди? Ж: 30 йил

9. Фирдавсий «Шоҳнома»си неча байтдан иборат? Ж: 60 минг байт

10. Фирдавсий «Шоҳнома»сининг 40 дан ортиқ нусхасини қиёсий ўрганиб, мукаммал илмий-танқидий матнини тузишни қайси ҳукмдор нечанчи асрда мутахассис олимларга буюрган? Ж: XV асрда Мирзо Улуғбекнинг акаси Бойсунқур Мирзо Ҳиротда олимларни тўплаган.

11. Фирдавсий «Шоҳнома»си тасвир манбасига кўра неча қисмга бўлинади? Ж: 3 қисмга: 1. Қайта ишланган энг қадимги афсоналар баёни. 2. Халқ қаҳрамонлари ҳақидаги афсона, ривоят ва қиссаларнинг бадиий талқини. 3. Тарихий шоҳлар ҳаётидан олинган воқеа-ҳодисалар асосидаги қиссалар.

12. Фирдавсий «Шоҳнома»сининг бош ғояси нима? Ж: Бош ғоя - Ватанни улуғлаш, халқ қудрати ва салоҳиятини кўз-кўз қилиш, элнинг етук фарзандлари қадрини кўтариш. ўқувчига кучли ватанпарварлик ҳиссини сингдириш.

13. Қайси асар форсий тилда яратилган бўлишига қарамай, Эрон ва Турон халқларининг муштарак ёдгорлиги ҳисобланади? Ж: Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си

14. Фирдавсий «Шоҳнома»сини таржима қилган ижодкорларни топинг. Ж: XVIII асрда Шоҳ Ҳижрон, Хомуший; XIX асрда Нурмуҳаммад Бухорий, Очилмурод Мирий; XX асрда Шоислом Шомуҳаммедов, Ҳамид Фулом, Назармат, Жуманиёз Жаборов.

15. Фирдавсий «Шоҳнома»си нечанчи йилларда юртимизда нашр қилинган? Ж: 3 марта: 1975, 1976, 1977 йилларда.

16. Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги Сиёвуш ким? Ж: Эрон шоҳи Кай Ковуснинг ўғли, она тарафдан Турон шоҳи Афросиёбнинг укаси бўлмиш Гарзевазнинг звараси.

17. Фирдавсий «Шоҳнома»сида Афросиёб қандай туш кўради? Ж: Тушида ўзининг Ковус шоҳга асир бўлгани, байроғи ерга тушиб, лашкари ҳалок бўлгани, ўзини Ковуснинг ўғли қилич билан иккига бўлиб юборганини укаси Гарзевазга айтади.

18. Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги қайси қисса Эрон-Турон дўстлигини тараннум этади? Ж: «Сиёвуш қиссаси».

19. Қайси ижодкор Тусий номи билан ҳам шуҳрат қозongan? Ж: Абулқосим Фирдавсий

20. Фирдавсий «Шоҳнома»ни ёзишга қачон киришган? Ж: 35 ёшида

21. Фирдавсий «Шоҳнома» устида неча йил ишлайди? Ж: 30-35 йил.

22. Фирдавсий «Шоҳнома»ни қайси ҳукмдорга тақдим этади? Ж: Султон Маҳмудга

23. Фирдавсий яна қандай дoston ёзган? Ж: «Юсуф ва Зулайҳо»

24. Фирдавсий «Шоҳнома»сида Темирчи Кова нима учун илонбош Заҳҳокка қарши курашга отланади? Ж: Заҳҳок елкасидан ўсиб чиққан илонларни ёш болаларнинг мияси билан боқар эди. Темирчи Кованинг 18 фарзандидан 17 таси аждаҳога ем бўлади. Навбат сўнгги фарзандига етганда Заҳҳокка қарши жангга отланади.

25. Фирдавсий «Шоҳнома»сида тасвир этилган воқеалар қачонгача бўлган тарихни ўз ичига олади? Ж: Эрамизгача бўлган 3223 йилдан 651 йилгача

26. Фирдавсий «Шоҳнома»сида қайси сулолалар тарихи акс этган? Ж: Пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар, сомонийлар

27. Фирдавсий «Шоҳнома»сида нечта подшоҳликнинг тасвир ва тавсифи акс этган? Ж: 50 та

28. Фирдавсий «Шоҳнома»си шартли равишда қандай қисмларга бўлинади? Ж: 3 та: мифологик, қаҳрамонлик, тарихий қисмлар

29. Фирдавсий «Шоҳнома»сининг мифологик қисмида қандай воқеалар акс этади? Ж: «Авесто»да қайд этилган қадимги мифлар ва космогоник тасаввурлар акс этган.

30. Фирдавсий «Шоҳнома»сининг қаҳрамонлик қисмидаги асарлар марказида ким туради? Ж: Рустам

31. Қайси асар Шарқ адабиётида ҳамсачилик анъаналарининг пайдо бўлишига олиб келди? Ж: Фирдавсий «Шоҳнома»си

32. Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги мифологик образлар қайси? Ж: Каюмарс, Ҳушанг, Таҳмурас, Жамшид

33. Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги афсонавий образлар қайси? Ж: Сом, Наримон, Зол, Рустам, Гев, Бижон

34. Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги тарихий персонажлар қайси? Ж: Искандар, Баҳром Гўр, Маздак, Ануширвон, Хусрав Парвиз

35. Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги одил подшоҳ ким? Ж: Жамшиднинг ўғли Фаридун

36. Фирдавсий «Шоҳнома»си қайси вазнда ёзилган? Ж: Мутақориб баҳрида

37. Фирдавсий «Шоҳнома»си илк бор ўзбек тилига ким томонидан таржима қилинган? Ж: 1682 йилда Мулла Хомуш охун-Хомуший томонидан

38. Фирдавсий «Шоҳнома»си асосида XX асрнинг 20-йилларда ким қандай пьеса яратган? Ж: Ғози Юнус «Заҳдоки морон»

39. Нома бадий асар тури сифатида илк бор кимнинг ижодида пайдо бўлган? Ж: Фирдавсийнинг

40. Фирдавсий «Шоҳнома»сида қайси подшоҳ даврида зулм кучайиб, адолат чекинади? Ж: Заҳдоқ даврида.

Сергей Есенин

1. Сергей Есенин қачон ва қаерда туғилган? Ж: 1895 йилда Россиянинг Константиново қишлоғида туғилди.

2. Сергей Есенин неча ёшдан шеърлар ёза бошлади? Ж: 9 ёшдан

3. Сергей Есенин неча ёшдан шоир сифатида машҳур бўлган? Ж: 19 ёшдан

4. Сергей Есенин неча ёшида Петроградда қайси шоир билан учрашди? Ж: 20 ёшида Александр Блок билан

5. Сергей Есенин нима учун армия хизматидан кетган? Ж: Оқ пошшо шарафига шеър ёзгани учун

6. Сергей Есенин «Форс тароналари» шеърлар туркумини қаерда ёзган? Ж: Озарбайжоннинг Боку шаҳрига яқин қишлоқлардан бирида

7. Сергей Есениннинг шеърларини ўзбек тилига ким таржима қилган? Ж: Эркин Воҳидов

8. Сергей Есениннинг «Хуросонда бир дарвоза бор» шеърида қайси қизнинг исми тилга олинади? Ж: Шаҳи

9. Сергей Есениннинг «Доғлар кетмиш мажруҳ кўнгилдан» шеърида Шарқ халқларига хос қайси жой кенг тасвирланади? Ж: Чойхона

10. «Оқшом менга ниқоб остидан Оҳу кўзин сузди гулрухсор» шеъри кимга тегишли? Ж: Сергей Есенинга

11. Сергей Есениннинг қайси шеърида болалиги, олчазорлар, отаси, оқ қайинлар эсга олинади? Ж: «Синглимга хат»

12. Сергей Есениннинг «Бу дунёда мен бир йўловчи» шеъри кимга аталган? Ж: Синглиси Шурага

13. Сергей Есенин 1925 йилнинг 13 сентябрь куни синглиси Шурага атаб нечта шеър ёзади? Ж: 4 та

14. Сергей Есениннинг қайси шеърлари онанинг фарзандига бўлган муҳаббатини акс эттирган? Ж: «Она ибодати», «Ит ҳақида дoston»

15. Сергей Есениннинг «Ит ҳақида достон» шеърида ит нима учун зор-зор йиғлайди? Ж: Етти боласини хўжайини қопга солиб олиб кетгани учун

16. «Шоир бўлмоқ – бу-ку тайин гап

Ўз жонингни ўртамоқ фақат.

Ханжар уриб нозик таниннга,

Ўзгаларга бахш этмоқ лаззат».

Ушбу мисралар муаллифини топинг. Ж: Сергей Есенин

9-СИНФ АДАБИЁТИ

Носириддин Рабғузӣй

1. Носириддин Рабғузӣй отасининг касби? Ж: Қози

2. «Қисаси Рабғузӣй» қаҳрамонларини қайси сиймо ўзаро бирлаштириб туради? Ж: Муҳаммад с.а.в.

3. «Қисаси Рабғузӣй»да қайси иллат ҳалокатга сабаб бўлувчи дейилади? Ж: Кибр

4. Ушбу парча қайси асардан олинган? «Рум вилоятининг одати бор, тевалари бебошлик қилиб бурундуқлатмасалар, янги тушган келинларни келтириб, ун тузиб йирлатурлар (куйлатурлар). Тевалар уларнинг овозларига хушланиб, ўзларидан кечарлар–иликка илинурлар». Ж: «Қисаси Рабғузӣй»

5. «Қисаси Рабғузӣй»да қайси тилдаги шеърлар учрайди? Ж: Арабча, туркийча

6. «Қисаси Рабғузӣй»да Қобил билан туғилган қизнинг исми? Ж: Иқлимо

7. «Қисаси Рабғузӣй» да Ҳобил билан туғилган қизнинг исми? Ж: Абудо

8. Қобил Ҳобилни ўлдирганда неча яшар эди? Ж: 20 ёш

9. Иблис Қобилга нималарни ўргатди? Ж: Хамр ичишни, ўтга сифинишни, ун ўтказишни

10. «Қисаси Рабғузий»да ким расулulloҳнинг елкасида пайгамбарлик муҳрини кўриш учун у кишидан бир куни бехосдан урганлиги учун қасос олмақчилигини айтади? Ж: Укоша

11. «Қисаси Рабғузий»да Азроил қандай ном билан аталган? Ж: Малак ул-мавт, Қабиз ал-арвоҳ

12. Рабғузийнинг ижод маҳсули мазкур мавзу анъанасидаги ўзига хос босқич бўлди. Бу нималарда кўринади? Ж: Биринчидан, адиб ўзигача яратилган пайгамбарлар ҳақидаги қиссаларини пухта ўрганди, уларнинг ютуқларини умумлаштирди, ривожлантирди. Иккинчидан, салафлари йўл қўйган камчиликларни тузатди ва чалкашликларга барҳам берди. Учинчидан, олдинлари набийлар ҳақидаги қиссалар араб ва форс тилида яратилган бўлса, Рабғузийнинг туркий тилда битилган қиссалари туркий халқларнинг бебаҳо мулкига айланди

13. «Қисаси Рабғузий»да қайси иллат инсоннинг ичини ёндирувчи, уни тубанликка бошловчи ва охир-оқибат юзини қора қилувчи ўт сифатида кўрсатилади? Ж: Ҳасад

14. «Халқ орасида раса бор, дўст дўстга сафар қилиб ёнар (қайтар) бўлса, бир ҳадя ола борурлар». Бу одат қайси асардан олинган? Ж: «Қисаси Рабғузий»дан

15. «...пайгамбар алайҳиссалом ул умри укуш, дийдори кўшиш, Азроилга қотишган, ризвон бирла янашган, дунёдан қуштек учган, тамуғга кириб чиқган, Сиротдни яшиндек кечган, учмоҳ қабуғин очган, ўзи азиз, ўрни адиз, ариғ зотлиғ, Ахнуҳ отлиғ Идрис ялавоч». «Қисаси Рабғузий»дан олинган ушбу парчада қандай санъатдан фойдаланилган? Ж: Сажъдан

16. «Қисаси Рабғузий»да Қобил Ҳобилни ўлдириб, уни нима қилишни билмай турганда унга Ҳобилни кўмишни ким ўргатади? Ж: 2 та қарға

17. «Қисаси Рабғузий»да Ҳобилнинг қони тўкилган ердан нималар ўсиб чиқди? Ж: Оқ тикан ва юлғун

18. «Қисаси Рабғузий»да Одам Ато Қобилни бутга сигинишдан қайтариш учун қанча кишини жўнатади? Ж: 40 минг кишини

19. *«Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам наврўзи,
Кечти баҳман замҳарир, қиш қолмади қори бузи».*

Рабғузий ғазалининг матлаъсида қайси ундошлар такор қўлланилган? Ж: «К» ва «р» ундошлари

20. *«Тонг отарди, эснаюр тўрт булунгдин шамол, зиё»* мисраларида қайси бадий санъат ишлатилган? Ж: Жонлантриш-ташхис

Алишер Навоий

1. «Хамса» ёзиш анъанасини ким бошлаб берган? Ж: Низомий Ганжавий

2. Низомий қайси достонини Арзінжон ҳокими Фахриддин Баҳромшоҳга бағишлаб ёзади? Ж: «Махзан ул-асрор»

3. Низомий қайси достонини Ироқ ҳукмдори Тўрғул II га бағишлаб ёзади? Ж: «Хисрав ва Ширин»

4. Низомий қайси достонини Ширвоншоҳлардан Ахсатан I га бағишлаб ёзади? Ж: «Лайли ва Мажнун»

5. Низомий қайси достонини Аловиддин Кўрпа Арслонга бағишлаб ёзади? Ж: «Ҳафт пайкар»

6. Низомийнинг «Хамса»си неча йилда ёзилган? Ж: 28 йилда

7. Хусрав Деҳлавий асли қаерлик бўлган? Ж: шаҳрисабзлик туркий уруғлардан

8. Хусрав Деҳлавий «Хамса»сининг 1-достони қандай аталади? Ж: «Матлаъ ул-анвор»

9. Навоий қайси достони муқаддимасида шундай ёзади:
*«Ани назм этки, тарҳи тоза бўлғай,
Улусқа майл беандоза бўлғай.*

Йўқ эрса назм қилгонни халойиқ,

Мукаррар айламак сендин не лойиқ? Ж: «Фарҳод ва Ширин»

10. Навоий қайси достонида шундай ёзади:

«Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,

Низомий панжасига панжа урмоқ». Ж: «Фарҳод ва Ширин»

11. Ҳар бир асар «Хамса» деб аталмоғи учун қандай хусусиятларга эга бўлиши керак? Ж: а) беш дostonдан ташкил топтоғи керак; б) биринчи дoston, албатта, панд-насиҳат руҳидаги таълимий-ахлоқий, фалсафий бўлиши керак; в) иккинчи дoston Хусрав ва Ширин муносабатларига бағишланмоғи керак; г) учинчи дoston Лайли ва Мажнун муҳаббатини мавзу қилиб олмоғи керак; д) туртинчи дoston шоҳ Баҳромга бағишланмоғи керак; е) бешинчи дoston Искандар ҳақида бўлмоғи керак

12. Навоий ўз «Хамса»сини Деҳлавийдан неча йил кейин ёзиб тугатди? Ж: 200 йил кейин

13. Кимнинг «Хамса»си «Панж ганж» – беш хазина деб номланади? Ж: Низомий Ганжавий

14. Низомий, Хусрав Деҳлавий, Навоий «Хамса»ларига кирган дostonларни тўғри сананг. Ж: Низомийники: «Маҳзан ул-асрор» (Сирлар хазинаси), «Хисрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар» (Етти гўзал), «Искандарнома»; Хусрав Деҳлавийники: «Матла ул-анвор» (Нурларнинг бошланиши), «Ширин ва Хисрав», «Мажнун ва Лайли», «Ҳашт беҳишт» (Саккиз жаннат), «Оинаи Искандарий», Навоийники: «Ҳайрат ул-аброр» (Яхшилар ҳайрати), «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» (Етти кезувчи), «Садди Искандарий»

15. «Ҳайрат ул-аброр» дostonи қачон ёзилган? Ж: 1483 йилда

16. 1484 йилда «Хамса»нинг қайси дostonлари яратилган? Ж: «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» дostonлари

17. «Садди Искандарий» достони қачон яратилган? Ж: 1485 йилда

«Ҳайрат ул-аброр» достони

18. «Ҳайрат ул-аброр» достонининг ҳажми ҳақидаги қайси ҳукм тўғри? Ж: 3988 байтдан иборат, 63 боб: 21 боби муқаддима, 2 боби хотима, 20 боби мақолат, 20 боби ҳикоят ва масаллар

19. Фақат «Ҳайрат ул-аброр» достонининг тузилишига хос бўлган атамани топинг. Ж: Мақолат

20. Навоий «Ҳайрат ул-аброр»нинг қайси мақолатида:

«Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,

Балки нишони анинг иймон эрур»,

– деб ёзади? Ж: Биринчисида

21. Навоийнинг адолат ҳақидаги мезонлари қайси мақолатда акс этган? Ж: Учинчисида

22. Навоий «Ҳайрат ул-аброр»нинг нечанчи мақолатини қарам ва саховатга бағишлайди? Ж: Бешинчиси

23. Навоийнинг:

«Одамий эрсанг, демагил одами,

Оники йўқ халқ гамидин гами»,

– мисралари қайси достондан олинган? Ж: «Ҳайрат ул-аброр»дан

24. *«Даҳр муқайяд била озодаси,*

Борча эрур «коф» ила «нун» зодаси».

Тагига чизилган мисранинг маъносини топинг. Ж: «Коф» ила «нун» ҳарфлари қўшилса, «кун», яъни «Ярал!» сўзи ҳосил бўлади, оламдаги барча нарса «Ярал!» сўзидан пайдо бўлган

25. Навоий «Ҳайрат ул-аброр»нинг нечанчи мақолатини ростгўйлик таърифига бағишлайди? Ж: Ўнинчи

26. «Улки шиор айлади ёлғон демак,

Бўлмас они эру мусулмон демак»,

– мисралари қайси дostonдан олинган? Ж: «Ҳайрат ул-аброр»дан

27. «Ҳайрат ул-аброр» дostonи қайси вазнда ёзилган?
Ж: Сарий баҳрида

28. Навоийнинг фикрича инсон ва ҳайвон ўртасидаги фарқ нима? Ж: Иймонга эга бўлиш

29. «Ҳайрат ул-аброр»нинг нечанчи мақолати иймон ҳақида? Ж: Биринчи мақолати

30. Навоий:

«Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,

Этти фалак ахтарининг буржи ул»,

– деганда нимани назарда тутган? Ж: Сўзни

31. «Сўздин улукнинг танида руҳи пок,

Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок»,

– байтлари нима ҳақида? Ж: Сўзнинг ўликка жон, тирikka ўлимни ато қилиши мумкинлиги ҳақида

32. «Мунчаки шарҳ этти қалам сўзга ҳол,

Насридадур, назмига бор ўзга ҳол»,

– мисраларида нима ифода этилган? Ж: Шеърый ва насрий сўз ўртасидаги фарқ ифодаланган

33. «Сўз аро ялгон киби йўқ нописанд,

Айлар анинг назмини доно писанд»,

– мисралари нима тўғрисида? Ж: Ижодда бадий тўқима ва муболаганинг ўрнига таъриф берилган

34. «Ўрнида тишлар дури манзум эрур,

Чун сочилур қиймати маълум эрур»,

– мисраларида бадий ижоднинг қайси томонига эътибор қаратилган? Ж: Бадий ижодда шаклнинг ўрнига эътибор қаратилган

35. «Бўлмаса эъжоз мақомида назм,

Бўлмас эди Тенгри каломида назм»,

– мисраларида нима акс этган? Ж: Шеърнинг илоҳий мавқега эгаллиги, шеърятнинг мўъжизалиги акс этган

36. Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да «мақолат» сўзини «боб» маъносида ишлатади. Аслида бу сўз қандай маънони билдиради? Ж: «Сўз, нутқ» деган маънони

37. «Ростлик таърифида» мақолатидаги:

«Ҳар кишиким тузлук эрур пешаси,

Кажрив эса чарх не андешаси»,

- мисралари маъносини изоҳланг. Ж: Яшаш тарзи тўғрилиқдан иборат бўлган одамни дунёнинг эгрилиги қўрқитолмайди

38. Навоий «Ростлик таърифида» мақолатида тўғрилиқнинг усуллари сифатида икки хил тоифани кўрсатади. Булар қайсилар? Ж: Биринчиси-сўзи ҳам, ўзи ҳам тўғри бўлган киши; иккинчиси-мажбурият юзасидан ёлғонни яхшилик учун тўғри деб атовчи киши

«Фарҳод ва Ширин» достони

39. «Фарҳод ва Ширин»да нафсни енгиш қуроли сифатида нима кўрсатилади? Ж: Ишқ

40. «Фарҳод ва Ширин»да Моний ким? Ж: Оллоҳ ишқини қалбга нақшлаш сирларини ўргатган устоз

41. «Фарҳод ва Ширин»да Боний ким? Ж: Фарҳоднинг кўнглига ишқ биносини қурган ва қуришни ўргатган пир

42. «Фарҳод ва Ширин»да Қоран ким? Ж: Фарҳоднинг кўнглидаги тошдан ҳам қаттиқ нафсоний истакларни парчалаш илмини билдирган муршид

43. «Фарҳод ва Ширин» достони қандай характердаги дoston? Ж: Ишқий-саргузашт характеридаги дoston

44. «Фарҳод ва Ширин» достонининг ҳажми? Ж: 5782 байт

45. «Фарҳод ва Ширин» достонининг вазни? Ж: Ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазни

46. Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонини қандай атайдими? Ж: «Шавқ достони»

47. Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонини нима сабабдан «шавқ достони» деб атайди? Ж: Сабаби унда ишқ куйланади, талқин қилинади ва улуғланади

48. Қайси достонда Навоийнинг комил инсон ҳақидаги орзу-ўйлари ҳам ифода этилган? Ж: «Фарҳод ва Ширин» достониди

49. Навоий «Фарҳод ва Ширин» достониди Фарҳодни бош образ қилиб олди. Бу билан достонда қандай ўзгаришлар бўлишига асос бўлди? Ж: Фарҳоднинг бош образ қилиб олинishi билан достоннинг қурилишини, мазмунини тамомла ўзгартирди. Мазкур ўзгариш хамсачиликка шоир кiritган энг катта янгилик ва достонга «Фарҳод ва Ширин» номи берилишига асос бўлди

50. «Фарҳод ва Ширин» достонининг асосий воқеалари қандай бошланади? Ж: Чин хоқонининг фарзандсизлиги ва бундан унинг сўнгсиз изтиробларга тушганлиги тасвири билан бошланади

51. «Фалак деб: «Дард элининг шоҳи» они,

Малак деб: «Дард ути огоҳи» они»,

– таърифи қайси қаҳрамонга тегишли? Ж: Фарҳодга

52. Фарҳод қанчада буткул савод чиқарди? Ж: 3 ойда

53. Фарҳод қанча муддатда Қуръони каримни ёд олди?

Ж: Бир йилда

54. «Хамса»нинг қайси қаҳрамони учун:

«Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,

Билиб таҳқиқин касб этмаган илм»,

– таърифи хос? Ж: Фарҳодга

55. «Демонким кўнгли пок-у, ҳам кўзи пок,

Тили пок-у, сўзи пок-у, ўзи пок». – таърифи «Хамса»

достонининг қайси қаҳрамонига тегишли? Ж: Фарҳодга

56. Фарҳод неча ёшга етганда ичи таши дард билан тўлди?

Ж: 14 ёшга

57. Чин хоқони Фарҳодни овутиш мақсадида 4 фаслга мослаб 4 қаср курдиришга фармон беради. Бу ишга кимни маъмур этиб тайинлайди? Ж: Мулкорони

58. Фарҳоднинг атобеги, яъни тарбиячиси ким эди? Ж: Мулкоро

59. Фарҳод кимлардан қайси ҳунарларни ўрганган? Ж: Қорандан тош йўниш, Бонийдан меъморлик, Монийдан наққошликни

60. Фарҳод мамлакат хазинасидаги сандиқда нимани кўриб қолади? Ж: Сирли кўзгуни

61. «Фарҳод ва Ширин» достонидаги сирли кўзгуни ким неча олимга яратган эди? Ж: Искандари Румий 400 олимга яратган эди

62. Кўзгу тилсимини очиш учун Фарҳод қаерга бориши керак эди? Ж: Юнонистондаги бир тоғга

63. Юнонистондаги тоғгача нечта манзил бор эди? Ж: Уч манзил бўлиб, биринчисидан—Аждаҳони, иккинчисидан—Аҳраман девни, учинчисидан—иккаласидан ҳам мушкулроқ тилсимни енгини керак эди

64. Сирли кўзгу тилсимини ечишнинг тўртинчи манзили қандай эди? Ж: Тоғдаги ғор ичидан донишманд Суқротни топиш

65. Фарҳод кўзгу сирини очишдаги тўсиқларни мардона енггандан сўнг нималарни қўлга киритади? Ж: Жамшид жомини, Сулаймон узугини, Искандар бойлигини

66. Суқрот кимларнинг тақдирини башорат қилгандан сўнг жон таслим қилади? Ж: Фарҳод, Отаси, Мулкороларни

67. Фарҳод Юнонистондан қайтгач кўзгуда нималарни кўради? Ж: Қандайдир бир юрт, тоғ кесиш билан машғул одамлар, ўзининг ҳам ариқ қазиётгани ва Ширинни кўради

68. Фарҳод севгилисини излаб йўлга чиққач кимдан Шириннинг Арман юртидан эканлигини билади? Ж: Дўсти Шопурдан

69. Фарҳод Арман юртига келганда одамлар неча йилдан бери сув чиқариш мақсадида тоғ кесиш билан машғул эдилар? Ж: Уч йилдан бери

70. Арман юртида сув чиқариш қурилиши кимнинг истагига кўра бажарилаётган эди? Ж: Малика Меҳинбону топиши билан жияни Шириннинг истагига кўра

71. «Ҳарими ифбат ичра шоҳ ул эрмиш, сипеҳри исмат узра моҳ ул эрмиш» таърифи қайси ҳақрамон ҳақида? Ж: Ширин ҳақида

72. Фарҳод ушбу фикрларни қачон кимга қарата айтган: «*Ҳунарни асрабон неткумдур охир.*

Олиб туфроққами кеткумдур охир.» Ж: Тоғ қазийётган одамларга қарата Арманияда айтган

73. Хусрав қайси юрт ҳукмдори? Ж: Ажам юртининг

74. «*Менга не ёр-у, не ошиқ ҳавасдур, агар мен одам ўлсам, ушбу басдур!*» мисралари қайси қаҳрамон нутқидан олинган? Ж: Шириннинг

75. Хусрав Фарҳодни қандай қўлга туширади? Ж: Ҳийла билан

76. Фарҳод ўлмидан олдин ота-онаси-ю яқинларига видолашувини ким ёки нима орқали изҳор қилади? Ж: Боди сабо орқали

77. «*Йиқилса ҳужра – бўлсун қаср обод,*

Қурусса сабза – бўлсун сарв озод.»

– мисралари Навоийнинг қайси достонидан олинган? Ж: «Фарҳод ва Ширин»дан, Фарҳоднинг Боди сабога мурожаатидан

78. Фарҳоднинг, – «*Мени розилигингдин қилма навмид, Манга дўзах ўтини солма жовид,*

– деган мурожаати кимга қаратилган? Ж: Онасига

79. Қайси асарда «бир нафснинг ишини 70 шайтон қилолмайди» деб таъкидланган? Ж: «Қисаси Рабғузий»да

80. Қайси шоир «Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужо» деб ёзади? Ж: Алишер Навоий

81. «Демонким, кўнгли пок-у ҳам кўзи пок, тили пок-у, сўзи пок-у, ўзи пок». Ушбу таъриф қайси асар қаҳрамонига тегишли? Ж: Фарҳод

82. «Жанубида муҳаббат дарди зоҳир, Узори узра гурбат гарди зоҳир». Ушбу таъриф ким томонидан кимга айтилган? Ж: Ширин томонидан Фарҳод таърифи

83. Навоий фикрича, кимлар илоҳиёт сирларини, маърифатни куйловчилардир? Ж: Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий

84. Навоий фикрича, кимлар илоҳиётга мажозни восита қилувчилардир? Ж: Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий

85. Навоий фикрича, кимлар мажозий ишқ куйчилари ҳисобланади? Ж: Ҳоқоний Ширвоний, Салмон Соважий, Носир Бухорий

86. Навоий шоирларни неча гуруҳга бўлади? Ж: 3 гуруҳга: илоҳиёт сирларини, маърифатни куйловчилар, илоҳиётга мажозни восита қилувчилар, мажозий ишқ куйчилари

«Лайли ва Мажнун»

1. Лайли қайси қабила бошлигининг қизи? Ж: Ҳай қабиласининг

2. Мажнун қайси қабила бошлигининг ўғли? Ж: Омар қабиласининг

3. Севги қиссаларининг энг дардлиси қайси? Ж: «Лайли ва Мажнун» достони

4. Навоий қайси достонида руҳият тасвирига алоҳида эътибор беради? Ж: «Лайли ва Мажнун» достонида

5. *«Мен хастаки, бу рақамни чектим,*

Таҳрири учун бу қаламни чектим.

Ёзмоққа бу ишқи жовидона,

Мақсудим эмас эди афсона»,

– деганда Навоий нимани назарда тутган? Ж: Асар мазмуни чуқурлигини таъкидлаган

6. Қайси асар қаҳрамонлари бир-бирларига илоҳий ишқ билан боғланган? Ж: «Лайли ва Мажнун» достони қаҳрамонлари

7. Нима учун Лайлининг отаси мавқе томондан ўзи билан тенг бўлган Қайсга қизини беришга ор қилади? Ж: Эл орасида «Мажнун» деб ном олгани учун, маломатга қолгани учун

8. Навоий дostonларида бош қаҳрамонлар учун ўлим нимани англатади? Ж: Ўлим улар учун фожма эмас, балки азобли ҳижрондан қутқарувчи халоскор, пировард мақсадлари бўлмиш Яратганнинг васлига ноил қилувчи восита

9. *«Асҳобга майли лолаву бог,*

Ул икки ичинда лоладек доғ».

Ушбу байтда «ул икки» деганда шоир кимларни назарда тутди? Ж: Лайли ва Мажнунни

10. Қайси дoston қаҳрамони ўз канизлари олдида севгиси учун ер ўпади? Ж: «Лайли ва Мажнун» дostonида Лайли

11. «Лайли ва Мажнун» дostonида Лайли нечта канизи олдида ер ўпади? Ж: Икки канизи олдида

12. «Лайли ва Мажнун» дostonида севишганларнинг илк учрашуви қайси фаслга тўғри келади? Ж: Баҳор фаслига

13. «Лайли ва Мажнун» дostonида *«Бедилга бу ҳифт мушкил эрди, ким, ҳуш ила ақли зойил эрди»* деганда ким назарда тutilади? Ж: Мажнун

14. Навоий қайси асарида ишқни мисни олтинга айлантирувчи кимёга ва жаҳонни ёритувчи ойнага ўхшатади? Ж: «Лайли ва Мажнун»да

15. Навоий қайси асарини шундай яқунлайди?

«Сунгин нечаким узаттим охир,

Йиглай-йиглай тугаттим охир». Ж: «Лайли ва Мажнун»

16. Лайли сўзининг маъноси? Ж: Тунги

17. Лайлининг бошига ўлим ҳавфи тушганини Мажнун қандай билди? Ж: Тушида кўриб

18. Мажнунга ким қизини беради? Ж: Навфал

19. Мажнуннинг асл исми нима? Ж: Қайс

20. Олимларнинг тахминларига кўра, Мажнуннинг асл исми? Ж: Қайс Ибн Мулаваҳ

21. Отаси Мажнунни нима мақсадда Каъба зиёратига олиб боради? Ж: Қайс бу муқаддас даргоҳда дардига шифо тиласа

22. «Лайли ва Мажнун» қиссасини ким биринчи бўлиб яхлит бир дostonга айлантирда? Ж: Низомий

23. «Лайли ва Мажнун» дostonи қандай бошланади? Ж: Тун ва бўрон тасвири билан

24. «Лайли ва Мажнун» дostonига нечта назира боғланган? Ж: 118 та: 67 та форс, 37 та туркий тилда

25. «Лайли ва Мажнун» дostonида тасвирланган ишқ қандай ишқ эди? Ж: Тасаввуфий ишқ

26. *«Мен хастани айламакта мавжуд,
Не эрди қазога мақсуд?!»*

Ушбу сўз қайси қаҳрамоннинг нутқи? Ж: Мажнун

«Сабъан сайёр»

1. «Сабъан сайёр» дostonида Баҳром нима учун Баҳром гўр дейилган? Ж: Қулон-гўр овига қизиққани учун

2. «Сабъан сайёр» дostonи қандай дoston? Ж: Ишқий-саргузашт қисса

3. Баҳром Дилоромнинг дарагини кимдан эшитади? Ж: Монийдан

4. Баҳром Дилоромни қанча хирож тўлаб саройга олиб келади? Ж: Хитойнинг бир йиллик хирожини тўлаб

5. Баҳромнинг мерганлик бобидаги маҳоратига Дилором қандай жавоб беради? Ж: «Бу маҳорат машқнинг натижаси» деб

6. Қайси дoston қаҳрамонини ўз севган ёри узун сочларига оёқ-қўлини боғлаб, биёбонга ташлаб кетади? Ж: «Сабъан сайёр» дostonида Дилоромни

7. Баҳром учун кимнинг маслаҳатига кўра етти қаср қурдирилади? Ж: Ҳакимларнинг маслаҳатига кўра

8. «Сабъаи сайёр» достонида Баҳром шанба куни қандай қасрда қайси ҳикояни тинглайди? Ж: Қора қасрда Фарух ва саҳий Ахий ҳикоясини

9. «Сабъаи сайёр» достонида Баҳром якшанба куни қандай қасрда қайси ҳикояни тинглайди? Ж: Сариқ қасрда Зайд Заҳҳоб саргузаштини

10. «Сабъаи сайёр» достонида Баҳром душанба куни қандай қасрда қайси ҳикояни тинглайди? Ж: Яшил қасрда Саъд жасоратини

11. «Сабъаи сайёр» достонида Баҳром сешанба куни қандай қасрда қайси ҳикояни тинглайди? Ж: Шоҳ Жўна ва саҳий Масъуд ҳикоясини гулгун қасрда

12. «Сабъаи сайёр» достонида Баҳром чоршанба куни қандай қасрда қайси ҳикояни тинглайди? Ж: Мовий қасрда Меҳр ва Суҳайл қиссасини

13. «Сабъаи сайёр» достонида Баҳром жума куни қандай қасрда қайси ҳикояни тинглайди? Ж: Оқ қасрда Хоразмдан келган мусофир ҳикоясини

14. Баҳром кимдан Дилоромнинг дарагини эшитади? Ж: Хоразмлик мусофирнинг ҳикоясидан

15. Навоий қайси қаҳрамони орқали ошиқлик ва шоҳликнинг бир танга сигмаслигини кўрсатган? Ж: Баҳром орқали

16. Баҳром қачон мамлакатни унутади? Ж: Ошиқ бўлганидан сўнг

17. Баҳромнинг кўзига қачон ишқ кўринмай қолади? Ж: Шоҳга хос мақтов, хушомадни истаганида

18. «Ишқ ила шоҳлик мувофиқ эмас.

Ишқ дофида шоҳ содиқ эмас».

Ушбу парча қайси асардан олинган ва ким ҳақида? Ж: «Сабъаи сайёр»да, Баҳром ҳақида

19. «Сабъаи сайёр»да Навоий қандай ўзгаришлар қилди? Ж: Ҳикояларини ўз ватани бўлмиш Хуросон, Мовароуннаҳр

ҳаёти билан боғлашга ҳаракат қилди, Шаҳрисабз. Хоразм ҳақида махсус ҳикоялар киритди, бу машҳур қиссага туркона руҳ берди. Баҳром муносабати билан замонавий масалаларни қўзғади

20. «Ишқ учун бедили керак фони,

Ўртаган шавқ шуъласи они».

– мисралари қайси дostonдан олинган? Ж: «Сабъаи сайёр» дан

21. «Билдиким, қаҳр сарсари эсмиш, Ўз қўли бирла ўз бошин кесмиш» мисралари қайси дostonдан олинган? Ж: «Сабъаи сайёр»дан

22. Баҳром номини тарихчилар ким билан боғлайдилар? Ж: 420-438-йилларда подшолик қилган Эроннинг сосоний ҳукмдори Варахран V

23. Баҳром образини биринчи бўлиб ким ўз асариде тасвирлаган? Ж: Фирдавсий «Шоҳнома» асариде

24. Баҳром қандай ҳалок бўлади? Ж: У ов қилаётган ўтлоқ бир вақтлар ботқоқ бўлгани ва ўша куни қаттиқ ёмғир ёгани сабабли ботқоққа кириб кетади

25. Навоий ўзидан олдинги устоз хамсанависларга «Сабъаи сайёр»да нечта эътироз билдиради? Ж: 3 та: уни ишқдан холи тасвирлаганликлари, афсона айтиш учун Баҳромга маликалардан бошқа қиссахон топилмайдими, улар дардсиз ва нодон кишининг саргузаштини кўрсатишни мақсад қилиб олганлар

26. «Сабъаи сайёр» қайси вазнда ёзилган? Ж: Ҳафиф

27. «Сабъаи сайёр»нинг нечанчи бобиде шоир туш баҳонасиде Баҳром билан замондоши Ҳусайн Бойқаро ўртасиде ота билан бола даражасидеги яқинликни кўриб, унинг тақдиридан ташвишланади? Ж: 37-бобиде

28. «Сабъаи сайёр»нинг ҳажми? Ж: 38 боб, 5000 байт

«Садди Искандарий»

1. «Садди Искандарий» достони неча байтдан иборат?
Ж: 89 боб ва 7215 байт

2. Навоий қайси достонида Ҳиндистонни олганда элга қилган биргина адолати билан жаннатга тушган Маҳмуд Фазнавий ҳақидаги ҳикоятни киритади? Ж: «Садди Искандарий»да

3. Навоий Искандарнинг қайси жиҳатига диққат қилди?
Ж: Искандар донишмандлигини сақлаган ҳолда унинг ёнига инсонпарварлигини, адолат курашчиси ҳам эканлигини қўшди.

4. Искандар образи дастлаб кимнинг ижодида учрайди?
Ж: Фирдавсийнинг

5. Қайси дoston Навоийнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий қарашларини маълум даражада яқунлайди? Ж: «Садди Искандарий»

6. «Садди Искандарий»да Рум мулки Эронга ҳар йили қанча хирож тўлар эди? Ж: Тухум шаклидаги минг олтин хирож

7. «Зулқарнайн» сўзининг маъноси нима? Ж: Икки маъноси бор: биринчиси – шохли(бошида мугузи бор), иккинчиси – кун чиқиш ва кун ботиш ҳукмдори

8. Навоийнинг «Садди Искандарий» достонини яратишдан мақсади нима эди? Ж: Искандар билан боғлиқ воқеалар моҳиятини ўз ўқувчисига очиб бериш

9. Искандар қайси юртда ваҳшийлардан азият чекаётган одамларни кўради? Ж: Қирвон юртида

10. Искандар одамхўр яъжуж-маъжужларнинг йўлини тўсувчи деворни қайси тоғга қурган? Ж: Қоф тоғига

11. «Сад» сўзининг маъноси нима? Ж: Девор

12. «Садди Искандарий», яъни Искандар девори рамзий маънода қандай девор? Ж: Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги девор

13. *«Боши тож таркин қилиб ихтиёр,
Бўлуб тарки тожи била бахтиёр»*,

– деган сатрлар қайси қаҳрамон ҳақида? Ж: «Садди Искандарий» дostonидаги Мағрибзаминда яшовчи шоҳликдан воз кечган зоҳид ҳақида

14. Искандарга шоҳликдан воз кечган зоҳид икки қўлида икки бош суягини келтиради ва ундан қандай савол сўрайди? Ж: Суяклардан қайси бири шоҳники, қайси бири гадонники, аниқлаб беришни

15. Искандарга шоҳликдан воз кечган зоҳид 4 шарт қўяди. Улар қайсилар? Ж: Биринчиси – ўлими йўқ абадий ҳаёт, иккинчиси – кетидан қарилик келмайдиган йигитлик, учинчиси – туганмас бойлик, тўртинчиси – ғамсиз шодлик

16. *«Гадоеки, бўлгай бийик ҳиммати,
Анга наст эрур шоҳлиг рифъати»*.

Ушбу байт қайси асардан олинган? Ж: «Садди Искандарий» дostonидан

Заҳриддин Муҳаммад Бобур

1. Бобур исмининг маъносини топинг. Ж: Шер.

2. Бобурнинг онаси ва отаси ким бўлган? Ж: Умаршайх Мирзо Темурбекка звара – тўртинчи авлод, онаси Қутлуг Нигорхоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи

3. Бобур неча ёшида тахтга ўтирди? Ж: 12 ёшида

4. Бобур неча ёшларида Самарқандга юриш қилди? Ж: 15 ва 17 ёшида

5. Бобур 20 ёшида қайси ёзувни кашф этган? Ж: Хатти Бобурий

6. Бобурнинг топилмаган асари? Ж: «Ҳарб иши», «Муסיқа илми»

7. Бобур қайси тилларда ижод қилган? Ж: Ўзбек ва форс тилларида

8. Бобурнинг Юнусхон ва Аҳмад Танбалнинг мурасага келиши шарафига катта ов ва зиёфат уюштирилиши муносабати билан ёзилган ғазалини топинг. Ж: «Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим, Кўнглумдин узга маҳрами асрор топмадим» деб бошланувчи ғазали

9. Бобур «Ёд этмас эмиш кишини меҳнагда киши» деб бошланувчи рубойисини кимга ёзган? Ж: Хон додаси Юнусхонга

10. Бобурнинг «Қолдиму» радифли ғазали қачон ёзилган? Ж: 1507 йилда Ҳирот-Кобул йўлида

11. Бобурнинг «Девони»да нечта ғазал бор? Ж: 119 та

12. Бобурнинг «Девони»да нечта рубой бор? Ж: 231 та

13. Бобур кимнинг асарини таржима қилган? Ж: Хўжа

Аҳрорнинг «Волидия» асарини

14. *«Сендек менга бир ёри жафокор топилмас,*

Мендек сенга бир зори вафодор топилмас»

– байтидаги санъатни топинг. Ж: Тарсий, тазод, таносуб

15. *«Толе йўқи жонимга балолиг бўлди,*

Не ишники айладим, хатолиг бўлди»,

– рубойисида қандай санъат ишлатилган? Ж: Тажнис

16. Қайси шоир туюқнинг тажнисли ва тажниссиз туридан фойдаланган? Ж: Бобур

17. «Бобурнома»да неча йиллик воқеалар тушиб қолган? Ж: 15-16 йиллик

18. Қайси ижодкорлар Бобур ҳақида асар ёзган? Ж: П.Қодиров, Б. Бойқобилов, Х.Султонов

19. «Бобурнома» қайси йилги воқеаларни ўз ичига олади? Ж: 1494-1530-йилгача

20. *«Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,*

Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти»,

– ғазалида қандай бадий санъат қўлланган? Ж: Лафф

ва нашр

21. *«Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,*

Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти»,

– ғазалидаги алоқадор тушунчаларни топинг. Ж: Ёз фасли – боданинг кайфияти, ёр васли – ишқ дарди, дўстларнинг суҳбати – шеър баҳси

22. Бобур тажнисли туюқларнинг неча хилини кўрсатади? Ж: 6 хилини

23. Бобурнинг фикрича, туюқнинг қайси тури энг кам учрайди? Ж: Тўрт мисраси тажнисли қофия бўлиб келган туюқлар

24. Бобурнинг неча муаммоси бор? Ж: 600 га яқин

25. Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхоним нечанчи авлод билан Чингизхонга уланади? Ж: Ҳн иккинчи

26. Умаршайх Мирзонинг неча фарзанди бўлган? Ж: Уч ўғил, беш қиз

27. Бобур «Бобурнома»да «Тенгри таолонинг инояти била...» деб ёзади. Бунда у нимани назарда тутган эди? Ж: Султон Аҳмад қўшини шаҳарни кесиб ўтувчи Қорасув кўпригида тошқинга учраб, кўплари нобуд бўлиши, ўлат тарқгани учун Султон Аҳмаднинг сулҳ тузиб ортга қайтиши ва йўлда вафот этиши, Қошғар ва Хўтан ҳокими Абобакар Доғлатнинг Ўзганд яқинидаги ҳаракатларига чек қўйилиши

28. Бобур қайси мақомга савт битган? Ж: «Чоргоҳ»

29. Бобур девонларидан қайси бири топилмаган? Ж: «Кобул девони»

30. «Менинг кўнглумки, гулнинг гунчасидек таҳ-батаҳ қондур,

Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондур».

Ушбу байт муаллифини топинг. Ж: Бобур

31. «Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушкулдур,

Сенинг бирла чиқишмоқлик дағи бисёр мушкулдур». Ушбу байт муаллифини топинг. Ж: Бобур

32. Бобур «Бобурнома»да Андижон таърифида «Элнинг орасида ҳусн хайли бордир» дейди. Ҳусн хайли деганда нима назарда тугилади? Ж: Санъаткорлар

33. Бобур «Бобурнома»да Навоий асарларининг тили шу жой тили билан мосдир, деб ёзади. Бу қайси жой? Ж: Андижон

34. Бобур «Бобурнома»да қайси шаҳарни «балдаи маҳфуза» – муҳофаза қилинган шаҳар деб атайди? Ж: Самарқандни

35. Бобур «Бобурнома»да қайси шаҳарни Искандар барпо қилган, деб ёзади? Ж: Самарқандни

36. Бобурнинг солиқ ишларини тартибга солувчи асари қайси? Ж: «Мубаййин»

37. Бобурнинг «Мубаййин» асари қайси йўлда битилган? Ж: Шеърлий йўлда

38. Бобурнинг аруз вазни ҳақидаги рисоласи номини топинг. Ж: «Мухтасар» (1523-1525-йилларда ёзилган)

39. Бобурнинг 1921 йилда ёзилган асари қайси? Ж: «Мубаййин»

40. Бобурнинг сақланиб қолган шеърлари сони қанча? Ж: 400 дан ортиқ

41. Бобур девонидан жой олган жанрларни топинг. Ж: 1.Туяқ. 2.Фард. 3.Маснавий. 4.Қитъа. 5.Муаммо. 6.Ғазал. 7.Рубоий

42. Бобур қайси йилларда Самарқандни икки бора олиб, яна бой беради? Ж: 1500-1501 йилларда

43. Ушбу ғазалда қайси бадий санъатдан фойдаланилган?

«Қаро зулфунг фироқида паришон рўзгорим бор,

Юзунгинг иштиёқида не сабру не қарорим бор». Ж: Таносуб

44. Маъно ва мантиқ юзасидан ўзаро алоқадор тушунчаларни келтириш билан ҳосил қилинадиган шеърлий санъат қайси? Ж: Таносуб

45. Бобурнинг зиддиятга тўла ҳаёти қайси асарларида юксак бадий ифода этилган? Ж: «Менинг кўнглумки гул-

нинг гунчасидек таҳ-батаҳ қондур», «Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушкулдур» ғазалларида; «Беқайдман-у, хароб-у сийм эрмасмен», «Толёй йўқи жонимға балолоғ бўлди» рубониларида; «Бир кеча хотирим мушавваш эди» маснавийсида

46. Бобур *«Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг, ул уч вақт ила, Мундин ортиқ бўлмагай, Бобур, жаҳоннинг ишрати»* деганда уч иш сифатида нималарни назарда тутуди? Ж: Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти

47. Бобур:

«Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг, ул уч вақт ила, Мундин ортиқ бўлмагай, Бобур, жаҳоннинг ишрати»,
– деганда уч вақт сифатида нималарни назарда тутуди?

Ж: Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати

48. *«Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен, Жисмимда менинг руҳи равоним сенсен».*

Шеър муаллифи ва жанрини белгиланг. Ж: Бобур, рубоий

49. *«Рафтори-ю қаддига равоним садқа, Бир бошига икки жаҳоним садқа».*

Шеър муаллифи ва жанрини белгиланг. Ж: Бобур, рубоий

50. Бобурнинг яқин навкарларидан Хожа Калон ва Хожа Мирмиронларнинг Ҳиндистон иссиғига чидай олмай, Кобул томонларга кетиб қолганликлари муносабати билан ёзилган қитъасини топинг.

Ж: *Эй, аларким, бу Ҳинд кишваридин, Бордингиз англаб ўзга ранжу алам*

51. «Бобурнома»да Ҳиндистон иссиғига чида олмай қочиб кетган шоирнинг «Агар соғ-саломат Синддин ўтиб кетсам, Ҳиндистонни яна ҳавас қилсам юзим қора бўлсин», деган форсча шеърига Бобур:

«Юз шукр де, Бобурки, карим-у гаффор, Берди санга Синд-у гинд-у мулки бисёр».

– деб бошланувчи жавоб рубойисини келтирган. Мана шу шоирнинг исмини топинг. Ж: Хожа Калон

52. «Бобурнома»да Андижоннинг қайси мевалари яхши бўлиши айтилади? Ж: узум, ношпоти, қовун

53. «Бобурнома»да Самарқанднинг қайси мевалари машҳур эканлиги таъкидланади? Ж: Олма ва узум

54. «Бобурнома»да «Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас» дейилган жой номи? Ж: Андижон

55. «Бобурнома»да «Тўққиз тарнов сув кирар. Бу ажаб-турким, бир еридан ҳам чиқмас» деб таърифланган жой номи? Ж: Андижон

56. Пештоғига Қуръоннинг «Ва из ярфау Иброҳиму ал-қавоида...» ояти ёзиб қўйилган масжид ким томонидан бунёд этилган? Ж: Амир Темур

57. Кўдак суйи деб аталадиган Руд қайси шаҳарда бор? Ж: Самарқандда

58. Қоғози билан машҳур шаҳар номи? Ж: Самарқанд

59. Қирғовуллари беҳад семиз бўладиган, бир қирғовулни тўрт киши еб тугата олмайдиган шаҳар? Ж: Андижон

60. Мусиқийда машҳур бўлган Юсуф Хожа қайси шаҳардан? Ж: Андижондан

61. «Бобурнома»да Фарғона вилоятининг нечта қасаба (шаҳри)си бор дейилган? Ж: 7 та

62. «Бобурнома»да «қитъ-қитъа йиғочлари тарош қилиб, ислимий ва хитойи нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсунлуқтур» деб таъриф берилган иморат номи? Ж: «Масжиди Муқаттаъ» («Парча-парча масжид»)

63. «Бобурнома»да «Ул гумбазнинг ўртасида ерга теп-салар, тамоми гумбаздин лақ-лақ ун келур, гариб амредур, ҳеч ким мунинг сиррини билмас» деб таърифланган иморат номи? Ж: «Масжиди лақ-лақ»

64. «Бобурнома»да Самарқанднинг қайси матоси машҳурлиги айтилади? Ж: Қирмизи маҳмал – қизил баҳмал

65. «Менинг кўнглумки, гулнинг гунчасидек таҳ-батаҳ қондур,

Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондур».

Ушбу байт билан бошланувчи ғазалнинг муаллифини топинг. Ж: Бобур

66. «Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушкулдур, Сенинг бирла чиқмоқлик дағи бисёр мушкулдур».

Ушбу байт билан бошланувчи ғазалнинг муаллифини топинг. Ж: Бобур

67. «Сендек менга бир ёри жафокор топилмас,

Мендек сенга бир зори вафодор топилмас».

Ушбу байт билан бошланувчи ғазалнинг муаллифини топинг. Ж: Бобур

68. «Васлидин сўз дерга йўқ ёро манга,

Ҳажр раҳм айлагил, ёро манга.

Ўқунг этти кўп ямон ёро манга,

Марҳами лутфунг била ёро манга». Ушбу туюқ муаллифини ва омоним сўзлар маъносини топинг. Ж: Бобур, ёро-мажол, қувват, ёро-эй ёр, ёро-яра, жароҳат, ёро-ёрдам бер

69. «Қаддимни фироқ меҳнати ё қилди,

Кўнглум гаму андуҳ ўтига ёқилди.

Ҳолимни сабога айтиб эрдим, эй гул.

Билмон, санга шарҳ қилмади, ё қилди».

Ушбу туюқ муаллифини ва омоним сўзлар маъносини топинг. Ж: Бобур, ё қилди-ёй қилди, ёқилди-ёқилди, ё қилди-ёки қилди

70. Бобур «Бобурнома»да Самарқанд шаҳрида Темур томонидан қурилган қайси боғнинг ўзи кўрган пайтгача бузилиб кетганини айтади: «Мен кўрган маҳалда бу боғ бузулуб эрди, оти беш қолмайдур эди»? Ж: Нақшижоҳон боғи

71. «Бобурийнома» асарининг муаллифини топинг. Ж: Хайриддин Султонов

Мемуар асар ҳақида

1. «Мемуар» сўзи қайси тилдан олинган? Ж: Француз тилидан

2. «Мемуар» сўзи қандай маънони билдиради? Ж: Эсдалик маъносини

3. Мемуар асар деб нимага айтилади? Ж: Муаллифнинг ўзи қатнашган ёки кўзи билан кўрган реал воқеалар ҳақида ҳикоя қилинган асар мемуар асар ҳисобланади

4. Мемуар асарларни топинг. Ж: Ойбекнинг «Болалик», А.Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртақлар» асарлари, Бобурнинг «Бобурнома» асари

5. Мемуар асарлар қайси жиҳатига кўра илмий асарларга яқин туради? Ж: Материалнинг табиати, тасвирланаётган воқеаларнинг ҳаққонийлиги, бадий тўқиманинг йўқлигига кўра

6. Ўзбек адабиётида мемуар асарларнинг қандай тури кўпроқ учради? Ж: 2 хил тури: 1) тарихий мемуарлар; 2) бадий мемуарлар

7. Мемуар асарларга хос асосий қирра нима? Ж: Мемуар асарларда муаллиф иштирокчи ёки тонуг (тувоҳ) сифатида тасвирланаётган воқеалар марказида туради

8. Мемуар асар муаллифи тарихчи ва адабиётшунос олимдан қандай фарқланади? Ж: Реал воқеликнинг ўзи бевосита қатнашган ёки кўрган қисминигина акс эттиради. Бунда муаллиф ўз кузатиш ва дунёқарашигагина таянади

Бобораҳим Машраб

1. Машраб сўзининг маъносини топинг. Ж: Илоҳий шарофга етишган

2. Машрабнинг наманганлик устози ким бўлган? Ж: Мулла Бозор Охунд, Хўжа Убайдулло

3. Машраб Қашқарда кимнинг қўлида неча йил хизмат қилди? Ж: Офоқхўжа эшон ҳузуринида етти йил

4. Машраб қачон қайси ҳукмдорнинг буйруғи билан Қундуз шаҳрида қатл этилади? Ж: 1771 йилда Балх ҳокими Маҳмуд Қатоғон амри билан

5. «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарларининг муаллифи ким? Ж: Машраб

6. *«Руху жоним аршга етти, мен ўзим осмониман,
Тутти оламни шарорим, оташи сўзониман».*

Шеър муаллифини топинг. Ж: Машраб

7. Машраб тасаввуфнинг қайси йўналишига амал қилган? Ж: Нақшбандиянинг қаландария шаҳобчаси, Малома-тия

8. Машрабнинг «Ваҳ, муҳаббат кўйида қон йиғладим, Етти иқлим гарқ бўлди ёшим» шеъридаги санъатни топинг. Ж: Муболағанинг ғулув тури

9. Машрабнинг «Ҳар замоне Лайлидин менга китобат-лар келур, Сенки Мажнун бўлмасанг, сардафтаримни кав-лама» шеъридаги санъатни топинг. Ж: Талмеҳ

10. Машрабнинг «Дарду ғам ичра сарғайди юзим, ранг бергусидир ул Каҳрабога» шеъридаги санъатни топинг. Ж: Ташбеҳ

11. «Бу Машраб дардини, жоно, ки ҳеч ким бошига сол-ма». Шеър давомини топинг. Ж: Агар машҳарда оқ урсам, биҳишгу жовидон ўртар

12. Қайси манбага кўра Машрабнинг туғилган йилига 1653 йил деб ойдинлик киритилди? Ж: «Тазкираи қаланда-рон»

13. Машраб шеърларини қайси олим тўплаб, юртимиз-да биринчи бор нашр эттирди? Ж: Ж. Юсупов

14. Ломаконнинг тасаввуфий маъносини топинг. Ж: Жис-ми йўқ, фақат руҳларгина яшовчи олам, макондан ташқари

15. *«Ишқ водийсидин бир кеча мен ҳай-ҳайлаб ўттум,
Монанди найистон гулига ўт қалаб ўттум».*

Шеър муаллифини топинг. Ж: Машраб

16. *«Ажаб Мажнун эрурман, дашт ила сахрога сигмамдур,
Дилим дарёи нурдур, мавж уруб дунёга сигмамдур».*

Шеър муаллифини топинг. Ж: Машраб

17. *«Қилди менга бир жылвае ногоҳ боқа қолдим,
Ул жылвасига дин ила дунё сота қолдим».*

Шеър муаллифини топинг. Ж: Машраб

18. *«Муродинга етай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл,
Ситам аҳлин ютай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл».*

Шеър муаллифини топинг. Ж: Машраб

19. Кимнинг газалларидан Машраб Офоқхўжага икки байт ўқигандан сўнг, «Ҳай, бас, агар мундин зиёда ўқусанг, куйиб кетарман», дедилар? Ж: Ҳофиз Шерозий

20. Ким Машрабга Машраб исмини берган? Ж: Ҳазрат Офоқхўжа

21. *«Бу тани хокими-ю руҳи равонни на қилай?
Бўлмаса қошимда жонона, бу жонни на қилай?».*

Шеър муаллифини топинг. Ж: Машраб

22. *«Дунёга келиб, билмай лойиға бота қолдим,
Дармон йўқидин неча оғиз сўз қота қолдим».*

Шеър муаллифини топинг. Ж: Машраб

23. *«Эй менинг назик ниҳолим, оромижоним, қайдасан,
Бу кўнгиб бўстонида гунча даҳоним қайдасан?»*

Шеър муаллифини топинг. Ж: Машраб

24. *«Хонумондин жудо бўлган кишидан дард сўранг,
Ўртаниб қадди дуто бўлган кишидан дард сўранг».*

Шеър муаллифини ва жанрини топинг. Ж: Машраб,

мухаммас

25. *«Эй, мусулмонлар, нетай мен ёрдин айрилмишам,
Фитначашму шўху хуш рафтордин айрилмишам».*

Шеър муаллифини ва жанрини топинг. Ж: Машраб, му-

хаммас

26. *«Ёринг кўйида мен бормоқ эдим,
Ҳар неча жавр-у жафо тортмоқ эдим».*

Шеър муаллифини ва жанрини топинг. Ж: Машраб, мухаммас

27. *«Бу хаста вуҷудимни, мени ўртади буткул,
Ул зулфи паришон,
Ул гул юзининг ишқида мен вола-ю булбул,
Ул гунчайи хандон».*

Шеър муаллифини ва жанрини топинг. Ж: Машраб, мустазод

28. «Тазкирайи қаландарон» асарининг муаллифи ким?
Ж: Боғистоний

29. Қайси шоир ўспиринлигида қаерда гўристон бўлса, зиёрат қилиб, одамларнинг суякларини кўриб: «Эй одамзод, охир ўлиб бошингга тушадиргон иш бу», деб йиғлаб турарди? Ж: Машраб

30. Машрабнинг шеърлари бизга қандай ҳолда етиб келган? Ж: «Девонайи Машраб» қиссаларида, турли баёзлар ва тўпламлар таркибида тарқоқ ҳолда етиб келган

32. Машрабнинг шеърӣй тўпламлари қачон нашр қилинган? Ж: 1958-1980 йиллар оралиғида нашр қилинган

33. Машраб қайси жанрларда ижод этган? Ж: Ғазал, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ жанрларида

34. Қандай адиблар мутасаввиф аталади? Ж: Асарларида тасаввуф ғояларини акс эттирган адиблар

35. Машраб Оллоҳга бўлган севгисини қандай тасвирлайди? Ж: Кўнглида қандай бўлса, шундайлигича очиқ ҳолда тасвирлайди

36. Навоӣй ишқи илоҳӣйни қандай куйлайди? Ж: Ишқни мушоҳада қилади, ҳар қандай ёниш-куйишларда ҳам ўйчанлик, босиқлик унга хос

37. Аҳмад Яссавӣй ишқи илоҳӣйни қандай куйлайди? Ж: Расмӣй шариат доираларидан узоқлашмаган ҳолда шарҳ этади

38. Қайси шоир ёрни «асли қалмоқ, зоти қирғиз, лола пайпоқли» дея куйлайди? Ж: Машраб

39. «Кўҳ ба кўҳ, саҳро ба саҳро кезмоқ» қайси шоирнинг маслағи ҳисобланади? Ж: Машрабнинг

40. Машрабнинг:

*«Офоқни бир лаҳзада кездим на ажабдур,
Мино тоғидин акка сифат яккалаб ўттум».*

– деган мисраларидаги «Офоқ» сўзининг маъноси тўғри изоҳланган қаторни топинг. Ж: Дунё

41. «Қиссаи Машраб»да дунёда икки офоқ ўтганлиги таъкидланади. Булар кимлар эди? Ж: Офоқ хошам, Хожа Абдухолиқ Фиждунвий

42. *«Бир боқиб кўз ичидин танга кетурди эсон қиз,
Айланиб, кўз ўгуриб, қилди юракни қон қиз».*

Шеър муаллифини топинг. Ж: Машраб

43. *«Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат ҳам мендадур
мавжуд».*

Чу султони азалдурман ки, Арши Аълога сигмамдур».

Шеър муаллифини топинг. Ж: Машраб

44. Машраб Офоқхўжанинг ҳузурига келганда уни кимлар хожанинг олдига олиб боради? Ж: Мулло Боқи Охунд ва Мулло Соқи Охунд

45. Ҳазрати Офоқхўжа Машрабдан Хўжа Ҳофиз Шерозийнинг газалларидан ўқишни буюрганда, Машраб қайси шеърни ўқиб беради?

Ж: *«Онҳо, ки хокро ба назар кимё кунанд,*

Оё, бувад, ки гўшайи чашм ба мо кунанд,

– *назари билан туфроқни кимё қиладиган кишилар кўз ичидан бизга қиё боқармиканлар?»*

46. Машраб Офоқхўжа хизматида қандай юмушларни бажарди? Ж: Уч йил ўтин ташиди, уч йил сув ташиди, бир йил остонада ётди

Тасаввуф ва тасаввуф атамалари

1. Тасаввуф таълимоти бўйича инсон комилликнинг қайси босқичларидан ўтиши керак? Ж: Шарият, тариқат, ҳақиқат босқичларини

2. Тариқат йўлига кирган одамни қандай атайдилар? Ж: Сўфий, солиқ, мурид, дарвеш

3. Тасаввуф адабиётидаги марказий тушунчани топинг. Ж: Ишқ

4. Мажозий ишқ кимга қаратилади? Ж: Оллоҳ томонидан яратилган барча нарсага: инсонга ва бутун борлиққа нисбатан муҳаббат, меҳр, ардоқ англашлик туйғуси

5. Ҳақиқий ишқ туйғуси қандай туйғу? Ж: Яратганини туйиш, англаш ва У билан бирлик туйғуси

6. Мажозий ишқдаги ёр тимсолини топинг. Ж: Муҳаммад алайҳиссалом ва тариқат пешвоси, пири комил

7. Ҳақиқий ишқдаги ёр тимсоли? Ж: Оллоҳ

8. Тасаввуф адабиётида ишқ қандай тимсоллар орқали берилади? Ж: Май, шароб

9. Тасаввуфда коса, жом, қадаҳ кабилар ниманинг рамзи? Ж: Кўнгилнинг

10. Тасаввуфда «майхона, бутхона, харобот» тушунчалари нимани билдиради? Ж: Пирлар даргоҳини

11. Тасаввуф майхонасида маърифат улашувчи, ишқ сирларини талқин этувчи пири комил қандай аталади? Ж: Соқий

12. Тасаввуфда ишқ аҳли, яъни ошиқлар деганда ким тушунилади? Ж: Сўфийлар

13. Тасаввуфда васл аҳли деганда ким тушунилади? Ж: Комилликка етишган, авлиёлик сийратини касб этган зотлар

14. Тасаввуфда «лаб»нинг маъноси? Ж: Ёрнинг каломи, кўрсатмалари, пурмаъно сўзлари

15. Тасаввуфда «бўса» нима? Ж: Ошиқнинг ёр висолидан баҳрамандлиги

16. Тасаввуфда «тарсо» кимни билдиради? Ж: Ўзини Оллоҳ ишқига етишмоққа бахшида этган инсонни

17. Тасаввуф адабиётида дунё нима? Ж: Нафсоний хурж, шайтоний истаклар жамланган воқелик

18. Тасаввуф адабиётида халойиқ ким? Ж: Ҳақиқий ишқдан беҳабар кимсалар, дунёга кўнгил берган нафс бандалари

Муҳаммад Ризо Огаҳий

1. Огаҳий қачон туғилган? Ж: 1809 йили 17 декабрда Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида, Эрнийезбек мироб оиласида туғилган

2. Огаҳий кимнинг тарбиясида бўлган? Ж: Амакиси Муниснинг

3. Огаҳий қачон мироб вазифасига тайинланган? Ж: 1829 йилда

4. Огаҳий Мунис бошлаб қўйган «Фирдавс ул-иқбол» асарининг қанчасини ёзиб тугатди? Ж: Хива хонлигининг 1825 йилгача бўлган тарихини

5. Огаҳийнинг Хива хонлиги тарихининг 1844 йилигача бўлган тарихини акс эттирувчи асари қайси? Ж: «Риёз уд-давля» («Саодат боғлари»)

6. Огаҳийга кимнинг таъсири кучли бўлган? Ж: Муниснинг ва Оллоқулихоннинг

7. Огаҳийнинг қанча ғазали бор? Ж: 500 га яқин

8. Огаҳий Муниснинг қайси асарларини давом эттирган? Ж: Муниснинг «Фирдавс ул-иқбол» асарини, Мирхондининг «Равзат ус-сафо» асарининг таржимасини

9. Кайковуснинг «Қобуснома» асарини ким таржима қилган? Ж: Огаҳий

10. Низомий Ганжавийнинг «Ҳафт пайкар» асарини ким таржима қилган? Ж: Огаҳий

11. Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» асарини ким таржима қилган? Ж: Огаҳий

12. Бадриддин Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо» асарини ким таржима қилган? Ж: Огаҳий

13. Абдурахмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» асарини ким таржима қилган? Ж: Огаҳий

14. Огаҳийнинг девони қандай номланади? Ж: «Таъвиз ул-ошиқин» – «Ошиқлар тумори»

15. Ўзбек адабиётида ким мухаммас жанрида мўл ижод қилган? Ж: Огаҳий

16. Огаҳийнинг қайси ғазалларида оғир қиш, қишнинг қаттиқ қаҳри ва заҳри акс этган? Ж: «Соқие...», «Қотигроқ келмади...»

17. Огаҳийнинг қайси ғазалларида баҳор фаслининг гўзалликларини васф қилади? Ж: «Ўйла еткурди жаҳонга зийнати оро баҳор», «Эй гўзал, баҳор бўлмиш, азми сайри саҳро қил», «Баҳор айёми бўлмиш ўйлаким боғи эрам саҳро»

18. Огаҳий қайси ғазалида саҳро гўзаллигини жонли одам – санамга менгзаб таърифлайди? Ж: «Баҳор айёми бўлмиш ўйлаким боғи эрам саҳро»

19. Огаҳийнинг қайси мисрасида муболағанинг ғулув тури қўлланилган? Ж: «Ки, ўн саккиз минг олам ўн саккиз ёшингдин айлансун»

20. Огаҳийнинг қайси мисрасида муболағанинг иғроқ тури қўлланилган? Ж: «Бори жону жаҳоним оҳ ила ёшингдин айлансун»

21. Илтифҳом қандай санъат? Ж: Сўрамоқ орқали маъно ва бадниятни кучайтириш

22. Огаҳийнинг қайси мисрасида илтифҳом санъати қўлланилган? Ж: «Ваҳ мунча офатми бўлур бир одамизод устина»

23. «Қилмоқ ила парвариш тикан гул бўлмас,
Ҳам тарбият ила зог булбул бўлмас,
Гар асли ёмонга яхшилик минг қилсанг,
Яхшилик анинг нияти билкул бўлмас».

Шеър муаллифи ва жанрини топинг. Ж: Огаҳий, рубоий

24. Огаҳийнинг ижтимоий, сиёсий, ахлоқий қарашлари қайси қасидасида акс этган? Ж: «Қасидаи насиҳат»

25. «Қасидаи насиҳат» қандай муносабат билан ёзилган? Ж: Ёш хоннинг 1865 йилда тахтга ўтириши муносабати билан

26. Огаҳий «Таъвиз ул-ошиқин» девонини кимнинг маслаҳати ва марҳамати билан тузган? Ж: Ферузнинг.

27. «Баланд айлаб қуёшга поя наврӯз,
Кўтарди ер юзидан соя наврӯз».

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Огаҳий.

28. «Қотроқ келмади ҳаргиз жаҳонга ушбу қишдин қиш,
Ки ақлу ҳисга яқсар монӣ ўлди борча ишдин қиш».

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Огаҳий.

29. «Илоҳи ҳар кунинг наврӯз бўлсин!

Ҳамиша толеинг феруз бўлсин!»

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Огаҳий.

30. «Мушқин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтурур «нун» элтибон «сод» устина»
Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Огаҳий.

31. «Ё раб, қилибон гамингни маҳбуб манга,

Дардингни тун-у кун айла матлуб манга»

Ушбу шеър муаллифини ва жанрини топинг. Ж: Огаҳий, рубоий.

32. «Очилур саҳар сабодин дема гунча мушти ҳар тун,
Очилибон қўли оёсин қилодур санга дуо гул».

Ушбу байтда қўлланган санъатни топинг. Ж: Ташхис

33. «Очилур саҳар сабодин дема гунча мушти ҳар тун,
Очилибон қўли оёсин қилодур санга дуо гул».

Ушбу байт мазмунини топинг. Ж: Фунчанинг мушти тонг елларидан очиляпти деб ўйлама, бу гулларнинг барг ёзиши қўлини очиб сенга дуо қилаётганидир.

34. *«Қилиб орзу қудуминг шарафига яосил ўлмоқ,
Боқибон йўлингга турмуш бир оёқда борҳо гул».*

Ушбу байтда қўлланган санъатни топинг. Ж: Ташхис

35. Огаҳийнинг «Таъвиз ул-ошиқин» девонида қайси тилдаги шеърлар жамланган? Ж: Ўзбекча, форсча

36. Огаҳийнинг қайси қасидаси сиёсий-дидактик лириканинг ёрқин намунаси? Ж: «Қасидаи насиҳат»

37. *«Дўстлар, ҳамролиг айлаб борингиз,*

Тунд хў ёрим қошига борингиз,

Бир кеча базминга келтурмак учун,

Бош аёқига қўюб ёлборингиз».

Ушбу шеърнинг жанрини топинг. Ж: Туюқ

38. Огаҳийнинг қайси қасидаси Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг 1865 йилда тахтга ўтиришини табриклаб ёзилган? Ж: «Огоҳнома» қасидаси

39. «Шаҳо, олам ичра бугун шоҳсен, Бурундин бу сўзларга огоҳсен. Умидим будурким, амал қилғасен. Амал айламакда жадал қилғасен». Огаҳийнинг ушбу сатрлари қайси қасидасидан олинган? Ж: «Огоҳнома» қасидасидан

40. Огаҳийнинг XIX асрнинг 60 йилларида ёзилган асарларини топинг. Ж: «Гулшани давлат», «Шоҳиди иқбол»

41. Огаҳийнинг «Таъвиз ул-ошиқин» девонининг неча мисраси форс тилидаги шеърлар? Ж: 1300 мисрадан ортиғи

42. Огаҳийнинг «Таъвиз ул-ошиқин» девони кимнинг таклифи билан тузилган? Ж: Муҳаммад Раҳимхон Соний-Ферузнинг

43. Огаҳийнинг «Таъвиз ул-ошиқин» девонида неча жанрдаги шеърлар бор? Ж: 20 дан ортиқ

44. Қайси шоир тоғлардан майин оқиб келаётган сувни ноз билан сузилиб бораётган гўзалга ўхшатади? Ж: Огаҳий

45. Огаҳийнинг «Даҳр уйи бунёдиким, сув узраким маҳкам эмас» деб бошланувчи шеърининг жанрини топинг. Ж: Таржибанд

46. Огаҳийнинг қайси асари адабиётимиз тарихидаги сиёсий-дидактик лириканинг ёрқин намунаси бўлиб қолди? Ж: «Қасидаи насиҳат»

47. Огаҳийнинг мусовияттарофайн шаклида ёзилган шеърини топинг. Ж: «Ул шўҳки очилди хат-у рухсори...»

48. Огаҳийнинг қайси шеърида маҳлиқолар юзи – оят, латофат – мусҳафга ўхшатилади? Ж: «Баланд айлаб қуёшга поя наврўз»

49. Огаҳийнинг:

«Боқиб кўз ичидин пинҳон фош этдинг тагофиллар,

Йўғ-у борим ҳамул пинҳон ила фошингдин айлансун», –

байтида қандай санъат ишлатилган? Ж: Тазод

50. *«Ҳаёсиздан асло вафо истама,*

Вафосиздан асло ҳаё истама», – мисралари кимнинг

қайси асаридан олинган? Ж: Огаҳийнинг «Огоҳнома» қасидасидан

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли

Фурқат

1. Қайси шоир Навоий бошлиқ улуғ шоирларни тушида кўриб, уларга «Чор девон»дан имтиҳон топшириб, «шеър машқиға рухсат» олади ва шундан сўнг шеър ёза бошлаган? Ж: Фурқат

2. Фурқат кимдан Қуръон тиловатини ўрганади? Ж: Ашур Муҳаммад қоридан

3. Фурқат кимдан араб тилини ўрганади? Ж: Пошшоҳўжа эшондан

4. Фурқат Қашқарда қандай иш билан шуғулланади? Ж: Русия мусулмон идорасида котиб бўлиб

5. Фурқатнинг 1891-йилнинг январь-июнь ойларида давомли чоп этилган «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти. Ўзи ёзғони» номли мемуар асари адабиётшуносликда қандай номланади? Ж: «Фурқатнома», «Саргузашт-нома»

6. Фурқат неча ёшида «Мантиқ ут-тайр» асарини ўқиган? Ж: 8 ёшида

7. Фурқат неча ёшида Навоийнинг газалиёти билан танишган? Ж: 9 ёшида

8. «Менинг мактаб аро булдуру муродим, хатимдек чиқса имлойи саводим», деб қайси шоир ёзган? Ж: Фурқат

9. Фурқат қачон, қайси хасталикдан вафот этган? Ж: 1909 йилда, томоқ оғриғи хасталигидан

10. Фурқат неча ёшида мадраса талабаси бўлган? Ж: 14 ёшида

11. Фурқат неча ёшида девон тартиб берган? Ж: 21-22 ёшида

12. Фурқат нечанчи йиллар Тошкентда яшади? Ж: 1890-1891 йиллар

13. Фурқат Самарқандда кимнинг ҳузурида бўлади? Ж: Савдогар ва этнограф олим Мирзо Бухорий ҳузурида

14. Фурқат Қашқарда кимга уйланади? Ж: Раъно исмли аёлга

15. Фурқат нечанчи йилгача Туркистон билан, «Туркистон вилоятининг газети» билан алоқани узмади? Ж: 1906 йилгача

16. Фурқатнинг адабий мероси нималарни ўз ичига олади? Ж: 1) лирикаси; 2) публицистикаси, насрий асари; 3) таржималари; 4) илмий асарлари

17. Фурқат таржимасига мансуб бўлган асарларни топинг. Ж: «Ҳаммоми хаёл», «Чор дарвеш», «Нуҳ манзар»

18. Фурқатнинг қайси асарлари бизгача етиб келмаган? Ж: «Ҳаммоми хаёл», «Чор дарвеш», «Нуҳ манзар»

19. Фурқатнинг илмий асарини топинг. Ж: 1.«Тўй тавси-фи». 2.«Гап таърифида». 3.«Аза тавсифи». 4.«Илми қондаи авзони»

20. Фурқатнинг қайси илмий асарлари этнографик ха-рактерда? Ж: 1.«Тўй тавсифи». 2.«Гап таърифида». 3.«Аза тавсифи».

21. Фурқатнинг қайси асари адабиёт ҳаваскорлари учун қўлланма сифатида тузилган ва унда аруз вазнининг қоида-лари баён этилган? Ж: «Илми қондаи авзони»

22. Фурқат ғазалларининг сонини топинг. Ж: 200 га яқин

23. Фурқат ижодида қайси жанрлар учрайди? Ж: Ғазал, маснавий, мухаммас, мусаддас, мустағод

24. 1883 йилда Қўқонда тартиб берилган баёзга Фур-қатнинг неча шеъри киритилган? Ж: 9 та ғазали

25. Муқимий Фурқатнинг қайси ғазалига тахмис боғла-ган? Ж: «Ўлтурғуси» номли ғазалига

26. *«Келса кулбамга ўшал бераҳм зор ўлтурғуси,
Келмаса, келгунча дарди интизор ўлтурғуси».*

Ушбу мисралар муаллифини топинг. Ж: Фурқат

27. Фурқатнинг «Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хино-дин доларанг» ғазали кимнинг ғазалига ўхшашма сифатида битилган? Ж: Фузулийнинг

28. *«Фасли навбаҳор ўлди кетибон зимистонлар... Байт-нинг давомини топинг. Ж: Дўстлар, ганиматдур, сайр этинг гулистонлар*

29. *«Ғариби, бу вилоят хонумонидин адашганман,
Бесони мурғи ваҳший ошёнидин адашганман».*

Шеър муаллифини топинг. Ж: Фурқат

30. Фурқатнинг «Бир қамар сиймони кўрдим балдаи Каш-мирда» сатри билан бошланувчи ғазали қаерда яратилган? Ж: Ёркентда

31. Фурқатнинг «Сайдинг қўябер, сайёд» деб бошланув-чи шеърининг жанри? Ж: Мусаддас

32. Фурқатнинг қайси ғазали раддиъ матлаъ санъати асосида ёзилган?

Ж: «Кошки бир жойда бўлсак эрди жонон иккимиз,
Кўзи шум агёрлардин анда пинҳон иккимиз»

33. «Чаман саҳнида дерлар саръ била ёсуман нозик,
Ғалатдур, қоматинг олдида гулдан пираҳан нозик».

Шеър муаллифини топинг. Ж: Фурқат

34. «Биз истиғно эли, қичқирмагон маъвога бормасмиз,
Агарчандики хирман айласа, дунёга бормасмиз».

Шеър муаллифини топинг. Ж: Фурқат

35. Фурқатнинг қайси ғазалларида тақдирнинг унга берган синови – юрт жудолиги баён этилади? Ж: «Фигонким, ул бути сиймин зақандан айрилиб қолдим», «Ҳасрато, кел-кел бери, ул шўхи жонондин гапур» ғазалларида

36. Фурқат Истамбулда ёзган «Сабоға хитоб» шеърида қаердаги дўстларини эста олади? Ж: Тошкентдаги дўстларини

37. Фурқатнинг «Сабоға хитоб» шеъри қандай шаклда ёзилган? Ж: Мактуб шаклида

38. Фурқатнинг «Сабоға хитоб» шеъри қаерда ёзилган? Ж: Истамбулдаги «насами файзи раб» бўлган Миллий боғда сайр қилаётганда

39. Фурқатнинг айрилиқ ва жудолик маъносида яратилган мухаммаси қайси? Ж: «Манам шўрида булбул» мухаммаси

40. Фурқат 1890 йилда Тошкентда эканида уни ким Янги шаҳар қисмидаги томошаларга олиб боради ва жуда кўпчилик рус амалдорлари, генерал-губернатор билан таништиради? Ж: Н.Остроумов

41. Фурқатнинг маснавий йўлида ёзилган ва маорифни ислоҳ қилиш, илмга даъват, фан ва маданият янгиликларини тарғиб этиш ғоялари илгари сурилган шеърларини топинг. Ж: «Гимназия», «Илм хосияти», «Акт мажлиси хусусида», «Нағма базми хусусида», «Виставка хусусида», «Суворов»

42. «Ул қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур,
Балки андин даҳр эли ортиқча гавго тортадур»,

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Фурқат

43. Фурқатнинг қайси ғазалида сўфиёна кайфият, қалан-дарона баланд ҳиммат руҳининг етакчилиги сезилади? Ж:

«Биз истиғно эли, қичқирмагон маъвога бормасмиз,
Агар чандики хирман айласа, дунёга бормасмиз»

44. Фурқатнинг фикрича, «ўшал кун анжуманда ўтса умри», уни ким деб аташган? Ж: Суҳбатий

45. Фурқатнинг фикрича, «фано кўйида кимки муътакифдур» уни ким деб аташган? Ж: Хилватий

46. Фурқатнинг «Сайдинг қўябер сайёд, сайёра экан мендек» деб бошланувчи мусаддаси неча банддан иборат? Ж: 6 банд – 36 мисра

47. Фурқатнинг «Сайдинг қўябер сайёд, сайёра экан мендек» деб бошланувчи мусаддасида қайси санъаткор дўстининг номи зсланади? Ж: Саъдуллонинг

Абдулля Қодирий

1. Қайси ёзувчининг Назифа, Ҳабибулла, Адиба, Аниса, Маъсуд каби фарзандлари бор? Ж: Қодирий

2. Қайси ижодкор ўзи ҳақида «1913 йилда ўзбекча «Садойи Туркистон», «Самарқанд», «Оина» газеталари чиқа бошлагач, менда шуларга гап ёзиб юриш фикри уйғонди», деб ёзган? Ж: А Қодирий

3. Қодирийнинг биринчи мақоласи қандай номланади ва у қайси газетада босилиб чиққан? Ж: «Янги мактаб ва масжид» мақоласи 1914 йил 1 апрель сонида «Садойи Туркистон» газетасида

4. Қодирий қаламига мансуб шеърларни топинг. Ж: «Миллатимга», «Аҳволимиз»

5. Қодирий қаламига мансуб ҳикояларни топинг. Ж: «Улоқда», «Жинлар базми», «Жувонбоз»

6. «Ўтган кунлар» асари ҳақидаги тўғри ҳукми топинг. Ж: 1.1917-18 йиллардан бошлаб роман учун материал йиғишга киришди. 2.1919 йилдан ёза бошлади. 3.1922 йилда романнинг дастлабки боблари «Инқилоб» журналида чоп этилди. 4.1925 йилда романнинг бўлимлари алоҳида-алоҳида уч китоб тарзида босилди. 5.1926 йилда яхлит китоб бўлиб босилди. 6.1928 йилда роман яна иккинчи бор нашр этилди

7. Қодирийнинг қайси асари қисса жанрида ёзилган? Ж: «Обид кетмон» (1934 йилда яратилган)

8. Қодирий қандай асарлар ёзмоқчи бўлиб материал йиғиб юргани ҳақида маълумот бор? Ж: «Амир Умархоннинг канизаги», «Намоз ўғри», «Даҳшат»

9. Қодирий қайси мақоласи учун «...аксилинқилобий мақсадда шўро раҳбарларини матбуот орқали обрўсизлантирди» деган айб билан қамоққа олинди? Ж: «Йиғинди гаплар»

10. Абдулла Қодирийнинг отаси ва онасининг исмини топинг. Ж: Қодир бобо, жосият биби

11. Абдулла Қодирийнинг 2-романи қайси ва у қачон нашр этилган? Ж: «Меҳробдан чаён» романи, 1928 йилда нашр этилган

12. Абдулла Қодирийнинг қайси фарзанди «Отам ҳақида», «Абдулла Қодирийнинг сўнгги кунлари» асарлари билан машҳур? Ж: Ҳабибулла

13. Абдулла Қодирийнинг қайси мақолалари 20-йиллар ўзбек танқидчилигининг энг яхши намуналари бўлган? Ж: «Бизда театру ишларининг бориши», «Равот қашқирлари», «Ўтган кунлар» танқиди устида баъзи изоҳлар»

14. Абдулла Қодирий кимни «роман ёзишга ҳаваслантирган устоз» деб атади? Ж: Жўржи Зайдон

15. Абдулла Қодирийнинг қайси асари 20-йиллардаги ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг кўпгина салбий томонлари-

га, адиб ибораси билан айтганда, «жамият қитиғига» тегиб ўтган эди? Ж: «Калвак махсумнинг хотира дафтаридан»

16. «Кўпдан бери ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган, мадраса хурофоти билан мияси ғовлаган» маҳалла имоми ким? Ж: Калвак Махсум

17. Абдулла Қодирийнинг қайси қаҳрамонини ўзбек халқининг меҳнат, деҳқончилик маданияти бобидаги етуклиги тимсоли дейиш мумкин? Ж: Обид кетмон

18. Абдулла Қодирийнинг драмасини топинг. Ж: «Бахт-сиз куёв»

19. «Мен тўғрилиқ орқасида бош кетса, «иҳ» дейдирган йигит эмасман». Ушбу фикрлар қайси ёзувчига тегишли? Ж: Абдулла Қодирийнинг

20. «Ўтган кунлар» романида Кумушнинг онаси ва отасининг исми? Ж: Мирзакарим қутидор, Офтоб ойим

21. Офтоб ойим онасининг исми? Ж: Ойша биби

22. «Ўтган кунлар» романида Тошкент ҳокими ким эди? Ж: Азизбек

23. «Ўтган кунлар» романида Азизбек тошкентликларни кимларга қарши урушга чорлайди? Ж: қипчоқларга

24. «...эллик беш ёшлар чамалиқ, чала-думбул табиатлик бир хотин бўлса ҳам, эрига ўткирлиги билан машҳур эди». Ушбу таъриф ким ҳақида? Ж: Ўзбек ойим

25. «Ўтган кунлар» романида Ўзбек ойим Кумушни дастлаб қандай ном билан атайди? Ж: Анди

26. «Ўтган кунлар» романида Отабек Ҳомид билан бирга Кумушни ўғирлагани келган қайси йигитларни ўлдирди? Ж: Содиқ, Мутал

27. «Ўтган кунлар» романида қипчоқларга қарши қирғин бошлаш ҳақидаги машварат кимникида бўлиб ўтади? Ж: Ражаббекникида

28. «Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг теги-мизга сув қуядирған бўлсак, яқиндирки, ўрис истибдоди

Ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсақ ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрус бўйундириғини кийдирган бўлармиз». Ушбу фикрларни ким айтган? Ж: Юсуфбек ҳожи

29. «Юсуф савдосида беқарор Зулайҳо исмидин, Мажнун ишқида йиғлаған Лайли отидин сизга бошимдағи сочларимнинг тукларигача беҳад салом». Ушбу сатрлар кимнинг мактубидан олинган? Ж: Кумушнинг

30. Абдулла Қодирийнинг қайси асарида миллат табиатидаги қолоқлик ва таназзулга сабаб бўлган иллатлар шафқатсиз холислик билан кўрсатиб берилади? Ж: «Ўтган кунлар»

31. «Киройи куявинг шундоғ бўлса» бобида Қодирий китобхонни қайси аёллар билан таништиради? Ж: Офтоб ойим, Ойша биби, Тўйбека, Кумушбиби билан

32. «Ўчоқ бошида қўполгина, қирқ беш ёшлар чамалиқ яна бир хотин чой қайнатиб юради». Бу ким? Ж: Мирзакарим қутидор оиласининг чўриси Тўйбека

33. «Ичидан атлас кўйлақ, устидан хонатлас гулли кийган, бошига оқ даканани хом ташлаган, ўттиз беш ёшлар чамалиқ гўзал, хушбичим бир хотин. Юзидан мулойимлиқ, зрига итоат, тўғрилиғ маънолари томиб турган». Бу ким? Ж: Мирзакарим қутидорнинг рафиқаси – Офтоб ойим

34. «Етмишлардан ўтган кампир» деб таърифланган персонаж ким? Ж: Ойша биби

35. Отабекни «бир чиройлик, бир ақллик, тагин ўзи ҳаммадан юқорида ўлтирадур; ҳали йигирмага ҳам бормагандир, мўйлаби ҳам эндигина чиқа бошлаган. Нах бизга куяв бўладирган йигит экан», деб таърифлаган персонаж ким? Ж: Тўйбека

36. Кумушни фақат Отабекка тенг кела олишини таъкидлаб, «тенг-тенги билан, тезак қоли билан» деган персонаж ким? Ж: Тўйбека

37. «Азизбек ўрда қоровулхонасидан туриб фуқарога салом қилди. Азизбекнинг саломига мушарраф бўлгучиларнинг кўзларидан ёшлар оқмоқда эди». Бу фикрлар кимга тегишли?

Ж: Юсуфбек ҳожининг Отабекка ёзган мактубидан олинган

38. «Ўтган кунлар» романида тошкетликлар ўзларини кимлар деб аташарди? Ж: Қора чопонлар

39. Қипчоқлар кимнинг қўл остида Тошкент устига уруш ҳаракатини бошлади? Ж: Нормухаммад қушбеги

40. «Шу чорхари айвоннинг ўрта бир ерида, устига атлас кўрпалар ёпилган танчанинг тўрида деворга суяниб, аврасига қора мовут сирилган совсар пўстин кийиб бир киши ўлтирадир». Бу киши? Ж: Мирзакарим қутидор

41. Отабек Юсуфбек ҳожининг мактубида Азизбек ҳақидаги фикрларни ўқигандан сўнг, Азизбек тўғрисида ихтиёрсиз қайси сўзни айтиб юборди? Ж: «Тулки»

42. Тўй кuni Отабек Кумушшибига нима совға қилди? Ж: Олтин узук

43. Отабек Кумушни қачон кўрган эди? Ж: Марғилонга келганнинг иккинчи кuni таҳорат олишга кирганида

44. Чўри қиз Ҳанифа қайси асар қаҳрамони? Ж: «Ўтган кунлар» асарининг

45. Ҳасанали хотинининг исми? Ж: Ойбодоқ

46. Отабекнинг Марғилонда эканлигида кимнинг қизига унаштириб қўйишади? Ж: Олим понсодбошининг

47. Отабекни Тошкентдан унаштириб қўйган Юсуфбек ҳожи бунинг сабабини қандай изоҳлайди? Ж: Ҳожатдан деб изоҳлайди

48. Отабекни Тошкентдан уйланишини нима учун Юсуфбек ҳожи «ҳожатдан» деб атайди? Ж: Чунки Отабекнинг қайин отаси қизини Тошкентга жўнатмас экан. Ўғил ўстириб катта қилган онага бўлса келин қайғуси тушган

49. Отабек Тошкентдан унаштирилишига қарши ота-онасига «бир бечорага кўра-била туриб жабр ҳам хиёнат» дейди. Бу кимга қаратилган эди? Ж: Зайнабга

50. Отабек ота-она орзусига қандай ҳолда ризо бўлади?
Ж: Жонсиз ҳайкал бўлиб

51. Отабек уйланишдан олдин онасига қандай шарт қўяди? Ж: Тўйдан илгари Марғилонга бориб келишни ва бир даражада уларга айтиб ўтишни, шундан сўнг тўй бош-лашни

52. Отабек ва Кумушни бир-биридан ажратишга ким астойдил бел боғлаган эди? Ж: Ҳомид

53. Отабек ўз душманларига қарши ёлғиз ўзи курашиб, нечта жиноятчини ўлдиради? Ж: Уч кишини

54. «Душанба куни кечаси», «Ой этак билан епилмас» боблари қайси асардан олинган? Ж: «Ўтган кунлар» романидан

55. «Отабек кўзини тўлдириб биноға қаради, гўё бу қарашда ул дунё малаги билан видолашар эди». Бу парча ромanning қайси бобидан олинган? Ж: «Душанба куни кечаси» бобидан

56. Отабекнинг Марғилонда душманларидан ўч олганини Юсуфбек ҳожи «жўн одамлар қаторида одам ўлдириш» деб баҳолайди. Отабек буни қандай изоҳлайди? Ж: Жўн одамлар қаторида эмас, мажбурлар қаторида, зўрланганлар қаторида деб

57. Отабекка мактуб ёзган Кумуш уни қандай атайди?
Ж: Қочқоқ

58. Қайси асарда тимсолларнинг тақдир синовларидан ўтишдаги сифатларини тасвирлаш асносида халқнинг фази-латлари намоён қилинган? Ж: «Ўтган кунлар»

59. Қайси асарнинг бош қаҳрамонлари новдалигидаёқ хазон этилган бўлса-да, унда қандайдир ёруғ руҳ ҳукмрон-лик қилади? Ж: «Ўтган кунлар»

60. «Ўтган кунлар» романида Отабек ижтимоий масла-гини қачон аён этади? Ж: Зиё шоҳичининг уйидаги зиёфатла

Бадий асарда миллий руҳ ифодаси

1. Бадий асар миллий бўлишидаги энг муҳим белги нима?

Ж: Асарнинг миллий тилда яратилгани

2. Чинакам миллий асар қандай бўлади? Ж: Унда фақат тил эмас, балки қаҳрамонларнинг табиатини тасвирлаш ҳам миллий бўлади

3. Қайси асар миллий руҳ жуда бўртиқ акс этганлиги билан ажралиб туради? Ж: «Ўтган кунлар» романи

4. Миллий руҳ яққол акс этган асарлар қандай бўлади? Ж: Уларда персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, ўйлари, сезимлари фақат муайян миллат вакилига мансуб эканлиги ўз-ўзидан англашилиб туради

5. «Ўтган кунлар» романида миллий руҳ нималарда ёрқин намоён бўлади? Ж: Кумуш Отабекни никоҳ кечасида кўрганда «Сиз ўшами?» деб энтикканида, эр-хотин узоқ жудоликдан кейин дийдор кўришгач, Кумуш «Сиз қочқоқсиз» деб Отабекнинг юзига секингина шапатилаб, эркалаганида намоён бўлади

Абдулҳамид Чўлпон

1. Чўлпоннинг 20-йилларда яратилган шеърларини топинг. Ж: «Кўнгил», «Кишан», «Виждон эрки»

2. Чўлпон таржима қилган асарларни топинг. Ж: 1. «Ҳамлет» (Шекспир) 2. «Маликаи Турондот» (Госси) 3. «Хасис» (Молер) 4. «Икки бойга бир қарол» (Голдони) 5. «Босмачилар» (Шиллер) 6. «Терговчи» (Гогол) «Борис Годунов» ва «Дубровский» (Пушкин), «Осилган етти кишининг ҳикояси» (Л. Андреев), «Она» ва «Егор Бличев ва бошқалар»

3. Чўлпоннинг қайси асарлари ҳикоя жанрида? Ж: «Қурбони жаҳолат», «Дўхтур Муҳаммадиёр», «Ойдин кечаларда», «Қор қўйнида лола», «Оқ подшонинг инъоми»

4. Чўлпоннинг шеърий тўпламларини топинг. Ж: «Уйғониш» (1922), «Булоқлар» (1923), «Тонг сирлари» (1926), «Соз»(1935)

5. Чўлпоннинг 1917 йилдан кейинги Туркистоннинг қонли манзаралари акс этган қайси шеърига «Таланмаган, йиқилмаган ер йўқ. Гўдаклар найза бошида...» сўзлари эпиграф қилиб олинган? Ж: «Ёнғин»

6. Чўлпоннинг ижтимоий лирикасига оид бўлган шеърларини топинг. Ж: «Кўнгил», «Кишан», «Ёнғин», «Виждон эрки»

7. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» асари ҳақидаги тўғри хукми топинг. Ж: 1-китоб 1933-34 йилларда Чўлпоннинг Ўзбекистонда бошланган қатағондан қочиб, Москвада яшаётган даврида яратилган, ромanning дастлабки боблари 1935 йили Тошкентда нашр этилган адабий журналнинг 1-сонида босилган, асар тўла ҳолда 1936 йили китоб ҳолида эълон қилинган

8. Чўлпон мақолаларини қайси тахаллуслар билан эълон қилган? Ж: Қаландар, Мирза қаландар, Қ, Андижонлик

9. Қайси шоир Фитратнинг таклифига кўра 1921-22 йилларда «Бухоро ахбори» газетасини бошқаради? Ж: Чўлпон

10. Чўлпоннинг драмаларини топинг. Ж: «Ёрқиной» (1921), «Ҳалил фаранг» (1921), «Яна уйланаман» (1926), «Чўрининг исёни» (1926), «Ўртоқ Қаршибоев» (1928), «Хужум» (1928)

11. 1927 йилда бўлиб ўтган қурултойда ким Чўлпонни «ғоявий тутуруқсиз» деб қоралайди? Ж: Акмал Икромов

12. 1932 йилда Москвага кўчиб ўтиб, у ерда Гоголнинг «Терговчи», Франконинг «Феруза», Андреевнинг «Осилган етти кишининг ҳикояси» асарларини ўзбекчалаштиради. Бу қайси ижодкор? Ж: Чўлпон

13. Чўлпоннинг 1914 йилнинг 18 апрелида «Садойи Туркистон» газетасида босилган шеъри? Ж: «Туркистонли қариндошларимизга»

14. Чўлпоннинг 1914 йилда босилиб чиққан асарлари? Ж: «Туркистонли қариндошларимизга» шеъри, «Қурбони жаҳолат» ҳикояси, «Адабиёт надур?» мақоласи, «Дўхтур Муҳаммадиёр» ҳикояси

15. Қайси асар Чўлпон ижодининг моҳиятини ифодалаб беради? Ж: «Адабиёт надур?» мақоласи

16. «*Ҳа, тўхтамасдан ҳаракат қилиб турган вужудимизга, танзимизга сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора кирлар билан кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса, миллат яшар*» фикрлари кимнинг қайси асаридан олинган? Ж: Чўлпоннинг «Адабиёт надур?» мақоласидан

17. «*Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган...ўчган, мажруҳ, ярадор кўнглига руҳ бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдурган, ўткир юрак кирларини ювадирган тоза маърифат суви... чанг ва туфроқлар тўлган кўзларимизни артуб, тозалайдурган булоқ суви бўлганликдан бизга гоаят керакдур*» фикрлари кимнинг қайси асаридан олинган? Ж: Чўлпоннинг «Адабиёт надур?» мақоласидан

18. Чўлпон 1922 йилда қайси журнал билан ҳамкорлик қилади? Ж: «Инқилоб» журнали билан

19. Чўлпон қайси йили Москвада драмстудияда таржимон ва драматург бўлиб ишлайди? Ж: 1924 йилда

20. Қайси йиллар Чўлпон учун самарали ижод даври бўлди? Ж: 20-йиллар

21. «*Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку, Асрлик тош янглиг бу хатарлик йўлда қотдим-ку*».

Ушбу мисралар муаллифини топинг. Ж: Чўлпон, «Қаландар ишқи»

22. Чўлпоннинг «Кўнгил» шеъри қандай бошланади? Ж: *Кўнгил, сен бунчалар нега*

Кишанлар бирла дўстлашдинг?

23. Чўлпоннинг «Кўнгил» шеъри қандай яқунланади? Ж: *Кишан кийма,*

Бўйин эзма.

Ки, сен ҳам ҳур тугилгансан!

24. Чўлпон «Кўнгил» шеърида бир-бирига зид бўлган икки нарсанинг дўстлигидан ҳайратга тушади. Булар қайсилар? Ж: кўнгил, кишан

25. Чўлпоннинг «Кишан» шеъри қандай боиланади?

Ж: *Кишан, гавдамдаги излар букун ҳам битгани йўқтур*

26. Чўлпоннинг «Кишан» шеъри қандай яқунланади? Ж: Фақат буткул қутулмоққа умидим энди ортуқдир!

27. «Кўнглим каби йиқиқ уйлар, қишлоқлар ...ларга бузук кўксин очганми?» «Ёнғин» шеъридан олинган сатрларда нуқталар ўрнига қайси сўзни қўйиш мумкин? Ж: бойқуш

28. «Кенг яйловга ўтми кетди, ёндими? ...истагига қондими?» «Ёнғин» шеъридан олинган сатрларда нуқталар ўрнига қайси сўзни қўйиш мумкин? Ж: маданият

29. «Ҳайвонларга, инсонларга

Золим эга бўлмай қолмас.

Фақат эркин виждонларга

Эга бўлмоқ мумкин эмас!»

Ушбу мисралар муаллифини топинг. Ж: Чўлпон «Виждон эрки»

30. Интим сўзининг маъноси нима? Ж: энг ички, яширин

31. «Агар зулм авжга келса,

Кўк боши-да ерга тегар»,

– мисралари Чўлпоннинг қайси шеъридан олинган? Ж: «Виждон эрки»

32. Чўлпон қайси шеърида «*Башар тарихинг ҳар сафҳасида қонли доғинг бор!*» деган сўзларни ёзади. Бу ерда гап нима ҳақида кетяпти? Ж: Кишан

33. «*Мен энди топдим бахтимни. Ҳаммаёгим шуники. Бошқаларга беш-тўрт таноб ерни тириклигимда ўтказиб*

бериб, қолган давлатимни батамом шунга қолдираман». Ушбу фикрларни Акбарали мингбоши кимга айтган? Ж: Ҳаким-жонга

34. Чулпоннинг «Кеча ва кундуз» романида Зеби Акбаралининг нечанчи хотини эди? Ж: Тўртинчи

35. «Кофир билан итнинг фарқи йўқ. Итдан қочмайсизми? Шундай бўлса, кофирдан ҳам қочмасанг бўлади. Бу жоиз?» Бу гапларни Зебини суд мажлисида юзини очиб ўтириши учун ким айтган? Ж: Домла-эшон

36. «Мен бу таклифга қарши эмасман. Албатта, менинг бу масалада бошқа мулоҳазаларим бор. Мен уруш вақтининг нозик пайтларида бўлган бу ўлдиришга оддий ўлдириш каби қаролмайман. Ўлдирилган одам Русия давлатига ва подшога садоқати билан танилган одам эди. Уни «ёш сарт» махфийлари, айниқса уларнинг душманлари бўлган Туркия билан фикран боғланишган унсурлар ёмон кўрардилар». Ушбу фикрлар қайси асардан олинган? Ж: Чулпоннинг «Кеча ва кундуз» романи

37. Чулпоннинг «Кеча ва кундуз» романида Зеби эрини ўлдиргани учун қандай жазога маҳкум этилади? Ж: Етти йил Сибирга сургун

38. «Ўзи иқрор эмас, инкор қилди, шекилли-ку?» Ушбу сатрлар Чулпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги қайси қаҳрамонга тегишли? Ж: Домла-эшон

39. Чулпоннинг «Кеча ва кундуз» романида Акбарали ўлгандан сўнг унинг ўрнига ким мингбоши бўлади? Ж: Зуннун

40. «Худо, худо бўлиб туриб ҳам олади, ҳам беради, йўқа, у илгари жон бериб, кейин жон олади. Ер ер бўлиб туриб илгари ризқ беради, кейин жон олади. Олган беради-да! Сен, нимасан, пирим, сен? Худодан зўрмисан? Ердан кучлимисан? Оласан, бермайсан. Оласан, бермайсан». Ушбу фикрлар кимники? Ж: Раззоқ сўфи

41. Чулпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги қайси қаҳрамон миллатдошларини ўйламайди, уларга ачинмайди. Одамийлик ҳақидаги ортиқча инжиқликлардан холи ва шу боис катталарнинг занжирдаги итидай гап? Ж: Акбарали мингбоши

42. Чулпоннинг «Кеча ва кундуз» романида Зебини ўлдириш учун унинг табаррук сув солинган чойнагига ким заҳар солиб қўйган эди? Ж: Пошшоҳон

43. «Кеча ва кундуз» романида Пошшоҳон уйдагилар кимнинг уйига кириб кетганда Зебининг уйига заҳарли сув солиб қўяди? Ж: Далабой баққолнинг

44. «Соддасан, Акбарали. Подшолик ҳамма вақт юртининг обрўйлик одамларини ҳимоя қилади. Обрўй давлат билан топилади». Ушбу фикрлар «Кеча ва кундуз» романининг қайси қаҳрамонига тегишли? Ж: Нойиб тўра

45. «Ўрисга ҳам қийин. Ундай уста амалдорни энди Чин-Мочиндан топиб келмасан, бу юртларда топилмас». Акбарали мингбоши ҳақидаги ушбу фикрлар «Кеча ва кундуз» романининг қайси персонажига тегишли? Ж: Раззоқ сўфи

46. «У ер-бу ерга арз қилиб кўринг. Бу нозик замонда арз қилишдан Бирон натижа чиқармикан? Невлай-да. Бир суднинг ҳукмини юқорироқ бир суд буза олади-ку-я. Замон нозик, иш нозик; шундан кўрқаман!» Ушбу фикрлар «Кеча ва кундуз» романининг қайси персонажига тегишли? Ж: Ҳакимжон

47. Фазилатхон ичкаридан бир мис товоқда нон билан майиз кўтариб чиққанда ташқарида меҳмондан ҳам, мезмондан ҳам дарак йўқ эди. Фазилатхон қайси асар қаҳрамони? Ж: «Кеча ва кундуз»

48. «Нима бўлди бу жувонга? Эрталабдан кечгача кундошлари билан ўпишади, гапирди, ашула қилади, кулади, кулдиради, тегишади, ҳазил қилади, қитиқлайди, қочади, қувлайди, қувлашади. Қор ёққанидан бери қишлоқнинг ярим хо-

тин-қизлари билан қор отишиб чиқди.. Учтаси билан «қорхат» уйнаб ютди». Ушбу таъриф «Кеча ва кундуз» романидаги қайси қаҳрамонга тегишли? Ж: Султонхонга

49. Қайси асар қаҳрамони қалбида кеч уйғонган оталик масъулияти уни қотиллик қилишга ундайди? Ж: «Кеча ва кундуз» романининг

50. Қайси асар қаҳрамонини том маънода ўзини «муҳитнинг эрки»га берган ўзбек қизи дейиш мумкин? Ж: «Кеча ва кундуз» романи қаҳрамони Зебини

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек

1. Ойбекнинг илк шеъри қаерда босилган? Ж: «Тонг юлдузи» номли деворий газетада

2. Қайси ёзувчи ўзининг хотираларида *«Хаёл дарёси кенг эди менда. Ўқтин-ўқтин ўзимча Машқ қилиб, битта-яримта шеър ёзиб ҳам қўярдим»*, деб ёзган? Ж: Ойбек

3. *«Ойбек ориқ ва нояча йиғит бўлиб, қўнғир... қалин сочлари дўпписидан тошиб турарди. Йирик қора кўзлари шогирдлик давридаёқ теран маъноли ва хаёлчан эди».* Ойбек ҳақидаги ушбу фикрлар кимники? Ж: Зарифа Саидноси-рованики

4. Ойбекнинг қайси дostonлари 30-йилларда яратилган? Ж: «Дилбар давр қизи», «Ўч», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Навоий»

5. Ойбек қаламига мансуб бўлган қиссаларни топинг. Ж: «Нур қидириб», «Болалик», «Бола Алишер»

6. Ойбек қаламига мансуб бўлган романларни топинг. Ж: «Қуёш қораймас», «Улуғ йўл», «Олтин водийдан шабадалар»

7. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи қачон яратилган? Ж: 1938 йилда

8. Ойбекнинг «Навоий» романи қачон яратилган? Ж: 1942 йилда

9. Ойбекнинг уруш йилларида ёзилган тарихий драмаси?
Ж: «Маҳмуд Торобий»

10. Ойбек қачон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзо-
си этиб сайланди? Ж: 1943 йилда

11. Ойбекнинг «Наъматак» шеърининг ҳажми? Ж: 4 банд,
20 мисра

12. «*Нафис чайқалади бир туп наъматак*» мисралари 1-
бандда неча марта қаерда такрорланади? Ж: 2 марта: банд
боши ва охирида

13. «*Тоғлар ҳавосининг ферузасидан
Майин товланади бутун ниҳоли.*

Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди».

Ушбу мисралар қайси шеърдан олинган? Ж: Ойбекнинг
«Наъматак» шеърдан

14. Ойбек қайси шеърида ўн икки булоқни ахтаради? Ж:
«Тоғ сайри» шеърида

15. Ойбек «Тоғ сайри» шеърида ўн икки булоқни нима-
ларга ўхшатади? Ж: Шеърга, баҳорга, кўзга, қизга, пиёла-
га

16. Ойбекнинг «Тоғ сайри» шеърида булоққа нима му-
ҳаббат изҳор қилади? Ж: Шамол

17. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги Йўлчи қаерлик
эди? Ж: Хўжакентлик

18. «*Бу ўн беш-ўн олти орасида бўлган, қорамтир, лекин
тоза, соғлом юзли, кўзлари болаларча ўйноқ-шўх, жингалак
сочли, бўйчан, қишлоқча содда, самимий бир қиз эди».* Ушбу
таъриф Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги қайси қаҳра-
монга тегишли? Ж: Унсин

19. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги Йўлчини қамаш-
да иштирок этган эликбошининг исми ким? Ж: Олимхон

20. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романида кимнинг буйруғи
билан исён кўтарган қуролсиз халқ ўққа тутилди? Ж: Мо-
чаловнинг

21. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романида ўқдан яраланган Йўлчининг олдида қайси дўстлар ҳозир бўлишди? Ж: Ўроз, Қоратой

22. *«Қизим, жон қизим. Сан ўртанма. Бу жуда катта ўлим.*

Аканг мард йигит эди. Номус билан, мардлик билан ўлди».

Ушбу фикрларни Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги қайси қаҳрамон кимга айтган? Ж: Шокир ота Унсинга

23. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романида Йўлчини сўнги йўлга кузатишда кимлар иштирок этган? Ж: Ўроз, Шокир ота, Қоратой

24. *«Ойбек шу қадар қизгинлик билан ишладики, олти ой бадалида миллий озодлик ҳаракатида меҳнаткаш халқ онгининг мунавварланиши тасвирлаган, бадий жиҳатдан юксак асари дунёга келди».* Бу асар қайси эди? Ж: «Қутлуғ қон»

25. «Ойбек шу қадар қизгинлик билан ишладики, олти ой бадалида миллий озодлик ҳаракатида меҳнаткаш халқ онгининг мунавварланиши тасвирлаган, бадий жиҳатдан юксак асари дунёга келди». Ойбек ҳақидаги ушбу фикрлар кимники? Ж: Ҳомид Ёқубов

26. Ойбекнинг қайси асари муҳокамасида революционер Петров образини киритиш кераклиги айтилди? Ж: «Қутлуғ қон»

27. Қайси асар асосида 1916 йилда Тошкенда бўлиб ўтган халқ қўзғолони ётади? Ж: «Қутлуғ қон»

28. «Қутлуғ қон» романида Йўлчи Мирзакаримбой даргоҳида ишлаб ундан қанча ҳақ олади? Ж: 40 сўм

29. *«Бундан кўра гўнг титганинг яхши эмасми, кекса товух!»* «Қутлуғ қон» романидаги ушбу кинояли гаплар кимга қаратилган? Ж: Мирзакаримбойга

30. «Қутлуғ қон» романида Унсинга онасидан нима ёлғиз ёдгорлик бўлиб қолган эди? Ж: Кумуш билатузук

31. Унсин уни кўргани келган акаси Йўлчига «Қўрқаман, мени бу ердан олиб кетинг. Ёлғиз кўрса тегишаверади. Ёмон гаплар гапиреди», дейди. Унсин кимдан қўрқар эди?

Ж: Салимбойваччадан

32. Йўлчи Мирзакаримбой эшигида неча йил хизмат қилади? Ж: 2 ярим йил

33. «Фуқарода норозилик зўрайди, бойваччам. Фақирликка бўйсунмайди, қимматчиликни Оллодан кўрмайди. Бир кўпи бойлардан кўради. Ҳери, муттаҳам, дайдиларнинг сони йўқ». Бу фикрлар кимга тегишли? Ж: Олимхон элликбошига

34. «Дуруст, Йўлчи ёмон бола. Аммо, биз уни орқасида қоли билан, қўлида тугуни билан ёқалаганимиз йўқ, пичогида ҳали қон кўрмадик. Маҳкамадаги ўрис тўраларини қўлга олиш, Йўлчини бирон нарсада айблаш керак бўлади. Бу нарса ҳазил эмас!» Бу фикрлар кимга тегишли? Ж: Олимхон элликбошига

35. «Қутлуғ қон» романида қаландар чойхонада қайси шоирнинг шеърларидан ўқирди? Ж: Машраб ғазалларини

36. Йўлчи «Нима гуноҳ қилдим? Қамчига узр сўрайманми?» деб кимдан қамчи еганда айтади? Ж: Чойхонада ўрис полициячисидан қамчи еганда

37. Йўлчи «Сан одам эмас, чўчқасан» деб кимга айтади? Ж: Ўрис полициячига

38. Йўлчи кимнинг истагига кўра қамалади? Ж: Ҳакимбойваччанинг

39. Йўлчи қамалганидан сўнг Унсин кимнинг уйида яшай бошлайди? Ж: Шокир отанинг

40. Йўлчи қандай ҳалок бўлади? Ж: Мардикорликка олишга қарши халқ қўзғолонида жонбозлик кўрсатиб ҳалок бўлади

41. Тошкентда халқ қўзғолони бўлганда Ойбек неча ёшда бўлган? Ж: 11 ёшда

42. «Ойбек буюк ирода эгаси эди. Шунинг учун ҳам у ўта таҳликали ва фожиали кўнларда, гурбат ютиб кечирилган

ҳаётда «Қутлуғ қон»дай гўзал ва ўлмас бир асарни яратди». Ойбек ҳақидаги ушбу фикрлар кимга тегишли? Ж: Ойбекнинг рафиқаси Зарифа Саидносировага

43. «Бир онда у ўз кучининг ўлчовсиз даражада ўсганини сезди. Душман қўлидан ўлжа олинган чандастлик билан қиличини, қуёшда олов сингари ёнган қуроли ҳавода баланд кўтарди». Бу қайси қаҳрамон табиатидаги тасвирлар? Ж: Йўлчининг жангга киргандаги ҳолати

44. Унсин Йўлчи вафотидан кейин унга нимани топширади? Ж: Гулнор берган узукни

45. Шокир ота хотинининг исми? Ж: Саодат кампир

46. «Қутлуғ қон» романида Йўлчи ва Гулнор кимнинг уйига беркинган эдилар? Ж: Шоқосимнинг

47. «Қутлуғ қон» романида Унсин Мирзакаримбойнинг уйида кимларнинг болаларини боқар эди? Ж: Турсуной, Шарофатхоннинг

Роман шакли ҳақида

1. Илк романлар бундан неча йил олдин ёзилган? Ж: 2500 йил олдин

2. «Роман» сўзи қайси тилдан олинган? Ж: Француз тилидан

3. Ўзбек романчилигини ким бошлаб берган? Ж: А.Қодирий

4. Бирор миллий адабиётнинг даражаси нима билан белгиланади? Ж: Унда романчилик қанчалик ривожланганлиги билан

5. Роман деганда нима тушунилади? Ж: Персонажларнинг бошқаларга ўхшамайдиган, ўзига хос жиҳатларини бирор воқеа-ҳодиса асосида кўрсатиб берадиган катта ҳажмли асар тушунилади

6. Илк романлар қандай ёзилган? Ж: Фақат сочма йўлда қора сўз билан битилган

7. Романлар қандай турларга бўлинади? Ж: насрий, шеърӣ романлар

8. «Қутлуғ қон» романи қандай роман? Ж: тарихий

9. Тарихий романлар қандай бўлади? Ж: Уларда алоҳида одамларнинг алоҳида тақдирларини акс эттириш билан биргалликда бутун бошли халқнинг ҳаётида муҳим босқич бўлган воқеалар тасвирга олинади

10. Романларнинг мазмунига кўра турларини топинг. Ж: 1) тарихий, 2) фалсафий, 3) сиёсий, 4) маиший, 5) биографик, 6) фантастик, 7) детектив

11. Икки китобдан иборат роман қандай аталади? Ж: Дилогия

12. Уч китобдан иборат роман қандай аталади? Ж: Трилогия

13. Тўрт китобдан иборат роман қандай аталади? Ж: Тетрология

14. Беш китобдан иборат роман қандай аталади? Ж: пенталогия

Одил Ёқубов

1. Қайси ижодкор 1926 йил Жанубий Қозоғистон вилоятининг Қарноқ қишлоғида туғилган? Ж: Одил Ёқубов

2. Одил Ёқубов нечанчи йилларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири лавозимида ишлаган? Ж: 1982-89 йиллар

3. Одил Ёқубов нечанчи йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси сифатида фаолият кўрсатди? Ж: 1989-96 йиллар

4. Одил Ёқубов нечанчи йилларда Атамашунослик қўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсатди? Ж: 1996-2004 йиллар

5. Одил Ёқубов 2005 йилгача қайси вазифани бажарган? Ж: Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг вице-президенти

6. Одил Ёқубовнинг I-асари ҳақидаги қайси ҳукм тўғри?
Ж: Илк асари «Тенгдошлар» қиссасидир, ҳарбий хизматда эканлигида ёзилган, 1951 йилда «Шарқ юлдузи» журналида босилиб чиққан

7. Одил Ёқубов қиссаларини топинг. Ж: «Тенгдошлар», «Матлуба», «Муқаддас», «Тилла узук», «Ларза», «Қанот жуфт бўлади», «Биллур қандиллар», «Излайман»

8. Одил Ёқубовнинг «Икки муҳаббат» номли насрий асарлардан иборат китоби қачон чоп этилган? Ж: 1956 йилда

9. Одил Ёқубов пьесаларини топинг. Ж: «Чин муҳаббат», «Олма гуллаганда», «Юрак ёнмоғи керак», «Айтсам тилим куяди, айтмасам – дилим»

10. Одил Ёқубовнинг романларини топинг. Ж: «Эр бошига иш тушса», «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё», «Диёнат», «Оқ қушлар, оппоқ қушлар», «Адолат манзили» романлари

11. «Улуғбек хазинаси» романида Улуғбекка шаҳзода Абдулазиз ва шайхулислом Бурҳониддин кимдан чопар келганини маълум қилишади? Ж: Амир Искандар барлосдан

12. «Улуғбек хазинаси» романида «Дарвозаи оҳанин»нинг доруғаси ким эди? Ж: Мироншоҳ

13. «Улуғбек хазинаси» романида Шоҳруҳия қалъасининг доруғаси ким эди? Ж: Иброҳим Пўлат ўғли

14. «Улуғбек хазинаси» романида Улуғбекка хиёнат қилган бекларни топинг. Ж: Мироншоҳ, Султон Жондор, Иброҳим Пўлат ўғли

15. «Улуғбек хазинаси» романида узоқ Яссидан ҳақиқат излаб, Улуғбек тахтига бош уриб келган ва ундан кўп яхшиликлар кўрган истеъдодли шоир, арслонюрак жангчи ким? Ж: Қаландар Қарноқий

16. «Улуғбек хазинаси» романида Улуғбекнинг ноёб кутубхонасини асраб қолишда Али Қушчи ёрдам берган шахсларни топинг. Ж: Темур Самарқандий, Қаландар Қарноқий

17. «Улуғбек хазинаси» романида Улуғбек «Ҳумо қуши кимнинг бошига қўнур, буни ёлғиз Ҳақ таоло биладур. Ҳумо қуши мени тарк этса – сенинг бахтинг! Ва лекин фалакнинг гардиши билан тож-у тахт қўлимда қолса... эсингда бўлсин: оёгингдан дорга осиб, остингдан ўт қўямен!» деб кимга айтади? Ж: Султон Жондорга

18. «Улуғбек хазинаси» романида Улуғбек ўгли Абдулатифга қараб нима ёдига тушади? Ж: бургут

19. «Улуғбек хазинаси» романида Абдулатифнинг тушига отасининг ўлиmidан кейин ким кириб ўзининг бошини лаганда унга тақдим этади? Ж: Султон Жондор

20. «Улуғбек хазинаси» романида Абдулатиф ёмон туш исканжасидан қутулиш учун кимнинг китобидан ўқимоққа тутинади ва ундаги «Падаркуш, тожу тахт, олти ой» деган байтни ўқиб даҳшатга тушади? Ж: Низомий Ганжавийнинг

21. Мирзо Улуғбекнинг суюкли навқари ким эди? Ж: Бобо Ҳусайн

22. «Сиз Дамашқда қолиб, Искандар барлос суюрийларига кўмак бергайсиз, амир! Бошингиз кетса-да, шу бугун шахзода лашкарларини тўхтатгайсиз» деган фармони олийни Мирзо Улуғбек кимга буюради? Ж: Амир Идрис тархонга

23. Мирзо Улуғбекка қайси қалъа доруғалари хиёнат қилади? Ж: «Дарвозайи оҳанин» ва «Шоҳрухия» қалъаларининг

24. «Салоҳдорнинг бошини олишга қўлинг калталик қиладур! Бунинг боши эмас, ўз бошингга эҳтиёт бўлгил, Муҳаммад Тарагай!» Мирзо Улуғбекка бу гапларни ким айтади? Ж: Хонин Амир Султон Жондор

25. «У бир дақиқагина иккиланди, кўнглидаги галаён билан бир соньягина олишди, сўнг аргумогининг бошини орқага бурди. У Мирзо Абдуллатифга бош эгишга, яхшилик бўлса-да, ёмонлик бўлса-да, ўз зурриётидан кўришга аҳд қилди».

Мирзо Улуғбек бу хулосага қачон келди? Ж: Шоҳруҳия қалъаси ҳам қўлдан кетгандан кейин

26. *«Фақир бу чаппа дунёдан ҳақиқат излаб тополмаган, адашган бандадурмен, устод! Авваламбор соҳиби тож Мирзо Улуғбекдан элимга мадад истаб келиб, мадад топмадим. Юртимдан айрилиб, беватан бир мусофир, кулбасиз бир дайди ит бўлдим. Ҳақиқат деб кирмаган кучам, бош урмаган шигим қолмади, ахийри аҳли олло гадоларига ихлос қўйдим».* Бу фикрлар кимга тегишли? Ж: Қаландар Қарноқийга

27. Қаландар Қарноқийнинг Али Қушчи ҳузурига келишдан мақсади нима эди? Ж: Амир Темур олтинларини сақлаб қолишга ёрдам бериш

28. Амир Темур олтинлари қаерга кўмилган эди? Ж: Расадхона ичига

29. Али Қушчида Амир Темурнинг олтинлари борлигидан ким хабардор эди? Ж: Хожа Салоҳиддин заргарнинг

30. Мирзо Улуғбек китобларини ким макруҳ деб эълон қилади? Ж: Жаноб Низомиддин Хомуш

31. Али Қушчи Амир Темур олтинларини қаерга яширган эди? Ж: Китоблар орасига

32. Расадхонадан хуфёна чиқиб кетиш учун қазилган лаҳимни кимлар билар эди? Ж: Мирзо Улуғбек ва Али Қушчи

33. *«Бошига чамбарак кигиз қалпоқ кийган, кўпдан бери қайчи тегмаган қалин соқоли кўксига тушган бир чол»* деб ким таърифланади? Ж: Темур Самарқандий

34. Темур Самарқандий кимга қилич ясаб беришдан бош тортади? Ж: Шоҳруҳ Мирзога, чунки у бошқа қилич ясамасликка онт ичган эди

35. Темур Самарқандийни ким ўлим жазосидан қутқариб қолган эди? Ж: Мирзо Улуғбек

36. *«Ҳай аттанг! Шундай зукко одам қузгун саркардаларига ишониб, қариган чоғида кўп панд еди».* Мирзо Улуғ-

бек ҳақидаги бу фикрлар кимга тегишли? Ж: Темур Самарқандийга

37. Али Қушчи Темур Самарқандийга китобларни асраш учун нечта сандиқ ясаш кераклигини айтади? Ж: 15-20 сандиқ

38. Мирзо Улуғбек Кўксарой чеккасидаги бир хонага қамалганидан сўнг ўғлига нечта мактуб йўллайди? Ж: Иккита

39. Мирзо Улуғбекдан отасини бегуноҳ қатл қилдиргани учун хун талаб қилишини Абдуллатифга ким айтади? Ж: Саид Аббос

40. Саид Аббоснинг хун талаб қилган довини ким рад этади? Ж: Фақат қозижол қуззот Хожа Мискин

Бадий адабиётда руҳият таҳлили

1. Адабий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларигина эмас, яна нимаси уларнинг табиатига мувофиқ бўлиши керак? Ж: Кўнгил кечинмалари

2. «Улуғбек хазинаси» романида қайси қаҳрамонларнинг руҳий таҳлиliga кучли эътибор қаратилган? Ж: Мирзо Улуғбек ва Абдуллатифга

3. Бадий асарлар қайси жиҳатига қараб баҳоланади? Ж: Инсоннинг руҳиятини қанчалик теран ва ишонарли акс эттиришига қараб

4. Бадий асарда нима ҳеч қачон эскирмайди? Ж: Қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатлари

Абдулла Орипов

1. Қайси ижодкор 1941 йилнинг 21 мартида Қашқадарё вилояти Неқўз қишлоғида туғилган? Ж: Абдулла Орипов

2. Абдулла Ориповнинг отаси ва онасининг исмини тўпинг. Ж: Орифбой, Турдихол

3. «...биринчи шеърлар ёза бошлаганимда нима туртки бўлганини аниқ билмайман. Ҳар ҳолда сўзларни қофиялашга ишқибоз бўлиб қолганим эсимда. Балки зерикканимдан, балки завқим тошиб, нимадир ёзгим келаверарди. Фикр эса йиқ. Ёзмасликнинг ҳам иложи йўқ». Бу парча кимнинг таржимаи ҳолидан олинган? Ж: А.Ориповнинг

4. 1958 йили Тайзан овулидаги ўрта мактабни олтин медал билан тугатди ва Тошкент Давлат университетига ўқишга кирди

5. 1963 йил университетни битириб, «Ёш гвардия» нашриётига ишга кирди

6. 1967-74 йилларда Фафур Фулом номидаги нашриётда муҳаррир бўлган

7. 1974-76 йилларда «Шарқ юлдузи» журналида бўлим бошлиғи бўлган

8. 1976-82 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий маслаҳатчиси бўлган

9. 1982-83 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилоят бўлимида масъул котиб бўлиб ишлаган

10. 1983-85 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби бўлган

11. Абдулла Орипов қайси йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси сифатида ишлаб келмоқда? Ж: 1996 йилдан

12. Абдулла Ориповга қайси йили «Ўзбекистон халқ шоири» унвони ва Ҳамза номидаги давлат мукофоти берилди? Ж: 1983 йил

13. Абдулла Орипов қачон Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланди? Ж: 1994 йил

14. 1994 йилда Алишер Навоий номидаги республика давлат мукофотига лойиқ кўрилган

15. Абдулла Орипов Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг муаллифи

16. Абдулла Ориповнинг илк шеъри қандай ном билан босилиб чиққан? Ж: «Қушча»

17. Абдулла Ориповнинг 1-шеърий тўплами? Ж: «Митти юлдуз» (1965 йил)

18. Абдулла Орипов таржима қилган асарларни топинг. Ж: Дантенинг «Илоҳий комедия»си, Л.Украинка, Т.Шевченко, Н.Некрасов, Қ.Қулиев, Р.Ҳамзатов шеърлари

19. *«Мен инсонни бир инсондай севардим, лекин, Нечун кўндир ҳалигача разил одамлар».*

Ушбу сатрлар Абдулла Ориповнинг қайси шеърдан олинган? Ж: «Сароб»

20. *«Қўл кўтариб бўлармиди ахир онага, Зотан, унга қўл кўтарган фарзанд саналмас».*

Ушбу сатрлар Абдулла Ориповнинг қайси шеърдан олинган? Ж: «Сароб»

21. Абдулла Ориповнинг «Сароб» шеъри қандай бошланади? Ж: *Олти ойким, шеър ёзмайман, юрагим зада*

22. *«Дунёдан кетмасин ҳеч ким бемаҳал, Ҳеч кимни босмасин ногаҳон ўкинч.*

Аммо ўз бошига келмагунча гал,

Онажон, тош қалблар турармиди тинч».

Ушбу сатрлар Абдулла Ориповнинг қайси шеърдан олинган? Ж: «Баҳор»

23. Абдулла Орипов «Баҳор» шеърида:

«Баҳор ҳам, умр ҳам ўтар, эҳтимол,

Фақат сен дунёда мангу қоларсан».

– деганда ким ёки нима назарда тугилади? Ж: юрт

24. *«Ҳа, онамни ўйлар эдим инсон деган дам,*

Йўқ, маймундан тарқамаган дердим одамзод».

Ушбу сатрлар Абдулла Ориповнинг қайси шеърдан олинган? Ж: «Сароб»

25. Абдулла Ориповнинг қайси шеърида «бир вақтлар сажда қилган ҳазрати инсон» энди «Кўзларимга гоҳ кўринар телба мисоли» дейилади? Ж: «Сароб» шеърида

26. Абдулла Орипов «Баҳор» шеърида:

«Ўн ойким, сўнмишдир у таниш наъра.

Ҳамон фирогида фиғон чекар Шош».

– деганда кимни назарда тутади? Ж: Фафур Ғулумни

27. Абдулла Орипов «Баҳор» шеърида «Беқиёс эди у шеър
лочини! Хаёли бамисли Кўрагонийдек» деганда кимни назар-
да тутади? Ж: Мақсуд Шайхзодани

28. Абдулла Орипов «Баҳор» шеърида онаси вафотига
қанча бўлганини эсга олади? Ж: Беш ой

29. «Бу сокин элда ҳам ивирсир баҳор,

Ўчган хотиралар чирогин ёқиб».

– деганда қайси жойни назарда тутади? Ж: Қабристонни

30. «Фақат ўтмиш билан яшамас,

Гарчанд бўлолмайди ундан ҳеч озод».

Ушбу сатрлар Абдулла Ориповнинг қайси шеърдан
олинган? Ж: «Баҳор»

31. Абдулла Ориповнинг «Куз манзаралари» шеърида
хазонлар нимага ўхшатилади? Ж: Юракдан тўкилган оловга

32. Абдулла Ориповнинг «Куз манзаралари» шеърида
мезон нимага ўхшатилади? Ж: Шоирнинг чувалган, сўнгсиз
ўйларига

33. Абдулла Ориповнинг «Куз манзаралари» шеърида қуёш
нимага ўхшатилади? Ж: Олис ёшлиқда қолган муҳаббатга

34. Абдулла Орипов «Генетика» шеърида кейинги ав-
лодларга ўздан нима мерос бўлиб қолишини таъкидлайди?
Ж: Курашларда тобланган хаёл ва буюк бардош

35. Қайси шоир лирикаси орқали ўзбек шеъриятига
кўнгил дардларининг сувратлари, армонга айланган орзу-
лар инсон сезимларида қолдирган из тасвири кириб келди?
Ж: Абдулла Орипов орқали

36. Қайси шоир шеърияти ўтган асрнинг 60-70 йиллари-
да ўзбек миллатини туйғуларнинг қуруқшаб қолишидан сақ-
лаб қолди? Ж: Абдулла Ориповнинг

37. Абдулла Орипов шеърятидан парчалар: «Асаблар тунроққа чўккан эди тиз», «Йироқ-йироқлардан мунгли ва узун турналар товушин тинглардим фақат», «Сонсиз эгитларга сочилмиш, ана, Менинг орзуларим, менинг ўйларим», «Қаро сочларингда оппоқ аланга», «Шабнам шовуллайди боғлар кўйида, Салқин туман ичра бўзарар тонглар, Қуёшнинг эринчак ёғдуларида, Нафис ялтирайди барги хазонлар», «Оёқланган кўзидай довдирар элда майса, Кўм-кўк мовий осмонда кезиб юрар оқ булут», «Ёрилмаган ярадир севги», «Дилбар келинчакнинг кўксига гулу, Зардоли шохига ташлар кўз қирин», «Қизгалдоқ баргидек дилдан учар гам, Тошқинлар киради қалбимга маним»

38. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драматик достонида Темур Боязидга қарши жанг қилаётганда ким билан шатранж ўйнайди? Ж: Аловиддин билан

39. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драматик достонида шатранжда тенгсиз уста ким эди? Ж: Аловиддин

40. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драматик достонида Темур Боязидга қарши қайси усулни қўллайди? Ж: Тўлғама

41. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драматик достонида Темурга Боязиднинг асир тушгани хабарини етказган сарбознинг исмини топинг. Ж: Қосимбек

42. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драматик достонида Амир Темурнинг давлатни ушлаб турувчи таянчлари қайсилар? Ж: мўл хазина, ягона шоҳ, енгилмас лашкар

43. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драматик достонида Амир Темурнинг ўз душманлари гуноҳини ҳам кечира олиши қайси тимсоллар орқали очиб берилади? Ж: Султон Боязид

44. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драматик достонида Амир Темурнинг ҳаддидан ошган кимсаларни жазосиз қолдирмаслиги қайси тимсоллар орқали очиб берилади? Ж: Амир Ҳусайн

45. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драматик достонида Амир Темурнинг эзгу амалли кишиларни тақдирлаши қайси тимсоллар орқали очиб берилади? Ж: Ҳофиз Шерозий ва Қосимбек

46. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драматик достонида Амир Темурнинг ким билан учрашуви асарнинг энг таъсирли лавҳаларидандир? Ж: Аҳмад Яссавий билан

47. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драматик достонида ким Темурга «Ният қанча жозибали бўлса ҳам, Темур, қилич билан мурод ҳосил бўлмағи гумон», дейди? Ж: Аҳмад Яссавий

48. Абдулла Ориповнинг қайси шеърида туш тасвирига кенг ўрин берилади? Ж: «Кетганлар ёди бу»

49. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драматик достонида Султон Боязиддан қайси чопар мактуб келтиради? Ж: Султон Шабли

50. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драматик достонидаги Буқаламун ким? Ж: Темурнинг хуфияси

51. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драматик достонида Буқаламуннинг асл исми ким бўлган? Ж: Итолмас

52. Амир Темур қўшиннинг ўнг қанотини кимга топширади? Ж: Ўғли Мироншоҳга

53. Амир Темур қўшиннинг чап қанотини кимга топширади? Ж: Ўғли Шоҳруҳ Мирзога

54. Жангга ёв тарафдан қанча жангчи йўлга чиққан эди? Ж: 400 минг лашкар

55. Амир Темур нима учун жанг вақтида шатранж ўйнаган? Ж: Шатранж ўйнаб туриб жанг қилишини эшитган Боязидни таҳликага тушириш учун

56. Амир Темур Боязидга қарши аждоҳодек ўт пуркагувчи қайси қуролни ишта туширишни буюради? Ж: Нафтандозни

57. Амир Темур шатранж ўйинида қайси тош орқали Аловиддинни енгади ва бунга қандай изоҳ беради? Ж: Рух

орқали енгади ва ўзига руҳлар мададкор бўлаётганини таъкидлайди

58. Амир Темур душманнинг енгилганини хабар берган сарбозни қандай тақдирлайди? Ж: Самарқандга қайтиб боргандан кейин набираларидан бирини унинг никоҳига беришга ваъда беради

59. Боязид енгилганини хабар берган сарбоз қаерлик эди ва отаси ҳақида нима дейди? Ж: Ўзи кешлик бўлиб, отаси ҳам Амир Темурга сарбоз бўлганини ва Деҳли жангида шаҳид кетганини айтади

60. *«Чумолилар хор қилишса арслон рутбасин,
Бузилгайдир ўрмоннинг ҳам қонунияти»*,

– фикрларини Амир Темур кимга қарата айтади? Ж: Боязиднинг қўл-ёғини боғлаган навкарга қарата

61. Амир Темур Боязиднинг лақаби ва унинг жангда мағлуб бўлганини қандай изоҳлайди?

Ж: *«Сен Йилдирим лақабли бир қудратли чақмоқ Чўнг Темирга урилдинг-у, чилпарчин бўлдинг»*

62. Амир Темур ўзи ва Боязиднинг ногиронлиги ҳақида нима дейди?

Ж: *«Мен бир ланг-у, сен эса кўр, натовон сўқир,
Бу дунёда бутун одам топилмагандек,
Иккимизга ер юзининг жиловин бермиш»*

63. «Соҳибқирон» драмасида Амир Темур қандай акс эттирилади? Ж: Кўпроқ жанглarda эмас, ўйлар гирдобида

64. Драмада Амир Темурнинг фуқароларга муносабати қандай акс этган?

Ж: *«Ҳукмдорлар сева туриб фуқароларни,
Умид ҳамда кўрқув ичра сақлаши даркор»*,
– деган қарашда

65. Амир Темур нима сабабдан доим музаффар эканлигини қандай изоҳлайди? Ж: *«Унутмагил, музаффарман ҳақлигим учун»* деган сатрларда

66. «Соҳибқирон» драмасида асар муаллифи ўз нуқтаи назарини кимнинг қарашлари орқали беради? Ж: Аҳмад Яссавий орқали

67. Оламни куч билан босиб олишдан одамлар дилини ҳақ сўз билан забт этиш тўғрироғлиги ҳақидаги фикрни ким Темурга айтади? Ж: Аҳмад Яссавий

Лирик қаҳрамон

1. Лирик асарда туйғу ва ўйлари тасвирланган шахс образи қандай номланади? Ж: лирик қаҳрамон

2. Адабиётшуносликда лирик қаҳрамон тушунчаси ким томонидан олиб кирилган? Ж: Тиньянов

3. Адабиётшуносликда биринчи марта лирик қаҳрамон тушунчаси нечанчи йилда қўлланилган? Ж: 1921 йилда

4. Лирик асарларда иштирок этадиган асосий тимсол ким? Ж: Шоирнинг ўзи

5. Чинакам лирик асарнинг қаҳрамони қандай бўлиши керак? Ж: Ўзига хос табиат, феъл, кайфият, тақдир эгаси сифатида намоён бўлиши, унинг сезим ва кечинмалари шеър-хонни лоқайд қолдирмаслиги керак

Вильям Шекспир

1. Шекспир қаерда туғилган? Ж: 1564 йилда Англиянинг Стретфорд шаҳрида туғилган.

2. Шекспир қайси театрда актёрлик қилган? Ж: «Глобус» театрида

3. Шекспир неча драматик асар ёзган? Ж: 40 га яқин

4. Шекспир трагедияларини топинг. Ж: «Ҳамлет», «Отелло», «Макбет», «Қирол Лир», «Ромео ва Жульетта»

5. Шекспир комедияларини топинг. Ж: «Ёз кечасидаги туш», «Венеция савдогари», «Ўн иккинчи кеча»

6. Қайси трагедия Шекспир ижодининг чўққисидир? Ж: «Ҳамлет»

7. «Ҳамлет» трагедиясида Ҳамлет Дания қироллигида рўй берган даҳшатли воқеалардан қандай хабар топади? Ж: Отасининг арвоғи билан учрашиб

8. «Ҳамлет» трагедиясининг асосини нима ташкил этади? Ж: Даниялик муаррих Саксон Грамматик солномаларидан ўрин олган «Дания тарихи»даги қадимги ривоят

9. Қайси трагедия жаҳон адабиёти ва саҳна санъатидаги энг кўп баҳс уйғотган, тортишувларга сабаб бўлган асарлардан биридир? Ж: «Ҳамлет» трагедияси

10. «Ҳамлет» трагедиясидаги Ҳамлетнинг онаси қиролича ким? Ж: Ҳертруда

11. «Ҳамлет» трагедиясида Дания қиролини, яъни ўз акасини ўлдирган шахс? Ж: Клавдий

12. «Ҳамлет» трагедиясида Ҳертруда қандай вафот этади? Ж: Клавдий Ҳамлетга тайёрлаб қўйган заҳарланган шаробни билмасдан ичиб қўйиб ўлади.

13. «Ҳамлет» трагедиясида Офелия қандай вафот этади? Ж: Бахтсиз тасодиф туфайли сувга фарқ бўлиб ўлади.

14. «Ҳамлет» трагедиясида кимлар фожиали ўлади? Ж: Ҳамлет, Офелия, Клавдий, Полоний, Лаэрт, Ҳертруда

15. «Ҳамлет» трагедиясида «*Сўз айтарман мунаввар бир кимса номидан*», деб ким, ким ҳақида айтади? Ж: Ҳорацио Ҳамлет ҳақида

16. «Ҳамлет» трагедияси ким томонидан қачон ўзбек тилига ўгирилган? Ж: 1934 йилда Чўлпон томонидан

17. «Ҳамлет» трагедиясини 80-йилларнинг охирида қайси ижодкор тўғридан-тўғри инглиз тилидан ўзбек тилига ўгирди? Ж: Жамол Камол

18. «Отелло» ва «Қирол Лир» трагедияларини ким ўзбек тилига ўгирган? Ж: Фафур Фулом

19. «Ромео ва Жульетта» трагедиясини ким ўзбек тилига ўгирган? Ж: Мақсуд Шайхзода

20. «Юлий Цезар» трагедиясини ким ўзбек тилига ўгирган? Ж: Уйғун

21. Шекспирнинг қайси асари ўзбек театрининг улкан ютуғи бўлди? Ж: «Отелло»

22. Ҳаёт ҳақиқатига эришиш учун трагедия нечта муҳим қонунга риоя этиши керак? Ж: 3 та: макон, замон, қаҳрамон

23. Шекспирнинг фарзандларининг исми? Ж: Сюзен, Ҳамлет, Жудит

24. Шекспир неча ёшга киргунча бирор асар эълон қилган эмас? Ж: 29 ёшга

25. Шекспирнинг биринчи асарини топинг. Ж: «Венера ва Адонис» достони (1593 й)

26. Шекспирнинг биринчи достони неча марта нашр қилинган? Ж: 8 марта

27. Шекспирнинг иккинчи достони қандай номланади? Ж: «Лукреция»

28. Шекспирнинг қайси асари ҳомий ёш герцог Саутгемптонга бағишланган? Ж: «Венера ва Адонис» достони

29. Шекспирнинг қайси асари 1594 йилда «Грейз Инн» театрида ўйналди? Ж: «Хатолар комедияси»

30. Шекспир ҳақида ким қайси асарида «*Плайт ва Сенека римликлар учун комедия ва трагедия борасида тенгсиз бўлгани сингари Шекспир инглизлар учун пьесанинг ҳар икки турида ҳам беқиёсдир*», деган? Ж: Лондонлик танқидчи Мерес «Ақл хазинаси» китобида

31. Шекспирнинг қайси пьесаси муқовасида муаллиф номи кўрсатилмаган ҳолда нашр этилган? Ж: «Тит Андроник»

32. 1597-98 йилларда Шекспирнинг нечта пьесаси чоп этилди? Ж: 5 та

33. Шекспир ижодини қалбакилаштириб фойда кўриш йўлидаги биринчи уриниш ким томонидан амалга оширилди? Ж: Тадбиркор ношир Жаггард 1599 йилда турли шоирларнинг битикларидан иборат тўпламга Шекспирнинг тўрт сонетини киритиб, «Оташын зиёратчи» номли китоб чиқар-

ди ва ундаги асарларни Шекспир қаламига мансуб деб эълон қилди

34. Шекспир қайси театрларнинг ҳиссадорларидан бўлган? Ж: «Глобус» ва «Блекфрайерз»

35. Шекспирнинг асарлари қачондан нашр қилина бошлади? Ж: Адиб ўлиmidан етти йил ўтгач, 1623 йилга келиб

36. Шекспир нечта асар ёзган? Ж: 36 та драматик асар, 154 та сонет, бир неча дoston

37. Айрим адабиётшунослар Шекспир асарини ким ёзган деб тахмин қилишади? Ж: 1550 йилда Эйфон Стратфорди шаҳрида туғилган лорд Эдуард де Вер

38. Шекспирнинг қайси трагедиясида инсоният пайдо бўлгандан бери ёнма-ён келаётган эзгулик ва ёвузлик, хиёнат ва садоқат, жиноят ва ишонч, олижаноблик ва пасткашлик каби сифатлар ўртасидаги кураш тасвирланган? Ж: «Отелло» трагедиясида

39. «Отелло» трагедиясида Дездемонани бевафоликда айблашда кимлар қатнашади? Ж: Отеллонинг мулозими Яго, Дездемонанинг муҳаббатини қозона олмаган Родриго

40. «Отелло» трагедиясидаги қайси қаҳрамон турланишни, кишилар кўзига ўзини бошқача кўрсатишни истамайди? Ж: Отелло

41. Дездемона кимнинг қизи эди? Ж: Венеция сенатори Брансионинг гўзал қизи эди

42. Отелло кимни ўзига лейтенат қилиб олади? Ж: Жасур Кассиони

43. Яго нима учун Кассиони кўра олмайди? Ж: У Отеллонинг хизматкори бўлиб, Кассио ўрнига лейтенант бўлишни истар эди

44. Родригонинг Отеллода қандай хусумати бор эди? Ж: Венециялик бой йнгит бўлмиш Родриго ҳам Дездемонани севар эди. Дездемона уни рад этиб Отеллога турмушга чиқади. Натижада Родригода Отеллога душманлик ҳисси уйғонади

45. Отелло Кассиони нега вақтинчалик ўзидан узоқлаштиради? Ж: Ичиб жанжаллашгани учун

46. «Бутун қалбим билан севган ва ҳурматлаган бир кишининг муҳаббати, меҳрибонлиги паноҳида қайта бошдан яшаш менга бахт». Ушбу сатрлар кимга тегишли ва ким ҳақида? Ж: Кассио Отеллонинг меҳрини қайта қозониш учун Дездемонага мурожаат қилган

47. «Ишққа ўлим –табиатнинг қонунига зид» деган фикрлар кимга тегишли? Ж: Дездемонага

48. Дездемона Отеллодан қанча муҳлат сўрайди? Ж: Олдин бир кеча, рози бўлмаганидан сўнг ярим соат

49. Кассионинг Родриғони ўлдириб қўйганлиги хабарини Отеллога ким етказди? Ж: Эмилия

50. Эмилия ким? Ж: Ягонинг хотини

51. Улаётган Дездемона Эмилияга ўзини ким ўлдирди деб айтади? Ж: Ҳеч ким ўлдирмади, марҳаматли Отеллога салом айт, дейди

52. Отеллонинг Дездемонага энг биринчи ҳадя этган нарсаи нима эди? Ж: Рўмол

53. Отеллога рўмол нима учун қадрли эди? Ж: Чунки рўмол онасига отасидан ёдгорлик эди

54. «Оҳ, разиллик! Бу тўғрида мен ўйлайманки, Сезмоқдаман разолатнинг сассиқ ҳидини».

Бу фикрлар кимга тегишли? Ж: Эмилияга

55. Эмилия эри Яғони қандай фош этади? Ж: Шу рўмолчани ўғирлашни Яғо ундан ҳар доим сўрашини ва уни топиб олиб эрига ўзи берганини айтади

56. Гранциано ким? Ж: Дездемонанинг амакиси

57. Эмилиянинг елкасига ким қилич уриб қочиб кетади? Ж: Эри Яғо

58. Эмилия Дездемонанинг жасади устида у севган қайси қўшиқни куйлайди? Ж: Мажнунтол қўшиғини

59. Отелло Дездемонани нима сабабдан ўлдирдим деб изоҳлайди? Ж: Ҳазабдан эмас, номус учун ўлдирдим, дейди

60. Родригонинг чўнтагидан нечта хат топиб олишади?
Ж: 2 та

61. Яраланган Родригони ким ўлдирди? Ж: Яго

62. Қибрис оролига Отелло ўрнига ҳукмрон қилиб ким тайинланади? Ж: Кассио

63. «О, муҳаббат, ҳақоратга бўлмиш масхара», деб ким айтган? Ж: Эмилия

64. Эмилия «Эркак бўлсанг, шарманда қил бу виждон-сизни!» деганда кимни назарда тутуди? Ж: Яғони

65. Асарда тўғри одамларнинг ишонувчан, содда бўлиши, ўзгалардан ёмонлик, хиёнат кутмаслиги қайси образлар орқали кўрсатилган? Ж: Отелло, Кассио, Дездемона, Эмилия орқали

66. Асарда шунча эзгу сифатли одамларнинг ўлими бир фожиа бўлса, унинг даражасини нима янада оширади? Ж: Уларнинг арзимас бир одамнинг майда манфаатлари йўлида ҳалок бўлганлиги

67. Отелло асарда қандай тасвирланади? Ж: Гумонлар, изтироблар гирдобида

68. Отелло ўз севгисини қандай изоҳлайди?

Ж: «У тентакча севар эди, бироқ кўп кучли

Рашк қилишга унча мойил эмасди»

Трагик образлар ва ҳаёт ҳақиқати

1. Қандай одамлар фожианинг қаҳрамони бўла олади?
Ж: Кундалик ҳаётнинг майда-чуйдаларидан баланд турадиган, турмуш ташвишларини ҳал қилиш тўғрисида эмас, балки умр маъносини англаш ҳақида ўйлайдиган бошқачароқ одамлар

2. Фожиа қандай туғилади? Ж: Буюк одамларнинг буюк мақсадлар йўлидаги омонсиз курашлари ва ҳалокатларидан

3. Отеллонинг фожиасини нималар кучайтирган? Ж: Тўғрисўзлиги, одамларга ишониши, тинимсиз равишда ҳақиқатга интилиши

4. Қандай тимсоллар тасвирида ҳаёт ҳақиқатига тўла амал қилинмаслиги, шартлилика йўл қўйилиши мумкин? Ж: Трагик тимсолларда

Ҳайрих Ҳайне

1. Ҳ.Ҳайне қачон ва қаерда туғилган? Ж: 1797 йилнинг 13 декабрида Олмониянинг Дюсселдорф шаҳрида савдогар яҳудий оиласида

2. Ҳайненинг тарбияси билан ким шуғулланди? Ж: Халқ оғзаки ижоди намуналаридан яхши хабардор бўлган онаси Бегги

3. Ҳайне кимни шайдоларча севиб қолади? Ж: Амакиси Соломоннинг қизи Амалияни

4. Ҳайне амакисиникида неча йил яшайди? Ж: Уч йил

5. Ҳайне қайси университетларда ўқиган? Ж: Бонн, Ҳеттинген, Берлин университетларида

6. Ҳайненинг касби ким эди? Ж: Ҳуқуқшунос

7. Ҳайненинг 1-лирик шеърлар тўплами қайси? Ж: 1827 йилда 30 ёшида босилиб чиққан «Қўшиқлар китоби»

8. Ҳайненинг шеърлари қайси жиҳати билан ўқувчиларни ўзига мафтун этади? Ж: Халқ қўшиқларига яқинлиги, тушунарли ва мусиқий эканлиги билан

9. Ҳайненинг 2-китоби қачон босилиб чиққан? Ж: 1830 йилда «Йўл лавҳалари» номи остида

10. Ҳайне «Йўл лавҳалари» китобида қандай ижодкор сифатида намоён бўлади? Ж: Мамлакат ва халқнинг аҳволини мардонаворлик билан холис тафтиш қила оладиган ижодкор сифатида

11. Ҳайненинг қайси китоби йўл очеркларидан иборат? Ж: «Йўл лавҳалари»

12. Ҳайне қачон Карл Маркс билан учрашди? Ж: 1843 йилда

13. Ҳайненинг қайси шеърлари ижтимоий йўналишга эга? Ж: «Силезия тўқувчилари» шеъри, «Германия. Қиш эртаги» достони, «Қуллар кemasи» балладаси

14. Ҳайненинг достони? Ж: «Германия. Қиш эртаги»

15. Ҳайненинг балладаси? Ж: «Қуллар кemasи»

16. *«Лаънатлар бу юртга, ёлгон ватанга,*

Унда бахт кўради тубанлик, хўрлик»,

– мисралари Ҳайненинг қайси шеърдан олинган? Ж: «Силезия тўқувчилари» шеърдан

17. *«Германия, тўқиймиз биз кафанингни»* мисралари Ҳайненинг қайси шеърдан олинган ва нимани англатади? Ж: «Силезия тўқувчилари» шеърдан олинган. ватанга эга бўлиши лозим бўлган халқнинг ватан томонидан эзилгани акс эттирилган ва кафан ватани Олмонияга эмас, унинг аянчли ўтмишига тўқиладигани ифодаланган

18. Ҳайненинг Францияда яратилган қайси шеъри француз сиёсий ҳаётининг ўзига хос йилномаси сифатида эътироф этилган? Ж: 1832 йилда яратилган «Француз ишлари»

19. Ҳайненинг қайси достонида ҳайвонлар тимсоли воситасида тепса-тебранмас, юрт равнақи учун бирор нарса қилишга қодир бўлмаган миллатдошлар аёвсиз ҳажв этилади? Ж: 1842 йилда яратилган «Атта Тролл» мажозий достонида

20. Ҳайненинг 1854 йилда яратган француз ҳаётига бағишланган асари? Ж: «Лютесия»

21. Ҳайненинг ижодий тақдирида алоҳида аҳамиятга эга шеърый китоблари? Ж: «Романсеро»(1851), «Эътироф»(1854)

22. Ҳайне неча йил ватанидан узоқда, сарсонликда юрган? Ж: 13 йил

23. *«Мен ватанни сизлардан кам севмайман. Шу севгим тугайли мен ўн уч йил қувгинда бўлдим, айни мана шу севгим тугайли оҳ-воҳ қилмасдан, изтиробдан юзимни буж-*

майтирмасдан, яна, эҳтимол, бутун умрга қувгин жойимга қайтмоқдаман». Ҳайненинг ушбу фикрлари қайси китобининг сўзбошисидан олинган? Ж: «Германия. Қиш эртаги»

24. Ҳайненинг шеърларини ўзбек тилига кимлар таржима қилган? Ж: Чўлпон, Ойбек, Миртемир, Абдулла Шер, Хайриддин Султон

25. «Буш хаёллар чекинмиш олис, дилда яна севги ҳаваси,
Яна ҳоким нозик эзгу ҳис,

Шимираман баҳор ҳавосин».

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Ҳайне

26. Қайси шоир шеърларидан бирида ёрни атиргулга, ўзини булбулга қиёслайди? Ж: Ҳайне

27. «О, сен кўрқма, чекмагил ташвиш,

Дил сирини қилсам ошкора,

Ва шаънингга мажозу ташбиҳ

Багишласам сенинг минг бора».

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Ҳайне

28. «Сувдан бошин чиқариб аста

Нилуфар гул боқади масъум.

Ёниб ишқи алангасида

Ой қилади унга табассум».

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Ҳайне

29. «Ўткир бўлса кўзларинг агар,

Куйларимга нигоҳ отиб боқ,

Унда яшар ажойиб дилбар,

Сулувлардан кўра сулувроқ.

Қулогинг сўз эшитса агар,

Нозик сасга бир дам қулоқ ос.

Исён тўла қалбингда яшар,

Қўшиқ, наво, кулгу, эҳтирос».

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Ҳайне

30. «Бошимни тутаман доимо мағрур,

Ҳеч қачон енгилмас ўжар идроким.

*Қиролнинг қошида туриб ҳаттоким,
Кўзимни мен ерга олмайман бир қур».*

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Ҳайненинг «Онам
Фон Ҳелдерн В. Ҳайнега» шеъридан

31. *«Ул сенинг руҳингми келади голиб?*

Ул сенинг руҳингми гулеула солиб,

Ёритар қалбимни чақин мисоли?»

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Ҳайненинг «Онам
Фон Ҳелдерн В. Ҳайнега» шеъридан

32. Қайси шоир шеъриятига мазмунига кўра ҳам, ифода
йўсини жиҳатидан ҳам чуқур халқчиллик хос? Ж: Ҳайне-
нинг

33. Ҳайне шеъриятига хос хусусиятларни сананг. Ж:
Унинг шеърлари шаклан соддагина, осон ўқилади, оҳанги
ўта мулойим. Айни вақтда, уларнинг замиридаги маънони
илғаб олиш ўқувчига ҳамиша ҳам осон эмас. Чунки шоир
деярли ҳар бир шеърида фолкълордаги каби сирли, сеҳрли,
изоҳлаш мумкин бўлавермайдиган руҳий ҳолатларнинг по-
этик манзарасини чизади

34. *«Дарҳол деди: Тайёр тургил сен, кафанингни чизмоқ-
даман мен.*

*Дарҳол деди: Вақт зиқ, билгин сен, тобутингни ясап-
ман мен».*

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Ҳайненинг «Рўё»
шеъри

Александр Пушкин

1. Пушкин қачон ва қаерда туғилган? Ж: 1799 йилнинг 6
июнида Москва шаҳрининг Немислар кўчасида

2. Пушкиннинг онаси ким эди? Ж: Надежда Биринчи
Петрнинг тутинган ўғли ҳабаш Иброҳим Ҳаннибалнинг не-
вараси эди

3. Пушкиннинг амакиси ким бўлган? Ж: Василий Львович ҳаваскор шоир бўлган

4. Пушкиннинг тарбиясида ким етакчи рол ўйнаган? Ж: Энагаси Арина Радионовна Яковлева

5. Пушкиннинг 1-шеъри қачон чоп этилган? Ж: 1814 йилда лицейда чиқадиган «Оврупо хабарлари» журналида

6. Қайси шоир Пушкин лицейда ўқиб юганидаёқ унинг шеърини эшитгач, буюк шоир бўлажагини башорат қилди? Ж: Державин

7. «Эркинлик» шеъри 1817 йилда ёзилди

8. «Руслан ва Людмила», «Мис чавандоз» достонлари 1820 йилда ёзилди

9. Пушкиннинг «Руслан ва Людмила» достони қўлёзмаси билан танишган қайси шоир унга «*Фолиб шогирдга мағлуб устоздан*», деган ёзув билан ўз портретини совға қилган? Ж: Жуковский

10. Пушкин қачон жанубга-сургун қилинди? Ж: 1820 йилда

11. Пушкин қувғинда неча йил бўлди? Ж: Тўрт йил

12. Пушкин 1824-26 йилларда қаерга сургун қилинди? Ж: Отасига тегишли мулк бўлмиш Михайловское қишлоғига

13. Николай Биринчи Пушкинни қачон қабул қилади? Ж: 1826 йилда

14. Николай Биринчи Пушкинга қандай марҳамат кўрсатди? Ж: Петербургдан бошқа истаган жойга бориш ва яшаш имконини берди, Пушкиннинг ижодини цензурадан тамомила озод қилиб, унинг асарларига фақат ўзи цензорлик қилишни билдирди

15. Пушкин қачон Петербургда яшашга ижозат олди? Ж: 1827 йилда

16. Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърий романи неча йил ичида ёзилди ва у қачон тугалланди? Ж: 10 йил ишлади ва 1830 йилда тугаллади

17. Пушкиннинг 30-йилларда нашр этилган насрий асарлари қайсилар? Ж: «Белкин ҳиссалари», «Топпон хоним», «Дубровский»

18. Пушкиннинг «Капитан қизи» асари қачон тугалланди? Ж: 1836 йил

19. Пушкиннинг қайси асарида турли персонажлар тақдири мисолида инсон ҳаётини режалаштириб бўлмаслиги, у ҳар дақиқада кутилмаган ўзгаришларга юз тутиши мумкинлиги ҳаят таъсирли акс эттирилган? Ж: «Капитан қизи»да

20. Пушкин ким билан қачон дуэлга чиқди ва қаттиқ яраланиб икки кундан сўнг вафот этди? Ж: Голландия элчисининг тутинган ўғли Дантес билан 1937 йил 27 январда

21. Пушкин ижодини ўзбек тилига таржима қилган шоирларни топинг. Ж: Чўлпон, Ғ.Ғулом, Ойбек, Э.Воҳидов, А.Орипов, Муҳаммад Али, А.Суюн. Ҳ.Худойбердиева, У.Азим, М.Кенжабек

22. Татьяна кимнинг қизи? Ж: Вафот этиб кетган аслзода Лариннинг қизи

23. Евгений ким? Ж: Қишлоққа амакисининг мулкига эгалик қилиш учун Петербургдан келган ўқиминли ва ақлли йигит

24. «Бошқаси!». Йўқ, ҳеч ким дунёда

Ололмасди кўнглимни менинг.

Ҳукм ўқилган арши аълода,

Фалак амри: мен – сенинг, сенинг».

Ушбу фикрлар кимнинг мактубидан? Ж: Татьянанинг Онегинга мактубидан

25. Татьяна оқсочининг исми? Ж: Фелипевна

26. Татьяна оқсочига қандай мурожаат қилади? Ж: Бибижон деб

27. Татьяна Онегинга мактубини ким орқали жўнатади? Ж: Оқсочининг набираси орқали

28. Онегин Татьянадан мактуб олганда умрининг гул фаслидан неча йил ўтганни эсга олади? Ж: Саккиз йил

29. *«Бўлсайди илк хаёлу ҳавас,
Жами гўзалликларга эваз –
Фақат сизни танлардим, холос.
Сиз гамимга ёр бўлиб ул вақт, мен...
Беармон бўладим хушбахт».*

Ушбу фикрлар кимга тегишли? Ж: Онегинга

30. *«Аммо бахтга менинг қалбим ёт;
Яралмабман ҳаловат учун.*

*Беҳудадир сизнинг камолот –
Арзимаيمان мен унга бутун.
Сиз ишонинг, виждоним кафил,
Турмуш бизга ҳам бўлур, ахир.
Сизни қанча севмайин ўзим,
Кўникдимми-совийман шу зум».*

Ушбу фикрлар кимга тегишли? Ж: Онегинга

31. Онегин Татьянани неча йилдан сунг учратади? Ж:
Икки йилдан сунг

32. Татьяна кимга турмушга чиқади? Ж: Онегиннинг
қариндоши княз Н.га

33. *«Йўқдир бирон сохта жилаваси,
Йўқ тақлидий бирон ифода,
Бону тамом сокин ва содда».*

Ушбу таъриф қайси қаҳрамон ҳақида? Ж: Татьяна ҳақида

34. *«Билсайдингиз, нақадар даҳшат
Муҳаббатга зорлик жаҳонда.
Ёнмоқ ақл ила ҳар соат,
Тугёнларки сўндирмоқ қонда».*

Ушбу фикрлар кимга тегишли? Ж: Онегинга

35. *«Қаршингизда қотмоқ гуссада, бўзармоқ ва сўнмоқ...
роҳат бу!»* Ушбу фикрлар кимга тегишли? Ж: Онегинга

36. *«Ўйладимки, эрк, ором – танҳо
Бахтга эваз бўлур,
О, худо! Қандай хато, бу қандай жазо!»*

Ушбу фикрлар кимга тегишли? Ж: Онегинга

37. Онегин Татьянага неча марта мактуб жўнатади? Ж: Уч марта

38. «Шоир бўлди на у дунёда, на ўлди, на ақлдан озди» мисралари қайси қаҳрамон ҳақида? Ж: Онегин ҳақида

39. «Мен шармсор бўлайин, фақат
Бу гап сизга келтирсин шуҳрат?!»

Ушбу фикрлар кимга тегишли? Ж: Татьянага

40. «Ёлгон нечун? Севаман сизни,

Насиб этдим бошқага фақат;

Унга содиқ қолурман абад».

Ушбу фикрлар кимга тегишли? Ж: Татьянага

41. Рус адабиётида биринчи шеърый роман қайси? Ж: Пушкиннинг «Евгений Онегин» романи

42. Пушкин «Евгений Онегин» романини ёзишда кимнинг асаридан илҳомланган? Ж: Байроннинг «Дон Жуан» шеърый романидан

43. Онегин нима учун Татьянанинг энг муносиб умр йўлдоши бўлишини билгани ҳолда унинг севгисини рад этади? Ж: Ўзининг қизга лойиқ эмаслигини сезгани учун

44. Онегин дузда кимни отиб ўлдиради? Ж: Содда шоир йигит Ленскийни

45. Қайси асарда кучи, ғайрати, ақлини сарфлаш мумкин бўлган эзгу мўлжалнинг йўқлиги туфайли қийналаётган йигит изтироблари акс этган? Ж: Пушкиннинг «Евгений Онегин» романида

Шеърый роман

1. Дастлабки шеърый романлар қандай бўлган? Ж: жамият ахлоқининг бузилиши сабабли маънавияти нуқсонли, бахти кемтик бўлиб қолган истеъдодли шахслар тақдирини кўрсатишга бағишланган?

2. Шеърый романлар одатдаги романлардан қандай фарқ қилади? Ж: Эпик ва лирик хусусиятларнинг аралаш ҳолда келиши билан

3. Шеърлий романлардаги эпик жиҳатлар қайси? Ж: Сюжетнинг кўп тармоқли, баённинг ҳолис эканлиги

4. Шеърлий романлардаги лирик жиҳатлар қайси? Ж: Тасвирга муаллифнинг бемалол аралашуви, унинг ўз туйғуларини эркин ифода этавериши

5. Ўзбек адабиётидаги I-шеърлий роман қайси? Ж: Мирмуҳсиннинг «Зиёд ва Адиба» асари

6. Ўзбек адабиётида яратилган шеърлий романларни топинг. Ж: Мирмуҳсиннинг «Зиёд ва Адиба», Муҳаммад Алининг «Боқий дунё», Ҳ. Шариповнинг «Бир савол» романилари

Чингиз Айтматов

1. Чингиз Айтматов қачон ва қасрда туғилган? Ж: 1928 йилда Қирғизистоннинг Талас водийсида жойлашган Шакар қишлоғида туғилган.

2. Чингиз Айтматов отасининг исмини топинг. Ж: Тўракул Айтматов қатағонлик даври қурбони бўлган.

3. Чингиз Айтматов қайси ўқув юртларида ўқиган? Ж: Аввал Қирғизистон Қишлоқ хўжалиги институтида, 1956-1958 йилларда эса Москвадаги Олий Адабиёт курсида таҳсил олди.

4. Қайси ижодкор ўз болалиги ҳақида «*Бизнинг овулимизда етти отасини билиш одатиға қатъий риоя қилинарди. Шу сабабдан ўзимиздан олдин ўтган етти авлодимизни билиш муқаддас бурч эканлиги болаликданоқ онгимизға синдириларди*», деб ёзади? Ж: Чингиз Айтматов

5. Чингиз Айтматовда адабиётга ҳавасни ким уйғотган? Ж: Бувиси

6. Қайси ижодкор «*болалик нафақат қувноқ давр, болалик – инсон шахси шаклланишининг илк даври ҳамдир*» деб ёзган? Ж: Чингиз Айтматов

7. Қайси ижодкор она тили ҳақида «*Болаликда шуурға синдирилган она тилигина қалбни шеърят иблан сугориши,*

инсонда миллий гурурнинг илк куртакларини уйғотиши ва аجدодлар тилининг нақадар серқирра ва сермазмун эканлигини англайтиши мумкин», деб ёзган? Ж: Чингиз Айтматов

8. Чингиз Айтматов онасининг синглиси оғир кунларда уларни ўз бағрига олганини айтади. У кишининг исми? Ж: Қорақиз хола

9. Қайси ижодкор ўз таржимаи ҳолида «Мен жуда эрта ишлай бошладим: 10 ёнимда деҳқон меҳнатининг барча заҳматини татидим» деб ёзади? Ж: Чингиз Айтматов

10. «Ҳеч ким ўз-ўзидан ёзувчи бўлиб қолмайди: йиллар сабоғи, қилинган меҳнат, бадиий адабиётга бўлган қизиқиш ва эътиқод орқали бунга эришиш мумкин». Ушбу фикрлар кимга тегишли? Ж: Чингиз Айтматовга

11. Чингиз Айтматов дастлабки ҳикояларини қачон ёза бошлади? Ж: 50-йилларда

12. Чингиз Айтматовнинг «Юзма-юз» қиссаси қачон эълон қилинган? Ж: 1957 йилда.

13. Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романи қачон яратилган? Ж: 1986 йилда

14. Чингиз Айтматовнинг «Кассандра тамғаси» номли романи қачон эълон қилинди? Ж: 1990 йилда.

15. Чингиз Айтматовнинг қайси туркумга мансуб асарлари муносиб тақдирланди? Ж: «Тоғ ва чўл қиссалари»

16. Чингиз Айтматовнинг қозоқ ёзувчиси М.Шохонов билан ҳамкорликда, ўзаро суҳбат тарзида ёзилган асарини топинг. Ж: «Чўққида қолган овчининг оҳу зори».

17. Чингиз Айтматовнинг асарлари дунёнинг неча тилига таржима қилинган? Ж: 160 тилига.

18. Қайси ижодкор «Қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўҳна Византиянинг Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин» деб ёзган? Ж: Чингиз Айтматов

19. «Асрга татигулик кун» романи қанча фурсатда ёзиб тугатилган? Ж: тўрт ой мобайнида – 1979 йилнинг декабридан бошлаб 1980 йилнинг мартида ёзилган.

20. Чингиз Айтматовнинг илк романи қайси? Ж: «Асрга татигулик кун»

21. Чингиз Айтматовнинг қайси романи матбуотда чиқиши биланоқ кенг жамоатчиликни ларзага солди? Ж: «Асрга татигулик кун»

22. Қайси асар воқеалари бир кун ичида бўлиб ўтади? Ж: «Асрга татигулик кун»

23. Қайси асарга X аср ёдгорлиги «Мусибатнома»даги «Бу китоб жисму фиғонимдур менинг,

Бу калом жону жаҳонимдур менинг»,

– деган сўзлар эпиграф қилиб олинган? Ж: «Асрга татигулик кун»

24. Чингиз Айтматов «Асрга татигулик кун» романидаги қайси қаҳрамони ҳақида, «давримизнинг чархи олам меҳварига – ўзимни ҳаяжонга солаётган муаммоларнинг марказига қўйиб тасвирлашга интилдим», дейди? Ж: Эдигей Бўрон

25. Чингиз Айтматов манқуртдан фарқи йўқ, кечаги кунини эсламайдиган, боболарнинг удумлари билан фахрланмайдиган кишилар образининг мужассамлашган тимсолини «Асрга татигулик кун» романидаги қайси қаҳрамонлар орқали очиб беради? Ж: Собитжон ва Жўламон.

26. «Асрга татигулик кун» романида воқеалар қаерда бўлиб ўтади? Сариўзак чўлида, Бўронли бекатда

27. Она Байит қабристонигача Бўронли бекатдан энг яқин йўлдан юрилганда боришу келиш учун қанча масофа кетар эди? Ж: 60 чақирим

28. Эдигей нима учун Собитжондан хурсанд бўлиб кетди? Ж: Собитжон бу ёққа келаётганида отасининг тириклигини ҳам, ўлганини ҳам билмасди, шунга қарамай дафн маросимига етиб келган эди

29. Собитжон қаердаги мактаб-интернатда ўқиган? Ж: Қумбелдаги

30. «Ўладиган одамнинг ўлгани яхши, кетадиган одамнинг кетгани яхши. Мунчалик чўзиб, бош қотириб ўтиришнинг кимга кераги бор? Ўлган одамга қаерга кўмилишининг нима кераги бор?» Ушбу фикрлар қийси қаҳрамонга тегишли? Ж: Собитжонга

31. Казангапнинг дафн маросими маслаҳатига неча киши йиғилган эди? Ж: Беш киши

32. «Табиатан қўрсроқ, қизиққонроқ эди у – шунинг учун ҳам уни «Бўрон» деб аташди-да». Бу қайси қаҳрамон таърифи? Ж: Эдигей

33. Отасининг дафн маросимига келган ўғилнинг «Областда ким қайси вазифада ишлайди, кимни ишдан олиб, кимнинг амалини оширишгани тўғрисида гап сотиб, одамларни ишда чалғитган» персонаж қайси асар қаҳрамони? Ж: «Асрга татигулик кун» романининг

34. Собитжоннинг хотини нима учун қайнотасининг дафн маросимига келмади? Ж: Аллақандай конференцияда қатнашармиш, ана шу йиғинга чет эллик меҳмонлар ташриф буюрармиш

35. Собитжоннинг фарзандлари нима учун боболарининг дафн маросимига келмади? Ж: Улар ўзлаштириш ва давомат учун курашар экан, институтга кирмоқчи бўлган одамнинг аттестати тоза бўлиши керак экан

36. «Уларга ўлимдан бошқа ҳамма нарса муҳим! Модомики, уларга ўлим аҳамиятсиз экан, демак, улар ҳаётнинг ҳам қадр-қимматига етишмайди. Ундай бўлса, яшашдан мақсад нима, улар нима учун яшаштилар?» Бу фикр кимники ва кимга қаратилган? Ж: Эдигейники, Собитжон ва унинг хотинига қаратилган

37. Эдигей Бўрон дўстини сўнгги йўлга кузатиш учун нимани эгарлади? Ж: Қоранор туяни

38. Собитжонга ким «Худода минг қатла шуқр қилгин, яхшиямки оламда отангинг Эдигей Бўрон деган дўсти бор экан. Расм-русумини ўрнига қўйиб, дафн этишга сен халал берма. Шошлаётган бўлсанг, ушлаб турганимиз йўқ. Мен сенинг ўрнигга бир ҳовуч тупроқ ташлаб қўя қоламан», дейди? Ж: Эдилбой дароз

39. «Ота-ку, сеники, бироқ сенинг ўзинг ўзингга ўхшамай қолибсан», деб Собитжонга танбеҳ берган ким? Ж: Эдилбой дароз

40. Казангап қизининг исми? Ж: Ойзода

41. Кимнинг эри ичкиликка берилиб кетган эди? Ж: Ойзоданинг

42. Ойзоданинг нечта боласи бор эди? Ж: Олтита

43. Ким Казангапнинг дафн маросимида катта ўғлининг ҳозирданоқ ичаётганини, милиция келиб суриштираётганини, ким билади, эртага прокуратурага тушади деб огоҳлантираётганини айтиб йиғлайди? Ж: Ойзода

44. «Отасини кўмгани келганми ёки ўзини шарманда қилгани келганми? Қозоқ қизи табаррук отаси ўлганда шунақа қий-чув қиладими? Қозоқ аёлларининг қўшиқдай буюк йигиси юз йиллар давомида авлоддан авлодга ўтиб, тилларда дoston бўлиб кетган-ку! У вақтларда аёллар йиғлашганида ўликлар тирилмаса ҳам, тирикларнинг кўзёши дарё бўлиб оққан-ку! У замонларда аёллар йиғлашганида марҳумнинг фазилатларини айтиб, иззатини бажсо келтириб кўкка кўтаришган, марсиямас, мадҳия айтишган». Ойзодага бу сўзларни ким айтган? Ж: акаси Собитжон

45. «Нега деганда, у – фирибгар, сен ҳам фирибгарсан, хотинга пой-патак бўб юрган пасткашсан, икковинг отамни согин сигирдай соғиб ичдинглар, менинг эрим пиёниста бўлсам, мана, шу ерда ўтирибди, сенинг ақлли-ҳушли хотининг қаерда қолди?!» Бу фикр кимники? Ж: Ойзоданики

46. Дафн маросимидан олдин кимлар ёқалашиб, бўғишиб кетди? Ж: Собитжон билан Ойзоданинг эри

47. Казангап ўлимидан олдин ўз юртига бориб, қайси жой билан хайрлашиб келади? Ж: Орол денгизи билан

48. Эдигей ва Казангап қаерлик қозоқлардан эди? Ж: Оролбўйи қозоқларидан

49. «Орол дунё тургунча турар эди, энди мана шу денгиз ҳам қурияпти, одам умрини гапирмаса ҳам бўлади». Ушбу фикрлар кимники? Ж: Казангапники

50. Казангап Эдигейга ўзини Она Байитга дафн этишни қаерда илтимос қилади? Ж: Орол билан хайрлашгани келганида

51. Жунгжанглар қулларни қандай ҳолга келтиришар эди? Ж: Манқуртга

52. Манқурт қандай қул эди? Ж: Хотирасидан умрбод маҳрум этилиб, ўтмишни эслай олмайдиган қул

53. Ўзаро тўқнашувларда ўлдирилган битта манқурт қул учун бошқа эркин тутқунга нисбатан қанча ортиқ ҳақ ундириб олинарди? Ж: Уч баробар ортиқ

54. «Инсоннинг инсонлик фазилати, яратилганда бирга яратилиб, ўлганда яна ўзи билан бирга кетадиган ва бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган бирдан бир ноёб фазилати – хотираси, ақл-идроки бўлса-ю, уни таг-томири билан юлиб олсалар, ахир, бу қандай ёвузлик, қандай бедодлик?!» Бу парча қайси асардан олинган? Ж: «Асрга татиғулик кун» романидан

55. Найман она бир ёш ва навқирон манқуртнинг ёлғиз ўзи Сариўзак даштида туялар подасини боқиб юрганини кимдан эшитади? Ж: Савдогарлардан

56. Найман онанинг ёш ўғли нима учун жангга отланган эди? Ж: бир йил олдин ҳалок этилган отасининг ўчини олиш учун

57. Жўломон қандай қилиб жунгжангларга асир тушиб қолади? Ж: Ярадор бўлганида жанг суронидан чўчиган от устидаги чалажон йигитни чўл ичкарисига олиб кетади, найманлар уни ҳар қанча изласа ҳам топа олмайдилар

58. Найман она ўглини излашга қайси туясини тайёрлади? Ж: Оқмоя туясини

59. Найман она сафарга қанча сув олди? Ж: Икки меш

60. Найман она сафарга кетишдан олдин нима қилди? Ж: Оллоҳга калима қайтарди

61. Савдогарлар ёш манқуртни қаерда кўришган эди?

Ж: Малақумдичоп жарлиги этагида

62. *«Ердан маҳрум этиш мумкин, мол-дунёдан маҳрум этиш мумкин, ҳатто инсонни яшашдан маҳрум этиш мумкин, бироқ одамни хотирасидан маҳрум этишни ким ўйлаб топди экан?! Ё раббий, агар оламда бор бўлсанг, бандаларингга бу ёвузликни қандай раво кўрдинг. Ер юзида усиз ҳам ёвузлик каммиди?»* Ушбу фикрлар кимнинг нутқидан олинган? Ж: Найман онанинг

63. Найман онани манқурт ўгли танимаганидан кейин у қандай йўл тутади? Ж: Сўраб-суриштиришлар билан эмас, балки ақлини ковлаш, қитишлаш билан эс-ҳушини ўзига келтирмоқчи бўлди

64. Жўломонга нима учун шундай ном қўйишган эди? Ж: Найманларнинг яйловига кўчиб ўтишаётганида йўлда тутилгани учун

65. Жўломон отасининг исми? Ж: Дўнанбой

66. Манқуртнинг ким билан гаплашигиси келарди? Ж: Ой билан

67. Манқурт нимани истар эди? Ж: Хўжайиннинг бошидаги сингари кокил қўйишни

68. Иккинчи кун она қандай йўл тутди? Ж: Манқуртни едириб-ичиргандан сўнг, унга алла айта бошлайди

69. Найман онани кўриб қолган жунгжанглар уни қувиб етолмагандан сўнг манқуртни қандай жазолайди? Ж: Роса дўппослайди

70. Жунгжанглар манқуртга нима қилишни буюради? Ж: *«Сенда ҳеч қанақа она йўқ, у телпагингни сидириб олиб,*

бошингни қайноқ сувга солгани келган. Мана буни ол», деб унга ўқ-ёй туттишади

71. Манқуртда қандай хотира сақланиб қолганини қўрган жунгжанглар ҳайратга тушади? Ж: Қўлида мўлжалга олиш хотираси

72. Манқурт Найман онани ўлдиргандан сўнг, онанинг нимаси қушга айланиб учиб кетди? Ж: Оқ рўмоли

73. Бу қушнинг номи нима? Ж: Дўнанибой

74. Оқмоя туянинг авлодлари қандай хусусиятга эга эди? Ж: Ургочилари ўзига тортиб, оқ-бош туғилиб, найман элига маълум ва машҳур, норлари эса, аксинча, ҳозирги Қоранор Бўрон сингари қорадан келган, жуда бақувват бўлади

75. Қайси асар чоп этилиши билан ўқувчилар тафаккури ва руҳиятини ларзага келтирди? Ж: «Асрга татиғулик кун» романи

76. 10-асрда яратилган «Мусибатнома» асарининг муаллифи ким? Ж: Арман ёзувчиси Григор Нарикадзе

77. «Асрга татиғулик кун» романида одам деган яратилганинг азизлиги, уни тарихий илдиэларидан, тилидан, гуруридан маҳрум қилиш жонига қасд этишдан ҳам даҳшатли жиноят экани қайси қаҳрамон фожиаси орқали акс эттирилган? Ж: Найман она фожиаси асносида

78. «Асрга татиғулик кун» романида сиёсатдан тамомла четда турувчи, сиёсий муаммолар ҳал қилинадиган жойлардан минглаб қақирим йироқда умр кечирувчи камтаргина одам ҳам аслида сиёсатнинг таъсиридан холи бўлолмаслиги қайси қаҳрамон тақдири мисолида жуда ишонарли акс эттирилган? Ж: Бўронли Едигей орқали

79. «Асрга татиғулик кун» романидаги манқуртнинг замонавий ва хавfli нухаси ким? Ж: Собитжон

80. Едигей табиатига хос юксак инсоний хусусиятлар қачон намоён бўлади? Ж: Казангапни дафн этиш жараёнида, марҳум билан видолашув онларида, Аллоҳга муножот қилган ўринлари тасвирида

Бадний асар пафоси ҳақида

1. Пафос сўзи қайси тилдан олинган? Ж: Юнон тилидан
2. «Пафос» сўзи қандай маънони билдиради? Ж: «Эҳтирос, ҳиссиёт, изтироб» маъноларини
3. Пафос адабий атама сифатида нимани англатади? Ж: Асарга сингиб кетган, ундаги бадний тасвирнинг йўналишини белгилаб берадиган жўшқин туйғу ва кўтаринки руҳни англатади
4. Пафосдаги туйғу ва руҳ қандай характерда бўлади? Ж: Ижобий характерда бўлиб, хайрихоҳликни; салбий табиатга эга бўлиб, инкорни билдириши ҳам мумкин
5. Пафос ўқувчини холис кузатувчи эмас, қандай бўлишга ундайди? Ж: Астойдил тарафдор бўлишга ундайди
6. Пафос бадний асарнинг нимасини ҳам белгилаб беради? Ж : асарнинг ифода тарзинигина эмас, балки унинг маъно-моҳиятини ҳам
7. «Асрга татигулик кун» романида кимнинг ўйлари, сўзлари, қилган ишлари кучли пафос билан тасвирланган? Ж : Эдигейнинг
8. «Асрга татигулик кун» романида кимнинг хатти-ҳаракатлари, гаплари, тутуми адиб томонидан жўшқинлик билан инкор этилган? Ж: Собитжоннинг
9. «Асрга татигулик кун» романида асар пафоси қайси тимсол тасвирида яққол бўй кўрсатган? Ж: Найман она тимсоли тасвирида
10. Қандай асарларда адиб ўзи илгари сурган нуқтаи назари ва қарашларини беркитмайди, аксинча, кучли ҳаяжон ва жўшқин эҳтирос билан ёқлайди? Ж: Пафос билан ёзилган асарларда

Мустақиллик даври ўзбек адабиёти

1. Истиқлол адабиёти эстетик ҳодиса сифатида қачон юзага келди? Ж: 20-асрнинг 90-йилларида

2. Истиқлол адабиётининг ўзига хос хусусиятларини топинг. Ж: биринчидан, бу давр адабиёти ҳукмрон мафкура тазйиқидан қутулган, олам ва одам руҳиятига мансуб ҳодисаларга хилма-хил қарашларнинг маҳсули бўлган адабиётдир. Иккинчидан, ижод эркинлигига объектив шароит яратилди ва адабиёт кўнгил ишига айланди. Учинчидан, Истиқлол адабиётида одамга ишчи кучи, ишлаб чиқарувчи меҳнаткаш сифатида ёндашиш барҳам топди. Ижодкорлар шахсларнинг руҳияти, ҳиссиёти, кўнглини тасвирлашга эътиборни қаратди. Тўртинчидан, бу давр адабиёти оммани кўрсатишга эмас, шахсни тадқиқ этишга йўналтирилди. Бешинчидан, Истиқлол адабиёти чинакам хилма-хил адабиётга айланди.

3. Истиқлол шеърляти қандай жиҳати билан характерланади? Ж: Шаклий изланишларга бойлиги, чиқиш назмидан ҳам, ботиш назмидан ҳам самарали ўрганишга интилиш кучайганлиги билан

4. «Адашган руҳ», «Қора девор», «Муножот», «Сенсиз» шеърлари муаллифи? Ж: Рауф Парфи

5. «Туркийлар», «Иқрор» шеърлари муаллифи? Ж: Шавкат Раҳмон

6. «Истиғфор», «Оқ ва қора» шеърлари муаллифи? Ж: Азим Суюн

7. «Изоҳсиз луғат» шеъри муаллифи? Ж: А.Қутбиддин

8. «Туш», «Йўл» шеърлари муаллифи? Ж: А.Саид

9. «Аёлғу», «Бўғзимдан сирқирар товуш-қон», «Ойлоқ кеча» шеърлари муаллифи? Ж: Фахриёр

10. «Ерга ботган осмонларни кузатдим,

Чопилган оёғим билан чопдим мен.

Кесилган қўлимни сизга узатдим,

Бу дунё гулларга толди.

Қотдим мен»,

– сатрларининг муаллифи? Ж: Рауф Парфи

11. *«Шафтолиранг олам найза ичинда,*

Дунёларни ёлгон, мен ўлдим чиндан»,

– сатрларининг муаллифи? Ж: Рауф Парфи

12. *«Қобиргалар қабарар суякларим қадоқдир қабоқларим ўқ тугаб бўшаб қолган садоқдир куйиб куйиб кул бўлган нафратларим адоқдир чучмомолар кўк кийган намозшомгул гул гулим ҳей тулугим ҳей тулум»* сатрларининг муаллифи? Ж: Фахриёр

13. «Ой болта» деб миллий адабиётимизда иккигина сўздан иборат шеър ёзган шоир? Ж: Фахриёр

14. «Гўрлар қисир – туғишдан қолган» деган бир мисрадан иборат шеър ёзган муаллиф ким? Ж: Фахриёр

15. «...*битта сўз қолдиргим келади руҳ ертўласидан ўғирланган сўз осмон ҳиди келадиган сўз дунёнинг ўзи қадар англаб бўлмас сир қадар»* сатрларининг муаллифи? Ж: Б.Рўзимухаммад

16. «*Кўздан ичкарида йўл йўқ сўздан ичкарида йўл йўқ аммо хўроз қичқириги ортига шафакранг қишлоғим беркиниб олган»* сатрларининг муаллифини топинг. Ж: Баҳром Рўзимухаммад

17. «*Мен қандай яшашим лозим қандай бўлсам сизга ёқаман қайси усулда ёзсам шеърларимни ўқийсиз аруздами бармоқдами сарбастдами ё»* сатрларининг муаллифи? Ж: Баҳром Рўзимухаммад

18. Истиқлол насрининг етакчи хусусиятлари қайси? Ж: Ижодий тажрибалар қилиш, кутилмаган тасвир йўсинларини қўллаш, бадий ифоданинг тутилмаган, янги тамойилларидан фойдаланиш

19. Омон Мухторнинг янгича ифода усулида яратилган романларини топинг. Ж: «Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдида»

ги одам», «Тепаликдаги хароба», «Аёллар салтанати ва мамлакати», «Ффу», «Майдон»

20. Назар Эшонқулнинг жаҳон прозасининг энг илғор тажрибалари асосида ёзилган асарларини топинг. Ж: «Қора китоб» қиссаси, «Шамолни тутиб бўлмайди», «Тобут шаҳар», «Қуюн» ҳикоялари

21. «Бозор» романининг муаллифини топинг. Ж: Хуршид Дўстмуҳаммад.

22. «Оромкурси» қиссасининг муаллифини топинг. Ж: Хуршид Дўстмуҳаммад.

23. «Жажман» ҳикоясининг муаллифини топинг. Ж: Хуршид Дўстмуҳаммад.

24. «Қорачиқдаги уй» ҳикоясининг муаллифини топинг. Ж: Хуршид Дўстмуҳаммад.

25. Байна момо образи қайси ҳикояда берилган? Ж: Назар Эшонқулнинг «Шамолни тутиб бўлмайди» ҳикоясида.

26. «Шўродан қолган одамлар» қиссасининг муаллифини топинг. Ж: Ш.Бўтаев

27. «Тилсим салтанати» романининг муаллифи? Ж: Саломат Вафо

28. «Қон ҳиди» романининг муаллифи? А.Нурмуродов

29. «Жазирамадаги одамлар» романи муаллифи? Луқмон Бўрихон

30. «Отчопар» қиссасининг муаллифини топинг. Ж: А.Йўлдошев

31. Амир Темурга бағишланган драмаларни топинг. Ж: Тўра Мирзо – «Амир Темур», А.Орипов – «Соҳибқирон», О.Ёқубов – «Фотиҳи музаффар ёки бир париваш асири»

32. Замон отбоқар образи қайси ҳикояда берилган? Ж: Назар Эшонқулнинг «Шамолни тутиб бўлмайди» ҳикоясида

33. «Булут тошган сой», «Озодлик», «Наврўз, наврўз» ҳикоялари муаллифи? Ж: Ш.Холмирзаев

34. «Оқбўйин», «Қоялар ҳам йиғлайди», «Тоғ одами» ҳиссалари муаллифи? Ж: Н.Норқобилов

35. «Орият», «Қувончли кун» ҳикоялари муаллифи? Ж: Н.Норқобилов

36. «Дарвеш» ҳикояси муаллифи? Ж: Ш.Бўтаев

37. «Отамдан қолган далалар» романи муаллифи? Ж: Тоғай Мурод

38. «Сўқир» ҳикояси муаллифи? Ж: А.Йўлдошев

39. Ҳозирги драматургияда эришилган ютуқлар ҳисобланган драмаларни топинг. Ж: Усмон Азим – «Бир қадам йўл», Эркин Самандар – «Арабмуҳаммад Баҳодирхон», Илҳом Ҳасан – «Бир кам дунё», Абдулла Аъзам – «Дугоҳи Ҳусайний», «Жек Лондон ҳикоясидан сўнг», О.Ёқубов – «Бир кошона сирлари»

40. Қайси асарда Самарқандни кўриш, уни зиёрат этишни бир умр орзу қилиб яшаган, аммо вақтида ўз қўлининг калталиги, кейинчалик турмуш ташвишлари билан овора фарзандларининг эътиборсизлиги сабаб ёнгинасидаги шаҳарни кўрмай ўтиб кетган қария образи қайси асарда берилган? Ж: Усмон Азимнинг «Бир қадам йўл» драмасида

41. Қайси асарда ўз оталарининг кўзларига мил тортиш даражасида йиртқич бўлган Ҳабаш ва Элбарс тимсоллари бор? Ж: Эркин Самандарнинг «Арабмуҳаммад Баҳодирхон» трагедиясида

10-СИНОФ АДАБИЁТИ

Адабиёт тарихи ҳақида

1. Давлатчилигимизнинг салкам уч минг йиллик тарихига гувоҳ бўлган ёдгорликни топинг. Ж: «Авесто»

2. Ўзбек адабиётига янги исломий руҳ қачон кириб келди? Ж: IX-X асрларда

3. Ҳаётни исломий-туркий идрок этувчи – дидактик достончилик қачон майдонга келди? Ж: X-XII асрларда

4. Адабиётимизда Яқин ва Ўрта Шарқ адабиёти учун хос бўлган муштарак хусусиятлар қачондан кучайиб борди? Ж: 14-асрнинг ўрталарида

5. Мутахассислар адабиётимиздаги нисбатан пасайиш даври деб қайси даврларни назарда тутганлар? Ж: 17-19-асрларда

6. Янги адабиёт қандай пайдо бўлди? Ж: Маърифатчилик адабиётидан сўнг

7. «Авесто» асари қанча йиллик тарихга эга? Ж: 3000 йиллик

8. «Алп Эр Тўнга марсияси» қанча йиллик тарихга эга? Ж: 2700 йиллик

9. «Ўрхун-Энасой ёдгорликлари» қанча йиллик тарихга эга? Ж: 1400 йиллик

10. Ўзбек адабиётидаги миллий чегараланиш, яъни муайян туркий златга тегишли деб қаралиши қайси асрларга тўғри келади? Ж: 16-асрга

11. Туркий адабиёт тарихи қандай даврлаштирилган? Ж: 1.Исломгача бўлган туркий адабиёт. 2.Ислом таъсири давридаги туркий адабиёт. 3.Янги ўзбек адабиёти

12. Ислом таъсиридаги туркий адабиётни қандай босқичларга ажратиш мумкин? Ж: 1.Илк уйғониш давридаги туркий адабиёт. 2.Уйғониш даври ўзбек адабиёти. 3.Хонликлар даври ўзбек адабиёти

13. Қайси ёдгорликлар учун жанговар руҳ, юксак ватанпарварлик, ватанни ҳар нарсадан муқаддас туттиш хосдир? Ж: «Авесто»

14. Қайси обидалар миллий бирликка чақирувчи бонгдир? Ж: Ўрхун-Энасой ёдгорликлари

15. Чинакам ўзбек драмачилигининг асосчиси сифатида қайси ижодкор эътироф этилади? Ж: Фитрат

16. Адабиётни илоҳий дарду ғам ифодасидан ердаги ташвишлар томон олиб тушган ижодкорларни топинг. Ж: Муқимий, Фурқат

17. Замон жароҳатларини сатрларга кўчириб, янги ўзбек шеърятини оёққа қўйган ижодкорларни топинг. Ж: Ҳамза, Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Сарёмий, Тавалло

18. Қайси ижодкор янги ўзбек адабиётшунослигининг дастлабки намуналарини яратди? Ж: Фитрат

19. Бадиий адабиётнинг мақсад ва вазифалари, йўналиш ва йўриқлари, ундаги бадиий тасвир усуллари, образларнинг маъноларини нима ўрганади? Ж: Адабиётшунослик

20. Барча замонларда бунёд этилган ҳамма асарлар учун умумий бўлган илмий-назарий ва эстетик асосларни, бадиий асарларнинг таркибий қисмларини, бадииятнинг қонун-қоидаларини қайси соҳа ўрганади? Ж: Адабиёт назарияси

21. Ҳозирги адабий жараёнда содир бўлган ўзгаришлар, яратилган асарларни баҳолаш, уларнинг ютуқ ва камчиликларини, тараққиёт йўналишларини изоҳлаш ҳамда белгилаш билан шуғулланувчи соҳа? Ж: Адабий танқид

22. Муайян мамлакатлар ёки халқлар адабиётларининг ривожланиш босқичларини, бирор халқ ёки мамлакат адабиёти вакиллари бўлган буюк санъаткорларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганувчи соҳа? Ж: адабиёт тарихи

Исломгача бўлган даврдаги туркий адабиёт қадимги адабий ёдгорликлар

1. Нуҳ пайғамбарнинг қайси ўғлининг ўғли Турк исми билан аталган? Ж: Ёфас

2. «Туркистон – икки дунё эшигидир, Туркистон – эр туркларнинг бешигидир» деб ёзган ижодкорни топинг. Ж: Мағжон Жумабой

3. Оромий ёзуви асосида шаклланган ёзувни топинг. Ж: Сўғд, хоразмий

4. Хоразмий ёзувининг энг қадимги намунаси қаердан топилган? Ж: Қўйқирилган қалъасидан топилган, эрамиздан олдинги 3-асрга оид

5. Сўғд ёзувининг энг қадимги намунаси қаердан топилган? Ж: Тали Барзудан топилган, эрамиздан олдинги I-асрга тегишли

6. Уйғур ёзуви қайси ёзув асосида шаклланган? Ж: Сўғд

7. Уйғур ёзувида нечта ҳарф бўлган? Ж: 18 та

8. Уйғур ёзуви қандай ёзилган? Ж: Ўнгдан чапга

9. Бундан 6 минг йил муқаддам дунёга келган шумер элати достони «Гилшамш»да 350 та туркча сўз учраши ҳақида ким маълумот берган? Ж: Фридрих Ҳоммел

10. Ривоят қилишларича, душман туркларни урушга тортишга баҳона излайди ва душман элчиси ҳукмдордан яшин мисоли тутқич бермас отини, кейин, севган хотинини сўрайди. Ҳукмдор уларни беради. Лекин душманлар турк давлатининг бир четидаги ҳосилсиз, элатсиз, яйдоқ қуруқ ерни сўраганларида, *«Йўқ, юрт бизнинггина эмас, мозорда ётган оталаримизнинг ва қиёматгача дунёга келувчи авлодларимизнинг бу тупроқда ҳақлари бор. Юртдан бир қарич бўлсин ер бермоққа ҳеч кимсанинг ҳаққи йўқдир, энди урушамиз. Энди душманга от соламан, орқага эргашмаганга ўлим!»* деб ҳайқирган ҳукмдор ким? Ж: Медехон

11. Эл сўзининг маъноларини топинг. Ж: Тинчлик, омонлик

Авесто

1. «Авесто»нинг 2700 йиллиги қачон нишонланди? Ж: 2001 йилда

2. «Авесто» бизгача неча кўринишда етиб келган? Ж: 2 хил кўринишда: Гатлар ва Зенд

3. Гатлар нечта қўшиқдан тузилган? Ж: 17 та

4. «Авесто»га паҳлавий тилида битилган шарҳ қандай аталади? Ж: Зенд

5. Зенднинг паҳлавий тилидаги энг эски нусхаси нечанчи йилга дахлдор? Ж: 1288 йилга

6. Зенд неча қисмдан иборат? Ж: 4 қисмдан: Яшна, Виспарад, Видевдат, Яшта

7. «Авесто» тили қандай тил? Ж: Улик тил

8. Заратуштра сўзининг маъноси? Ж: Қари туя эгаси

9. Зардушт – Заратуштра юнонларда қандай аталган?

Ж: Зароастр – юлдузчи, мунажжим, башоратчи

10. Зардушт ҳақида қайси олимлар маълумот берганлар? Ж: Беруний, Табарий

11. «Авесто»даги эзгулик худоси? Ж: Ҳурмуз – Ахурамазда

12. «Авесто»даги ёвузлик рамзи? Ж: Ахриман – Анграманю

13. Зирвон неча йил нур олаמידан фарзанд сўрайди? Ж: 9999 йил

14. Ишонч ва ҳақиқатдан ким пайдо бўлади? Ж: Ҳурмуз

15. Шубҳадан ким пайдо бўлади? Ж: Ахриман

16. Нима учун олам ҳукмдорлиги Ахриманга берилади?

Ж: Чунки Зирвон болалар туғилмасдан олдин ким олдин туғилса, унга олам ҳукмдорлигини беришни ваъда қилиб олт ичган бўлади, Ахриман аввал дунёга келади

17. Ахриман ва Ҳурмуз неча йил кураш олиб боради?

Ж: 9000 йил

18. «Авесто» нимага асосланади? Ж: Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал

19. Заратуштра тилидан айтилган қўшиқлар қандай номланади? Ж: Гатлар

20. 4 қисмдан: Яшна, Виспарад, Видевдат, Яшта каби қисмдан иборат бўлган «Авесто» нусхаси қайси? Ж: Зенд

21. «Хвайризем» сўзининг маъносини топинг. Ж: қуёш ери

22. «Араҳна»нинг ҳозирги кундаги номи? Ж: Амударё

23. Милоддан олдинги 569-йилда баҳор фаслида Хоразмда туғилган, Манучехрнинг ўн тўртинчи авлоди ким эди? Ж: Зардушт

24. «Авесто»да йўқликдан борлиққа қадам қўйган биринчи зот ким? Ж: Зирвон
25. «Авесто»да ким томонидан инсон руҳи яратилиб, унга Зардушт мададкор қилиб тайинланади? Ж: Ҳурмуз
26. Нақл қилишларича, «Авесто» неча қисмдан иборат бўлган? Ж: 21 наск (қисм)
27. «Авесто»нинг марказида ким туради? Ж: Зардушт
28. «Авесто» қайси йўлда ёзилган? Ж: Шеъррий йўлда, саккиз бўғинли ҳижо вазнида
29. «Авесто»да қофиялар қаерда келади? Ж: Кўпинча мисра ўртасида, ҳатто бошида келади
30. *«Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида унинг ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Исқандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган ва ўтда уни куйдириб юборди»*. Берунийнинг ушбу фикрлари қайси асарга тегишли? Ж: «Авесто»га

Ўрхун-Энасой ёдгорликлари

1. «Ўрхун-Энасой» ёдгорликлари қачон, ким томонидан ўқилган? Ж: 1893 йилда даниялик олим Вильгельм Томсон томонидан
2. «Ўрхун-Энасой» ёдгорликларини ким нашр эттирган? Ж: В.Радлов
3. «Ўрхун-Энасой» ёдгорликлари ҳақидаги маълумот кимнинг қайси асарида келтирилган эди? Ж: 1260 йилда яратилган Жўвайнийнинг «Тарихи жаҳонкушой» асарида
4. «Ўрхун-Энасой» ёдгорликлари ҳақидаги яна кимлар маълумот берган? Ж: 1575 йилда румин сайёҳи Николас Мелеско ва 1721 йилда Д.Мессершмидт
5. «Ўрхун-Энасой» ёдгорликлари қачондан дунё эътиборига тушди? Ж: 18-асрнинг 80-йилларидан

6. «Ўрхун-Энасой» ёдгорликлари билан кимлар шуғулланган? Ж: Рус олимлари – В.Радлов, С.Малов, И.Стеблева, Турк тадқиқотчиларидан – Т.Текин, М.Эрғин, ўзбеклардан – Насимхон Раҳмон

7. «Ўрхун-Энасой» ёдгорликлари қайси даврга мансуб? Ж: 6-8-асрларда Олтойдан Амударё бўйларигача салтанат қурган кўктурklar даврига

8. Энасой дарёсининг бўйларидан қанча битиктош топилди? Ж: 250 та

9. Тунюқуқ битиктоши қачон ва қерда топилган? Ж: 1897 йилда Улан-Батор шаҳри яқинида

10. Тунюқуқ ким бўлган? Ж: Элтаришнинг маслаҳатчиси ва саркардаси

11. Қайси битиктошда архар сурати акс эттирилган хоқонлик тамғаси нақшланган? Ж: Култегинда

12. Култегин ким бўлган? Ж: Элтариш хоқоннинг кичик ўғли, акаси Билга хоқоннинг саркардаси

13. Элтариш хоқон қачон вафот этган? 692 йилда

14. Култегин битигида асосий воқеалар, ҳис-туйғу ва кечинмалар кимнинг тилидан ифодаланади? Ж: Билга хоқоннинг

15. Билга сўзининг маъноси? Ж: Билга – улуғ дегани. Бу унинг бош фарзанд эканлиги ва идора этган салтанатининг улуғлигига ишора этади

16. Билга хоқон неча йил ҳукмронлик қилган ва қандай вафот этган? Ж: 18 йил ҳукмронлик қилган, қариндошларидан бири томонидан заҳарлаб ўлдирилган

17. «Турк ўғуз беклари, эй халқ, эшитинг! Тепадан осмон босмаган бўлса, пастда ер ёрилмаган бўлса, эй турк халқи, ҳукуматингни ким бузди?» Ушбу парча қайси битикка тегишли? Ж: Култегин битиги

18. «Эй турк халқи, гоят ишонувчансан. Самимийни носамимийдан ажратмайсан. Ўшандайлигинг учун тарбият

қилган хоқонингнинг сўзини олмай ҳар қаерга кетдинг, у ерларда бутунлай гойиб бўлдинг, ном-нишонсиз кетдинг».

Ушбу парча қайси битикка тегишли? Ж: Култегин битиги

19. «Туркнинг эндиги халқи, беклари! Уй, дунёгагина қарайдиган кўзига фақат молу мулк кўринадиган беклар, сизлар – гумроҳсизлар!» Ушбу парча қайси битикка тегишли?

Ж: Култегин битиги

20. Кўктурклар деб аталишининг сабаби нима? Ж: Ўзларини осмон фарзанди деб билганлари учун

21. Кўктурк хоқонлигининг бошида ким турган? Ж: Бўмин хоқон ва Истами хоқон

22. Иккинчи турк хоқонлигининг асосчиси ким бўлган? Ж: Элтариш хоқон

23. Ўрхун-Энасой ёдгорликлари қайси даврга мансуб? Ж: 6-8-асрларда Олтойдан Амударё бўйларигача салтанат қурган кўктурклар даврига мансуб

24. Хоқонлик қачон емирилган? Ж: 8-асрнинг 30-йилларида

25. Қайси битиктошда архар сурати аке эттирилган хоқонлик тамғаси нақшланган? Ж: Култегин битиктошида

26. Тунюқуқ ким бўлган? Ж: Элтаришнинг маслаҳатчиси ва саркардаси

27. Култегин ким бўлган? Ж: Элтариш хоқоннинг кичик ўғли

28. Култегин қачон туғилган? Ж: 685 йилда

29. Элтариш хоқон қачон вафот этган? Ж: 692 йилда

30. Култегин қачон вафот этган? Ж: 731 йилда, 47 ёшида

31. Култегин битигида асосий воқеалар, ҳис-туйғу ва кечинмалар кимнинг тилидан ифодаланади? Ж: Билга хоқоннинг

32. «Билга» сўзининг маъноси? Ж: Билга – улуғ дегани, бу унинг бош фарзанд эканлиги ва идора этган салтанатининг улуғлигига ишора этади

33. 712-716 йилларда ёзилган битиктошни топинг. Ж: Тунюқуқ битиктоши

34. Қайси битиктош Билга хоқон буйруғи билан Йўллуқ-тегин томонидан 20 кун лавомида ёзиб тугатилган? Ж: Култегин битиктоши

35. «Кул» сўзининг маъноси нима? Ж: Улуғ, доврүқли

36. Тегин сўзининг маъноси нима? Ж: саркардалиқ унвони

37. Билга хоқон ҳақидаги тўғри ҳукмларни топинг. Ж: 18 йил ҳукмронлик қилган, қариндошларидан бири томонидан заҳарлаб ўлдирилган, 684 йилда туғилган, 734 йилда вафот этган

38. Қайси битиктош хоқоннинг ўз халқига, бекларига литоби билан бошланади? Ж: Култегин битиктоши

39. Қайси битиктошда «Нега чекинамиз, душманни кўп деб? Нега кўрқамиз, ўзимизни оз деб? Қани босайлик, ҳужум қилайлик, дедим» деган сўзлар бор? Ж: Тунюқуқ битиктоши

40. Битиктошлар учун хос бўлган тасвирий воситаларни топинг. Ж: Аллитерация, эпитет – сифатлаш, мақоллардан фойдаланиш

41. Ўрхун-Энасой битиктошларидаги асосий тасвир воситаси қайси? Ж: Аллитерация

42. Ўрхун-Энасой битиктошлари қандай йўлда ёзилган? Ж: Шеърӣ

43. Ўрхун-Энасой битиктошларида туяга қайси эпитет қўлланилган? Ж: Эгри

44. «Ўнгра қитайнинг Ўлуртачи терман, Бани Ўғузуг Ўлуртачи-ўқ терман» парчасида қайси бадиий санъат ишлатилган? Ж: Аллитерация

45. Тунюқуқ қайси уруғ вакили? Ж: Ашида

46. «Тунюқуқ битиктош»ида халқ нима деб аталади? Ж: Бўдун

47. «Турк беклари туркча отини ташлади» деган гап қайси битигда келтирилган? Ж: «Тунюқуқ битиги»да

48. «Тўққуз ўғиз менинг халқим эди». Ушбу сўзлар кимга тегишли эди? Ж: Билга хоқонга

Ислом таъсири давридаги туркий адабиёт.

Илк уйғониш давридаги туркий адабиёт

1. Илк мадрасалар қачондан фаолият кўрсата бошлаган? Ж: 8-9-асрларда

2. «Қуръон»ни ким қоғозга туширган? Ж: Пайғамбарнинг котиби Зайд ибн Собит

3. «Қуръон» кимнинг замонасида яхлит ҳолга келтирилган? Ж: Халифа Абу Бакр даврида

4. «Мусҳаф» сўзининг маъноси нима? Ж: Ўрама қоғоз

5. «Қуръон»нинг неча ўрнида илм сўзи тилга олинган? Ж: 751

6. «Қуръон»ни кимлар ўзбек тилига таржима қилган? Ж: 1992 йида Алоуддин Мансур, 2001 йилда Абдулазиз Мансур

7. Энг ишончли ва энг мўътабар ҳадислар қандай номланади? Ж: Саҳиҳ

8. Саҳиҳ ҳадиснинг асосчиси ким? Ж: Имом ал-Бухорий

9. Имом ал-Бухорийнинг тўлиқ исми? Ж: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий

10. Муҳаммад ал-Бухорийнинг дастлабки асари? Ж: «Ат-тарих ал-кабир» (Буюк тарих)

11. Муҳаммад ал-Бухорийнинг «Жомеъ ас-саҳиҳ» асари неча қисмдан иборат? Ж: 4 қисмдан

12. Муҳаммад ал-Бухорийнинг «Жомеъ ас-саҳиҳ» асари юртимизда қачон ўзбек тилига тўла таржима қилиниб, нашр этилган? Ж: 20-асрнинг 90-йилларида

13. Халифаликнинг пойтахт шаҳри қаер эди? Ж: Боғдод

14. Халифаликдаги иккинчи илмий-маданий марказ қайси эди? Ж: Дамашқ

15. Қайси олим «*Мен илми хор қилиб, уни ҳукмдорлар эшигига олиб бормаيمان, илмталаб одамнинг ўзи келсин*», деб амир ҳузурига бормаган? Ж: Имом Бухорий

16. Туркий халқларнинг мусулмонлашуви қачонгача давом этди? Ж: 10-аср ўрталаригача

Мовароуннаҳрда форс ва араб тилида яратилган адабиётлар

1. Машҳур қомусий олимларимиз илмий кашфиётларининг деярли барчаси қайси тилда ёзилган? Ж: Араб тилида

2. Бадий ижод қандай тилларда яратилди? Ж: 3 тилда: туркий, форсий ва араб тилларида

Абу Мансур Абдумалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибий (350–429–961–1038) йирик олим, шоир ва тарихчи

1. Ас-Саолибийнинг қанча илмий асари бор? Ж: 50 дан ортиқ

2. Ас-Саолибий «Ятимат ут-дахр» тазкирасида 10-11-асрларда яшаб араб тилида ижод қилган нечта адиб ҳақида маълумот учрайди? Ж: 415 та

3. Ас-Саолибий «Ятимат ут-дахр» тазкирасининг 4-қисм-та нечта хуросонлик ва мовароуннаҳрлик шоирлар ижоди киритилган? Ж: 124 та.

4. Бу қисмда қанча шеър мавжуд? Ж: 4160 байтга яқин

5. Улар қандай жанрларга мансуб? Ж: Қасида, васф, марсия, маснавий, ғазал, уржуза.

Носир Хусрав(1004-1088)

1. Қободиёнда туғилган

2. Асарлари. Ж: «Зафарнома», «Зод ал-мусофирин», «Вақҳи дин», «Жоми ал-ҳикматайн», «Равшаннома»(Нур киоби), «Саодатнома» ва «Девон»и машҳур.

Умар Хайём(1048-1131)

1. Нишопурда туғилган.

2. Астрономия, математика, фалсафага оид асарлари мавжуд.

3. Шоир сифатида рубойлари машҳур.

Абу Наср Асади Тусий (вафоти 1070)

1. Фирдавсий «Шоҳнома»си йўлидан бориб, «Гершасп-нома» достонини яратган.

2. У форс-тожик адабиётидаги илк ёзма мунозаралар муаллифидир. Булар: «Ер ва Осмон», «Кеча ва Кундуз», «Найза ва Камон», «Мукулмон ва Кофир», «Араб ва Ажам».

3. Шунингдек, у форс тилининг энг қадимги изоҳли луғатини ҳам яратган.

Алиб Собир Термизий (1078-1148).

1. Анварий Абевардий уни «Покиза назм» шоир сифатида баҳолаган.

2. «Девон»и мавжуд

ҚОМУСИЙ ОЛИМЛАР

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий

(780-850) – буюк математик

1. Ёшлиги қаерда ўтган? Ж: Хивада

2. Қаерда олим сифатида шаклланиб, дунёга танилган? Ж: Боғдодда. Боғдоддаги «Байтул-ҳикма»нинг алломаларидан.

3. Хоразмийнинг қайси китоби бугунги алгебрага асос бўлган? Ж: «Ал-жабр ал-муқобала» китоби

4. Хоразмийнинг қайси китоби ҳозирда дунёда фойдаланаётган ўнлик тизмининг кашф этилишида буюк рол ўйнади? Ж: «Ҳисоб ал-ҳинд» асари

5. Хоразмийнинг қайси китоби астрономияга доирдир? Ж: «Китоби сурат ал-ард» (Ернинг сурати ҳақидаги китоб) асари. Ал-Хоразмий ер меридианини ўлчашда иштирок этган олимдир.

Аҳмад Фарғоний

*(797-865) – астроном, географ, математик,
тригонометриянинг асосчиларидан бири.*

1. Ким Боғдод ва Дамашқ атрофларида расадхоналар қурдириб, илмий кузатишлар олиб борган? Ж: Аҳмад Фарғоний

2. Ким Қуёш тутилишини олдиндан ҳисоблаб берган, ернинг думалоқлигини илмий жиҳатдан исботлаб берган, меридиан узунлигини аниқлаган? Ж: Аҳмад Фарғоний

3. Ким Нил дарёсининг оқимини ўлчайдиган «Миқёс ал-жадид» номли асбоб ясаган? Ж: Аҳмад Фарғоний

4. Кимнинг «Жавомий илм ан-нужум вал-ҳаракот ас-самовийя» (Юлдузлар илми ва самовий ҳаракатлар ҳақида) номли асари 12-асрда латин тилига, 13-асрда бошқа Европа тилларига таржима қилинган? Ж: Аҳмад Фарғонийнинг

5. Ким Европада «Алфраганус» номи билан шухрат топган? Ж: Аҳмад Фарғоний

6. Аҳмад Фарғонийнинг қайси асари Европа университетларида кўп асрлар давомида «Астрономия асослари» номи билан дарслик сифатида ўқитилган? Ж: «Жавомий илм ан-нужум вал-ҳаракот ас-самовийя» (Юлдузлар илми ва самовий ҳаракатлар ҳақида) номли асари

7. Аҳмад Фарғонийнинг қайси асари 15-асрда (1493) тошбосмада нашр этилиб, жаҳон астрономия илмига катта таъсир кўрсатиб келди? Ж: «Жавомий илм ан-нужум вал-ҳаракот ас-самовийя» (Юлдузлар илми ва самовий ҳаракатлар ҳақида) номли асари

8. Ойдаги кратерлардан бирига қайси олимнинг номи берилган? Ж: Аҳмад Фарғонийнинг

9. Аҳмад Фарғоний туғилганининг 1200 йиллиги юртимизда қачон нишонланди? Ж: 1998 йилда.

**Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳазрат
Тархон Форобий**

*(873 йилда Форобда туғилиб, 950 йилда Дамашқда
вафот этган)*

1. Фороб – ҳозирги Қозоғистон вилоятининг қайси шаҳарчаси? Ж: Темурланг шаҳарчаси бўлиб, Чингиз қўшини босиб келган 13-асрда унинг номи Ҳотроқ эди. 1405 йилнинг қишида Амир Темур шу ерда вафот этган.

2. Дунё илми Юнон олими Аристотель (Арасту)ни 1-муаллим деб атаса, кимни эса «Муаллим ус-соний» яъни иккинчи муаллим деб атайди? Ж: Форобийни

3. Форобий қайси асариде давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашларини баён этади? Ж: «Арасту қонунларининг моҳияти ҳақида» асариде

4. Форобий қайси асариде турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ҳақидаги фикрларни ифода этади? Ж: «Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари» асариде

5. Қайси олим 70 дан ортиқ тилни билган, 160 дан ортиқ асарлар муаллифидир? Ж: Форобий

6. Форобий қайси олимлар асарларига шарҳлар ёзган? Ж: Юнон олимлари Платон (Афлотун), Эвклид (Уқлидус), Птолемей (Батлимус), Порфирий асарларига

7. Форобий «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи» асариде ўрта асрларда маълум бўлган нечта фаннинг таърифи, аҳамияти кўрсатиб берилган? Ж: 30 га яқин

8. Форобий қайси асариде жамиятнинг келиб чиқиши, давлат ва уни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат, диний эътиқод, уруш ва тинчлик каби мавзуларда баҳс юритади? Ж: «Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола» асариде

9. Форобийнинг мусиқа ҳақидаги китоби қандай номланади? Ж: «Китоб ул-мусиқа ал-кабир» деб.

Абу али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино

(980-1037)

1. Кимнинг тиббиётга доир китоблари Европа университетларида 600 йилдан кўпроқ вақт давомида асосий дарслик вазифасини бажариб келган? Ж: Ибн Синонинг

2. «Медицина» атамаси қайси сўздан келиб чиққан деб тахмин этилади? Ж: Мадади Сино сўзидан

3. Ибн Синонинг отаси ва онасининг исми? Ж: Отаси – Абдуллоҳ, онаси – Ситорабону

4. Ибн Сино туғилган қишлоқ ҳозир қандай аталади? Ж: Исфана деб

5. Ибн Сино ғарбда қандай ном билан машҳур? Ж: Авиценна

6. Ибн Сино неча ёшида Қуръонни ёд олган? Ж: 9-10 ёшида

7. Ибн Сино неча ёшида шоҳ Нуҳ ибн Мансурни даволаб, шуҳратга бурканади? Ж: 16 ёшида.

8. Ибн Сино неча ёшида ўзигача яратилган барча билимларни эгаллаб олди? Ж: 18 ёшида.

9. Ибн Сино неча ёшида буюк олим Абу Райҳон Беруний билан ёзишмалар қилди, Хоразм Маъмун академиясига бориб, машҳур олим билан баҳслар қилди? Ж: 20 ёшларида

10. Ибн Сино неча йил Хоразмда бўлиб, кейинроқ Шарқ мамлакатларига кетишга мажбур бўлди? Ж: Етти йил (1005-1012)

11. Ибн Синонинг қабри қаерда? Ж: Қабри Ҳамалонда

12. Ибн Сино қанча асар ёзган ва шундан нечтаси бизгача етиб келган? Ж: 280 дан ортиқ, 160 таси етиб келган

13. Ибн Сино асарлари қайси соҳаларга мансуб? Ж: Улар фалсафа, медицина, мантиқ, адабиёт, мусиқа, илоҳиётга доир

14. Ибн Сино асарларидан энг машҳури қайси? Ж: «Ал-Қонун фи-т-тиб» (Тиб қонунлари) китоби

15. «Ал-Қонун фи-т-тиб» (Тиб қонунлари) китоби неча жилддан иборат? Ж: 5 китоб 14 жилд

16. Ибн Синонинг қайси асарини ўрта асрлар тиббиёти қомуси дейиш мумкин? Ж: «Ал-Қонун фи-т-тиб» (Тиб қонунлари) китоби

17. Қайси олим Пастердан 800 йил аввал айрим касалликларнинг кўзга кўринмас жониворлар (микроблар) орқали юқишини айтади? Ж: Ибн Сино

18. Ибн Синонинг қайси асарини «Тиббий дoston», «Уржуза» ҳам дейдилар? Ж: «Манзума фи-т-тибб» («Тибда назмий асар») асарини

19. Уржуза дегани нимани англатади? Ж: Арузнинг ражаз баҳрида ёзилганлигини

20. «Табобатда уржуза», «Тиббий ўғитлар ҳиқида уржуза», «Тана тузилишига оид уржуза»лар китобларининг муаллифи? Ж: Ибн Сино

21. Ибн Синонинг табиий фанлар ҳақидаги энг машҳур асари «Китоб уш-шифо» неча қисмдан иборат? Ж: 20 қисмдан

22. Адабиётшунос сифатида «Фан аш-шеър» (Шеър илми) номли асар ёзиб қолдирган олим? Ж: Ибн Сино

23. Ибн Синонинг қайси асарида Аристотелнинг «Поэтика»си ва Абу Наср Форобийнинг «Шоирлар санъати қонунлари» ва «Шеър китоби» асарлари таъсири сезилади? Ж: «Фан аш-шеър» (Шеър илми) асарида

24. Ибн Синонинг қайси асарида мусиқа ва шеърнинг бир-бирига таъсири, вазн ва ритм масалалари, шеърини жанрлар тилга олинадигани, аруз вазни атрофлича таҳлил қилинадигани? Ж: «Китоб уш-шифо» асарида

25. Ибн Синонинг қайси асари 8 бобдан иборат бўлиб, дастлабки фаслда шеър илми ҳақида назарий маълумот берилади, юнон ва араб шеъри муқояса этилади: улардаги мавзу-мундарижа, ритм ва оҳанг, жанрлар масаласи таҳлил қилинадигани? Ж: «Шеър илми» асари

26. Қайси олим трагедия жанрига кенг тўхталлади? Ж: Ибн Сино

27. Кимнинг фикрича, шеърни шеър қиладиган нарса ташбеҳ – ўхшатишдир. Шеър 3 хил йўл билан юзага келади: лаҳн-гармония, калом – сўз ва вазн. Шу уч ҳолат ўзаро мос келгандагина шеър туғилади? Ж: Ибн Синонинг

28. Ибн Сино шеърятнинг қайси жанрларида ижод этган? Ж: Достон, қасида, ғазал, рубоий, фард

29. Ибн Сино қайси тилларда ижод этган? Ж: Ҳам форсча, ҳам арабча ёзган

30. Ким форс тилида рубоий жанрини бошлаб берган шоирдир? Ж: Ибн Сино

31. *«Қаро ер қаъридан то авжи Зуҳал –
Кошот мушкулун барин қилдим ҳал,
Кўн мушкул тугунни англадим, ечдим,
Ечилмай қолгани биргина ажал».*

Ушбу рубоий муаллифи? Ж: Ибн Сино

32. *«Мени кофир этмак эмасдур осон,
Ҳаммадан маҳкамроқ мендаги имон.
Юз йилда бир келур мен каби инсон,
Демак, бу дунёда йўқ бир мусулмон».*

Ушбу рубоий муаллифи? Ж: Ибн Сино

33. *«Умринг купи билан бир-икки нафас,
Нафас эса кичик бир шамолу сас.
Шамолга таянмиш умринг биноси,
Мустаҳкам иморат елга таянмас».*

Ушбу рубоий муаллифи? Ж: Ибн Сино

34. Ибн Синонинг насрий йўлда ёзилган асарлари? Ж: «Соломон ва Ибсол» (ишқий саргузашт), «Юсуф қиссаси», «Ҳайй ибн Яқзон», «Рисолат ат-тайр» асарлари

35. Қуръон сюжетлари асосида яратилган биринчи асар қайси? Ж: «Юсуф қиссаси»

36. Ибн Синонинг рамзий-мажозий услубда яратилган асарлари? Ж: «Юсуф қиссаси», «Ҳайй ибн Яқзон», «Рисолат ат-тайр» асарлари

Абу Райҳон Беруний

(973-1048) – Хоразмнинг Кат шаҳрида тугилган.

«Берун» – ташқари, чет дегани

1. Беруний нечта асар ёзган? Ж: 152 та.
2. Берунийнинг нечта асари бизгача етиб келган? Ж: 28 га яқини
3. Қайси олим Ер илми асосчиларидан, дунёда биринчи бўлиб глобус ясаган олим? Ж: Беруний
4. Беруний қайси фанларда кўп кашфиётлар қилган? Ж: Алгебра, геометрия, тригонометрия, география, астрономия фанларида
5. Ким қадим юнонларнинг дунё қурилиши ҳақидаги – ер марказ, бошқа планеталар унинг атрофида айланади, дегувчи геоцентристик назарияни инкор қилади, оламнинг маркази қуёш – барча сайёралар унинг атрофида айланади, деган гелиоцентристик қарашни илгари суради? Ж: Беруний
6. Ким Ер айланаси узунлигини ўлчашда янги усулни кашф этди? Ж: Беруний
7. Ким Ҳинд ва Атлантика океанларининг жанубда бири бири билан қўшилишини тахмин этади, олис Америка қитъасини башорат қилди? Ж: Беруний
8. Қайси олим ўз асарларида Гомернинг «Илиада» достонидан парчалар келтиради? Ж: Беруний
9. Қайси олим дунё шеърятининг 3 буюк вазни: метрика (юнон), шлока (ҳинд) ва аруз (араб)ни ўзаро қиёслаб, улар ўртасида ўхшашликларни топади? Ж: Беруний
10. Беруний асарлари? Ж: «Ҳиндистон», «Осор ул-боқия» («Ўтмиш асрлардан қолган ёдгорликлар»), «Қонуни Масъудий», «Минерология» асарлари

Туркий тил равнақи

1. Қорахонийлар давлати заминида нечта кудратли салтанат майдонга келди? Ж: 3 та: салжуқийлар, газнавийлар, хоразмшоҳлар

2. Қайси асарлар туркий тил ва адабиёт ривожиди ғоят муҳим давр бўлди? Ж: 10-12-асрлар

3. 10-12-асрларда ёзилиб, бизгача етиб келган асарлар сони қанча? Ж: 20 дан ортиқ

4. Қошғар тарихини қайси олим ёзган? Ж: Абдулғафур Қошғарий

5. 1126 йилда яратилган туркий халқларнинг қаҳрамонликлари ҳақидаги афсона ва ҳикоятлар жамланган асар қайси? Ж: «Мажмуа ут-тавориҳ вал-қисас» («Тарих ва қиссалар туплами»)

6. Қайси асарда *«Туя ҳашаротларни ёқтирмайди, аммо у тирик экан, улар унинг бурнида яшайверади»* дейилган? Ж: «Ятимат ад-даҳр»

7. Қайси асарда *«Денгиз суви тошиб ётгани аён бўлиб турса ҳам, ит ундан тили билан ичади»* дейилган? Ж: «Ятимат ад-даҳр»

Маҳмуд Қошғарий ва унинг «Девону луғотит турк» асари

1. «Девону луғотит-турк» асари қаерда ёзилган? Ж: Боғдодда

2. «Девону луғотит-турк» асарида келтирилган Этил қайси дарё? Ж: Волга

3. Маҳмуд Қошғарийнинг ота-боболари қайси шаҳардан бўлган? Ж: Барсағондан

4. «Девону луғотит-турк» асари қачон яратилган? Ж: 1072 йилда бошланиб, 1074 йилда тугатилган

5. «Девону луғотит-турк» асари қайси тилда яратилган?
Ж: Үша давр аңғанасига кўра араб тилида

6. «Девону луғотит-турк» асарида нечта қабила номи санаб ўтилган? Ж: 20 та

7. «Девону луғотит-турк» асарида ўғуз-туркманларнинг нечта қисмга бўлиниши санаб ўтилган? Ж: 22 та

8. Қайси ижодкор ўз асарида ерни думалоқ шаклда тасаввур қилиб, унинг харитасини беради? Ж: Маҳмуд Қошғарий

9. *Тун-кун туриб йиғла-ю,*

Ёшим менинг соврулур, –

мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Маҳмуд Қошғарий

10. «Девону луғотит-турк» асарида қайси касалликнинг таърифи, тарқалиш доираси, паталогияси, наслдан-наслга ўтиши кабилари берилади? Ж: Буқуқ (буқоқ) касаллигининг

11. «Девону луғотит-турк» асарида «қўшуг» атамаси қандай изоҳланади? Ж: Шеър, қасида

12. Асарнинг қайси қисмида адиб уни «ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан» беаганини таъкидлайди? Ж: «Муқаддима» қисмида

13. Алп Эр Тўнга ким? Ж: милоддан олдинги 7-6-асрларда салтанат қурган сақаларнинг қўшин бошлиғи

14. *«Улшиб эран бўрла-ю,*

Йиртиб яқо ўрлаю,

Сикраб уни йўрлаю,

Сиктаб кўзи ўртулур»,

– парчалари қайси асардан олинган? Ж: «Алп Эр Тўнга марсияси»дан

15. Қайси асарда «*Кўнгли оч, йўқсил бўлган кишини куч билан тўқ, бой қилиш мумкин эмас*» дейилган? Ж: «Девону луғотит-турк»

16. Қайси асарда «*Бор молингни севасан, унга камроқ севин, чунки у сендан чиқиб кетиши мумкин. Қўлингдан кетган нарса учун қайгурма, унга озроқ ачин. Чунки ачиниш сенга қўлдан кетганни қайтариб бермайди*» дейилган? Ж: «Девону луғотит-турк»

Юсуф Хос Ҳожиб

1. Юсуф Хос Ҳожиб қачон яшаган? Ж: 1019, вафот этган вақти номаълум

2. Юсуф Хос Ҳожиб қаерда туғилиб, қаерда яшаган? Ж: Қуз Ўрду (Боласоғун) шаҳрида туғилиб, Қошғарда улгайган

3. Қайси шоирни Боласоғуний ҳам дейишади? Ж: Юсуф Хос Ҳожиб

4. «Қутадғу билиг» қаерда ёзилган? Ж: Қашқарда

5. «Қутадғу билиг»нинг ёзилиш санаси? Ж: Ҳижрий 462-милодий 1069-70 йиллар

6. «Қутадғу билиг» ёзилганда Ю.Х.Ҳожиб неча ёшда бўлган? Ж: 50 ёшларда

7. «Қутадғу билиг» қанчада ёзилган? Ж: 18 ой – бир ярим йил

8. Қайси адиб ўз асари учун эшик оғаси унвонига сазовор бўлган? Ж: Ю.Х.Ҳожиб

9. «Қутадғу билиг» асари қачон илмий жамоатчиликка маълум бўлган? Ж: 19-асрнинг 1-чорагидан

10. «Қутадғу билиг» асари ҳақида ким илк маълумот берган? Ж: Француз шарқшуноси Ж.Амеди

11. «Қутадғу билиг» асарининг нечта қўлёзма нусхалари бор? Ж: 3 та: Вена, Қоҳира, Наманган

12. «Қутадғу билиг»нинг уйғур ёзувидаги нусхаси қачон кўчирилган? Ж: 1439 йилда Ҳиротда

13. «Қутадғу билиг»нинг уйғур ёзувидаги нусхаси қаерда сақланади? Ж: Венада

14. «Қутадғу билиг»нинг Қоҳира нусхаси қачон топилган? Ж: 1896 йилда

15. «Қутадғу билиг»нинг Наманган нусхаси қачон топилган? Ж: 1913 йилда

16. «Қутадғу билиг»ни қайси олимлар ўрганган? Ж: С.Муталлибоев, Қ.Каримов, Б.Тўхлиев

17. «Сиёсатнома» кимнинг асари? Ж: Низомулмулк

18. «Қобуснома» кимнинг асари? Ж: Қобус ибн Вушмгир

19. «Қутадғу билиг» қаҳрамонлари рамзлари? Ж: Кунтуғди-адолат рамзи, Ойтўлди-давлат рамзи, Ўғдулмиш-ақл рамзи, Ўзғурмиш-қаноат рамзи

20. «Қутадғу билиг» достонининг ҳажми? Ж: 73 боб, 6500 байт

21. «Қутадғу билиг»да асар воқеалари нечанчи бобдан бошланади? Ж: 12-бобдан

22. Ўзғурмиш Кунтуғдининг саройга келиш ҳақидаги нечта таклифини рад этади? Ж: 3 та

23. Бир куни Кунтуғди 3 оёқли курсида қўлида пичоқ, чап томонида ўроғун (дори), ўнг тарафида бир коса шарбат билан ўтиради. Булар нималарнинг рамзи? Ж: 3 оёқли курси-ростлик, адолат тимсоли, пичоқ-муаммони ҳал қилиш рамзи, шарбат-мазлумлар, дори-золим насибаси

24. Ю.Х.Ҳожиб кимларни ҳақиқат устунлари деб билади? Ж: Олимларни

25. «Қутадғу билиг»да икки нарса эл учун мустаҳкам боғичдир, дейди. Улар? Ж: Бири-ҳушёрлик, яна бири-адолат

26. «Қутадғу билиг»да Ю.Х.Ҳожиб раъият-халқ ҳукмдор олдига уч шарт қўйишга ҳақлидир дейди. Улар? Ж: Пулнинг қадрини сақлаш, адолатли сиёсат юритиш, йўлларни қароқчилардан сақлаш

27. Ҳукмдорнинг халқ олдига қўйган талаблари қайсилар? Ж: 3 та: фармонлар, қонунлар азиз тутилиши ва сўзсиз

базарилиши, солиқлар вақтида тўлаб турилиши, халқ ҳукмдорнинг дўстини дўст, душманини душман билиши керак

28. Ю.Х.Ҳожибнинг ижтимоий шартнома ҳақидаги фикрларига ким ҳамоҳанг фикр билдирган? Ж: 18-асрда француз адиби Жан Жак Руссо

29. Қайси асар муқаддимасида:

«Бу туркча қўшиқлар тузаттим сенга,

Ўқурда унутма, дуо қил менга»,

– деб ёзилган? Ж: «Қутадғу билиг»

30. «Қовоқ солиб осмон кўзи ёш сочар,

Чечак-майса қувноқ кулиб юз очар».

Ушбу мисралар муаллифи ва унда қўлланган бадий санъатларни топинг. Ж: Ю.Х.Ҳожиб, сифатлаш, жонлантириш, тазод

31. «Қутадғу билиг» асари кимга бағишланган? Ж: Бугрохонга

32. Қайси асар давлатни идора этиш усули, ҳукмдор ва халқ муносабатлари, жамият ҳаёти, ундаги табақалар тавсифи, касб-кор эгалари ва уларга хос хусусиятлар ҳақида? Ж: «Қутадғу билиг»

33. «Қутадғу билиг»нинг қайси қаҳрамони мудраб бо- раётган туйғуларни сергаклантиради, беҳуда ишлар билан банд бўлиш, ҳар хил майда-чуйда орзу-ҳавасларга овуниб қолишдан огоҳлантиради? Ж: Ўзғурмиш

34. «Қутадғу билиг»да Ўзғурмиш Кунтуғдиннинг сарой- га келиш ҳақидаги нечта таклифини рад этади? Ж: 3 марта

35. «Қутадғу билиг» муаллифи нимани инсонлар йўлини ёритувчи машъалага қиёслайди? Ж: Илми

36. Қайси асарни эл-юрт, ватан мадҳияси дейиш мум- кин? Ж: «Қутадғу билиг»ни

37. *Киминг давлати баш кўтурса ўру,*

Қамуг эзгу қилгу будунқа тўру,

– мисраларидаги будун сўзининг маъносини топинг. Ж:

Халқ

38. Қайси асарда «Юртда низом ва қоида устувор бўлиб, шу даражада адолат қарор топадики, хазина олтинга тўлиб, кўзи бўри билан ёнма-ён омонликда яшай бошлайди», дейилди? Ж: «Қутадғу билиг»да

39. «Қутадғу билиг»нинг қайси қаҳрамони номи «хушёр қилувчи», «сергаклантирувчи» маъносини билдиради? Ж: Ўзғурмишнинг

40. «Қутадғу билиг»да ишлатилган «элу кун» сўзи қандай маънони билдиради? Ж: Элу халқ, юрт, ватан тушунчасини

41. Қайси шоир ҳукмдор ўрта бўйли, кўркам, хушмуомала ва албатта, ақлли бўлиши лозим, деб ҳисоблайди? Ж: Юсуф Хос Ҳожиб

42. Қайси асарнинг «Кириш» қисмида баҳор мадҳига бағишланган махсус боб бор? Ж: «Қутадғу билиг»да

43. Қайси шоир ижодида кўнгил ўқ ва ёйга ўхшатилади? Ж: Ю.Х.Ҳожиб

44. «Қутадғу билиг»да ҳамма қимирлаган жонга булардан манфаат бўлади, жамики тириклар буларга ҳожатманд бўлади, деб кимлар таърифланган? Ж: Деҳқонлар

Дидактик дoston

1. «Дидактика» сўзининг маъноси? Ж: Юнонча бўлиб, «ўқитадиган, ўргатадиган» маъносига эга

2. Дидактик дoston деганда қандай дostonлар назарга олинади? Ж: Панд-насиҳат руҳидаги асар

3. Дидактик дoston ҳақида ким маълумот берган? Ж: Маҳмуд Қошғарий «Девону луғотит турк» асарида

4. Туркий адабиётдаги илк дидактик дostonлар қайси? Ж: «Қутадғу билиг» ва «Ҳибат ул-ҳақойиқ»

5. Маснавий қандай маънони билдиради? Ж: Иккилик

6. Форс тилидаги маснавийларнинг илк машҳур намунаси қайси? Ж: Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари

7. Туркий тилдаги илк бадий дoston? Ж: «Қутадғу билиг»

Аҳмад Югнакий

1. Қайси шоир кўпроқ Адиб Аҳмад номи билан машҳур бўлган? Ж: Аҳмад Югнакий

2. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг нечта нусхаси етиб келган? Ж: 5 та

3. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг энг эски нусхаси қайси? Ж: Самарқандда Зайнул Обидин деган хаттот томонидан кўчирилган бўлиб, 1444 йилда Туркияга бориб қолган

4. Ким Туркиядаги «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг нусхасидан иккита нусха кўчирган? Ж: 1480 йилда Абдураззоқ бахши деган киши Туркияга бориб, ундан араб ва уйғур ёзувида 2 нусха кўчирган

5. «Ҳибат ул-ҳақойиқ» Туркияда қайси ном билан машҳур? Ж: «Атебат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар эшиги»)

6. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг юртимизда ўрганган олимлар? Ж: Қ.Каримов, Қ.Маҳмудов

7. Асар кимга бағишланган? Ж: Дод Сипоҳсолорбекка

8. «Сипоҳсолор» сўзининг маъноси? Ж: Бош қўмондон

9. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг ҳажми? Ж: 256 байт, 512 мисра

10. Қайси асарда суякнинг қиммати унинг ичида илиги борлигида, одамнинг одамлиги билими борлигида. Билими йўқ киши илиги йўқ суяк кабидир дейилади? Ж: Ҳибат ул-ҳақойиқ

11. Қайси асарда *«Дунё бир қўли билан асал тутса, иккинчи қўли билан заҳар тутади. Бу дунё–илон. Аврайди, алдайди, қўйнингга кириб олади ва заҳрини қуяди. Унга кўнгли бермоқ ақлдан эмас. Бахт–омонат. У қушдек учиб юради. Ҳеч кимнинг бошида узоқ турмайди»*, дейилади? Ж: «Ҳибат ул-ҳақойиқ»

12. Навоий Аҳмад Югнакийга қайси асарида махсус тўхтайтиди? Ж: «Насойим ул-муҳаббат»да

13. «Адиб Аҳмад ҳам турк элидин эрмиш. Анинг ишида гариб нималар манқулдур. Дерларки, кўзлари бутув эрмишки, асло зоҳир эрмас эмиш. Басир бўлиб, ўзга басирлардек андоқ эрмас эрмишки, кўз бўлғай ва кўрмас бўлғай». Ушбу фикрлар кимники ва ким ҳақида? Ж: Навоий Аҳмад Югнакий ҳақида

14. «...лубё (ловия)га илик суртубтур ва дебутурки, қўй буйрагига ўхшайдур ва нахуд(нўхат)ни бармоги била си-
лаб, дебутурки, итолгу бошига ўхшар». Ушбу фикрлар ким-
ники ва ким ҳақида? Ж: Навоий Аҳмад Югнакий ҳақида

15. Қайси асарда беҳуда сўз обрўни тўкади, аччиқ тил бошга етади. Кам сўзламоқ билан биргаликда тўғри сўзла-
моқ керак, дейилади? Ж: «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да

16. Қайси асарда тўғри сўз асалга, ёлғон сўз саримсоқ пиёзга ўхшатиладиган? Ж: «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да

17. Қайси асарда бахиллик дори биян тузатиб бўлмайдиган касалликдир. Бахиллик ҳарислик билан ёнма-ён туради. Бахил мол-дунёга қулдир. Сахийга эса мол-дунё қулдур, дейилади? Ж: «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да

18. Аҳмад Югнакий ҳақида ким «Анинг тили турк алфози (сўзлари) била мавоиз (ваъзлар)у насойиҳ (насиҳатлар)га гўё (бийрон, етук) эрмиш. Хейли элнинг муқтадоси (пири) эрмиш. Балки аксар турк улусида ҳикмату нукталари шоеъ (машҳур)дир» деб ёзган? Ж: А.Навоий

19. «Ҳибат ул-ҳақойиқ» матнида қанча сўзлар арабча ва форсча? Ж: 15-20 фоизгача

20. Қайси асар бошидан охиригача таъриф-таъсифга қурилган? Ж: «Ҳибат ул-ҳақойиқ»

21. Кимнинг фикрича, бахтга етишишнинг йўли битта: у ҳам бўлса илмдир? Ж: Аҳмад Югнакийнинг

22. Қайси асарда «тилингни тий, тишинг синмасин, Агар ўйламай сўзлаб юборсанг, тишингни синдиради» дейилади? Ж: «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да

23. Қайси асарда «Неки келса эрка тилитин келур, бу тилтин ким эзгу, ким ақир бўлур» дейилади? Ж: «Ҳибат ул-ҳақойиқ» да

24. Қайси шоир дунёни одамлар бир қўниб ўтиб кетадиган карвонсарой (работ)га ўхшатади? Ж: Аҳмад Югнакий

25. «Ахи бўл, санга сўз сўкунч келмасун, сўкунч келгу йўлни ахилик тийур» (Сахий бўл, сенга лаънат келмасин, саховат лаънат йўлни беркитади). Ушбу мисралар қайси асардан олинган? Ж: «Ҳибат ул-ҳақойиқ»дан

26. «Емишсиз йиғочтек карамсиз киши.

Емишсиз йиғочни кесиб, ўртагил».

Ушбу мисралар қайси асардан олинган? Ж: «Ҳибат ул-ҳақойиқ»дан

27. «Жафо қилдачингга янут қил вафо, Аримас, неча ювса, қон бирла қон». Ушбу мисралар қайси асардан олинган? Ж: «Ҳибат ул-ҳақойиқ»дан

28. «Ҳибат ул-ҳақойиқ» қайси вазнда ва қандай шаклда ёзилган? Ж: Мутақориб баҳрида, тўртликлар билан ёзилган

29. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да қанча сўз қўлланган? Ж: Мингга яқин

30. «Очун кулчирар боз алин қош четар, бир илкин тутуб шаҳд, бири заҳр қотар» мисраларида қандай бадий санъат ишлатилган? Ж: Ташхис–жонлантириш

31. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг 1-бўлими нима ҳақида? Ж: Илм манфаати, жаҳолатнинг зарари ҳақида

32. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг 2-бўлими нима ҳақида? Ж: Тилни тийиш ва ахлоқ-одоб ҳақида

33. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг 3-бўлими нима ҳақида? Ж: Дунёнинг ўзгариб туриши ҳақида

34. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг 4-бўлими нима ҳақида? Ж: Саховат ва бахиллик оқибати ҳақида

35. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг 5-бўлими нима ҳақида? Ж: Тавозелик манфаати, кибрлик ва ҳарисликнинг зарари ҳақида

36. Қайси асарда «Сенга жафо қилувчига сен вафо билан жавоб қил, қонни қон билан қанча ювса ҳам, у аримайди» дейилади? Ж: «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да

37. Қайси асарда «Бир кишида икки нарса бўлса, у кишига муруват йўли ёпилди. Биринчидан, беҳуда сўзлар билан вайсаса, иккинчидан, бу кишининг сўzlари ёлгон бўлса» дейилади? Ж: «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да

38. «Алигланса тутнуб газаб инад ўти, ҳалимлик сувин сочул ўтни ўчир». Ушбу мисрлар қайси асардан олинган? Ж: «Ҳибат ул-ҳақойиқ»дан

Аҳмад Яссавий

1. Аҳмад Яссавийни ким «Пири Туркистоний» деб атаган? Ж: Фаридиддин Аттор

2. Аҳмад Яссавийни ким «Шайхул-машойих» (шайхлар шайхи) деб атаган? Ж: Алишер Навоий

3. Кимни ўз юртида «Ҳазрати султоним» деб аташган? Ж: Аҳмад Яссавийни

4. Яссавий ҳақидаги маълумотларни биринчи марта тўплаб жиддий тадқиқ этган олим? Ж: Туркиялик олим Муҳаммад Фууд Кўпрулзода

5. Аҳмад Яссавий ҳақида кимлар мақолалар эълон қилган? Ж: Фитрат, Э.Рустамов

6. Сайрам шаҳри қандай аталган? Ж: Исфижоб, «Мадина-ул-байзо» (Оқ шаҳар)

7. Яссавий фарзандларининг исми? Ж: Ўғли: Иброҳим, Қизлари: Гавҳари Шаҳноз, Гавҳари Хушноз

8. Яссавийнинг ҳозиргача яшаётган авлодлари қайси фарзандидан тарқалган? Ж: Гавҳари Шаҳноз

9. Аҳмад Яссавийнинг биринчи халифаси ким эди? Ж: Арслонбобнинг ўғли Мансур ота

10. Аҳмад Яссавийнинг иккинчи халифаси ким эди? Ж: Хоразмлик Саид ота

11. Аҳмад Яссавийнинг учинчи халифаси ким эди? Ж: Ҳақим ота (Сулаймон Боқирғоний)

12. Яссавия тариқатининг иккинчи номи? Ж: Жаҳрия

13. «Жаҳрия» сўзининг маъноси? Ж: Ошкор қилмоқ, банд овоз билан ўқимоқ

14. «Фақринома» кимнинг асари? Ж: Аҳмад Яссавийнинг

15. «Девони ҳикмат» асарининг муаллифи? Ж: Аҳмад Яссавийнинг

16. Туркиядаги дарвешлик-қаландарлик тарихи кимнинг номи билан боғлиқ? Ж: Аҳмад Яссавий

17. Яссавий ҳикматларининг сони? Ж: 250 атрофида

18. Аҳмад Яссавий бир шеърида нечта ҳикмат айтганини ёзади? Ж: 4400 та

19. Аҳмад Яссавий ҳақида ким икки китобдан иборат роман ёзган? Ж: Саъдулла Сиёев

20. Яссавийнинг ҳикматларини ва у ҳақдаги тадқиқотларни нашр этиш Ўзбекистонда нечанчи йилдан кенг йўлга қўйилди? Ж: 1991 йилдан кейин

21. Қайси олим 1972 йилда Яссавий ҳақида мақола ёзиб, шўро идоралари томонидан исканжага олинди? Ж: Э.Рустамов

22. Аҳмад Яссавийнинг отаси ким бўлган? Ж: Иброҳим шайхлик мартабасида бўлган, ҳазрат Али авлодаларида бўлганлиги нақл қилинади

23. Онаси ким бўлган? Ж: Ойша шайх Иброҳимнинг шогирдларидан бўлган Муса шайхнинг қизи

24. Яссавий илк сабоқни кимдан олган? Ж: Арслонбоб исмли шайхдан

25. Арслонбоб ривоятларга кўра неча йил яшаган? Ж: Пайғамбаримиз асҳобларидан бўлиб, 400 йил яшаган. У Муҳаммад пайғамбарнинг Яссавийга атаб берган омонатлари – бир дона хурмони неча юз йиллар тишининг ковагида асраб келади ва етти яшар Аҳмадга топширади

26. Яссавий Арслонбоб вафотидан сўнг кимнинг қўлида таҳсил олади? Ж: Юсуф Ҳамадонийдан

27. Юсуф Ҳамадонийнинг биринчи халифаси ким бўлган? Ж: Шайх Абдуллоҳ Барқий

28. Юсуф Ҳамадонийнинг иккинчи халифаси ким бўлган? Ж: Шайх Ҳасан Андоқий

29. Юсуф Ҳамадонийнинг учинчи халифаси ким бўлган? Ж: Шайх Аҳмад Яссавий

30. Аҳмад Яссавий «ишорати ғайбия» (илоҳий ишорат) билан ўз ўрнини кимга топшириб, ўзи Яссига қайтади? Ж: Абдухолиқ Фиждувонийга

31. Аҳмад Яссавий Бухорода кимдан таҳсил олади? Ж: Юсуф Ҳамадонийдан

32. Ким Аҳмад Яссавийни 120 йил умр кўрган, деб ҳисоблайди? Ж: Кўпрулзода

33. Ким Аҳмад Яссавийни 125 йил умр кўрган, деб ҳисоблайди? Ж: Гордлевский

34. Амир Темурнинг Анқара жангида Аҳмад Яссавийнинг:

«Ялдо кечани шамъи шабистон этгон,

Бир лаҳзада оламни гулистон этгон,

Бир мушкул ишим тушубтур, осон этки»,

Эй, барчани мушкулун осон этгон»,

– сатрларини 70 марта ўқигани ҳақидаги маълумот қайси китобда келтирилади? Ж: «Воқеоти Темур» асарида

35. Аҳмад Яссавий «Фақринома»да фақирликнинг нечта мақомларини кўрсатиб берган? Ж: 40 та

36. Тасаввуфнинг Аллоҳ томон йўл босқичи қайси? Ж: Тариқат

37. Тасаввуфнинг Аллоҳни таниш босқичи қайси? Ж: Маърифат

38. *«Дунё молин деганлар, жаҳон молин олгонлар,*

Каркас қушдек бўлубон ул ҳаромга ботмишлар»,

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Аҳмад Яссавий
39. Яссавий ҳикматларида қаттиқ танқид қилинадиган нарсани нима? Ж: Нафс

40. Қайси шоир «*Туфроқ бўлгил, олам сени босиб ўтсин*», дейди? Ж: Аҳмад Яссавий

41. Яссавий ҳикматларининг кўпчилиги қандай шаклда ёзилган? Ж: Тўртлик

42. Яссавийнинг ғазал ҳикматларининг ҳажми қанча? Ж: 6 байтдан 13 байтгача

43. Яссавийнинг тўртлик ҳикматларининг ҳажми қанча? Ж: 5 банддан 25 бандгача

44. Қул Убайдий таҳаллуси билан ижод қилган Бухоро хони ким? Ж: Шайбонийхоннинг иниси Муҳаммад Султоннинг ўғли

45. Яссавий ҳақида:

*«Эй, қошифи ҳақойиқ асрори содиқин,
Вей, воқифи дақойиқ, мушкбўйи хориқин».*

– мисраларини ёзган ижодкорни топинг. Ж: Юсуф Сарёмий

46. Яссавий ҳикматларига издош ҳикмат ёзган шоирларни топинг. Ж: Қул Убайдий, Сулаймон Боқирғоний

47. Туркиялик Юнус Эмронинг «Илоҳийлар» деб аталган шеърларининг майдонга келишида кимнинг таъсири кучли бўлган? Ж: Аҳмад Яссавийнинг

48. «Девони ҳикмат»нинг қўлёзма нусхалари қайси асрга тегишли? Ж: 17-асрга

*49. «Дунё менинг деганлар, жаҳон молин олганлар,
Каркас қушдек бўлубон ул ҳаромга ботмишлар».*

– мисраларининг муаллифи ким? Ж: Аҳмад Яссавий

*50. «Ишқ бозори улуғ бозор, савдо – ҳаром,
Ошиқларга сендан ўзга гавго – ҳаром,*

Ишқ йўлига кирганларга дунё – ҳаром.

Ҳар не қилсанг, ошиқ қилгил, парвардигор».

– мисраларининг муаллифи ким? Ж: Аҳмад Яссавий

51. *«Ер остига қочиб кирдим нодонлардин,
Илким очиб, дуо тилаб мардонлардин,
Ғариб жоним юз тасаддуқ донолардин,
Доно топмай, ер остига кирдим mano».*

– мисраларининг муаллифи ким? Ж: Аҳмад Яссавий

52. *«Нафсим мени йўлдин уриб хор айлади,
Термултуруб халойиққа зор айлади».*

– мисраларининг муаллифи ким? Ж: Аҳмад Яссавий

53. *«Бошим туфроқ, ўзим туфроқ, жисмим туфроқ,
Ҳақ васлига етарман деб руҳим муштоқ».*

– мисраларининг муаллифи ким? Ж: Аҳмад Яссавий

54. *«Ғарибликда ғариб булган ғариблар,
Ғариблар ҳолини билган ғариблар».*

– мисраларининг муаллифи ким? Ж: Аҳмад Яссавий

55. Аҳмад Яссавий шеъриятидаги қайси тимсоллар халқ оғзаки ижод аънаналари билан алоқадор ҳолда юзага келган? Ж: Йўл, работ, карвон, ўқ

ҲИКМАТЛАР

1. Ҳикматлар нечанчи асрдан тасаввуфга доир китобларда ишлатилиб келинади? Ж: 10-асрдан

2. Илк яратилган ҳикматлар қандай шаклда бўлган? Ж: Насрий

3. «Ҳикмат» сўзи қандай маънода ишлатилади? Ж: Диний-тасаввуфий йўналишга эга маънодор сўз

4. «Нажҳ ул-фародис» («Жаннатларнинг очиқ йўли») кимнинг асари? Ж: Маҳмуд Булғорий

XII-XIV асрлар адабиёти

1. Мўғуллар ҳақида «Улар ҳеч кимга раҳм қилмас эдилар, хотинларнинг қорнини кесиб, тугилмаган гўдакларнинг бошини кесар эдилар. Уларнинг дастидан омон қолган шаҳар

йўқ. Улар ҳамма жойни хароб қилдилар, бирор нарсанинг олдидан ўтсалар, уни талон-тарож қилар, кўзларига ёмон кўринган барча нарсани ёндирар эдилар», деб ёзган? Ж: Фазлуллоҳ Рашидиддин «Жомеъ ут-таворих» асарида

2. Мўғуллар ҳақида «Мўғуллар шаҳарнинг омборхоналарини очиб, галлаларини ташиб кетдилар. Қуръон сақланган сандиқларни охур қилдилар, мачитларга мешларда шароб келтириб, шаҳарнинг ҳофиз ва ўйинчиларини чорлатиб, базм ва майхўрлик қилдилар», деб ким ёзган? Ж: Фазлуллоҳ Рашидиддин «Жомеъ ут-таворих» асарида

3. Ҳамонки Чингиз топиб зафар,

Анинг мулкин қилди зеру забар.

Не кишвар ароким мақом айлади,

Чекиб тиги кин, қатли ом айлади.

Байтлар муаллифини топинг, Ж: Навоий

4. Ўрта Осиё қачондан мўғуллар асоратига тушиб қолди? Ж: XIII аср бошларида

5. Мўғул босқинчиларининг Ўрта Осиёга бостириб киришига нима баҳона бўлди? Ж: 1218 йили Ўтторр шаҳрида Чингизхон савдогарларидан 450 кишининг қириб ташланиши

6. Жалолоддин Мангуберди мўғулларга қарши неча йил шафқатсиз кураш олиб борди? Ж: Ўн йилдан ортиқ

7. 1221 йили Хоразмда мўғул босқинчиларига қарши мардонавор курашда 76 ёшида ҳалок бўлган машҳур шайх? Ж: Нажмиддин Кубро

8. Мўғул истилочилари даврида қанча қўзғолонлар бўлиб ўтган? Ж: Маҳмуд Торобий бошчилигидаги халқ ҳаракати ва сарбадорлар ҳаракати

9. Сарбадорлар Хуросонда ташкил этган мустақил давлат неча йил ҳукм сурди? Ж: 1337 йилдан 1381 йилгача – 45 йил

10. Мўғул истилосидан кейин Самарқандда қанча киши омон қолган эди? Ж: 100 минг оиладан 25 минг киши

11. Чингизхон Туркистонни қайси ўғлига мулк қилиб берди? Ж: Чигатойга
12. Туркистонга мўғуллар эгаллиги қачонгача давом этди? Ж: 14-асргача
13. Чингизийлар томонидан Хоразмнинг шимолий қисми, Кавказ, Қрим, Дашти Қипчоқ заминида Олтин Ўрда давлатининг қачон барпо қилинди? Ж: 1236-41 йилларда
14. Мўғуллар томонидан ташкил этилган Олтин Ўрда давлатининг илк пойтахти қайси? Ж: Ботусарой – «Эски сарой»
15. Мўғуллар томонидан ташкил этилган Олтин Ўрда давлатининг иккинчи пойтахти қайси? Ж: Беркасарой – «Янги сарой»
16. Туркий бадиий насрни бошлаб берган адиб номини топинг. Ж: Рабғулий
17. «Низомий болидан ҳалво пиширган», яъни Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» достонини форсчадан эркин таржима қилган шоир ким? Ж: Қутб
18. Туркий тилда яратилган илк ишқий дoston қайси? Ж: «Муҳаббатнома»
19. Туркий таржима адабиётининг шаклланишига катта ҳисса қўшган шоир ким? Ж: Қутб
20. Жаннатнинг эшиги юксак ва покиза ахлоқ эгаларигагина очилиши ҳақида ёзиб, асл туркий исломий ахлоқни тарғиб қилган муаллифни топинг. Ж: Маҳмуд Булғорий
21. 14-асрдаги туркий адабиётнинг қайноқ ва марказий нуқтаси сифатида тарихга кирган адабий муҳит? Ж: Олтин Ўрда адабий муҳити
22. Таржимачиликка ҳисса қўшган адибларни топинг. Ж: Сайфи Саройи, Ҳайдар Хоразмий
23. Нечанчи асрлар турк адабиёти тарихида алоҳида ва муҳим босқич бўлди? Ж: 13-14-асрлар
24. Олтин Ўрда адабий муҳити учун хос бўлган асарларнинг муҳим хусусияти қайси? Ж: Тил ва ифоданинг соддалиги, таржималарга катта эътибор берилганлиги

25. 13-14-асрларда қайси жанрлар ривожланиш йўлига кирди? Ж: Қасида, маснавий, соқийнома

26. «Қиссан Юсуф» асарининг муаллифини топинг. Ж: Қул Али

27. «Китоби Жумжума» асарининг муаллифини топинг. Ж: Ҳусам Котиб

28. «Жомеъ ут-таворих» асарининг муаллифини топинг. Ж: Фазлуллоҳ Рашидиддин

29. «Тарихи жаҳонгушой» асарининг муаллифини топинг. Ж: Отамалик

30. «Равзат ул-аҳбоб» асарининг муаллифини топинг. Ж: Фахриддин Банокатий

31. «Нузхат ал-кулуб асарининг муаллифини топинг. Ж: Ҳамидулла Муставфий Қазвиний

Носириддин Рабғузий

1. Қайси ижодкор ўзи ҳақида «...бу китобни тузган, тоат йўлида тизган, маъсият ёбонин кезган, оз озуклуг, кўп ёзуқлуг» деган сўзларни қайд этган? Ж: Рабғузий

2. «...йигитлар ариғи (поки), улуглар отлиғ, қутлуг зотлиғ, эзгу хулқлиғ, ислом ёриқлиғ, мўеул санилиғ, мусулмон динлиғ, одамийлар ишончи, мўминлар қувончи, ҳиммати адиз (юсак), ағли тенгиз» деб таърифланган ҳукмдор қайси? Ж: Носириддин Тўқбўға

3. «Арслон менгизлик сурати», «кўрклиғ сифатлиғ сурати», «туз сўзлаюр. сўзни уқа» деб таърифланган ҳукмдор қайси? Ж: Носириддин Тўқбўға

4. Туркий насрнинг энг қадимги намунаси ҳисобланган асар қайси? Ж: «Қисаси Рабғузий», «Қисас ул-анбийейи туркий»

5. «Қисаси Рабғузий» қачон яратилган? Ж: 1310 йилда

6. «Қисаси Рабғузий» кимнинг топшириғи билан яратилган? Ж: Носириддин Тўқбўғанинг

7. Қиссалар қандай тузилишга эга? Ж: Қаҳрамон ҳақидаги муайян хабар билан бошланади, сўнг метёрий мадҳ, кейин асосий воқеалар баёни келади, баъзи қиссалар ичида мустақил ҳикоя, ривоят ва нақллар бор

8. «Қисаси Рабғузий»да қайси пайғамбарнинг қўлида темир мумдек эрир эди? Ж: Довуд

9. Оллоҳ Довуднинг ҳузурига бир фариштани кимнинг қиёфасида жўнатди ва у Довудга қандай панд берди? Ж: Кампир суратида жўнатди. Довуд ундан оддий халқ либосида бўлиб, «Подшоҳингиз қандай шоҳ?» деб сўраганида, у: «Кишилар молини ейди», деб жавоб берди

10. Қайси ҳикоятдан ҳалолликка, ўз меҳнати билан ҳалол кун кўришга, бошқаларга зулм қилмасликка ундаш гоёси келиб чиқади? Ж: Довуд ҳикоятидан

11. Ўзбек насрида илк бор диалоглардан қайси ижодкор фойдаланган? Ж: Рабғузий

12. «Қисаси Рабғузий»да халқ оғзаки ижодидан таъсирланиш нималарда кўринади? Ж: Суҳбатнинг диалог асосида олиб борилиши, соддалик, донишмандлик, топқирлик, ҳозир-жавоблик фазилатларининг устуворлиги, ифодаларнинг қисқа, аниқ, лўндалиги

13. «Луқмонга хожаси бир куни қўйнинг энг яхши еридан пишириб келишни буюрди. Луқмон қўйнинг тили ва юрагини пишириб келди. Хожа сўради: «Буларни нима учун келтирдинг». Луқмон жавоб берди: «Тил ва юракдан яхшироқ нарса йўқ. Ёвузлик ҳам тил ва юракдандир», деди». Ушбу ибратли ҳикоя қайси асардан келтирилган? Ж: «Қисаси Рабғузий»

14. «Қисаси Рабғузий»да узум уруғини ким ўғирлаган? Ж: Шайтон

15. «Қисаси Рабғузий»да шаробнинг пайдо бўлишида иблиснинг ток дарахтини уч хил нарсанинг қони билан суғорилгани айтилади. Улар қайсилар? Ж: Тулки, йўлбарс, тўнғиз

16. «Қисаси Рабғузий»да сирка ва шиннининг пайдо бўлиши қайси пайғамбар номи билан боғлиқ ҳолда кўрсатилган? Ж: Нуҳ

17. «Қисаси Рабғузий»да қайси ҳикоятда инсон хаёлотининг имконлари мадҳ этилади? Ж: Намруд ҳикояти

18. Чоғир (ичкилик)нинг пайдо бўлиши кимнинг номи билан боғлиқ? Ж: Шайтоннинг

19. Рабғузий шайтонни «Шайтони малъун» деб таърифлайди. «Малъун» сўзининг маъноси нима? Ж: Ҳайдалган, лаънатланган

20. Сулаймон пайғамбар Довуд пайғамбарнинг нечанчи ўғли эди? Ж: Ўн иккинчи

21. Сулаймон пайғамбар қандай тирикчилик қилган? Ж: Тол новдаларидан сават тўқиб

22. Ғазал мақтаъсиди илк бор тахаллусни қўллаган шоир? Ж: Рабғузий

23. Туркий тилда илк бор ғазал ёзган шоир? Ж: Рабғузий

24. «*Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам наврўзи, Кечди баҳман замҳарир қиш қолмади қори, бузи*» деб бошланувчи ғазалнинг вазни? Ж: Рамали мусаммани маҳзуф

25. «*Кўкда ўйнар, қўл солишур қуғу, гоз қил қарлуғоч. Ерда югуруб жуфт олишур ос тийин киш қундузи*».

Тагига чизилган сўзларнинг маъносини топинг. Ж: Қуғу – оққуш, қил – қилқуйруқ, қарлуғоч – қалдирғоч, ос – оқ сувсар, тийин – олмахон, киш – қундузнинг бир тури

26. «Қисаси Рабғузий»даги қайси қиссаларда халқ оғзаки ижодининг таъсири яққол кўринади? Ж: Луқмони Ҳаким қиссаси, Довуд қиссаси, Сулаймон қиссаси

27. «Қисаси Рабғузий»даги қайси белгилар халқ оғзаки ижоди таъсирида юзага келган? Ж: Тасвирдаги муболаға, хаёлотга кенг ўрин берилгани, сеҳрли ҳодисалар тавсифи, баёндаги эртакона оҳанг

28. «Қисаси Рабғузий»да қиссалар таркибидаги ҳикоялар қандай вазифани бажаради? Ж: Муайян воқеа-ҳодисалар ёки алоҳида қаҳрамонларга хос фазилатларни изоҳлаш

29. «Қисаси Рабғузий»даги ҳикоятларда қайси усул етакчилик қилади? Ж: Таъриф-тавсиф усули

30. «Қисаси Рабғузий»даги қайси ҳикоятда диалог усули етакчилик қилади? Ж: «Узум ҳикояти», «Илон ва қарлуғоч», «Сулаймон қаринчқа билан сўзлашгани»

31. Дарахт маъносини туркий тилдаги қайси сўз ифодалаган? Ж: Йиғоч, оғоч

32. «Қисаси Рабғузий»даги ҳикоятларда халқ оғзаки ижодига мансуб қайси жанрга хос тасвир усуллари кўзга ташланади? Ж: Латифа

33. «Қисаси Рабғузий»даги Намруд ҳикоятида Намруд кўкка нима ёрдамида чиқди? Ж: 4 та қарқас ёрдамида

34. «Қисаси Рабғузий»да Сулаймон пайғамбар билан сўзлашган чумолининг оти нима? Ж: Манзара

35. «Қисаси Рабғузий»да Сулаймон пайғамбар билан сўзлашган чумоли Сулаймондан бир неча масала сўрайди. У Сулаймоннинг қайси гапидан кейин уни бахил экансан, деб қоралайди? Ж: *Бир мулк тиладимки, андоғ мулк ҳеч кимга берилмиш йўқ*

36. «Қисаси Рабғузий»да Сулаймон пайғамбар билан сўзлашган чумоли Сулаймонга қайси гапидан сўнг, олам елдек ўтар, анинг борича иши беҳудадир. Елнинг вужуди бўлмас, ҳамма ишлари фонийдир, дейди? Ж: Шамолни мусаххар қилиб берди

УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

XIV асрнинг иккинчи ярмидан 17-асргача бўлган адабиёт

1. Ким Самарқандни «фирдавсмонанд» (жаннатмисол) деб атаган? Ж: А.Навоий
2. 14-асрнинг энг муҳим сиёсий, маданий марказларидан бири бўлган шаҳарни топинг. Ж: Кеш
3. Қадим Юнон тарихчилари қайси шаҳарни Ксеннипа деб атаган? Ж: Кеш
4. Темурийлар салтанати Хуросон ва Мовароуннаҳрда неча йил ҳукмронлик қилди? Ж: 137 йил
5. Тарихда падаркуш деб ном олган ҳукмдорларни топинг. Ж: Абдулатиф, Абдулмўмин
6. Самарқанд қачон дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди? Ж: 15-асрнинг 1-ярмида
7. Жаҳонгир Темур қайси сарой пештоғига «*Сен бизнинг қудратимизга шубҳа қилсанг, иморатларимизга назар сол*» деб ёздирган? Ж: Оқсарой
8. «*Аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис (хусусан) Ҳури (Ҳирот) шаҳри мамлу (тулган) эди*», деб қайси ижодкор ёзган? Ж: Бобур
9. Навоий қурдирган мадрасаларни топинг. Ж: «Ихлосия», «Низомия», «Хусравия»
10. Навоий қурдирган шифохоналарни топинг. Ж: «Халосия», «Шифоия», «Фаноия»
11. Навоий қайси асаридан рад этиб бўлмайдиган илмий далиллар асосида турк тилининг афзалликларини кўрсатиб берди? Ж: «Муҳокамат ул-луғатайн»
12. Темур ва темурийларга бағишланган асарларни топинг. Ж: 1) «Зафарнома» 2) «Зубдат ут-таворих» 3) «Матлаъ ус-садайн» 4) «Равзат ус-сафо»

13. Етти жилддан иборат «Равзат ус-сафо» асарининг муаллифини топинг. Ж: Мирхонд

14. «Матлаъ ус-садайн» асарининг муаллифини топинг. Ж: Абдураззоқ Самарқандий

15. Султон Ҳусайн кутубхонасининг бошлиғини топинг. Ж: Мавлоно Соҳибдоро

16. Навоий даврида хат ёзишнинг нечта тури қайд этилган эди? Ж: 36 тури

17. Муסיқа илмига доир рисола ёзган шоирларни топинг. Ж: Жомий, Камолиддин Биноий, Бобур

18. Хаттотликда ким шуҳрат топган эди? Ж: Султонали Машҳадий

19. Биноларни безашда кимнинг овозаси ёйилди? Ж: Мирак наққошнинг

20. Тасвирий санъатда ким ўз мактабини яратди? Ж: Камолиддин Беҳзод

21. Навоий нечта работ, ҳовуз, кўприк, ҳаммом қурдирган? Ж: 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом

22. Навоийга бағишлаб ёзилган асарни топинг. Ж: Хондамир, «Макорим ул-ахлоқ» («Яхши хулқлар»)

23. 1486 йилда тузилиб, 150 дан ортиқ шоирлар ҳақида маълумот берувчи тазкира ва унинг муаллифини топинг. Ж: Давлатшоҳ Самарқандий, «Тазкират уш-шуаро»

24. Қайси асарда 15-асрнинг охири, 16-асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган машҳур фан, маданият арбобларининг ҳаёти ҳамда фаолияти билан боғлиқ ибратли ҳикоялар келтирилган? Ж: Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» («Гўзал воқеалар») асарида

25. Абдурахмон Жомий ўғли Зиёвиддин Юсуф учун қайси асарни ёзган? Ж: «Баҳористон»

26. Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ал-балоға» асари нима ҳақида? Ж: Туркий тилда шеърят қоидалари ҳақида

27. Эрон олимлари «илми сегона – билимлар учлиги» деганда қайси илмларни назарда тутган? Ж: Илми аруз, илми қофия, илми бадеъ

28. Шеърда таъсирчанликни таъминловчи поэтик образ ва ифода воситаларини ўрганувчи соҳа? Ж: Илми бадеъ

29. Туркий тилда биринчи марта шеър илмига бағишлаб ёзилган асар? Ж: Аҳмад Тарозий, «Фунун ал-балоға»

30. «Таржимон ул-балоға» («Сўзамоллик тилмочи») асарининг муаллифини топинг. Ж: Муҳаммад Родуёний

31. «Ал-мўъжам фи мағоирил ашъорил-Ажам» («Ажам шеърининг меъёрлари мажмуаси») асарининг муаллифини топинг. Ж: Муҳаммад бин Қайс Розий

32. «Канзул-ғаройиб» («Ғалати гапларнинг хазинаси») асарининг муаллифини топинг. Ж: Аҳмад Мансур Самарқандий

33. «Ҳадоийқ ус-сеҳр фи даҳойиқ уш-шеър» («Шеърнинг нозиклигида сеҳр боғлари») асарининг муаллифини топинг. Ж: Рашидиддин Ватвот

34. Илм ва маданият маркази қачон Ҳиротга кўчди? Ж: 15-асрнинг 2-ярмида

35. 1566 йилда тузилган Ҳасанхўжа Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб» тазкирасида нечта шоир ҳақида маълумот бор? Ж: 300 га яқин

36. Темурнинг набираси Султон Искандарнинг Ҳайдар Хоразмийдан ўтказиб туюқ айтгани қайси тазкирада қайд этилган? Ж: «Мажолис ун-нафоис» да

37. Темурийларнинг қайсиниси девон тартиб этган шоир ҳисобланади? Ж: Ҳалил Султон

38. Қайси темурий султон Фирдавсий «Шоҳнома»сини ўз қўли билан кўчирган? Ж: Бойсунқур Мирзо

39. Навоий қайси шоирни туркигўйларнинг «машоҳири» (машҳури) деб тилга олган? Ж: Ғадой

40. «Юсуф ва Зулайҳо» номли дoston ёзган шоирни топинг. Ж: Дурбек

41. «Ўқ ва ёй» мунозараси билан шуҳрат қозонган шорни топинг. Ж: Яқиний

42. Адабиёт қачон эътиборан ҳар томонлама ривожланди? Ж: 15-асрнинг 2-ярмидан

43. Шеърини жанрлар ичида энг тарқалгани қайси эди? Ж: Ғазал

44. Ғазал араб адабиётида қачон пайдо бўлган? Ж: 8-9-асрда

45. Ғазал форс адабиётига қачон ўтган? Ж: 10-асрда

46. Ғазал нечанчи асрда туркий адабиётга кириб келди? Ж: 14-аср бошларида

47. Ким Навоийни «ғазал мулкининг султони» деб атаган? Ж: Мақсуд Шайхзода

48. Навоий нечта муаммо ёзган? Ж: 500 га яқин

49. Кимлар рубоий жанрининг бетимсол намуналарини яратдилар? Ж: Навоий ва Бобур

50. «Муаммо» сўзининг маъноси? Ж: Арабча бўлиб, «кўр қилинган, беркитилган» маъноларини билдиради

51. Муаммонинг асосий хусусияти қайси? Ж: Бирор фикр, ном ёки хусусиятнинг яшириб берилиши

52. Муаммо нечта маъно асосига қурилади? Ж: 2 та: биринчиси – ташқи-чалғитувчи маъно, иккинчиси-ички-асосий маъно

53. «*Хаст дар силсилаи хоқоний.*

Муҳрдореки надорад соний»,

– муаммосининг муаллифини топинг. Ж: Зайниддин Восифий

54. Мажлисийнинг халқ оғзаки ижодидан олиб ёзилган асарини топинг. Ж: «Қиссайи Сайфулмулк»

55. Қайси асарда темурийлар билан шайбонийлар орасида кечган кураш воқеалари ёритилган? Ж: «Шайбонийнома»

56. 15-асрда адабий давраларда иштирок этадиган ҳар бир киши салафлардан неча мисра шеър ёд олган бўлиши керак эди? Ж: 40 минг мисра

57. 15-асрда адабий давраларда иштирок этадиган ҳар бир киши замондош шоирлардан неча мисра шеър ёд олган бўлиши керак эди? Ж: 20 минг мисра

58. 15-асрда насрнинг қайси жанри тараққий этди? Ж: тарихий-бадиий мемуар жанри

59. Мемуар жанрида ёзилган асарларни топинг. Ж: Навоийнинг «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Хамсат ул-мутахаййирин», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарлари, Бобурнинг «Бобурнома» асари

60. Зайниддин Восифий кимни ёмонлаб муаммо ёзган? Ж: Кўчкунчихоннинг муҳрдори Хожа Юсуфни

Атойи

1. Қайси шоир ғазалида гўзал ёр хокисор ошиқнинг юзига оёғини босган экан, оёғи оғрибди, «юзинг бунча бўйрадек дағал бўлмаса» деб нозланганлиги ҳақида сўз боради? Ж: Атойи

2. Қайси шоир бир ғазалида ёрининг соғинган ошиқнинг кўзидан ёш эмас, дарё оқаётгани, у киприкларидан сол ясаб, мана шу дарёда сузаётгани манзарасини чизади? Ж: Атойи

3. Атойининг қайси шеърида киприклари супурги (жориб), юзини хокандоз қилишга тайёр ошиқ қолати акс этади? Ж: «Бегим» радифли шеърида

4. Ким Атойининг Балхда яшагани тўғрисида маълумот берган? Ж: Навоий

5. Атойидан бизгача етиб келган ғазаллар сони нечта? Ж: 260 та

6. Навоий қайси шоирни «*Исмоил ота фарзандларидан-дур, даряешваш ва хушхулқ, мунбасит (оққўнғил) киши эрди. Ўз замонасида шеъри атрок (турклар) орасида кўп шухрат тутти*» деб баҳолайди? Ж: Атойини

7. Навоий Атойини «туркона айтур эди» деб таърифлайди. «Туркона» деганда нима назарда тутилган? Ж: Чийратмай, тўғри, оддий ифода йўсинидан фойдаланиш

8. Қайси шоир ёр юзини мусҳаф – Қуръонга, менг – хо-
лини оятга ўхшатган? Ж: Атойи

9. Қайси шоир ёрнинг гўзаллиги, тиниқлиги, покизалиги
шунчаликки, у қўлини сувда ювиб тозаламайди, балки
қўлини ювиб сувни поклайди, деб таърифлайди? Ж: Атойи

10. Қайси шоир ижодида гоҳ-гоҳ кўзга кўриниб турувчи
сув париси тасвирланган? Ж: Атойи

11. Мумтоз адабиётимизда Яқубнинг айрилиқдаги ҳаёти
қандай номланади? Ж: Байтул-ҳазан

12. Атойининг:

«Узун сочингдан узмасмен кўнгулни,

Аёгинг қанда бўлса, бошим анда»,

– байтида қайси санъатдан фойдаланилган? Ж: Тазод,
иштиқоқ

13. Атойи ғазалларида ишлатилган «озод» сўзининг маъ-
носини топинг. Ж: Тик, чиройли ўсган сарвга аниқловчи

15. *«Бу кун васлингни тарк айлаб, тилар жаннат зоҳидлар,
Берурлар насъга нақдни, бу не нодон халойиқдур?»*

– байтининг муаллифини топинг. Ж: Атойи

16. *«Ғунча севуниб тўнига сизмас,*

Ўхшатсам, ўқинг башоқи бирла»,

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Атойи

17. *«Эй орази шамсу қамарим, нети, не бўлди?*

В-эй тишлари дурру гуҳарим, нети, не бўлди?»

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Атойи

18. *«Қароқчи кўзларин ким кўрса айтур:*

«Ажаб, айёри Туркистонмудур бу?»

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Атойи

19. *«Кўнгулни олгали зулфунг каманди,*

Паришон бўлди гамдин банди-банди»,

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Атойи

20. *«Қон бўлди кўнгулу фироқ бирла,*

Куйди жоним иштиёқи бирла»,

- мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Атойи
 21. «Эй бегим, ушбу юз, дегул, шамс била қамармудур?
 Эй бегим, ушбу сўз дегул, шахд била шакармудур?»
- мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Атойи
 22. «Лабинг қоним тўкарга ташналабдур,
 Дами Исо-ю ўлтурмак ажабдур»,
- мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Атойи
 23. «Спехри ҳусн ичинда моҳ сен-сен,
 Замона хўбларига шоҳ сен-сен»,
- мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Атойи
 24. «Сени мен онгладим, бевафо эмиштуксен,
 Кўнгулга офату жонга бало эмиштуксен»,
- мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Атойи
 25. «Менгиз ё равзайи ризвонмудур бу?
 Оғиз ё ғунчайи хандонмудур бу?»
- мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Атойи
 26. Қайси шоир ёрнинг қоп-қора сочини лайлатулқадр-
 га, оппоқ юзини эса субҳи содиққа ўхшатади? Ж: Атойи
27. «Ҳажрингда, бегим, оҳ дегумдур даги ўлгум,
 Имоним ўшал моҳ дегумдур даги ўлгум»,
- мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Атойи
 28. Навоийнинг маълумот беришича, Балхда яшаган,
 Мирзо Улуғбек саройида хизмат қилган, ҳозирги Қозоғис-
 тоннинг Турбат қишлоғида унга нисбат берилган қабр бор.
 Ушбу маълумотлар қайси шоир ҳақида? Ж: Атойи

Ғазал

1. Мумтоз адабиётда қайси жанр шоирнинг салоҳияти кўламини англатувчи асосий жанр ҳисобланади? Ж: Ғазал
2. Ўтмишда қайси жанрда шеър ёзмаган шоир девон тартиб беролмаган? Ж: Ғазал
3. Иккинчи байти ҳам ўзаро қофияланиб келган ғазал қандай номланади? Ж: Ҳусни матлаъ, зеби матлаъ

4. Ўзбек адабиётида ғазалнинг неча байтдан иборат намунаси учрайди? Ж: 5 байтдан 21 байтгача

5. Ғазалда ишлатиладиган «мақтаъ» сўзининг маъноси нима? Ж: Кесилиш

6. Ўзбек адабиётида ғазал илк бор кимнинг асарида алоҳида жанр сифатида қўлланган? Ж: Хоразмий

7. Ўзбек адабиётида ғазалнинг дастлабки намунасини яратган шоир? Ж: Рабғузий

8. Ғазалда ишлатиладиган «матлаъ» сўзининг маъноси нима? Ж: Чиқиш

9. Ғазалнинг ўзаро қофияланувчи биринчи байти қандай номланади? Ж: Матлаъ

10. Ҳар бир ижодкорнинг мақоми нима билан белгиланади? Ж: Ғазалчиликдаги маҳорат даражаси билан

Саккокий

1. Қайси шоирнинг адабий тахаллуси «пичоқчи» маъносини билдиради? Ж: Саккокий

2. Навоий қайси шоирни «*Турк алфози (сўзлари)нинг буллаго (балогатга эришган)ларидан*», деб баҳолайди? Ж: Саккокийни

3. Саккокий қайси ҳукмдорларга атаб қасида ёзган? Ж: Халил Султон, Арслон Хўжа Тархон, Хўжа Муҳаммад Порсо, Мирзо Улуғбекка

4. Қайси ҳукмдор Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарини кўчиртирган шахс сифатида тарихда қолган? Ж: Арслон Хўжа Тархон

5. Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида қайси шоир ҳақида «Самарқанд аҳли онга кўп муътақиддурлар (эътиқод қўйганлар) ва бағоят таърифин қилурлар» деб ёзган? Ж: Саккокий

6. Саккокий девонидаги қайси ҳарф билан туговчи ғазаллари йўқ? Ж: «Алиф»дан «нун»гача бўлган ҳарфлар ва «вов» билан тугалланувчи ғазаллар

7. Бизгача Саккокийнинг нечта қасидаси етиб келган?
Ж: 11 та

8. Бизгача Саккокийнинг нечта ғазали етиб келган? Ж:
40 та

9. *«Юзингни кўрса, қилур гул ўзини юз пора,
Хўтан ёзисиди оҳу кўзингдин овора»,*

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Саккокий

10. *«Эй сарвиноз, сен менинг кўз ёшларимга бир назар сол,
Оқар сувга қараса, кўнгил равшан бўлади, дейдилар-ку»,*

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Саккокий

11. *«Агар Рум аҳлини зулфунг ҳабашнинг аскарин солса,
Кўнгил илгингда ул соат топилмас ҳеч амон, эй жон»,*

– мисраларининг асосий маъносини топинг. Ж: Агар оқ
юзингга қора сочларинг ёйилса, ўша соатлардаёқ кўнгил
мағлуб бўлади

12. Қайси шоир ҳайит оқшоми томошасига чиққанигда
қайрилма қошингни кўриб, осмон уч кунлик ой (ниҳол)ни эта-
гига яширди, деб ёр гўзаллигини улуғлайди? Ж: Саккокий

13. *«Агар қошимда ўшал гулузор бўлса эди,*

Ғаме йўқ эрди, ғамим гар ҳазор бўлса эди.

Жоним фидоси анинг қошки менинг бу таним,

Оти тугёгидан учқон губор бўлса эди»,

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Саккокий

14. *«Гар ҳажринг ўти жону жигарга ёқа келди,*

Жонимга не хуш шарбати васлинг ёқа келди»,

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Саккокий

15. Қайси ижодкор ҳуру пари сингари илоҳиёт оламига
дахшдор зотларни банди қилишга қодир ҳусн эгасининг қома-
тини оддийгина толга ўшатади? Ж: Саккокий

16. *«Ким кўрса анинг юзини айтур,*

Не турфа эрур бу турк балоси?

Туркона ир ирлагунча онинг,

Куйдурди мени ялай-булоси»,

– деб ёзган шоир ким? Ж: Саккокий

17. «*Ўларда қолмагай эрди кўнгулда бу ҳасрат,
Рақиб ит биким эшикда зор бўлса эди*»,

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Саккокий

18. «*Ойдуру сенинг олингда бу кун бир ҳабаший қул,
Тонса, юзида зоҳир ўлур доғ нишони*»,

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Саккокий

19. «*Сендек жаҳонда кўзлари айни бало қани?
Мендек анинг балоси била мубтало қани?*»

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Саккокий

20. «*Ким кўрса анинг юзини айтур,
Не турфа эрур бу турк балоси?*»

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Саккокий

21. «*Эй гул, юзингга ҳуру пари бандайи жони,
Толтек бўйунг озоди эрур сарви равони*»

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Саккокий

22. «*Юзумни олтин этти сенинг ишқинг, эй санам,
Мундоқ боқони олтин этар кимё қани?*»

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Саккокий

23. Саккокий Улуғбекка бағиштаб нечта қасида ёзган? Ж: 4 та

24. Саккокийнинг:

«*Салотин дунёга кўл келдию кечти, сенингтеки бир,
Фалакнинг гар тили бўлса айтсунким, қачон келди?*»

– мисралари кимга бағишланган қасидасидан? Ж: Мирзо Улуғбекка

25. Саккокийнинг «Жаҳондин кетти ташвиши» деб бошланувчи қасида кимни тахтга чиқиши билан муборақбод этади? Ж: Мирзо Улуғбекни

26. Саккокий кимнинг овозасини «Сулаймони замон»га, адолатини «Нўширавон»га, меҳрибонлигини «ато»га қиёс этади? Ж: Мирзо Улуғбекни

27. Саккокий кимга бағишланган қасидасида шоҳнинг тарафдорларига тўкин ёз келган бўлса, душманларига авжи хазон – куз келди, деб ёзади? Ж: Мирзо Улуғбекка

28. «Раийят қўй эрур, султон анга чўпон ё бўри,
Бўри ўлгаю қўй тингай, чу Мусотек шубон келди».

– мисралари Саккокийнинг кимга бағишланган қасида-
сидан олинган? Ж: Мирзо Улуғбекка

29. «Салотин дунёга кўп келдию кечти, сенигтек бир,
Фалакнинг гар тили бўлса айтсунким, қачон келди?»

– мисралари Саккокийнинг кимга бағишланган қасида-
сидан олинган? Ж: Мирзо Улуғбекка

30. «Қилч яинатсанг урушта, анинг қай шуъласин душман,
Кўруб айтур қамуг: «Ҳай, ҳай, қочинг, барқи ёмон келди»,

– мисралари Саккокийнинг кимга бағишланган қасида-
сидан олинган? Ж: Мирзо Улуғбекка

31. Саккокий Улуғбекка бағишланган қасидасида унинг
шахсиятидаги қайси асосий фазилатни бўрттириб кўрсатиш-
га ҳаракат қилади? Ж: Адолатпарварликни

Қасида

1. Қасиданинг неча байтдан иборат намуналари учрай-
ди? Ж: 15-20 байтдан бошлаб 100 байтдан ошган

2. Қасиданинг дастлабки намунаси кимнинг асаарида
учрайди? Ж: Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк»
асаарида

3. Қасида халқ оғзаки ижодида қандай номланган? Ж:
Қўнуг

4. Қасиданинг қайси турида насиб, гуризгоҳ, мадҳ, қасд
сингари махсус қисмлар бор? Ж: Тўлиқ қасидада

5. Қасиданинг қайси қисмида табиат тасвири берилади?
Ж: Насиб

6. Қасиданинг қайси қисми лирик кириш билан мадҳни
боғловчи бўлиб, 4-5 байтдан иборат бўлади? Ж: Гуризгоҳ

7. Қасиданинг қайси қисмида шоир тилга олган шахс-
нинг фазилат ва сифатларини мақтайди? Ж: Мадҳ

8. Қасиданинг қайси қисмида шоир ўзининг мақсадини баён қилади, қасида бағишланган шахсга тилак ва истакларини билдиради? Ж: Қасд

9. Қасидалар тузилишига кўра қандай турларга бўлинади? Ж: Тўлиқ қасидалар ва чала (мужаррад) қасидалар

10. Қайси жанр ният, интилиш, мақсад, бирор жой, нарса ёки мақсадга қасд қилиш деган маъноларни англатади? Ж: Қасида

11. Бирор тарихий воқеа, шахс мақталган, васф этилган тантанали услубда ёзилган асар? Ж: Қасида

12. Қасиданинг пайдо бўлиши нимага бориб тақалади? Ж: Қадим туркий халқ оғзаки ижодига

13. Қасидалар мавзу йўналишига кўра қандай турларга бўлинади? Ж: 6 турга: васф қасидалар, мадҳ қасидалар, марсия қасидалар, ҳажв қасидалар, муножот қасидалар, фалсафий қасидалар

Лутфий

1. Ким Лутфийни «Шоший» деб атаган? Ж: Аҳмад Тарозий

2. Лутфий кимнинг қўлида тасаввуфдан сабоқ олган? Ж: Шаҳобиддин Хиёбонийдан

3. Лутфийнинг исми ким бўлган? Ж: Лутфилла ёки Умар

4. Лутфий кимнинг таклифи билан Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарини ўзбекчага шеърӣ йўлда таржима қилган? Ж: Шоҳрух Мирзонинг

5. Лутфий «Зафарнома»сининг ҳажми қанча? Ж: 10 минг байтдан ортиқ

6. Лутфий девонининг энг қадимги нусхаси қачон кўчирилган? Ж: 1511 йилда Ҳиротда

7. «Ўз замонасининг маликул-каломи эрди, форсий ва туркийда назирӣ йўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати кўнрақ эрди ва туркча девони ҳам машҳурдир». Навоийнинг ушбу фикрлари қайси шоир ҳақида? Ж: Лутфий

8. Лутфийнинг:

*«Нозуклик ичра белича йўқ тори гисуйи,
Ўз ҳаддини билиб, велидин ўлтирур қуйи».*

– байтида қўлланилган бадий санъатни топинг. Ж: Ҳусни таълил

9. Қайси шоир «Дилбарим менинг буйнимга икки қулоч арқон, яъни ёйилган сочидан каманд, яъни сиртмоқ солиб тузоққа туширди» дейди? Ж: Лутфий

10. *«Агар сен бўлмасанг гулдек чаманда,
Киши нетгай ўшал байтул-ҳазанда?».*

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Лутфий

11. *«Ёз бўлди, керак ул бути айёр топилса,
Барча топилур, бизга керак ёр топилса».*

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Лутфий

12. *«Юзингизда ўгон нури аёндир,
Кўзингиз фитнайи охир замондир».*

– байтидаги «Ўгон нури» сўзининг маъносини топинг.

Ж: Оллоҳ нури

13. *«Қошинг, эрнинг, юзинг, эй рашки ризвон,
Ҳилолу, кавсару боги жинондур».*

– мисрасида қўлланган бадий санъатни топинг. Ж:

Лафф ва нашр

14. *«Дудогинг маъдани жондур дедим, айтур: Санга не?
Қоматинг сарви равондур дедим, айтур: Санга не?»*

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Лутфий

15. Қайси шоир илк бор ғазалда диалог шаклини қўллаган? Ж: Лутфий

16. Лутфийнинг бошдан охиригача ирсоли масал санъатига қурилган ғазали қайси? Ж: «Аёғингга тушар ҳар лаҳза гису»

17. *«Бурқаъни кўтар, тенгри учун, эл сеникўрсун,
Бу ҳусну малоҳат яна қайси кун учундир».*

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Лутфий

18. Лутфийнинг:

*«Савдои бўлубмен, чу кўнгул зулфига бердим,
Савдо бўлур ондаки, харидор топилса»,*

– мисраларидаги «савдо» сўзининг маъносини топинг.

Ж: Ишқ, эҳтирос, можаро, орзу-хаёл, олди-сотди ва қора

19. *«Дудогинг маъдани жондур дедим, айтур: Санга не?»*

Қоматинг сарви равондур дедим, айтур: Санга не?»,

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Лутфий

20. Лутфийнинг:

«Агёр бикин жону кўнгул кетди қошимдин,

Ғамдек манга бир ёри вафодор топилмас»,

– мисраларида шоир нималарни душманам деяпти? Ж:

Маъшуқа ортидан эргашиб кетган кўнгил билан жонни

21. Лутфийнинг қайси ғазали бошидан охиригача тазод санъатига асосланган?

Ж: *Жоним чиқадур дард ила, жононима айтинг,*

Мен хаста гадо ҳолини султонима айтинг

22. *«Кўргали лаълинг ақиқин кўнглум ул ён тортадур,*

Бу ямон андишалиқни гўйё қон тортадур»,

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Лутфий

23. *«Нигоро, сенсизин мандин не ҳосил?*

Агар жон бўлмаса, тандин не ҳосил?»

– мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Лутфий

24. *«Кўнглума ҳар ёнки боқсам доғи бор,*

Ҳар неча дардимни десам, доғи бор.

Қилча танга бори ишқинг ёр эди,

Бир сори бўлди фироқинг доғи бор»,

– туюғида «доғ» тажнис сўзлари қандай маънода келяпти? Ж: Яра, тагин, тоғ

25. *«Кўз ёшим туфроқ ила гар қотилга,*

Келмагайман жавридин, ҳаққо, тила.

Ғамзаси ўлтирди-ю, ул беҳабар.

Мен агар ўлсам, не ғам ул қотилга».

Ушбу туюқ муаллифи? Ж: Лутфий
26. «Тўнга сизмасман фараҳдин гул киби,
Келса ул сарви равон бир-бир манга,
Мунча йил кетган бу бахту давлатим,
Шукриллаҳким, келур бир-бир манга».

Ушбу шеър жанри ва муаллифини топинг. Ж: Лутфий,
қитъа

27. «Суврати Юсуф, нигоро, сендадур,
Дойим анфоси Масиҳо сендадур.
Юзум ўлди заъфарон дард илгидин,
Қил иноятким, мудаво сендадур».

Ушбу шеър жанри ва муаллифини топинг. Ж: Лутфий,
қитъа

28. «Шева ул сарви равондин хуш турур,
Ноз ўшул жони жаҳондин хуш турур,
Мен севармен, ул мени севмас, дариг,
Бу севишмак икки ёндин хуш турур».

Ушбу шеър жанри ва муаллифини топинг. Ж: Лутфий,
қитъа

29. Лутфийнинг «Жоним чиқадур дард ила, жононима
айтинг» мисраларининг жанрини топинг. Ж: Қитъа

Туюқ ва қитъа

1. Туюқ жанри адабий термин сифатида қачондан истеъ-
молга кирган? Ж: 14-асрдан

2. Туюқнинг дастлабки намуналари кимнинг ижодида
учрайди? Ж: Лутфий

3. Туркий адабиётда пайдо бўлган жанр? Ж: Туюқ

4. Туюқ қандай сўздан келиб чиққан? Ж: Туймоқ, боғла-
моқ, тўсламоқ феълдан келиб чиққан

5. Туюқнинг келиб чиқиши нимага бориб тақалади? Ж:
Халқ оғзаки ижодига

6. «...Бириси туюгдирким, икки байтқа муқаррардир ва саъй қилурларким, тажнис айтилгай ва ул вазн мусаддаси мақсурдир». Ушбу фикр кимники ва қайси жанр ҳақида? Ж: Навоий «Мезон ул-авзон»да, туюқ ҳақида

7. Қайси шоир тўрт қофияли туюқларда гоҳо тўрталаси ҳам тажнис келиши мумкинлигини айтиб, мисол келтиради? Ж: Бобур

8. Тажнисли туюқлар қандай бўлади? Ж: Икки мисраси тажнисли қофияланган туюқлар, уч мисраси тажнисли қофияланган туюқлар, тўрт мисраси тажнисли қофияланган туюқлар, радифи тажнис бўлган туюқлар

9. Кўплик шакли «муқаттаот» бўлган жанр қайси? Ж: Қитъа

10. Арабча «кесилган, парча» маъносини билдирувчи жанрни топинг. Ж: Қитъа

11. Қайси жанр насрий асарлардаги бирор мавзу-масалани яқунлаш, хулосалаш учун илова тарзида келтирилади? Ж: Қитъа

ИРСОЛИ МАСАЛ, ТАЛМЕҲ ҲАМДА ЛАФ ВА НАШР САНЪАТЛАРИ

1. «Масал келтирмоқ» маъносини билдирувчи санъат? Ж: Ирсоли масал

2. Қайси санъатда шоир шеърда ўтмишдаги бирор тарихий шахс ёхуд воқеага ишора қилади ва унинг ёрдамида фикр ёки тасвир таъсирчанлигига эришади? Ж: Талмеҳ

3. Арабча «лаъмаот»-«чақмоқ чақнаши» маъносини билдирувчи бадий санъат қайси? Ж: Талмеҳ

4. Қайси бадий санъат номи йиғиш ва ёйиш маъносини билдиради? Ж: Лафф ва нашр

5. Қайси санъатда шоир бирор нарса ёхуд ҳодисани олдин санайди, сўнг шу тартибда уларга тегишли ўхшатишларни тизиб чиқади? Ж: Лафф ва нашрда

Алишер Навоий

1. Навоийнинг қайси ғазалида Каъбадан бошланган сўз Астрободгача келган?

Ж: *Кимки, бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай*

2. А.Навоий қайси асарида ишқни уч турга бўлади? Ж: «Маҳбуб ул-қулуб»

3. А.Навоий қайси асарини форс тилида ёзган? Ж: «Муф-радот»

4. А.Навоий қачон Абулқосим Бобур хизматига киради? Ж: 1453 йил отаси вафотидан сўнг

5. А.Навоий қачон Самарқандда яшаган? Ж: XV аср-нинг 60-йиллари 2-ярмида

6. А.Навоий Астрободга ҳоким қилиб тайинланганда қайси вилоят ҳокимлари ўз ихтиёрлари билан келиб унга тобе бўлади? Ж: Мозандарон ва Журжон ҳокимлари

7. А.Навоийни ким «Ғазал мулкининг султони» деб атайдиги? Ж: Мақсуд Шайхзода

8. А.Навоий ким ҳақида «*Бу фақир турк ва сарт(форс-лар орасида ондин тамомроқ(комилроқ) кишини кўрмайдурмен*» деб ёзади? Ж: Саййид Ҳасан Ардашер

9. А.Навоий кимни «*нурани маҳдум*» деб зъозлаган? Ж: Абдураҳмон Жомий

10. А.Навоий кимни «*шамс ул-миллат*» деб атайдиги? Ж: Паҳлавон Муҳаммад

11. А.Навоий неча ёшида кимнинг шеърларини ўқиб меҳмонларни ҳайратга солган? Ж: 3-4 ёшларида Қосим Анворнинг

12. А.Навоий нечанчи йилларда Астрободда ҳокимлик қилди? Ж: *1487-88 йилларда*

13. А.Навоий нечанчи йилларда вазир вазифасида ишлади? Ж: *1472-76 йилларда*

14. А.Навоий нечанчи йилларда муҳрдор вазифасида ишлади? Ж: 1469-72 йилларда

15. А.Навоий нима сабабдан ҳаж зиёратига бора олмайди? Ж: Абулмуҳсиннинг отасига А.Навоий вакил бўлиб келсагина сулҳ тузиши мумкинлигини айтгани учун

16. А.Навоий Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган мактубида қайси асарни 2-3 йилда ёза оламан дейди? Ж: Низомий Ганжавий 30 йил сарфлаб ёзган «Хамса»сини

17. А.Навоий Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган мактубида қайси асарни 30 ойда ёза оламан дейди? Ж: Фирдавсий 30 йилда ёзган «Шоҳнома» асарини

18. А.Навоий Султон Ҳусайн тарихини битмоқчи эканлигини қайси асари хотимасида айтади? Ж: «Тарихи мулуки Ажам»

19. А.Навоий Тафт шаҳрида ким билан учрашади? Ж: Шарафиддин Али Яздий билан

20. А.Навоий форсча шеърларида қайси тахаллусни қўллайди? Ж: Фоний

21. А.Навоий ўз муҳаббати тарихини дoston қилажагини қайси асарида эслатиб ўтади? Ж: «Лисон ут-тайр»да, Шайх Санъон ҳикоятида

22. А.Навоий Юсуф ва Зулайҳо ҳақида туркий тилда асар ёзиш ниятини қайси асарида айтиб ўтади? Ж: «Тарихи анбиё ва ҳукамо»

23. А.Навоийга Самарқандда ҳомийлик қилган ким? Ж: Шаҳар ҳокими Аҳмад Ҳожибек

24. А.Навоийга Ҳусайн Бойқаро бир масала бўйича неча марта ўз фикрини айтиш ҳуқуқини берган? Ж: 9 мартагача

25. А.Навоийни замондошлари ким деб аташади? Ж: Низомиддин Мир Алишер

26. А.Навоийни ким «*тили Андижон шеваси билан рост*» дейди? Ж: Бобур

27. А.Навоийнинг қайси ғазали Лутфийни ҳайратга солган?

*Ж: Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш*

28. А.Навоийнинг қайси асари дунёнинг аччиқ-чучугини тотган, ундан гоҳо комронлиқ кўрган, гоҳо нотавонлиқ топган олтмиш йиллик ҳаётига яқун ясайди? Ж: «Маҳбуб ул-қулуб»

29. А.Навоийнинг қайси девони Ҳусайн Бойқаро топшириғи билан тузилган? Ж: «Бадосъ ул-бидоя», «Ҳазойин ул-маоний»

30. А.Навоийнинг «Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушти ўт» сатри билан бошланувчи ғазали қандай ғазал? Ж: Тадриж асосида яратилган якпора ғазал

31. А.Навоийнинг «Назм ул-жавоҳир» асари қайси асарнинг шеърӣ йўлдаги таржимаси ва унда қайси жанрдаги шеърлар бор? Ж: Ҳазрат Алининг «Наср ул-лаолий» асарининг шеърӣ таржимаси, 266 та рубоӣ киритилган

32. А.Навоийнинг «Ҳамса» достонини ёзгандан сўнг Ҳусайн Бойқаро томонидан пир деб улуғланиб отга миндирилиши ва подшонинг ўзи жиловдорлик қилиши ҳақида кимнинг асарида маълумот келтирилган? Ж: Зайниддин Восифийнинг «Бадосъ ул-вақое» (Гўзал воқеалар) асарида

33. А.Навоийнинг «Ҳаробот аро кирдим ошуфтаҳол» таржиъбанди қайси вазнда ёзилган? Ж: Мутақориб

34. А.Навоийнинг «Ҳаробот аро кирдим ошуфтаҳол» таржиъбанди қайси девонга киритилган? Ж: «Ғаройиб ус-сиғар»

35. А.Навоийнинг «Ҳаробот аро кирдим ошуфтаҳол» таржиъбанди неча банд, неча мисрадан иборат? Ж: 10 банд, 200 мисра

36. А.Навоийнинг «Ҳаробот аро кирдим ошуфтаҳол» таржиъбандидаги ҳар бир банд қайси мақтаъ билан яқунланади?

*Ж: Ҳаробот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда сингон сафол*

37. А.Навоийнинг «Харобот аро кирдим ошуфтаҳол» таржиъбандидаги ҳар бир банд кимга мурожаат билан бошланади? Ж: Соқийга

38. А.Навоийнинг «Ҳилолия» қасида қандай муносабат билан кимга бағишлаб ёзилган? Ж: Ҳусайн Бойқарога, тахтага чиқиши муносабати билан

39. А.Навоийнинг биринчи расмий девони қайси? Ж: «Бадоеъ ул-бидоя» (Бадиийлик ибтидоси)

40. А.Навоийнинг бунёдкорлик фаолияти қайси асарларда акс этган? Ж: «Вақфия» асарида, Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» асарида

41. А.Навоийнинг луғатшуносликка доир асари? Ж: «Сабъату абҳур» (Етти денгиз)

42. А.Навоийнинг муаммо жанрига бағишланган асари? Ж: «Рисолайи муаммо» (иккинчи номи «Муфрадот»)

43. А.Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган «Илк девон»га қачон тартиб берилган? Ж: 1465-66 йилларда

44. А.Навоийнинг нечта ғазалига ким томонидан қачон, кимнинг буйруғи билан назира боғланган? Ж: 1481 йилда Усмонли давлатининг ҳукмдори Боязид II буйруғи билан Бурса шаҳрида яшовчи Аҳмад Пошшо Навоийнинг 33 ғазалига назира боғлайди.

45. А.Навоийнинг онаси ким бўлган? Ж: Амирзода Шайх Абусаид Чангийнинг қизи

46. А.Навоийнинг отаси Фиёсиддин Муҳаммад қайси шаҳарга ҳоким этиб тайинланади? Ж: Сабзаворга

47. А.Навоийнинг сўфийлар ҳаёти ҳақида маълумот берувчи тазкираси? Ж: «Насойим ул-муҳаббат» (Муҳаббат шабадалари)

48. А.Навоийнинг тадриж асосига қурилган ғазали?

Ж: *Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ.*

Мулкким султони йўқ, жисмедурурким, жони йўқ

49. А.Навоийнинг таржиъбанди қайси? Ж: «Харобот аро кирдим ошуфтаҳол»

50. А.Навоийнинг тоғалари ким? Ж: Мирсаид Кобулий, Муҳаммад Али Фарибий

51. А.Навоийнинг форс тилида яратган муаммолари сони? Ж: 500 та

52. А.Навоийнинг форс тилида яратилган девони ҳажми? Ж: 12 минг мисра

53. А.Навоийнинг ҳадислар асосида ёзилган асари қандай номланади ва унда қайси жанрдаги шеърлар бор? Ж: «Арбаин», 40 та рубоий

54. А.Навоийнинг Ҳиротдан Самарқандга жўнаш олдидан ёзган мактуби кимга ёзилган ва қайси девонига киритилган? Ж: Саййид Ҳасан Ардашерга бағишланган, «Хазойин ул-маоний»нинг биринчи девонига киритилган

55. А.Навоийнинг ҳомийлиги остида машҳур бўлган расомлар ким? Ж: Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар

56. А.Навоийнинг ҳомийлиги остида машҳур бўлган соҳнадалар ким? Ж: Устоз Қулмуҳаммад ва Шайх Нойи ва Ҳусайн Удий

57. А.Навоийнинг ўқ отиш ҳақидаги асари? Ж: «Рисолайи тир андохтан»

58. А.Навоийнинг эпистоляр жанрда ёзилган асари? Ж: «Муншаот»

59. Авом ишқи нима деб аталади? Ж: Ишқи мажозий

60. Баҳром қайси куни Дилором ҳақидаги ҳикояни тинглайди? Ж: Еттинчи иқлимдан келган мусофирдан

61. Баҳром қандай ҳалок бўлади? Ж: ов қилаётган ўтлоқ бир вақтлар ботқоқ бўлгани ва ўша куни қаттиқ ёмғир ёққани сабабли ботқоққа кириб кетади

62. Баҳром гўзал созанда Дилоромнинг дарагини кимдан эшитади? Ж: Монийдан

63. Баҳром Дилоромни келтириш учун қанча хирож тўлайди? Ж: Хитойнинг бир йиллик хирожини

64. Баҳром душанба куни қандай рангдаги қасрда кимдан қайси ҳикояни тинглайди? Ж: Яшил рангли қасрда шаҳрисабзлик мусофирдан Саъд ҳақидаги ҳикояни тинглайди

65. Баҳром кимнинг таклифи билан етти қаср қурдиради? Ж: Ҳақимлар таклифи билан

66. Кимнинг номини тарихчилар 420-438 йилларда подшолик қилган Эроннинг сосоний ҳукмдори Вараҳран V билан боғлайдилар? Ж: Баҳром

67. Баҳром образини биринчи бўлиб ким ўз асаида тасвирлаган? Ж: Фирдавсий, «Шоҳнома»

68. Баҳром шанба куни қандай рангдаги қасрда қайси малика ҳузурида қайси ҳикояни тинглайди? Ж: Қора рангли қасрда ҳинд маликаси ҳузурида сахийликнинг бетимсол намунасини кўрсатган Ахий ҳақидаги ҳикояни тинглайди

69. Баҳром якшанба куни қандай рангдаги қасрда қайси малика ҳузурида қайси ҳикояни тинглайди? Ж: Зарнигор рангли қасрда Рум маликаси ҳузурида румлик мусофирдан заргар Зайд Заҳҳоб ҳақидаги ҳикояни тинглайди

70. Баҳромнинг Гўр лақаби нимани билдиради? Ж: Қулон номини

71. Дилором қайси мамлакатдан эди? Ж: Чин мамлакатидан

72. Жобир қайси мамлакатда яшар эди? Ж: Аданда

73. Жобир денгизда Суҳайл билан жанг қилиб, уни қандай енгади? Ж: Кемани ҳийла билан тешиб

74. Жомий Искандарнинг қайси жиҳатига диққат қилди? Ж: Унинг олиму донишмандлигини янада чуқурлаштирди

75. Жомий ўз «Ҳамса»сига икки дoston қўшиб уни қандай атади? Ж: «Ҳафт авранг» (Етти тахт)

76. Искандар образи дастлаб кимнинг ижодида учрайди? Ж: Фирдавсийнинг

77. Искандар оинасини нечта олим ясаган? Ж: 400 олим

78. Ишқ дostonлари ичида энг машҳури, айни пайтда энг дардлиси қайси? Ж: «Лайли ва Мажнун»

79. Ишқи ҳақиқий деганда қандай ишқ назарда тутила-ди? Ж: Хос ишқи, сиддиқ ишқи

80. Ишқнинг олий Аллоҳ жамолига элтувчи босқичи қайси ишқ? Ж: Сиддиқ ишқи

81. Ким биринчи бўлиб Ширин ҳақида алоҳида дoston қратган? Ж: Низомий

82. Ким Навоийни «Навоийи суҳандон», «Манзури ша-ҳаншоҳи Хуросон» деб атайти? Ж: Фузулий

83. Кимнинг фикрича, замонасида Шириндан гўзалроқ аёл бўлмаган? Ж: Табарий

84. Лайли сўзининг маъноси? Ж: Тунги

85. Лайлининг бошига ўлим хавфи тушганини Мажнун қандай билади? Ж: Тушида кўриб

86. Мажнунга ким қизини беради? Ж: Навфал

87. Мажнуннинг асл исми нима? Ж: Қайс

88. Меҳр қайси шаҳардан? Ж: Биҳиштсаро

89. Меҳрнинг отасининг исми? Ж: Навдар

90. Навдаршоҳ Жобир тузоғига қандай тушади? Ж: Ов кетидан қувиб сипоҳидан ажрагани учун

91. «Наво» сўзининг маъноси нима? Ж: Куй, оҳанг, баҳр-денгиз, дард, ғам

92. Навоий қайси асари билан ўзбек тилининг муборизи ва ҳомийси бўлиб майдонга чиқди? Ж: «Муҳокамат ул-лу-ғатайн»

93. Навоий қайси асарида ишқни мисни олтинга айлан-тирувчи кимёга ва жаҳонни ёритувчи ойнага ўхшатади? Ж: «Лайли ва Мажнун»

94. Навоий қайси асарини «шавқ достони» деб атайти? Ж: «Фарҳод ва Ширин»

95. Навоий қайси асарини шундай яқуилайти?

«Сўнгин нечаким узаттим охир,

Йиглай-йиглай тугаттим охир»

Ж: «Лайли ва Мажнун»

96. Навоий қайси достонида Ҳиндистонни олганда элга қилган биргина адолати билан жаннатга тушган Маҳмуд Ғазнавий ҳақидаги ҳикоятни киритади? Ж: «Садди Искандарий»

97. Навоий «Сабъаи сайёр»га туркона руҳ берди. Бу нимада кўринади? Ж: Шаҳрисабз, Хоразм ҳақида махсус ҳикоялар киритади

98. Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида мажозий ишқни нимага ўхшатади? Ж: Нурли тонгга

99. Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳақиқий ишқни нимага ўхшатади? Ж: Шарқдан чиққан қуёшга

100. Навоий «Ҳамса»сига кирган достонларни тўғри сананг. Ж: «Ҳайрат ул-аброр» (Яхшилар ҳайрати), «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» (Етти кезувчи), «Садди Искандарий»

101. Навоий Искандарнинг қайси жиҳатига диққат қилди? Ж: Искандар донишмандлигини сақлаган ҳолда унинг ёнига инсонпарварлигини, адолат курашчиси ҳам эканлигини кўшди

102. Навоий ишқни неча турга бўлган? Ж: 3 та: авом, хос, сиддиқ ишқ

103. Навоий неча туюқ яратган? Ж: 13 та

104. Навоий фикрича, кимлар илоҳиёт сирларини, маърифатни куйловчилардир? Ж: Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий

105. Навоий фикрича, кимлар илоҳиётга мажозни восита қилувчилардир? Ж: Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий

106. Навоий фикрича, кимлар мажозий ишқ куйчилари ҳисобланади? Ж: Хоқоний Ширвоний, Салмон Соважий, Носир Бухорий

107. Навоий шоирларни неча гуруҳга бўлади? Ж: 3 гуруҳга: илоҳиёт сирларини, маърифатни куйловчилар, илоҳиётга мажозни восита қилувчилар, мажозий ишқ куйчилари

108. Навоий ўзидан олдинги устоз хамсанависларга «Сабъан сайёр»да қандай эътироз билдиради? Ж: уни ишқдан холи тасвирлаганликлари, афсона айтиш учун Баҳромга маликалардан бошқа қиссахон топилмайдими, улар дардсиз ва нодон кишининг саргузаштини кўрсатишни мақсад қилиб олганлар

109. Навоийдан олдин қайси ижодкор «Фарҳоднома» достонини ёзган? Ж: Ориф Ардабелий

110. Навоийнинг «Ғазалда уч киши тавридуру ул навъ» китъасида қайси уч буюк устозлар номи келтирилади? Ж: Мўъжизавий баён қилувчи ҳинд сеҳргари – Хусрав Деҳлавий, Исо нафасли шерозлик ринд – Ҳофиз Шерозий, дунёнинг барча сирларидан огоҳ орифи жом – Абдурахмон Жомий

111. Навоийнинг «Сабъан сайёр» қиссасини ишлашдаги энг муҳим хизмати қайси? Ж: Баҳром образини такомиллаштирди, у билан боғлиқ воқеаларни мустаҳкам мантиқ ипига тизди, қисса воқеаларини юртимиз тарихи билан боғлашга ҳаракат қилди

112. Навоийнинг адолатли ҳукмдор, одил подшоҳ ҳақидаги орзулари унинг қайси асарида акс этган? Ж: «Садди Искандарий»

113. Навоийнинг илмий-мемуар йўналишдаги асарини топинг. Ж: «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти паҳлавон Муҳаммад»

114. Навоийнинг комил инсон ҳақидаги орзу-ўйлари «Хамса»нинг нечанчи достонида ифодаланган? Ж: «Фарҳод ва Ширин»

115. Навоийнинг мукамал инсон ҳақидаги орзу-ўйлари унинг қайси достонида акс этган? Ж: «Фарҳод ва Ширин»

116. Навоийнинг тарихий мавзудаги асарини топинг. Ж: «Тарихи мулуки Ажам»

117. Навоийнинг тарихий-биографик асарини топинг. Ж: «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Насойим ул-муҳаббат»

118. Навоийнинг тил-адабиёт илмига доир асарини топинг. Ж: Мажолис ун-нафоис», «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-луғатайн»

119. Навоийнинг фалсафий-ахлоқий мавзудаги асарини топинг. Ж: «Маҳбуб ул-қулуб»

120. Низомий «Хамса»сига кирган дostonларни тўғри сананг. Ж: «Маҳзан ул-асрор» (Сирлар хазинаси), «Хисрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар» (Етти гўзал), «Искандарнома»

121. Низомий ўз «Искандарнома»сида Искандарнинг қайси жиҳатига тўхталган? Ж: Донишмандлигига

122. Низомий ўз «Хамса»сини неча йилда ёзиб тугатган? Ж: 28 йилда

123. Низомийнинг «Лайли ва Мажнун» дostonи кимга бағишланган? Ж: Арслонга – Ширвоншоҳлардан Ахсатан I

124. Низомийнинг «Маҳзан ул-асрор» дostonи кимга бағишланган? Ж: Арзинжон ҳокими Фаҳриддин Баҳромшоҳга

125. Низомийнинг «Хамса»си қандай номланади? Ж: «Панж ганж» – «Беш хазина»

126. Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» дostonи кимга бағишланган? Ж: Ироқ ҳукмдори Тўғрул II

127. Низомийнинг «Ҳафт пайкар» дostonи кимга бағишланган? Ж: Аловиддин Кўрпа Арслонга

128. Нўъмон Жобирнинг тузоғига қандай тушади? Ж: Бўрон офатидан ҳалокатга учрагани учун

129. Олимларнинг тахминларига кўра, Мажнуннинг асл исми? Ж: Қайс Ибн Мулавваҳ

130. Отаси Мажнунни нима мақсадда Каъба зиёратига олиб боради? Ж: Қайс бу муқаддас даргоҳда дардига шифо тиласа.

131. Сиддиқлар кимлар? Ж: Валийлар–авлиёлардан юқори, аммо набий–пайғамбарлардан настрок мартабадаги етук шахслар

132. Суҳайл қандай кемада меҳрнинг юртига жўнайди?
 Ж: Ҳилолга ўхшаш кемада
133. Суҳайл Жобирни қачон енгади? Ж: Зиндондан чиқ-
 қач анча парваришдан сўнг яккама-якка жангда
134. Суҳайл отасининг исми? Ж: Нўъмон
135. «Суҳайл» сўзининг маъноси? Ж: Ёруғ юлдуз
136. Суҳайлни чоҳдан ким озод қилади? Ж: Меҳр
137. Суҳайлнинг юрти? Ж: Яман
138. Тонуғ сўзининг маъноси? Ж: Гувоҳ
139. Туркий тазкирачиликнинг илк намунаси бўлган таз-
 кира? Ж: «Мажолис ун-нафоис»
140. Туркий тилдаги биринчи «Хамса» асарининг муал-
 лифи? Ж: А.Навоий
141. Ушбу мисра Навоийнинг қайси асаридан олинган?
*Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил,
 Рост наво назмага таҳсин дегил.*
 Ж: «Ҳайрат ул-аброр»
142. Фарднинг кўплиги нима дейилади? Ж: Муфрадот
143. Фарҳод кимлардан қайси ҳунарларни ўрганган? Ж:
 Қорандан тош йўниш, Бонийдан меъморлик, Монийдан нақ-
 қошликни
144. Фарҳод нима учун зиндондан кетиб қолмайди? Ж:
 Зиндонбандга зиён етишини истамагани учун
145. Фарҳоднинг муҳаббати қандай муҳаббат саналади?
 Ж: Мажозийдан илоҳийга, инсон ишқидан Оллоҳ ишқига
 ўсиб борувчи муҳаббатдир.
146. Фирдавсий вариантга кўра Баҳром кимнинг ўғли?
 Ж: Эрон шоҳи Яздижурднинг ўғли
147. «Фоний» сўзининг маъноси нима? Ж: Ўтиб кетувчи,
 йўқ бўлувчи, вақтинча
148. Фузулий шоирлар ҳақида тўхталганда араб, форс,
 туркий шеърятда кимларни тилга олади? Ж: Араб шеърят-
 тида—Абу Нувос, форс шеъряттида—Низомий, туркий шеъ-
 рятда—Навоий

149. Халқ орасида Баҳром қандай ном билан машҳур бўлган? Ж: Баҳром Гўр

150. Хусрав Деҳлавий «Хамса»сига кирган дostonларни тўғри сананг. Ж: «Матла ул-анвор» (Нурларнинг бошла-ниши), «Ширин ва Хисрав», «Мажнун ва Лайли», «Ҳашт беҳишт» (Саккиз жаннат), «Оинаи Искандарий»

151. Хусрав Деҳлавий ўз «Оинаи Искандарий» асарида Искандарнинг қайси жиҳатига диққат қилди? Ж: Унинг олим-лар ёрдамида жаҳонни кўрсатувчи ойна яратганлигига

152. Хусрав Фарҳодни қайси қўрғонга қамайди? Ж: Са-лосил қўрғонига

153. Шарқ адабиётида «Хамса» ёзиш анъанасини ким бошлаб берган? Ж: Низомий Ганжавий

154. Ширин ҳақида ким биринчи марта ўз дostonида ёзган? Ж: Фирдавсий «Шоҳнома»сида

155. Шоҳ Фозий кампирнинг олдига икки нарса қўяди. Булар: Ж: Бири – ўз бўйнини рўмол билан боғлаб кампирга топширди, иккинчиси – бўйни ечилган ҳамённи кампирга тутди

156. Ҳусни таълил қандай санъат? Ж: Чиройли далил-лаш

157. «Фозий» сўзининг маъноси? Ж: Фолиб

158. Қайси асар сўнгида «Ишқ таърифида» деган махсус боб бор? Ж: «Лайли ва Мажнун»да

159. Қайси водийда йўлчи йўқликка айланади, яъни Ал-лоҳга қўшилади? Ж: Фақру фано водийсида

160. Қайси девон шоир умрининг қишини билдиради ва бу давр қайси йилларни ўз ичига олади? Ж: «Фавоид ул-кибар» («Кексалик фойдалари»), 45 ёшдан 60 ёшгача

161. Қайси девон шоир умрининг ёзини билдиради ва бу давр қайси йилларни ўз ичига олади? Ж: «Наводир уш-шабоб» («Йигитлик нодирликлари»), 20 ёшдан 35 ёшгача

162. Қайси девон шоир умрининг кузини билдиради ва бу давр қайси йилларни ўз ичига олади? Ж: «Бадоеъ ул-васат» («Ўрта ёш бадиалари»), 35 ёшдан 45 ёшгача

163. Қайси девон шоир умрининг кўкламини билдиради ва бу давр қайси йилларни ўз ичига олади? Ж: «Ғаройиб ус-сиғар» («Болалик ғаройиботлари»), 7-8 ёшдан 20 ёшгача

164. Қайси дoston Навоийнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий қарашларини маълум даражада яқунлайди? Ж: «Садди Искандарий»

165. Қайси рус шоири «Лайли ва Мажнун» номли дoston ёзган? Ж: 1911 йилда В.Хлебников

166. Қайси тоифадаги ошиқлар учун висол эмас, ишқ-нинг ўзи олий мақсад бўлади? Ж: Ёрнинг қиёфасида Аллоҳ жамолини кўрадиган шоиру валийлар ишқи-хос ишқда

167. Қайси шоир «Амири кабир» (улуғ амир), «Амир ул-муқарраб» (подшоҳга энг яқин вазир) унвонларига мушарраф бўлган? Ж: А.Навоий

168. «*Чақилғоч барқи ишқи жовидоний,*

Етишгач бир шарар кул айлар они».

Ушбу байтда қўлланган бадий санъатни топинг. Ж: Таносуб

169. «...ишққа мансуб шахслар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгилу пок юзнинг завқ-шавқи билан беқарор бўлади. Ва бу пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий маҳбубнинг жамолидан баҳра олади». Ушбу таъриф қайси ишқ ҳақида? Ж: Хос ишқ

170. «*Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға...ча мураббий ва муқаввий (мададкор) маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлгай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайх Нойи ва Ҳусайн Удий-ким, созда саромад (машҳур) эдилар, бекнинг тарбият ва тақвият (мадад) и билан мунча тараққий ва шуҳрат топдилар. Устоз Бехзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми билан мундоқ машҳур ва маъруф бўлди-*

лар». Ушбу таъриф ким ҳақида ва кимники? Ж: А.Навоний ҳақида, Бобур айтган.

171. «Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун».

Ушбу байт муаллифини топинг. Ж: А.Навоний

172. «Гадолиғ яхшироқ аҳли фанодин» қитъасида подшоҳликдан нима устун қўйилади? Ж: Гадолиқ

173. «Дардини нажотим эт, илоҳи,
Едини ҳаётим эт, илоҳи!».

– мисралари қайси қаҳрамонга тегишли? Ж: Мажнунга

174. «Девони Фоний»да қандай жанрдаги шеърлар мавжуд? Ж: Ғазал, мусаддас, таркиббанд, рубоий, қитъа, тарих, муаммо, қасида, луғз

175. «Девони Фоний»нинг ҳажми? Ж: 12 минг мисрадан ортиқ, 1131 та шеър

176. «Дедиким: Паҳлавонлиқ эрмас ул
Ким, киши макр бирла ургай йул».

Ушбу сатрлар қайси асардан олинган? Ж: «Сабъан сайёр»

177. «Демонким, кўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тили пок-у, сўзи пок-у, ўзи пок».

Ушбу таъриф қайси асар қаҳрамонига тегишли? Ж: Фарҳод

178. «Жанубида муҳаббат дарди зоҳир,
Узори узра гурбат гарди зоҳир».

Ушбу таъриф ким томонидан кимга айтилган? Ж: Ширин томонидан Фарҳод таърифи

179. «Жаҳон ганжиға шоҳ эрур аждаҳо» қитъасида нима тасвирланади? Ж: Подшо ҳузурида яшаш худди аждаҳо офзида тирикчилик қилиш билан баробар эканлиги тасвирланади.

180. «Зоҳид, сенга ҳур-у, менга жонона керак» рубоийсида қайси санъат кенг ишлатилган? Ж: Таносуб

181. «Ишқ ила шоҳлиқ мувофиқ эмас,
Ишқ лофида шоҳ содиқ эмас».

Ушбу парча қайси асардан олинган ва ким ҳақида? Ж: «Сабъаи сайёр»да Баҳром ҳақида

182. *«Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек,*

Ўз ҳолига сарғаштаю ҳайрон мендек»,

– деб бошланувчи рубоийдаги «бесару сомон» сўзининг маъносини топинг. Ж: Ҳеч кимсаси ва ҳеч нарсаси йўқ, ҳайронликда қолган киши.

183. «Камол эт касбким» деб бошланувчи қитъасида қандай ғоя илгари сурилади? Ж: Бу дунёдан камолотга эришмай кетмоқ, ҳаммомга кириб, покланмай чиқишдай гап.

184. «Киши айбинг деса, дам урмагилким, ул эрур кўзгу» шеърининг жанри? Ж: Фард

185. *«Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санго,*

Не балолиг кун эдиким, ошно бўлдум санго».

Ушбу байт муаллифи ва вазнини топинг. Ж: Навоий, рамали мусаммани маҳзүф вазнида ёзилган.

186. «Лайли ва Мажнун» қиссасини ким биринчи бўлиб яхлит бир дostonга айлантирди? Ж: Низомий

187. «Лайли ва Мажнун» дostonи қандай бошланади? Ж: Тун ва бўрон тасвири билан

188. «Лайли ва Мажнун» дostonига нечта назира боғланган? Ж: 118 та: 67 та форс, 37 та туркий тилда

189. «Лайли ва Мажнун» дostonида тасвирланган ишқ қандай ишқ эди? Ж: Тасаввуфий ишқ

190. «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида нечта шоирлар ҳақида маълумот берилган? Ж: 459 та

191. «Маҳбуб ул-қулуб»да Навоий ишқнинг қандай турларини кўрсатади? Ж: Авом ишқи, хос ишқи, сиддиқ ишқи.

192. *«Мен жаҳондин кечтим-у, кечмас менинг жонимдин эл,*

Мен илик жондин юдим, чекмас илик қонимдин эл», –

Ушбу байт муаллифини топинг. Ж: Навоий

193. *«Мен хастани айламакта мавжуд,*

Не эрди қазога мақсуд?!»

Ушбу сўз қайси қаҳрамоннинг нутқи? Ж: Мажнун

194. «Мен-синуқ, кўнглим-синуқ, сабрим уйи худ ерга паст» шеърининг жанри? Ж: Фард

195. «Меҳр ва Суҳайл» ҳикояти «Сабъаи сайёр»нинг нечанчи ҳикоятига киритилган? Ж: 5-иқлимдан келган мусофир ҳикояти

196. «Меҳр ва Суҳайл» ҳикояти сўнгида қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини очиб бериш учун қайси рангдан унумли фойдаланилган? Ж: Мовий

197. «Навоий шеъри тўққиз байту ўн бир байт, ўн уч байт» шеърининг жанри? Ж: Қитъа

198. «*Найза бўлиб тузилган сарбаланд –
Найзанинг сарбаландлиги тўғрилиги туфайлидир.*

Ушбу байтда қўлланган бадий санъатни топинг. Ж: Ҳусни таълил.

199. «Насойим ул-муҳаббат» тазкирасида нечта шайх ҳақида маълумот берилган? Ж: 750 та.

200. «Сабъаи сайёр» қайси вазнда ёзилган? Ж: Ҳафиф

201. «Сабъаи сайёр»нинг нечанчи бобида шоир туш баҳонасида Баҳром билан замондоши Ҳусайн Бойқаро ўртасида ота билан бола даражасидаги яқинликни кўриб, унинг тақдиридан ташвишланади? Ж: 37-бобида

202. «Сабъаи сайёр»нинг ҳажми? Ж: 38 боб, 5000 байт

203. «Садди Искандарий»да Рум мулки Эронга ҳар йили қанча хирож тўлар эди? Ж: Тухум шаклидаги минг олтин хирож

204. «*Туз иши йўқ гунбази давворнинг,
Ким хати туз келмади паргорнинг.*

Ушбу байтда қўлланган бадий санъатни топинг. Ж: Ҳусни таълил.

205. «Ул париким, ани демишман ёр» шеърининг жанри? Ж: Фард

206. «Фарҳод ва Ширин» қандай воқеа билан бошланади? Ж: Чин хоқонининг фарзандсизлиги ва унинг сўнгсиз изтироблари тасвири билан

207. «Фарҳод ва Ширин» достонининг вазни? Ж: Ҳазажи мусаддаси маҳзуф

208. «Ҳазойин ул-маоний» девонидаги қайси девонда ғазаллар сони кўпроқ? Ж: Барча девонларда бир хил: 650 тадан ғазал жамланган.

209. «Ҳазойин ул-маоний» Шарқда қандай ном билан машҳур? Ж: «Чор девон»

210. «Ҳазойин ул-маоний»га Навоий нечта рубоий киритган? Ж: 133 та

211. «Ҳазойин ул-маоний»га нечта қитъа киритилган? Ж: 210 та

212. «Ҳазойин ул-маоний»да нечта шеър мавжуд? Ж: 45 минг мисрага яқин, 3200 дан ортиқ шеър

213. «Ҳамса» неча мисрадан иборат? Ж: 54 минг мисра

214. «*Чу ширин жони эрди, онсиз ўлди,*

Дамеким ўлди онсиз, жонсиз ўлди.»

Ушбу парчада кимнинг ҳолати тасвирланган? Ж: Меҳинбонунинг

215. «Шоҳ Ғозий» ҳикоятида кампирнинг икки гувоҳи? Ж: Подшонинг инсофи ва адолати

216. «Шоҳ Ғозий» ҳикоятидаги Шоҳ Ғозий ким? Ж: Султон Ҳусайн Бойқаро.

217. «Ҳайрат ул-аброр» нечанчи йилда ёзилган, ҳажми ва тузилишини топинг. Ж: 1483 йилда ёзилган, ҳажми 3988 байт, 64 боб, 20 мақолат.

218. «Ҳайрат ул-аброр»да неча боб устозлар таърифига бағишланган? Ж: 2 боб

219. «Ҳайрат ул-аброр»да нечанчи бобдан сўнг мақолатлар бошланади? Ж: 22-бобдан

220. «Ҳайрат ул-аброр»нинг 5-мақолати нима ҳақида? Ж: Карам ҳақида

221. «Ҳайрат ул-аброр»нинг биринчи мақолати нимага бағишланган? Ж: Иймонга

222. «Ҳайрат ул-аброр»нинг вазнини топинг. Ж: Арузнинг сариъ баҳри: муфтаилун-муфтаилун-фоилун

223. «Ҳайрат ул-аброр»нинг иккинчи мақолати нимага бағишланган? Ж: Исломга

224. «Ҳайрат ул-аброр»нинг муқаддимасида қайси улуг пирлар ҳақида сўз боради? Ж: Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Аҳрор

225. «Ҳайрат ул-аброр»нинг нечанчи мақолатида Амир Темурга, унинг узуги кўзига ёзилган «Рости-расти» (Нажот-тўғрилиқдадир) хитобига мурожаат қилади? Ж: Ўнинчи мақолатда

226. «Ҳайрат ул-аброр»нинг нечанчи мақолатида Ҳусайн Бойқаро Сулаймонга ўхшатишган? Ж: 10-мақолатида.

227. «Ҳайрат ул-аброр»нинг учинчи мақолати нимага бағишланган? Ж: Шоҳлар ҳақида

228. «Ҳайрат ул-аброр»нинг ўнинчи мақолати нимага бағишланган? Ж: Рост ва ёлғон, тўғрилиқ ва эгрилиқка

229. *«Ўтга солгил сарвени ул қадди мавзун бўлмаса,
Елга бергил гулни, ул рухсори гулгун бўлмаса».*

Ушбу байт муаллифини топинг. Ж: Навоий

230. *«Эй, ишқ, гариб кимёсен,
Бал ойинайи жаҳоннамосен».*

Ушбу парча қайси асардан олинган? Ж: «Лайли ва Мажнун»

231. 19-асрда Баҳром ҳақида асарлар ёзган адиблар кимлар? Ж: Қошғарлик Ғарибий – «Шоҳ Баҳром ва Дилором», Умар Боқий – «Қиссайи ҳафт манзарайи Баҳром»

Муҳаммад Солиҳ

1. Муҳаммад Солиҳ шоирликдан ташқари яна қандай санъатлардан яхшигина хабардор бўлган? Ж: наққошлиқ, хаттотлик

2. «Моро дар ин диёр туйи дилнавозу бас,
Дорем аз ту гўшаи чашм ниёзу бас», –
мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Нур Саидбек
3. Муҳаммад Солиҳнинг бобоси ким бўлган? Ж: Бобоси
Амир Шоҳмалик Мирзо Улуғбекнинг тарбиячиси бўлган
4. 1467 йилда Дашти Қипчоқда «қозоқликда» юрган
Хусайн Бойқаро Хоразмни забт этади. Ушбу гапда қўллан-
ган «қозоқлик» сўзининг маъносини топинг. Ж: Тахт эгал-
лаш учун курашиш, қоидага бўйсунмай, эркин яшаш
5. Нур Саидбек Хусайн Бойқародан энгилиб. Ихтиёрид-
дин қалъасига қамалганда, шоҳдан унинг гуноҳини ким ўрта-
га тушиб сўраб олади? Ж: Жомий
6. Муҳаммад Солиҳ кимнинг қўлида таҳсил олган? Ж:
Жомий
7. Муҳаммад Солиҳ Шайбоний ҳузурига қачон боради?
Ж: 1499 йилда
8. Шайбонийхон томонидан «амирул-умаро». «малик
уш-шуаро» деб эълон қилинган шоир ким? Ж: Муҳаммад
Солиҳ
9. Муҳаммад Солиҳ қайси шаҳарда ҳоким бўлган? Ж:
Нисо шаҳрида
10. Муҳаммад Солиҳнинг қайси ўғлига Шайбонийхон
алоҳида меҳр билан қараган ва Нисо шаҳрини унга ҳадя
этган? Ж: Мирзо Улуғбек номли ўғлига
11. «Тарихи Рашидий» асари муаллифи Муҳаммад Со-
лиҳнинг қайси ўғли истеъдодли шоир бўлганини айтади? Ж:
Мирзо Улуғбек номли ўғлини
12. *Эй, хуш ул кунларки, кўнглум васлидин хушҳол эди,
Ахтарин фархундаи бахтим ҳумоюнфол эди, –*
мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Муҳаммад Со-
лиҳнинг Мирзо Улуғбек номли ўғли
13. Ким Муҳаммад Солиҳнинг девон тартиб берганли-
гини маълум қилади? Ж: Тарихчи Мирзо Ҳайдар

14. «Муҳаммад Солиҳ исми муносабати билан Солиҳ тахаллус қилур. Нур Саидбек ўгли турур. Ўзи мулоим йи-гитдур. Таъбида хейли чошни (маза) бор. Хатда ҳам қоби-лияти кўлдур», деб ким таърифлаган? Ж: А. Навоий

15. Шайбонийхон ҳақида асар ёзган муаллифларни то-пинг. Ж: Мулла Шодий, Камолиддин Биноий, Рўзбеҳон, Пўлкан шоир

16. «Фатҳномаи хоний» асарининг муаллифини топинг. Ж: Мулла Шодий

17. XX асрда Шайбоний ҳақида дoston ёзган шоир ким? Ж: Пўлкан шоир

18. «Меҳмонномаи Бухоро» асарининг муаллифи? Ж: Рўзбеҳон

20. «Шайбонийномаи Биноий» асарининг муаллифи? Ж: Камолиддин Биноий

21. Шайбонийхонга бағишлаб ёзилган қайси асарлар форс тилида? Ж: «Фатҳномаи хоний», «Меҳмонномаи Бу-хоро», «Шайбонийномаи Биноий»

22. Кимнинг асари ўзбек адабиёти тарихида аниқ ва реал тарихий воқеалар тасвирига бағишланган биринчи жангно-мани ҳисобланади? Ж: Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбоний-нома» асари

23. «Шайбонийнома» асари Ўзбекистонда қачон нашр этилган? Ж: 1961, 1989 йилларда

24. «Шайбонийнома»да қайси йилларда юз берган тари-хий ҳодисалар ёритилади? Ж: Шайбонийхоннинг темурийлар-га қарши олиб борган курашлари, уларни енгиб, тахт тепа-сига келиш воқеалари, яъни 1499-1505 йиллардаги воқеалар

25. Шайбонийхон ҳақида яратилган қайси асарни Гер-ман Вамберн 1885 йилда немисчага таржима қилган? Ж: «Шайбонийнома»

26. «Шайбонийнома»нинг қайси нусхаси Венада сақла-нади? Ж: Шоир тириклигида 1510 йилда Қосим котиб томо-нидан кўчирилган нусхаси

27. «Шайбонийнома» неча мисрадан иборат? Ж: 9000 мисрага яқин

28. «Шайбонийнома» неча бобдан иборат? Ж: 76 боб

29. «Шайбонийнома» қандай бошланади? Ж: Анъанага кўра ҳамд, муножот, наът ва сўз таърифи билан

30. Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома»нинг нечанчи бобида ўз тақдири ҳақида ёзади? Ж: 15-бобда

31. «Шайбонийнома»нинг нечанчи бобида «Китоб назмининг сабаби» берилади? Ж: 15-бобда

32. «Шайбонийнома»нинг неча боби Шайбонийхоннинг ҳарбий юришлари тасвирига бағишланган? Ж: 60 боби

33. Шайбонийхонга:

*«Эл-санинг, мулк-санинг, шаҳр-санинг,
Ман-санинг, лутф-санинг, қаҳр-санинг»,*

– деб мактуб битган ким? Ж: Самарқанд шаҳрининг ҳокими онаси Зухрабегим

*34. «Лаънат ул навъ онагаким, ул,
Нафси учун ўлума берди ўгул...*

*Кимки хотун сўзига солса қулоқ,
Жойи ул борки, бўлгай андоқ»,*

– мисралари ким ҳақида? Ж: Самарқанд шаҳрининг ҳокими онаси Зухрабегим ҳақида

35. Шайбонийхон халқ орасида катта нуфузга эга бўлган қайси эшонни Самарқанд шаҳридан чиқариб юборади? Ж: Хожа Яҳёни

*36. «Тангри ул қаамни андоқ қилди,
Ким алар бошига бу кун келди», –*

деганда Муҳаммад Солиҳ кимларни назарда тутган? Ж: Бобур бошчилигида Самарқандда қамалда қолган халқни

*37. «Шоҳ улдурки, еса эл гамини,
Доим ўзига деса эл гамини,*

*Истамай ўзининг оройишини,
Истагай халқнинг осойишини.*

Нафс учун айламаса султонлиг,

Қилмаса аҳли ҳаводек хонлиг».

Ушбу мисралар муаллифини топинг. Ж: Муҳаммад Солиҳ
38. «Шайбонийнома»нинг тили қандай? Ж: Содда, дашт
ўзбеклари дилига мослаштирилган, кўп қаватли образ ва
мураккаб ифодалар четлаб ўтилган

Хожа

1. Тошкентлик машҳур авлиё Занги Ота авлодларидан
бўлган ижодкорни топинг. Ж: Хожа

2. Хожанинг ўғли Ҳасанхўжа Нисорий қаламига мансуб
тазкирани топинг. Ж: «Музақкири аҳбоб»

3. «Дўстлар ёдномаси» маъносини билдирувчи тазкира
номини топинг. Ж: «Музақкири аҳбоб»

4. Хожанинг тўлиқ исми? Ж: Пошшохожа ибн Абдул-
ваҳҳобхожа

5. Ким қайси асарида Хожанинг ота-боболари ҳақида
батафсил маълумот беради? Ж: Хожанинг ўғли Ҳасанхожа
Нисорий «Музақкири аҳбоб» тазкирасида

6. Ислом динидаги энг катта мансаб, унвон қайси? Ж:
Шайхулислом

7. Хожа дастлаб қайси темурийзода хизматига киради?
Ж: Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Муҳаммад Муҳсин Мирзо
хизматига

8. Ким Хожани Нисо шаҳрига тегишли Дурун вилоятига
ҳоким этиб тайинлайди? Ж: Шайбонийхон

9. Хожа қачон Ҳирот шаҳрининг шайхулислом ва Аб-
дулла Ансорий мақбараси шайхлигига тайинланади? Ж: 1529
йилда Убайдуллахон ҳукмронлигида

10. «Шоҳ ва гадо» асарининг муаллифини топинг. Ж:
Ҳилолий

11. «Гарчи аввал садр айлаб, бизни бадном эттилар,
Лутф этиб, охир Ҳирида шайхулислом эттилар» мисрала-
рининг муаллифини топинг. Ж: Хожа

12. Хожа қайси шаҳарларда шайхулиспомлик қилган?
Ж: Ҳирот ва Балхда

13. Хожа қайси силсиланинг кўзга кўринган вакили эди?
Ж: «Хожагон» силсиласининг

14. Хожа ҳақида фикр юритиб, уни «шаҳбози баланд-парвоз»(баланд учувчи лочин) деб таърифлаган ким? Ж: Хожаги Косоний

15. «Махдуми аъзам» номи билан шуҳрат қозонган шахс?
Ж: Хожаги Косоний

16. Ким Хожанинг туркча ва форсча девон тартиб бергани ҳақида маълумот беради? Ж: Хожанинг ўғли Ҳасанхожа Нисорий «Музаққири аҳбоб» тазкирасида

17. Хожанинг девонлари тақдири қандай? Ж: Номалум, топилмаган

18. «Кундуз авқотим сенинг ҳажрингда нолон кечадур, Кеча ҳам зулфунг каби ҳолим паришон кечадур» мисраларининг муаллифини топинг. Ж: Хожа

19. Хожанинг Низомийнинг 1-достони «Махзан ул-асрор» асарига эргашиб ёзган достони номини топинг. Ж: «Мақсад ул-атвор»

20. Хожанинг Темур Султонга бағишланган асарини топинг. Ж: «Мифтоҳ ул-адл» (1508-1510)

21. Хожанинг Кистан Қаро Одилга бағишланган асарини топинг. Ж: «Гулзор» (1538)

22. Хожанинг «Мақсад ул-атвор» (1514-1520) асари кимга бағишланган? Ж: Жонибек Султонга

23. Юртимизда қачон Хожанинг асарларидан намуналар чоп этилган? Ж: 1962 йилда

24. Қайси асар катта-кичик мансабдорларга, шарият аҳли учун ўзига хос йўриқномадир? Ж: «Мифтоҳ ул-адл»

25. «Мифтоҳ ул-адл» асари неча бобдан иборат? Ж: 15 бобдан

26. Қайси асарнинг ҳар бобида маълум бир ижтимоий табақа ёхуд масала тилга олиниб, атрофлича тавсифлана-

ди, дин-иймон нуқтаи назаридан кўриб чиқилади ва уларга мос ҳикоялар берилади? Ж: «Мифтоҳ ул-адл»

27. «Мифтоҳ ул-адл»нинг нечанчи боби олимлар ҳақида? Ж: Биринчи

28. «Мифтоҳ ул-адл»нинг нечанчи боби ов қилиш ҳақида? Ж: Ҳин бешинчи

29. «Мифтоҳ ул-адл»нинг нечанчи боби ўғрилиқ ҳақида? Ж: Тўққизинчи

30. «Мифтоҳ ул-адл»нинг нечанчи боби золим султонлар ҳақида? Ж: Учинчи

31. «Мифтоҳ ул-адл»нинг нечанчи боби султонлар ҳақида? Ж: Иккинчи

32. Олтинчи боби? Ж: Ҳукм қилмоқ ҳақида

33. Еттинчи боби? Ж: Даъво қилмоқ ҳақида

34. Саккизинчи боби? Ж: Онт ичмоқ ҳақида

35. Ҳинчи боби? Ж: Зино ҳақида

36. Қайси асарда ит ҳар тунда айтар эмиш: «Аллоҳ таолога шукрлар бўлсинки, мени қози қилмасдан ит қилиб яратган», деган ибрат бор? Ж: «Мифтоҳ ул-адл»да

37. Қайси асарда одил шоҳга ўзининг йигирма марта ҳаж зиёратига борганлигини унинг бир соат адолат қилгани савобига алишмоқчи бўлгани ҳақида ҳикоя қилинади? Ж: «Мифтоҳ ул-адл»да

38. Қайси асарда лайлакнинг илонларга ҳар кун фақат биттадан илонни тутиб сийишга онт ичиб, сўнг онтини бузгани ва «Мен минора устида яшайман, масжиднинг тепасидан, гуноҳдан қўрқмайман, шундай одамнинг онти бўлади-ми?» дегани ҳақида ёзилган? Ж: «Мифтоҳ ул-адл»да

39. «Мифтоҳ ул-адл»да Маҳмуд Ғазнавий ўзига бир талабанинг, қозига минг тилла пулни ҳамёнга солиб, омонат учун топшириб келганида, ичидан мис танга чиққани ҳақида арз билан мурожаат қилганида қандай йўл тутди? Ж: Овга кетаётиб атайин тўшагини пичоқ билан тилиб кета-

ди, келганида тўшақдаги пичоқ ўрнини тополмайди ва шундай қилиб ҳамённи йиртиб, ичидаги алмаштирилгандан сўнг уни усталлик билан тикиб берган тикувчини топади

40. Қайси асарларда Искандарнинг бир дарвешга подшоҳ бўлишни таклиф қилганда, унинг олдига тўртта шарт қўйгани ҳикоя қилинган? Ж: «Гулзор», «Садди Искандарий» асарларида

41. «Бир кун Хорун ар-Рашид зиёратга кетганини билмаган шайх Баҳлул шоҳ саройига боради. Тахт бўш бўлгани учун югуриб бориб тахтга ўтиради. Бундан хабар топган ясовуллар шайхни танимасдан уни тахтдан тушириш учун калтаклашади. Халифа кириб қараса, шайхнинг бошидан қон оқиб турса ҳам кулиб турганмиш. Бунинг сабабини сўраганида шундай жавоб беради: «Мен бир соат санинг тахтингда ўлтурдим эрса, уриб бошимни ёрдилар. Санким, йиллардирки, бу тахтнинг устида ўлтурубсан, санинг ҳолинг не бўлмай деб куларман». Ушбу парча қайси асардан олинган? Ж: «Гулзор»дан

42. «Гулзор» асарида Сулаймон пайғамбарга бир киши озгина обиҳаёт келтиради. Сулаймон барчани маслаҳатга чақиради. Бутимор номли қуш келмайди. Уни бир амаллаб келтирганларида, у Сулаймонга нима учун бу сувни ичмасликни маслаҳат беради? Ж: Агар бу сув барча қариндошларинг ва атрофдагиларингга етса, уни ичсанг бўлади. Агар бир ўзинг ичсанг, якка-ёлғиз қоласан

Мумтоз ҳикоя

1. Мумтоз ҳикоянинг биринчи белгиси? Ж: Ибрат хусусиятининг мавжудлиги

2. Мумтоз ҳикоянинг иккинчи белгиси? Ж: Тугал мазмунга эга бўлиши кераклиги

3. Мумтоз ҳикоянинг учинчи белгиси? Ж: Тили мураккаб бўлмаслиги, ифода халқ оғзаки ижодига яқин турмоғи лозимлиги

4. Мумтоз ҳикоянинг тўртинчи белгиси? Ж: Кўпчилик ҳикояларнинг шеърӣ «ҳисса» билан якун топиши

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

1. Умаршайх Мирзонинг ўғиллари исми? Ж: Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жаҳонгир Мирзо, Носир Мирзо

2. Умаршайх Мирзонинг қизлари исми? Ж: Хонзодабегим, Меҳрбонубегим, Шаҳрбонубегим, Ёдгор Султонбегим, Руқия Султонбегим

3. Бобур қайси беклар ёрдамида ҳокимиятни идора қилган? Ж: Шайх Мазидбек, Бобоқули Бобоалибек, Қосимбек Қавчин

4. Бобур неча ёшида биринчи марта Самарқандни эгаллайди? Ж: 15 ёшида

5. Бобурга хиёнат қилган бекларни топинг. Ж: Султон Аҳмад Танбал, Узун Ҳасан

6. Бобур неча йилдан сўнг Андижонга қайтади? Ж: Икки йилдан сўнг, яъни 1499 йилда

7. Бобур қачондан шеър машқ қила бошлади? Ж: 1500 йилдан

8. Бобурнинг дастлабки шеърлари қайси тилда эди? Ж: Форс тилида

9. Бобур қаерда Шайбонийхон билан юзма-юз бўлади? Ж: Самарқанднинг Оҳанин дарвозаси ёнида

10. Бобур неча ёшида 240 киши билан етти мингга яқин кўшинга эга бўлган тажрибали подшоҳ Шайбонийхон қўлидан Самарқандни тортиб олади? Ж: 19 ёшида

11. Бобурнинг тоғалари исми? Ж: Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхон

12. Бобур қачон Қобулни эгаллайди? Ж: 1503 йилнинг сентябрида

13. Бобурнинг Ҳиндистонни эгаллаш ҳаракати қачондан бошланди? Ж: 1507 йилнинг январидан

14. Бобур Ҳиндистонни қачон олишга муваффақ бўлди?
Ж: 1526 йилда
15. Бобур қачон душманлари томонидан заҳарланади?
Ж: 1526 йилнинг 21 декабрида
16. Бобур қачон вафот этди? Ж: 1530 йилнинг 26 декабрида
17. Бобурнинг солиқ ишларини тартибга солувчи асари қайси? Ж: «Мубаййин»
18. Бобурнинг «Мубаййин» асари қайси йўлда битилган? Ж: Шеърӣй йўлда
19. Бобурнинг аруз вазни ҳақидаги рисоласи номини топинг. Ж: «Мухтасар» (1523-1525 йилларда ёзилган)
20. Бобурнинг 1921 йилда ёзилган асари қайси? Ж: «Мубаййин»
21. Бобурнинг сақланиб қолган шеърлари сони қанча?
Ж: 400 дан ортиқ
22. Бобурнинг девонида нечта ғазал бор? Ж: 119 та
23. Бобурнинг девонида нечта рубоӣй бор? Ж: 231 та
24. Бобур кимнинг асарини таржима қилган? Ж: Хўжа Аҳрорнинг «Волидия» асарини
25. Бобур 20 ёшида қайси ёзувни кашф этган? Ж: «Хатти Бобурий»
26. Бобурнинг топилмаган асари? Ж: «Ҳарб иши», «Муסיқа илми»
27. «Кобул девони» қачон тузилган? Ж: 1519 йилда
28. «Ҳинд девони» қачон тузилган? Ж: 1528-29 йилларда
29. Қайси девон топилмаган? Ж: «Кобул девони»
30. «*Хазон япроги янглиг гул юзинг ҳажрида саргардим, Кўруб, раҳм айлагил, эй доларух, бу чеҳрайи зардим*», – мисраларининг муаллифи? Ж: Бобур
31. «*Сен, эй гул, кўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз, Аёгингга тушуб барги хазондек мунча ёлвордим*», – мисраларининг муаллифи? Ж: Бобур

32. Бобурнинг қайси ғазалида тазод ва таносуб санъатидан фойдаланилган?

Ж: «*Хазон япроги янглиг гул юзинг ҳажрида саргардим, Кўруб, раҳм айлагил, эй лоларух, бу чеҳрайи зардим*»

33. «*Ғурбатда ул ой ҳажри мени пир қилибтур.*

Ҳижрон била гурбат менга таъсир қилибтур», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Бобур

34. «*Сендин бу қадар қолди йироқ, ўлмади Бобур,*

Маъзур тут, эй ёрки, тақсир қилибтур», –

байтида қандай бадий санъат бор? Ж: Ҳусни таълил

35. «*Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна,*

Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қоштин яна», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Бобур

36. Бобурнинг қайси ғазали радди матлаъ санъатига асосланган? Ж: «*Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна*»

37. «*Ғаминг йўқ жон агар берсам ғамингда,*

Ўзунгни мунча бепарво қилибсен»,

– мисраларининг муаллифи? Ж: Бобур

38. «*Баҳор айёмидир даги йигитликнинг авонидур,*

Кетур, соқий, шароби нобким ишрат замонидур»,

– мисраларининг муаллифи? Ж: Бобур

39. «*Ғофил ўлма, эй соқий, гул чогин ганимат тут,*

Вақти айш эрур боқий, ол чоғир, кетур, бот тут»,

– мисраларининг муаллифи? Ж: Бобур

40. Бобур «*Гул жамолин ёнқон ул гулнинг икки райҳонидур*» деб бошладиган ғазалида ёрнинг қайси аъзоларини тавсиф этади? Ж: Юз, лаб, икки ўрим сочни

41. Бобур ғазалларининг кўпчилиги неча байтдан иборат? Ж: Беш-олти байтдан

42. Қайси шоир рубойининг ижтимоий-фалсафий табиатига маиший мазмун киритди? Ж: Бобур

43. Бобур бир рубойсида:

«*Бу иккиси муяссар бўлмаса оламда,*

- Бошини олиб бир сорига кетса киши»,*
 – дейди. Бу иккиси деганда нима назарда тутилган? Ж: Кўнгли тилаган муродига етиш ёки барча муродларни тарк этиш
44. *«Ё қаҳру газаб била мени туфроқ қил,
 Ё баҳри иювтингда мустағроқ қил.
 Ё раб, сангадур юзум қаро ё оқ қил,
 Ҳар навъи сенинг ризонг эрур, андоқ қил»,*
 – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Бобур, рубоий
45. *«Фурбат тиги ёпқон рухи зардимниму дей?
 Ё ҳажр чиқаргон оҳи сардимниму дей?
 Ҳолинг недурур билурмусен дардимни,
 Ҳолингни сўрайму, йўқса дардимниму дей?»*,
 – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Бобур, рубоий
46. «Бобурнома» дастлаб қандай номлар билан аталган? Ж: «Вақоеъ» (Воқеалар), «Воқеоти Бобурий», «Воқеанома», «Тузуки Бобурий», «Бобурия»
47. «Бобурнома» қачондан бошқа тилларга таржима қилина бошлаган? Ж: XVI асрдан
48. «Бобурнома» қачон форс тилига угирилган? Ж: 1586 йилда
49. «Бобурнома» Европага қачон кириб келди? Ж: XVIII асрнинг бошида
50. *«Бизни эҳтимоимиз ул сорилар бормоққа беҳад ва бегоятдир. Ҳиндистон ишлари ҳам бир навъ сомон толиб келади. Ул вилоятнинг латофатларини киши нечук унутқай. Бу фурсатта бир қовун келтириб эрдилар, кесиб егач, гариб таъсир қилди, тамом йиглаб едим».* Бобур бу мактубини кимга ёзган? Ж: Андижонга, Хожакалонга
51. Бобурга неча ёшида Навоий мактуб жўнатган? Ж: 15 ёшида
52. Бобур *«Яна мусиқада яхши нималар боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордур»,* деб кимга таъриф берган? Ж: Навоийга

53. Бобур «*Ўғул ва қиз ва аҳли аёли йўқ, оламни тавре фард ва жариди (танҳоликда) ўткарди*», деб кимга таъриф берган? Ж: Навоийга

54. Бобур «*Аҳли фаъл ва аҳли ҳунарга унча мураббий ва муваққий (кучли ҳомий) маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлгай*», деб кимга таъриф берган? Ж: Навоийга

55. Бобур «*Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлгай*», деб кимга таъриф берган? Ж: Навоийга

56. Бобур Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асарида нечта рубоий вазнида хато қилганини таъкидлайди? Ж: 24 рубоий вазнида 4 вазнида хато қилганини

57. «Бобурнома»да Бобур Ҳиндистонни уч киши эгаллаб, салтанат барпо қилганини ёзади. Булар кимлар эди? Ж: Султон Маҳмуд Ғозий(Ғазнавий), Султон Шаҳобиддин Ғурий ва ўзи

58. Ҳиндистон тарихини ёритишда «Бобурнома» кимнинг қайси асаридан кейинги муҳим манба ҳисобланади? Ж: Берунийнинг «Ҳиндистон» асаридан кейин

ХОНЛИКЛАР ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

XVII асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврдаги адабиёт

1. Қайси давр хонликлар даври, ўзаро низо-жанжаллар, тахт-тож учун курашлар даври адабиёти ҳисобланади? Ж: XVII-XIX асрлар адабиёти

2. Мамлакатимиз ҳудудининг парчаланиши қачондан бошланган эди? Ж: 16-асрдан

3. Бухоро хонлиги қачондан амирлик деб аталди? Ж: Манғит ҳукмдори Муҳаммад Раҳимдан бошлаб

4. Хива хонлигига ким асос солди? Ж: 1512 йилда Эл-барсхон

5. Қўқон хонлигига ким асос солди? Ж: 1710 йилда Шоҳрухбий

6. Бухорода яратилган тарихий асарлар? Ж: 1) XVII асрда Абулқосим ал-Касбавийнинг «Натойиж ул-фикр» («Фикр натижалари»); 2) 18-асрда Муҳаммад Вафонинг «Тухфайи Хоний», Абдураҳмон Тольнинг «Тарихи Абулфайзхон», Мирза Олимнинг «Ансоб ус-салотин» («Султонларнинг насаблари»), Муҳаммад Юсуф Муҳсинийнинг «Тарихи Муқимхоний», Муҳаммад Бухорийнинг «Убайдуллонома» асарлари

7. Хивада яратилган тарихий асарлар? Ж: Мунис ва Огаҳийнинг «Фирдавс ул-иқбол» («Бахт боғи»), «Риёз уд-давла» («Қўш-қўш боғлар»), «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи»), «Гулшани давлат», «Иқболи Ферузий» асарлари, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» («Турклар шажараси»), «Шажарайи тарокима» («Туркманлар шажараси») асарлари

8. Қўқон хонлигида яратилган тарихий асарлар? Ж: Ҳакимхон Тўранинг «Мунтахаб ут-таворих» («Танлаб олинган тарихий воқеалар»), Мирзо Қаландар Мушрифнинг «Шоҳномаи нусратпаём» («Зафарли Шоҳнома») асарлари

9. Тириклик даврида шоҳликни ўғилларига ўз кўли билан топширган подшоҳлар? Ж: Бобур ва Абулғози Баҳодирхон

10. Хонликлар даври адабиётини нечага бўлиш мумкин? Ж: Иккига: сарой адабиёти ва сўфийлик адабиёти

11. Хива адабий муҳитида кўпроқ нимага эътибор қаратилган? Ж: Таржимачиликка

12. Ким таржимачилик мактабини яратди? Ж: Огаҳий

13. Бухорода кўпроқ қандай асарлар битилди? Ж: Тарихий асарлар

14. Қайси шоир тимсолида сатира равнақ топди? Ж: Турди тимсолида

15. Қўқон адабий муҳитида қайси жанр янгича шакл ва мазмун касб этди? Ж: Ҳажвиёт

16. Қўқон адабий муҳитида қайси жанр кўпроқ ривож топди? Ж: Воқеий дostonчилик

17. Қўқон адабий муҳитида етишиб чиққан шоирлар қайси? Ж: Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Дилшоди Барно

18. Қайси адабий муҳитда деярли ҳар бир ижодкорда ўзбек тили устувор ўрин эгаллайди? Ж: Хива адабий муҳитида

19. Қайси адабий муҳитда форс тилидаги асарлар кўпроқ? Ж: Бухоро адабий муҳитида

20. Самарқандда 17-аср бошларида яратилган Мутрибийнинг «Тазкират уш-шуаро» китобида 16-17-асрларда Самарқанд ва Бухорода яшаган нечта ижодкор ҳақида маълумот бор? Ж: 320 дан ортиқ

21. Малехо Самарқандийнинг 1692 йилда ёзилган «Музаккир ул-асҳоб» («Дўстларни зикр этувчи») тазкирасида 17-асарда Марказий Осиё ва Эронда яшаган нечта ижодкор ҳақида маълумот бор? Ж: 160 та

22. 1821 йилда Фазлий Намангоний тартиб берган «Мажмуайи шоирон» («Шоирлар тўплами») тазкирасида Қўқон хони Амир Умархон саройи атрофидаги нечта ижодкор ҳақида маълумот бор? Ж: 101 та

23. 1871-йилда Бухорода Қори Раҳматулло Возеҳ тузган «Тухфат ул-аҳбоб» («Дўстлар совғаси») тазкирасида 18-19-асрларда Бухоро ва Қўқонда яшаган нечта ижодкор ҳақида маълумот бор? Ж: 145 та

24. Хонлиқлар даври адбиётининг муҳим хусусияти қайси? Ж: Халқ китобларининг майдонга келганлиги

25. Халқ китоблари деганда нимани тушунаси? Ж: Маълум бир афсонавий ёки анъанавий сюжетнинг бирон-бир ижодкор шахс томонидан қаламга олиниб, қайта ишланган, адабийлаштирилган нусхаси

26. Қайси жанр ижоднинг оғзаки ва ёзма адабиёт ўрта-сидаги оралиқ жанр ҳосиласи? Ж: Халқ китоблари

27. Муаллифи аниқланмаган халқ китоблари қайси? Ж: «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Тоҳир ва Зухра», «Санобар», «Маликайи Дилнавоз», «Юсуфбек ва Аҳмадбек»

28. «Юсуфбек ва Аҳмадбек» китобининг туркман нусхаси муаллифи? Ж: Маъруфий

29. «Санобар» китобининг туркман нусхаси муаллифи? Ж: Шайдоий

30. «Сайёд ва Ҳамро» китобининг туркман нусхаси муаллифи? Ж: Шоҳбанда

31. «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» китобининг қайси нусхасида Навоий ва Вафойи асарларига ҳамоҳанг сатрлар кўп учрайди? Ж: Хоразм нусхасида

32. Собир Сайқалий қаламига мансуб халқ китоби? Ж: «Баҳром ва Гуландом»

33. Собир Сайқалийнинг асарлари қайси? Ж: «Баҳром ва Гуландом», «Равзат уш-шуҳадо» («Шаҳидлар боғи»), «Зайнул араб»

34. «Насри хамсаи беназир» халқ китобининг муаллифи? Ж: 18-асрнинг охири – 19-асрнинг бошларида Хоразмда яшаб ўтган Умар Боқий

35. «Қиссайи Фарҳод ва Ширин», «Қиссайи ҳафт манзари Баҳром» китобларининг муаллифи? Ж: Умар Боқий

36. Умар Боқий Навоий «Хамса»сининг неча дostonини қайта ишлаган? Ж: 3 та: «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» дostonларини

Турди Фароғий

1. Турди Фароғий ҳақидаги дастлабки маълумотлар қачон пайдо бўлди? Ж: 20-асрнинг 20-йилларида

2. Турди Фароғий ҳақидаги дастлабки маълумотни ким берди? Ж: Каттақўрғонлик адиб Абдулҳамид Мажидий

3. Турди Фароғий ҳақидаги дастлабки мақола муаллифи? Ж: Абдурауф Фитрат

4. Турди Фароғий ўзбекларнинг қайси уруғидан? Ж: Юз уруғидан

5. Субхонқулихон нима учун Турди Фароғийни ўзига душман деб билган? Ж: Абдулазизхоннинг яқин кишиси бўлгани учун

6. Турди Фароғийнинг ҳаёти қачондан дарбадарликда, хор-зорликда кечади? Ж: XVII асрнинг 80-йилларидан кейин

7. Турди Фароғий қайси даврда яшаган? Ж: Тахминан 1640 йилда туғилиб, 17-асрда Бухоро хонлигида яшаган

8. Турди Фароғийнинг битгача нечта шеъри етиб келган? Ж: 18 та

9. Турди Фароғий шеърларининг ҳажми? Ж: 434 мисра

10. Турди Фароғий шеърларининг жанри? Ж: 12 та ғазал, 5 та мухаммас, 1 та фард

11. Турди Фароғий шеърларининг нечтаси форс тилида? Ж: 2 таси

12. Турди Фароғий шеърларини мавзу йўналишига кўра қандай турларга бўлиш мумкин? Ж: Иккига: ишқий-фалсафий ва ижтимоий-сиёсий

13. *«Туркона хиром айлади ул шўхи дилоро,*

Дил мулкини бир гўшайи чашм айлади яғмо.

Туфрогида жон битса раводур, на ажаб гул,

Чўх сарви сиҳи этди ниҳон кўзлари шаҳло.

Ҳар қанда гами дўсти дилпорани истар,

То субҳ яқо йиртмади, меҳр ўлмади пайдо», –

ғазалининг муаллифи? Ж: Турди Фароғий

14. «Туркона» сўзи қандай маънони билдиради? Ж: «Шиддатли» маъносини

15. Турди Фароғийнинг қайси мухаммаси соф тасаввуфий шеър? Ж: «Бурун» радифли мухаммаси

16. «Жисми қонундин нафас тори узулмасдан бурун,
Бошинга даври қазо базми қурулмасдан бурун,
Жибайи жон тийри рихлатдин сўкулмасдан бурун,
Эй кўнгул, қасри асоси тан бузулмасдан бурун,
Тоқи абру, курсийи дандон тўкулмасдан бурун», –
шеърининг муаллифи ва жанри? Ж: Турди Фароғий, му-

хаммас

17. «Куяр тил шаммайи гар ҳолатимдин айласам тақрир,
Гирибон чок ўлур, этса қалам дарди дилим таҳрир», –
шеърининг муаллифи ва жанри? Ж: Турди Фароғий, ғазал

18. «Дил-кабобим, қон-шаробим, ашки ҳасрат-нуқли базм,
Этти қассоми азалнинг хизмати таънимидин», –

шеърининг муаллифи ва жанри? Ж: Турди Фароғий, ғазал

19. «Қатраям ночиз, аммо зоти қулзум Турдиман,

Келтуран амвожга баҳри талотум Турдиман», –

шеърининг муаллифи ва жанри? Ж: Турди Фароғий, ғазал

20. Турдининг «Ёд мандин ким берур, яхши замонлар
кўрдиман» сатри билан бошланадиган мухаммасининг
ҳажми? Ж: 12 банд-60 мисра

21. Қайси мухаммас Турдининг ўзига хос афсусномаси
ҳисобланади? Ж: «Ёд мандин ким берур, яхши замонлар
кўрдиман» сатри билан бошланадиган мухаммаси

22. «Баҳри давлатдин йироқ гардан шикаста мўндиман»
мисрасидаги «мўнди» сўзининг маъноси? Ж: Безаксиз оддий
сопол кўза

23. Турдининг Субхонқулихон ҳақидаги мухаммаси
ҳажми? Ж: 29 банд-145 мисра

24. «Шоҳлиг улдурки, анинг ҳукму сўзи бир керак,

Адл бобини қуруб, рост нишон тир керак.

Рострав, дини дуруст, пешаси тадбир керак», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Турди, мухаммас

25. «Едингиз барингиз итдек фуқаронинг этини,

Ғасб ила молин олиб, қўймадингизлар битини,

- Қамчилар доғ солиб бўйунга, тилиб бетини*. – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Турди, мухаммас
26. *«Эй, юзи қаро, кўзи кўр, қулоғи қар беклар, Билингиз бу сўзими панд саросар, беклар, Айлангиз пайрави шаръи паямбар, беклар, Сизга дарқор бу юрт, эй гала зангар беклар, Бу қадим нақл эрур: Эл работ-у, тўри-қўноқ»*, – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Турди, мухаммас
27. Қайси шоир кўп асрлик тарихга эга миллий шеърияти-мизни ижтимоий-сиёсий оҳанглар билан бойитди? Ж: Турди
28. Қайси шоир хонликлар даврининг серташвиш, сергалва лавҳаларини бадий адабиётга олиб кирди? Ж: Турди
29. *«Дураҳду тангчашму бесару яъжужявж, Мухталиф мазҳаб гуруҳи Ўзбекистондур бу мулк»*. – мисраларининг муаллифи? Ж: Турди

Бобораҳим Машраб

1. Қайси шоир халқ хотирасида қаламидан илоҳий шеърлар тўкилган шоиргина эмас, иккиюзламачиликнинг, сохтакорликнинг, нафсга қулликнинг шафқатсиз душмани сифатида ҳам қолган? Ж: Машраб
2. Машрабнинг исми? Ж: Бобораҳим
3. Отасининг исми? Ж: Муллавали
4. «Машраб» сўзининг маъноси? Ж: Ичимлик ичиладиган жой, феъл, одат, хулқ, табиат
5. Машраб Наманганда кимнинг қўлида, неча йил шоғирд бўлган? Ж: 1965 йилдан Мулла Бозор Охунд қўлида, етти йил
6. Машраб Қашқарда кимнинг қўлида таҳсил олади? Ж: Офоқхўжанинг
7. Машраб пирнинг қайси канизини севиб қолади? Ж: Тўтибекач исмли канизини

8. Машраб неча йилдан сўнг Наманганга қайтади? Ж: 18 йилдан сўнг

9. Машраб қачон, ким билан 20 йиллик сафарга кетади? Ж: 1961 йилда дўсти Пирмат Сеторий билан

10. Жалолиддин Румий «Маснавий»сининг шарҳига бағишланган Машраб қаламига мансуб асар? Ж: «Мабдайи нур»

11. Шарқда Машраб тахаллусли нечта шоир номи маълум? Ж: 10 га яқин

12. Мовароуннаҳрлик Машраб тахаллусли шоирлар нечта? Ж: 2 та

13. Мовароуннаҳрлик Машраб тахаллусли шоирларни топинг. Ж: Бобораҳим Машраб ва қаршилиқ ҳофиз Рўзибой

14. Машраб шеърятининг жанрлари? Ж: Ғазал, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ

15. Машраб шеърларининг бош мавзуси? Ж: Илоҳий ишқ

16. *«Маърифат бозорининг девонаси,*

Булҳақиқат ишқининг майхонаси», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Машраб

17. Машрабнинг бошқа мутасаввуф шоирлардан фарқи? Ж: Машраб Аллоҳга бўлган муҳаббатини яшириб ўтирмайди, уни оташин сатрларда ошкора куйлайди, тасвирда ҳам пардали ифодалардан кўра туйгулар жунбушини беришни хуш кўради

18. *«Оҳ уриб чиқса, жаҳонни куйдирар, Ошиқ аҳлин зийнату сармояс.*

Икки дунёни кўзимга илмдим, менки ул дийдорнинг ҳайронаси», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Машраб

19. Машраб учун намуна бўлишга арзийдиган икки тимсол бор. Улар кимлар? Ж: Иброҳим Адҳам ва Мансур Халлож

20. Машрабга Иброҳим Адҳамнинг қайси хислати ёқади?
Ж: Бир кечада шоҳона либосини дарвешлик жандасига ал-
маштириб, Аллоҳни излаб кетгани, яъни Аллоҳ ишқини икки
дунёнинг неъматига алмаштирмагани

21. Машраб учун Мансур Халлож қандай тимсол? Ж:
Инсоннинг руҳий ҳурлигини чеклашга қаратилган ақида-
ларга қарши исён, эркин фикрлилиқ рамзи

22. «*Бу тани хокинию руҳи равонни на қилай?!
Бўлмаса қошимда жонона, бу жонни на қилай?!*», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Машраб

23. «*Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага брмоқ не керак?
Иброҳимдан қолгон ул эски дўконни на қилай?!*», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Машраб

24. «*Ишқ мазҳабига тавқию тоат чидаёлмас,
Тасбеҳу сано, зуҳду ибодат чидаёлмас*», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Машраб

25. «*Дунёга келиб лойига билмай бота қолдим,
Дармон йўғидин неча оғиз сўз қота қолдим*», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Машраб

26. «*Кўрдумки ани душмани руҳу тан экандур,
Ло ўқи била икки кўзига ота қолдим*», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Машраб

27. «*Зоҳид, манга бир шишада май, санга намозинг,
Минг тавқини бир косаи майга сота қолдим*», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Машраб

28. «*Эй, менинг назик ниҳол, оромижоним қийдасан?
Бу кўнгул бўстонида гунча даҳоним, қайдасан?*», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Машраб

29. «*То кийди қизил ўзини зебо қилайин деб,
Ўт ёқти жаҳон мулкида гавго қилайин деб*», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Машраб

30. «*Соқий-манам, соғар-манам, оре, манам, манам, ма-
нам*» мисраларининг муаллифи? Ж: Мажзуб Намангоний

31. «Малаксан ё башар, ё ҳуру гилмонсан, билиб бўлмас,
Бу лутфу, бу назокат бирла сендин қайрилиб бўлмас», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Машраб
32. «Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним менинг,
Осмонни тийра қилди оҳу афгоним менинг», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Машраб
33. «Булбулдайинким фарёд этарман,
Ишқ дафтарини бунёд этарман,
Кўнгулларимни мен шод этарман,
Ёрга етар кун борму, ёронлар?», –
мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Машраб, мураб-
баъ
34. «Хонумонидин жудо бўлган кишидан дард сўранг,
Ўртаниб қадди дуто бўлган кишидан дард сўранг», –
мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Машраб, мухам-
мас
35. «Эй, мусулмонлар, нетай, мен ёрдин айрилмишам,
Фитначашму шўхи хуш рафтордин айрилмишам», –
мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Машраб, му-
хаммас
36. «Ёрнинг кўйида мен бормоқ эдим,
Ҳар неча жавру жафо тортмоқ эдим», –
мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Машраб, мухам-
мас
37. «Ваъда қилди бир келай деб, кўзга уйқу келмади,
Термулуб йўлида турдим, шўхи бадхў келмади», –
мисрасининг муаллифи ва жанри? Ж: Машраб, мухам-
мас
38. «Не гурбатларни чектим, чарх, бебунёд дастингдан»
мисрасининг муаллифи ва жанри? Ж: Машраб, мусаддас
39. «Айтай сенга дарду аламим, офати жоним, фикр
айла ўзунгга», мисрасининг муаллифи ва жанри? Ж: Маш-
раб, мустазод

40. «Бул хаста вужудимни мени ўртади буткул, Ул зулфи паришон» мисрасининг муаллифи ва жанри? Ж: Машраб, мустазод

41. «Бошимга агар келса боло, сабр этадурман,
Сендин кечарим йўқ,
Қайдин кечайин, кўнглумда тўладур сенга меҳрим,
Мен ошиқи шайдо», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Машраб, мустазод

42. «Ман айтурман:

«Кўнгул узгил!» Бу кўнглум кўнгул узмайду.

Кўнгул айтурки: «Эй нодон, кўнгул узсам, узилгайму?!»

Машрабнинг ушбу байтида қайси бадий санъат ишлатилган? Ж: Тавзиъ – улашиш, тарқатиш санъати

МАЪНАВИЙ САЊАТЛАР

1. Шеър илми қандай йўналишда ривожланган? Ж: Илми аруз, илми бадеъ, илми қофия сингари уч йўналишда

2. Илми аруз нимани текширган? Ж: Шеър вазнини

3. Илми бадеъ нимани ўргатган? Ж: Поэтик образ яратиш воситаларини

4. Илми бадеънинг иккинчи номи? Ж: Бадоеъ ус-саное

5. Илми қофия нима билан шуғулланган? Ж: Шеърдаги оҳангдошлик билан

6. «Санъат» сўзининг маъноси? Ж: «Сун» – яратмоқ

7. Бадий санъатлар неча турга бўлинади? Ж: Иккига: маънавий (маънога тегишли), лафзий (шаклга оид) санъатлар

8. «Зоҳид, манга бир тишада май, санга намозинг,
Минг тавқини бир косаи майга сота қолдим», –

мисраларида қандай санъат қўлланилган? Ж: Тазод ва таносуб

9. *«Ваҳдат майини пири мугон илқидин ичтим,
Мансур киби бошими дорга тута қолдим», –*
мисраларида қандай санъат қўлланилган? Ж: Тазод, тал-
мех ва таносуб

10. Таносуб нима? Ж: Шеърда маъно жиҳатидан бир-
бирига яқин сўзларнинг бир-бирини тақозо этиб келиши

Гулханий

1. Муҳаммад Шариф Гулханий қачон ва қаерда туғил-
ган? Ж: 18-асрнинг 3-чорагида Қўқон хонлигида туғилган

2. Гулханийнинг асл исми? Ж: Муҳаммад Шариф

3. Гулханийнинг тахаллуслари? Ж: Гулханий ва Журъат

4. Гулханийнинг 50 ёшларида вафот этганлиги ҳақида
кимнинг қайси асарида маълумот бор? Ж: Дилшод Барно-
нинг «Тарихи муҳожирон» китобида

5. Гулханий ҳақида ким:

«Бу Журъатки, аввал эди Гулханий,

Эрур барча ҳазён демалик фани», –

деб ёзган? Ж: Фазлий

6. Гулханий ҳақида кимлар маълумот берган? Ж: Фаз-
лий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирон», Пўлат Қаюмий-
нинг «Тазкирайи Қаюмий» асарларида

7. Гулханийнинг мероси? Ж: «Зарбулмасал» асари ва
топилмаган «Девон»и

8. Гулханийдан бизгача етиб келган шеърлар сони? Ж:
12 та ғазал ва бир форсча қасида

9. Гулханийнинг қайси ғазали тасаввуфий йўналишда?
Ж: *«Кунгул озурдадур дунёга арзи эҳтиёж этмас,*

Тариқат солики майли бу йўлда издивоҷ этмас» ғазали

10. *«Етмади Мажнунга мен кўрган балолардин бири,*

Ҳижр водийси аро чеккан жафолардин бири», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Гулханий

11. «Сенга, эй, Мажнун, жуунун илмида таслим айларам, Сен расолардин бири, мен норасолардин бири», – мисраларининг муаллифи? Ж: Гулханий
12. «Лола кўксидек бағрим таҳбатаҳ қаро қонлар» мисрасининг муаллифи? Ж: Гулханий
13. Гулханий ижодида Қўқон адабий муҳитига хос бўлмаган ўғуз лаҳжасига мансуб сўзлар кўп учрайди. Бунни қандай изоҳлаш мумкин? Ж: Гулханийнинг Фузулий ижодидан қаттиқ таъсирланганлиги билан
14. «Зарбулмасал» асари кимнинг топшириғи билан яратилган? Ж: Амир Умархоннинг
15. Гулханий «Зарбулмасал»да нечта масал келтиргани ҳақида ёзади? Ж: 400 та
16. «Зарбулмасал» сўзининг маъноси? Ж: Мақол, матал, рамзли ҳикоя
17. «Зарбулмасал»да инсон руҳияти қандай тасвирланган? Ж: Алоҳида берилмай, қушларнинг ўзаро суҳбатлари замирига сингдирилган
18. «Зарбулмасал»да учрайдиган бадий образларни нечага бўлиш мумкин? Ж: Учга: қушлар образлари, ҳайвон-ҳашарот образлари, одам образлари
19. Куйканакнинг табиати? Ж: Кичик жуссали ва куюнчак
20. Бойқушнинг табиати? Ж: Совуқнафас ва хасис
21. Кўрқушнинг табиати? Ж: Кўрлиги
22. Кордоннинг табиати? Ж: Корчалонлиги
23. Гулханий Япалоққуш тимсолида қандай кимса образини яратган? Ж: Қўлидан келмайдиган ишга уринадиган, бойлигу шон-шуҳратга муккасидан кетган кимса
24. Қайси қуш «Ўғлимнинг асбоби кулангирлиги минқори билан чанғалидан маълум ва равшан эмасми?» дейди? Ж: Япалоқбиби
25. Қайси қуш бир қадар давлатманд кимса тимсоли? Ж: Япалоққуш

26. Меҳмонга сарқит овқат таклиф этиб, унинг ҳам кўпини ўзи еб қўйган бефаросат, ебтўймас, тарбиясиз қуш? Ж: Кулонкир султон

27. Бойқуш қизининг исми? Ж: Гунашбону-Қуёшхон

28. «Оразидин шамсу қамардир хижил,

Сўзларидин шаҳду шакар мунфаил», –

таърифи қайси образга тегишли? Ж: Гунашбонуга

29. Бойқушга «Анда кўрдик, хасису ҳарис, агар минг чордевордан бир чордевор кам бўлса, ўтуз тишини бир-бир сиңдирур», деб ким таъриф беради? Ж: Кўрқуш

30. Қайси персонаж «Кўбга кенгаш, ўз билганингни қил», деб фикрлайди? Ж: Бойқуш

31. Қайси қуш «Ёмон отга ёл битса, ёнига тўсиқ боғламас, ёмон ерга мол битса, ёнига қушни қўндирмас», дейди? Ж: Турумтой

32. «Эгасини сийлаган итга сўнгак ташлар» мақоли кимнинг тилидан айтилган? Ж: Кордоннинг

ҲАЖВИЁТ

1. Ҳажвий асарларнинг биринчи белгиси? Ж: Унинг танқидий йўналишга эгаллиги

2. Ҳажвий асарларнинг иккинчи белгиси? Ж: Тасвирнинг кулгили тарзда берилиши

3. Ҳажвий кулгу қандай бўлади? Ж: Ҳажвий кулгу иллатдан, камчиликдан пайдо бўлгани учун ҳаммиша ҳам билан ёнма-ён келади

4. Ҳажвнинг астари? Ж: Фожиа

Шермуҳаммад Мунис

1. Мунис яшаган йиллар? Ж: 1778-1829 йиллар

2. Муниснинг отаси? Ж: Юз уруғидан чиққан Авазбий хонликнинг бош мироби бўлган

3. *«Гарчи телбалар бирла гулхан аро
Суруб дурдашликда юз можаро.
Гаҳи риндлар базмига йўл толиб,
Ҳамонки мақсудига қўл толиб»,* –
мисраларининг муаллифи? Ж: Мунис
4. *«Насиб гам уза бўлди чархи гардондин,
Мусибат уза мусибат етушти даврондин»,* –
мисраларининг муаллифи? Ж: Мунис
5. Ким Мунисни фармоннавислик вазифасига тайинлади? Ж: Хива тахти эгаси Авазбий иноқ
6. Қайси ҳукмдор даврида Мунис бош мироблик лавозимини эгаллади? Ж: Муҳаммад Раҳимхон даврида
7. Мунис шеърин асарларининг ҳажми? Ж: 10 минг байтдан ортиқ
8. Муниснинг педагогик асари? Ж: «Саводи таълим»
9. Муниснинг тарихий асари? Ж: «Фирдавс ул-иқбол»
10. Муниснинг таржимаси? Ж: Мирхондиннинг «Равзат усафо» асари
11. Мунис қайси ҳукмдорларга бағишлаб қасидалар ёзган? Ж: Авазбий иноқ, Элтузар, Муҳаммад Раҳимхон Биринчи, Оллоқулихонга
12. Мунис ижодида ғазалчиликда бошқа шоирларда учрамайдиган жиҳат қайси? Ж: Мунис 23, 24, ҳаттоки, 33 байтдан иборат ғазал ёзган
13. *«Давлатинг борида бордур аҳли олам ошно,
Қайтгач давлат, жаҳонда топилур кам ошно»,* –
мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Мунис, ғазал
14. *«Дўстлар, менсиз даме оҳанги ишрат қилмангиз,
Сиз ичиб саҳбо, мени хунхори ҳасрат қилмангиз»,* –
мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Мунис, ғазал
15. *«Аҳли дониш бирла ҳар дам айлангиз базми китоб,
Жамъи нодонлар била изҳори улфат қилмангиз»,* –
мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Мунис, ғазал

16. «Басе гам боисидин чекмиш ўғирни,
Ўғир бўлмиш ҳазин кўнлим ўғирни», –

(Ғамнинг оғир юкини кўтаргани учун ҳазин кўнглининг яғрини яғир бўлди) мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Мунис, ғазал

17. «Қайси гулнинг мен киби бир андалиби зори бор?

Қайси булбулнинг сенингдек бир гули бехори бор?» мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Мунис, ғазал

18. «Истадинг, эй дил, кўзинг, жонинг керакмасму санга?

Куфри зулфин севдинг, имонинг керакмасму санга?», – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Мунис, ғазал

19. «Бўлмаса жинси жасолингга харидор офтоб,

Не учун зарпўшлиглар айлар изҳор офтоб», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Мунис, ғазал

20. «Сенки шоҳи ҳуснсен, ҳар кун қилиб қуллуқ санга,

Сажда айларга қўяр туффроққа рухсор офтоб», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Мунис, ғазал

21. «Агарчи аксар ғазал ва рубоийларким, мажоз йўси-

нида ишқу ҳусн зоҳири сифатида воқе эрди, валекин маонийи ҳақойиқ баёнидин орий ва мавоизи дақойиқ нишонидин холи эрмас эрди», деган сатрларни Мунис қайси асарида ёзган? Ж: «Мунис ул-ушшоқ» девони дебочасида

22. «Узорингда нуре аёндур, аён,

Ки, андин куну ой нишондур, нишон», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Мунис, ғазал

23. «Кулбам сари жононим келмасму экин оғ?» мисраси-

нинг муаллифи ва жанри? Ж: Мунис, ғазал

24. «Нечук ел эру роҳи сардим менинг,

Жаҳон боги андин хазондур, хазон», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Мунис, ғазал

25. «Ёритур яхши амал қабрингни, йўқса суд эмас,

Тожинг узра бўлса гар ҳар дури шаҳвор офтоб», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Мунис, ғазал

Амирий
(1787–1822)

1. Қўқон адабий муҳитининг асосчиси? Ж: Амирий
2. Амирий қайси уруғдан? Ж: Минг уруғидан
3. Умархон (тахаллуси–Амирий) кимнинг қўлида таҳсил олган? Ж: Муҳаммад Ёқуб қўлида
4. Умархон қачон Фарғона ҳокими қилиб тайинланди? Ж: 1807 йилда
5. Умархон қачон Қўқон хони бўлган? Ж: 1810 йилда
6. Умархон неча йил Қўқон хонлигини бошқарди? Ж: 12 йил
7. Умархон қайси шаҳарга асос солган? Ж: Андижон вилоятига қарашли Шаҳрихон шаҳрига
8. Қайси тазкира Умархон ҳомийлигида дунёга келган? Ж: «Мажмуат уш-шуаро»
9. Амирий кимдан кучли таъсирланган? Ж: Навоийдан
10. Амирий Навоийнинг нечта газалига тахмис боғлаган? Ж: 25 газалига
11. Амирийнинг қайси ўғли Хон тахаллуси билан шеърлар ёзган? Ж: Мадалихон
12. Нодира девони дебочасида Амирий қақида нима дейди? Ж: *«...гоҳо ул ҳазрат баъзи тоза мазмунлардан бир мисра билан савол тариқасида сўрар эрдилар, ...мисра билан жавоб айтур эрдим ва табиатларини хуш қилур эрдим. Бири булдурким, бир кун савол қилдиларким, мисра: «Нега арбоби хирад аҳли жунундин ори бор?» Жавоб айтдимки, мисра: «Ким булар урён, аларнинг жуббау дастори бор»*
13. Амирийнинг қайси газали узоқ йиллардан буён машҳур «Чорзарб» куйига солиниб, қўшиқ сифатида айтиб келинади?
Ж: *Қошинга тегузмагил қаламни,
Бу хат била бузмагил рақамни*

14. *«Лаб уюр такаллумга, зулфунгни паришон қил, Қанд қийматин синдур, нархи анбар арзон қил»*, – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Амирий, ғазал
15. *«Хусн шоҳисен, жоно, бу ҳазин гадоларга, Кўз учи ила боқиб, хайр бирла эҳсон қил»*, – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Амирий, ғазал
16. *«Табибо, шарти ўйнаб ичарга бермогин яндим, Лабидин талху ширин сўз эрур доруйи гулқандим»*, – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Амирий, ғазал
17. *«Нега мунча сиёҳдур кокул, Магарам дуди оҳдур кокул»*, – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Амирий, ғазал
18. *«Жунун дарёси тугён айламакни мендин ўрганди, Талотум бирла тўфон айламакни мендин ўрганди»*, – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Амирий, ғазал
19. *«Ғаму дарду муҳаббат гулшанида гул била гунча, Яқо чоку кўнгул қон айламакни мендин ўрганди»*, – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Амирий, ғазал
20. *«Тушти тори зулфи юздин кўнглим ичра пештоб, Айламиш кўксум аро сиймоб янглиг изтироб»*, – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Амирий, ғазал
21. *«Филотун ишқ дарсида менга шогирд эрур, лекин Хатингни рамзидин огоҳ эмас таъби хирадмандим»*, – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Амирий, ғазал

Жаҳон отин Увайсий

(1789-1850)

1. Увайсий қаерда туғилди? Ж: Марғилонда
2. Увайсийнинг отаси ким бўлган? Ж: Отаси Сидиқ қосиблик билан шуғулланса-да, эл орасида «Ҳофиз бобо» номи билан танилган бўлиб, ўзбекча ва тожикча шеърлар битарди

3. Увайсийнинг онаси? Ж: Чиннибиби мактабдор отин бўлган

4. Увайсийнинг акаси? Ж: Охунжон ҳофиз кўзга кўринган хонанда ва созанда бўлган

5. Жаҳон отин неча ёшида турмушга чиқди? Ж: 17 ёшида марғилонлик Ҳожихон исмлиқ кишига

6. Жаҳон отиннинг таҳаллуси? Ж: Увайсий

7. Увайсийнинг фарзандлари? Ж: Муҳаммадхон ва Қуёшхон

8. Увайсийнинг қайси фарзанди «Мажнун» таҳаллуси билан шеърлар ёзган? Ж: Ўғли Муҳаммадхон

9. Муҳаммадхонни ким сарбоз сифатида Қашқарга ҳарбий юришга жўнатади ва Увайсийга ўғлини қайта кўриш насиб этмайди? Ж: Муҳаммад Алихон

10. Қуёшхон қандай таҳаллус билан шеърлар ёзган? Ж: «Хокий» таҳаллуси билан

11. Қуёшхоннинг қизи Биби Хадича қандай таҳаллус билан шеърлар ёзган? Ж: «Азмий» таҳаллуси билан

12. Биби Хадичанинг қизи Холжонбиби қандай таҳаллус билан шеърлар ёзган? Ж: «Мағзий» таҳаллуси билан

13. Увайсийнинг мероси бизга ким орқали етиб келган? Ж: Холжонбиби орқали

14. Увайсий ҳақдаги маълумотлар қачон ўзбек олимларига маълум бўлди? Ж: 20-асрнинг 60-йилларида

15. Увайсийнинг шеърий девони қачон нашр қилинди? Ж: 1983 йилда «Кўнгил гулори» номи билан

16. «Оҳ, гулрухсора жонон, хордурман ишқида,
Дил аро қон, сийнаси афгордурман ишқида», – мисраларининг муаллифи ва жанрини топинг. Ж: Увайсий, ғазал

17. «Вайсий жаҳондин ўтти, муродига етмади,
Тўймоққа расм йўқдур қорин суйган ошга», – мисралари нимага ишора қилади? Ж: «Суйган ошга қорин тўймас» мақоли ўзининг Ҳожихон билан ўтган ғоят қисқа оилавий ҳаётига ишора қилади

18. *«Қаддинг нозук, қошинг нозук, кўзунг нозук, лабинг нозук, Тилинг нозук, сўзунг нозук, тишинг дурри Адан, нозук»,* – мисраларининг муаллифи ва жанрини топинг. Ж: Увайсий, ғазал

19. *«Ики нарғис, ики кўнгул, ики тан, икки жон бирлан, Бирин бирига васл айлаб, қилоли анжуман нозук»,* – мисраларининг муаллифи ва жанрини топинг. Ж: Увайсий, ғазал

20. *«Деди бир кун менга ул маҳвашиш: «Эй, шўҳи бепарво!» Мен айдим: «Сен дема, мен дейки: солдинг бошимга савдо!»* – мисраларининг муаллифи ва жанрини топинг. Ж: Увайсий, ғазал

21. *«Ато қилди худо менга сенингдек дилбари барно, Висолинг қатраедур, мавж урар ҳажринг бўлуб дарё!»* – мисраларининг муаллифи ва жанрини топинг. Ж: Увайсий, ғазал

22. *«Бугун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим, Гадо бўлсам не айб, ул шоҳи давронимни соғиндим»,* – мисраларининг муаллифи ва жанрини топинг. Ж: Увайсий, ғазал

23. Увайсийнинг ижтимоий-тасаввуфий қарашларини белгилашда унинг қайси ғазаллари алоҳида ўрин тутади? Ж: «Замона кулфатидин бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди» ва «Увайсийман» ғазаллари

24. *«Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман, Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман»,* – мисраларининг муаллифи ва жанрини топинг. Ж: Увайсий, ғазал

25. Увайсийнинг девонида қайси жанрдаги шеърлар бор? Ж: Ғазал, мустазод, мухаммас, таржиъбанд, таркиббанд, чистон

26. Увайсийнинг таржиъбанди қандай муносабат билан ёзилган? Ж: Муҳаммад Алихонга шикоят шаклида

27. Увайсий Қўқонда Нодирабегим инъом этган ҳовлидан бир Қашқардан келган баққолга омонатга жой беради. Бироқ у товламачилик билан бу ҳовлини ўзиники қилиб олади. Бу баққолнинг исми? Ж: Ҳасан баққол

28. «Қил амон, ё раб, адувлар можаросидин мени, Сақлагил осий бу мардумнинг изосидин мени», – деб бошланувчи мисраларининг муаллифи ва жанрини топинг. Ж: Увайсий, таржиъбанд

29. Увайсий нечта дoston ёзган? Ж: 3 та

30. Увайсийнинг «Воқеоти Муҳаммад Алихон» дostonи нима ҳақида? Ж: Муҳаммад Алихоннинг Қашқар сафарига бағишланган бўлиб, тугалланмай қолган. Асарда хоннинг туғилиши, тахтга чиқиши ва сафарга отланиши воқеалари берилиб, Марғилонда онаси билан хайрлашиб, йўлга тушиши билан узилади

31. Увайсийнинг «Шаҳзода Ҳасан ҳақида дoston» асари кимга бағишланган? Ж: Имом Ҳасаннинг Муовия билан бўлган жанглари ва хиёнаткорона ўлдирилиши тасвирланган

32. Увайсийнинг «Шаҳзода Ҳусайн ҳақида дoston» асари кимга бағишланган? Ж: Имом Ҳусайн ва унинг фарзандларининг Язид билан бўлган тенгсиз жангда Карбалода шаҳид бўлишлари тасвирланган

Нодира

(1792–1842)

1. Қайси шоир Нодирани «Жаҳон мамлакатларининг Билқиси» деб таърифлайди? Ж: Нодир

2. «Узлат», «Маҳжур» тахаллуслари билан ижод этган шоир? Ж: Нодир

3. Нодира ҳақида «Ҳафт гулшан» номли дoston ёзган шоир? Ж: Нодир

4. «Хуре бу сифат келур оз, Хуришд каби жаҳонда мумтоз.
Олам аро баски, ҳукмирондур, Биҳисси мамолики жаҳондур».
Нодирнинг ушбу сатрлари ким ҳақида? Ж: Нодира
ҳақида

5. Нодирага бағишловлар ёзиб, унинг мураббий ва ҳомийлигини алоҳида таъкидлаган ким? Ж: Дилшоҳи Барно

6. Нодиранинг хатти-ҳаракатларида куфр кўриб, унинг фарзандлари ва набирасини кўз олдида ўлдирган золим амир? Ж: Бухоро амири Насруллоҳон

7. Нодира асарларининг умумий миқдори? Ж: 10 минг мисра атрофида

8. «Макнуна» сўзининг маъноси? Ж: Яширин

9. Нодира ҳақида махсус монография яратган адабиёт-шунос ким? Ж: М.Қодирова

10. Нодира шеърятининг бош қаҳрамони ким? Ж: Амир Умархон

11. «Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,

Гар одамсен, муҳаббат ихтиёр эт», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Нодира, ғазал

12. «Марҳабо, эй пайки султон, марҳабо,

Ҳудҳуди мулки Сулаймон, марҳабо», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Нодира, ғазал

13. «Васл уйин обод қилдим, бузди ҳижрон оқибат,

Сели гамдин бу иморат бўлди айрон оқибат», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Нодира, ғазал

14. Нодиранинг қайси ғазаллари ҳижрон ва айрилиқ ҳақида?

Ж: «Оқибат», «Айру», «Талх», «Дуд» радифли ғазаллари

15. «Нигори гулбадангани тушимда курсам эди,

Лаби шаққаршигани тушимда курсам эди», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Нодира, ғазал

16. «Дода келдим, эй салотин сарвари, додим эшит,

Сен шаҳу, мен бенаво, лутф айла, фарёдим эшит», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Нодира, ғазал

17. «Қилмагил, зинҳор изҳор эҳтиёж,
Ким, азиз элни қилур хор эҳтиёж», –
мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Нодира, ғазал
18. «Ёрнинг васли эмас озорсиз,
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз», –
мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Нодира, ғазал
19. «Ул париваш васлидин бўлдум жудо,
Роҳати дил топилмас дилдорсиз», –
мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Нодира, ғазал
20. «Кел, даҳрни имтиҳон этиб кет,
Сайри чамани жаҳон этиб кет», –
мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Нодира, ғазал
21. «Бедардларнинг жафоларидин фарёд этиб, фиғон
этиб кет» мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Нодира,
ғазал
22. «Мақсад на эди жаҳона келдинг,
Кайфиятини баён этиб кет», –
мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Нодира, ғазал
23. «Хатинг иштиёқин савод айладим,
Кўзумнинг қорасин имдод айладим», –
мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Нодира, тар-
жиъбанд
24. «Хатинг иштиёқин савод айладим,
Кўзумнинг қорасин имдод айладим», –
мисраларидаги «савод айламоқ» сўзининг маъноси? Ж:
Ёзмоқ, қора қилмоқ, суянмоқ
25. «Фуқаро ҳолига гар боқмаса ҳар шоҳ, анга
Ҳашмату салтанату рифъату шон барча абас.
Шаҳ улдурки, раийятга тараҳҳум қилса,
Йўқ эса, қоидаи амну амон, барча абас», –
мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Нодира, ғазал

Муҳаммад ризо Огаҳий

(1809–1874)

1. Огаҳий шеърларининг ҳажми? Ж: 20 минг мисрадан ортиқ

2. «Улки, огаҳларнинг огаҳидир.
Фазлу дониш силехрининг маҳидир.
Сўзи ортуқ дурур гуҳардин ҳам,
Фазлу донишда олам ичра олам».

Огаҳий ҳақида ким юқоридаги сатрларни битган? Ж: Комил Хоразмий

3. Огаҳийнинг отаси? Ж: Эрнийзбек

4. «Рожих» таҳаллуси билан шеър ёзган шоир? Ж: Муҳаммад Қиличбек

5. «Нозим» таҳаллуси билан шеър ёзган шоир? Ж: Муҳаммад Яъқуббек

6. Огаҳий қачон Оллоқулихон томонидан амакиси Муниснинг ўрнига бош мироблик лавозимини эгаллади? Ж: 1829 йил Мунис вафотидан сўнг

7. «Қўюнг, йиглайки, ушбу кун севар ёримдин айрилдим,
Мурувватлиг, муҳаббатлиг вафодоримдин айрилдим»,
– мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, газал

8. Огаҳийнинг лирик асарлари нечта тўпламда жамланган? Ж: 2 та тўпламда

9. «Баёзи мутафарриқайи форсий» тўпамидан Огаҳийнинг нечта шеъри ўрин олган? Ж: 20 га яқин

10. Огаҳийнинг «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») девони қачон кимнинг таклифи билан тузилган? Ж: Муҳаммад Раҳимхони Соний–Феруз салтанати даврида унинг талаби ва таклифи билан

11. «...барчаси дарди ишқ ўтининг ҳарорати била огушта эди. Агар ишқ ва дард аҳлининг қўлига тушса, таъвиз янглиг бўюнларига осиб, иззат била асрар эрдилар ва муро-

лаа қилиб, шавқангиз мазмунлари 'дорусидий ишқ беморлиқи маразига навъи шифо топар эрдилар'. Ушбу ситрлар кимнинг девони «Дебоча»сидан? Ж: Огаҳийнинг

12. Огаҳий девони нечанчи йилларда Хива босмаҳонасида икки марта кўп нусхада нашр этилди? Ж: 1882, 1905 йилларда

13. Огаҳий девонидан нечта ғазал ўрин олган? Ж: 450 га яқин

14. Девонда қайси жанрдаги шеърлар учрайди? Ж: Ғазал, қасида, мусаддас, мураббаъ, мусамман, маснавий, таржийбанд, қитъа, рубоий, туюқ

15. Огаҳийнинг қайси ғазали халқ орасида кенг тарқалган? Ж: «Устина» радифли ғазали

16. «Мушкин қошининг ҳайъати ул чаъми жаллод устина, Қатлим учун нас келтирур «нун» элтибон «сод» устина», – байтида Огаҳий қайси санъатдан фойдаланган? Ж: Китобат санъатининг ташбиҳи измор (яширин ташбеҳ) туридан

17. «Эй шоҳ, карам айлар чоғи тенг тут ямону яхшини, Ким меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал

18. «Бошдин аёқинг жон эрур, жонлар санга қурбон эрур, Жону, аёқу бошингга олам гадо, ман ҳам гадо», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал

19. «Ваҳки, айлаб лутфу эҳсон ёр мандин ўзгага,

Айламас зулму ситам изҳор мандин ўзгага», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал

20. «Ишқинг гамида дийдаи гирёнима раҳм эт» мисрасининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал

21. «Жавринг чекибон жони ҳазин чиққоли етди,

Эй жону жаҳон, жонинг учун жонима раҳм эт», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал

22. «Ашқима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,

Оҳима ҳам шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?» –

- мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал
23. *«Даврондан агар, эй дил, етса санга бир роҳат,
Чекмакка муҳайё бўл юз кулфату минг меҳнат»,* – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал
24. *«Гар даҳр элидин олсанг, ўлмакка етиб бир нон,
Бир лаҳза қутулмассан ўлгунча чекиб миннат»,* – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал
25. *«Бўлса ҳар одам қаноат нуридин равшанзамир,
Улдурур иззат сипеҳри авжида меҳри мунир»,* – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал
26. *«Кимки фақр кўйида талабгори қаноатдур»* мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал
27. *«Азиз ўлмоқ агар истар эсанг аҳли жаҳон ичра,
Қаноат айлаким, ул рутба осори қаноатдур»,* – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал
28. *«Эй кўнгул, одам хаёл айлаб, дема нодонга сўз,
Чунки ул инсон эмас, топсанг, дегил инсонга сўз»,* – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал
29. *«Билмаган ўз қадрини не билсин сўз қадрини,
Ҳайфдур доно демак, нодону беирфонга сўз»,* – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал
30. *«Агар урён эса шоҳу гадо жисми баробардур,
Тафовут бу иковги айлаган изҳор хилъатдур»,* – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал
31. *«Бўл шоду хуррам, эй кўнгулким, мавсуми наврўз эрур,
Шоҳи кавокиб адлининг айни жаҳонафрўз эрур»,* – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал
32. *«Даҳр бир майхонадурким, кулфат онинг жомидур,
Кўз ёши бирла кўнгул қони майи гулфомидур»,* – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал
33. *«Хароб ўлсун, илоҳо, гунбази даввор чархи дун,
Ки, доим даври каждур, таври шуму ҳайъати вожун»,* – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал

34. «*Мулку миллатга амин ўлса агар огоҳлар, Икки олам обрўйин ҳосил этгай шоҳлар*», – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал
35. «*Ғофил ўлса шаҳ агар мулку сипоҳ аҳволидин, Бошга иш тушганда суд эрмас ғигону оҳлар*», – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал
36. «*Агар жамъ ўлса учқун бир маконга Бўлур, албатта, оташгоҳ пайдо. Ва агар ҳар соридин йиғналса қатра Бўлур тадриж ила тўфон ҳувайдо*», – мисралари қандай муносабат билан ёзилган? Ж: 1827-28 йилларда бўлиб ўтган ва Хива салтанатини ларзага солган Ойдўст қўзғолони муносабати билан
37. Огаҳийнинг қайси ғазали тасаввуфий йўналишда? Ж: «*Бизки, бугун жаҳон аро кишвари фақр шоҳимиз, Бошимиз узра оҳимиз шуъласидир кулоҳимиз*»
38. Огаҳий қайси ғазалида фақир, яъни ўзини Аллоҳ йўлига бағишлаб, мол-дунёдан кечган инсон тимсоли тасвирланган? Ж: «*Бизки, бугун жаҳон аро кишвари фақр шоҳимиз, Бошимиз узра оҳимиз шуъласидир кулоҳимиз*» ғазали
39. «*Бизни бу даҳр богининг ишрати орзусидин, Шукрки, фориг айламыш марҳамати илоҳимиз*», – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал
40. «*Эй ёр, санго ушбу жаҳон боги аро гул бир ошиқи ҳайрон, дийдорингга шайдо. Бир шифтадур кокули мушкинингга сунбул ҳам ҳоли паршон, ҳам бошида савдо*», – мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, мустазод
41. «*Ҳуснунгни тамошо қилибон, баҳра олурлар кўзим била кўнглум бир-биридан афзун, Зинҳорки, эмди ёзибон юз уза кокул, айлаб они пинҳон, манъ этма тамошо*», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, мустаъод
42. «Огоҳнома» қасидаси қандай бошланади? Ж: Му-
ҳаммад Раҳимхони Соний, яъни Ферузнинг Хива тахтига
чиқиши билан табриклаш ва унга отасининг ўлими билан
ҳамдардлик билдириш билан бошланади

43. *«Қилиб баъзи лутфу карам ошкор,*

Вале баъзи зулму ситам ихтиёр.

Етиб баъзидин элга роҳат баса,

Вале баъзидин ранжу меҳнат баса».

Огаҳийнинг шоҳлар тўғрисидаги ушбу фикрлари қайси
асаридан олинган? Ж: «Огоҳнома» қасидасидан

44. Огаҳий қайси асарида Темурга алоҳида ҳурмат би-
лан қараб, қуйидаги сатрларни битган:

«Темурбий қаён борди турмай равон

Ки, аҳо аро солмиш эрди қирон?» Ж: «Огоҳнома» қаси-
дасида

45. *«Фалак золи асру жафокор эрур,*

Фусунсозу, маккору, гаддор эрур.

Юзида йўқ асло ҳаёдин асар,

Кўзида йўқ асло вафодин хабар», –

сатрлари Огаҳийнинг қайси асаридан олинган? Ж: «Огоҳ-
нома» қасидасидан

46. Огаҳий қайси асарида ҳукмдорга юрт бошқариш юза-
сидан аниқ ва фойдали ўғитлар беради? Ж: «Огоҳнома» қаси-
дасида

47. Қайси шоир ёрга *«Кўзум ёшига тоя-тоя келдим»* дей-
ди? Ж: Огаҳий

48. *«Дарди дилим анго дедим, дема ани манго деди,*

Ким манга ошиқ ўлса, ул лозим эрур анго деди», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал

49. *«Эй шўх, кўзу қишингга олам гадо, мен ҳам гадо,*

Лаъли лаби дурпошингга олам гадо, мен ҳам гадо», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Огаҳий, ғазал

50. Хива таржима мактабининг асосчиси ким? Ж: Огаҳий

51. Огаҳий нечта асарни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган? Ж: 19 та асарни

52. Огаҳий таржималари? Ж: 1) Кайковус ибн Вушмагирнинг «Қобуснома» асари; 2) Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» асарини; 3) Низомий Ганжавийнинг «Ҳафт пайкар» асарини; 4) Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт беҳишт» асарини; 5) Бадриддин Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо» асарини; 6) Ҳусайн Вонз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний» («Яхши хулқлар») асарини; 7) Жомийнинг «Саломон ва Ибсол», «Баҳористон», «Юсуф ва Зулайҳо» асарларини; 8) Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақое» асарини; 9) «Зубдат ул-ҳикоят» («Ҳикоялар қаймоғи») асарини; 10) «Зафарнома» асарини; 11) «Табақоти Акбаршоҳий» асарини

53. Огаҳийнинг тарихий асарлари? Ж: 1) «Риёз ул-давла» (Жаннат боғлари)–1844 йилда ёзилган. Хива хонлигида 1825-1843 йилларда Оллоқулихон замонасида юз берган тарихий воқеалар ёритилган; 2) «Зубдат ул-таворих»(Тарихлар қаймоғи)-1845-1846 йилларда ёзилган бўлиб, 1843-1846 йилларда ҳукмронлик қилган Раҳимқулихон даври воқеаларини акс эттирган; 3) «Жоме ул-воқеоти султовий» («Султонларга доир воқеалар тўплами»)–1856-1857 йилларда ёзилган. 1846-1855 йилларда ҳукмронлик қилган хонлар: Муҳаммад Аминхон, Абдуллахон, Қутлуғмурод даври воқеаларини тасвирлайди; 4) «Гулшани давлат» – 1856-65 йилларда салтанат қурган Саййид Муҳаммад Баҳодирхон даври воқеаларига бағишланган; 5) «Шоҳиди иқбол» «Феруз» таҳаллуси билан шеърлар ёзган машҳур Муҳаммад Раҳимхони Сонийнинг тахтга чиқишидан 1872 йилгача бўлган даври ёритилган

ТАРДИ АКС, РАДДИ МАТЛАЪ

1. Тарди акс сўзининг маъноси? Ж: Арабча бўлиб, тескари такрор маъносини билдиради

2. Тарди акс санъати қандай санъат? Ж: Шеърнинг бир байтидаги икки сўзнинг ўрин алмашиб келиши

3. *«Юз уза икки наргисинг, ваҳ, не бало қаро, дедим,
Кўнглуку жонинг олгучи икки қаро бало, деди».*

Огаҳийнинг ушбу байтида қўлланган санъат? Ж: тарди акс

4. Радди матлаъ қандай санъат? Ж: Ҳазалнинг биринчи байт биринчи мисрасининг шеър охири – мақтаъда такрорланиб келиши

5. Огаҳийнинг қайси ғазали радди матлаъ санъатига асосланган? Ж: «Бизки, бугун жаҳон аро кишвари фақр шоҳимиз, Бошимиз узра оҳимиз шуъласидир кулоҳимиз» ғазали

Муҳаммад Сулаймон ўгли Фузулий

(1498–1556)

1. Фузулий қерда туғилган? Ж: 1498 йилда Ироқнинг Карбало шаҳрида туғилган

2. *«Еллар, бир дақиқа тўхтанг эсишдан,*

Сернаво булбуллар, сайраманг бироз.

Карбало даштида яё кезишдан

Чарчаб тин олмоқда Фузулий устоз». –

мисраларининг муаллифи? Ж: Э.Воҳидов «Фузулий ҳайкали қошида» шеъри

3. Нима учун Фузулий таҳаллуси ёнида Бағдодий нисбаси қўшилиб келади? Ж: Чунки Муҳаммад Фузулий шоир сифатида Бағдодда шаклланди

4. Фузулий сўзининг маъноси? Ж: Ўзаги «фазл» (фазилат) сўзидан, фузул фазлнинг жамини, фозил, фазилат эгаси маъноларини беради

5. Фузулий бир шеърида турк, араб, форс тилларининг шуҳратини оламга ёйган уч буюк даҳони тилга олади. Улар кимлар? Ж: Арабларда – Абу Нувос, форсларда – Низомий, туркларда – Навоий

6. Навоий ҳақида:

*«Ўлмишди Навоийи суҳандон,
Манзури шаҳаншоҳи Хуросон», –*
мисраларини ёзган шоир? Ж: Фузулий

7. Қайси шоир ўз туркча девони «Дебоча»сида она тилида шеър ёзмаслик ёки ёза олмаслик ўша шоир табъининг «қобили қусур»и, «истеъдоди камоли»га «рахна» ҳисоблайди? Ж: Фузулий

8. Фузулий кимнинг қизини севиб қолган? Ж: Устози Ҳабибийнинг

9. Фузулийнинг ўгли қайси таҳаллус билан шеърлар ёзган? Ж: Фазлий

10. Қайси шоир туркий шеърнинг буюк Навоийдан кейин кадр уэтиборини юксак шараф ва масъулият билан ҳимоя эта олган? Ж: Фузулий

11. *«Ғазалдир сафобахш аҳли назар,
Ғазалдир гули бўстони ҳунар...
Ғазал билдурур шоирнинг қудратин,
Ғазал орттирур нозимнинг шуҳратин», –*
мисраларининг муаллифи? Ж: Фузулий

12. *«Шеър завқидин ўлмайн огоҳ,
Аҳли назма мазаммат айламасин», –*
мисраларининг муаллифи? Ж: Фузулий

13. *«Илмсиз шеър асоси йўқ девор ўлур ва асоссиз девор
гоятда безътибор ўлур»,* деб ёзган шоир? Ж: Фузулий

14. *«Манамки, қофиласолори карвони гамам,
Мусофири раҳи саҳройи меҳнату аламам.
Ҳақир боқма манга, кимсадан соғинма камам,
Фақирӣ подшоҳосо, гадойи муҳташамам», –*

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Фузулий, таркиббанд

15. «Маҳшар куни кўрам дерам ул сарви қомати,
Га ранда кўринмаса, кел кўр қиёмати», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Фузулий, ғазал

16. «Мани жондан ўсондирди, жафодан ёр ўсонмазми?
Фалаклар ёнди оҳимдан, муродим шамъи ёнмазми?» –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Фузулий, ғазал

17. «Қаму беморина жонон давои дард этар эҳсон,
Нечун қилмаз манга дармон, мани бемор сонмазми?» –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Фузулий, ғазал

18. «Паришон ҳолинг ўлдим, сўрмадинг ҳоли паришоним»

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Фузулий, мураббаъ

19. «Шифои васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зилоли завқ-шавқин ташнайи дийдор ўландан сўр», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Фузулий, ғазал

20. «Гўзи ёшлиларнинг ҳолин на билсин мардуми гофил,
Кавокиб сайрими шаб то саҳар бедор ўландан сўр», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Фузулий, ғазал

21. «Ишқдур ул нашъаи комилким, андандур мудом,
Майда ташвири ҳарорат, найда таъсири садо», –

мисраларининг муаллифи ва жанри? Ж: Фузулий, ғазал

22. Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун» достони қачон

ёзилган? Ж: 1537 йилда

23. «Тутсам талаби ҳақиқата роҳи мажоз,
Афсона баҳонаси-ла арз этсам роз,
Лайли сабаби-да васфин этсам оғоз,
Мажнун тили ила этсам изҳори ниёз», –

мисралари Фузулийнинг қайси асаридан олинган? Ж:

«Лайли ва Мажнун» достонидан

24. Қайси шоирлар ўларининг «Лайли ва Мажнун» до-

стонларини «дард достони» деб аташган? Ж: Фузулий ва

Навоий

25. Фузулийнинг фалсафий дostonлари? Ж: «Анис ул-қалб» («Қалб дўсти»), «Маглаъ ул-эътиқод» (Эътиқод бошланмаси»), «Ринду зоҳид»

26. Фузулий асарлари? Ж: «Сиҳҳат ва мараз», «Бангу Бода» («Наша ва май»), «Сухбат ул-асмор» («Мевалар суҳбати»)

27. Фузулийнинг нарий йўлда ёзилган асари? Ж: «Шикоятнома»

Мирзо Ғолиб

(1797–1869)

1. Ҳиндистон ва Покистоннинг фахри, урду тили тасвир имкониятларини дунёга дoston қилган шоир ким? Ж: Мирзо Ғолиб

2. Мирзо Ғолиб асли қаерлик? Ж: Туркистонлик

3. Мирзо Ғолибнинг бобоси нима сабабдан Самарқанддан Ҳиндистонга кетиб қолган? Ж: Бобоси Турсунбек Ойбек уруғидан бўлиб, ўғли Қўқонбекхон отаси билан аразлашиб қолади ва 1730 йилда Самарқандни тарк этади

4. Мирзо Ғолибнинг отаси кимнинг қўлида қўмондонлик қилган? Ж: Деҳли подшоси Шоҳолам қўлида

5. Мирзо Ғолибнинг асли исми? Ж: Мирзо Асадуллохон бўлиб, Ғолиб унинг тахаллуси

6. Мирзо Ғолибнинг кўплаб ғазаллари мақтаёсида яна қайси ном келади? Ж: Асад номи

7. Мирзо Ғолибга қай ҳукмдор теуурийлар хонадони тарихини ёзишни топширади? Ж: Баҳодиршоҳ Зафар

8. Мирзо Ғолибнинг тарихий асари номи? Ж: «Меҳри нимрўз»

9. Шоир Найяр «Ҳиндистонда форс шеърятини лочин уруғидан булган туркдан бошланиб, ойбек уруғидан булган турк билан ниҳоясига етган» деб ёзганда кимларни назарда тут-

ган? Ж: У келиб чиқиши лочин уруғидан бўлган шаҳрисабзлик Хусрав Деҳлавий билан келиб чиқиши ойбек уруғидан бўлган Мирзо Ғолибни назарда тутган

10. Қайси шоир фақат ҳарбий тил деб қараб келинган урду тилида ҳам дунёни лол қолдирадиган асарлар ёзиш мумкинлигини исботлади? Ж: Мирзо Ғолиб

11. Мирзо Ғолиб шеърларини шарҳлаш учун урду ва инглиз тилларида неча китоб яратилган? Ж: 14 та

12. Мирзо Ғолибнинг бир шеърый мажмуаси Ҳиндистонда неча марта чоп этилган? Ж: 100 мартадан ортиқ

13. Мирзо Ғолибнинг асарлари қасрда ҳар йили нашр этилади? Ж: Покистонда

14. Мирзо Ғолиб ҳақида Ҳиндистонда неча қисмдан иборат телефильм ишланган? Ж: 18 қисмдан иборат

15. *«Десам, Ғолиб, ерим-пок хоки Турон,*

Асл зотим билан бағрим фараҳманд.

Ўзим туркзода-ю наслим-да туркзод,

Буюклар қавми бирла асли пайванд.

Уруғ бўлмиш менга ойбеклар аслан,

Камолан ойга нисбат, балки ўнчанд», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Мирзо Ғолиб

16. *«Қоши ёси қатлима таббирдир,*

Не ажаб, уй тоқида шамширдир», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Мирзо Ғолиб

17. *«Мен жунун даштида саргардон эсам,*

Ғам дилимнинг пойида занжирдир», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Мирзо Ғолиб

18. *«Ваҳ, қаламнинг ёқасин йиртди Асад,*

Чок дил иншоси бу таҳрирдир», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Мирзо Ғолиб

19. *«Эгам, исмингни айтмоқ журъатин бергил забонимга,*

Кўнгил-хомуш садаф, дур жилвасин бергил баёнимга», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Мирзо Ғолиб

20. «Муҳаббат тухмин экдим жонима, андуҳ самар бўлди,

Умидим шулки, қосид, ёрга ҳолимдин хабар бўлди», – мисраларининг муаллифи? Ж: Мирзо Ғолиб

21. «Ёғиб чархи фалакдан бу жафокаш бошима тошлар, Уришда тошга тош, мисли гулдаста шарар бўлди», – мисраларининг муаллифи? Ж: Мирзо Ғолиб

22. «Кўнгил дарди кўринса кўзгуда юз ранг билан, денглар, Хазони соғару дил донию захми жигар бўлди», – мисраларининг муаллифи? Ж: Мирзо Ғолиб

23. «Қатра сувнинг бахтидир кўлда фано бўлмоғи, Дард ҳаддидан ўтгани унга даво бўлмоғи», – мисраларининг муаллифи? Ж: Мирзо Ғолиб

24. «Бўлибмиз энди маҳрум жафодан ҳам, э Худо! Шунчалик бизга душман аҳли жафо бўлмоғи!», – мисраларининг муаллифи? Ж: Мирзо Ғолиб

II-СИНФ АДАБИЁТИ

Янги ўзбек адабиёти

1. Янги ўзбек адабиёти алоҳида эстетик ҳодиса сифатида қачон пайдо бўлди? Ж: 19-асрнинг 60-йилларида.

2. Янги ўзбек адабиёти қайси босқичларни ўз ичига олади? Ж: Маърифатчилик адабиёти, жаҳид адабиёти, шўролар адабиёти, мустақиллик даври адабиёти.

3. Маърифатчилик фикрлари кимда биринчи бўлиб пайдо бўлган? Ж: Қўқон хонлигида яшаган Ҳакимхон исмли зиёлида.

4. Садриддин Айний кимни «Бухоронинг қора осмонидаги ёруғ юлдуз» деб атаган? Ж: Аҳмад Донишни.

5. Ўзбек адабиётида маърифатчилик йўналиши дастлаб қайси ижодкорлар ижодида кўринди? Ж: Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар, Дилшод Барно, Анбар отин.

6. Мумтоз адабиётнинг қаҳрамони ким эди? Ж: Комил инсон.

7. Маърифатчилик адабиётининг қаҳрамони ким эди? Ж: Маърифатли шахс.

8. Маърифатчилик адабиётида нимага эътибор қаратилди? Ж: Сўзлашув тилига яқин тасвир йўсинидан фойдаланишга

9. Маърифатчилик адабиёти босқичига хос асосий хусусиятларни сананг. Ж: Биринчидан, ижодкорлар кўп асрлик адабиётимизда биринчи марта ижтимоий турмушни, оддий халқ ҳаётини бадиий адабиётнинг манбаси сифатида қабул қилдилар. Иккинчидан, маърифатчилар ўзлари бевосита биладиган кишиларни, оддий одамларни бадиий асарларга қаҳрамон сифатида кирита бошладилар. Учинчидан, оддий одамларнинг турмуши, ўй-хаёлларини акс эттириш учун олдинги муболағадор, замзамали тасвир усулидан кўра реалистик тасвир мақбулроқ эканлигини англаб етдилар. Тўртинчидан, бадиий асарларнинг тили олдинги кўтаринкиликдан қутула борди ва жонли сўзлашув тилига яқинлашди. Бешинчидан, маърифатчилик адабиёти намояндалари бадиий ижод халқ олдида бурчли, деган тўхтама келдилар

10. Маърифатчи адибларнинг мумтоз адабиёт намояндаларидан фарқи? Ж: Мумтоз адабиёт намояндалари асосий эътиборни алоҳида шахслар, ҳукмдорлар маърифатига қаратар эдилар, маърифатчи адиблар эса айнан оммани, халқни тўлиғича маърифатли қилиш тўғрисида қайғура бошладилар

11. Фалсафа, тарих, санъат, тилшунослик, риёзиёт, илми нужум бўйича замонасининг етук олими бўлган қайси аллома Бухоро амирлигидаги тарғиботларни тубдан ислоҳ қилиш, оммага маърифат тарқатиш ва уни давлат ишларига жалб этиш зарурлиги ғояларини илгари сурган? Ж: Аҳмад Дониш

12. Маърифатчилик адабиётида адабиётнинг вазифаси?
Ж: Адабиёт халққа маърифат тарқатиш, унинг ҳаётини яхшилаш мақсадига эришишнинг воситаси

13. «Билинг, ушбу замон гамнокидурман,
Куйиб ўртанмиш элнинг хокидурман», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Аваз Ўтар

Муҳаммадниёз Комил Хоразмий

1. Огаҳий қайси асарида Муҳаммадниёз Комилни юксак иқтидор эгаси бўлган шоир сифатида тилга олади? Ж: «Гулшани давлат» асарида.

2. Муҳаммадниёз Комил яшаган йиллар? Ж: 1825-1899 йиллар.

3. Комил Хоразмийнинг отаси ким бўлган? Ж: Отаси Абдулла Охунд мадраса мударриси булган.

4. Янги ўзбек адабиётини кўп асрлик анъаналарга эга мумтоз адабиёт билан боғлаб турадиган энг ёрқин адабий шахс? Ж: Комил

5. Огаҳий «Гулшани давлат» асарида Комилни қандай ном билан атайди? Ж: Полвонниёз.

6. Комил Хоразмийни нима учун паҳлавон деб аташади? Ж: Оталари авлиё шоир Паҳлавон Маҳмудга эътиқодлари баланд бўлгани учун.

7. Қайси ижодкор машшоқлик маҳорати такомилга етгани учун сарой созандаларига бошчилик қилган, халқ куйларини тўплаб нотага кўчирган? Ж: Комил

8. Комил мусиқа соҳасидаги янгилigi қайси? Ж: Комил миллий мусиқамизга замонавий маънодаги нотани жорий этган дастлабки мусиқашуносдир

9. Комилнинг қайси мусиқалари нотага кўчирилган ҳолда ҳозирга қадар етиб келган? Ж: «Рост» мақомига боғлаган «Мураббаъий Комил», «Пешрави Феруз» мусиқалари

10. Комил Саид Муҳаммад Раҳимхон даврида неча йил қайси иш билан шуғулланди? Ж: 10 йил хаттотлик билан

11. Комил Муҳаммад Раҳимхон Соний даврида қайси лавозимда ишлади? Ж: Мирзабошилик.

12. 1873 йилда руслар қароргоҳи айлантирилган Ганди-миён деган жойда «Тинчлик шартномаси» деб аталган сулҳ тузилади. Бу сулҳнинг матни ким томонидан ёзилади? Ж: Комил Хоразмий томонидан

13. Қайси ижодкор «Хоразм нотаси» ёки «Танбур нотаси» номли ўз нотасини тузган? Ж: Комил Хоразмий.

14. Ким кейинчалик «танбур нотаси»ни янада такомиллаштириб, Хива «Шошмақом»ини нотага тўлиқ кўчиради? Ж: Комилнинг ўғли Муҳаммад Расул

15. Қайси шоир ўзбек мумтоз адабиётининг сўнгги, янги ўзбек адабиётининг эса биринчи шоири бўлган? Ж: Комил

16. Комил Хоразмийнинг ижодкор сифатидаги ўзига хослигини ифодалайдиган белгилар қайсилар? Ж: Асарларининг юксак инсонпарварлик ва маърифатчилик йўналишларига эга эканлигидир

17. Комил Хоразмий ижодини шартли равишда нечага бўлиб ўрганиш мумкин? Ж: Мумтоз йўналишда битилган асарлар ва маърифатчилик йўлида ёзилган асарлар

18. Комил Хоразмийнинг маърифатчилик йўналишидаги ғазалини топинг. Ж: «Эмас кишига бу дунёда мулку мол камол, Ҳусусл илму ҳунар келди безавол камол».

19. Қайси шоир ўзбек адиблари орасида биринчилардан бўлиб асарларида одамни фақат илоҳий яратиб сифатида эмас, балки тирикчилик ташвишлари ва ижтимоий муаммоларга кўмилган оддий инсон сифатида акс эттиради? Ж: Комил

20. *«Очғали отланди то султони Жам иқболи сув,
Бу шарафдин борча мазра бўлди моломот сув».*

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Комил Хоразмий

21. Комилнинг қайси ғазалида маърифатдан, покиза туйғулардан йироқ замондошлари ҳақидаги надоматлари ифодаланган? Ж: «Бухл элига демагил, эй зубдайи даврон сўзунг»

22. Комилнинг:

*«Гар сўзунгдин бир нимарса унмаса бу дунёда,
Тингламаслар охирадда берса ҳам имон сўзунг», –*

мисралари кимлар тўғрисида? Ж: Нафс қулига айланган бахиллар ҳақида

23. Қайси шоир одамнинг руҳи тўғрисидагина эмас, унинг жисми ҳақида ҳам қайғуриш лозим деб билганлиги учун шеърларидан бирида пўстинни майда деталлари билан тасвирлашдан малолланмайди? Ж: Комил Хоразмий

24. *«Чу бўлди танимга макон пўстин,
Ўлук жисмима берди жон пўстин».*

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Комил Хоразмий

25. *«Манго қилма, эй моҳи олийжаноб,
Итобу, итобу, итобу, итоб».*

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Комил Хоразмий

26. *«Токай юрай йўлингда кўзим ёшин оқтуруб,
Тиндур ёшим, кўзумни жамолингга боқтуруб».*

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Комил Хоразмий

27. *«Келгил, шони ҳажрингда ҳолатим хароб ўлмиш,
Оразинг бу шомимга мисли офтоб ўлмиш».*

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Комил Хоразмий

28. *«Ҳар қачон кулбама фалон жоним
Келса ўтру, чиқар анга жоним».*

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Комил Хоразмий

29. *«То гулшани жамолинг очар гул чаман-чаман,
Зулфи муанбаринг сочар анбар суман-суман».*

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Комил Хоразмий

30. *«Ич бодайи ҳақиқат, тарк айлагин мажозни,
Оқил киши қарони писанд этмас оқ туруб».*

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Комил Хоразмий

31. Комил Хоразмийнинг Мунис газалига боғлаган мухаммасини топинг.

Ж: *«Дардоки, йўқ жаҳон элида шармсорлиг,
Кўрганлар иззатимни менга берди хорлиг».*

32. Комилнинг эл орасида қайси мухаммаси машҳур бўлган? Ж: «Қайси фалак буржининг меҳри пур анворисен?»

33. Комилнинг эл орасида машҳур бўлган «Қайси фалак буржининг меҳри пур анворисен?» деб бошланувчи мухаммасининг нақоратини топинг. Ж: *«Сўйла манга, эй санам,
кимнинг севар ёрисен?»*

34. Комилнинг «Қайси фалак буржининг меҳри пур анворисен?» деб бошланувчи мухаммасининг ҳажми? Ж: 7 банд, 35 мисра

35. Қайси ижодкор ижоди анъанавий йўсиндаги адабиётдан янги узбек адабиёти босқичига ўтишда ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган? Ж: Комил Хоразмий.

Муҳаммад Аминхўжа Муқимий

(1850–1903)

1. Муқимийнинг онаси Бибиойшани маҳаллада нима деб аташган? Ж: Хуморбиби

2. Муқимий ўғлининг исмини топинг. Ж: Акбархўжа

3. Муқимий кимдан хаттотликни ўрганган? Ж: Муҳаммад Юсуфдан

4. Муқимий қайси касалдан вафот этган? Ж: Сарик касалидан

5. Муқимий қачондан тўлиғича бадиий ижодга берилди? Ж: 19-асрнинг 70-йиллари охиридан

6. Муқимий 1887–1888 йилларда Тошкентга келиб қайси ижодкорлар билан яқиндан танишади? Ж: Алмай, Нодим Намаиғоний билан

7. Қайси шоир ижодида Мамажон мақай, Низомхон, Фарзинча, Исмоил найчи каби ўз даврининг таниқли санъаткорлари тилга олинади? Ж: Муқимий ижодида

8. Муқимий меросининг катта қисмини қайси жанрдаги асарлар ташкил этади? Ж: Ҳазал, мураббаъ ва мухаммаслар

9. «Тийгинг менинг қонимдадур, зулфунг, гирибонимдадур, Юз минг алам жонимдадур, ман мубтало қайга борай?!» – Ҳазалининг муаллифини топинг. Ж: Муқимий

10. «Суя сепиб кўз ёшидан, қўйдим йўлингиз тозалаб, То келур вақтида домонни губор этмай келинг», – Ҳазалининг муаллифини топинг. Ж: Муқимий

11. «Умр сансиз ўтса мундоғ, манга жон даркор эмас, Туфроқ ўлмак яхшироқ, руҳиравон даркор эмас», – Ҳазалининг муаллифини топинг. Ж: Муқимий

12. «Ҳайфким, аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан, Олдилар ҳар ерда булбул ошёнин зоглар», – Ҳазалининг муаллифини топинг. Ж: Муқимий

13. «Ошиқ бўлибман, эй ёри жоним, Васлингни излаб йўқдур мажолом», – Ҳазалининг муаллифини топинг. Ж: Муқимий

14. «Бир йўқламайсан куйган қулингни, Кўзлари жаллод, нозик ниҳолим», – Ҳазалининг муаллифини топинг. Ж: Муқимий

15. «Ким десун?» Ҳазалининг муаллифи? Ж: Муқимий

16. «Гар қилич бошимга келса ҳам дегайман ростин, Сўзки ҳақ бўлса, саволимга жавобим ким десун?», – мисраларининг муаллифи? Ж: Муқимий

17. «Ўз кўмочига, масалким, туортадур кул ҳар киши, Бас, куюб ишқида чекан изтиробим ким десун?» – мисраларининг муаллифи? Ж: Муқимий

18. «Гул дебон севган кишининг кўкрагига ниш уриб, Хастаю маъюс этиб, афгор қилмоқ шунчалар», – мисраларининг муаллифи? Ж: Муқимий

19. «Оҳким, афсус, эмас ҳеч ишда раҳбар толеим,
 Ёлгондур, имтиҳон қилдимки, аксар толеим», –
 газалининг муаллифини топинг. Ж: Муқимий
20. «Рўзгорим тийра, иқболим забун, бахтим қаро,
 Бўлса равшан, бормукин тадбири дигар толеим?», –
 мисраларининг муаллифи? Ж: Муқимий
21. Муқимий ижодида қайси жиҳатлар етакчилик қила-
 ди? Ж: Жамият ва шахслар ҳаётидаги иллатларни инкор
 этиш, уларни кулгуга олиш, ҳажвий танқид қилиш, хуллас,
 фаол ижтимоий муносабат етакчилик қилади
22. Муқимийнинг қайси шеърида ўзбек тўйига хос тўкин-
 чилик акс этмайди? Ж: «Тўйи Иқонбачча»
23. Муқимийнинг қайси ҳажвиясида ўзида бўлмаган си-
 фатлар билан мақтанадиган чиранчоқ одамлар устидан ку-
 линади? Ж: «Тўйи Иқонбачча»да
24. «Ман ризомас кишига нон берсанг,
 Ё товуқ сақласанг-у, дон берсанг.
 Туйнугингдан агарда чиқса тутун,
 Мунда бер дастмояларни бутун».
- «Тўйи Иқонбачча» ҳажвиясидаги ушбу фикрлар кимни-
 ки? Ж: Тошкентлик хўжайиннинг гумаштасига тўйни энг
 ичида ўтказиш тўғрисидаги буйруғи
25. «Тўйи Иқонбачча» ҳажвиясида гумашта неча сўмга
 кўй сотиб олади? Ж: 3 сўмга
26. «Тўйи Иқонбачча» ҳажвиясида тўйга маҳалладан
 неча киши таклиф қилинади? Ж: Етти киши
27. «Ўчоқ устида гар йўталса биров,
 Ер эди елкасига етти кўсов.
 Бири қаттиқ чиқарса овозин,
 Билмасин қўшни, деб тутуб оғзин», –
 мисралари Муқимийнинг қайси ҳажвиясидан? Ж: «Тўйи
 Иқонбачча» ҳажвиясидан

28. «*Сузди ош бир ликавда уч кишидин,
Кетти ошни кўриб ҳама ҳушидин.
Ош мисоли табақда кўз ёши,
Курмаги куп, гуручидан тоши*», –
мисралари Муқимийнинг қайси ҳажвиясидан? Ж: «Тўйи
Иқонбачча» ҳажвиясидан

29. «*Қачонким бўлди ҳоким амри билан ибтидо сайлов,
Амалдор аҳли бошига бўлиб келди бало сайлов*», –
ҳажвиясининг муаллифини топинг. Ж: Муқимий

30. Муқимий ҳажвияларининг қаҳрамонлари бўлган
фирибгар кимсаларни топинг. Ж: Қўқондаги ака-ука Ка-
менскийларнинг иш бошқарувчиси Виктор Ахматов, Лах-
тин

31. Муқимий ҳажвияларидан қайсилари маснавий йўли-
да ёзилган? Ж: «Танобчилар», «Тўйи Иқонбачча», «Мас-
ковчи бой таърифиди», «Воқеаи Виктор»

32. Муқимий ҳажвияларидан қайсилари ғазал жанрида
ёзилган? Ж: «Сайлов», «Дар шикоятти Лалтин», «Воқеаи кўр
Ашурбой ҳажви»

33. Муқимий ҳажвияларидан қайсилари мухаммас жан-
рида ёзилган? Ж: «Ҳажви Виктор», «Ҳажви Викторбой»

34. «*Агар хайрдин сўзласа ҳар киши,
Урарким, синар ўттиз икки тиши.
Гадо қўлида кўрси ногоҳ нон,
Дегай: «Берган одам эмас мусулмон».*

Ушбу ўзбек бойлари ҳақидаги таъриф Муқимийнинг
қайси асаридан? Ж: «Воқеаи Виктор»

35. Муқимийнинг «Дар шикоятти Лалтин» асарида ўзбек
бойларининг бир бетайин келгиндини шайх каби эъзозлаб,
меҳмон қилишга талашишлари қайси бойлар образи орқали
очиқ берилади? Ж: Карим охун, Қосим даллол

Убайдулла Завқий

1. Убайдулла Солиҳ ўгли Завқий яшаган йилларни топинг. Ж: 1853-1921 йиллар

2. Завқий бир неча йил қайси бойнинг қўлида мирзолик қилади? Ж: Қўқон шаҳри пойабзал растасининг хўжайини Мўминбой қўлида

3. Завқий «Ҳажви аҳли раста» шеърида нечта кишини фош қилади? Ж: 46 кишини

4. Завқий «Ҳажви аҳли раста» шеърини қаерга осиб қўяди? Ж: Мўймарак сайлгоҳининг энг гавжум жойидаги теракка

5. Завқий «Ҳажви аҳли раста» шеърини ёзиб кўп бойларни шарманда қилганда, улар шоирни судга берадилар. Завқий қамоқдан қанча сўм жарима тўлаб озод бўлади? Ж: 100 сўм

6. Завқийнинг «*Жаҳонда камсухан ким бўлди, асрори ниҳон бўлди*» ғазали қандай ғазал? Ж: Яқпора ғазал

7. «*Назокат орттурай десанг, мисоли гунча хомуш бўл, Надинким оғзини то осди гул, барги хазон бўлди*», – ғазалининг муаллифини топинг. Ж: Завқий

8. «*Чаманда аргувондек сураторо бўлмагинг хуб йўқ, Пишарда мевасиз шармандадур; сирри аён бўлди*», – мисраларининг муаллифи? Ж: Завқий

9. Завқийнинг қайси ғазалида шоир одамларнинг комилликдан йироқлашиб, нафсга берилиб, кўнгил кишиларини танимайдиган ва англамайдиган бўлиб бораётганидан озорланганини акс эттиради?

Ж: «*Аҳли дил бўлма, замоннинг бойи бўл, баззози бўл! Ақчадин лангар чўп ушлаб, растанинг дорбози бўл!*»

10. «*Шеър эшитмайди биров, даврон қулоғи қар анга, бир ҳовуч олтин, кумушнинг хушжаранг овози бўл*», – мисраларининг муаллифи? Ж: Завқий

11. Завқийнинг «Қилдинг» радифли мухаммаси неча банд, неча мисрадан иборат? Ж: 6 банд, 30 мисра

12. «Юзунгни кўрсатиб аввал ўзунгга бандалар қилдинг, Яна кўнглум олиб, юз ноз бирла хандалар қилдинг».

Ушбу шеърнинг муаллифи ва жанрини топинг. Ж: Завқий, мухаммас

13. «Қани, менга вафойи аҳд қилгонинг гули гунча,
Қани, булбулсифат олдингда тургоним очилгунча,
Қани, бизларга ҳамсуҳбат рақиблардек тонг отқунча,
Сани дарди фирогинг айтиб-айтиб йиғлай ўлгунча,
На деб эй меҳри йўқ, мен хаста қулга гамзалар қилдинг».

Ушбу шеърнинг муаллифи ва жанрини топинг. Ж: Завқий, мухаммас

14. «Шаҳру қишлоқ демангким, фисқ ила тўлди жаҳон,
Аҳли дунё қошида ёлгончилардур нуктадон».

Ушбу шеърнинг муаллифи ва жанрини топинг. Ж: Завқий, мухаммас

15. Завқийнинг қайси мухаммасида шоир ўзи яшаётган давр тартиботларини тафтиш қилади? Ж: «Замона кимники» мухаммасида

16. Завқийнинг «Мунча кўп» ҳажвийасининг жанри? Ж: Мухаммас

17. Завқийнинг «Замона кимники» шеърининг жанри? Ж: Мухаммас

18. Қайси шоир «Инсон шарафи номида хор мунча кўп? Инсон шарафи номида эмасми ҳар бири? Инсон шарафида қадрсиздир...», деб изтироб чеккан? Ж: Завқий

19. «Бу кунлар бошимизда бир саҳоб ўлса ажаб эрмас,
Мунаваар зимнида бир офтоб ўлса ажаб эрмас».

Ушбу шеърнинг муаллифи ва жанрини топинг. Ж: Завқий, мухаммас

20. «Дерлар биров улуг, бирнинг паст тақдири,
Бири тўқ-у, бири оч, балоларнинг собири,

Инсон шарафли номида эмасми ҳар бири.

Ёхуд она тугганида бўлганмиди бир сири.

Ёлгон зътиқод ила бидъат шиор мунча кўп?», –

Ушбу шеърнинг муаллифи ва жанрини топинг. Ж: Завқий, мухаммас

МУХАММАС

1. Узбек шеърятидаги энг фаол жанрлардан бири? Ж: Мухаммас

2. «Мухаммас» сўзининг маъноси? Ж: Арабча «бешлик»

3. Мухаммас ҳар бири неча мисрадан иборат бандли шеър? Ж: 5 мисрадан

4. Мухаммаслар қандай асосларда яратилишига кўра неча турга бўлинади? Ж: 2 га: а) мустақил мухаммаслар: б) тахмислар

5. Шоирнинг ўз таъби, илҳоми, истаги натижасида пайдо бўлган мухаммас? Ж: Мустақил мухаммас

6. Бошқа шоир ғазалидан таъсирланиш, унга эргашиш, унга ўхшатма қилишга уриниш натижасида дунёга келган мухаммас? Ж: Тахмис

7. Қандай мухаммасларнинг бандлари сони чекланмайди? Ж: Мустақил мухаммасларнинг

8. Қайси мухаммас турида ҳар бешликнинг дастлабки уч йўлигина муаллифга тегишли бўлиб, сўнгги байт бошқа шоирнинг ғазалидан олинган бўлади? Ж: Тахмисда

9. Завқийнинг «Юзунгни кўрсатиб аввал» мухаммасининг тури? Ж: Мустақил мухаммас

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат

1. Фурқат дастлабки таълимни кимдан олган? Ж: Мухаммад Олимдан

2. Қайси шоир Навоий бошлиқ улуғ шоирларни тушида кўриб, уларга «Чор девон»дан имтиҳон топшириб, «шеър

машқиға рухсат» олади ва шундан сўнг шеър ёза бошлаган?

Ж: Фурқат

3. Фурқат кимдан Қуръон тиловатини ўрганadi? Ж: 1870 йилда Ашур Муҳаммад қоридан

4. Фурқат кимдан араб тилини ўрганadi? Ж: 1871-1872 йилларда Пошшоҳўжа эшондан

5. Қайси шоир «Ҳафтияк»ни олти ойда тамом қилади? Ж: Фурқат

6. Фурқат неча ёшида мадрасага ўқишга киради? Ж: 14 ёшда

7. Зокиржоннинг Фурқат тахаллусини танлашига сабаб сифатида саккиз яшарлигида «Мантиқ ут-тайр» асаридagi сўфиёна қарашлардан баҳраманд бўлган шоир тахаллус танлашда Аллоҳ жамолидан жудоликни назарда тутган бўлса керак, деган фикрни билдирган олим? Ж: Нурбой Абдулҳаким

8. Қайси адабиётшунос Фурқатнинг тахаллуси унинг ушбу шеърда акс этган дейди:

«Замон аҳли боисдин тахаллуси Фурқатий дерлар.

Неча йилдур бир ошуби замонидин адашганман»

(Яъни: Бир неча йил бўлдики, ҳусни билан замонга ғавғо солган гўзалимдан адашиб қолганман, шунинг учун замон аҳли мени Фурқатий дейдилар)? Ж: В.Раҳмонов

9. Фурқат неча ёшида девон тартиб берган? Ж: 21-22 ёшларида

10. Фурқат қачон Тошкентга боради? Ж: 1889 йилнинг июнида

11. Фурқат Тошкентда ким билан танишади? Ж: «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири Николай Остроумов билан

12. Фурқат қачон «Туркистон вилоятининг газети»га таржимон бўлиб ишга кирди? Ж: 1890 йилнинг апрелида

13. Фурқатга Тошкентнинг «Кўкалдош» мадрасасида бир ҳужра олиб яшашига ёрдам берган дўсти? Ж: Ҳожи Аъзам

14. Фурқатнинг Истанбулда ёзилган «Сабоға хитоб» шеърининг ҳажми? Ж: 280 мисра

15. Фурқат Қашқарда қандай иш билан шуғулланади? Ж: Русия мусулмон идорасида котиб бўлиб ишлайди.

16. Фурқат Қашқарда кимга уйланади? Ж: Раъно исми қизга

17. Фурқатнинг «Қосидо, айгил ўшал дилдорға, Бир тараҳҳум айласун мен зорға» шеъри қайси мавзуда? Ж: Фурқатнинг олами мутасаввуф кўзи билан кўриши, сўфийлик туйғулари билан ҳис этиши ҳақида

18. «Тушти савдойи жудолиғ бошима, Юрмишам расво бўлуб бозорға» шеъридаги «савдойи жудолиғ», «бозор» сўзларининг тасаввуфий маъноси? Ж: «Савдойи жудолиғ» – Аллоҳдан айрилиқ, «бозор» – дунёни англатади

19. «Нўш этиб аввал муҳаббат бодасин,

Сўнг осилай Мансур осилгон дорға», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Фурқат

20. «Мунча золим бўлмиш ул хунрез тарсо кўзларинг,

Ким солур ислом элига шўру гавго кўзларинг».

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Фурқат

21. «Кошки бир жойда бўлсак эрди жонон иккимиз,

Кўзи шум агёрлардин анда пинҳон иккимиз».

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Фурқат

22. Фурқатнинг қайси ғазали раддиъ матлаъ санъати асосида ёзилган?

Ж: «Кошки бир жойда бўлсак эрди жонон иккимиз,

Кўзи шум агёрлардин анда пинҳон иккимиз».

23. «Чаман саҳнида дерлар сарв бирла ёсуман нозик»

мисраларининг муаллифи? Ж: Фурқат

24. «Каломингдин ҳаловат топмоғи жонларни ондинким,

Даҳон нозик, забон нозик, ки лаб нозик, сухан нозик», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Фурқат

25. «Ул қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур,

Балки андин даҳр эли ортуқча гавго тортадур».

- Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Фурқат
26. «Қошлари остида гўё икки фаттон кўзлари,
Икки ҳинду баччадурким, ёндошиб ё тортадур», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Фурқат
27. «Чархи кажрафторнинг бир шевасидин догман,
Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадур», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Фурқат
28. «Куймасун бу савдодан не учун димогимким,
Ранжу гуссада доно, кечса шод нодонлар», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Фурқат
29. Фурқатнинг қайси шеъри Муҳаммад Фузулий ижоди таъсирида пайдо бўлган? Ж: «Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг» газали
30. «Баҳор айёмида гулгаит этарга бир чаман бўлса,
Қилурга шарҳи ҳол, аҳли муҳаббат икки тан бўлса».
- Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Фурқат
31. «Биз истиғно эли, қичқирмагон маъвога бормасмиз,
Агарчандеки хирман айласа, дунёга бормасмиз».
- Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Фурқат
32. «Биз элар-фақр элимиз, парча нонга сабр айлармиз,
Ғароз дунё учун Искандару Дорога бормасмиз», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Фурқат
33. Қайси шоир маърифатчилик адабиётидаги энг ёрқин истеъдод эгаси эди? Ж: Фурқат
34. «Жаҳон басту кушоди илм бирлан,
Надур дилни муроди илм бирлан.
Кўнгилларнинг сурури илмдандур,
Кўрар кўзларнинг нури илмдандур», –
мисралари кимнинг қайси шеърідан? Ж: Фурқатнинг «Илм хосияти» маснавийсидан
35. Қайси ижодкор чин маънодаги илк ўзбек журналисти сифатида эътироф этилади? Ж: Фурқат
36. Фурқатнинг етти ёшида мактабга боргани, саккиз ёшида «Мантиқ ут-тайр»га ошно бўлгани, тўққиз ёшида

ҳазрати Навоий асарларини ўқий бошлагани қайси асарида келтирилади? Ж: «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти. Ўзи ёзғони» номли мемуар асарида

37. Фурқатнинг 1891 йилнинг январь-июнь ойларига давомли чоп этилган «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти. Ўзи ёзғони» номли мемуар асари адабиётшуносликда қандай номланади? Ж: «Фурқатнома», «Саргузаштнома»

38. Фурқат неча ёшида Қуръони каримни хатм қилган? Ж: 11 ёшида

Жадид адабиёти

1. Маърифатчилик адабиёти қачон юзага келган? Ж: 19-асрнинг 2-ярмидан

2. Жадид адабиёти қачон юзага келди? Ж: 20-асрнинг бошларига келиб

3. «Жадид» сўзининг маъноси? Ж: «Янги» маъносини бериб, тараққиётга интилган кишини англатади

4. Жадидлар бадий адабиётни нимага айлантирдилар? Ж: Халқни ғафлат ва мустамлака зулмидан қутқариш қуролига

5. Жадидлар ишни нимадан бошладилар? Ж: 19-асрнинг 90-йилларида янги усул мактаблари ташкил қилишдан

6. 1905-1917 йилларда ўлкада неча газета ва журнал ўзбек тилида чиқарилган? Ж: 22 газета, 8 журнал

7. Ўзбек тилидаги биринчи газета қайси эди? Ж: 1870 йилдан чоп этила бошлаган «Туркистон вилоятининг газети»

8. Ўзбек адабиётига маърифатчилар нималарни олиб кирди? Ж: Янги мавзуларни.

9. Ўзбек адабиётига жадидлар нималарни олиб кирди? Ж: Янги жанрларни

10. Жади́длар узбек адабиётига қайси янги жанрларни олиб кирди? Ж: Драма, роман, ҳикоя

11. Шеърятга бармоқ вазини кимлар олиб кирди? Ж: жади́длар.

Абдурауф Фитрат

(1886–1938)

1. Фитрат Туркияда дорилфунунда неча йил таҳсил олди? Ж: 4 йил: 1909-1913 йиллар

2. «Фитрат» сўзининг маъноси? Ж: «Тугма истеъдод»

3. Қайси жамият Туркистонда адабиёт, санъат масалалари билан илк бор ташкилий равишда шуғулланган? Ж: «Чигатой гурунги» жамияти

4. Фитратнинг драматик асарлари? Ж: «Чин севиш» (1920), «Ҳинд ихтилочилари» (1923), «Арслон» (1925), «Во-сеъ қўзғолони» (1927), «Абулфайзхон» (1924), «Шайтоннинг тангрига исёни» (1924)

5. Фитратнинг насрий асарлари? Ж: «Мунозара», «Ҳинд сайёҳи баёноти», «Қиёмат»

6. Фитрат мустақиллик йилларида қачон Алишер Навоий номидаги Республика давлат мукофотига муносиб деб топилди? Ж: 1991 йил

7. Фитрат қайси асарида маорифни ислоҳ этишга, меҳнатга янгича муносабатда бўлишга даъват этади, дунёнинг илғор халқларидан ўрганишга чорлайди? Ж: «Мунозара» асарида

8. Фитратнинг жади́дчилик ғоялари қайси асарида ўзининг ёрқин ифодасини топган? Ж: «Мунозара» асарида

9. Қайси ижодкор Миллий уйғониш даврининг жарчиси ва яловбардори ҳисобланади? Ж: Фитрат

10. Фитратнинг қайси асарида ватан эрки ва шахс эркинлиги муаммолари яширин шаклда акс этган? Ж: «Шайтоннинг тангрига исёни» шеърининг драмасида

11. «Туроним, сендан айрилмоқ—менинг учун ўлимим, Сенинг учун ўлмоқ менинг тириклигимдир», — мисраларининг муаллифи? Ж: Фитрат
12. Фитратнинг қайси шеъри инсон руҳиятидаги чексиз таманноларни, изтироб ва эврилишларни ёритишга бағишланган? Ж: «Шоир» шеъри
13. Қайси ижодкор талқинича, шоир кичик, нозли қанотига бутун башариятни қўя оладиган, «ўксуз, йўсул кўнгишларки» кўтарадиган булбулдир? Ж: Фитратнинг фикри
14. «Маданият деган гарби олбости, Боқинг, бунинг кўкрагидан ўқ босди». Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Фитрат, «Шарқ» шеъри
15. Ўзбек шеъриятига бармоқ вазнини ким олиб кирган? Ж: Фитрат
16. Бармоқ вазни ўзбек адабиётида қачондан бошлаб етакчи вазнга айланди? Ж: 20-асрнинг 20-30-йилларидан
17. Ўзбек шеъриятига сочма, сарбаст шеър шаклини олиб кирган ижодкорни топинг. Ж: Фитрат
18. Фитратнинг сочма шеър шаклида ёзилган асарларини топинг. Ж: «Шарқ», «Менинг кечам», «Яна ёндим», «Юрт қайғуси»
19. Фитрат шеъриятининг асосий хусусияти қайси? Ж: Қалб драмаси тасвири
20. Фитратнинг «Чин севиш» драмаси қайси воқеаларни асос қилиб олади? Ж: Ҳиндистон ҳаётидаги воқеаларни
21. Ватанни босқинчилардан озод қилишни ҳаётнинг бош мазмуни деб билган Раҳимбахш ва севгилиси Дилнавоз образлари Фитратнинг қайси асари қаҳрамонлари? Ж: «Ҳинд ихтилочилари»
22. Фитратнинг «Ҳинд ихтилочилари» драмасидаги Раҳимбахшнинг ҳаммаславлари кимлар эди? Ж: Абдусуббуҳ, Бадринад, Файзнаҳмад, Маҳмудхон
23. «Ҳинд ихтилочилари» драмасининг ғояси? Ж: Келишмовчиликларни, диний, ирқий, ғоявий, синфий ва бошқа их-

тилофларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, бирлашиш ва Она тупроқни босқинчилардан озод этиб, Ҳиндистонни мустақил қилиш керак

24. Фитратнинг «Арслон» пьесасида қандай воқеалар тилга олинади? Ж: Бухоро амирлигида деҳқонларнинг оғир ҳаёти ва қисмати

25. Фитратнинг «Арслон» драмасида бош қаҳрамон Арслон нима учун севгилиси Тўлғинойга уйлана олмайди? Ж: У тўйига йиғиб юрган пулини сарфлаб бир бечорани хонавайрон бўлишдан сақлаб қолади.

26. Фитратнинг «Арслон» драмасида 18 ёшли Тўлғинойга ким уйланади? Ж: 50 ёшли судхўр Мансурбой

27. Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясидаги етакчи ғоявий мақсад нима эди? Ж: Зўравонлик, ўзгаларни қулларча итоатда тутиш, тахт ва мансаб дунёси барча разилликларнинг манбаидир.

28. Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясида қайси воқеалар акс этади? Ж: Бухородаги Аштархонийлар сулоласининг охириги намояндаси Абулфайзхон ҳокимиятининг таназули ва манғитлар сулоласининг ҳокимиятга келиши.

29. Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясида ким Рухимбийга қарата «тинчлик сақламоқ баҳонаси билан миллионларча инсон кўмасини чуқурдан-чуқурга юмалатмоғининг замони ҳанузгача битмадими?» Ж: Хаёл тимсоли

30. Қайси қаҳрамон аслида номард, қўрқоқ ва ваҳимачи одам? Ж: Абулфайзхон

31. Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясида ким «Подшолук қон билан сугориладиган оғочдир», дейди? Ж: Улфат

32. Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясидаги қайси қаҳрамон узоқни кўзлаб иш тутадиган, душманни ташқаридан эмас, аввал ичдан, қаторидагиларни қўлга олиб, мунофиқ ва хиёнатчилардан фойдаланиб, маҳв этиш йўлини тутадиганлардан? Ж: Нодиршоҳ

33. Қайси қаҳрамон айёр, пихини ёрганлардан? Ж: Оталиқ Ҳақимбой

34. Қайси қаҳрамон мард, тўғри сўз, зътиқодидан қайтмайдиган киши? Ж: Фарҳод оталиқ

35. Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясида хонни бир ота каби асрагон ким? Ж: Фарҳод оталиқ

36. Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясидаги бадний тўқима образлар қайсилар? Ж: Улфат, Давлат, Қози Низом

37. Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясидаги тарихий образлар қайсилар? Ж: Абулфайзхон, Нодиршоҳ, хоннинг иноғи Ҳақимбий, Иброҳим оталиқ, тарихчи Мирвафо

38. Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясига зўравонлик ва шафқатсизликдан иборат ғайринсонийликнинг алалоқибати фожиадир, деган фалсафий маънога урғу бериш учун қайси образдан усталик билан фойдаланади? Ж: Сиевуш тимсолидаги Хаёл образидан

39. Вильям Шекспирнинг тажрибалари кимларнинг асарларида давом эттирилган? Ж: Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясида, Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек», А.Ориповнинг «Соҳибқирон» асарларида

40. Фитрат «Абулфайзхон» трагедиясида шахс ва жамиятаро муносабат масаласидаги ўз идеалини қайси образ орқали акс эттирган? Ж: Иброҳимбий тимсолида

41. Драмада биринчи парда кимларнинг шахмот сураётган ҳолати билан очилади ва бу нимага ишора қилади? Ж: Қози Низом, Улфат, Мирвафоларнинг шахмот сураётган ҳолати билан, бу манзара шахмот устидагиларнинг фақат тахта эмас, Абулфайзхон саройи ҳамда қисматнинг асосий ўйинчилари эканига ишорадир

42. Трагедия ғоясининг чўққиси қайси образнинг зиммасига қўйилади? Ж: Хаёл образининг фалсафий мушоҳадалари зиммасига

43. Абулфайзхоннинг ўлиmidан кейин хон қилиб кимни кўтарадилар? Ж: 15 ёшли Абдумўмин тўрани

44. Абдумўмин тўранинг оталиғи ким? Ж: Раҳимбий

45. Қайси қаҳрамон юрт эгасини қурултой йўли билан сайлаш лозим, деган илғор дунёқараш эгасидир? Ж: Иброҳимбий

46. Қайси адиб ўз драмаси орқали ўзбек адабиётида илк бор инсон ва тарих, шахс ва жамият муносабатларини бадий йўсинда гавдалантириш ва бу масалалардаги бадий идеални ҳал этиш йўлларини излади? Ж: Фитрат

47. Фитратнинг сиёсий публицистик мақолаларини топинг. Ж: «Сиёсий ҳоллар», «Мухторият», «Туркистонда руслар», «Англиз ва Туркистон», «Шарқ сиёсати»

48. Фитратнинг тилшуносликка доир асарларини топинг. Ж: «Этимология», «Наҳв. Ўзбек тили қондалари тўғрисида бир тажриба»

49. Фитратнинг тилшуносликка қўшган ҳиссаларини топинг. Ж: «Девону луғотит-турк»ни ўрганишга киришди, мўғул тили луғатини тузишга тайёргарлик кўрди, янги тожик алифбосининг лойиҳаси юзасидан таклифлар билдирди

50. Фитратнинг қайси асари ўтган асрнинг 20-30-йилларида республикамизда адабиёт назариясидан дарслик вазифасини ўтаган? Ж: «Адабиёт қондалари» (1926)

51. Фитратнинг илмий рисоалари? Ж: «Бедил», «Аруз ҳақида» (1935)

52. Фитратнинг адабиётшуносликка доир тадқиқот ва мақолалари? Ж: «Форс шоири Умар Хайём», «Фирдавсий замони ва муҳити», «Аҳмад Яссавий», «Навоийнинг форсий шоирлиги ва унинг форсий девони тўғрисида», «Ўзбек шоири Турди», «Машраб», «Фарҳод ва Ширин достони тўғрисида», «16-асрдан сўнг ўзбек адабиётига умумий бир қараш», «Ҳибат ул-ҳақойиқ»

53. Фитратнинг шаҳар думасига сайлов ўтказилиши муносабати билан ёзилган мақоласи? Ж: «Мусулмонлар, ғофил қолманг» (1917)

54. Бадий асарда адабий қаҳрамон нима? Ж: Адабий асарда тасвирланувчи шахс

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий

(1889–1929)

1. Ҳамза ким ҳақида «ул... юз саҳифадан ортиқроқ эски усулдаги шеърӣй ёзишмаларимни куриб, тарбиялашга киришди», деб ёзади? Ж: Абдулла Тўқмуллин ҳақида

2. Ҳамзанинг эски подшолар турмушидан «Ҳақиқат кимда?» исми ҳавосиз опералик рўмони, яъни либреттоси кимнинг таъсирида ёзилган? Ж: Намангандаги қўл матбааси билан майда рисолалар чиқариб турувчи бир татар йигит таъсирида

3. Ҳамза Тошкентда кимлар оиласида яшаб, улар туфайли усули жадид мактабларидаги таълим тизимини ўрганади? Ж: Таниқли маърифатпарварлар Собиржон ва Шокиржон Раҳимийлар оиласида

4. Ҳамза биринчи марта жадид мактабини қачон ва қаерда очади? Ж: 1910 йилда Тошкентнинг Қашқар маҳалласида

5. Ҳамза қайси йиллар Марғилон ва Қўқонда усули жадид мактабларини очган? Ж: 1914-17 йилларда

6. Ҳамза қачон Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони билан тақдирланади? Ж: 1926 йилда

7. Ҳамзанинг ижоди неча босқидан иборат? Ж: 2 босқичдан: 1-босқич ижодининг 1918 йилгача бўлган даври бўлиб, унда миллий Уйғониш даври ғояларини ифодаловчи шеърлар ва драмалар яратди. 2-босқичи 1905-1914 йилларга оид ғазаллари, мухаммас, мусаддаслари ва маснавийларини қўлёзма девонга жамлаган.

8. «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси» тўплами нечанчи йилларда ёзилган шеърларини ўз ичига олади? Ж: 1915-17 йилларда

9. Утган асрнинг 10-йилларидаги энг катта маданий воқеа нима? Ж: Миллий театрнинг туғилиши

10. Ҳамзанинг 1914-15 йилларда яратган драмалари? Ж: «Ўч», «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари»

11. Ҳамза ижодининг биринчи босқичида яратилган драмалар? Ж: «Очлик қурбонлари» (1916), «Мулла Нормуҳаммад домланинг куфр хатоси» (1916), «Рабочий» (1917), «Ишчилар ҳаётидан» (1917), «Мухторият ёки автономия» (1917), «Бой ила хизматчи» (1918), «Ким тўғри?» (1918), «Тухматчилар жазоси» (1918), «Лошмон фожиаси» (1918), «Қизил қон ичида ёш гавдалар» (1919)

12. Ҳамзанинг 20-йилларда яратган драмалари? Ж: «Фарғона фожиалари» (1918-20), «Эшонликка хиёнат» (1920), «Бурунги сайловлар» (1926), «Бурунги қозилар ёки Майсаранинг иши» (1926), «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллагчилар иши» (1927), «Эл қузғунлари» (1927), «Жаҳон сармоясининг охириги кунлари» (1927)

13. Ҳамзанинг ўзбек драматургиясига қўшган ҳиссаси қайси асарлари билан белгиланади? Ж: «Заҳарли ҳаёт», «Бурунги қозилар ёки Майсаранинг иши», «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллагчилар иши» драмалари

14. Ҳамза ижодининг дастлабки тарғиботчиси ким эди? Ж: Сотти Ҳусайн

15. Ҳамзанинг «Садойи Туркистон» газетасининг 1914 йил 15 июль сонидида босилган «Ватандошларима хитоба» шеърини ким Ҳамзага тегишлилигини айтиб, 90-йилларда эълон қилди? Ж: Адабиётшунос Бойбўта Дўстқораев

16. «Эй, аҳли ватан! Босди сени мунча гиғолат,
Фарқ айлади мунча сени дарёи жаҳолат?» –
мисралари кимники? Ж: Ҳамзаники

17. Қайси шоир биринчи марта ўз шеърисида «ватандош» сўзидан ўзбек шоирлари ичида фойдаланган? Ж: Ҳамза

18. *«Миллат деганинг боши агар кетса ризодир!
Ҳар лаҳзада минг жабру жафо этса ризодир!..
Кир! Лаззати дунёдан умид, ўзни суво қил,
Миллат йўлида мол ила жонингни фидо қил!»*, –
мисраларининг муаллифи? Ж: Ҳамза

19. Ҳамзанинг қайси давргачи бўлган ижодида маърифатпарварлик ғоялари етакчилик қилади? Ж: 1918 йилга қадар

20. Ҳамзанинг 1914-1927 йилларда ўзбек хотин-қизларига ёзилган шеърларини топинг. Ж: «Муҳтарама оналаримизга хитоб», «Ўзбек хотин-қизларига», «Ўзбек хотин-қизлар кўшиғи»

21. Ҳамзанинг қайси шеъри Муҳаммадшариф Сўфизоданинг «Ўқинг, оналар» шеърига назира тврзида битилган? Ж: «Муҳтарама оналаримизги хитоб»

22. Ҳамзанинг:

*«Сиз эдингиз миллати чин раҳбари,
Турмушу инсонни бутун сарвари,
Кони ҳидоят биза сиз эдингиз,
Тарбия дунёсини пайгамбари»,* –

мисралари кимга қаратилган? Ж: Оналарга

23. *«Бугун қайси бир кўнгил дилшод ўлмасин?!*

Бугун қайси мироншоҳлар обод ўлмасун?!

Ғофиз қолманг, бул фурсат барбод ўлмасун?!» –

шеъра кимники ва қандай муносабат билан ёзилган? Ж:

Ҳамзаники «Туркистон мухториятина» шеъри, мухториятни қутлаб ёзилган

24. Ҳамзанинг қайси драмаси Польша, Болгария каби хорижий мамлакатлар театрларида ҳам муваффақиятли саҳналаштирилган? Ж: «Майсаранинг иши»

25. Ҳамзанинг «Майсаранинг иши» пьесаси асосида ким кинофильм яратган? Ж: Мелис Афзалов

26. Ҳамза «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» тўрт пардали фожиасини яна қандай ном билан атаган? Ж: «Туркистон иаишатидан олинган қиз-куёв фожеаси»

27. Ҳамза «Заҳарли ҳаёт» драмасида пок ниётли, олижаноб, маърифатли инсоннинг ҳалок бўлиш сабабларини нимада кўради? Ж: Уларнинг мол-дунё инсондан азиз бўлган жамиятда яшаганликларида

28. Қайси асарда ёлғиз қизини олти хотинлик эшонга назр қилган мутаассиб ота образи берилган? Ж: Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт» драмасида

29. Ҳамзанинг қайси асарида сентиментализмдан ўринли фойдаланилади? Ж: «Заҳарли ҳаёт»

30. Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт» драмасида Маҳмудхон асарнинг нечанчи пардаларида ҳаракат қилади? Ж: Биринчи ва тўртинчи пардасида

31. Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт» драмасида Марямхоним асарнинг нечанчи пардаларида ҳаракат қилади? Ж: Иккинчи ва учинчи пардасида

32. Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт» драмасидаги сентиментализм қайси қаҳрамонда ифодаланади? Ж: Маҳмудхонда

33. Ҳамза қайси драмасида муҳаббат туйғусидан маҳрум бўлган, аммо ёш ва гўзал қизларга ҳирс кўядиган, уларни ўз тузоғига илинтирмоқчи бўлган кимсалар борлигини кўрсатади? Ж: «Майсаранинг иши»

34. Ҳамзанинг қайси драмаси деҳқонлар ҳаётидан олинган? Ж: «Майсаранинг иши»

35. «Майсаранинг иши» комедиясида тасвирланган воқеалар қаерда бўлиб ўтади? Ж: Сўх шаҳрида

36. Ҳамзанинг қайси қаҳрамони «мақтовдан *иртиқ чиройли, узун сочли, ширин сўз бир қиз*»? Ж: «Майсаранинг иши»да Ойхон

37. «Майсаранинг иши» комедиясида Ойхонга гўз олайтирган кимсаларни топинг. Ж: Қози калон, қозининг аълами мулла Рўзи, қозининг ўғли Ҳидоятхон

38. Ҳамзанинг қайси қаҳрамони Насриддин Афанди каби топқирлик ва халқ идрокининг тимсоли сифатида куйланади? Ж: «Майсаранинг иши»да Майсара

ДРАМАТИК ТУР

1. Кулгили вазият етакчилик қилмаган ва қаҳрамон ёки қаҳрамонларнинг ҳалокати билан тугамаган асарлар қандай аталади? Ж: Драма

2. Драманинг қандай кўринишлари бор? Ж: Лирик драма, эртак-драма, фантастик драма

3. Ёзувчининг драматик турдаги иштироки нима деб аталади? Ж: Ремарка

4. Ёзувчи драмада воқеани, кишилар ўртасидаги муносабатларни қандай акс эттиради? Ж: Уларнинг нутқлари орқали

5. Комедияларни топинг. Ж: Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш», Ш.Бошбековнинг «Темир хотин» асарлари

Абдулла Қодирий

(1894–1938)

1. Абдулла Қодирийни ким «қалби бутун», «тугма эпик ёзувчи, кенг кўламдаги мастер, юсак маънодаги реалист санъаткор» деб атайди? Ж: Ойбек

2. Абдулла Қодирийни ким «Абдулла Қодирий... янги даяр адабиёти, Европа адабиёти вази билан ўлчанганда ҳам тўлақонли асарлар ёзган, ўзбек романчилигини бошлаб берган улкан адибдир», деб атайди? Ж: Абдулла Қаҳҳор

3. «Бошида бой оилада тугилдимми ёки камбағал оиладами, албатта, билмадим. Аммо 7-8 ёшга етгач, қорним ошга тўймагонидан билдимки, беш жоннинг тамоғи 80 ёшлик бир чол отамнинг меҳнатидан, 1300 саржин боғининг ёзда етиштириб берадиган ҳосилидан келар экан». Ушбу таржимаи ҳол кимники? Ж: Абдулла Қодирийники

4. Қодирий 1912 йили қайси савдогарга приказчик бўлиб ишга киради? Ж: Расулмуҳаммадбой

5. «Шу миёнларда бозор воситаси билан татарларда чиқадиргон газеталарни ўқиб, дунёда газета деган гап бор-

лигига имон келтирдим. 1913 йилда ўзбекча «Сидойи Туркистон», «Самарқанд», «Ойна» газеталари чиқа бошлагач, менда шуларга гап ёзиб юриш фикри уйғонди». Ушбу фикрлар қайси адиб таржимаи ҳолидан? Ж: Қодирийнинг

6. Қодирийнинг «Янги масжид ва мактаб» сарлавҳали хабари қайси газетада босилган? Ж: «Садойи Туркистон» газетасининг 1914 йил 1 апрель сониди

7. Абдулла Қодирийнинг қайси асари бевосита Беҳбудийнинг «Падарқуш» драмәси таъсирида ёзилган? Ж: «Жувонбоз»

8. Абдулла Қодирийнинг қайси асарида ўқишни ташлаб, бузуқ, шалтоқ йўлларга кириб кетган бойвачча отасининг мол-мулкини совуради, синдиради, ота-онасини доғда қолдириб, охири жиноятга қўл уради, қамалади? Ж: «Жувонбоз»

9. Абдулла Қодирийнинг қайси асарида амакисининг маслаҳати билан Солиҳ исмли етим йигит катта қарз кўтариб, дабдабали тўй қилиб, бой хонадонининг қизига уйланади. Вақтида қарзини узолмай, гаровга олинган ҳовлижойидан ажралиш олдида шармандалиқдан ўзини-ўзи ўлдиради? Ж: «Бахтсиз куёв»

10. Абдулла Қодирийнинг қайси ҳикояси ҳақида Ойбек, «Унда ташвиқотчининг, воизнинг ўрнини санъаткор олади. Ёзувчи бу асарда воқеалар устида муҳокама қилмайди, туншунтирмайди, исбот қилмайди, балки образлар билан кўрсатади», дейди? Ж: «Улоқда» ҳикояси ҳақида

11. Абдулла Қодирий қайси газеталарда ишлаган? Ж: «Озиқ ишлар» газетасига муҳаррир, «Роста» газетасида мухбир, «Иштирокиюн» ва «Қизил байроқ» газеталарида ходим, «Инқилоб», ва «Коммунист йўлдоши» мажмуаларида саркотиб ва ходим бўлиб ишлади.

12. Абдулла Қодирий қайси журналнинг оёққа туришида катта жонбозлик кўрсатди? Ж: «Муштум» журналининг

13. Абдулла Қодирий 1919-1925 йилларда ёзган мақола-ларида қайси имзо-тахаллусларни қўллаган? Ж: Қодирий, Жулқунбой, Калвак Маҳзум, Тошпўлат, Овсар, Думбул

14. Қодирийнинг ҳаётдаги муҳим тадбирларни, янгиликларни олқишлаб, қўллаб-қувватловчи, тарғиб-ташвиқ этувчи мақолалари. Ж: «Матбуот куни», «Улуғ айём»

15. Қодирий 1926 йилда нима сабабдан қамалди? Ж: «Муштум» журналида босилган «Йигинди гаплар» ҳажвияси учун

16. *«Кўнгилда шамси губороти, тескаричилик мақсади бўлмаган, содда, гўл, виждонлик йигитга бу қадар хўрликдан ўлим тансиқроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича, маънавий ўлим билан ўлдирдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир».* Ушбу фикрлар қайси адиб таржимаи ҳолидан? Ж: Қодирийнинг

17. Олий суд Қодирийни неча йил озодликдан маҳрум этиш ҳақида қарор чиқарди? Ж: Икки йил

18. Абдулла Қодирийни илк бор ёзувчи сифатида элга танитган асари қайси? Ж: «Калвак Маҳзумнинг хотира дафтарида» ва «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ҳажвий қиссалари

19. «Калвак Маҳзумнинг хотира дафтарида» асари қачон яратилган? Ж: 1923-1927 йилларда яратилган

20. «Калвак Маҳзумнинг хотира дафтарида» асарининг қайси боблари шўро ҳукуматининг нотўғри сиёсатига бағишланади? Ж: «Одамзоднинг ақли етмайду», «Қишлоққа юзингни ўгир», «Басимаъни?», «Қишлоққа қопингни ўгир!»

21. Қайси асарда партия улуғларидан бири вафотидан олдин ўзига яширинча бўлса ҳам жаноза ўқишни васият қилади. Кечаси махфий равишда жаноза ўқилиб, эртаси эса партиялилар келиб, янгичасига ароқхўрлик билан марҳумни кўмишга ҳозирлик кўрадилар? Ж: «Калвак Маҳзумнинг хотира дафтарида» асирида

22. Қодирийнинг қайси қаҳрамони ишсиз, бири икки бўлмаган фақирлик орқасида ёмон йўлларга кириб қолиб, тажангланган чапани, хуллас, ўзи айтгандек, «одамзод фарзандининг ғариби»? Ж: «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ҳажвий қиссаси қаҳрамони

23. Тошпўлатнинг ўзига ўхшаган фақир дўсти? Ж: Салим сўтак

24. Бешта норасида гўдакнинг ночор аҳволи, отаси ёнини қовлаганда гўдакларнинг оғзини очишлари Қодирийнинг қайси асариде тасвирланган? Ж: «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ҳажвий қиссасида

25. Абдулла Қодирийнинг «характер кулгуси» яратиш санъати қайси йирик асарларидаги образларда кўринади? Ж: «Ўтган кунлар» романидаги Ўзбек оғим, Хушрўй, «Меҳробдан чаён»даги Солиҳ маҳдум, «Обид кетмон»даги Хатиб домла ва Мулла Муҳсин

26. «Ўтган кунлар» романини қайси ёзувчи зарарли асар деб баҳолаган? Ж: М. Шевурдин

27. Қайси танқидчи «Ўтган кунлар» романининг моҳиятини бузиб кўрсатган? Ж: Сотти Хусайн

28. «Ўтган кунлар» романи ҳақидаги ҳақиқат қачон юзага чиқа бошлади? Ж: 60-80-йилларда

29. «Меҳробдан чаён» романи қачон ва қасрда босилиб чиқди? Ж: Асар устида ишлаш 1926 йилнинг кузида бошланиб, 1928 йилнинг февраль ойида ниҳоясига етди. 1929 йил март ойида Самарқандда босилиб чиқди

30. Абдулла Қодирийнинг қутлуғ номи, асарлари қачондан халққа қайтарилди бошлади? Ж: 1958 йилдан бошлаб

31. «Меҳробдан чаён» романидаги «ҳамма персонажлар орасидан энг жонли, энг ёрқин, энг типик фигура» деб Ойбек таърифлаган қаҳрамон ким? Ж: Солиҳ маҳдум

32. «Меҳробдан чаён» романида «Хайрул-умири авсатухо» бобида Солиҳ маҳдумнинг бир одати айтилади. Бу қайси одат эди? Ж: Ҳар нарсанинг ўртаси бўлиш яхши

33. Абдулла Қодирийнинг қайси қаҳрамони қисматида, унинг теварагидаги фисқ-фасодлар, қаллоблар қутқуси билан қаҳрамоннинг қалб изтироблари, қаллобларга чексиз нафрати ифодасида ўзининг бошидан кечирган изтироблари ҳам акс этган? Ж: «Меҳробдан чаён»да Анвар

34. «Ишқ даъвоси авом ўйлаганича васл эмас – ҳажрдир. Зеро, васл ишқ ўтини сўндирувчи, ҳажр эса камолотга етиштиргувчидир». Ушбу фикрларни ким кимга айтган? Ж: «Меҳробдан чаён»да Анвар Раънога айтган

35. Абдулла Қодирийнинг қайси қаҳрамони «нима бўлганда ҳам, у ўз замонасининг энг олдинги домлаларидан, Қўқон аксариятининг саводхон бўлишларига сабабчи устозларидан, ҳатто улуғ хизматларига киши етиштириб берувчи нодир муаллимларидан» эди? Ж: «Меҳробдан чаён»да Солиҳ маҳдум

36. Солиҳ маҳдум хотинининг исми? Ж: Нигор ойим

37. Абдулла Қодирийнинг қайси романида ҳам ҳужжатли, ҳам ҳажвий-юмористик, ҳам лиро-романтик услубий шохобчалар тутшиб кетган? Ж: «Меҳробдан чаён»да

38. «Меҳробдан чаён» романининг қайси бобида Худоёрхон тарихи ёритилган? Ж: «Зулм ўчоғи» бобида

39. «Меҳробдан чаён» романини ёзишда Қодирий Худоёрхоннинг қайси хотинидан у ҳақида маълумотларни ўрганади? Ж: Розия ойимдан

40. Қайси асарда Оғача ойим саргузашти тасвирланган? Ж: «Меҳробдан чаён» романида

41. Хон саройидаги канизлар ҳаёти асарнинг қайси бобларида акс этган? Ж: «Қирқ қизлар», «Нозик» бобларида

42. Ўзини «онҳазратнинг отган ўқлари» санайдиган, ҳарамни дўндиқ қизлар билан тўлдириб туришни касб қилиб олган аёл? Ж: Гулшан

43. Саидхон, мулла Сиддиқ, Мўминжонлар образи қайси асарда келтирилган? Ж: «Меҳробдан чаён»да

44. Қайси асарда беҳисоб фарёдлар ва фиғонлар билан чарчаган бахтсиз шоира қиз Назми образи берилган? Ж: «Меҳробдан чаён»да

БАДИИЙ АСАР ПОЭТИКАСИ

1. Поэтика сўзи қандай маънони билдиради? Ж: Санъат, бадийят маъносини

2. Бадий асар поэтикаси деганда нима тушунилади? Ж: Асарнинг санъатга хос хусусиятлари, тузилиши, сюжет ва композицияси, тил хусусиятлари, ҳикоя қилиш йўсини, ифода тарзи, тасвир усуллари ва воситалари, оҳанги

3. Ижодкорнинг санъаткорлиги, ўзига хослиги нима билан белгиланади? Ж: Унинг поэтик ихтироси, маҳорати билан

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон

1. Чўлпоннинг туғилган йили олдин нечанчи, кейин эса нечанчи йил эканлиги тарихий манбалар асосида исботланди? Ж: Олдин 1897 йил, кейин 1898 йил деб тўғриланди.

2. Чўлпоннинг отасининг касби? Ж: Газлама савдоси билан шуғуланувчи Сулаймонқул Муҳаммадюнус

3. Чўлпоннинг отаси қандай таҳаллус билан шеърлар ёзган? Ж: Расво таҳаллуси билан

4. Чўлпоннинг кимлар билан учрашуви унинг кейинги тақдирига катта таъсир кўрсатди? Ж: Убайдулла Хўжаев ва Мунавварқори Абдурашидхонов билан

5. Чўлпоннинг «Чўлпон» – тонг юлдузи таҳаллусини ким берган? Ж: Мунавварқори Абдурашидхонов

6. Чўлпон неча ёшида ҳам шоир, ҳам носир, ҳам адабиётшунос сифатида танилди? Ж: 16 ёшида

7. Чўлпоннинг 16 ёшгача ёзган ҳикоялари? Ж: «Қурбонни жаҳолат», «Дўхтур Муҳаммадёр»

8. Чўлпоннинг 16 ёшгача ётган адабиётшуносликка доир мақолалари? Ж: «Ёзғувчиларимизга», «Адабиёт надур»

9. Қайси ижодкор Маориф комиссарлиги қошидаги Ўлка билим ҳайъатига раис, «Бухоро ахбори» газетасига муҳаррир, «Турон» театрида директор. «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Туркистон» газеталарида таҳрир ҳайъати аъзоси ва адабий ходим бўлиб ишлаган? Ж: Чўлпон

10. Туркистон Мухториятининг «Озод турк байрами» деган мадҳиясини тузган шоирни топинг. Ж: Чўлпон

11. Чўлпоннинг шеърий тўпламларини топинг. Ж: 1922 йилда нашр этилган «Уйғониш», «Булоқлар» ва 1926 йилда нашр этилган «Тонг сирлари»

12. Қайси ижодкор «Турон» театрида директор. Москвадаги ўзбек драма студиясида адабий эмакдош бўлиб ишлаган? Ж: Чўлпон

13. Чўлпоннинг адабий ижоди неча тармоқдан иборат? Ж: 3 тармоқдан: шеърият, наср ва драматургия

14. Чўлпоннинг ҳикоялари? Ж: «Вайронлар орасидан», «Ойдин кечаларда», «Қор қўйнида лола», «Новвой қиз»

15. Чўлпоннинг пьесаларини топинг. Ж: «Ёрқиной» – 1920 йил, «Қоровул уйқуси», «Яна уйланаман», «Узунқулоқ бобо», «Ўртоқ Қаршибоев», «Ҳужум»

16. Чўлпоннинг қайси пьесаси В.Ян билан ҳамкорликда ёзилган? Ж: «Ҳужум»

17. Чўлпоннинг қайси шеъри 20-йилларда Тошкентдаги Ўлка ўзбек билим юрти ўқитувчиларининг илтимоси билан шоирнинг лирик таржимаи ҳоли сифатида ёзилган? Ж: «Мен шоирми?» (1928)

18. *«Шоирлик менда бир соями дейман,
Ҳар бир тушунчамни ёза олмагач,
Рассомдек хаёлга чиза олмагач,
Ҳақир борлигимга кўп афсус ейман»,* –
мисраларининг муаллифи? Ж: Чўлпон

19. Чўлпоннинг қайси шеъри сарбаст йўлида ёзилган?
Ж: «Баҳорни соғиндим» (1926)

20. Чўлпоннинг қайси шеъри қуйидаги мисралар билан яқунланади?

«Йўқ... Ўлим йўқдир!

Ёлғиз бир ўчиб, бир сўниш бордир...

Бир ўчиб, сўниб...

Яна ёниш бор.

Яна баҳорлар,

Яна лолалар,

Яна сиз, эй... эркин тилаклар!»

Ж: «Баҳорни соғиндим»

21. Чўлпоннинг қайси шеъри қуйидаги мисралар билан бошланади?

«Баҳорни соғиндим, баҳорни...

Кўрганда ерлар, оламлар тўла қорни,

Қор... Қор-заҳарли ниналар каби,

Кўзларга қараб оқар»

Ж: «Баҳорни соғиндим»

22. Чўлпоннинг қайси шеъри табиатнинг рангин тасвири эмас, балки қора қалам билан чизилган эскизидир? Ж: «Куз ёмғири»

23. Чўлпоннинг қайси шеъри октябрь ойида Москвада ёзилган? Ж: «Куз ёмғири»

24. Чўлпон «Мен шоирми?» шеърида ўзининг ким бўлиб туғилмаганидан афсусланади? Ж: Рассом

25. Неча ҳижолик бармоқ вазни Чўлпоннинг сеvimли шеърий вазни? Ж: 11 ҳижолик.

26. Чўлпоннинг қайси шеърида «Сочилган сочингдай сочилса сириг» сатрлари бор? Ж: «Бир тутам сочларинг...»

27. «Зулм олдида ҳар бир нарса,

Эҳтимолки, бўйин эгар.

Агар зулм авжга келса,
Кўк бошни-да ерга тегар».

Ушбу сатрлар кимники? Ж: Чўлпоннинг «Виждон эрки»
(1922)

28. «Кишанларинг занг босгандир, сергак бўлким, узикур,
Томиримда қўзғалишнинг ваҳший қони гулурди», –
мисралари Чўлпоннинг қайси шеърдан? Ж: «Қўзғалиш»

(1922)

29. Чўлпоннинг қайси шеъри:
«Кирмайман кўчанинг боши беркига,
Чунки таслим бўлдим муҳит эркига», –
деган сатрлар билан тугайди? Ж: «Сомон парча» (1923)

30. «Эй, совуқ еллардан муз кийиб келгонлар,
У қўпол тушингиз қорларда йўқ бўлсин!

Эй, менинг богимдан мевамни тергонлар,

У қора бошингиз ерларга кўмилсин!» –

мисралари Чўлпоннинг қайси шеърдан? Ж: «Ҳазон»

(1923)

31. Чўлпоннинг қайси ҳикояси хотин-қизлар масаласига
бағишланган? Ж: «Ойдин кечаларда»

32. Чўлпоннинг «Ойдин кечаларда» ҳикояси нечанчи
йилда ёзилган? Ж: 1922 йилда

33. Чўлпоннинг «Ойдин кечаларда» ҳикояси қандай бош-
ланади? Ж: «Зайнаб кампир бир нарсадан чўчиб уйғонди.
Оппоқ ойдин, ой кампир ётган сўричанинг қоқ ўртасидан
унда-бунда битта-яримта учраган оқ булутларни ёриб, шо-
шиб ўтиб борар эди».

34. Чўлпоннинг «Ойдин кечаларда» ҳикоясидаги кампир-
нинг ўғли ким эди? Ж: Қодиржон

35. «Ойдин кечаларда» ҳикоясида Зайнаб кампир нима-
дан уйғониб кетади? Ж: Аёл кишининг йиғисидан

36. «Ойдин кечаларда» ҳикоясида ким йиғлаётган эди?
Ж: Зайнаб кампирнинг келини

37. Зайнаб кампир келинининг йиғлаётгани сабабини билгандан сўнг, «*Отаси ҳам шундоқ эди, қизим*», деб йиғлаб юборади? Улар қандай эдилар? Ж: Кечалари маст-аласт бўлиб, уйга келмас эдилар

38. Чўлпоннинг қайси ҳикоясида «*Қизил шоҳи кўйлак, қоп-қора сочлари ерда судралган*» ифбатнинг, нафосатнинг, меҳригиёнинг тимсоли берилган? Ж: «Ойдин кечаларда» ҳикоясида

39. Чўлпоннинг «*Ёрқиной*» драмаси қачон яратилган ва қачон китоб сифатида нашрдан чиққан? Ж: 1920 йилда яратилган, 1926 йилда қайта ишланиб нашрдан чиққан.

40. Чўлпоннинг қайси асари қуйидаги бағишлов билан бошланади? «*Тотли ва бой тили билан эртак айтиб бериб, шу асарнинг ёзилишига сабаб бўлган КАМПИР ОНАга ҳурмат билан бағишлайман*». Ж: «*Ёрқиной*» драмаси

41. Чўлпоннинг «*Ёрқиной*» драмасидаги қаҳрамонларни топинг. Ж: Пўлат, Ботир, Ўлмас ботир, Қумри

42. Чўлпоннинг «*Ёрқиной*» драмаси асосида қандай воқеа ётади? Ж: Чўлпоннинг кампир онасидан эшитган эртаги

43. «*Отанг ноҳақ ерга бир қатра қон тўкан эмас. Мундан кейин ҳам тўкмайди!*» деб мағрур гапирган, аслида эса бир неча бегуноҳларнинг ноҳақ қонини тўккан Ўлмас ботир қайси асар қаҳрамони? Ж: «*Ёрқиной*» драмасининг

44. Ўлмас ботир Пўлатнинг отаси ва қариндошларини нима учун қириб юборган эди? Ж: Амакисига қизини бермагани учун

45. Ўлмас ботир хонадонидаги қайси чўри ҳам Пўлатни севар эди? Ж: Қумри

46. Қайси қизни «*Вужудида Тўмариснинг қони жўш уриб турган*» дея оламит? Ж: Ёрқинойни

47. «*Тожу тахт... Тожу тахтнинг орқасида юрт бор, эл бор, халқ бор... Уни ўйлаш керак... Унинг ғамини ейиш ке-*

рак» фикрлари кимга тегишли? Ж: «Ёрқиной» драмасида Пўлатга

48. Пўлат Ёрқиной ёрдамида хон қўшинларини енгиб, салтанат тепасига келади. Бу нима учун Ёрқинойга ёқмайди? Ж: Чунки Пўлатнинг салтанат ишларидан ортган дақиқаларинигина ҳузурда, яна ҳориган ҳолда ўтказаётганидан

49. Қайси асар қаҳрамони ёшлигидан жанговарлик анъаналари асосида тарбия кўрган эди? Ж: «Ёрқиной» драмасида Ёрқиной

50. Қайси асар қаҳрамони «хунари гўрковникдан ҳам ёмон» отасидан воз кечиб, унга қарши курашади? Ж: «Ёрқиной» драмасида Ёрқиной

БАДИЙ АДАБИЁТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

1. Бадий адабиётнинг биринчи вазифаси? Ж: Ҳаётнинг ҳаққоний бадий инъикосини яратишдир

2. Бадий адабиётнинг иккинчи вазифаси? Ж: Инсон образини яратиш, унинг ички оламини тасвирлаш, табиати ва руҳиятидаги гўзаллик куртакларининг ташқи олам таъсирида гунча тугиши ва гуллаши жарёнини кўрсатишдир

3. Бадий адабиётнинг учинчи вазифаси? Ж: Кишиларга эмоционал таъсир ўтказиш, завқ-шавқ бағишлаш, уларни тарбиялаш, уларнинг баркамол инсонлар бўлиб шаклланишида фаол иштирок этишдир

Шўро даври ўзбек адабиёти

1. Шўро даври қайси йилларни ўз ичига олади? Ж: 1917 йилги октябрь тўнтаришидан 1991 йил Совет Иттифоқининг емирилишигача бўлган даврни

2. Адабиётда нечанчи йиллардан эркинлик шабадаси эса бошлади? Ж: 50-йиллардан

3. 60-80-йилларда адабиётга кириб келган ижодкорларни топинг. Ж: С.Зуннунова, О.Ёқубов, П.Қодиров, Э.Воҳидов, А.Орипов, Рауф Парфи, Ў.Умарбеков, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов, Х.Тўхтабоев, О.Матжон

4. Ким замон куйчиси бўлса ҳам, биринчилардан бўлиб шўро идораларидаги масъул ходимларнинг мунофиқона башарасини очиб ташлади? Ж: Ҳамза

5. Қайси ижодкор энг қалтис ижтимоий-сиёсий масалалар талқинида, империя сиёсати, жадидчилик ҳаракати ифодасида ҳақиқатга содиқ қолди? Ж: Чўлпон

6. «Бахтиер онларни куйла, деган он,

Ширлар битибсиз қонингиз билан.

Ўзи йўқ қўргонга бўлибсиз қалқон

Соддадил, фидойи жонингиз билан», –

мисраларининг муаллифи? Ж: А.Орипов

7. 20-йилларда қисман «қизиллаша бошлаган» қайси ижодкор ҳажвий асарларида совет воқелигининг ички эйдиятларини фавқулодда бир маҳорат билан кўрсатган? Ж: А.Қодирий

8. «Маҳмуд Таробий» достонининг муаллифи? Ж: Ойбек

9. 40-йиллар охири – 50-йиллар бошларида қатағонга учраган ижодкорлар? Ж: М.Шайхзода, С.Аҳмад, Шухрат, Шукрулло

10. Нечанчи йиллардан эркинлик шабадаси эса бошланди? Ж: 50-йилларнинг ўрталаридан

Ғафур Ғулом

(1903–1966)

1. Ғафур Ғулом дастлаб ким сифатида танилди? Ж: Фельетончи, публицист, ҳажвий ҳикоянавис сифатида

2. Ғафур Ғуломнинг неча жилдлик мукамал асарлар тўплами нашр қилинган? Ж: 12 жилдлик

3. *«Шодлик қўшини босди саодат кўчасини,
Гўдаклар жаранглатар ҳайитлик тангасини,
Келинчаклар ахтарар пардоз қутичасини,
Қирқ кокил бўлсин дейди, қистайди янгасини».*
Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Фафур Фулом
4. Фафур Фуломнинг «Сен етим эмассан» шеъри қачон ёзилган? Ж: 1942 йилда
5. Фафур Фуломнинг «Алишер» шеъри қачон ёзилган? Ж: Навоий таваллуди муносабати билан 1948 йилда
6. *«Дарахшон юлдузлар сари ўқирган,
Бўйнида занжир-у, қалби озод Шер.
Инсоний муҳаббат меҳр ила вафо,
Эрку бахт тўмсоли улуғ Алишер», –*
мисраларининг муаллифи? Ж: Ф. Фулом
7. Фафур Фуломнинг қайси шеъри тагсарлавҳасига *«Инглизларнинг бизларни қабила деб атаганига жавоб»* деган сўзлар ёзиб қўйилган? Ж: «Шараф қўлёзмаси»
8. *«Бизда логорифмнинг
Мушкул муаммолари
Қўлдаги бармоқлардай
Оддий қилинганда ҳал,
«Оддий ирқ» даъвогари
Черчиллнинг боболари ҳатто санай олмасди
Ўн бармоқни мукамал».*
Ушбу мисралар муаллифини топинг. Ж: Фафур Фулом.
«Шараф қўлёзмаси» шеъри
9. *«Лола жоми тўла кўклам шабнамидай эрталаб,
Ёзги чилла шўх хаёлдай ўтса куртакни ялаб,
Билмадим чиллик, даройи қилгуси қандай талаб.
Лабларидан қанд томарса, сўрмайин қолгани мен?»*
Ушбу мисралар муаллифини топинг. Ж: Фафур Фулом
10. «Куз сузилган, лаб чўзилган, севги уйғонган чоғи,
Билмадим дўндиқ бу қизнинг қанча эрмиш бармоғи». Ушбу мисралар муаллифини топинг. Ж: Фафур Фулом

11. Фафур Фуломнинг 30-йилларда яратилган ҳикоялар тўпламини топинг. Ж: «Йигит», «Кулги ҳикоялар»

12. Фафур Фуломнинг «Гилос данагидан тасбеҳ» тўплами нечанчи йилларнинг маҳсули? Ж: 60-йилларнинг ўрталари

13. Фафур Фуломнинг 25 ёшида эълон қилинган ҳикояси қайси? Ж: «Қизалоқ»

14. Фафур Фуломнинг умр шомиди (1965) яратилган ҳикоясини топинг. Ж: «Менинг ўғригина болам»

15. Қайси ҳикояда қашшоқ яшашига қарамай, маънавий баркамоллиги, инсонийлигини юксак даражада сақлаб қолган муштитипар ўзбек кампири қиёфаси кўрсатилади? Ж: «Менинг ўғригина болам»

16. Фафур Фуломнинг қиссаларини топинг. Ж: «Нетай», «Ёдгор», «Шум бола»

17. Қайси асар ёқимлилиги билан «Том Соьернинг бошдан кечирганлари» номли машҳур асар билан бир сафда тилга олинади? Ж: Фафур Фуломнинг «Шум бола» қиссаси

18. Фафур Фуломнинг ҳажвий халқона оҳангга эга асарларини топинг. Ж: «Ҳасан Кайфий» (1965), «Афанди ўлмайдиган бўлди» (1965)

19. Фафур Фуломнинг қайси асари қаҳрамони Хизр қиёфасида юрт айланиб юрувчи подшо билан баҳсга киришади? Ж: Ҳасан Кайфий

20. «Подшо деган махлуққа доим бўйин эгиш хуш ёқади. Подшо яратганининг ердаги сояси, лекин аини вақтда, ундан бирор нарса умид қилган киши аҳмоқ бўлади». Ушбу фикрлар қайси қаҳрамонга тегишли? Ж: Ҳасан Кайфийга

21. «Уч мири тангасини йўқотиб қўйиб, бир неча йил давомида ўтган-кетганга, сен тортиб олгансан деб, тихирликдан ҳазор қадар бадал ундириб, тирикчилигини ўтказиб юрган» киши образи қайси асардан олинган? Ж: «Афанди ўлмайдиган бўлди» ҳикоясида Афанди

22. «Ажаб замонада қолдик, ёқалар бўлди этак,
Бўз пайтава бўлди, бошга чиқди патак», –
деб хиргойи қилиб юрадиган қаҳрамон? Ж: «Афанди
ўлмайдиган бўлди» ҳикоясида Афанди

23. Ўз гўдагини содда, танти, ишонувчан йигитга бериб
юбориб, кўзбўямачилик билан бахтни сақлаб қолмоқчи
бўлган, муғамбирлик билан севгисини мустаҳкамлашга ин-
тилган Меҳрининг азоб-уқубатлари қайси асарда тасвир-
ланган? Ж: «Ёдгор» қиссасида

24. «У ярим телба эди. Ҳиссиёт агар муҳит бўлса, у шу
муҳитнинг тўлқинига асир бўлган бир чўлоқ чумоли». Бу ерда
қайси асар қаҳрамони ҳақида сўз борапти? Ж: Фафур Фулом-
нинг «Ёдгор» асарида Меҳрихон ҳақида.

25. Меҳрихон. Жўра қайси асар қаҳрамонлари? «Ёдгор»

26. Фафур Фуломнинг қайси қаҳрамони ўз уддабурунли-
ги билан Азроилни ҳам алдайди? Ж: «Афанди ўлмайдиган
бўлди» ҳикоясида Афанди.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек (1905–1968)

1. Ойбекнинг адиб сифатида шаклланишида кимнинг таъ-
сири кучли бўлган? Ж: Қодирийнинг

2. Ойбекнинг шоир сифатида шаклланишида кимнинг
таъсири кучли бўлган? Ж: Чўлпоннинг

3. Ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб ким автоби-
ографик роман жанрини бошлаб берди? Ж: Ойбек

4. Ойбекнинг романлари? Ж: «Навойи», «Оптин водий-
дан шабадалар», «Қуёш қораймас», «Улуғ йўл», «Қутлуг
қон»

5. Ойбекнинг қиссалари? Ж: «Нур қидириб», «Болалик
хотиралари», «Бола Алишер»

6. Ойбекнинг дostonлари? Ж: «Қизлар», «Ҳамза», «Дав-
рим жароҳати», «Дилбар-давр қизи», «Ўч», «Машраб»,
«Гули ва Навойи», «Бахтигул ва Соғиндиқ»

7. Ойбекнинг илк шеърий тўплами? Ж: 1926 йилда босилган «Туйғулар» тўплами.

8. «Орқангдан йиглаб қолдим,

Кўксимни тиглаб қолдим», –

сатрларининг муаллифини топинг. Ж: Ойбек

9. Пушкиннинг «Евгений Онегин» романини ўзбек тилига ким таржима қилган? Ж: Ойбек

10. «Лириканинг эмоция воситалари кучли, баъзан узун романдан, фактлар билан тўлган ҳар хил ёзувдан кура давомлироқ, кучлироқ, чуқурроқ таъсир қолдира билади» сатрларининг муаллифи ким? Ж: Ойбек

11. Ойбекнинг «Машраб» достони қандай достон? Ж: Лирик достон

12. «Хастамен...

Фикрга, туйғуга тўлиб,

Ой менга ҳамқадам–аста юрамен.

Согайсам, бир кун и ёзамен тўйиб,

Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзамен», –

сатрларининг муаллифини топинг. Ж: Ойбек.

13. Ойбекнинг «Узоқдан туриб» шеъри қачон ёзилган ва кимга аталган? Ж: 1928 йил 26 декабрда Ленинградда, Зарифахоним Саидносировага бағишлаб ёзилган

14. «Кўзлар чўлпондек нозли севгим,

Бир қараш ташладинг, мен севдим сени.

Хаёлинг эсаркан, қонайдир дилим,

Ёлборай, гўзалим, унутма мени», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Ойбек

15. «Кўзлари чўлпондек нозли севгим» сатрларида қайси товуш такрорийлиги бор? Ж: «Л» товуши

16. Ойбек нечанчи йили бир неча қаламкаш дўстлари билан Чимёнга Пушкин асарларини таржима қилиш мақсадида боради? Ж: 1936 йилда

17. Мазкур романнинг 1941 йилда нашр этилиши Ойбекни ўзбек ёзувчиларининг олдинги сафига олиб чиқди. Бу қайси роман? Ж: «Қутлуғ қон»

18. *«Қуёш, олтининг чўккандай чўқар севинчим,*

Синади ичимда умиднинг тоси.

Қалбимни йиртади унинг садоси,

Юпатмас на хаёл, севги рўёси,

Юрамен, оқшомга сингади изим», –

сатрларининг муаллифини топинг. Ж: Ойбек

19. Ойбек қайси романини ёзишдан аввал ўзбек жангчиларининг уруш майдонларидаги жангвор ҳаётини ҳаққоний тасвирлаш учун 1942 йил 6 декабрда фронтга йўл олади ва у ерда 1943 йил март ойининг сўнгги кунларига қадар қолиб кетади? Ж: «Қуёш қораймас» романини

20. *«Йиги келмайди сира,*

Ҳазабдан қақраган кўз.

Бу йўлларнинг яхидек

Лабимда қотибди сўз», –

мисралари кимники? Ж: Ойбекники

21. *«Сочлари патила, кўзлари махмур,*

Кўзларда сачрайди қора кучли нур.

Саратон қуёши, куз изгирин

Ишламиш юзларнинг маъно сирини.

Бойлиги – қалб шеъри ва эски танбур», –

сатрларида қайси шоир акс этган? Ж: Машраб

22. Ойбек «Машраб» достонида шоир характери қирраларининг қайси жиҳатларига зътиборни қаратади? Ж: 1) Машрабнинг олов ва қуёшга бўлган муносабати; 2) Машрабнинг шоирлиги; 3) Машраб шеърларининг халққа яқинлиги; 4) Машраб хатти-ҳарактларининг мантиққа асосланганлиги

23. *«Оловни ҳам дудни севади шоир,*

Кафтида чўеларни ўйнатар моҳир.

- Қуёш жилвасини кўрар оловда», – таърифи қайси шоир ҳақида? Ж: Машраб ҳақида*
24. *«Сўзи халқни қаттиқ кулдиради гоҳ, Гоҳо у қилблардан уздиради оҳ», – таърифи қайси шоир ҳақида? Ж: Машраб ҳақида*
25. *«Булутдай кезса халқ ичидан шоир, Хотираси қуёш каби қоладир», – таърифи қайси шоир ҳақида? Ж: Машраб ҳақида*
26. *«Қочади ҳар ерда кошоналардан, Шоҳ дўстлар чиркинроқ бегоналардан», – таърифи қайси шоир ҳақида? Ж: Машраб ҳақида*
27. *Ойбекнинг қайси достони инқилобий йиллар руҳига бироз ҳамоҳанг бўлгани учун ўз вақтида анча машҳур бўлган? Ж: «Ўч» достони*
28. *«Ойбек прозада шоир-у, поэзияда прозаикдир». Ойбек ҳақидаги ушбу фикрлар муаллифи? Ж: Ҳ.Олимжон*
29. *Ойбек Навоий ҳаёти ва ижоди билан қачондан қизиқа бошлади? Ж: 30-йиллар арафасида*
30. *Ойбекнинг «Навоий» роман ҳақидаги тўғри ҳукмларни топинг. Ж: 1940 йил 6 январдан роман устида иш олиб бориш бошланади, 1942 йилнинг қиш ойларида якунлади, 1944 йилда нашр этилди*
31. *Ойбек қайси романи қаҳрамонлари ҳақида шундай ёзган: «Ёзишдан аввал мен қаҳрамонларимни диниқ-тайин кўрганман, улар, менинг хаёлимда, бир пайтлар тарих шудгорига ташланган уругдан ўсиб чиққандек эдилар». Ж: «Навоий» романи*
32. *«Хуросонда бир давр яратмоқ лозимки... ўзга халқлар ибрат ола билсинлар. Тоқайгача инсонлар ваҳшат саҳросида қолурлар! Инсон барча махлуқотларнинг тожидир. У шарафли, соф, гўзал яшамоғи керак. Давлат арбоблари ақл ва адолатни шиор қилсалар, халқни парвариш этсалар, ҳаётнинг зақини олтинга айлантирмоқ мумкин».*

Навоий ушбу фикрларини кимга айтган? Ж: Дўсти Хўжа Афзалга

33. Қайси теуурий ҳукмдор «қиличдан кўра майга, жанг майдонларидан кўра чаман боғларда тузилган шўх базмларга мойил»? Ж: Хўсайн Бойқаро

34. «Инсон учун тож киймоқ шарт эмас, балки номус ҳам виждон соҳиби бўлмоқ, жамият олдида ўз масъулияти-ни сезмоқ шарт!» Навоий ушбу фикрларини кимга айтган? Ж: Бадиуззамонга

35. Қайси қаҳрамон камбағал оиладан чиққанига қарамай, қанчадан-қанча бева-бечораларга зулм ўтказган? Ж: Тўғонбек

36. «Қария, ўғитинг маъноли... Бироқ умр қисқа экан, яшаганингга яраша дунёнинг чангини чиқариб кет!» Бу фикрлар кимга тегишли? Ж: Тўғонбекка

37. «Мен аминманки, сиз жаҳолат тигини синдирмасангиз, биродарларингиз номуссизлик ботқоғига кун сайин чуқурроқ ботаверсалар, бу муборак юртда ҳаёт ўчоғи соврилур». Навоий ушбу фикрларини кимга айтган? Ж: Бадиуззамонга

38. Ойбек «Навоий» романига севги мавзусини олиб кириш учун қайси тўқима образлардан фойдаланган? Ж: Арслонқул билан Дилдор

39. «Чақмоқ қанчалик баландда чақмасин, эгри бўлгани учун, албатта, ернинг қаърига борур. Шамки, тўғри, адл-дир-куйса ҳам бошдан-оёқ нур бўлиб куюр». Ушбу ҳикматли сўзлар қайси романдан олинган? Ж: «Навоий» романидан

40. «Шоҳ боласига юрт ва сипоҳ, дарвеш боласига масжиду хонақоҳ керак». Ушбу ҳикматли сўзлар қайси романдан олинган? Ж: «Навоий» романидан

41. «Лўлининг чирмандаси ёрилса, маймунга ўйинчоқ бўлади». Ушбу ҳикматли сўзлар қайси романдан олинган? Ж: «Навоий» романидан

42. «Фикрларнинг сайру саёҳати учун қогозлар толмас қанотлар кабидир. Улар тоғдан ҳам, денгиздан ҳам ошиб ўтгуси!» Ушбу ҳикматли сўзлар қайси романдан олинган? Ж: «Навий» романидан

43. «Биз ўз муҳаббатимиз билан нарсаларга гўзаллик бағишлаймиз», деган фикрларнинг муаллифи? Француз ёзувчиси Анатол Франс

БАДИЙ УСЛУБ

1. Бадий услуб нимага асосланади? Ж: Тилга асосланади, тил услубни ташкил этувчи энг муҳим омилдир

2. Ёзувчининг характери, дунёқараши, муҳити, билими ва ҳаётий тажрибаси нимада акс этади? Ж: Бадий услубида

3. Бадий услуб қандай шаклланади? Ж: Ёзувчи яшаган тарихий-маданий муҳит таъсирида

Абдулла Қаҳҳор

1. Абдулла Қаҳҳор қандай тахаллуслар билан матбуотда қатнашган? Ж: Норин шилпиқ, Мавлон куфур, Гулёр, Эркабой, Э-бой

2. Абдулла Қаҳҳор отаси ва онасининг исми? Ж: Абдуқаҳҳор ва Роҳатой

3. Абдулла Қаҳҳор қайси асарида ўз болалиги ҳақида «кунлар гурбат билан бошланиб, гурбат билан тугарди» деб ёзади? Ж: «Ўтмишдан эртақлар» қиссасида

4. Қайси ижодкор отаси тўғрисида «дадам бировнинг қўлидан битта ёнгоқ ҳам олдирмай ўстирган» деб мамнуният билан ёзади? Ж: Абдулла Қаҳҳор

5. Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаётида қайси жадид муаллим чуқур из қолдирган? Ж: Муҳаммаджон қори

6. Абдулла Қаҳҳор «Ўтмишдан эртақлар» қиссасининг энг нузли бобини кимга бағишлаган? Ж: Муҳаммаджон қорига

7. Абдулла Қаҳдорнинг жаҳон новеллистик адабиёти-нинг энг яхши намуналари билан бир қаторда турувчи ҳикоялар, деб баҳо олган асарлари? Ж: «Анор», «Ўғри», «Бемор», «Адабиёт муаллими», «Санъаткор»

8. Абдулла Қаҳдорни қайси романи чинакамига халққа танитди? Ж: 1934 йилда ёзилган «Сароб» романи

9. Абдулла Қаҳдор қайси романи ҳақида *«танқид хуш қабул қилган бўлса ҳам, таъбимдаги китоб эмас», «ўзимга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан мақсадимга етолмадим»* дейди? Ж: «Қўшчинор чироқлари» романи

10. *«Мавсумда бир неча тонна пахтаги битталаб те-риш, шунча юкни бўйнига осиб, неча юзлаб километр йўл бо-сиш учун афсонавий Рустамнинг ҳам қуввати етмайди»*, деб ким ёзган? Ж: Абдулла Қаҳдор

11. *«Кўпгина оилаларда болалар ўз она тилисини мут-лақо билмаслиги», бу ҳол «ота-онани заррача ҳам ташвишга солмаётгани», «баъзи бир оилаларда бола ўз она тилисида гапиргани номус қилаётгани»* ҳақида 60-йиллардаёқ дангал гапирган ижодкор? Ж: Абдулла Қаҳдор

12. Абдулла Қаҳдорнинг 1958 йилда яратилган қайси қиссаси катта доврўқ қозонди? Ж: «Синчалак»

13. Абдулла Қаҳдор ҳикояларини топинг. Ж: «Минг бир жон», «Тўйда аза», «Даҳшат», «Маҳалла», «Нурли чўққи-лар»

14. «Тобутдан товуш» сатирик комедияси қачон яратил-ган? Ж: 1962 йил

15. «Ўтмишдан зртаклар» автобиографик қиссаси қачон яратилган? Ж: 1965 йилда

16. Абдулла Қаҳдорнинг қайси қиссалари адибнинг ва-фотидан кейин эълон қилинган? Ж: «Муҳаббат» ва «Зилзи-ла» қиссалари

17. Рус адиби Симонов ким ҳақида *«Мен оламдан кўз юмаётган одамнинг бардам қўл сиқишлари, теран нигоҳла28»*.

рини кўриб ҳайратда қолдим», деб ёзган? Ж: Абдулла Қаҳҳор ҳақида

18. Абдулла Қаҳҳорнинг илк муваффақиятли чиққан ҳикояси қайси? Ж: «Бошсиз одам»

19. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларига хос асосий хусусият? Ж: Мустақил фикрлашдан маҳрум, муте, жабрдийда, ночор, хўрланган одамлар қисматини тасвирлаш

20. Шахс эрки, ҳуқуқи, мутелик, қуллик психологияси ифодаси, талқини 20-аср адабиётида Чўлпон анъаналарини энг изчил давом эттирган адиб? Ж: Абдулла Қаҳҳор

21. Ким *«ёзувчи жанрни эмас, жанр ёзувчини танлайди»*, деган? Ж: Абдулла Қаҳҳор

22. Миллий адабиётимизда реалистик ҳикоячиликнинг асосчиси? Ж: Абдулла Қаҳҳор

23. *«Агар ёзувчилик турмушдан нусха кўчиришдан иборат бўлса, дунёда бундан осонроқ иш бўлмас эди. Ҳаётдан айнан кўчириш китобдан кўчиришдай гап. Нусха нусха бўлиб қолаверади. Бундай нарсаларда оригиналлик бўлмайди. Оригиналлик ҳаёт ҳақиқатини дилдан ўтказиш, унга ўйлаб юрган дардини сингдириш, тилакларингни қўшиб ифодалаш билан юзага келади»*. Ушбу фикрлар муаллифини топинг. Ж: Абдулла Қаҳҳор

24. «Адабиёт муаллими» ҳикоясининг қаҳрамони ким? Ж: Боқижон Бақоев

25. «Адабиёт муаллими» ҳикоясида кимнинг қайси ҳикояси ҳақида сўз боради? Ж: Чеховнинг «Уйқу истаги» ҳикояси ҳақида

26. «Адабиёт муаллими» ҳикоясидаги талаба қизнинг исми? Ж: Ҳамида.

27. *«Унинг фикрлаш йўсини гап-сўзларида аниқлик, изчиллик йўқ, дуч келган томонга ўтиб кетаверади»*. Ушбу таъриф қайси ҳикоя қаҳрамонига тегишли? Ж: Абдулла Қаҳҳорнинг «Адабиёт муаллими» ҳикоясида Боқижон Бақоевга

28. Абдулла Қаҳҳор қайси асари ҳақида *«Уни тўрт йилда ёзиб тугатдим. Уни китобхон хуш қабул қилди, лекин арзон шухратпарастлик, баъзан эса тўғридан тўғри жаҳолат натижаси бўлган танқид найза кўтариб қарши олди. Танқид дундан нуқул сиёсат излади. Романдаги одамларнинг дарду дунёсини, оҳу зорини эшитадиган бир азамат топилмади»*, деб ёзади? Ж: «Сароб» роман ҳақида

29. Абдулла Қаҳҳорнинг қайси асари ҳазон бўлган муҳаббат, увол бўлган умр достонидир? Ж: «Сароб» романи

30. Абдулла Қаҳҳорнинг қайси романи икки кўркем ёшнинг бир-бирига муносиб, аслида бахт учун туғилган, аммо шахсиятидаги, табиатидаги ожизликлар, қолаверса, жамиятдаги зиддиятлар туфайли ҳаётда ўз ўрнини, бахтини тополмаган навқирон авлоднинг аччиқ фожий қисмати, руҳий изтироблари, оҳ-зорлари тўғрисидаги асар? Ж: «Сароб» романи

31. «Сароб» романида кимларнинг муҳаббати тасвирланади? Ж: Саидий ва Мунистонларнинг.

32. «Сароб» романидаги Саидийнинг ўз исми? Ж: Раҳимжон

33. Саидийнинг касби? Ж: Журналист ва ёзувчи

34. Саидий кимнинг қизига уйланади? Ж: Муродхўжа домланинг

35. Саидий ким билан ўз тақдирини боғлайди? Ж: Сорахондек тасқара билан

36. *«Қутлашим мумкинми?»* Бу сўзни у жуда тез айтди, аммо айтиб бўлгунча, кўздан ёш чиқиб кетибёзди». Ушбу ҳолатга Саидий қачон тушади? Ж: Тўйдан кейин Мунистон билан илк бор учрашганда

37. Саидий асар охирида қандай ҳолга тушади? Ж: Телба ҳолга тушиб, қайнотасининг даргоҳидан бош олиб кетади

38. *«Раҳимжон ҳозир шалаги чиққан аравадай Муродхўжа домланинг томорқасида аганаб ётибди»*. Ушбу парча

кимнинг қайси асаридан олинган? Ж: Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романидан

39. Абдулла Қаҳҳор қайси асари қаҳрамонининг руҳияти, маънавий инқирози тасвирида экзистенциализм методидан фойдаланган? Ж: «Сароб» романида

40. Абдулла Қаҳҳорнинг қайси асари умр бўйи адибга тинчлик бермаган, бутун ижодида темирчининг ўчоғидаги чўғдек яллиғланиб турган инсон шаъни, қадри билан боғлиқ аламли ўй-туйғулар, жаҳолатга қарши исёни янграйди? Ж: «Ўтмишдан эртақлар» қиссасида

41. Қайси асар Абдулла Қаҳҳор ижодининг ўзига хос яқуни, сўнгги чўққиси бўлди? Ж: «Ўтмишдан эртақлар» қиссаси

42. Қайси автобиографик асарда бола образи кузатувчи, гувоҳ, ҳолис ҳикоячи тарзида берилади; ёзувчининг асосий диққат-эътибори бола гувоҳлигида оилада, оила теварагида юз берган воқеаларни—турмушнинг объектив лавҳаларини чизишга қаратилган? Ж: «Ўтмишдан эртақлар» қиссасида

43. *«Эшилиб, тўлганиб, ингранади куй,
Асрлар гамини сўзлар «Муножот».*

Куйи шундай бўлса, гамнинг ўзига

Қандай чидай олган экан одамзод».

А.Ориповнинг ушбу сатрлари қайси асарга эпиграф қилиб олинган? Ж: «Ўтмишдан эртақлар» қиссасига

44. Қайси асарга «ўқувчида жуда оғир таассурот қолдирувчи» зулмат — «тарихнинг маломатли саҳифалари», «қора бўёқлар»нинг қуюқлиги, нузли жиҳатларнинг заифлиги хос? Ж: «Ўтмишдан эртақлар» қиссасига

45. Қайси асарда очилмасдан гулғунчалигида ҳазон этилган «хур қиз» — Сарвинисо ҳалокати тасвирланган? Ж: «Ўтмишдан эртақлар» қиссасида

46. «Ўликнинг ёгини, тирикнинг тирногини ейишга тайёр» турган «аждаҳо» Тўрақул вофуруш қайси асар қаҳрамони? Ж: «Ўтмишдан эртақлар» қиссаси

47. Ўжар, доғули Валихон сўфи қайси асардан? Ж: «Ўтмишдан эртаклар» қиссасидан

48. Рақиб Валихон сўфига эшакнинг миясини едириб, жиннига айланишини кутган, ниҳоят шогирди билан уни «чироғпоя» қилган шахс қайси асарда учрайди? Ж: «Ўтмишдан эртаклар» қиссасида

Мақсуд Шайхзода

1. Қайси ижодкор «шеър чин гўзаллик синглиси экан» деб ёзган? Ж: Мақсуд Шайхзода

2. «Шеърсиз қалбларга ачинаман мен,
Уларда на тонглар кундузни бошлар», –

деб ёзган муаллифни топинг. Ж: Мақсуд Шайхзода

3. Мақсуд Шайхзоданинг «Тошкентнома» номли лирик-фалсафий достони қачон ёзилган? Ж: 1956-1957 йилларда

4. Кимнинг фикрича, шеър маърифатдан, ҳаётга муҳаббатдан кам бўлмаган даражадаги эҳтиёж саналмоғи даркор? Ж: Мақсуд Шайхзоданинг

5. «Шеърсиз кўчани толе қаргаган,

Бу жойда севгининг манзили бекик», –

деб ёзган муаллифни топинг. Ж: Мақсуд Шайхзода

6. «Ғафурга хат» шеърининг муаллифи? Ж: Мақсуд Шайхзода

7. Мақсуд Шайхзоданинг «Айрилиқ» шеъри кимга бағишланган? Ж: Усмон Юсуповга

8. «Эллар ва йилларга жўр бўлган у зот,

Энди якка ётар қабрида, ҳайҳот!..» –

сатрлари кимга бағишланган? Ж: Усмон Юсуповга

9. «Ватанда у эккан дарахтлар сони

Юлдузлар қадарлик...

Чин, тўғри гап бу!..

20-асрнинг азиз инсоми

Замон заминида яшайди мангу!» —

сатрлари кимга бағишланган? Ж: Усмон Юсуповга

10. Мақсуд Шайхзоданинг тарихий драмаларини топинг.

Ж: «Жалололидин Мангуберди» (1944), «Мирзо Улугбек» (1964)

11. Мақсуд Шайхзоданинг қайси драмасида Ватан эрки, мустақиллиги учун жанг олиб борган жасур саркарда образи берилган? Ж: «Жалололидин Мангуберди»

12. Мақсуд Шайхзоданинг қайси драмаси муаллиф ҳаётлик чоғида, бирор марта тўлиғича нашр қилинмаган? Ж: «Жалололидин Мангуберди»

13. «Жалололидин Мангуберди» драмаси тўлиғича илк бор ўзбек тилида драматург вафотидан неча йил ўтгач босмадан чиқди? Ж: 21 йил ўтгач, 1988 йил

14. Жалололидинга шоҳ ҳаёт бўлишига қарамай, «*у тахтга эга бўлмоқчи*» деб иғво қилган шахс? Ж: Амир Бадриддин

15. Самарқанд ҳокими, шоҳ қизи Султонбегимнинг қайлиги? Ж: Амир Бадриддин

16. «*Киши тугилмайди бошда тож билан,*

Тугилар у эрка эҳтиёж билан,

Бошимнинг тожидир онамга ҳасам», —

фикрлари қайси қаҳрамонга тегишли? Ж: «Жалололидин Мангуберди» драмасида Жалололидинга

17. «*Улуғ давлат тиз чўкмас, ботир ёлбормас,*

Чинор синар, эгилмас, бедов от ҳормас», —

фикрлари қайси қаҳрамонга тегишли? Ж: «Жалололидин Мангуберди» драмасида Жалололидинга

18. Жалололидин билан унинг жангу жадалларида бирга бўлган, салтанатидаги саройда муаррихлик қилган ким? Ж: Муҳаммад Насавий

19. Мангуберди ҳақидаги аксар тарихий маълумотлар қайси олим қаламига мансуб? Ж: Муҳаммад Насавий

20. Кимга Чингизхон ўз томонига ўтишни таклиф қилиб, рози бўлмаса, яккаю ягона ўглини қатл қилмоқчи эканлигини айтганда рад этади? Ж: Темуралиқ

21. «Адолат е инсоф. Нима деган у? Тупурдим буларга, минг карра тфу!» Ушбу фикр қайси қаҳрамонга тегишли? Ж: «Жалолоддин Мангуберди» драмасида Чингизхонга

22. «Муҳаббат! Бу сўзни кимлар тўқиган?

Гўл шоир ёзган-у, тентак ўқиган».

Ушбу фикр қайси қаҳрамонга тегишли? Ж: «Жалолоддин Мангуберди» драмасида Чингизхонга

23. «Жалолоддин Мангуберди» драмасидаги тўқима образларни топинг. Ж: Элборс паҳлавон. Яроқбек, Навкар, Нўён, табиб чол

24. «Жалолоддин Мангуберди» драмасидаги қайси қаҳрамонларда халқ, халқ вакиллари қиёфаси, кучи мужассам? Ж: Элборс паҳлавон ва чол

25. Элборс паҳлавоннинг ася касби? Ж: Чўпон

26. Энг қалтис вазиятларда Жалолоддиннинг ёнида бўлган, уни заҳарлашга интилган табиб оғусидан сақлаб қолган шахс? Ж: Элборс паҳлавон

27. «Жалолоддин Мангуберди» драмасидаги Хоразмшоҳнинг энг яқин кишиси бўлган, лекин хонин ва сотқин шахс? Ж: Амир Бадриддин

28. Бадриддиннинг мулозими, у буюрган ишларни зимдан бажариб келувчи «шотир», асосий мақсади Темуралиқдек ватанпарвар мардларни қўлга тушириш бўлган шахс? Ж: Яроқбек

29. Жалолоддиннинг синглиси? Ж: Султонбегим

30. Ким Ватанни босқинчилардан ҳимоя қилишдек масъулиятли паллада сусткашлик қилади ва ожизлик кўрсатади? Ж: Султон Муҳаммад

Ҳамид Олимжон

(1909–1944)

1. Ҳамид Олимжон қачон ва қасрда туғилган? Ж: 1909 йилда Жиззах шаҳрида

2. Ҳамид Олимжоннинг илк шеъри қандай номланган? Ж: «Кимдир» шеъри 1926 йилда «Зарафшон» газетасида босилган

3. Ҳамид Олимжоннинг илк шеърий тўплами? Ж: «Куклам»

4. Ҳамид Олимжоннинг илк ҳикоялар тўплами қандай номланган? Ж: «Тонг шабадаси»

5. Ҳамид Олимжоннинг пьесаларини топинг. Ж: «Муқанна», «Жиноят»

6. Ҳамид Олимжоннинг неча жилдлик «Мукамал асарлар тўплами» эълон қилинган? Ж: 10 жилдлик

7. Ҳамид Олимжоннинг «Ўрик гуллаганда» шеъри қандай муносабат билан яратилган? Ж: Ҳамид Олимжон 1937 йилнинг мартида Қозоғистонга бориб қайтади. У ерда оппоқ қор бўлган пайтида ўз юртида ўрикнинг оппоқ бўлиб гуллаганини кўради ва шеър ёзади

8. Ҳамид Олимжоннинг «Офелиянинг ўлими» шеъри қандай муносабат билан яратилган? Ж: 1936 йилда Ўзбек Миллий театрида «Ҳамлет» трагедияси қўйилади. Офелия ролини Шоҳида Маҳзумова маромига етказиб ўйнайди. Бундан таъсирланган Ҳамид Олимжон шу шеърни яратади

9. *«Жавоб бериб кўр-чи, номард табиат,*

Бунчалар гўзални нечун яратдинг?!

Ўзинг гуноҳкорсан, осийсан беҳад,

Нечун яратдинг-у ўтларга отдинг?».

Ушбу сатрлар қайси асардан олинган? Ж: Ҳамид Олимжоннинг «Офелиянинг ўлими» шеърдан

10. *«Жисмимиз йўқолур, ўчмас номимиз,*

Ғалаба кунда бўлармиз биз ҳам».

Ушбу шеър муаллифини топинг. Ж: Ҳамид Олимжон,
«Севги» шеъри

11. Ҳамид Олимжоннинг қайси шеърига фольклор асарларига хос сюжет – ёрнинг урушда жон олиб, жон бераётган йигитни излаб йўлга чиқиши, турли қийинчилик ва хавф-хатарларга дуч келиши хос? Ж: «Севги» шеъри

12. *«Бутун ёшлигимиз жангдадир бутун,*

Жангда ечилмоқда севги қисмати.

Жангдадир йигитлар, жангдадир қизлар,

Ҳавода учади маҳбублар хати», –

мисралари Ҳамид Олимжоннинг қайси шеъридан? Ж:
«Севги» шеъридан

13. «Куйгай» қўшиғи қайси драма учун аруз вазнида ёзилган? Ж: «Муқанна» драмаси учун

14. «Куйгай» қўшиғининг муаллифини топинг. Ж: Ҳамид Олимжон

15. «Куйгай» қўшиғини кимлар ижро этган? Ж: Юнус Ражабий ва унинг фарзанди Ҳасан Ражабий

16. *«Сўзингнинг шарпаси текканда олам боб, боб куйгай,
Денгизлар, дарёлар, ҳаттоки кўлларда ҳубоб куйгай».*

Ушбу сатрлар муаллифини топинг. Ж: Ҳамид Олимжон

17. *«Сўзингнинг шарпаси текканда олам боб, боб куйгай,
Денгизлар, дарёлар, ҳаттоки кўлларда ҳубоб куйгай».* Ушбу шеърнинг вазнини аниқланг. Ж: Ҳазажи мусаммани солим.

18. Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» драмасининг яратилишига нима турки бўлган? Ж: С. Айнийнинг «Муқанна қўзғолони» тарихий очерки

19. Ҳамид Олимжон «Муқанна» драмасини яратишда қайси манбалардан фойдаланган? Ж: Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» ва Г.Иброҳимовнинг «Исломнинг келиб чиқиши ва синфий моҳияти» асаридан

20. Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» драмасидаги тарихий образларни топинг. Ж: Фирдак, Боғий, Хишрий, Ҳаким, Кулартагин.

21. Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» драмасидаги тўқма образларни топинг. Ж: Оташ, Гулобод, Гулойин.

22. Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» драмасидаги Муқаннанинг асл исми ким эди? Ж: Ҳошим ибн Ҳаким.

23. «Муқанна» сўзнинг маъноси нима? Ж: Ниқобли киши.

24. Оташ ким? Ж: Оташпарастлар динига мансуб қўллардан бири

25. Оташнинг хотини ва қизининг исми? Ж: Гулобод ва Гулойин

26. Ким Ферузнинг босқинчиларга қўллуқ қилиб, масжид қурганидан норози? Ж: Гулобод

26. Оташпарастликка ҳам, босқинчилар олиб келган динга ҳам лоҳайд бўлган қаҳрамон? Ж: Гулойин

27. Муқанна қаерлик бўлган? Ж: Марвлик

28. Муқанна кимнинг ҳузурида сарханг (офицер) бўлиб хизмат қилган? Ж: Абу Муслим

29. Муқанна ҳақида «у кенг билимли, турли фанлар ва сирли санъатлардан хабардор киши бўлган» деб ёзган тв-рихчи? Ж: Наршахий

30. «Бошқалар фақат вужуддан иборат эдилар. Мен эса бошдан-оёқ руҳдан иборатман ва истагин қиёфада, ҳатто Одам ато, Нух, Иброҳим, Мусо, Исо, Муҳаммад, Абу Муслим сифатида пайдо бўлишим мумкин» деган қаҳрамон? Ж: Муқанна

31. «Сизни босган жараҳатларга малҳам,

Агар худо керак бўлса, худо ҳам,

Одам ҳам ман, озодликдир шиорим,

Ҳурриятдир топинажак оллоҳим!» –

деган қаҳрамон? Ж: Муқанна

32. «Йўқ, мен сизман, худди сизнинг ўзингиз,

Бу кўзларим худди сизнинг кўзингиз», –

Ушбу фикрлар қайси қаҳрамонга тегишли? Ж: Муқаннага

33. «Шунча йиллар оташгоҳга топиндим

Ва билмадим, илоҳим ким, тангрим ким?

*Қайгуси йўқ бирор кунни кўрмадим,
Бирор соат мен бахтиёр бўлмадим.
Ихтиёрни берсанг агар менга сен,
Озодликка топинардим ёлғиз мен».* —

фикрлари кимга тегишли? Ж: Гулоийнга

34. Баттол ва Феруз сингари хоинларни ларзага солувчи қилич соҳиби, мард ва жасур аёл сиймоси? Ж: Гулоийн

35. Қайси асарда сиёсий ва мафкуравий ақидалар тўрига илинмаган, чўри бўлса ҳам ўзини эркин қушдек ҳис этувчи, покиза, ёруғ орзулар ва интилишлар билан яшаётган қиз Гулоийн образи берилган? Ж: Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» драмасида.

36. «Сен бир богсан, мен-чи унда битта гул» деб Муқаннага мурожаат қилган қиз? Ж: Гулоийн

37. Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» драмасида Гулоийн қандай ҳалок бўлади? Ж: Хоин қиличидан ҳалок бўлади.

38. Ким Гулоийн образини жаҳон адабиётининг Лауренция, Нестон-Дарижон образларига қиёс қилади? Ж: Комил Яшин

АДАБИЙ ЖАНРЛАР

1. Жанр нима? Ж: Бир адабий тур доирасидаги асарлар

2. Эпос ва лирика турларининг туташган нуқтасида қайси жанр пайдо бўлган? Ж: Достон

3. Эпоснинг ҳозирги замон ўзбек адабиётидаги асосий кўриниши қайси? Ж: Роман

Миртемир

(1910–1978)

1. Патти, Норбуви, Тошбу сингари ажойиб аёллар образини яратган ижодкорни топинг. Ж: Миртемир

2. Миртемирнинг дастлабки шеъри қандай номланади? Ж: «Танбурум товуши»

3. Миртемирнинг илк шеърий тўплами? Ж: «Шуълалар қўйнида»

4. Миртемирнинг шеърий тўпламларини топинг. Ж: «Зафар», «Коммуна», «Қайнашлар», «Бонг»

5. Қайси ижодкор 22 ёшида қамоққа олиниб, Москва-Волга канали қурилишида ишлаган? Ж: Миртемир

6. Қайси ижодкор Йўлдош Охунбобоевга тўртинчи котиб этиб тайинланган эди? Ж: Миртемир

7. Миртемир «Онагинам» шеърини қандай муносабат билан ёзган? Ж: Қамоқда бўлган шоир онаизорининг сўнгги кунларини кўрмаган ва унинг олдида фарзандлик бурчини ўтай олмаганидан таъсирланиб ёзган

8. Миртемирнинг таржималарини топинг. Ж: Пушкиннинг «Руслан ва Людмила», М.Лермонтовнинг «Исмоилбек», «Савдогар Калашников ҳақида қисса» ва Т.Шевченко шеърлари, Некрасовнинг «Русияда ким яхши яшайди?» ва Ш.Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асарини, «Манас» қирғиз эпосини

9. Миртемирнинг дostonларини топинг. Ж: «Аждар», «Сув қизи», «Дилкушо», «Ойсанамнинг тўйида», «Қўзи»

10. Миртемирнинг қайси дostonи қамоқ йилларида қурилиш таассуротларига бағишланган? Ж: «Номус»

11. «Биринчи президент» пьесасининг муаллифи? Ж: Миртемир

12. Миртемирнинг қайси шеъри унинг қамоқда бўлганига қирқ йил тўлиши муносабати билан ёзилган? Ж: «Ўзим биламан»

13. Миртемир қайси шеърининг сарлавҳасидан кейин «Тагорга эргашиб» деб изоҳ беради? Ж: «Ўзим биламан»

14. Миртемир қайси шеърида «шифрланган» образ ва сўзлардан фойдаланади? Ж: «Ўзим биламан»

15. *«Қулогимда янграр доим бир нидо,
Хўрсинаман, кўзёшимни силаман.*

Шу нидога не сабабдан жон фидо –

Битта узим биламан», –

сатрларининг муаллифи? Ж: Миртемир

16. *«Ойлар ўтар, тонглар ўтар, умр ўтар.*

Олисларни кўзлаб-кўзлаб жиламан.

Менинг қалбим кимни кутар, қон ютар

– Битта ўзим биламан», –

сатрларининг муаллифи? Ж: Миртемир

17. Миртемирнинг:

«Мен сени инжитмайман

Ва лекин тинчитмайман», –

сатрлари кимга бағишланган? Ж: Хотини Ёрқиной, яъни

Тўраш келинга

18. Миртемирнинг:

«Чарх уриб, бўз тўрғайдай бўзлашим бор бошингда,

Эй, сочлари тўлқини тун сингари сим-сиёҳ.

Хол каби пайдо бўлгум ёногинг ё қошингда,

Эй, излари губори кўзларимга тўтиё», –

сатрлари кимга бағишланган? Ж: Хотини Ёрқиной, яъни

Тўраш келинга

19. *«Сени излаб келдим... Согинганман-да,*

Эсингдами баҳор, бегубор кундуз,

Ўйламаган жойда бўлдик юзма-юз».

Ушбу сатрлар муаллифини топинг. Ж: Миртемирнинг

«Пардалик» шеъри(1962)

20. Миртемирнинг «Пардалик» шеъри қандай муноса-

бат билан ёзилган? Ж: Республика бўйлаб қилган ижодий

сафарларининг бирида парда ёпиниб юрган аёлларни кўриб

21. Қайси шоир Миртемирнинг эрқаланиб шеър ёзишни

ёқтирганини таъкидлайди? Ж: Фафур Фулом

22. *«Қарқаралик, қайдин келдинг қошимга,*

Қайдаги савдони солдинг бошимга», –

деб бошланувчи шеърнинг муаллифини топинг. Ж: Мир-

темирнинг «Қарқаралик» шеъри

23. Қайси шоир «шеърда бирор сўзни ўйната олмаган шоир шоир эмас» деб ёзган? Ж: Миртемир.

24. *«Она тилм – онажоним тили бу,*

Бешикданоқ сингган жону қулоққа.

Элу юртим, хонумоним тили бу,

Қадимликда ўхшар она тупроққа»

Ушбу сатрлар муаллифини топинг. Ж: Миртемирнинг «Она тилим» шеъри(1974)

25. Миртемирнинг «Киприкларим» шеърда қандай гоани илгари суради? Ж: Ёш қаламкашларни адабиётимиз бахтига кўз қорачиғидек асраш

26. Миртемир «Киприкларим» шеърда кимларни киприкларим. деб атайди? Ж: Ўзи парваришлаб ўстираётган ижодкор ёшларни

27. *«Қуюнларда қолганимда, чангга ўралганимда,*

Оҳангарон тўзонидан занжи қоралганимда,

Ёки яхши тимсол излаб, чангдай таралганимда,

Ўзбекистон тонгларини бедор кутган кўзларим,

Тенгсиз тонглар фалсафасин ташна ютган кўзларим», –

сатрлари Миртемирнинг қайси шеърдан? Ж: «Киприкларим» шеърдан

28. Қайси шоир:

«Мажнунтол тағига ўтқазинг мени,

Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим.

Мажнунтол тағига ўтқазинг мени,

Мен учун йигласин, мен йиглаб бўлдим», –

деб нола чекади? Ж: Миртемир

29. «Фаргона» дostonининг муаллифи? Ж: Миртемир

30. «Сурат» дostonида Миртемир кимнинг номи билан ҳаракат қилади? Ж: Тошлоннинг

31. Миртемирнинг «Сурат» дostonидаги образларни сананг. Ж: Тошлон ва Ойсулув

32. «Сурат» дostonида Тошлон неча йил жангда бўлади? Ж: Тўрт йил

33. «Сурат» достонидаги Ойсулувнинг касби? Ж: Раққоса

34. *«Гуноҳим не? Жангда бўлганим,
Қон кечганим, юз бор ўлганим?
Дийдорингни унуттолмайин.
Ўлимлардан ҳатлаб келганим?»*

Ушбу сатрлар қайси асардан олинган? Ж: Миртемирнинг «Сурат» достонидан

35. *«Базмларнинг гули бўлганинг –
Ёлгон бўлса, боқ-чи кўзимга.
Мақтовларнинг қули бўлганинг –
Ёлгон бўлса, айт-чи ўзимга».*

Ушбу сатрлар қайси асардан олинган? Ж: Миртемирнинг «Сурат» достонидан

36. *«Ҳаммасидан кулишинг яхши,
Дилкаш мунис туришинг яхши».*

Ушбу сатрлар қайси асардан олинган? Ж: Миртемирнинг «Сурат» достонидан

37. Ойсулув нима учун бошқа кишига турмушга чиқадди? Ж: Ёрининг жангда ҳалок бўлганини эшитганидан сўнг

Истиқлол адабиёти

1. Истиқлол адабиёти эстетик ҳодиса сифатида қачон юзага келди? Ж: 20-асрнинг 90-йилларида

2. Истиқлол адабиётининг ўзига хос хусусиятларини топинг. Ж: Биринчидан, бу давр адабиёти ҳукмрон мафкура тазйиқидан қутулган, одам ва одам руҳиятига мансуб ҳодисаларга хилма-хил қарашларнинг маҳсули бўлган адабиётдир. Иккинчидан, ижод эркинлигига объектив шароит яратилди ва адабиёт кўнгил ишига айланди. Учинчидан, Истиқлол адабиётида одамга ишчи кучи, ишлаб чиқарувчи меҳнаткаш сифатида ёндашиш барҳам топди. Ижодкорлар шахс-

ларнинг руҳияти, ҳиссиёти, кўнглини тасвирлашга эътиборни қаратди. Тўртинчидан, бу давр адабиёти оммани кўрсатишга эмас, шахсни тадқиқ этишга йўналтирилди. Бешинчидан, Истиқлол адабиёти чинакам хилма-хил адабиётга айланди.

3. «Гўрлар қисир – туғишдан қолган» деган бир мисрадан иборат шеър муаллифи ким? Ж: Фахриёр

4. «Кўздан ичкарида йўл йўқ сўздан ичкарида йўл йўқ аммо хўроз қичқириги ортига шафақранг қишлоғим беркиниб олган» сатрларининг маллифини топинг. Ж: Баҳром Рўзимухаммад.

5. Омон Мухторнинг янгича ифода усулида яратилган романларини топинг. Ж: «Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам», «Тепаликдаги хароба», «Аёллар салтанати ва мамлакати», «Ффу», «Майдон»

6. Назар Эшонқулнинг жаҳон прозасининг энг илғор тажрибалари асосида ёзилган асарларини топинг. Ж: «Қора китоб» қиссаси, «Шамолни тутиб бўлмайди», «Тобут шаҳар», «Қуюн» ҳикоялари

7. «Бозор» романининг муаллифини топинг. Ж: Хуршид Дўстмуҳаммад.

8. «Оромкурси» қиссасининг муаллифини топинг. Ж: Хуршид Дўстмуҳаммад.

9. «Жажман» ҳикоясининг муаллифини топинг. Ж: Хуршид Дўстмуҳаммад.

10. «Қорачиқдаги уй» ҳикоясининг муаллифини топинг. Ж: Хуршид Дўстмуҳаммад.

11. Байна момо образи қайси ҳикояда берилган? Ж: Назар Эшонқулнинг «Шамолни тутиб бўлмайди» ҳикоясида.

12. «Шўродан қолган одамлар» қиссасининг муаллифини топинг. Ж: Ш.Бўтаев

13. «Отчопар» қиссасининг муаллифини топинг. Ж: А.Йўлдошев

14. Амир Темурга бағишланган драмаларни топинг. Ж: Тура Мирзо – «Амир Темур», А.Орипов – «Соҳибқирон», О.Ёқубов – «Фотиҳи музаффар ёки бир париваш асири»

Одил Ёқубов

(1927 йилда туғилган)

1. Одил Ёқубовни ижодкор сифатида элга танитган асари қайси? Ж: 1960 йилда яратилган «Муқаддас» қиссаси

2. «Муқаддас» қиссасининг қайси қаҳрамони муайян бир вазиятда ўз иродасига, эътиқодига хилоф равишда худбинлик кўчасига кириб қолади? Ж: Шарифжон

3. Одил Ёқубов қайси асарида 70-йилларда ҳаётда кенг илдиз отган турғунлик мафқурасининг зарарли оқибатларини зўр жасорат ва ростгўйлик билан тасвирлайди? Ж: «Диёнат» романида

4. Одил Ёқубов қайси асарида «катта ишлар қилдим» деган баҳонада одамларнинг бошига чиқиб олган, қонунчилиكنи оёқости қилишдан ҳам тоймайдиган улкан хўжалик раҳбари образини яратиш, унинг парвози ва инқирозини кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди? Ж: «Диёнат» романида

5. Одил Ёқубов қайси асари ҳақида «Мен ҳаётда кўп адолатсизликларга сабаб бўладиган бундай раҳбарлар ҳақида ўйларим ва кўрган-кечирганларимни романдаги Отақўзи образида мужассамлаштиришга ҳаракат қилдим» деб ёзади? Ж: «Диёнат»

6. «Диёнат» романидаги эътиқод ва диёнатнинг ўзига хос тимсоли бўлган образ? Ж: Нормурод домла

7. Қайси романлар «Диёнат»нинг мантиқий давоми ҳисобланади? Ж: «Оққушлар, оппоқ қушлар», «Адолат манзили»

8. Одил Ёқубовнинг 50-йилларда яратилган драмаларини топинг. Ж: «Олма гуллаганда», «Юрак ёнмоғи керак»

9. Одил Ёқубовнинг қайси асари 2000 йилда «Офарин» мукофоти билан тақдирланди? Ж: «Бир кошона сирлари»

10. Қайси асарда оддий дўкондор, кўркем ва шаддоод аёл Дилора, оддий тачкачи Сарварларнинг миллионер бўлиб кетиши тасвирланган? Ж: «Бир кошона сирлари»да

11. Одил Ёқубовнинг «Бир кошона сирлари» драмасининг қаҳрамонларини топинг. Ж: Дилора, Сарвар, Дарвешали, Гулноза

12. «Бир кошона сирлари» драмасининг қайси қаҳрамони буюк жарроҳ? Ж: Дарвешали

13. Дарвешали ва Гулноза неча йилдан бери фарзандга зор эди? Ж: 10 йилдан бери

14. «Бир кошона сирлари» драмасининг қайси қаҳрамони «хотинининг марҳамати билан бойвачча бўлди» қабилидаги таъналарга, эркатой, кўҳлик хотиннинг беҳаё шўхликларини тантиқликларига асло чидай олмайди, бундай турмушга қатъий чек қўяди? Ж: Сарвар

15. «Эркалик қилсам қилгандирман енгиллик қилган бўлсам қилгандирман. Лекин тепамда худо, бирор ит теккани йўқ жисмимга. Жисмим пок, виждоним ҳам». Ушбу фикрлар кимга тегишли? Ж: «Бир кошона сирлари» драмасида Дилорага

16. Дарвешали хотини Гулнозанинг қўшнисини Сарварни севиб қолганини билгандан сўнг қандай йўл тутди? Ж: Ўзи даволаб тузатган Сарварни ўз кўли билан ўлдиради

17. Одил Ёқубовнинг «Кўҳна дунё» асари ким ҳақида? Ж: Ибн Сино ва Беруний ҳақида

18. Одил Ёқубовнинг «Кўҳна дунё» асари кимнинг тилидан ҳикоя қилинади? Ж: Муаллиф ва Абу Убайд ал-Жузжоний тилидан

19. Одил Ёқубовнинг «Кўҳна дунё» асарида кимнинг кундалиқларидан фойдаланган? Ж: Абу Убайд ал-Жузжонийнинг

20. «Кўдна дунё» асарида икки алломанинг ҳаётидаги қанча давр ҳодисалари қаламга олинади? Ж: Бир ойдан ортиқ

21. «Кўдна дунё» асарида Ибн Сино ва Беруний неча йилдан сўнг дийдор кўришади? Ж: 20 йилдан сўнг

22. Ибн Сино адолат учун курашга отланган қайси қаҳрамоннинг маслагини қабул қила олмайди? Ж: Имом Исмоилнинг

23. «Кўдна дунё» асарида кимни васвасаю таҳлика, пувшаймонлар исканжасида кўрамаиз? Ж: Султон Маҳмудни

24. «Кўдна дунё» асарида кимни ҳасад, алам-ўкинчлар оловида ёнаётган ҳолатларда учратамиз? Ж: Пири Буркийни

25. «Кўдна дунё» асарида кимларнинг қалб фарёди ўқувчини ларзага солади? Ж: Маликул Шароб, Наргизабону, Бобо Хурмоларнинг

26. «Кўдна дунё» асаридаги сохта ибн Синонинг исми? Ж: Абу Шилқим Шаҳвоний

27. Одил Ёқубовнинг «Кўдна дунё» асарида қайси тасвирий усулдан фойдаланилади? Ж: Мистификациядан

БАДИИЙ АДАБИЁТДА МИСТИФИКАЦИЯ

1. Бадиий адабиётда мистификация нима? Ж: Аслида йўқ, мавжуд бўлмаган нарсани бор деб ишонтариш, тасвирлаш

2. «Мистификация» сўзининг маъноси? Ж: Сирли-сеҳрли

Пиримқул Қодиров

(1928 йилда туғилган)

1. Пиримқул Қодировнинг таржималарини топинг. Ж: Толстойнинг «Қазақлар», Фединнинг «Илк севинчлар», Деряевнинг «Қисмат» асарларини

2. Пиримқул Қодиров кимнинг ижоди юзасидан номзодлик диссертациясини ёқлаган? Ж: А.Қаҳҳор бўйича

3. Пиримқул Қодировнинг ҳикояларини топинг. Ж: «Қалбдаги қуёш», «Кайф», «Жон ширин»

4. Чинниҳон Пиримқул Қодировнинг қайси асари қаҳрамони? Ж: «Қалбдаги қуёш»

5. Пиримқул Қодировнинг қайси ҳикоясида юбилейга ўчлик касали танқид қилинади? Ж: «Кайф» ҳикоясида

6. Пиримқул Қодировнинг қайси ҳикоясида пахта якка-ҳокимлиги даврида ҳукм сурган айрим даҳшатлар рўйи-рост кўрсатиб берилган? Ж: «Жон ширин»

7. Пиримқул Қодировнинг қайси ҳикояси асосида 1997 йили видеофильм яратилган? Ж: «Жон ширин»

8. Пиримқул Қодировнинг қайси ҳикоясида пахтага сепилган доридан ёш боланинг ўлиши, содир бўлган даҳшатни очиш, айбдорларни жазолаш ўрнига, ҳамма амалдорларнинг ишни босди-босди қилишга уриниши тасвирланади? Ж: «Жон ширин»да

9. Пиримқул Қодировнинг қиссаларини топинг. Ж: «Қадрим», «Эрк», «Мерос»

10. Ким нима деса хўп дейдиган итоаткор, мутеликни маълум даражада оддий бир ҳаётий ҳақиқат сифатида қабул этадиган Искандар образи қайси асарда берилган? Ж: Пиримқул Қодировнинг «Қадрим» қиссасида

11. Ўзгаларга қарамликка кўника олмайдиган жасур қиз Зулайҳо образи қайси асарда берилган? Ж: Пиримқул Қодировнинг «Қадрим» қиссасида

12. «Эрк» қиссасида эрк ва қадр-қиммат масаласи нима орқали ёритилади? Ж: Муҳаббат ва оила орқали

13. Пиримқул Қодировнинг «Эрк» қиссаси қаҳрамонларини топинг. Ж: Саттор, Ойша, Розия

14. Қайси асарда ота-онасининг қистови билан муҳаббатсиз уйланган, лекин ўз кўнглига, виждонига, қалб амрига қарши боролмаган йигит образи берилган? Ж: «Эрк» қиссасида

15. Саттор институтда ўқиб юрганида кимни қаттиқ севар эди? Ж: Розияни

16. Саттор асар сўнггида нимага қарор қилади? Ж: Минг мулоҳазалардан сўнг Ойша томонда қолиш бурчи эканлигини ҳис қилади

17. Пиримқул Қодировнинг қайси ҳиссасида Ёлқян Отажонов тимсолида пахтачилик машаққатининг бутун тафсилотлари билан ҳаққоний тасвирлайди? Ж: «Мерос»

18. Баъзан пахта меҳнатидаги зўриқишдан, эътиборсизликдан, адолатсизликдан очиқдан-очиқ нолийдиган Турсун образи қайси ҳисса қаҳрамони? Ж: «Мерос»

19. Пиримқул Қодировнинг тарихий романларини топинг. Ж: «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довоғи», «Она лочин видоси»

20. Пиримқул Қодировнинг қайси асарида шахсга сиғишиш оқибатлари кескин фожия этилади? Ж: «Уч илдиш» (1955-58)

21. «Уч илдиш» романида асар марказига кимларнинг муҳаббати қўйилади? Ж: Талабалар Маҳкам ва Гавҳар муҳаббати

22. «Уч илдиш» романидаги одамларни қўрқитиб, тўғат қилиб, титроқда ушлаб туришга ўрганган факультет декани? Ж: Ҳақимов

23. «Уч илдиш» романидаги илғор, холис, миллатпарвар фикрлари, чунончи, чор ҳукумати замонидаги Андижон қўзғолони ҳақида ижобий фикр айтгани учун салкам синфий душманга чиқариб қўйилган қаҳрамон? Ж: Акбаров

24. «Уч илдиш» романидаги ноҳақ қамалаб кетган тарихчи олим? Ж: Тошев

25. Ҳақимовнинг ҳамтовоқ шоғирди ким? Ж: Эшонбоев

26. Пиримқул Қодиров «Уч илдиш» романида кимнинг тимсолида мустақил фикрлаш масаласини кўтариб чиқади? Ж: Акбаров тимсолида

27. «Уч илдиз» романида инсон тақдири ва қиёфасини белгилайдиган маънавий-маърифий уч илдиз қайсилар? Ж: Муҳаббат, эл-юртга фидойилик ва билим

28. «Қора кўзлар» романидаги манфаатпараст ва мансабпараст, «Нима бизга Америка» қабилида иш тутиб, хўжалиқдаги чорва туёғига қирон келтиришга бир баҳя қолган арбоб? Ж: Давлатбеков

29. «Қора кўзлар» романидаги «катталарга ялтоқланиш унинг суйган иши» деб таърифланган шахс? Ж: Ортиқ

30. «Қора кўзлар» романидаги ўзининг бадхулқлиги, кажрафторлиги билан қанчадан-қанча одамларнинг дилини хуфтон, бахтини хазон қилган, охирида кўр бўлиб қолган персонаж? Ж: Исмат бобо

31. «Қора кўзлар» романида кимларнинг муҳаббати тасвирланади? Ж: Аваз ва Ҳулкарнинг

32. «Қора кўзлар» романида кимларнинг ҳаёти акс этади? Ж: Чорвадорларнинг

33. Пиримқул Қодировнинг «Қора кўзлар» романидаги аёллар образлари? Ж: Ҳулкар, Жаннатой, Чўлпоной

34. Пиримқул Қодировнинг қайси романи архитекторлар ҳақида? Ж: «Олмос камар» романи

35. Пиримқул Қодировнинг қайси романи 1977 йилда ёзилиб, 1987 йилда қайта ишланиб, айрим ўринлари таҳрирда қисқартирилган? Ж: «Олмос камар» романи

36. «Олмос камар» романи қаҳрамонлари? Ж: Аброр ва Шерзод

37. «Олмос камар» романидаги элпарвар, адолатгўй, майдонларга кўрк беришда миллий удумларимиз, анъаларимизга риоя қилиш тарафдори бўлган архитектор? Ж: Аброр

38. Пиримқул Қодировнинг қайси романи кейинги нашрларда «Ҳумоюн ва Акбар» деб номланган? Ж: «Авлодлар довоии»

39. Пиримқул Қодировнинг «Она лочин видоси» романи кимга бағишланган? Ж: Улуғбек Мирзонинг онаси Гавҳаршодбегим сиймосига

40. Пиримқул Қодировнинг «Авлодлар довони» романида Ҳамидабону асар бошида ва сўнгида неча ёшда бўлади? Ж: Асар бошида 15 ёш, асар охирида 80 ёш

41. Пиримқул Қодировнинг қайси романи яхлит сюжет асосида қурилган эмас, яъни ҳикоялардан ташкил топган? Ж: «Она лочин видоси» романи

42. «Она лочин видоси» романиги ҳикоялар сони? Ж: 25 тадан ортиқ

43. Зарур чоғларда қаттиққўл, лекин вужуди ипакдек майин ва меҳрибон Гавҳаршодбегим образи қайси асарда учрайди? Ж: «Она лочин видоси» романида

44. Пиримқул Қодировнинг қайси романи 1981 йилда Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлди? Ж: «Юлдузли тунлар» романи

45. Пиримқул Қодировнинг қайси романи матбуотда феодализмни тарғиб қилувчи асар сифатида қораланди? Ж: «Юлдузли тунлар» романи

46. Бобур сиймоси ҳақидаги асарларни топинг. Ж: «Юлдузли тунлар» романи, Ойбекнинг «Бобур», Э.Воҳидовнинг «Келажакка мактуб», Б.Бойқобиловнинг «Кун ва тун», Х.Султоннинг «Бобурнома» асарлари

47. Қайси асарда Бобурнинг деярли бутун онгли ҳаёти яхлит яратилган? Ж: «Юлдузли тунлар» романида

Эркин Воҳидов
(1936 йилда туғилган)

1. *«Мен ижодий меҳнатни фаол жамоат ишлари билан қўшиб олиб боришдек шарафли вазифа юкени доимо елкамда ҳис қиламан. Одамларга фақат шеъринг эмас, ўзинг кераклигини сезиш – бу катта бахт. Шунинг учун ҳам жамоат*

меҳнатидан ҳеч қачон ўзимни олиб қочган эмасман. Қайноқ ҳаёт ичида яшаб, ишлаб ўрганганман». Ушбу фикрлар қайси ижодкорга тегишли? Ж: Э.Воҳидовга

2. Э.Воҳидов ота-онасининг исми? Ж: Чўянбой ва Розия-хон

3. Э.Воҳидовнинг 1-шеъри қачон босилган? Ж: 7-синфда ўқиётганида «Муштум» журналида

4. Э.Воҳидовнинг 1-шеърий тўплами? Ж: «Тонг нафаси»

5. «Ёшлигим, кел, куйга тўлган

Қалбим олтин сози бўл.

Мен қўшиқ айтай тўлиб,

Бир лаҳза жўр овози бўл», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Э.Воҳидов

6. Юртимизда нечанчи йилларда «вулгар социализм» деган қараш ҳукм сурган? Ж: 40-50-йилларда

7. Э.Воҳидов қайси китобининг «Дебоचा»сида ишқий кечинмаларни куйлаш, кўҳна шеърий шакл – арузга мурожаат қилишни замондан узоқлашиш деб ҳисобловчиларга қарата: «Истадим сайр айламоқни мен газал бўстонида.

Кулмангиз, не бор сенга деб Мир Алишер ёнида», –

деб ёзади? Ж: «Ёшлик девони»

8. «Барча шодлик сенга бўлсин, бор ситам, зорлик менга.

Барча дилдорлик сенга-ю, барча хушторлик менга», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Э.Воҳидов

9. «Сени ётлар тугул ҳатто қилурман раишқ ўзимдан ҳам, Узоқроқ термулиб қолсам бўлурман гаш кўзимдан ҳам», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Э.Воҳидов

10. «Бас, етар, ёлгон саодат,

Ёлгон эрк, ёлгон Ватан!», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Э.Воҳидов «Ватан исти-ги» шеъри

11. «Заррани ижод этиб,

Даҳшат бало бунёд этиб,

Оқибатни йўқ этиб,

Ҳайрон ўзинг, ҳайрон ўзинг», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Э.Воҳидов «Инсон» шеъри
12. Э.Воҳидовнинг қайси шеърда она замин ҳақидаги
аламли ўйлар ифодаланган? Ж: «Сирдарё ўлани» шеърда

13. *«Сен борсанки, кенг воҳада ҳаёт бор,*

Демак, юртинг лабида бол, набот бор...

Сен пахтасан, олма, анор ва нурсан,

Ўзбек учун сурурсан ҳам гурурсан,

Дарё эмас, халқ тимсоли эрурсан,

Оқиб тургин, қуриб қолма, онажон», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Э.Воҳидов «Сирдарё
ўлани» шеъри

14. Э.Воҳидовнинг қайси шеъри ижтимоий пафоси жи-
ҳатидан 70-йиллар Ўзбек миллий шеърятининг жиддий ютуғи
ҳисобланади? Ж: «Арслон ўйнатувчи»

15. Э.Воҳидовнинг қайси шеъри хорижий сафар таассу-
ротлари таъсирида яратилган бўлиб, қарамликка, мутелик-
ка қарши ўткир айбнома каби янграйди? Ж: «Арслон ўйна-
тувчи»

16. *«Сенинг ҳар бир ўтли наъранг – менга тарсаки.*

Нетай, мен ҳам эгалик қул, бошда хожам бор», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Э.Воҳидов «Арслон ўйна-
тувчи»

17. 80-йиллар охири, 90-йиллар бошларида юз берган
жамиятимиз ҳаёти, маънавиятидаги ўзгаришлар, одамлар
онгидаги зврилишлар Э.Воҳидовнинг қайси китобида ўз
аксини топган? Ж: «Яхшидир аччиқ ҳақиқат»

18. *«Кечир, янглишмаган ким бор,*

Менинг ҳам кўп гуноҳим бор.

Одамзод асли нокомил,

Кечир ё раб, кечир ё раб», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Э.Воҳидов

19. «*Ўзи озод қуш каби кўрмоқ истайдир кўнгил*» мисрасининг муаллифи? Ж: Э.Воҳидов, «Ватан истаги» шеъри

20. «*Руҳлар исёни*» достонига кимнинг ҳаёти асос қилиб олинган? Ж: Исёнкор бенгал шоири Назрул Ислоҳ

21. «*Шоир юрак – пок тилаги,*

Имонидир башарнинг.

Армон тўла юракдаги

Исёнидир башарнинг», –

мисралари Э.Воҳидовнинг қайси асаридан олинган? Ж: «*Руҳлар исёни*» достонидан

22. «*Ҳар нечаким зўр истеъдод,*

Тошқин шўҳом, У нега?

Халқинг ётса чекиб фарёд,

Ярамасанг кунига.

Шоир эсанг, Шоир бўлиб

Нега келдинг ҳаётга?

Эллинг ётса дардга тўлиб,

Келолмасанг нажотга?!» –

мисралари Э.Воҳидовнинг қайси асаридан олинган? Ж: «*Руҳлар исёни*» достонидан

23. «*Жаҳолат тўғрисида ривоят*» Э.Воҳидовнинг қайси асаридан олинган? Ж: «*Руҳлар исёни*» достонидан

24. «*Жаҳолат тўғрисида ривоят*»да улуғ ҳақимнинг жаҳолат ҳукм сурган замонда наштар билан кўрнинг кўзини очишга журъат қилиши, жоҳил оломон томонидан бундай журъат макруҳ деб аталиши, ҳақимнинг сазойи этилиши, гулханда куйдирилиши Э.Воҳидовнинг қайси асаридан олинган? Ж: «*Руҳлар исёни*» достонидан

25. «*Шу оловдан элнинг ажаб,*

Ақл кўзи очилди.

Ўқиндилар, аза тутиб

Йигладилар, куйдилар.

Донишмандга йиллар ўтиб

Олтин ҳайкал қўйдилар», –
мисралари Э.Воҳидовнинг қайси асаридан олинган? Ж:
«Рухлар исёни» дostonидан

Шукур Холмирзаев
(1940 йилда туғилган)

1. Шукур Холмирзаев талабалигида кимнинг раҳбарлигида ташкил этилган тугарақда Гамлет родини ўйнаган? Ж: Шукур Бурҳонов

2. Шукур Холмирзаев ким ҳақида ҳужжатли эссе ёзган? Ж: Шукур Бурҳонов ҳақида

3. Шукур Холмирзаевнинг «У устоз – мен шоғирд» ҳужжатли қиссаси ким ҳақида? Ж: Матёқуб Қўшиёнов ҳақида

4. Шукур Холмирзаев қайси рассом ҳақида ажойиб адабий портрет ёзган? Ж: Рўзи Чориев ҳақида

5. Шукур Холмирзаевнинг қиссаларини топинг. Ж: «Букри тол», «Ўн саккизга кирмаган ким бор», «Булут тошган сой»

6. Романлари: Ж: «Сўнги бекат» (1976), «Қилкўприк» (1978-82), «Йўловчи» (1987), «Олабўжи» (1991), «Динозавр» (1996)

7. «Ёзувчи миллат руҳидан келиб чиқмаса, бўлмас экан», деб ёзган ёзувчи? Ж: Шукур Холмирзаев

8. Шукур Холмирзаевнинг сўнги босқич ўзбек адабиётининг ибратли намунаси бўлган ҳикояларини топинг. Ж: «Бодом қишда гуллади», «Ўзбеклар», «Қадимда бўлган экан», «Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди», «Кўк денгиз», «Наврўз», «Хумор»

9. Шўро тузуми учун астойдил хизмат қилган, уруш қатнашчиси Жалил ота қайси ҳикоя қаҳрамони? Ж: «Табассум» (1984)

10. «Табассум» ҳикоясида Жалил ота бир вақтлар қизиларга фидойи хизмат қилган, қўрбоши бошига етганлар-

нинг фаоли, қўш-қўш нишонилар олган Мўмин чолнинг набирасидан набирасига совчи келганда нима учун набирасини у хонадонга беришни хоҳламайди? Ж: Мўмин чол адашганлар сафида бўлганлиги учун

11. Ҳикоя нима учун «Табассум» деб номланади? Ж: Жалил ота ҳатто ўлимим бу тўйни қолдириши мумкин-ку, деб ўйлади ва қазоси етганда юзида табассум қотиб қолади

12. «Бодом қишда гуллади» (1985) ҳикояси қаҳрамонлари? Ж: Болалик, касаллик боис бирмунча даллироқ, савдойроқ бўлиб қолган Носиржон балоғатга етган бир чоқда хастахонада Ҳуббижамол исмли қизга кўнгил беради. Қизнинг кўнгли бошқада эканлигини билгандан сўнг, қишда очилган бодом каби севгиси сўнади

13. Шукур Холмирзаевнинг қайси ҳикояси фарс, кино, аламзада қувноқлик усули қўлланган ҳолда яратилган? Ж: «Хумор» ҳикояси

14. Қайси ҳикояда бир миллат, бир мамлакатнинг маълум бир босқичдаги фожиаси кичик бир қаҳрамон тимсолида ўз характерини ўзи очиш йўсинида ёритилади? Ж: «Хумор» ҳикояси

15. Қайси ҳикоя қаҳрамонининг фарзанди йўқ, далани кўрмаса хумори тутади, ўрмалаб бўлса ҳам далага чиқиб туради? Ж: «Хумор» ҳикояси

16. «Сиз бир нарсани тушунмаяпсиз: у дори менинг таржимаи ҳолимга сингиб кетган, ахир! Тушуняпсизми? Менинг бутун қувончларим, завқларим, ҳаётимнинг маъноси, ватан олдидаги бурч, илк муҳаббатим ҳам ўша билан боғлиқ». Бу парча қайси ҳикоядан? Ж: «Хумор» ҳикоясидан

17. Қайси ҳикоя Янги истиқбол замони таъсирида рўй бераётган инсон қалбидаги ўзгаришлар билан, асрлар давомида шаклланиб келган миллий сажиянинг учрашган нуқтасида намоён бўлаётган фазилатлар акс эттирилади? Ж: «Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди» ҳикояси

18. «Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди» ҳикоясидаги қайси қаҳрамон маънавий покликка солиқ қолади? Ж: Қудрат

19. Султон, Обид Обиджонович, Жониқул Жондорев сингари таниқли олимлар қайси ҳикоя қаҳрамонлари? Ж: «Наврӯз, наврӯз» ҳикояси

20. «Наврӯз, наврӯз» ҳикоясидаги қайси қаҳрамон замонни, ўзгаришларни, қийинчиликларни, инсон руҳиятидаги турли ҳолатларни яхши тушунади. уларга тўғри баҳо бера олади? Ж: Султон

21. «Наврӯз, наврӯз» ҳикоясидаги қайси қаҳрамонни на табиат ва на жамиятда кечаётган байрам руҳи ўзгартира олади. У аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай: ўзига ортиқча бино қўйган, кеккайган, дўст узрини қабул қилишдан ожиз? Ж: Жониқул Жондорев

22. Қайси ҳикоя қаҳрамонлари «Динозавр» романида тасвирланажак айрим қаҳрамонларнинг эскизи ҳам эди? Ж: «Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди» ҳикояси

23. Шукур Холмирзаевнинг 20 ёшларида газетада чоп этилган, сўнг «Оқ отли» номи билан китоб ҳолида босилган қиссаси? Ж: «Тоғлар орасида»

24. Шукур Холмирзаевнинг 22 ёшларида ёзилган, сўнг қайта ишланиб «Букри тол» номи билан китоб ҳолида нашр этилган қиссаси? Ж: «Тўлқинлар»

25. Маъмуржон қайси қисса қаҳрамони? Ж: «Букри тол»

26. Шукур Холмирзаевнинг 25 ёшларида ёзилган ва адибга катта шухрат келтирган қиссаси? Ж: «Ўн саккизга кирмаган ким бор»

27. Жамшид, Умида, Тилов қайси қисса қаҳрамонлари? Ж: «Ўн саккизга кирмаган ким бор»

28. Шукур Холмирзаевнинг қайси асариди ҳикоя унсурлари кучли бўлса-да, жанр жиҳатдан қиссага яқин туради? Ж: «Булут тошган сой»

29. Гўзал, дилбар овозли, кўзи тушган йигит деч бўлма-

ганда юраги каптардек питирлайдиган қиз Гулсара қайси асар қаҳрамони? Ж: «Булут тошган сой»

30. Қайси асарда ота қизини унинг раъйига қарамай, аввалги оиласидан фарзанд кўрмаган прокурор дўстига тегишга мажбур қилади? Ж: «Булут тошган сой»

31. Қадамидан нафас олишигача таъқиб ва назоратда бўлган, бамисоли қафасдаги қушдек яшаган, юраги отасидан, эридан, ҳаётдаги ҳамма нарсадан ўч, фақат ўч олиш истаги билан ёнган Гулсара қайси асар қаҳрамони? Ж: «Булут тошган сой»

32. Гулсарага ким тўғри ва тоза қўлини узатганда, ўзини унга номуносиб деб топиб рад этади? Ж: Таваккал

33. Шукур Холмирзаевнинг дастлабки романи? Ж: «Сўнгги бекат» (1974)

34. Шукур Холмирзаевнинг қайси романи шўро даврининг сўнгги босқичидаги камчиликларни замондошлар қиёфасидаги норасоликларни кескин фош этиши билан ажралиб туради? Ж: «Сўнгги бекат»

35. Шукур Холмирзаевнинг қайси романи кўпроқ монолог ва диалоглар асосига қурилган? Ж: «Йўловчи»

36. Қайси романда болаликда ари чаққан ўртоғининг азобланаётганини кўриб, дардини бироз енгиллатай деб, ўзини ҳам арига чақтирган Бекдавлат образи бор? Ж: «Йўловчи»

37. Қайси романда мустақиллик арафаларидаги шўро жамиятини таназзулга етаклаган жараёнларнинг маънавий ва ахлоқий асослари кўрсатилган? Ж: «Йўловчи»

38. Қайси романда Ултон ва Баҳор сингари ёшлар тақдирини чилпарчин қилишда, жамиятни расво йўлга етаклашда Тўқлибой Қўчқоров сингари кимсан, фирқанинг манаман деган раҳбарлари бош-қош бўлгани очиб ташланади? Ж: «Йўловчи»

39. Қайси романда «қизил»ларнинг «босмачи»ларга

қарши олиб борган кураши ва уларни маҳв этиш жараёнлари тасвирланади? Ж: «Қилкўприк»

40. Иброҳимбек қўрбоши ҳузурига разведкачи қилиб юборилган шахс? Ж: Қурбон

41. Бир вақтлар Эшони Судурга мурид ва шогирд бўлган, сўнг ундан келиб шўролар йўлини тутган қаҳрамон? Ж: Қурбон

42. Қурбон ва Ойпарча муҳаббати қайси романда акс этган? Ж: «Қилкўприк»

43. «Қилкўприк» романида ёзувчи қайси қаҳрамон қиёфасига жвидларга хос айрим ғояларни сингдиради? Ж: Эшони Судур

44. Шўро жамиятида сиёсатга, унинг ваъдаларига ишониб яшаган режиссёр Маҳкам қайси роман қаҳрамони? Ж: «Динозавр»

45. «Динозавр» романидаги ўйлаб иш тутадиган, мушоҳадакор, келажакка ишонувчи йигит образи? Ж: Жамалиддин

46. «Динозавр» романидаги қайси қаҳрамон тимсолида оиладаги моддий етишмовчиликнинг миллий табиатга кўрсатётган айрим номатлуб таъсири очиб берилади? Ж: Маҳкам аканинг хотини Шаҳло тимсолида

47. «Динозавр» романидаги шўро даврида болалар шоири бўлган, энди ҳажга борганию ёдлаган тўртта ҳалисини пеш қилиш билан овора бўлган замонга мослашувчи образ? Ж: Абзал

48. «Динозавр» романидаги истиқлолгача фирқавий идоранинг каттагина раҳбари, шўролар мамлакатни тарихи ўқитувчиси бўлган, энди эса аввалги даврни бўралаб сўкиб, истиқболли одамларга ялтоқланиб, улар ишончига кириб олган тубан киши образи? Ж: Тоиров

49. «Динозавр» романидаги янги замонга муносиб равишда шаклланиб келатган ишбилармон, тadbиркор образи? Ж: Бўрибой

50. Яккаю ягона фарзанди Умиджонни Абдулла Набиев

таъсирига берилгани ва «Яша Шўро»ни ашула қилиб айтиб юргани учун ўлимга маҳкум этиб юборган Хуррамбек қайси асар қаҳрамони? Ж: «Қора камар» драмаси

51. Хуррамбекнинг сафдоши, дўсти бўлган, қизиллардан кечирим сурашга чоғланган шахс? Ж: Остон

Абдулла Орипов

(1941 йилда туғилган)

1. Абдулла Ориповнинг 1-шеърий тўплами? Ж: «Митти юлдуз»

2. Абдулла Ориповнинг дostonлари? Ж: «Жаннатга йўл», «Ҳаким ва ажал», «Ранжком»

3. Абдулла Ориповнинг шеърий драмаси? Ж: «Соҳибқирон» (1996-1998)

4. «Мен хўйладим бу олам аро,
Собит турган халқимни фақат», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Абдулла Орипов «Созим»
шеъри

5. «Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,
Ҳайкал ҳам қўйингиз бамисли хаёл.
Шундайлар бўлмаса азар дунёда,
Бу қадар муқаддас бўлмасди аёл», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Абдулла Орипов «Аёл»
шеъри (1963)

6. Абдулла Ориповнинг қайси шеъри чуқур инсоний изтиробларни, умидларни, ҳаётга чанқоқ муҳаббат билан қоришиқ иштибоҳларни ва улардан янги униб чиқувчи умид куртакларини терай тасвирлаш жиҳатидан қимматли? Ж: «Сароб» (1966)

7. Абдулла Ориповнинг қайси шеъри олдин «Ўйларим» номи билан босилган? Ж: «Сароб»

8. Абдулла Ориповнинг қайси шеърида ўзбек халқи, де-

ҳқони, пахтакорининг букилмас иродаси, очиқ, беғубор кўнгли, матонати ва меҳнатсеварлиги куйланади? Ж: «Саратон» (1969)

9. «Саратон чоғи бу – зарра шамол йўқ,
Тутлар қавағида мудрар гурраклар», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Абдулла Орипов «Саратон» шеъри

10. Абдулла Орипов қайси шеърида «Менинг деҳқон бобом, андак ором ол», дейди? Ж: «Саратон»

11. «Шамоллар эсгандир ушбу дунёда,
Шамоллар гоҳ қуюн, гоҳида довул.
Улар гоҳ ошқора, гоҳи рўёда,
Қанча бўстонларни совурган бутқул.
Лекин сен бўлмагин боғлар заволи,
О, юртим шамоли, юртим шамоли», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Абдулла Орипов «Юртим шамоли» шеъри

12. Абдулла Ориповнинг қайси шеъри маснавий йўлида ёзилган? Ж: «Маломат тошлари» (1976)

13. Абдулла Ориповнинг фикрича, дунёда шундай тош ҳам борки, у инсонга беҳуда озор етказмайди, кўнгил шишасини хиёнат билан синдирмайди. Бу қандай тош? Ж: Бу виждон томонидан уйғотиладиган маломат тошларидир

14. «Идрокинг мавжиги теккани замон,
У мудроқ руҳингга солгай галаён», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Абдулла Орипов «Маломат тошлари» шеъри

15. «Чувалади ўйларим сенсиз,
Хаёлимга тароқ ургайман.
Менинг қўлим етмаган юлдуз,
Тушларимда сени кўргайман», –
мисраларининг муаллифи? Ж: Абдулла Орипов «Чувалади ўйларим сенсиз» шеъри

16. Абдулла Ориповнинг қайси шеърини кичик лирик

достон дейиш мумкин? Ж: «Юзма-юз» (1964)

17. Абдулла Ориповнинг қайси шеърида барча кулфатлар, адашишлар ҳамжиҳатликнинг бузилишидан, ўлжани уй-уйига тортиб кетишдан бошланган, деб бошланади? Ж: «Юзма-юз»

18. *«Халқим, мозий ўтди, толе кўрмадинг,*

Пиширдинг ўзингга бенасиб таом.

Кийгиздинг бировга, ўзинг киймадинг,

Юлдузни кашф этиб ном олдинг: авом», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Абдулла Орипов «Юзма-юз»

19. Абдулла Орипов қайси шеърида *«миллион эгатларга сочилган ўзбек»* дардини куйлайди? Ж: «Юзма-юз»

20. Абдулла Орипов қайси шеърида эзгулик тождор турнадек камёб бўлиб кетмасин, ҳаё оташга дуч келган палопондек куйиб нобуд бўлмасин, имонни одамлар қор одамдек қидириб юрмасин, булбул мақомини бойқуш даъво қилгандек, гўзал туйғулар ўрнини худбинлик, дилозорлик эгалламасин, деб куюниб ёзади? Ж: «Қўриқхона»

21. *«Тўқайга ўт кетса ёнгай бус-бутун,*

Адолат борлиққа ёлғиз онадир.

Дунё ҳам, инсонлар қалби ҳам бугун,

Ёвузликдан зада қўриқхонадир», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Абдулла Орипов «Қўриқхона»

22. Абдулла Орипов таржимаси? Ж: Алигери Дантенинг «Илоҳий комедия» асари

23. Абдулла Ориповнинг истиқлол даврида яратилган манзумалари? Ж: «Ватан», «Халқ», «Темур», «Адолат офтоби», «Эрк ҳаққи»

24. «Жаннатга йўл» достони қайси жанрга мансуб? Ж: *Драматик достон*

25. «Жаннатга йўл» достонида воқеа-ҳодисалар қаерда

содир бўлади? Ж: Асар афсонавий-мифологик ва фантастик мавзу асосида яратилгани учун воқеа-ҳодисалар «нариги дунё»да содир бўлади

26. «Жаннатга йўл» дostonи қаҳрамонлари? Ж: Йигит, Она, Ота, Дўст, Тарозибон

27. Қайси дostonда эзгулик фақат имкон борича рўёбга чиқариладиган хоҳиш эмас, у инсонда, албатта, амалга оширилиши зарур эҳтиёж бўлмоғи керак, деган хулоса бор? Ж: «Жаннатга йўл» дostonида

28. «Жаннатга йўл» дostonида инсон бурчини белгиладиган икки асосий омиллар қайси? Ж: Эзгу ишларни амалга ошириш ва ёмонликка аёвсизлик

29. Ҳаётлик дунёсида ота-онани беҳурмат қилиш у ёқда турсин, хато қилиб бир бор сенсиргани учун неча марта ҳажга борган киши жаннатга ноил бўлолмай қолади? Ж: Етти марта

30. Тасодиф туфайли ёки фақат айрим ҳолларда қилинган савобли ишининг ўзигина жаннатга тушиши учун етарли бўлмаслиги қайси образ орқали берилган? Ж: Сойдаги тошқинда бир қизалоқни қутқариб, ўзи вафот этган йигит орқали

31. «Савоб деган нарса ахир тасодиф эмас, Етмиш икки томирдан у оқиб келгуси», – фикрлари кимга тегишли? Ж: Тарозибонга

32. «Жаннатга йўл» дostonидаги бош қаҳрамон Йигитнинг касби? Ж: Шоир

33. Шоирга жаннатга кириш учун икки пайса савоб етмайди. Буни Тарозибон қандай изоҳлайди? Ж: Шоир одамларнинг бошига етган ҳасадгўй, қора юрак, туҳматчи, писмиқларни баъзан кўра-била туриб, уларга қарши курашмаган, фош этмаган. Азоб кўрганларнинг дардини куйлаш, уларни ҳимоя қилиш ўрнига, гулу юлдузга шеър битиш билан андармон бўлиб юраверган. Бу иш гуноҳ саналади

34. Йигит образи очилишида нималар муҳим роль ўйнайди? Ж: Ота билан дардлашув, Она соғинчи

35. «*Ёлғиз эди дунёда у, лекин чинакам Ёлғизлатиб қўйган эди ҳаёт бешафқат*», – мисралари ким ҳақида? Ж: Йигит ҳақида Она тилидан айтилган

36. «Жаннатга йўл» достонида инсон умри моҳиятидаги гўзаллик ва қудратнинг асоси сифатида нима кўрсатилади? Ж: Дўстлик

ДОСТОН ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

1. Достон қандай турларга бўлинади? Ж: Уч турга: лирик достон, эпик достон, драматик достон

2. Қандай достонлар ҳажм жиҳатдан кичикроқ бўлади? Ж: Лирик достон

3. Лирик достонларда воқеа, қаҳрамон характери қандай очилади? Ж: Лирик йўсинда

4. Лирик достонлар? Ж: Миртемирнинг «Сурат», А.Ориповнинг «Юзма-юз» достонлари

5. Қандай достонларда ҳаёт манзаралари, кўтарилган муаммо кенг ва чуқур ёритилади? Ж: Эпик достонларда

6. Эпик достонларни топинг. Ж: Ойбекнинг «Даврим жароҳати», Шайхзоданинг «Тошкентнома», Э.Воҳидовнинг «Истамбул фожиаси» достонлари

7. Драматик достонларни топинг. Ж: Фитратнинг «Шайтоннинг тангрига исёни», А.Ориповнинг «Жаннатга йўл» достонлари

8. Драматик достоннинг шеърӣ драмадан фарқи? Ж: Драматик достон ҳам саҳнада қўйилиши мумкин, лекин у, асосан саҳналаштиришдан кўра, ўқиш учун мўлжаллаб ёзилган бўлади

Рауф Парфи Ўзтурк

1. Рауф Парфи ҳачон ва қаерда туғилди? Ж: 1943 йилда Янгийўл туманига қарашли Шўралисой қишлоғида.

2. Рауф Парфининг отаси? Ж: Отаси Парфи Муҳаммадамин шўролар қувғини даврида Фарғонанинг Водил қишлоғидан Шўралисойга келиб қолган

3. Рауф Парфининг онаси? Ж: Онаси Сакинахоним ҳам асли фарғоналик эди

4. 1960 йилда ТошДУнинг журналистика факультетига ўқишга кирди. «Марксча-ленинча фалсафа» фанидан ўтолмагани учун университет дипломини ололмади

5. Рауф Парфининг бадий диди шаклланишида кимнинг таъсири катта бўлди? Ж: Шоир Абдураҳмон Водилийнинг

6. Рауф Парфининг 1-шеъри қайси? Ж: 1953 йилнинг 5 мартда 10 ёшида Сталин вафотига бағишлаб ёзилган марсияси эди

7. Қайси шоир университетнинг 1-босқич талабаси эканида унинг қаламига мансуб «Лайло» шеъри миллат ёшларининг энг сеvimли қўшиғи сифатида куйланарди? Ж: Рауф Парфи

8. Рауф Парфининг 1-шеърий китоби? Ж: «Карвон йўли» 1968 йилда босилди

9. Рауф Парфининг таржималари: Байроннинг «Манфред», Нозим Ҳикматнинг «Инсон манзаралари», Маҳмуд Ҳодийнинг «Аҳволи интибоҳ», Карло Каладзенинг «Денгиз хаёли», А.Дюманинг «Уч сарбоз» асарлари

10. Қайси шоир шеърияти учун адоқсиз изтироб ва ийқисиз норозилик ҳосилдир? Ж: Рауф Парфи

11. «Унда кезар мангу изтироб», «Тугатиб бўлмас ҳеч бу дардни ичиб, Ёрилган ярадан чечаклар ўсди», «Ҳеч тузалмас яра у – Сўздир, ахир». Ушбу мисралар муаллифи? Ж: Рауф Парфи

12. Қайси шоир шеърлари изтироб суратларидир? Ж: Рауф Парфи

13. «*Мен куйиниб севаман, нетай,
Мен куйиниб сўзлайман, холос.*»

Ушбу мисралар муаллифи? Ж: Рауф Парфи

14. Қайси шоир «*Рауф Парфи-яралари очиқ шоир. Унда ҳазинлик кўп*», – дейди? Ж: Асқад Мухтор

15. Қайси ижодкор шоирлар ҳақида:

«*Ярим дунё унга керакмас фақат,
Бутун Коинотни забт этмаги шарт*», –
деб ёзади? Ж: Рауф Парфи

16. Қайси шоир «*Агар юрак ютиб қилсам ошкор, сўзларим зулмга отилган ўқдир*», дейди? Ж: Рауф Парфи

17. Рауф Парфи ижодига хос муҳим жиҳат қайси? Ж: У шеърларида борлиқ ва унда мавжуд бўлган барча одамларни эмас, алоҳида олинган бир инсон ва унинг ички оламини тасвирлашга интилади

18. «*Маънос эди сенинг кўзларинг гоят,
Гўё йўлсиз ўрмон баргларин тўкиб*»

Ушбу мисралар муаллифи? Ж: Рауф Парфи «Дилоромнинг кўзлари» шеъри

19. «*Туркистон, Туркистон, энди кулмасми,
Маломат, тутқунлик энди ўлмасми?*»

Ушбу мисралар муаллифи? Ж: Рауф Парфи

20. «*Кошки сувга чўксам.*

Чўкмасман. Сен бор.

Кошки ўтда куйсам.

Куймасман. Сен бор.»

Ушбу мисралар муаллифи? Ж: Рауф Парфи

21. Рауф Парфи қайси шеърида телеграф усулига ўзлаш ифода йўлидан моҳирлик билан фойдаланади? Ж: «Ёшлик зангор фасл...»

22. *«Видо табассумли олам, ёшлигим,
Кўзларимда қотган жолам, ёшлигим».*

Ушбу мисралар муаллифи? Ж: Рауф Парфи

23. *«Хато қилдим, севгилим,
Хато қилдим билмасдан».*

Ушбу мисралар муаллифи? Ж: Рауф Парфи

24. *«Тугатиб бўлмас ҳеч бу дардни ичиб,
Ёрилган ярадан чечаклар ўсди.*

Юрагингинг йиртиқ кўйлагин ечиб,

Багрингга босарсан: «Бормисан, дўстим?» –

Ушбу мисралар муаллифи? Ж: Рауф Парфи «Оғриқ» шеъ-

ри

25. *«Ҳар ким ўз қалбига ўзидир хоқон,
Барибир мен сени севиб сизларман.*

Эҳтимол ноҳақман, эҳтимол ҳақман –

Муқаддас Туркистон сўзин изларман»

Ушбу мисралар муаллифи? Ж: Рауф Парфи

26. *«Имон бер руҳимга, жисмимга жон бер,
Лойимни қориштирар, поклаб бер менга».*

Ушбу мисралар муаллифи? Ж: Рауф Парфи «Тавба» шеъ-

ри

27. Рауф Парфининг қайси шеъри

«Додимни эшитгил, қодир Аллоҳим,

Ишқ сенсан, ошиқ ҳам сен, мен қулингман», –

деб бошланади? Ж: «Тавба» шеъри

28. *«Аллоҳим, билурсан қай сори кетдим, Аллоҳим*

...Мен ўлдим... мен сенга етдим» –

Ушбу мисралар муаллифи? Ж: Рауф Парфининг «Тав-

ба» шеъри

29. *«Фақат қайга кетдинг, қайларда қолдинг,*

Оҳ, қандай яшайман сенсиз – севгисиз»

Ушбу мисралар муаллифи? Ж: Рауф Парфининг «Сен-

сиз» шеъри

30. Рауф Парфи қайси шеърида «Охири ўлдирар мени хаяжон», дейди? Ж: «Шоир» шеъри

31. «Йўқса, бу паришон тизмалар нечун?»

Кимни шоир дея тан олар жаҳон,

Биз кимни шоир деб атаймиз бугун?» –

мисраларининг муаллифи? Ж: Рауф Парфи «Шоир» шеъри

32. Рауф Парфининг ижтимоий оҳанги яққол сезилиб турадиган, «Кунтуғмиш» достонидаги Холбеканинг дор остидаги илтижоси йўлида ёзилган шеъри? Ж: «Ассалому алайкум, дорнинг оғочи»

33. «*Нон сўраб келганга жонингни бердинг,*

Сендадир матонат, сендидир тоқат,

Ўлдирсанг, ўзингни ўлдирдинг фақат,

Ассалому алайкум, дорнинг оғочи», –

мисраларининг муаллифи? Ж: Рауф Парфи

34. «Адашган руҳ» достони 1991 йилда ёзилган, лекин ҳали тугалланмаган.

35. «Адашган руҳ» достонида нима акс этган? Ж: Шоирнинг халқ ва ватан тарихига ҳиссий назари, миллат ва унинг қисмати тўғрисидаги ўйлари

36. Достоннинг ҳажми? Ж: Ҳозирги кўринишда 4 қисмдан иборат бўлиб, ҳар қисм 5 тўртликдан ташкил топган

37. Достон композицияси? Ж: Дастлабки тўртликнинг 2-мисраси 2-банднинг, 3-мисраси 3-банднинг дастлабки сатри сифатида келади

38. «*Қуёшнинг ёғдуси қорадир,*

Юлдузлар музлардир тўкилган,

Бу дарё узанган ярадир,

Дарахтлар – эгилган, букилган».

Ушбу мисралар муаллифи? Ж: Рауф Парфи

39. «*Туркистон туглари тикилган,*

Ватансиз зотларнинг йўли берк.

*Зўрланган, зорланган, тўкилган,
Эркидан айтилган қутлуғ эрк» –*

Ушбу мисралар муаллифи? Ж: Рауф Парфи «Адашган руҳ» достони

40. *«Даврлар қаърида инграйдир башар,
Айтадир: Шоир йўқ, шеърият яшар!».*

Ушбу мисралар муаллифи? Ж: Рауф Парфи

Модерн адабиёти

1. Европа адабиётида модерн адабиёти қачон юзага келди? Ж: 20-аср бошларида

2. Бу адабиёт йўналишининг пайдо бўлишига сабаб нима эди? Ж: Ботишдаги ҳаёт тарзи ва фикрлаш йўсини

3. Модерн сўзининг маъноси? Ж: Французча, янги, замонавий деган сўздан олинган

4. Модерн ёзувчилар оламни қандай рангларда кўрдилар ва тасвирлай бошладилар? Ж: Кўпроқ қора рангларда

5. Модерн ёзувчилар одамзоднинг қайси жиҳатларини акс эттиришга уриндилар? Ж: Кутилмаган жиҳатларини

6. Модерн адабиётида нима муҳим? Ж: Ҳаёт ҳақиқатига риоя этиш муҳим саналмайди. Модерн ёзувчилар учун тасвирнинг ҳаётдагига, борлиқдагига ўхшаши эмас, балки одамнинг ички оламини, руҳий тўлғамларини акс эттириши муҳимдир

7. Ўзбек адабиётида модерн адабиётини ким бошлаб берган? Ж: Рауф Парфи

8. *«Оғушимда зангори сезги,*

Кипригимда суюқ ҳаяжон,

Кўзларимда юмалоқ севги». –

Ушбу мисралар муаллифи? Ж: Рауф Парфи

Муҳаммад Ҳодий

1. 20-аср Озарбайжон адабиётининг классикларидан бири бўлиб, 1879 йилда Шамахи шаҳрида туғилди.
2. Қайси шоирнинг ҳаёти ўзи айтгандай, «ғамли, алам-ли» кечган? Ж: Ҳодийнинг
3. Ҳодий кимнинг қўлида таҳсил олган? Ж: Мулла Алиаббос
4. Ҳодий кимдан араб тилини ўрганган? Ж: Мустафо Лутфийдан
5. Журналистлик фаолиятини қайси газетада бошлаган? Ж: «Ҳаёт» газетасида
6. Октябрь инқилобидан руҳланган Ҳодий уни табрик-лаб қайси шеърини ёзган эди? Ж: «Нағмайи аҳбобона»
7. Қайси шоир ижодида ижтимоий мазмундан холи соф интим шеърлар йўқ даражада? Ж: Ҳодий
8. Ҳодийнинг ilk мажмуаси? Ж: «Фирдавси илҳомат» (1908) юксак баҳоланган
9. Ҳодий ижодига кучли таъсир этган шоирлар ижоди? Ж: Намиқ Камол ва Фикрат
10. Қайси ижодкор «*Ҳаёт қанчалик аччиқ бўлса, шунчалик ширин ҳамдир*», дейди? Ж: Ҳодий «Саодати зоила» ҳикоясида
11. Ҳодийнинг мавжуд адолатсиз жамиятга, аччиқ ҳаётга қарши қўйилиб, 1908 йилда яратилган қайси асари ширин хаёллар, гўзал орзулар ифодасидир? Ж: «Олами мусоватдан мактублар» достони
12. Қайси асарда ижтимоий идеаллар ҳаётга татбиқ этилган, адолат, эрк фақат қоғозларда эмас, амалда бўлган шаҳар тасвирланади? Ж: «Олами мусоватдан мактублар» достонида
13. Ким адабиётнинг моҳияти, санъаткорнинг тарихдаги ўрнини сиёсий жиҳатдан ҳам изоҳлаб, ҳақиқий ёзувчи-

нинг вазифаси бадий сўзни халққа хизмат қилдиришда, деб ҳисоблади? Ж: Ҳодий

14. Ҳодийнинг ижодида қайси жанрлар учрайди? Ж: Маснавий, ғазал, қасида, мухаммас, рубоий, қитъа, эпик дoston, лиро-эпик шеър, ҳикоя, мансура, очерк, мақола, таҳриз, мемуарлар, очиқ мактуб, репортаж ва ҳ.к.лар

15. Ҳодий бадий мероси? Ж: 300 дан ортиқ шеър, 70 га яқин мақоладан иборат

16. Ҳодийнинг қайси шеъри танқидчиларга қаратилган? Ж: «Содда ёз деганларга» шеъри

17. Ҳодий қайси тимсолларни хуш кўриб ишлатарди? Ж: «Хаёл» ва «ҳаёт» тимсолларини

18. Қайси шоир «Инсон ўзи орзу қилган барчи гўзал нарсалар: озодлик, муҳаббат, тенгликдан маҳрум бўлса, унда бу қандай ҳаёт бўлади?» дер эди? Ж: Ҳодий

19. Ҳодий ижодининг нечанчи босқичида «ҳузни умумий» (жаҳоний ғам) тамойили юз кўрсата бошлаган? Ж: 2-босқичида

20. «Ҳузни умумий» (жаҳоний ғам) тамойили нима? Ж: Бутун 20-аср шеърятига хос ижтимоий юкли ҳузи – ўзидан ҳам кўра ватанни, халқини ўйлайдиган номусли ватандошнинг қайғуси эди

21. Ҳодийнинг мавжуд адолатсиз жамиятга, аччиқ ҳаётга қарши қўйилган, ширин хаёллар, гўзал орзулар ифодаси бўлмиш достони қайси? Ж: «Олами мусоватдан мактублар» деб номланиб, 1908 йилда яратилган

22. Ҳодий ҳукуматга қарши чиқишлари учун қачон Салоникка сургун қилинди? Ж: 1912 йилда

23. Ҳодий сургундан қачон Бокуга қайтиб келди? Ж: 1914 йилда

24. Ҳодийнинг шеърий тўпламлари? Ж: «Ишқи муҳташам ёки Афлотун севгиси», «Шукуфайи ҳикмат»

25. Ҳодийнинг «Аҳволи интибоҳ» («Озодлик лавҳалари») достони қачон яратилган? Ж: 1918-1919 йилларда

26. «Аҳволи интибоҳ» («Озодлик лавҳалари») достони ни ўзбек тилига ким таржима қилган? Ж: Рауф Парфи 1997 йилда «Ҳаёт садолари» номи остида таржима қилган.

27. «Аҳволи интибоҳ» («Озодлик лавҳалари») достони неча қисмдан иборат? Ж: 46 қисмдан

28. «Аҳволи интибоҳ» («Озодлик лавҳалари») достони қандай бошланади? Ж: Дунёнинг қора бўёқлардаги тасвири билан: бутун коинот ўт ва қон ичида

29. Қайси шоир жаҳонни «қонли овлоқ», инсонни эса «ғаддор овчи, жаллод» деб билади? Ж: Ҳодий

30. Қайси дoston бошланишиданоқ кишини улкан оғриқ қамраб олади? Ж: «Аҳволи интибоҳ» («Озодлик лавҳалари») достони

31. «Аҳволи интибоҳ» («Озодлик лавҳалари») достонида қандай образлар бор? Ж: «Мен» ва «мозий»дан иборат икки образ бор

32. *«Бутун осоримиз қонли, жиноятлар ҳақиқатдир, Бани одамда ҳар кун шароратлар ҳақиқатдир». «Башар! Бадбахтсан гирён, паришон бир ҳаётинг бор. Мусибат туфрогидан йўгерилган бадбахт зотинг бор».* Ушбу мисралар кимнинг қайси асаридан олинган? Ж: Ҳодийнинг «Аҳволи интибоҳ» («Озодлик лавҳалари») достонидан

Франс Кафка

(1883–1924)

1. 20-аср адабиёти тараққиётини янги йўналишга солиб юборган, инсон ва унинг умрига ўзгача муносабатни қарор топтирган қайси адиб дунёдаги энг ғаройиб ва тушунарсиз тақдир эгаси бўлган? Ж: Франс Кафка

2. Қайси адиб миллатига кўра жуҳуд, туғилган ва яшаш жойига кўра прагалик, тилига кўра немис, таянган маданий анъаналарига кўра австриялик бўлган ёзувчи ўзида мут-

лақо келиштириб бўлмайдиган қарама-қаршилик, чигалликларни жамлаган одам эди? Ж: Франс Кафка

3. Кимнинг асарлари инсон тафаккурини ўзгартириб юборди, унинг адабиёт ҳақидаги тасаввурини янгиледи, одамга ўзгача эстетик нуқтайи назардан қараш мумкин эканлигини исботлади? Ж: Франс Кафка

4. Франс Кафкадан нечта роман қолган? Ж: 3 та роман қолган бўлиб, учаласи ҳам тугалланмаган эди, учови ҳам адибнинг ўлиmidан кейин чоп этилди

5. Франс Кафка 1883 йилнинг 3 июлида Прага шаҳрида туғилди.

6. 1901-1905 йилларда машҳур Прага университетиде ҳуқуқшуносликни ўрганди. 1917 йилда сил касаллигига мубтало бўлди. 1924 йилнинг 3 июнида Вена шаҳри атрофидаги Кирлинг санаторийсида вафот этди.

7. Ким кўпроқ ўзи учун ёзадиган адиб эди? Ж: Франс Кафка

8. Дунё аҳли қайси адибнинг адабий мероси миҳёсидан унинг ўлиmidан сўнггина хабардор бўлди? Ж: Франс Кафка

9. Қайси адиб ўз асарларини яхши кўрмас, уларни чоп эттиришга деярли қизиқмас, ҳатто ўлими олдидан дўсти Макс Бродга ўзининг чоп этилмаган барча қўлёзмаларини тезде ёқиб ташлашни васият қилган эди? Ж: Франс Кафка

10. Ким «менда адабий қизиқишлар йўқ, мен ўзим адабиётдан иборатман», деганди? Ж: Франс Кафка

11. Ким ўз асарлари ҳақида: «Мен уларни яратган онларнигика ҳурмат қиламан, холос», деган? Ж: Франс Кафка. Шунга кўра Франс Кафка асарларини шуҳрат орттириш ёки қалам ҳақи учун эмас, балки ёзмасликнинг иложини топмагани учунгина ёзган дейиш мумкин

12. Кафканинг 1-асари? Ж: «Бир кураш тарихи» ҳикояси бўлиб, 1902-1903 йилларда ёзилган, сўнгги асари эса адибнинг касаллиги авж олган 1923 йилда яратилган «Қурилиш» ҳикояси

13. Франс Кафканинг 1-романи Ж: «Америка», 1911-1916 йиллар

14. Франс Кафканинг 2-романи Ж: «Жараён», 1915-1918 йиллар

15. Франс Кафканинг сўнгги романи Ж: «Қўрғон», 1921-1922 йилларда яратилган

16. Кафканинг қайси асарлари жуда машҳур? Ж: «Эврилиш», «Хукм», «Жазо колониясида», «Очлик устаси» сингари ҳикоялари, «Отамга хат» эссеси

17. Қайси адиб «Уйланиш, оила қуриш, менимча, одам қилиши мумкин бўлган ишнинг энг юксаги», деб эътироф этса-да, уч марта унаштирилса ҳам оила қурмади, фарзанд кўрмади? Ж: Франс Кафка

18. Кимнинг ҳикоялари кишида қўрқув, ҳатто айрим ўринларда жирканиш туйғуларини уйғотиши ҳам мумкин ва бу ҳикояларнинг қаҳрамонлари ўзларини доимо гуноҳкор ҳис этишади, аммо гуноҳи ва қўрқуви сабабини ўзлари ҳам билишмайди? Ж: Франс Кафка

19. Франс Кафка ижодида ҳам, 20-аср адабиёти тараққиётида ҳам унинг қайси ҳикояси катта ўрин тутади? Ж: «Эврилиш» ҳикояси

20. «Эврилиш» ҳикояси қаҳрамони ким? Ж: Савдо корхонасининг тиришқоқ хизматчиси, яқинларига жуда меҳрибон Грегор Замза кунларнинг бирида уйқудан қандайдир жирканч ҳашаротга айланган ҳолда уйғонади. Бу ҳикояда кечагина оиланинг тиргаги бўлган йигитнинг қирқоёққа айлангани учун ҳеч кимга керак бўлмай қолгани, бора-бора оиладагиларга ортиқчалик қилиб, олдинига эътибордан қолгани, кейинчалик ундан қутулишга ҳаракат қилишгани, меҳру муҳаббат кўрсатиш ўрнига ҳимоясиз ва нотовон йигитни ўз ҳолига ташлаб қўйгани тасвирланади.

21. Франс Кафка қайси ҳикояси орқали инсоннинг мутлақ беҳудуд ва интиҳосиз ёлғизлигини тасвирлайди? Ж: «Эврилиш»

22. «Эврилиш» ҳикояси қандай тугайди? Ж: Ҳикоя сўнгида йигитнинг ўлими оиладагиларини қайғуга солмайди. балки қувонтиради, улар бу ҳодисани нишонлашади ҳам

23. «Жазо колонияси» ҳикояси? Ж: Унда жамият бир умр инсон эркини бўғади, уни ҳамиша ўзи истамаган ишни қилишга мажбур этади, деган хулоса келиб чиқади. Ҳикояда қаҳрамонлар йўқ, шунчаки персонажлар иштирок этади. Кафка туш кўриш қонуниятларига кўра ижод қилади. Чунки туш кўришнинг ҳам мантиққа таянадиган қонуниятлари йўқ. Жазо колонияси инсон яшайдиган жамият рамзини ифода этади. Офицер колонияда ёлғиз ўзи ҳукм чиқаради ва жазо машинасини қўллайди. Унинг фикрича, ҳар қандай одам айбдордир ва жазога лойиқдир. Ҳикоя сўнгида офицер ўзини жазо машинасига солиб тилка-пора қилди

24. Кимнинг ҳикояларида инсон кўпинча иложсиз, маҳкум, эзилган, чеклаб ва қисиб қўйилган ҳолда акс эттирилади? Ж: Франс Кафканинг

25. Кафканинг I-романи «Америка» деб аталиб, бош қаҳрамони? Ж: 16 ёшли ўспирин Карл Россман. Ўта содда, ишонувчан, камтар ва олижаноб йигитча ахлоқсиз хизматкор аёл томонидан йўлдан урилгани учун жазо сифатида Америкага жўнатилади

26. Кимнинг барча асарларида одам муҳитнинг қурбони ҳисобланади? Ж: Франс Кафканинг

27. Франс Кафка энг баланд инсоний туйғуларга эга инсон муҳит томонидан қандай ғажиб ташланишини кимнинг тимсолида кўрсатиб берган? Ж: Карл тимсолида

28. «Қўрғон» романининг қаҳрамони? Ж: Фамилияси К. ҳарфи билан белгиланади. Кафканинг фикрича, жамият шахсни эзади, синдиради, қиёфасизлантиради. Қиёфасиз одам эса қандай аталгани билан қиёфасизлигича қолаверади. Шу боис Кафка қаҳрамонларига ном бермаслик орқали унинг шахсизлигини, қиёфасизлигини бўрттириб кўрсата-

ди. «Қўрғон»нинг қаҳрамони К.нинг ҳаётдаги энг катта мақсад – граф Вествест тасарруфидаги қўрғонга кириб олишдан иборат. Қўрғон – бу жамият.

29. «Қўрғон» романида нима акс эттирилган? Ж: Ҳаётнинг маънисиз, инсон умрининг фойдасиз ва нурсиз эканлиги

30. «Жараён» романининг ҳажми? Ж: Тўққиз бобдан иборат. Унинг бобларига муаллиф ном қўйган бўлса ҳам, ёзувчи томонидан уларнинг тартиби аниқ белгилаб берилмаган. М.Брод асарнинг ички мантиғидан келиб чиқиб, бобларни жойлаштирган

31. «Жараён» романи қаҳрамони? Ж: Соғлом, бақувват, ишчан, билимдон, ҳаётда яхшигина мавқега эга Йозеф К.дир. У кутилмаганда гуноҳ қилгандикда айбланиб, унинг устидан жинойи иш қўзғатилади

32. Қайси романдаги тасвир бошдан-оёқ кишида қўрқув, илжисизлик туйғуларини пайдо қилади? Ж: «Жараён»

33. «*Сен бошқалардан ҳаддан ортиқча ёрдам кутасан. Наҳотки, сен бу ерда ҳеч қачон ёрдам асдойдил булмаслигини сезмаган бўсанг?*» Ушбу фикр кимга тегишли? Ж: Рудонийга.

34. Қайси қаҳрамон терговчига қарата: «*Ҳаммаларингиз сотилган, занжири бир-бирига боғлиқ тўдасизлар*», дейди? Ж: Йозеф К.

35. Кимнинг «*бутун тузумни ёлгон забт этажак*», деган гаплари асар моҳиятини акс эттиради? Ж: Йозеф К.нинг

36. Нималиги маълум бўлмаган айби учун ўлдирилаётган пайтда қайси сўнги сўзларини айтади? Ж: «*Худди ит каби*»

37. Ким «*гуё айбланувчининг тақдири унинг қиёфасида, айниқса, унинг лабида шундоқ кўриниб турармиш. Ҳа, ҳакам сизнинг лабларингизга қараб ҳукм чиқаради*», дейди? Ж: Савдогвр Блок

38. Кимнинг асарлари оғир ўқилади? Ж: Франс Кафканинг, чунки у ҳаётдан нусха олмайди, балки асарларида ўз билганича ҳаёт яратади

МУНДАРИЖА

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ

«Кунтуғмиш» достони	3
«Ашомиш» достони	7
«Маликаи айёр» достони	15
Достонлар ҳақида назарий маълумотлар	22

5-СИНФ АДАБИЁТИ

Халқ оғзаки ижоди	25
Имом ал-Бухорий	26
Эзоп	28
Афсоналар	29
Ривоятлар	30
Эртаклар	32
Ҳамид Олимжон	35
Мақсуд Шайхӯда	37
Шухрулло	38
Андерсен	39
Абдулла Қодирий	40
Ойбек	42
Ғафур Ғулом	43
Усмон Носир	45
Шеър ҳақида	46
Ўткир Ҳошимов	47
Миртемир	49
Мақсуд Қориев	50
Экзюпери	51
Алишер Навоий	55
Бобур	56
Муқимий	57
Саъдий Шерозий	60
Ҳамза	61
Эркин Воҳидов	62

Абдулла Орипов	63
Ўлмас Умарбеков	63
Нодар Думбадзе	65

6-СИНФ АДАБИЁТИ

Худойберди Тўхтабоев	68
Ғафур Ғулом	72
Азим Суюн – Азимбой Алимович Суюнов	74
Жонатан Свифт	77
Муҳаммад Аминхўжа Муқимий	82
Абдулла Қаҳҳор	84
Чингиз Айтматов	86
Одил Ёқубов	88
Эркин Воҳидов	89
Ўткир Ҳошимов	91
Саид Аҳмад	93
Алишер Навоий	97
Носириддин Бурҳониддин Рабғузий	99
Одамнинг яратилиши	100
Шайтоннинг лаънатланиши	101
Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннатдан ҳайдалиши	103
Нуҳ алайҳиссалом қиссаси	104
Қорун қиссаси	106
Муҳаммадшариф Гулханий	107
Кабутар билан зог	109
Маймун билан нажор	109
Туя билан бўталоқ	110
Тошбақа ва чаён	110
Думсиз эшак	110
Ёлгончи туя	110
Зоҳир Аълам	111
Абай	115
Зулфия	116
Тоғай Мурод	117
Пиримқул Қодиров	123
Мақсуд Шайхзода	126

7-СИНФ АДАБИЁТИ

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий	127
Муҳаммад Али	130
Умар Сайфиддин	133
Шавкат Раҳмон	135
Шукур Холмирзаев	138
Рауф Парфи	141
Омон Матжон	144
Умар Хайём	146
Атоий	147
Абдулла Қодирий	149
Ҳамид Олимжон	154
Зулфия	154
Турди Фароғий	155
Абдулла Қаҳдор	157
Махмур	161
Увайсий	162
Миртемир	164
Расул Ҳамзатов	166
Алишер Навоий	167
Ташбеҳ	170
Таносуб	171
Ирсоли масал	172
Чўлпон	172
Кўчим ҳақида	174
Усмон Носир	175
Бадий адабиётнинг турлари	176

8-СИНФ АДАБИЁТИ

Юсуф Хос Ҳожиб	177
Дидактик адабиёт ҳақида тушунча	181
Хоразмий	181
Нома жанри ҳақида	183
Лутфий	184
Туюқ ҳақида	187

Алишер Навоий	188
Сайфи Саройи	192
Нодира	193
Мусамман ва муашшар	196
Абдурауф Фитрат	197
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий	200
Ғафур Ғулом	202
Қофия ҳақида	205
Ойбек	205
Мақсуд Шайхзода	207
Трагедия ҳақида	209
Усмон Носир	210
Асқад Мултор	212
Саид Аҳмад	215
Роман шакллари	218
Озод Шарафиддинов	219
Тўра Сулаймон	220
Муҳаммад Юсуф	222
Робиндранатҳ Тҳокур	224
Ўлжас Сулаймонов	227
Фирдавсий	227
Сергей Есенин	231

9-СИНФ АДАБИЁТИ

Носириддин Рабғузий	232
Алишер Навоий	234
«Ҳайрат ул-Аброр» достони	236
«Фарҳод ва Ширан» достони	238
«Лайли ва Мажнун»	242
«Сабъи сайёр»	244
«Садди Искандарий»	247
Заҳириддин Муҳаммад Бобур	248
Мемуар асар ҳақида	255
Бобораҳим Машраб	255
Тасаввуф ва тасаввуф атамалари	260
Муҳаммад Ризо Оғаҳий	261

Зокиржон Ходмуҳаммад ўгли Фурқат	265
Абдулла Қодирий	269
Бадний асарда миллий руҳ ифодаси	275
Абдулҳамид Чўлпон	275
Мусо Тошмуҳаммад ўгли Ойбек	281
Роман шакли ҳақида	285
Одил Ёқубов	286
Бадний адабиётда руҳият таҳлили	290
Абдулла Орипов	290
Лирик қаҳрамон	297
Вильям Шекспир	297
Трагик образлар ва ҳаёт ҳақиқати	302
Ҳайрих Ҳайне	303
Александр Пушкин	306
Шеърлий роман	310
Чингиз Айтматов	311
Бадний асар пафоси ҳақида	319
Мустақиллик даври ўзбек адабиёти	320

10-СИНФ АДАБИЁТИ

Адабиёт тарихи ҳақида	323
Исломигача бўлган даврдаги туркий адабиёт қадимги адабий ёдгорликлар	325
Авесто	326
Ўрхун-энасой ёдгорликлари	328
Исломи таъсири давридаги туркий адабиёт илк уйғониш давридаги туркий адабиёт	332
Мовароуннаҳрда форс ва араб тилида яратилган адабиётлар	333
Қомусий олимлар	334
Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий	334
Аҳмад Фарғоний	335
Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ўзлуғ Тархон Фөробий	336
Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино	337

Абу Райҳон Беруний	340
Туркий тил равнақи	341
Маҳмуд Қошғарий ва унинг «Девону луғотит турк» асари ...	341
Юсуф Хос Ҳожиб	343
Дидактик дoston	346
Аҳмад Юғнакий	347
Аҳмад Яссавий	350
Ҳикматлар	354
XII-XIV асрлар адабиёти	354
Носириддин Рабғузий	357
Уйғониш даври ўзбек адабиёти	361
XIV асрнинг иккинчи ярмидан 17-асргача бўлган адабиёт	361
Атоғи	365
Ҳазал	367
Саккокий	368
Қасида	371
Лутфий	372
Туяқ ва қитъа	375
Ирсали масал, талмеҳ ҳамда лаф ва нашр санъатлари	376
Алишер Навоий	377
Муҳаммад Солиҳ	394
Ҳожа	398
Мумтоз ҳикоя	401
Заҳириддин Муҳаммад Бобур	402
Хонликлар даври ўзбек адабиёти	406
XVII асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврдаги адабиёт	406
Турди Фароғий	409
Бобораҳим Машраб	412
Маънавий санъатлар	416
Гулханий	417
Ҳажвиёт	419
Шермуҳаммад Мунис	419
Амирий	422
Жаҳон отин Увайсий	423

Нодира	426
Муҳаммад Ризо Огаҳий	429
Тарди акс, радди матлаъ	435
Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий	435
Мирзо Ғолиб	438

II-СИНФ АДАБИЁТИ

Янги ўзбек адабиёти	440
Муҳаммаднийёз Комил Хоразмий	442
Муҳаммад Аминхўжа Муқимий	445
Убайдулла Завқий	449
Муҳаммас	451
Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат	451
Жадид адабиёти	455
Абдурауф Фитрат	456
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий	461
Драматик тур	465
Абдулла Қодирий	465
Бадий асар поэтикаси	470
Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон	470
Бадий адабиётнинг вазифалари	475
Шўро даври ўзбек адабиёти	475
Ғафур Ғулом	476
Мусо Топмуҳаммад ўғли Ойбек	479
Бадий услуб	484
Абдулла Қаҳҳор	484
Мақсуд Шайхзода	489
Ҳамид Олимжон	492
Адабий жанрлар	495
Миртемир	495
Истиқлол адабиёти	499
Одил Ёқубов	501
Бадий адабиётда мистификация	503
Пиримқул Қодиров	503
Эркин Воҳидов	507

Шукур Ҳолмирзаев	511
Абдулла Орипов	516
Достон ва унинг турлари	520
Рауф Парфи Ўлтурк	521
Модерн адабиёти	525
Муҳаммад Ҳодий	526
Франс Кафка	528

Ўқув-услубий нашр

АДАБИЁТ ФАНИДАН САВОЛ-ЖАВОБЛАР

Муҳаррир	Маъмура ҚУТЛИЕВА
Бадний муҳаррир	Баҳриддин БОЗОРОВ
Мусаҳҳиж	Илҳом ҚОСИМОВ
Компьютерда саҳифаловчи	Феруза БОТИРОВА

Босишга 15.06.2009 й.да руҳсат этилди. Бичими 60x84 1/32.

Босма тобоғи 33,75. Шартли босма тобоғи 15,69.

Гарнитура «LexTimes Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.

Адади 5000 (1-завод 2000) нусха. Буюртма № 136.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги асравлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89;

Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс — 273-00-14; e-mail: yangiasr@unbox.ru